

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ, С. МАМАЖОНОВ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртарининг дарслар ўзбек тилида
олиб бориладиган нофилологик гуруҳ
талабалари учун дарслик сифатида тасдиқлаган*

ТОШКЕНТ — “ЎЗБЕКИСТОН” — 2002

81.2 Уз
А 15

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик А. Р. РУСТАМОВ ва филология фанлари доктори, профессор Т. М. МИРЗАЕВЛАРНИНГ умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

ЎзРФА ҳақиқий аъзоси, академик А. РУСТАМОВ, ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг директори, филология фанлари доктори, профессор Т. МИРЗАЕВ, ЎзРИИВ Академиясининг тиллар кафедраси mudiri, филология фанлари номзоди М. А. РУСТАМОВ, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси mudiri, доцент К. Н. РАҲИМОВА

ISBN 5-640-03005-4

А $\frac{4602000000-129}{M351(04)2001}$ 2002

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2002 й.

МУҚАДДИМА

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон халқи ўзлигини англаш, минг йиллик тарихини, анъаналарини, маданиятини, урф-одатларини тиклаш бахтига эга бўлди. Халқимизнинг асрий орзулари, озодлик деб жонини фидо қилган ўзбек зиёлиларининг мақсадлари рўёбга чиқди. Тилимизга Давлат тили мақоми берилиб, тарбия ва маориф соҳалари ҳам юксак талабларга жавоб бера оладиган янги бир тизимни ташкил этди.

Тарихдан маълумки, халқни ўзига тобе қилишни ис-таган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, мадания-тидан жудо қилишга интилади. Мустамлакачилик дав-рида чор Россияси амалдорлари маҳаллий халқни тари-хидан, буюк маданиятидан маҳрум қилиш учун қиммат-баҳо тарихий қўлёмаларни ташиб кетдилар, ўзлари эса маҳаллий аҳоли учун хат-савод ўргатиш мактабларини очишдан нарига ўтмадилар. Бу сиёсат Советлар ҳокимия-ти даврида давом этди: ватанпарварлик, инсонпарвар-лик, сабр, кечиримлилик, яхшилик каби юксак ғоялар-ни тарғиб қилган буюк олимларни йўққа чиқардилар, ислом динини таъқиб қилдилар. Инсоний ғояларни куй-лаган адибларни қораладилар, камситдилар. Улар ярат-ган адабий асарларда шариатга тааллуқли буюк ғояларни эълон этиш мумкин бўлмай қолди. Бундай юксак ғоялар-ни ўз асарларида тараннум этган адабиёт эса клерикал, сарой адабиёти деб қораланди (Яссавий, Фазлий каби), ўрнига коммунистик ғоя сингдирилди. Мустақилликка эришгач, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлагани-дек, "...биз ўз миллий табиатимиз ва минг йиллик анъа-наларимиз, урф-одатларимизга зид бўлган сохта комму-

нистик ғоялардан воз кечдик. Лекин ... бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз. Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар аввало мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда”. И. А. Каримов “бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?” деган савол қўйиб, бунга шундай жавоб беради: “Бунинг йўли — одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустақкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш”. Ҳозирги кунда ёш мутахассис, қандай соҳада меҳнат қилишидан қатъи назар, ўз касбини чуқур эгаллаши билан бирга, ўз тарихини, урф-одатларини, қадриятларини яхши ўзлаштирган, омма билан яқин алоқада бўла оладиган мутахассис, олим, адиб, муаллим, жамоат арбоби бўлишига, «мен ўзбек фарзандиман деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш» зарур.

Ана шундай комил инсонни тарбиялашни кўзлаб, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган олий ўқув юртларининг нофилологик факультетларида ҳамда ўрта махсус мактаблар (лицей ва коллежлар)да ўзбек адабий тилини ва адабиётини махсус курс сифатида ўқитиш тўғрисида икки марта (1992 йилнинг 25 октябрида ва 1996 йил 14 ноябрда) буйруқлар қабул қилди. Бу буйруқлар асосида махсус дастур тузилиб, вазирлик томонидан 1998 йили тасдиқланди. Ушбу дарслик мана шу буйруқ асосида ёзилди.

Дарсликнинг ўзбек тилига оид қисмида Ўзбекистонда ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонуннинг моҳияти, ўзбек тилининг ва халқининг шаклланиш жараёни, ҳозирги ўзбек адабий тили ва ёзувининг хусусиятлари ва услуби ҳақида маълумот берилади ва расмий ёзма ҳужжатларни тузиш йўллари ўргатилади.

Дарсликнинг ўзбек адабиёти қисмида эса мумтоз ўзбек адабиётига асос бўлган Ўрхун — Энасой битиклари, XI—XIII аср адабиёти (“Девону луғатит турк”, “Қутадғу биллиг”, “Ҳинбатул ҳақойиқ”) ҳақида маълумот берилиб,

Алишер Навоий ва ундан сўнги давр адабиёти таҳлил этилади. Адабий асарларда инсонпарварлик, раҳм-шафқат, дўстлик, кечиримлилиқ, меҳр-оқибат, мардлик ва одиллик ғоялари талқин этилади ҳамда талаба ва ўқувчиларни ана шундай олий хислатга эга бўлишга даъват қилинади.

Ўзбек тилида дарс олиб бориладиган нофилологик олий ўқув юртлири ва факультетлари талабаларига ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад уларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг янги алифбосини ва имлосини яхши ўзлаштириб олиши ҳамда адабий тилнинг турли услубларидан бохабар бўлиши ва уларни амалда қўллай билиши, шунингдек, расмий ҳужжатлар тузишни яхши эгаллаб олишига эришишдан иборат. Шу мақсадларни кўзлаб мазкур дарслиқда грамматик қонуният ва қоидаларга батафсил тўхталиб ўтирмай, алифбо, имло, талаффуз, тилиш белгиларини тўғри қўллаш билан боғлиқ бўлган тил қоида ва қонунларигина изоҳлаб ўтилди, муншаот бобида энг зарур бўлган расмий ҳужжатларни тузиш тартибигина берилди.

Ёзувимизнинг лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтишини ҳисобга олиб, дарслиқнинг алифбо ва имло қисмларида ҳарфлар ва мисоллар янги ўзбек алифбосида берилди.

Албатта, бу дарслиқда айрим камчилик ва нуқсонларнинг бўлиши табиийдир. Мазкур дарслиқ бўйича мулоҳаза ва таклифларни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз.

Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, “Ўзбекистон” нашриёти.

Биринчи бўлим **ЎЗБЕК ТИЛИ**

1 б о б

ТИЛ — ИЖТИМОЙ ҲОДИСА

Тил инсонга ва жамиятга хос бўлган ҳодисадир. У инсонлар орасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлган бир қуролдир.

Тил маълум бир фикрни ифодалайди, шунинг учун инсонлар сўзлашганда ўз фикрларини билдирадилар, фикр алмашадилар. Шу билан бирга, сўзлашув орқали, фикр олишув йўли билан инсон ўз фикрини тўлдиради, чуқурлаштиради ҳам.

Тил фикр билан чамбарчас боғланган. Тил онг қадар эскидир. Онг, фикр пайдо бўлиши билан тил ҳам пайдо бўлган. Аммо ибтидоий тил тузилиши томонидан содда, мазмун жиҳатдан мураккаб, қоришиқ (диффуз) бўлган. Фикр, тушунча ривожланиши, табақаланиши билан тил ҳам ривожланади, ҳар бир тушунчани, фикрни ифодалаш учун айрим сўз, ибора ва гаплар қўллана бошлайди.

Тил ягона тизимни ташкил этади. Унинг турли соҳалари товушлари, сўзлари, қўшимчалари, гап қурилиши бир-бири билан узвий боғланади. Сўз ва товушдаги ўзгариш гап ва қўшимчалардаги ўзгаришга олиб келади.

Тарихда ўз товуш тилига эга бўлмаган бирорта ҳам ибтидоий жамоа бўлмаган.

Тахминий ҳисобларга кўра, дунёда 1300 та халқ ва элат бўлгани ҳолда, 3000 га яқин тил мавжуд. Суданда яшайдиганлар 117 тилда, Доғистонда 100 дан ортиқ тилда сўзлашадилар. Айрим тилларда ниҳоятда кам (кама-синлар — 200, қарагаслар — 600) киши сўзлашса ҳам, улар ўз тилларини кўз қорачиғидай авайлайдилар, унинг истиқболи учун курашадилар.

Хитой аҳолиси — 1 миллиард 200 миллион киши бўлиб, бу ерда инглиз, ҳинд, испан, рус, француз тил-

ларида ҳам жуда кўп кишилар сўзлашадилар. Англия, Америка, Канада халқлари, асосан, инглиз тилида сўзлашадилар. Мексика, Куба, Чили каби 20 дан ортиқ лотин мамлакатларида испан тилида гаплашадилар. Демак, бир тил икки ё ундан ортиқ миллатга хизмат қилиши мумкин. Тилларнинг яна бир ижтимоий-маърифий моҳияти шундаки, улар бир-бирларига таъсир этади, бир-бирига сўз ва иборалар ўтади; бир миллат ёзуви асосида бошқа миллат ёзуви келиб чиқади.

1-§. ДУНЁ ТИЛЛАРИ

Дунё тилларининг таснифи

Олимлар қадимги даврлардан бошлаб дунё тиллари ва уларнинг тарихи билан қизиқиб келадилар. Турли ва ранг-баранг тиллар ўртасидаги яқинлик (ўхшашлик) ва бунинг аксини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Масалан: а) *мать* (рус), *майка* (булғор), *матка* (поляк), *matina* (литва), *Mutter* (немис), *mege* (француз), *модар* (тожик); б) *ер* (ўзбек), *жер* (қозоқ), *жер* (қирғиз), *ер* (озарбайжон), *йэр* (уйғур), *йер* (туркча).

Кузатишлар натижасида тилларни қиёсий-тарихий йўл билан ўрганиш услуби шаклланади (XVIII аср, Ф. Болп, Я. Гримм, Р. Раск, А. Х. Востоков ва б.)

Шу асосда дунё тилларининг икки хил таснифи берилади:

1. Генеологик тасниф.

Тиллар орасида фонетик, лексик, грамматик ўхшашликка асосланади.

2. Морфологик тасниф.

Бу тасниф тилларнинг тузилиш томонидан ўхшашлигига асосланади.

1. Дунё тилларини генеологик тасниф бўйича кўпчилик олимлар 16 оиллага, баъзилар эса 20-25 оиллага бўладилар:

а) ҳинди-европа тиллари (бу тиллар оиласи ўз ичида яна 11 та гуруҳга бўлинади); б) хом-сом тиллари; в) кав-

каз тиллари; *д*) угор-фин тиллари; *д*) тунгус-манжур тиллари; *е*) хитой-тибет тиллари; *ё*) дравид тиллари; *ж*) полинезия тиллари; *з*) австралия тиллари; *и*) папуас тиллари; *к*) африка тиллари; *л*) полеосиё тиллари; *м*) эскимос тиллари; *н*) шимолий америка тиллари; *с*) мўғул тиллари; *п*) туркий тиллар.

2. Дунё тиллари морфологик таснифга кўра тўртта гуруҳга бўлинади:

1) аморф тиллар.

Бу турга хитой, тай, бирма, тибет ва б. тиллар мансуб, уларда сўзлар ёлғиз ўзакдан иборат бўлиб, аффикслар қўлланмайди. Грамматик маънолар сўз тартиби, урғу, оҳанг билан ифодаланади. Масалан: *во жэньши чжэжэ жэнь* — мен бу одамни танитайман, *чжэжэ жэнь во жэньши* — мен танийдиган киши шу.

2) агглютинатив тиллар.

Бу гуруҳга туркий, фин-угор, корей, япон, манжур ва б. тиллар киради. Бу тилларнинг хусусияти шуки, аффикслар бевосита ўзак ёки негизга қўшилади, асосан бир грамматик маънони ифодалайди, префикслар ўрнида кўмакчилар қўлланади, грамматик жинс категорияси бўлмайди ва б.

3) флектив тиллар.

Бу хил тилларга ҳинд-европа ва хом-сом тиллар оиласи киради. Флектив тилларда сўз яшаш ва турлаш асосан ички флексия йўли билан амалга ошади.

Масалан, инглизча: *see-saw-seen-see* (кўрмоқ) феълининг ҳозирги, ўтган ва келаси замон шакли; немисча: *Bruder-Brüder*, биродар ва биродарлар, арабча: *Китоб-кутуб-катаба-кутиба*.

4) полисинтетик тиллар.

Бу гуруҳга Америка ҳиндлари, чуқот, коряк ва бошқа тиллар киради. Полисинтетик тилларда гап бўлаклари бирикиб, бир сўз шаклида ифодаланади. Масалан: *ты-ата-каа-нмы-ркыин-мен* — семиз буғуларни ўлдирипман.

Туркий тиллар оиласи

Бу назария тарафдорлари фақат туркий тилларга мансуб тилларни бир оиллага киритадилар.

Туркий тиллар бўйича В. А. Бородицкий, В. В. Радлов, Ф. Е. Корш ва бошқаларнинг таснифи маълум. Бу таснифлар ичида Н. А. Баскаков таснифи кўпчилик томонидан тан олинган.

Н. А. Баскаков таснифига кўра, туркий тиллар икки катта тармоққа бўлинади: туркий тилларнинг ғарбий ва шарқий тармоғи.

1. Туркий тилларнинг ғарбий тармоғи қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) булғор тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга қадимги ўлик ҳазар ва булғор тиллари ва ҳозирги чуваш тили киратилади.

б) ўғуз ва қипчоқ тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга қараїи (Литва, Украина, Қримда), қумиқ (Доғистонда), қарачай, балқор (Кавказда), қрим-татар, бошқирд, нўғай, қорақалпоқ, қозоқ каби тиллар киратилади.

2. Туркий тилларнинг шарқий тармоғига қуйидаги туркий тиллар киритилади:

а) уйғур-туку тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга қадимги ўрхун-энасой битикларининг тили, ҳозирги тува, туфалар (карагас) тили киритилади;

б) ёқут тиллари гуруҳи;

в) ҳакас тиллари гуруҳи. Бунга Сибирдаги ҳакас, камасин, шўр, чулым, олтой, сари уйғур каби тиллар киратилади;

г) қирғиз-қипчоқ тиллар гуруҳи. Бу гуруҳни қирғиз, олтой тилининг жанубий шевалари ташкил этади.

Туркий халқлар сон жиҳатдан собиқ СССР ҳудудидаги славян халқлардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг сони 200 миллиондан ортиқ (1992 йил 4-8 майда Анқарада бўлиб ўтган туркий халқларининг конгрессида мажлис ташкилий кўмитаси раиси Айла Кутлу туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг сонини 200 миллион деб эълон қилди) ҳисобланади.

2-§. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ ТИЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли давлат бўлиб, унда 130 дан ортиқ миллатлар, халқлар ва этник гуруҳлар истиқомат қилади.

Республика аҳолиси 1989 йилда 20 млн га яқин бўлган бўлса, ҳозир 25 миллиондан ошиб кетди. Ўзбекларнинг сони 1989 йили 15 миллион атрофида бўлса¹, ҳозирги кунда уларнинг сони 20 миллионга етиб қолди.

Ўзбекларнинг асосий қисми Хоразм, Қашқадарё, Андижон вилоятларида яшайди. Қорақалпоқ аҳолисининг учдан бир қисми ўзбеклардир².

Бошқа республикаларда ва хорижда ҳам ўзбеклар истиқомат қилади: Тожикистонда 1 миллионга яқин, Қирғизистон, Туркменистон, Қозоғистонда ярим миллионга яқин ўзбеклар яшайди³.

Ўзбекларнинг маълум бир қисми хорижда яшайди. Улар беш миллионга яқин бўлиб, маълум қисми баъзи сабаблар билан Ўзбекистон (эски Туркистон)дан кетиб қолишган. Уларнинг кўпчилиги Афғонистон, Туркия ва Саудия Арабистонида ва собиқ республикаларда яшайди.

Расмий маълумотларга қараганда, Афғонистонда 2 миллионга яқин, Саудия Арабистонида 500 мингдан ортиқ ўзбек истиқомат қилади.

Ўзбекларнинг хорижга кетиб қолиши 3 даврга бўлиб кўрсатилади.

1. Октябрь тўнтаришига қадар бўлган давр. У вақтларда Афғонистоннинг Балх, Кундуз, Айбек, Хулм, Маймона, Сарипул, Шипирғон, Андхўй, Ахча каби ўлкалари Бухоро амирлигига қарашли бўлиб, уларнинг асосий аҳолиси ўзбеклар эди. Қобулда XIX асрнинг 90-йилларида Фарғона ва Тошкент водийсидан кўчиб борган 2500 ўзбек яшаган.

2. Октябрь тўнтариши ва XX асрнинг 20 — 30 йилларидаги зўравонлик туфайли кўп ўзбеклар қамалди, отилди, осилди, Сибирга сургун қилинди. Бир қисм ўзбеклар

^{1,2,3} Госкомстат, Т., 1990: «Аргументы и факты» газетаси, 1990 йил, 33-сон.

хорижга қочиб кетди. Маккага қочиб кетган ўзбеклар нчида Бухоро Халқ социалистик республикаси Марказий иж-роия қўмитасининг биринчи раиси У. Пўлатхўжаев, мил-лий қўшин қўмондонни М.Кулмуҳаммедов, ҳарбий вазир А.Орипов бор эди.

3) Иккинчи жаҳон урушида асирликка тушиб ёки бош-қа сиёсий ва маънавий сабаблар билан кўп ўзбек ҳарбий асирлари Оврупо ва АҚШни ўз ватани қилиб олдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республикадаги тинчлик, барқарорлик туфайли, айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасида турли миллат ва-киллариининг ҳамкорликда истиқомат қилиб яшаш ва иш-лашларига шароит вужудга келди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг (1992 йил 8 декабрда қабул қилинган) I боб 4-моддасида Давлат «барча миллат ва элатларнинг тилла-ри, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яра-тади» дейилиши республикада турли миллат ва халқлар-нинг бир-бирига дўст бўлиб яшаб меҳнат қилишларига шароит туғдирди. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонун 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинди. Бу қонунга кўра, республика-даги ҳар қандай миллат, халқ ёки элат вакили ўз тилида таълим олиши (6-модда), ўзаро муомалада бўлиши (3-модда), ариза, шикоят, таклиф бериши (18-модда), монография, мақола ёзиши (17-модда), исм, ота исми, фамилиясини ёзиши (15-модда) мумкин. Қонунда Дав-лат қонун ва фармойишлари бошқа миллат вакиллари зич яшаётган жойларда уларнинг тилига таржима қилиб берилиши (5-модда) керак. Бундай халқлар ўз тиллари-да мактабгача ўқув юртларини очишлари мумкин (5-модда).

Давлат Конституцияси ва Давлат тили ҳақидаги Қо-нунлардаги бундай шароит ва имкониятлар бошқа мил-латларнинг республикамизда бемалол яшаб, меҳнат қилишларини таъминлади.

Адабиёт:

1. Усмонов С. Умумий тилшунослик. «Ўқитувчи», 1972.
2. Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков. «Высшая школа», 1969.
3. Легай А. Хориждаги ўзбеклар. «Фан», 1992.
4. «Ўзбекистон аҳолисини рўйхатга олиш». 1989 йил. Марказий статистика бошқармаси, 1990.
5. Ҳайитов Ш, Собиров Н. Хориждаги ўзбеклар. «Фан ва турмуш» журнали, 1992 йил 3,4-сонлари.

И б о б

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАҚИДА

Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буюн яшаб келади.

И. А. Каримов

1. Ҳақиқатан ҳам, академик Б.А. Аҳмедов айтганидек, «Ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг қадимий халқларидан бири бўлиб, деярли 3000 йиллик тарихга эга¹. Ўзбек тилининг шаклланиши унинг ижодкори ўзбек халқи тарихи билан бевосита боғланган. Ўзбек халқи ва унинг тили туркий халқлар оиласига ва тилига мансуб бўлиб, унинг шаклланиши туркий халқлар ва тилларининг шаклланиш тарихи билан боғлиқ бўлади. Бунда тарихий, археологик, антропологик манбалардан ташқари, лингвистик (топонимик, этнографик) маълумотларнинг ҳам қиммати катта, зеро, ҳозирги шаклланган халқ ва унинг тили узоқ ўтмишда рўй берган мураккаб жараённинг ҳосиласидир.

Ўзбек халқи этник жиҳатдан жуда ҳам мураккаб туркий халқлардан биридир. Ўзбек халқининг шаклланишида 92 туркий ва туркий бўлмаган уруғларнинг иштирок этгани тарихий, илмий ва адабий асарларда кўрсатиб ўтил-

¹ Аҳмедов Б. А. Ўзбек улуси. «Нур», 1992. 121-бет.

ган¹. Шайбоний ҳукмдорларидан Абдуллахон (1583 — 1598) Ҳиндистон подшоши бобурий Жалолиддин Акбарга (1542 — 1605) йўллаган бир хатида «Биз 92 Ўзбек қавми устидан ҳукм юргизиб турибмиз», деб ёзган эди.

XVII асрда ўтган шоир Турдий Фароғий ўзбеклар 92 қабила ва уруғдан иборатлигини таъкидлаб, аҳил бўлиб яшашга чақириб, шундай ёзади:

Тор кўнгиллик беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг.
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир, тенглик қилинг.
Бирини қипчоқ-у, хито-ю, бирини юз, найман деманг,
Қирқу юз, минг сон бўлуб, бир жон ойнлиқ қилинг.

(«Ўзбек шеърини антологияси»,
III жилд, Т., 1961, 105-бет)

Марказий Осиё халқларининг қадимги ва илк ўрта асрлар давридаги авлодлари ва уларнинг тил хусусиятлари ҳақида

Қадимги ёзма манбаларда кўрсатилишича, милодгача Марказий Осиёда, хусусан Мовароуннаҳр, Хоразм, Олтой, Тоҳаристон, Суғдиёна ва Орол бўйи ҳудудида эронзабон ва туркийзабон уруғ ва қабилалар (суғдийлар, скиф ёки саклар, массагетлар, хоразмийлар², шунингдек, қанглилар, уйшинлар, қарлуқлар, қипчоқлар, уйғур, аз ва бошқалар) яшаганлар³. Ҳар бир қабила мураккаб бўлиб, таркибида ўнлаб кичик гуруҳлар бўлган. Масалан: қангли

¹ «Насабноман узбак» (ЎРФА ШИ, қўлёзма, инв № 3386, 183а-183б-бетлари). Яна «Мажмуъ ат таворих». «Асомийи навади фирқайи узбак». Яна қаранг: Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. «Ўқитувчи», 1991. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа, «Фан», 1974 год. Введение. с. 9-24 ва бошқалар. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, XVI ва сўнги асрга оид бўлган қўлёзмалар Шайбоний-хоннинг Мовароуннаҳрни забт этган даврдан (XVI асрнинг биринчи ярми) кейинги давридаги туркий ва туркийлашган мўғул уруғлари тўғрисида маълумот беради. XI асрда Маҳмуд Кошғарий қайд этган кўп туркий уруғларининг айримлари бу қўлёзмаларда кўрсатиб ўтилган 92 уруғ таркибида учрамайди (Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк. Ўзбекча таржимаси, Т., 1960, 64-бет)

² Фрейман А.А. Хорезмский язык. I, Москва-Ленинград, 1951.

³ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа, Введение, с. 9-24.

қабиласи таркибида уйшин уруғлари, қарлуқлар таркибида чигил, халаж, яғма уруғлари, қипчоқлар таркибида манғит, минг, қўнгирот, сарой ва бошқалар. Массaget, скиф (сак) суғд қабилалари ҳам мураккаб таркибли бўлиб, бир қатор эронзабон ва туркийзабон уруғлардан ташкил топган эди.

Эронзабон уруғлар собиқ СССРнинг Европа қисмида, Қозоғистон, Ўрта Осиёдан Олтойгача бўлган ҳудудда скиф (сак)лар, Каспийорти текислигида массagetлар, ҳозирги Қашқадарё, Тоҳаристон, Самарқанд, Зарафшон водийсида суғдлар, Хоразмда хоразмийлар яшаганлар.

Туркийзабон қабилалар эса Сибирда, Мўғулистон, Олтой ўлкаларида, қисман Мовароуннаҳрда (қанглилар ва қарлуқлар), Олтойнинг жануби-ғарбий қисми, Қозоғистон, Тяньшанда ва Шимолий Мўғулистонда (қипчоқлар), Етгисувда (уйшинлар), Шарқий Туркистон ва Олтойда (уйғурлар) истиқомат қилганлар. Милодгача эронзабон ва туркийзабон қабилалар алоҳида ёки биргаликда қудратли давлат тузганлар (Суғдиёна, Қанг, Қанха, Хоразм, Бақтрия, Паркан ёки Довон давлатлари каби). Туркий давлатларда сўзлашув ва расмий тил туркий бўлган. Аммо Аҳамонийлар (милодгача 350-140 йил) ҳукмронлиги даврида расмий тил форсий (аромий) ва юнон тиллари эди. Милодий I асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда Кушонлар давлати барпо бўлди (I — IV асрлар) ва туркий тил асосан сўзлашув ва расмий тил бўлиб қолди.

Илк ўрта асрлар даврида айрим археологик қазилмалардан топилган ашёлар ва улардаги айрим сўзлардан ташқари, туркий тилда тўлиқ матнли ёзма ёдномалар топилган эмас. Аммо ҳозиргача сақланиб келган афсона ва достонлар, шунингдек, антик давр ёзма манбалари ҳамда «Авесто» достони (VII — VI асрлар) Марказий Осиё халқларининг бой оғзаки ижоди бўлганлигидан дарақ беради (Тўмарис, Широқ қаҳрамонликлари, Зарина ва Странтия, Зариандр ва Одатида, Рустам, Сиёвуш, Алп эр Тўнга афсоналари ва бошқалар).

Марказий Осиёда ўрта асрларда истиқомат қилган уруғлар ва уларнинг тиллари ҳақида (VI — IX асрлар)

Маълумки, VI асрнинг ўрталарида (552 йили) Шарқда, Олтой ўлкасида Турк хоқонлиги барпо бўлди. Бу хоқонликни барпо қилишда ерли (Саян — Олтойда) яшаган қарлуқ, қирғиз, тургаш, теле, чик, аз ва бошқа қабидалар иштирок этди. «Қипчоқлар, — деб ёзади К.Ш. Шонн-ёзов, — Олтой аҳолиси сифатида турк хоқонлиги таркибида бўлганлар, аммо, афтидан, унда фаол роль ўйнамаганлар». Турк хоқонлиги ташкил этишда туркий ашин уруғининг асосий роль ўйнагани таъкидлаб ўтилади¹. Аҳвол шундай бўлганда ҳам ашин, ашид уруғларининг ўзи қипчоқ эмас, ўғуз уруғига мансуб бўлган.

Олтой ўлкасида қарлуқ, ўғуз, қирғиз, туркеш, теле, чик, аз каби қабидалар иштироки билан шаклланган Турк хоқонлиги кейинроқ 563 — 567 йиллар ғарбга юриш қилиб, бутун Марказий Осиё, Еттисув ва эфталитлар қўл остидаги ҳудудни эгаллади. Бу ҳудудда истиқомат қилган туркийзабон ва эронзабон уруғларни бирлаштириб, ягона қудратли давлатни ташкил этди. Шу билан турли туркий уруғларнинг уюшмалари шаклланди. Бу уюшмаларни *қадимги туркий уюшмалар* деб номлаш мумкин. Бу уюшманинг асосини қарлуқлар (қисман, ўғуз ва қипчоқлар) ташкил этди.

Бу уюшмани ташкил этган туркий уруғлар яратган ёзма манбалар (битиклар) Турк хоқонлиги ҳукм сурган ўлкалардан топилган, улар VII — IX асрларга оиддир. Бу ёзма ёдномалар турли давр ва турли ҳудудда бунёдга келган бўлсалар ҳам, умумий хусусиятларга эга эди. Бу ёдномалар тилини *қадимги умумтуркий тил* деб номлаш мум-

¹ Туркий халқлар (жумладан, ўзбеклар)ни шакллантирган туркий уруғлар VII — VIII асрларда қуйидагича жойлашган эдилар: қанглилар Сирдарёнинг қуйи оқимида, ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларида, ўғузлар Орол бўйларида, Сирдарё ҳавзасида, қарлуқлар шимолда — Каспий денгизидан Уралгача, Талас ва Чу дарёлари атрофида. Ўрта Осиёда қипчоқлар билан қўшни яшадилар. Уйшинлар (усунлар) Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудудида истиқомат қилдилар (Шаниязов К. Древние элементы..., с. 2-13; К этнической истории узбекского народа гл. I. и ст. 43).

кинки, унинг асосини қарлуқлар шеvasи (бўлғуси ўзбек тили) ташкил этди.

VI асрнинг ўрталарига келиб (639—645 йиллар) Турк ҳоқонлиги Фарбий ҳоқонликка (маркази Еттисув) ва Шарқий ҳоқонликка (маркази Мўғулистон) бўлиниб кетди.

Асосан, қарлуқ ва дулу, нушиби қабилаларидан ташкил топган Фарбий ҳоқонлик кейинроқ мустақил ҳокимликларга бўлиниб кетди (Хоразм, Суғд, Бухоро, Чағаниён, Тохаристон, Чоч, Фарғона каби). Бу парокандаликдан фойдаланган араблар фарбий ҳоқонликни забт этдилар (674—715 йиллар). Араблар даврида ислом дини қабул бўлди ва араб тили илмий тил сифатида жорий қилинди. Араб ёзуви туркий ёзувларни сиқиб чиқара бошлади. Аммо туркий ёки «уйғур» ёзуви XV асргача қўлланиб келди. Араблар даврида Мовароуннаҳрда ҳукмрон бўлган Сомон Худоднинг ўғиллари IX асрнинг биринчи ярмида ҳокимиятни қўлга киритдилар. Сомонийлар давлати даврида (819—1005 йиллар) араб тили билан форс-тожик тили ҳам расмий тил бўлиб қолди. Аммо туркий қабилалар жойлашган Еттисув, Шош, Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё воҳаси, Хоразм ва умуман Амударёнинг чап томонларида чигил, қарлуқ, яғма уруғлари жойлашиб, уларнинг тили туркий тил эди. Шу билан бирга Зарафшон водийси ва сомонийларнинг бошқа ҳудудларида эронзабон уруғлар ҳам истиқомат қилиб, аҳоли турк ва форс-тожик тилида сўзлашган эди. Сомонийлар даврида илмфан тараққий этиб, Форобий, ал-Хоразмий, Рудакий, Ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, ал-Фарғоний каби олимлар етишиб чиқди. Улар анъанага кўра араб тилида ижод қилдилар.

Қадимги туркий битиклар Ўрхун ва Энасой дарёлари бўйидагина эмас, Шарқий Туркистонда, Қозоғистоннинг Талас дарёси ва Фарғона водийларида, Олтой ўлкаси ва Лена дарёси бўйларида, ҳатто Венгриянинг Надьсентмиклош қишлоғида, Новочеркасскда ҳам топилган. Уларнинг сони 200 дан ортиб кетди. Шунинг учун ҳам бу битикларни «ўрхун-енисей» ёки «турк-рунн ёдномалари» демасдан (чунки улар рунн ёзувидагина эмас, «уйғур», тўғрироғи, Маҳмуд Кошғарий айтгандай, «туркий», суғд, брахма, моний ёзувида қабр тошларига, қояларга, со-

пол ёки ёғоч идишларга, пергаментларга битилган), *қадимий туркий битиклар* деб аташ тўғри бўлади.

Туркий битиклар аниқ бир тил қондалари асосида ёзилиб, ўзига хос услуб ва штамп (қолип)га эга бўлган умумтуркий тил эди. Улар турли даврларда ва ҳудудларда ёзилган ва турли хил ёзувларда битилган бўлса ҳам, уларда маҳаллий уруғларнинг тил хусусиятлари ҳам ўз аксини топган. Аммо, умуман олганда, битиклар қаерда ёзилишидан қатъи назар, умумтуркий тил қондалари асосида ёзилган. С.Г. Кляшторный битиклар тили «...ягона қадимги туркий тил бўлиб, VII—X асрларда Мўғулистон, Жанубий Сибирь ва Еттисувда (турк ҳоқонлигининг асосий ҳудудида) тарқалган эди», деб ёзади. Қадимги туркий тил туркий қарлуқ, ўғуз, қипчоқ уруғлари тил хусусияти асосида шаклланган бўлиб, турк ҳоқонлиги эмирилгач ҳам X асргача сақланган умумтуркий тил эди¹. Бу ёзма адабий тил оғзаки эпик адабиёт асосида турк ҳоқонлигидан бир неча аср аввал шаклланган тил эди. Афсуски, бу умум ёзма адабий тилнинг дастлабки даврларига оид ёзма ёдномалар сақланган эмас. *Қадимги ёзма умумтуркий тил* кейинроқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида шаклланган *шарқий умум туркий тил* (жумладан, қадимги ўзбек тили)нинг ҳамда *эски ҳамда ҳозирги ўзбек тилининг* шаклланишига асос (база) бўлди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги этник жараёнлар ва шарқий (Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон) туркий уюшма — қадимги ўзбек халқининг ва шарқий эски туркий тил — қадимги ўзбек тилининг шаклланиши (X — XII асрлар)

X асрнинг иккинчи ярмида қарлуқ, чигил, яғмо туркий уруғларининг иштироки ва раҳбарлигида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Қашқадарё, Тяншанда барпо бўлган қорахонийлар давлати 999 йили Мовароуннаҳрни

¹ Қадимги туркий тилда ёзилган битиклар, уларнинг транскрипцияси, таржимаси ҳақида қаранг: *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. М.Л., 1951 год. *Абдурахмонов Ф., Рустамов А.* Қадимги туркий тил., «Ўқитувчи», 1982. *Коновов А.Н.* Грамматика языка тюркских, рунических памятников. «Наука», Ленинград, 1980.

У. 5800/5

эгаллаб, ички низолар билан заифлашган сомонийлар хукмронлигига бархам берди. Шундай қилиб, Шарқий Туркистон, Етгисув, Мовароуннаҳр — Шош ва Фаргона водийси, собиқ Суғдиёна ва Тяншанда ягона туркий давлат барпо бўлди. Қорахонийлар давлати 400 йилга яқин хукм суриб (1130 йилли салжуқий давлатига шаклан бўйсунди), Қашғар хони Қодирхон (Томғач)нинг Ғазнавийлар билан биргаликда бўлган 1025 йилдаги ҳужумига ҳам бардош бериб, шу ҳудудда истиқомат қилган турли туркий ва бошқа уруғларни ягона давлат атрофида бирлаштирди¹.

Мовароуннаҳр, Хоразм, Шарқий Туркистон ва Қозоғистон ҳудудида истиқомат қилган туркий уруғларнинг руҳий яқинлашиши, хўжалик ва тилдаги умумийлик, ягона давлат атрофида бирлашиши ва X — XII асрларда кўплаб туркий қабилалар (қарлуқ, чигил, яғмо, арғу ва бошқалар) бу ҳудудга келиб, маҳаллий қабилалар билан бирлашиб, кўшилиб кетиб, ягона давлат (Қорахонийлар давлати) атрофида жипслашиши уларнинг қадимда қатта ҳудудда (Олтой, Марказий Осиё, Кавказ, Шарқий Европа)да барпо бўлган қадимги туркий уюшмадан ажралиб, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда алоҳида *шарқий туркий уюшмалар* ташкил бўлишига сабаб бўлди. Бу уюшмалар қадимги (ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур каби) *халқларнинг ўзаги* (асоси, ядроси)²— эди.

Мазкур ҳудудда шакланган шарқий туркий уюшмалар (ёки ўзбек ва қозоқ, туркман, уйғур ва бошқа халқларнинг асоси, «ядроси»)нинг умумёзма тили (ёки ўзбек, қозоқ ва бошқа тилларнинг асослари) ҳам шаклланди. Шакланган бу умум тилни *шарқий умум туркий тил* деб аташ мумкин. Шакланган бу ёзма тил «қадимги ўзбек

¹ Қорахонийлар 1001 йили Ғазнавийлар билан сулҳ тузиб, ҳар икки давлат орасида Амударё чегара қилиб олиниган эди.

² Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқининг асоси («ядроси»)гина бу даврда шаклланди. Бу асос ўзбек халқигагина эмас, шу ҳудудда истиқомат қилган бошқа туркий халқлар (қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, қорақалпоқлар)нинг ҳам асоси («ядроси») эди. «К XI веку при караханидах процесс формирования узбекского народа достиг большой интенсивности», деб Э. Наджиб тўғри кўрсатади. Қаранг: Э.Н. Наджиб. Кипчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта XIV в., АДД. Москва. 1965. с.6.

тили» ҳам бўлсада, бу даврда яратилган ёзма ёдномалар «Қутадғу билиг», «Девону луғатит турк», «Ўғузнама», «Муқаддиматул адаб», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Тафсир» ва бошқа ёдномалар — Ўрта Осиёда ҳозир истиқомат қилаётган барча туркий халқларнинг ҳам қадимги тили, қадимги ёзма ёдгорлигидир. Аммо бу ёдномаларда қарлуқ тил хусусиятлари асосий ўринни эгаллайди.

X—XII асрга келиб шаклланган умумтуркий ёзма тил — *қадимги ўзбек тили* асослари, бир томондан, *қадимги туркий тил* хусусиятларини ҳам ўзида сақлаш билан бирга, XIII — XVI аср охирига келиб шаклланган *эски ўзбек тилига* ҳам асос бўлди.

Юқорида айтилганидек, XI ва XIII аср бошларида ёзилиб, шу давр тилини ўзида акс эттирган «Қутадғу билиг», «Девону луғатит турк», «Ҳибатул ҳақойиқ» каби асарлар тил хусусиятига кўра таҳлил қилинса, бу асарларда асосий ўринни қарлуқ тил хусусиятлари эгаллаши маълум бўлади.

Мазкур асарлар қадимги умумтуркий тил билан X асрдан ажралиб, мустақил шакллана бошлаган ўзбек, қozoқ, қирғиз, туркман, турк, уйғур ва бошқа тилларни боғловчи бир халқа, кўприқдир.

X — XIII аср бошларида ижтимоий ҳаётда содир бўлган сиёсий-давлат ўзгаришлари, давлат ва ҳокимиятларнинг барпо бўлиши, алмашиши, яъни қорахонийлар давлати (840—1212), салжуқийлар ҳокимияти (1138 йили қора хитойлардан мағлуб бўлди), мустақил Хоразм (1127—1221 йиллар) давлати ҳукмронлиги даврида умум ёзма туркий тилда катта ўзгариш бўлмади, чунки бу давлатлар туркий давлатлар бўлиб, тиллари ҳам туркий эди. Аммо баъзи ёзма ёдгорликларда маҳаллий туркий уруғ тилларининг хусусияти ўз аксини топган эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги туркий халқлар ва эски ўзбек тилининг шаклланиши (XIII—XVI асрлар)

X—XIV асрларда ва ундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ва Хоразмга Еттисув ва Орол денгизи бўйларидан қипчоқ ва бошқа туркий уруғларнинг кўчиб келиши, Шарқий Сал-

жуқ султонлигининг емирилиши билан (XII аср бошлари) қангли ва бошқа туркий уруғларнинг бу ўлкада кўпайиши, XI—XII асрларда ноқ Хоразмда туркий тилнинг ҳукмрон бўлиши натижасида XIII—XIV асрларда мўғул уруғлари (жалойир, барлос, қавчин, арлат, дуглат, минг, салдуз, манғит, қўнғирот, найман ва бошқалар) турклашиб ва уларнинг ўтроқлашиб, маҳаллий туркий уруғлар билан араллашиб, қўшилиб, уларга сингиб кетди. Шу билан Мовароуннаҳр ва Хоразмда XII асрга келиб, шу ҳудудда истиқомат қилган туркий уруғлар бирлашиб, алоҳида халқ — *ўзбек халқи бўлиб* шаклланиш жараёни тугалланди. Ўзбек халқининг қарлуқ тил хусусиятлари асос бўлган ўз ёзма тили — *эски ўзбек тили* XIII асрдан шакллана бошлади. Амир Темур (1336 — 1405) Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида ягона туркий давлатни барпо этиб, туркий уруғларни бирлаштирди, буни натижасида ўзбек халқи шаклланиш жараёни ниҳоясига етди.

XV асрнинг охири XVI асрнинг бошланишида Дашти Қипчоқдан кўчманчи ўзбек-қипчоқ, қипчоқ-ўзбек, қипчоқ-мўғул, ўзбек-қозоқ уруғлари Мовароуннаҳр ва Хоразмга келиб, маҳаллий туркий уруғларга қўшилиб, сингиб кетди ва халқ бўлиб шаклланган маҳаллий туркий уруғларга ўзининг ўзбек номини берди, холос. Академик И. А. Каримов кўрсатишича: «Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқалган эмас, балки Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса ажаб эмас».

Эски ўзбек тили ўзининг аниқ бир меъёрлари бўлган адабий тил эди¹. Шоир ва ёзувчилар қаерда яшашларидан қатъи назар (Навоий — Ҳиротда, Бобур — Фарғонада, Муҳаммад Солиҳ — Хоразмда), ушбу умумий қоидақонунлар асосида ижод этганлар². Эски ўзбек адабий ти-

¹ Эски ўзбек тилининг хусусиятлари ҳақида қаранг: *Щербак А.М.* Грамматика староузбекского языка. М.-Л, 1962. *Фазылов Э.* Староузбекский язык. т. I. «Фан», Т., 1966; т. II, «Фан», Т., 1971 ва бошқалар.

² Аммо айрим асарларда маҳаллий уруғ тил хусусиятлари ўз аксини топган: «Муҳаббатнома» ва «Таашуқнома»да ўғуз тил хусусиятлари учрайди. Эски ўзбек тилининг хусусиятлари бу тилнинг Шарқий Туркистон тилига («восточно-туркестанский язык») ва шеваларига муносабати А. М. Щербакнинг «Грамматика староузбекского языка» (М.-Л. 1962) асарида батафсил изоҳланган.

лининг қонун-қоидалари (нормалари) чекка ўлкаларга (Туркменистон, Озарбайжон, Шарқий Туркистон) тарқалди. Бу адабий тил қонун-қоидалари узоқ даврларгача, насрий асарлар соҳасида ҳатто XIX аср охиригача сақланди.

Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги этник жараёнлар ва янги ўзбек тилининг шаклланиши (XVII—XX асрлар)

Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар — ўзбек, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, уйғурларнинг таркиб топишида ва тилларининг шаклланишида иштирок этган асосий қабилалар, уруғ ва уруғ бирлашмалари — қанглилар, қарлуқлар, ўғузлар (ёки «Нурота туркманлари» — К. Шониязов), уйғурлар, азлар, узлар, арғин ёки арғулар, турклар, уйшин ёки уйсунлар, теленгутлар, тиркаш ёки туркаш қабилаларининг кўнлари XVII ва кейинги асрларгача, ҳатто XX асргача Ўзбекистон ҳудудида яшаб келдилар, ўзларининг айрим тил хусусиятларини ва номларини сақлаб қолдилар, баъзилари қангли-ўзбек, ўзбек-қипчоқ бўлиб (ҳар икки уруғ хусусиятларини ўзида акс эттирган ҳолда) истиқомат қилдилар, баъзи уруғлар ўзбеклар таркибига сингиб кетдилар.

Алишер Навоий асос солган адабий тил, адабий услуб XVII асрларгача қўлланиб келинди, аммо бу даврдан бошлаб, мумтоз адабий тилнинг баъзи томонларидан узоқлашиш, замонасининг сўзлашув тилига яқин бир тилда ижод қилиш жараёни бошланган эди. XVII асрда яшаб, ижод этган Абулғози Баҳодирхон: «Туркларга туркона айтмоқ керак, то аларнинг барчаси фаҳм қилғайлар бизнинг айтган сўзимизни», — деб ёзган эди.

Навоий яратган ёзма услуб XIX асргача (айниқса, насрий асарларда) давом этади (Гулханий, Фурқат, Муқимий, Оғаҳийларнинг насрий асарларига қаранг).

XVII асрдан бошлаб ёзувчи ва шоирлар мумтоз эски ўзбек тилининг оммабоп томонларини ўзига сингдирган ва сўзлашув тилига хос бўлган хусусиятларни акс эттирган тилда — янги ўзбек адабий тилида ижод қила бошладилар. XVIII—XIX аср ёзувчи ва шоирлари — Бобораҳим

Машраб, Муҳаммад Хоксор, Хувайдо, Фозий, Паҳлавонқули Равнақ, Нишотий, Мунис, Гулханий, Махмур, Нодира, Увайсий, Огаҳий *янги ўзбек тилида* ижод қилиб, уни мукаммаллаштирдилар. Аммо сўзлашув тилида қипчоқ, ўғуз, қарлуқ уруғлари айрим тил хусусиятларини деярли сақлаб қолдилар. Ижтимоий ҳаётда бўлган кескин ўзгаришлар, воқеалар шакллана бошлаган янги ўзбек тилига таъсир этмай қолмади, шоир ва ёзувчиларнинг ижодида ўз аксини топди. Шайбонийхон ўлдирилгач (1510 йил), янги сулола Аштархонийларнинг ҳукмронлиги (1601—1756), эрон шоҳи Нодиршоҳнинг босқинчилик ҳаракатлари (1736—1747 йил) оқибатида ижтимоий ҳаётда маълум ўзгаришлар рўй бериб, маҳаллий уруғ ва қабилаларнинг мустақиллик учун кураши бошланиб кетди. Самарқандда юз қабиласи, Шаҳрисабз ва Қаршида кеннагас, мангит қабилалари бош кўтарди. Натижада XVII асрнинг бошидаёқ икки хонлик — *мангит* уруғлари бош бўлган Бухоро хонлиги ва *қўнғирот* уруғи ҳукмрон бўлган Хоразм хонлиги (1756—1920), кейинроқ *минг* уруғи бош бўлган Қўқон хонлиги (1709—1876) барпо бўлди.

Бу хонликларда асосий адабий тил янги ўзбек тили бўлиб, бу ҳудудда яшаган турли уруққа мансуб ёзувчи, шоир, тарихчилар шу тилда ижод этдилар. Аммо Бухоро ва Самарқандда асосан эронзабон ва эронзабонлашган туркий уруғлар бўлгани учун тожик тилида сўзлашганлар, девонхонада ҳужжатлар асосан тожик тилида юритилар эди.

XVIII асрда жунгарлар (қалмиқлар)нинг тўхтовсиз ҳужумидан безиган қозоқларнинг Катта жуз уруғи Россияга, Ўрта жуз уруғи Бухоро хонлигига, Кичик жуз уруғи Хоразмга бўйсунди. Аммо 1730 йили Ўрта ва Кичик жуз Россия қўл остига ўтди. Бу билан Чор Россиясининг эскидан Ўрта Осиё ва Қозоғистонни босиб олиш ниятлари амалга оширила бошлади. 1853 йили Қизил Ўрда (Оқ мачит) қўлга олинди, ҳарбий истеҳкомлар кўпайтирилди. 1865 йили Тошкент, 1868 йили Самарқанд ва Бухоро, 1873 йили Хива эгалланди. Бухоро ва Хива хонлиги Россия қўлида вассал бўлиб қолди. Қўқон хонлиги 1875—1876 йиллари тугатилди ва 1876 йили бутун Туркистонда Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилди.

Мустамлакачилик даврида чекланган бўлса-да, саноат ва савдонинг ўсиши, маориф ва маданиятда бўлган ўзгаришлар маҳаллий зиёлиларнинг янги йўналишининг шаклланишига сабаб бўлди. Бу эса жадидлик каби миллий оқимнинг келиб чиқишига олиб келди. Жадидлар (Мунаввар қори, Бехбудий, А. Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Закий Валидий ва бошқалар) янги усулдаги мактаблар очиб, дунёвий илмларни, рус тилини ўқита бошладилар. Самарқандда 1870 йили, Чимкентда 1874 йили биринчи рус-тузем мактаблари очилди. «Асримизнинг бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарслик, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик» (И. А. Каримов)¹. Албатта, бу даврда нашр этилган газета ва журналлар («Турон», «Тараққий», «Хуршид», «Садон Фарғона», «Самарқанд», «Нажот», «Улуғ Туркистон», «Садон Туркистон», «Оина», «Туркистон эли», «Хуррият» ва бошқалар) чор амалдорларининг қаттиқ назорати остида бўлиб, дам очилиб, дам ёпилиб турди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида рўёбга чиққан сиёсий оқимлар (зиёлилар) маърифий-сиёсий масалалар билан бирга миллатнинг умум тили ҳақида ҳам маълум бир сиёсат юргиза бошладилар. Бир томондан, 1883 йилдан бери Боғчасаройда нашр этила бошлаган «Таржимон» газетасининг муҳаррири Исмоилбей Гаспирали Озарбайжон, Туркия, Татаристон, Туркманистон, Кримда яшовчи туркий аҳоли учун, турк ва қрим-татар тили асосида умумий ёзма адабий тилни жорий қилиш ғоясини Озарбайжон, Крим, Туркистон газета ва журналларида тарғиб қила бошлади². 1906 йили Бутун Россия мусулмонлари съезди мактабларда ягона турк тилини ўқитиш тўғрисида қарор қабул қилди. Иккинчи томондан, маълум бир гуруҳ зиёлилар эски «чиғатой» тилига қайтиш, уни тиклаш ғоясини қўйдилар.

¹ И. А. Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Адолат» газетаси, 1999 йил 5 февраль соғи.

² XIX аср охири XX аср бошларидаги тил сиёсати тўғрисида қаранг: Боровков А. К. Узбекский литературный язык в период 1905—1917 годов. Учпедгиз, Т., 1941.

Октябр тўнтарилишидан сўнг Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солган, бир миллат вакиллариини бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочган» эди. Бу сиёсатни амалга ошириш учун тўнтаришнинг дастлабки йиллари маҳаллий миллатларга ён беришга ўтгандек бўлса-да, Туркистон Компартиясининг I съезди (1918 йил 18 июн)да маҳаллий аҳоли тилини рус тили билан бир қаторда «расмий тил» деб эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилиши¹, эски услуб мактабларининг 1927 йилгача сақланиши большевикларнинг 20-йиллардаги коллективлаштириш, қатағон 30-йиллар халқнинг бошига кулфатлар солди: миллатни деганлар миллатчи, мустақиллик учун курашганлар «босмачи», «жадид», «қулоқ» бўлди, кўплаб яхши инсонлар, биринчи навбатда, зиёлилар йўқ қилинди.

XX асрнинг 20-йилларида, айниқса, асрнинг бошларида матбуотда, ёзма адабиётда ўзбек тилида ёзилган мақола ва адабий, илмий асарлардаги турлилик (истеъмолдан чиққан мумтоз адабий тил шакллариини қўллаш, туркча, татарча сўз ва қўшимчалардан фойдаланиш, шевачиликка йўл қўйиш, сўзлашув тилига ёт бўлган сунъий ибораларни ишлатиш) миллат учун ягона адабий тил бўлишини талаб этди. Ягона адабий тил ва унинг нормаларини (қонун-қоидаларини) белгилаш фақат жонли сўзлашув тили асосида бўлиши керак эди. Шунинг учун 20-йилларда ўзбек тили шеваларини чуқур ўрганиш бошланиб кетди. Мураккаб ўзбек шеваларини (уруғ тилларини) ўрганишда Е.Д. Поливанов, К.К. Юдахин, А.К. Боровков, Ғозн Олим Юнусов, профессор Чўпонзода, В.В. Решетов, С. Иброҳимов, Т. Иброҳимов, Ф. Абдуллаев, Ш. Шоабдурахмоновларнинг хизмати катта бўлди. Натижада 1930 йилга келиб ҳозирги ўзбек адабий тили шакллана бошлади. Бу тилнинг асосига асосан қарлуқ уруғ тили олинди. Шу билан бирга, ўғуз ва қипчоқ тилларининг хусусияти ҳам адабий тил нормаларидан жой олди. Асосан қарлуқ уруғлари жойлашган Тошкент шеваси адабий тилнинг фонетик тизимига, Фарғона шевалари эса

¹ «Иштирокиюн» газетаси, 1918 йил 14 август; «Улуғ Туркистон» газетаси, 1918 йил 27 июл.

морфологик тизимига асос қилиб олинди. Адабий тил ёзуви минг йиллаб араб ёзувига асосланган бўлса-да, бу ёзувга 1918 йили айрим ўзгаришлар киритилди. 1926 йил ёзида Бокуда умумтуркиёт имло қурултойи чақирилиб, унда лотин алифбосига ўтишга қарор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ижроия Қўмитасининг 4-сессияси 1926 йил июн ойидаёқ бу қарорни маъқуллади ва лотин алифбосини жорий қилиш бўйича Й. Охунбобоев раислиги ва А. Икромов, Ф. Хўжаев, Элбек, Фитрат ва бошқалар аъзолигида махсус комиссия ташкил этилди. 1940 йилга келиб рус (кирилл) алифбосига ўтилди. Мустақил Ўзбекистоннинг Олий Кенгаши эса 1995 йил 24 августда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси»ни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбек халқининг мустақилликка эришуви, аввало, унинг тилига давлат тили мақомини (статусини) беришдан бошланди (1989 йил 21 октябрь), орадан озгина вақт ўтгач (1991 йил 31 августда) Ўзбекистон Мустақил Давлат (Республика) эканлиги расман эълон қилинди ва дунёнинг бутун давлатлари томонидан тан олинди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми (статуси, мартабаси)нинг берилиши билан ўзбек тилининг ҳар соҳада мавқеи кўтарилди. Шу билан баробар, 1995 йил 24 августда Ўзбекистон ҳудудидаги ҳамма миллат, халқ ва элатга ҳурмат, уларнинг тилларини расмий ва амалий тил сифатида тан олувчи Қонун қабул қилинди.

Адабиёт:

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон буюк келажак сари, Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. *Каримов И.А.* Ўз келажакимизни ўз кучимиз билан қурмоқдамиз. «Адолат» газетаси, 1999 йил 5 феврал.
3. *Каримов И.А.* Донишманд халқимизнинг мустаҳкам ирода-сига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июнь.
4. *Абдураҳмонов Ф.* Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. Тошкент шарқшунослик институти нашриёти, Т., 1999.
5. *Аҳмедов Б.* Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. «Фан», Т., 1962.
6. *Аҳмедов Б.* Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. «Ўқитувчи», Т., 1991.
7. *Боровков А.К.* Очерки истории узбекского языка. Учёные записки института востоковедения. М.-Л., 1958.

8. *Жабборов И.* Ўзбек халқи этнографияси. «Фан», Т., 1964.
9. *Копонов А.Н.* Грамматика языка тюркских румических памятников, «Наука», 1980.
10. *Толстов С.П.* По следам древнехорезмской цивилизации. М.-Л. 1948.
11. *Шаниязов К.Ш.* К этнической истории узбекского народа. «Фан», Т., 1974.
12. *Шаниязов К.Ш.* Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. «Шарқ матбуот концерни», 1999.
13. *Щербак А.М.* К истории узбекского литературного языка древнего периода. Сб.акад. В. Гордлевскому, 1953.
14. *Щербак А.М.* Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII в.в. из восточного Туркестана, М.-Л., 1961.

Ш о б

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ

Масаланинг тарихи

Ҳар бир халқ мустақиллигининг асосий белгиларидан бири ўз она тили билан, унга бўлган ҳурмат ва эътибор билан белгиланади, 1980 йилларнинг охирларида ўзбек халқининг мустақилликка интилиши, аввало, ўз она тилига иззат-ҳурмат талаб қилиш билан бошланди. 1988 йилнинг охирлари ва 1989 йилнинг бошларида давлат тили масаласи матбуотда кескин кўтарилди. 1989 йил бошларида ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳа жамоатчилик орасида, ташкилот, корхона, ўқув юртлари жамоаси орасида кенг муҳокама қилинди, матбуотда бу муҳим миллий масала кескин мунозараларга сабаб бўлди. Кўпчилик ўзбек тилига давлат тили мақомини беришни ёқлаб чиқса ҳам, аммо баъзилар ўзбек тилини фақат расмий тил деб ҳисоблаш зарурлиги, баъзилар ўзбек тили билан баробар рус тилига ҳам давлат тили мақоми берилиши масаласини кўйдилар. Баъзилар эса ўзбек тили неча юз йиллардан бери Ўзбекистон (собик Туркистон) ўлкасининг тили бўлиб келди, ҳеч қайси тилга давлат тили мақомини бериш керак эмас, дея даъво қилдилар.

Мустамлака даврида миллий тилларга давлат тили мақоми бериш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Агар рус тилига давлат тили мақоми берилса, миллий тиллар аста-секин йўқолишга юз тутар эди. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон мустақил бўлгач, унинг тили ҳам давлат тили мақомини олиши қонуний бўлгани маълум бўлди. 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан уч қисми ўзбек бўлиб, улар ўзбек тилини ўз она тиллари деб биларди (2 фоиз ўзбекларгина ўз она тили сифатида бошқа тилни — рус тилини кўрсатган). Республика аҳолиси ичида ўзбек тилини яхши биладиган рус, тожик, қozoқ, армани, корейслар ва бошқа миллат вакиллари эса 10 фоиз атрофида эди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилига Ўзбекистон Республикасининг давлат тили мақомининг берилиши ва тегишли Қонун қабул қилиниши табиий эди¹. Давлат тилини белгилаш бўйича ташкил этилган Ишчи Комиссия «Давлат тили ҳақида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўйича берилган фикрларни ва Комиссия номига келган мингдан ортиқ хатлардаги таклифларни ўрганиб, 1989 йилнинг баҳорида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг иккинчи лойиҳасини эълон қилди. Қайта ишланган янги лойиҳа ҳам кенг муҳокама қилиниб, 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисида Ўзбекистон Олий Совети II сессияси Қонун қабул қилди.

Бу қонун Ўзбекистон Республикаси ҳали СССР таркибида бўлган вақтда қабул қилинган эди. Ўзбекистоннинг собиқ Министрлар Совети Қонунни амалга ошириш чоралари тўғрисида Давлат Дастурини қабул қилиш тўғрисида 1990 йил 19 февралда қарор қабул қилди ва ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонунни қабул қилган кунни ҳар йили алоҳида нишонлашни белгилаб чиқди, мазкур Қонуннинг ҳар бир моддасини бажариш бўйича жавобгар бўлган вазирлик,

¹Аммо тарихий-ижтимоий шароитга, аҳолининг сонига қараб бир давлатда икки, ҳатто уч тил ҳам давлат тили мақомини олиши мумкин: Ҳиндистонда ҳинди ва инглиз тиллари, Канадада инглиз ва француз тиллари, Швейцарияда (16 миллион аҳолиси бор) уч тил (немис, француз, италиян) давлат тили саналади.

ҳокимликлар, идора ва муассасаларни белгилаб чиқди ва тадбирларни бажариш муддатлари кўрсатилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг мустақил Давлат сифатида собиқ Советлар Иттифоқидан ажралиб чиқиши, БМТга аъзо бўлиши (1992 йил 2 мартда), Мустақил Давлатлар Иттифоқига таъсис этувчи ва аъзо бўлиб кириши (1991 йил 21 декабрь), ўзининг миллий пули («сўм»)нинг муомалага киритилиши (1994 йил 1 июль) муносабати билан, шунингдек, Мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳамма миллат, халқ ва элатлар ўртасида яқинлик, ҳамжиҳатликни ўрнатиш ниятида Ўзбекистон Олий Кенгаши 1995 йил 21 декабрда «Давлат тили ҳақида»ги Қонунда Совет Иттифоқи билан боғлиқ бўлган айрим сўз-ибораларни чиқариб ташлаб, янги таҳрирдаги Қонунни қабул қилди. Янги таҳрирдаги Қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 10 декабрда махсус Давлат дастурини тасдиқлади. Дастурга кўра, жумладан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунни (21 октябрь) ҳар йили Тил байрами сифатида намойиш қилиш тўғрисидаги қарор ўз кучида қолди.

Қонуннинг ижроси бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш тегишли ҳокимлик, вазирлик, кўмита, бошқа идоралар зиммасига юкланди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 2-чақириқ ўн биринчи сессиясида (1992 йил 8 декабрь) қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси»да ҳам ўз аксини топди. Конституциянинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деб ёзиб қўйилди. Конституциянинг 90-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланадиган шахс «давлат тилини яхши биладиган» киши бўлиши керак.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Ўзбекистон (собиқ Туркистон) тарихида биринчи марта рўй берган тарихий-ижтимоий воқеа бўлди. Тарихда ўзбек тилининг мавқеи дам кўтарилиб, дам пасайиб борган бўлса ҳам, бу тил давлат тили даражасига кўтарилиб, «Давлат тили» мақомини олган эмас эди.

Милоддан аввал Мовароуннаҳрда, бутун Ўрта Осиёда муқим яшаб келган ва ҳозирги ўзбек халқи ва тили учун асос бўлган туркий уруғлар маҳаллий эронзабон уруғлар (асосан, суғдийлар) билан бирга истиқомат қилганлар. Бу даврда муомала ва расмий тил туркий бўлган, эронзабон суғдий уруғлар билан бирга ёки ёнма-ён яшаган туркий уруғлар икки тилли бўлиб, туркча ва суғдча муомала қилганлар ва уларнинг расмий ҳужжатлари икки тилда — туркий ва суғдий тилларида олиб борилган. Туркий уруғлар ичида туркий тил билан суғдий тилни ҳам билувчилар, Маҳмуд Кошғарийнинг гувоҳлик беришича, XI асрда ҳам бўлган¹. Қадимги суғдий ва бошқа эронзабон уруғлар асосида шаклланган тожик халқи ва тилининг таъсири билан кейинги даврларда ҳам (Сомонийлар давлати, айниқса, Темур давлатининг сўнгги даврларида, Бухоро хонлиги замонларида) тожик тилининг таъсири сезиларли бўлган. Айниқса, Мовароуннаҳр ҳудудида тожик уруғларининг бўлиши (Бухоро, Самарқанд, Чуст ва Поп шаҳарлари, Фарғона вилоятининг айрим туманлари в.б.) тожик тилининг ўзбек тилига таъсирини кучайтирган. Тожик аҳолиси зич яшаган ёки туркий уруғлар билан бирга яшаган ҳудудларда муомала тили ҳам туркий, ҳам тожикча, расмий ҳужжатлар эса асосан туркий тилда ёки ҳар икки тилда тузилган (Бухоро хонлигида расмий ҳужжатлар тожик тилида бўлган). Ҳозирги кунда Бухоро, Самарқанд, Поп, Чуст каби асосан тожикзабон аҳоли орасида муомала тожик тилида, расмий ҳужжатлар ўзбек ва тожик тилларида қабул қилинади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни забт этган рус амалдорлари ҳам рус тилини тарғиб ва ташвиқ қилиш билан бирга, маҳаллий тилларга ҳам аҳамият берганлар. Рус — Осиё банки маъмурияти ўзининг Қўқондаги банкига, хизматчиларидан маҳаллий тилни билишни, бу тилни билмаганларга бир-бир ярим йилгача маҳаллий тилни ўрганиш зарурлигини талаб этган (ЦГИАЛ, Ленинград, Ф. 1396, оп. 5, д. 210, л. 11-18).

¹Қаранг: *Маҳмуд Кошғарий*. Девону лугатит турк. 1-жилд. «Фан», Т., 1960, 66-бет. Қадимги суғдий тилининг хусусиятлари Тожикистоннинг ягноб шевасининг айрим лаҳжаларида ҳозир ҳам сақланган.

1905 йили Тошкентда «Сборник материалов по вопросу об изучении туземных языков» нашр этилди. Туркистон губернатори генерал-лейтенант Д.И. Субботичнинг 1906 йил 7 февралдаги буйруғига мувофиқ, идора хизматчилари, бошлиқлар, ҳарбий раҳбарлардан маҳаллий тилларни билиш талаб этилган ва бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш кўзда тутилган. Туркистонда иш кўрган В.Н. Наливкин, З.А. Алексеев, Лапин, М. Андреевлар ўзбек тили (у вақтда сарт тили деб номланган) грамматикаси ва қўлланмаларини ёздилар, лугатларини туздилар. Маҳаллий тилларни ўрганиш учун тўғарақлар ташкил қилинди, рус-тузем мактаблари 1917 йил октябрь тўнтарилишидан сўнг Туркистон Компартиясининг I съезди (1918 йил, июнь) «Кенг мусулмонлар оммасини янги жамият қуришга жалб қилиш учун маҳаллий аҳоли тилини давлат тили деб эътироф қилиш керак» деган қарорга келди ва бу қарор «Иштирокиюн» газетасининг 1918 йил 14 августидан (19-сон) эълон қилинди.

1924 йили Бутунтуркистон съезди ўзбек, рус, туркман, қирғиз тилларини расмий тиллар деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Умумтуркистон республикасидан ажралиб, алоҳида республика деб эълон қилиниши билан ўзбек ва рус тиллари расмий тиллар деб тан олинди («Правда Востока» газетаси, 3.04.1989)

Шунга қарамай, ўзбек тили ўзбеклар орасида муомала тили бўлиб қолаверди, расмий ҳужжатлар, асосан, рус тилида қабул қилинди. Руслаштириш сиёсатининг жадал суръатлар билан амалга оширилиши туфайли раҳбарий идораларда ҳам амалдорлар орасида ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари кам эди¹. Натижада Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети (ЦИК) ва Ўзбекистон Министрлар Совети (СНК) 1928 йил 18 февралда «Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида» ва шу йил 20 декабрда «ЎзССРдаги идора, корхона ва ташкилот хизматчилари томонидан ўзбек тилини мажбурий ўрганиш тўғрисида» махсус қарорлар қабул қилинди. Қарорларга

¹Маориф комиссариатида 68 рус, 4 қозоқ ва қирғиз, 1 ўзбек ишлаган («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989 йил 6 октябрь.)

кўра, идора, корхона ва ташкилотларга ўзбек тилини биладиган кишиларни қабул қилиш ва ишлаб турганларга ўзбек тилини ўрганиш учун алоҳида тўғарақлар ташкил этиш топширилади. Бу қарорларни бажариш учун махсус комиссия ва унинг Низоми тасдиқланди (1928 йил 21 май қарори) ва ўзбек тилини ўрганиш муддатларини (1933 йил 1 апрелгача) белгилаб чиқди (ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1932 йил 7 март қарори). Қарорларда ўзбек тилини яхши ўрганиб олганлар алоҳида тақдирланиши кўрсатиб ўтилди.

Афсуски, 1937 йил март ойида ВКП(б) ва СССР Министрлар Советининг рус тилини мажбурий ўрганиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган (қаранг: Известия КПСС журнали, 1989 йил 3-сон), ЎзССР Марказий Ижроия Кўмитаси ва Халқ Комиссарлари Совети 1938 йил 17 июл қарори билан мазкур қарорларни бекор қилди.

Рус тилини мажбурий ўқитиш ва ўргатиш тўғрисидаги ВКП(б) ва СССР ХКСнинг қароридан сўнг, айниқса И. Сталиннинг Компартиянинг XVI съездида миллий тиллар йўқолиб, зонал тилларга, зонал тиллар ягона бир тилга қўшилиши тўғрисидаги «назария»сидан сўнг, миллий тиллар аста-секин камая ва йўқола бошлади. Рус тилига ажратилган соатлар икки баробар оширилиши муносабати билан, ўзбек мактабларининг юқори синфларидаги ўзбек тили дарслари олиб ташланди, ҳатто олий мактабларнинг миллий гуруҳларида ҳам маърузалар рус тилида ўқиладиган бўлди. Мажлис ва йиғинларни рус тилида ўтказиш одат тусига кирди. Расмий ҳужжатлар рус тилида тузилиши ва ёзилиши шарт эди. Рус тилини ўрганиш боғчалардан бошланди. Миллий тиллардаги мактабларнинг сони ҳам тобора камайиб борди. Агар улар собиқ СССР ҳудудида 30-йиллари 80 та бўлса, 1972—1973 ўқув йили — 52 тага, 1986 — 1987 йиллари 39 тага тушиб қолди. Агар хоризм даврида Россия империяси даврида 146 миллат, халқ, элат бўлган бўлса, 1979 йилга келиб уларнинг сони 101 тага тушиб қолди (қаранг: «Коммунист» журнали, 1988 йил, 15-сон).

Таркибида 100 дан ортиқ миллат, халқ ва элатлари бўлган Ўзбекистонда дарслар асосан рус ва ўзбек тилларида ва баъзи жойларда (бошқу миллат вакиллари гав-

жум бўлиб яшаётган ҳудудларда) яна 5 тилда ўқитилар эди. Қозоқ, тожик тиллари ва адабиёти факультетлари Тошкент ва Самарқанддагина очилган эди. Рус тилини билмаган маҳаллий ёшлар марказий олий ўқув юртларига кириб ўқишдан маҳрум эдилар. Рус мактабларида ўзбек тили хўжақўрсинга ўқитилар, бу фандан бирор имтиҳон ҳам, синов ҳам йўқ эди. Монография, мақолалар, дарслик, қўлланмалар рус тилида ёзиладиган бўлди. Рус тилини тарғиб ва ташвиқ қилувчи конференция, симпозиум, семинарлар тез-тез ўтказиб турилди. Бирор амални эгалламоқчи бўлганлар рус тилини яхши билиши керак эди. Кўча, туман, шаҳар номлари асосан рус тилида эди. Мафкура соҳасида ҳар қандай миллий манфаатларга қаратилган интилишлар миллатчилик номи билан қораланди, шафқатсиз жазога маҳкум этилди, бутун дунё илмига ҳисса қўшган миллий-маданий бойлик йўққа чиқарила бошлади.

Бундай вазиятда, албатта, ота-оналар, биринчи навбатда, зиёлилар ўз фарзандларини рус мактабларига бердилар, ўзаро муомала ҳам рус тилида бўларли. Ўзбек тилида гаплашини қолюқлик, маданиятсизлик нишонасига айланиб қолди.

Рус тилининг айниқса ўзбек тилига таъсири кучли бўлди: ўзбек тилига ёт бўлган ш, ц товушлари ва ҳарфлари кириб келди, ўзбек тилининг ўзига хос товушларини ифодаловчи қ, ғ, ҳ ҳарфлари алифбо сирасининг охирига кўчирилди. Ўзбек тили талаффузига мос келмаган хусусиятлар (унли ва ундошларнинг қатор келиши ва б.), рус-байналминал сўз ва қўшимчалар, рус тилига хос бўлган сўз ва иборалар (калькалар) ўзбек тилига сингдирила бошлади («КПСС қарорлари — ҳаётга!»—«Решения КПСС — в жизнь!», «ёқимли иштаҳа!» — «приятного аппетита!» ва б.)

Бу ҳол айниқса атамалар соҳасида яққол кўринди: ижтимоий-сиёсий атамалар 1924 йили тилимизда 0,9 фоиз бўлса, 1980 йилга келиб 20 фоизни ташкил этди. Аниқ фанлар соҳасида, масалан, химияда илмий атамалар сони 90—95 фоиздан ортиб кетди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач ва Ўзбекистон мустақилликка эришгач, саноат, қишлоқ хўжали-

ги, маданият ва мафкура соҳаларида катта ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон мустақил ҳаракат қила бошлади, турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кирди, деярли бутун дунё мамлакатлари Тошкентда ўз элчихоналарини очдилар, Ўзбекистон давлати ҳам бошқа давлатларда ўз элчихоналарини ташкил этди. Маориф тизими тамоман янгилан тузилди.

Ўзбекистонда йил сайин лингвистик муҳит ўрнатилди борди: миллий ўрта мактаб, лицей, коллежларда, олий ўқув юртлирида дарслар ўзбек тилида ўтиладиган бўлди. Рус мактабларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш бўйича муаллимлар тайёрлана бошлади. Ўзбек тилида китоб нашр этиш, мақолалар, диссертациялар ёзиш ва ёқлаш жорий қилинди. Ўзбек тилида сўзлаш ва муомала қилиш энди миллий ғурурга айланди. Кўча, туман, шаҳарларга машхур ўзбек олимлари, шоирлари, саркардаларининг номи қўйилди.

Идора ва корхоналарнинг расмий иш қоғозлари ҳамда мажлис ва йиғинлар ўзбек тилида олиб борилди, исм ва фамилиялар миллий анъаналарга мувофиқ ёзила бошланди, почта ва телеграфлардаги ёзувлар, ариза ва таклифлар ўзбек тилида қабул қилина бошлади.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бошқа миллатларга, уларнинг маданияти ва тилига ҳурмат ва эътибор камаймади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлган бу ўзгаришлар, албатта, 1989 йили қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни қайта кўриб чиқишни талаб этар эди. Чунки 1989 йилги қонунга мувофиқ, 8 йил ичида ўзаро муомалани ва расмий иш қоғозларини ўзбек тилида олиб бориш (4-, 7-, 8-моддалар), конференция, сессияларни ўзбек тилида ўтказиш ва жой номларини ўзбекчалаштиришни 3 йилда тугаллаш (5- ва 24-моддалар) кабилар республикада нотинчлик, норозилик туғдириши мумкин эди.

Ҳақиқатан ҳам, республикамиз миллий таркиби мураккаб бўлиб, нозик сиёсат олиб боришни талаб этади: 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, республикада ўша пайтда 20 миллионга яқин (ҳозир 25 миллионга яқин) аҳоли яшаб, уларнинг 14 миллиондан ортиғи (ҳозир 20 миллионга яқини), аҳолининг умумий

сонига нисбатан 70 фоиздан зиёди ўзбеклар бўлиб, рус, украин, белорус, қозоқ, тожик, татар, қорақалпоқ, озарбайжон, қирғиз, уйғур, турк, корейс, немис, яҳудий, нўғай, арман, бошқирд, латиш каби миллат, халқ, элатлар ҳам анча кўпчиликни ташкил этади.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг мазмуни ва моҳияти (янги таҳрирда)

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳрири ҳам Президент И.А. Каримовнинг «Ҳеч қим ўз миллатини бошқалардан устун қўймаслиги керак» деган принципига асосланади. Қонуннинг 2-моддасида кўрсатилганидек: «Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб ёзиб қўйилган.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун 24 моддадан иборат бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти қуйидагича:

*Ўзбекистон ҳудудидаги миллат, халқ ва элатларга ва
уларнинг тилларига ҳурмат*

(Тилни эркин танлаш ҳуқуқи)

1) «Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар» (3-модда).

Республикадаги ҳар бир миллат ўзаро муомала қилганда, қандай тилда сўзлашишни (ўзбекчами, русчами, қозоқ ёки тожикчами в.х.) ўзлари танлаб олади. Бунда, албатта, суҳбатдошларнинг қайси тилни яхши билишлари ҳисобга олинади.

2) «Ўзбекистон Республикаси... ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади» (4-модда).

Республика Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида рус ва бошқа туркий тилларни ўрганиш, ҳозирги ўзбек тили ва шевалари, лугатшунослик каби бўлимлари иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, республика педагогика илмий-тадқиқот институтида рус ва бошқа тилларни ўқитиш методикаси устида тадқиқотлар ўтказилади. Республиканинг барча олий ўқув юртиларида ўзбек тили билан баробар рус тили, Европа халқлари тиллари, айримларида қozoқ ва қрим-татар тили, тожик тиллари, Осиё халқлари тиллари ўрганилмоқда ва илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

3) Қонуннинг 5-моддасида «...миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда уларнинг тилларида фаолият кўрсатадиган мактабгача тарбия, болалар муассасаларини ташкил этиш таъминланади» дейилган. Ўзбекистоннинг Поп, Чуст, Фарғона, Риштон туманларида, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларида тожик аҳолиси, Тошкент, Ангрэн, Чирчиқ, Навоий каби шаҳарларида рус аҳолиси, Тошкент, Бухоро, Жиззах вилоятининг айрим туманларида қozoқ аҳолиси, Андижон, Фарғона ва Жиззах вилоятларининг айрим шаҳарларида қирғизлар, Тошкент шаҳри ва вилоятида татар ва корейс аҳолиси нисбатан зич яшайди. Шунинг учун ҳам бу туман ва шаҳарларда тожик, рус, қozoқ, қирғиз, татар, корейс тилларида мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ташкил этилган.

Бу ерда «бошқа тиллар» деганда маълум ҳудудда кўпчиликни ташкил этган рус, тожик, қozoқ, татар, қирғиз, корейс ва бошқа тиллар тушунилади.

4) «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахсларга таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқи берилади» (6-модда).

Шунга асосан, Ўзбекистон ҳудудида 7 дан ортиқ миллий тилларда мактаблар, лицей, коллежлар очилган. Тошкент Давлат педагогика университетида қozoқ, қрим-татар тили ва адабиёти, Самарқандда тожик тили ва адабиёти факультетлари очилиб, уларда мазкур мактаблар учун ўқитувчилар тайёрланади.

5) Қонуннинг 11-моддасида «суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахслар... судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади», дейилган.

6) 14-модда. Ўзбекистон фуқароларига «...аризалар, таклифлар, шикоят билан давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади».

Бунда ҳар икки тилда — ҳам давлат тилида, ҳам бошқа тилларда эмас, бир тилда мурожаат этиш тушунилади.

7) 15-модда: «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар».

Албатта, бу ўринда араб, арман, грузин, яҳудий тили ва ёзувида ёзиш мазкур идора ходимларининг имконияти (тилни ва ёзувни билиши)га боғлиқ бўлади.

8) 16-модда: «Телевидение ва радио эшиттиришлари давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда олиб борилади».

Бунда айни бир материалнинг давлат тилида ва унинг таржимасини бериш билан баробар, давлат ва бошқа тилларда турли эшиттиришлар берилиши мумкинлиги кўзда тутилади.

9) Шунингдек, 17-моддада кўрсатилганидек, «Ноширлик фаолияти давлат тилида, эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда эса, бошқа тилларда ҳам амалга оширилади».

Маълум бир мақола, монография, тўплам давлат тилида бўлиши ва унинг таржимаси берилиши ёки бир тилда (давлат тили ва бошқа тилларда) бўлиши мумкин.

10) Шунингдек, 18-моддада кўрсатилишича, «Почта-телеграф жўнатмалари давлат тилида ёки фуқароларнинг хоҳишига кўра, бошқа тилда амалга оширилади».

Бу моддада фуқаролар истагига кўра, ўз тилида (ҳам давлат тилида, ҳам ўз тилида эмас) почта жўнатмаларини (хат, телеграмма в.б.) юбориши мумкин.

Давлат тили ва бошқа тилларни қўллаш ҳуқуқи

Қонуннинг қуйидаги моддаларида Давлат тили билан бирга бошқа тилларни ҳам қўллаш мумкинлиги кўрсатилган:

1) 8-модда: «Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг (жамоа, туман, шаҳар ҳокимиятлари.— А. Ғ.) ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон қили-

нади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда... (бу хил) ҳужжатлар давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон қилинади»¹.

2) 9-м олддага кўра, «...халқаро анжуманларда давлат тили, шунингдек қатнашчиларнинг ўзлари танлаган тиллар анжуман иш тили ҳисобланади».

3) 10-м олдда: «Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин».

Мазкур 8- ва 10-м олдада кўрсатилган Давлат тили билан баробар бошқа тилларни ҳам қўллаш ҳуқуқи, маълум бир ҳудудда бошқа миллат ва халқлар зич яшайдиган, шунингдек «ишловчиларнинг кўпчилиги» (50 фоиздан ортиғи) давлат тилини билмайдиган бўлса, шундагина амалга оширилади.

4) Одатда судлов ишидаги расмий ҳужжатлар Давлат тилида олиб борилади. Аммо Давлат тилини «...билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, ...судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади» (11-м олдда).

5) 11-м олдда: «Хўжалик низолари тарафларнинг розилиги билан бошқа тилларда ҳам амалга оширилиши мумкин».

6) 12-м олдда: «Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Фуқароларнинг талабига кўра, расмийлаштирилган ҳужжат матни... рус тилида ёки имконият бўлган тақдирда — бошқа мақбул тилда берилади».

7) 21-м олдда: «Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрлиқлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланади».

8) 23-м олдда: «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома матнлари, агар шартноманинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат тилида ва аҳдлашувчи томоннинг (томонларнинг) тилида ёзилади».

¹ Бошқа миллат ва халқларнинг жойлашиш ўринлари юқорида кўрсатиб ўтилди.

*Давлат тилида ва унинг таржимаси
билан иш юритиш*

1) 8-м о д д а: «Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон қилинади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади».

Демак, қонунлар, фармон ва бошқа давлат аҳамиятига молик ҳужжатларнинг истисносиз бошқа тилларга таржимаси берилади.

2) 9-м о д д а: «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади».

Бу ерда «заруриятга қараб» деганда мазкур ҳужжатларнинг ижро этувчи ташкилот ходимларининг миллий таркиби (давлат тилини билмовчилар кўпчиликни ташкил этиши) тушунилади.

3) 11-м о д д а: «...суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш... ҳуқуқи таъминланади».

4) 13-м о д д а: «Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахснинг ким эканлигини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилади, заруриятга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин».

5) 19-м о д д а: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотлар ва муассасалар, қўшма корхоналарнинг, шунингдек миллий маданият жамиятлари ва марказларининг муҳрлари, тамғалари, иш қоғозлари матнларининг таржимаси давлат тилида такрорланади».

6) 20-м о д д а: «Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин».

Давлат тилида иш олиб бориш

1) «Давлат тили ҳақида»ги Қонунда давлат тилида муомала қилиш (3-м о д д а), таълим олиш (6-м о д д а), унинг

нормалари ва қоидалари устида ишлаш, бойитиш, ривожлантириш (7-модда), давлат қонунлари ва ҳужжатларини қабул қилиш (8-, 19-моддалар), иш юритиш, статистика ва суд, нотариал ва фуқаролик ҳужжатларини тузиш (10-, 11-, 12-, 13-моддалар), расмий ҳужжатлар тайёрлаш (14-, 15-моддалар), телекўрсатув, радио, ноширлик, почта-телеграф муассасаларда (16-, 17-, 18-моддалар), кўргазмали қуруллар (20-модда), маҳсулот ёрлиқлари (21-модда) ижтимоий аҳвол ва фуқаролар хоҳишини ҳисобга олган ҳолда давлат тилида олиб борилади.

Шу билан бирга,

2) 19-моддага кўра, «Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамгалари, иш қоғозларининг матнлари давлат тилида бўлади».

3) 22-моддага асосан, «Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади».

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни бажариш

Қонуннинг 24-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар».

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни ижро этиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни (янги таҳрирда) амалга ошириш учун Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида 1996 йил 10 сентябрда қарор қабул қилди.

Давлат дастурида вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари ёки уларнинг ўринбосарлари раислигида тузилаётган комиссияга мазкур «Қонунни жорий этиш бўйича жавобгарлик юкланади».

Бундай комиссия вазирликларга қарашли ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида ҳам ташкил этилди.

Қонунни тарғиб ва ташвиқ этиш ЎЗР ФА, ҳокимликлар вазирликлар, қўмиталарга ва олий ва халқ таълими вазирликларига, радио, телекўрсатув, газета, журналлар ва улар қошидаги комиссияларга топширилди.

Ҳар йили 21 октябрда — Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кунни нишонлаш қарор қилинди.

Давлат тилини ўқитишни ташкил этиш, бу тил бўйича мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш, янгича дастур ва дарсликлар тайёрлаш ва нашр этиш, рус ва бошқа тилдаги мактаб, ўрта махсус ўқув юртларида ўзбек тилини асосий фан сифатида ўқитиш, ҳамма жойда давлат тилини текин ўқитиш, ҳамма ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиёти кафедраларини очиш, давлат тили бўйича олимпиадалар, конференция ва семинарлар ўтказиш топширилди.

Давлат дастурида расмий ҳужжатлар намунасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, кўп жилдли академик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни ҳамда терминологик луғатлар тузиш, давлат тилида иш юритиш бўйича қўлланма нашр этиш мўлжалланган.

Иш юритиш бўйича Қонунда кўрсатилган талаблар асосида ишлаш, Қонунни амалга ошириш учун керакли техник воситалар билан таъминлаш, қонунни амалга оширишга «тўсқинлик қилувчи мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиши назарда тутилган».

Давлат дастурининг ҳар бир моддасини бажариш бўйича жавобгар бўлган вазирлик, қўмита, Фанлар академияси, ҳокимиятлар ва конкрет муассаса, ташкилот ва идоралар ҳамда Дастурдаги тадбирларни бажариш муддатлари кўрсатиб ўтилган.

Атамаларни тўғри танлаш ва қўллаш, уларни бирхиллаштириш (унификация қилиш) ва стандартлаш (бир қолипга солиш) муҳим аҳамиятга эга. Тўғри танланган атама (термин) фанни эгаллашда ҳам, тилни ривожлантиришда ҳам катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (собиқ Ми-

нистрлар Совети) ҳузурида 1989 йил 26 декабрда махсус Атамашунослик (терминологик) қўмита тузди.

Қонун қабул қилинган вақтдан бери бу соҳада анча ишлар амалга оширилди. Ўзбек тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилди, янги дарслик ва қўлланмалар нашр этилди, ҳар бир идора ва ташкилотларда иш юритиш (оғзаки ва ёзма) Қонун асосида амалга оширила бошланди, мақбул бўлмаган жой номлари ўзгартирилди, почта ва телеграф жўнатмалари, расмий ҳужжатлар тузишда ҳам Қонун асосида иш олиб борилди, атамаларни танлаш ва ишлатиш тартибга солина бошлади, ўзаро муомала ва таълим олишда тилларни танлашдаги эркинлик амалга оширила бошлади. Идора ва ташкилотларда давлат тилини бепул ўрганиш тўғраклари ташкил этилди ва ҳоказо.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг ижросида Республика Вазирлар Маҳкамасида ва жойларда ташкил этилган комиссияларнинг фаолияти Қонуннинг бажарилишини таъминлашда катта рол ўйнади ва ўйнамоқда.

Адабиёт

1. Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида. Т., «Ўзбекистон», 1989.

2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тили ҳақида (янги таҳрирда). «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 29 декабрь.

IV б о б

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ. СЎЗЛАШУВ НУТҚИ ВА ШЕВАЛАРИ

1-§. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Ўзбек адабий тили — ўзбек халқининг маълум бир қонун-қоидалар асосида тузилган тили. Адабий тил расмий ҳужжатлар, ёзма адабий, илмий, ҳуқуқий, радио, телекўрсатувлар, матбуот, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларидаги маърузалар тилидир. Бу тил давлат тили мақомини олган расмий тилдир. Адабий тил сўзлашув тилидан, шевалардан, турли тоифалар тилидан маълум

норма (меъёр, қонуниятлар) асосида тузилгани билан фарқланиб туради. Шу билан бирга, бу тил жонли сўзлашув нутқиға, шевалар ва турли тоифа тилларига асосланади, улардан озикланади, тобора такомиллашади. Адабий тилнинг шаклланиши, такомиллашишига анъанавий ёзма мумтоз (классик) адабий тил, бошқа тиллар (араб, форс, тожик, рус ва европа тиллари) ҳам катта таъсир кўрсатади.

Маълум қонун-қоидалар орқали шаклланган адабий тил нормалари (меъёрлари) ёзма адабий, илмий асарлар ва дарсликлар, радио, кино ва телекўрсатувлар, мактаб ва матбуот орқали тарғиб қилинади.

Адабий тил билан шева, сўзлашув нутқи ва турли тоифалар тили ўртасида тафовут доимо сақланади. Оғзаки нутқнинг ўз фонетик, лексик, грамматик нормалари (меъёрлари) бўлади.

Адабий тил мезонлари, меъёрлари (нормалари) ҳамма давр учун бир хил бўлмайди: ҳар даврнинг ўз адабий тил мезонлари бўлади. Масалан, қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек тили, янги ўзбек тили, ҳозирги замон ўзбек тилининг ўзига хос адабий тил мезонлари (нормалари) бор.

1. Қадимги туркий адабий тили VI — X асрлар мобайнида амалда бўлган, бу тилда қадимги туркий ёзма ёдгорликлар яратилган.

2. Эски туркий адабий тили XI — XIII асрлар давомида яратилган «Қутадғу билиг», «Ҳибатул хақойиқ», «Ўғузнама», «Муҳаббатнома», «Қиссан Рабғузий» каби буюк адабий асарлар тилидир.

3. Эски ўзбек адабий тили XIV — XVIII асрлар мобайнида шаклланиб, бойиб, такомиллашган адабий тилдир. Бу тилда Лутфий, Саккокий, Дурбек, Атоий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Гулханий, Абулғози Баҳодирхон, Турди каби буюк шоир ва ёзувчилар қалам тебратди.

4. Янги ўзбек адабий тили XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Бу тилда Амир Умархон, Нодири, Муқимий, Завқий каби шоирлар ижод қилди, матбуот тили шаклланди.

5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили Фитрат, Чўлпон, Ойбек, А. Қодирий, А. Қаҳҳор, Ғофур Ғулум, Ҳ. Олим-

жон, А. Орипов, Э. Воҳидов ва бошқа ёзувчи ҳамда шоирларнинг тилидир. Бу тил XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб шаклланди.

Адабий тилга фақат бадиий асарлар тилигина эмас, ўз даврининг илмий, расмий тили, матбуот тили ҳам кирилади. Адабий тилнинг ҳар соҳаси — товуш тизими, ёзуви, сўз ва гап қурилиши, сўз қўллаш йўллари ўз қонун-қоидаларига (нормалари, мезонларига) эга бўлади. Бу мезонлар, тилнинг амалда қўллаш тажрибасига асосланиб, узоқ ва ҳар томонлама муҳокама ва мунозарадан кейин, тилшунос олимлар томонидан, бошқа соҳа мутахассислари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Адабий тил ва сўзлашув нутқи ҳамда шевалар орасидаги тафовутни матбуот, радио, телекўрсатув, ёзма адабиёт орқали йўқотишга ҳаракат қилинади. Аммо сўзлашув нутқи ва шевадаги хусусиятлар асосан сақланади. Шу билан бирга бу хусусиятлар адабий тилни бойитишда манба ҳам бўлади.

Кўрсатиб ўтилган тил жараёни бир-бири билан боғлиқ, бири кейингисига асосланади, ундан келиб чиқади. Даврлар мобайнида шу жараён туфайли адабий тил силлиқлаша ва мукаммаллаша боради.

Сўзлашув (оғзаки) нутқи ёзма ва сўзлашув (оғзаки) шаклларига эга бўлади. Сўзлашув нутқи адабий тил меъёрларига (нормаларига) риоя қилмаган оғзаки нутқ бўлиши ёки маълум бир шева хусусиятларини сақлаган ва ёзма адабий тил талабларига риоя қилмаган шаклда бўлиши мумкин.

Сўзлашув (оғзаки) нутқда ёзма адабий тил қонун-қоидалари тўлиқ сақланмаслиги ҳам мумкин. Сўзлашув нутқида товушлар, сўзлар ва гаплар ўз маъно нозикликларини тўлиқ сақлайди. Сўзловчи эшитувчига маълум ва номаълум бўлган ўринларни билиб, зарур товуш, сўз ёки иборани танлаб ўз нутқини тузади. У ёки бу ўринга мантикий урғу беради, сўзнинг ранг-баранг маъноларидан усталик билан фойдаланади. Афсуски, бу ҳолатни ёзма нутқда ифодалаб бўлмайди — бунинг учун зарур оҳангдан, қўшма сўз, ибора ва аффикслардан фойдаланилади. Ҳар бир сўзловчининг ўз нутқ услуби бўлса ҳам, асосий мақсадни тушунтириш учун зарур сўз ва ибораларни, таъ-

сирли оҳанг ва урғуни ўзи танлайди. Сўзлашув нутқи ша-роит, ижтимоий муҳит, сўзловчининг ва эшитувчининг ёши, жинси, мавқеи ва вақт билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам оғзаки нутқ ёзма нутқдан фарқланувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бу хусусиятлар айрим сўз ва ибораларни қўллашда, оҳангда, гап бўлақларининг тартибида ва бошқа ўринларда яққол кўринади.

2-§. ШЕВА НУТҚИ

Сўзлашув нутқи муомала доирасининг кенглиги билан ҳам шева нутқидан фарқланади. Шева нутқи эса маълум ҳудуд билангина боғланган сўзлашув нутқидир. Сўзлашув оғзаки нутқи маълум даражада шева нутқини ҳам, ёзма нутқ хусусиятларини ҳам қисман ўз ичига олади.

Ҳозирги замон ўзбек тили турли шева ва лаҳжаларга эга. «...туркий тилларнинг бирортаси ҳам ўзбек тилидаги каби турли-туман диалектал фарқларга эга эмас...», деган эди машҳур туркийшунос олим Е.Д. Поливанов. Бунинг асосий сабаби ўзбек халқи этник таркибининг мураккаблигидадир. Ўзбек халқининг ва тилининг шаклланишида ўғуз, қарлуқ, қипчоқ уруғларининг иштироки катта бўлган. Бу жараёнда асосий ўринни қарлуқ уруғлари эгаллаган, албатта, тожик (эронзабон) уруғларнинг ҳам ўзбек халқи ва тилининг шаклланишида иштироки бўлган. Ҳозирги Ўзбекистон ва унга ёндош ҳудудлардаги жой, уруғ, дарё ва бошқаларнинг номлари (топоним, этноним, этноойконим, этногидроним, этноагронимлар)да мазкур уруғларга тегишли кўплаб сўзларнинг бўлиши бу фикрни исботлайди.

Ўзбек шева ва лаҳжаларини ўрганишда Е.Д. Поливанов, К.К. Юдахин, В.В. Решетов, Ғози Олим Юнусов, А.К. Боровков, Ш. Шоабдураҳмонов ва бошқа олимларнинг хизмати катта бўлди. Шеваларни ўрганишда бу олимлар ўз таснифларини бердилар.

Ҳозирги кунда В. Решетов ва Ш. Шоабдураҳмоновлар томонидан маъқулланган таснифга кўра, ўзбек шевалари қуйидаги уч гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари бўлади:

1. Қарлуқ-чигил-уйғур шеваси (тўғрироғи, қарлуқ шеваси).

2. Қипчоқ шеваси.

3. Ўғуз шеваси.

Ҳар бир шеванинг ички гуруҳлари бўлиб, уларни лаҳжа дейилади. Масалан, қарлуқ-чигил-уйғур шеваси Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон ва бошқа лаҳжалардан ташкил топади. Қипчоқ шевасига Қашқадарё ва Сурхондарёдаги шаҳар ва туман лаҳжалари, ўғуз шеваларига Хоразм вилоятининг шаҳар ва туман лаҳжалари кирди.

Мазкур шеваларни Ўзбекистон ҳудудидан ташқари Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон Республикалари ҳудудида ҳам учратиш мумкин.

Одатда, ҳар бир шевани ташкил этган лаҳжаларнинг ҳам ўзига хос фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари бўлади.

Қипчоқ шеваси сўз бошида *й* нинг *дж* га ўтиши (*джол, джаман*), *ғ* нинг *в* га ўтиши (*тав, авуз*), *п, қ, к* нинг унлилар орасида жаранглашиши (*қабы — қопи, экин — егин, чиғиб — чиқиб*), сўз бошида *ҳ* нинг тушиши ёки ортиши (*арра — харра, айвон — ҳайвон*), сўз охирида *к, қ* нинг тушиши (*кичи — кичик*), қараткич ва тушум келишигининг — *тынг, — ты* шаклида қўлланиши, шахс олмошларининг жўналиш келишигида *маған, саған, уған* шаклида, ҳозирги замон феъли — *джатыр (бараджатыр)*, ҳозирги — келаси замон сифатдошининг — *тыған* шаклининг (*баратыған*) қўлланиши билан бошқа шевалардан ажралиб туради.

Ўғуз шевасида бирламчи чўзиқ унлиларнинг сақланиши (*а:ч — оч, сифат, ач — оч, феъл*), сўз бошида *т, к* товушларининг жаранглашиши (*дил — тил, гел — кел*), қараткич келишигининг-*ынг* || - *инг*, жўналиш келишигининг-*а* шаклида, бўл сўзида *б* нинг тушиши (*ўл*) каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Одатда, ҳар бир шевани ташкил этган лаҳжаларнинг ҳам ўзига хос фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари бўлади.

Қарлуқ шевасига кирган Наманган лаҳжасида бошқа лаҳжаларда учрамайдиган биринчи бўғиндаги *а* унли *э* га ўтади: *ат-эти*.

Наманган ва Тошкент лаҳжасида айрим товушлар туширилади ёки тор айтилади (*бза, адамла, сла*);

Тошкент лаҳжасида: *тузъ, томмъ, борвотман, борвоттъ.*

Наманган лаҳжасида: *оттъ, толлъ, борутти, қълуттъман.*

Андижон, Қўқон лаҳжаси: *толдъ кестъ, қилйаннан, борйаннан.*

Самарқанд, Бухоро лаҳжаси: *қилопман, қилопту.*

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили асосига марказий шаҳар шевалари, асосан, Тошкент — Фарғона гуруҳ шевалари олинади. Шу билан бирга бошқа шеваларга хос айрим фонетик ва грамматик хусусиятлар ҳам адабий тилдан ўз ўрнини олган.

Адабий тилда унлилар тизимиغا Тошкент гуруҳи шеваларига хос 6 унли қабул қилинди: *и, э, а, о, у, ў.* Аммо Фарғона гуруҳи шеваларига хос бўлган тор, олдинги қатор *у* ва ўрта — тор, олдинги қатор *θ* унлилари Тошкент гуруҳ шеваларида йўқ, бу унлилар адабий тил фонетик тизимида кирмайди.

Адабий тил морфологик тизимида Фарғона гуруҳи шеваларига хос бўлган ҳозирги замон феълининг — *яп* шакли (Тошкент — *вот*, Самарқанд — *оп*, Наманган — *ут*), ҳозирги-келаси замон кўплигининг биринчи шахси — *миз* (Тошкент — *вуз // вуза*) шаклида қўлланади.

Адабий тилда буйруқ феълининг II шахси *боринглар, келинглар* шаклида ишлатилади (Тошкент — *борларинг, келларинг*).

Лексика соҳасида шевалар айрим ўзига хос сўзлари билан ажралиб туради. Масалан, Хоразм шевасида балиқ 17 хил ном билан, Қашқадарё ва Сурхондарёда қўй ва эчки 19 хил ном билан ифодаланади.

3-§. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ БЎЛИМЛАРИ

Ҳозирги ўзбек адабий тили қуйидаги бўлимлардан иборат: 1. Фонетика. 2. Лексикология ва семасиология. 3. Грамматика. 4. Услуб.

1. Ф О Н Е Т И К А

Фонетика товуш ва фонемалар, фонемаларнинг унли ва ундош товушларга бўлиниши ва уларнинг таснифи, алифбо ва унинг тарихи, имло, талаффуз, фонетик ҳодиса ва қонуниятлар, бўгин, урғу каби масалалар билан шуғулланади.

а) Нутқ аъзолари ва фонемалар

Фонемалар, шунингдек, ҳар қандай товушни ҳосил қилишда кишининг маълум аъзолари иштирок этади. Бу аъзолар нутқ аъзолари дейилади.

Нутқ аъзолари: 1) ўпка (ҳаво ҳосил қилади); 2) диафрагма ва ҳавони бўғизга йўлловчи бронхлар; 3) бўғиз; 4) товуш пайчалари; улар икки эластик мускуллардан иборат бўлиб, ўпкадан чиққан ҳаво шу ерда товушга айланади. Бўғизда ҳосил бўлган товуш икки томонга — бурун ва оғиз бўшлиғига қараб йўналади. Бўғизнинг юқори қисмида кичик тил бўлиб, ҳаво йўналишини бошқаради. 5) оғиз бўшлиғи; бу бўшлиқда юмшоқ ва қаттиқ танглайлар, тил ва тишлар жойлашган; 6) бурун бўшлиғи; 7) лаблар.

Товуш (фонема) ҳосил қилишда нутқ аъзоларининг хизмати. Товушларни ҳосил қилишда нутқ аъзолари фаол (актив) ёки сусти (пассив) иштирок этади. Ўпкалар, бронхлар ва диафрагмалар, бурун бўшлиғи, танглайлар, тишлар ҳаракатда бўлмаган сусти (пассив) аъзолар бўлиб, товуш ҳосил қилишда иштирок этадилар. Бошқа нутқ аъзолари — товушлагич пардалари, кичик тил (ҳаво оқимини оғиз ёки бўғиз бўшлиғига йўналтириб туради), тил, лаблар ҳаракатда бўлиб, турли товушларнинг пайдо бўлишида қатнашадилар.

Товушлар (фонемалар) таснифи.

Товушлар (фонемалар) аввало икки турга — унлилар ва ундошларга бўлинади.

Унли товушлар товушлагич пардаларининг тебранишидан ҳосил бўлиб, нутқ аъзолари фаол қаршилиқ кўрсатмайдилар.

Янги ўзбек алифбосида 6 унли қабул қилинган: а (а), е (э), і (и), о (о), у (у), о' (ў)¹.

Унлилар пайдо бўлиш ўринлари ва усуллари ҳамда лабларнинг иштирокига кўра тасниф этилади.

Ундош товушлар эса товушлагич пардасида ҳосил бўлсалар ҳам, нутқ аъзоларининг фаол ва сует қаршилигига учраб чиқади. Ундош товушлар овоз ва шовқиннинг иштирокида ҳосил бўлади. Баъзи ундошларда овоз устун бўлса (l, m, n, r, ng), баъзиларида шовқин устун бўлади (жарангсиз ундошлар), айрим ундошларда овоз ва шовқин тенг бўлади (жарангли ундошлар).

Ундош товушлар овоз ва шовқиннинг иштироки, пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра таснифланади².

б) Фонетик қонуният ва ҳодисалар

Сўз таркибидаги товушлар бир-бирига таъсир этиши, шу орқали ён товушни ўзгартириши ёки ўзи ўзгариши мумкин. Агар бу ўзгаришлар имлода ўз аксини топса (шу ўзгариш асосида ёзилса), бундай товуш ўзгариши фонетик қонуният ёки бу ўзгаришлар имлода ўз аксини топмаса (сўз ва қўшимчалар ўзак ва негиз ҳамда қабул қилинган қўшимча шакли асосида ёзилса), *фонетик ҳодиса* дейилади. *Фонетик қонуниятлар* ҳам, фонетик ҳодисалар ҳам орфоэпик (тўғри талаффуз) нормаси (яъни шундай талаффуз этиш адабий тил нормаси) ҳисобланади.

Тилимизда қўлланадиган фонетик қонун ва ҳодисалар қуйидагича бўлади:

Ассимиляция

Ассимиляция — латинча *assimilare* — ўхшатиб олиш демакдир. Товушларнинг ўхшатиб олиниши айнан бўлиши ($yoz + sin = yossin$) ёки ўзининг тури (пайдо бўлиш ўрни, усули, овоз ва шовқиннинг иштироки)га ўхшатиб олиниши мумкин ($yoqsa - yoxsa, tanbur - tambur$ каби).

¹ Қавсда кирилл ҳарфлари кўрсатилган.

² Унли ва ундошларнинг таснифи бўйича қаранг. Ҳозирги ўзбек тили, «Фан», Т., 1966. 1 жилд, 19-ва 24-бетлар.

Ассимиляция ҳодисаси икки хил бўлади:

1) Прогрессив ассимиляция. Бу хил ассимиляцияда олдинги товуш кейинги товушга таъсир этиб, ўзига ўхшатиб олади. Масалан: *otdan — ottan, ishdan — ishtan, soldat — sollat* ва бошқалар.

Бу хил ассимиляция фонетик ҳодиса бўлиб, ўзак ва қўшимчаларнинг асл шакллари ёзилади: *otdan, ishdan, soldat* каби.

Айрим прогрессив ассимиляциялар фонетик қонун асосида — талаффузга кўра ёзилади: *yurak — yurakka, tog' — toqqa* каби.

2) Регрессив ассимиляция. Фонетик қонуниятда, аксинча, товуш олдинги келган товушни ўзига ўхшатиб олади: *shanba — shamba, ichsa — issa, oqshom — oxshom, tuzsiz — tussiz* каби.

Товуш тушиши

Сўз ўзаклари ва қўшимчалар қўшилиши билан айрим товушлар сўз бошида, ўртаси ва охирида тушиб қолади.

Сўз бошида одатда қисқа талаффуз қилинувчи у ёки h¹ товушлари тушиб қолади: *yiging — iring, yiroq — iroq, yog'och — og'och* каби.

Сўз ўртасида одатда қўшимчалар сўз ўзакларига қўшилса, ўзакдаги айрим товуш тушиб қолади: *og'iz — og'zi, burun — burni, ikki — ikkov* каби.

Қисқа (i) товуши сўз ўзакларида ҳам тушади ёки жуда қисқа айтилади: *pishiq — pshiq, kishi — kshi, bilan — blan* каби.

Сўз охирида одатда қатор келган ундошларнинг сўнггиси (t, d каби) талаффузда тушиб қолади: *Samarqand — Samarqan, sust — sus, do'st — do's, pisand — pisan, post — pos, xursand — xursan, Toshkent — Toshkon* каби.

Ўзбек тилида араб тилига хос айрим сўзларда айн (') сўз ўртаси ва охирида тушиб қолади, сўз бошида чўзиқ тарзда талаффуз қилинади: *ma'lum — malum, ma'mur —*

¹h ундоши ўзбек шеваларида тушиб қолиши (*isob — hisob, aligi — haligi, ko'na — kohna*) мумкин. Қаранг: Решетов В, Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. «Ўрта ва олий мактаб». Т.. 1962, 166-бет.

manur, ta'lim — talim, man' — man, daf' — daf, 'ayn — ayn, 'ayb — ayb, 'ilm — ilm каби.

Бундай ҳолларда сўз бошида ва сўз охиридаги айн (ту-туқ белгиси), талаффузга кўра ёзилмайди. Аммо сўз ўртасида келган айрим сўзларда айн қатор унли билан ифодаланади. Талаффузда бир унли тушса ҳам, ифодаланган унли чўзиқ айтилса ҳам, ҳар икки унли ёзилади: saodat — so:dat, taajjub — ta:jjub, taassuf — ta:ssuf каби.

Диссимиляция

Диссимиляция латинча dissimilate — ноўхшашлик дегани, бу фонетик ҳодисада товушларнинг таъсири натижасида ноўхшаш товуш талаффуз қилинади. Диссимиляция ҳодисаси ҳам икки хил бўлади:

А. Прогрессив диссимиляция ҳодисасида олдинги товушнинг таъсири билан кейинги товуш пайдо бўлиш ўрни ва усулини ўзгартиради ва товушларнинг сифатида ўзгариш — ноўхшашлик юзага келади. Масалан: zarur — zaril, zarar — zalal, birorta — bironta каби.

Б. Регрессив диссимиляцияда бу ноўхшашлик кейинги товушнинг таъсири билан олдинги товушда рўй беради. Масалан: ro'chta — ro'shta, maqtanchoq — maxtanchoq, uchta — ushta каби.

Баъзи сўзларда ҳар икки ҳодиса (ассимиляция ва диссимиляция) учрайди. Масалан: uchdi — ushti — uchti, ichdi — ishti — ichti каби.

Метатеза

Метатеза юнонча бўлиб, meta — алмашиш маъноси-ни билдиради. Бу фонетик ҳодисада ёнма-ён келган товушлар ўрин алмашади. Масалан: sayram — saryam, daryo — dayro, turroq — turoq, to'g'ramoq — to'rg'amoq каби.

Ёмғир сўзи yomg'ur тарзида айрилса ҳам yomg'ir ёзилади (бу сўз аслида yag'tur шаклида бўлган).

Товуш орттирилиши

Товуш орттириш фонетик ҳодисасида сўзнинг боши, ўртаси ва охирида бирор товуш орттириб талаффуз

қилинади. Бу ҳодиса ўзбек тилининг ўзига хос талаффуз қоидалари асосида рўй беради. Ўзбек тилида икки ундош қатор талаффуз қилинмайди ёки маълум товушлар (h,r) билан сўз бошланмайди.

Сўз бошида: stakan — istakan, spirt — ispart, shkaf — ishkaf, rus — o'ris, ro'mol — o'ro'mal, ro'za — o'ro'za, igna — yigna ёки уйна каби.

Сўз ўртасида: aql — aqil, fikr — fikir, ilm — ilim, shifr — shipir, hukm — hukum, doir — doyir, doim — doyim, foiz — foyiz, teatr — teyatr каби.

Сўз охирида: bank — banka, tank — tanka каби.

Товуш ўзгариши

Сўз ўзакларида ёки уларга бирор қўшимча қўшилганда, ўзакдаги *a* унлиси *o* га ёки *i* унлиси *u* га айланади ва шундай ёзилади:

ong — angla, son — sana, ot — ata, yosh — yasha; sayla — saylov, to'pla — to'plov; tara — taroq, so'ra — so'roq, chanqa — chanqoq; o'qi — o'quv, to'qi — to'quv каби.

Айрим сўзларда урғусиз бўғиндаги унли талаффузда тушиб қолади ёки жуда қисқа айтилади: direktor — direktr, rektor — rekrtr, avtor — avtr каби.

Бу ўринда урғусиз бўғиндаги унли ёзила беради: direktor, rektor, avtor каби.

Айрим сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда сўз ўзагидаги *k* ва *q* товушлари *g* ва *g'* га ўтади ва шундай ёзилади: bilak — bilagi, tilak — tilagi, buloq — bulog'i, tirnoq — tirnog'i каби.

Аммо айрим сўзларда бундай товуш ўзгариши бўлмаслиги мумкин: nok — noki, doq — doqi, oq — oqi, zavq — zavqi каби.

в) Бўғин

Талаффузда ҳаво оқими маълум бир қисмларга бўлинади. Бу бўлиниш бўғин деб айтилади. Сўзга урғунинг тушишига қараб бир бўғин қисқа, урғу тушган бўғин юқори ва чўзиқ бўлиши мумкин.

Бўғинни унли товушлар ташкил этади, бинобарин, сўзда қанча унли бўлса, шунча бўғин бўлади. Масалан: *shox* сўзида бир бўғин, *o-ta* сўзида икки бўғин бор ва ҳоказо.

Бўғинлар икки хил бўлади: агар бўғин унли билан тугаса, очиқ бўғин; ундош билан тугаса ёпиқ бўғин бўлади. Масалан: *Ra'-po* — очиқ бўғинли сўз. *An-hog* — ёпиқ бўғинли сўз. *Mam-la-kat* — аралаш бўғинли сўз.

Бўғин тузилишида бир унли иштирок этиб, ундошлар сони турлича бўлади:

- 1) бир унли: *u, o-ta*.
- 2) унли ва бир ундош: *ol, bo-la, lo-la*.
- 3) унли ва икки ундош: *mak-tab, ost-ust*.
- 4) унли ва уч ундош: *fikr, zikr, bark, tort*.
- 5) унли ва тўрт ундош: *kross, punkt*.

г) Урғу

Одатда, сўз урғуларининг бири бошқасидан ажралиб, зарб билан, чўзиб талаффуз қилинади. Бундай талаффузли бўғин урғули бўғин дейилади.

Урғу икки хил бўлади: фонетик урғу ва мантиқий урғу. *Фонетик урғу* — айрим бўғинга тушган оддий урғу бўлади. *Мантиқий урғу* эса гап таркибидаги бирор сўзга тушиб, шу сўзнинг маъносига диққат жалб қилинади ва асосий мақсад ифодаланади. Мантиқ урғусини олган бўлак (сўз) бошқа бўлақлардан оҳангда, зарб берилиши билан ажралиб туради:

Mustaqil Davlatimizning ertasi porloq.

Бу жумладаги ҳар бир бўлакка мантиқий урғу тушиб, асосий мақсад ифодаланиши мумкин. Мантиқий урғули бўлакнинг ўрнини ўзгартириш ҳам (уни гап бошида ёки кесимдан олдин келиши) шу гап бўлаги маъносига диққатни янада жалб этади, мақсад янада аниқроқ ифодаланади.

Ўзбек тилида одатда урғу охириги бўғинга тушади, аммо сўзга қўшимча қўшилиши билан урғу шу қўшимчага кўча боради, аввалги бўғиндаги урғу эса сустлашади. Бу ҳолатда сўнги бўғинда урғу *асосий урғу*, аввалги бўғиндаги урғу эса *ёрдамчи урғу* дейилади: Масалан: *dav-la-ti-miz-da-gi*.

Айрим, асосан, чет тилидаги сўзлар ва қўшимчалар иштирокидаги сўзларда урғу охириги бўғиндан олдинги бўғинга тушиши ҳам мумкин:

Биринчи бўғинга урғу тушган сўзлар: *hàmma, chúnki, yàni, àmmo, lèkin, vèktor, dóktor, dràma.*

Ўрта бўғинига урғу тушган сўзлар: *dirèktor, dorilfunun.*

Одатда, биринчи ва ўрта бўғинларига урғу тушадиган сўзлар араб, тожик, рус ва бошқа байналмилал сўзлардир. Ўзбекча сўзларга ҳам биринчи ва ўрта бўғинларга, баъзи урғу олмайдиган қўшимчалар сўзга қўшилганда, урғу тушиши мумкин.

Урғусиз қўшимчаларга кесимлик (-*man, -san, -miz, -siz*), ўхшатиш (-*day, -dek*), кичрайиш-эркалаш (-*gina, -kina, -qina*), доналик сон (-*ta*), чама сон (-*tacha*), сифат ва равиш ясовчи (-*cha*) қўшимчалар киради: *talabaman, sizday, shugina, beshta, o'ntacha, o'zbekcha* каби.

Шу билан бирга белгилаш ва бўлишсиз олошлари (*har, hech*) билан тузилган қўшма сўзларнинг ҳар бир қисмига урғу тушади: *har bir, har narsa, hech kim, hech qachon* каби.

Айрим юкламалар (-*mi, -oq, -yoq, -gina, -chi, -da, -a, -ya, -yu, -ku*) ҳам урғу олмайди, бинобарин, урғу олдинги бўғинларга тушади: *yozdimi?, kelib -oq, o'zi -yoq, sen-gina, biz-chi?, keldi-da, sen-a?, endi-ya, bordi-yu, aytdim-ku.*

Шунингдек, кўмакчили сўзларда асосий урғу мустақил сўзда бўлиб, кўмакчи ёрдамчи урғуни олади: *kitob uchun, siz bilan, gulzor ichra* каби.

Урғунинг сўзни тўғри талаффуз қилишидаги ва сўз маъносини фарқлашдаги хизмати каттадир. Урғу ўрнининг ўзгариши айрим сўзларни тўғри тушунишга ёки маъносининг ўзгаришига олиб келади: *tugma* (фезл) — *tugma* (от); *yigitcha* (йигитдек) — *yigitcha* (ўғил бола); *gulsiz* (гулдек) — *gulsiz* (гули йўқ); *akademik* (от) — *akademik* (сифат) каби.

д) Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари¹

Ўзбек тилшунослигининг амалий бўлимларидан бири — орфоэпия бўлиб, тўғри сўзлаш (орфо — тўғри, эпос — сўзлаш) қоидалари ҳақида баҳс юритади. Тўғри

¹Сўзлар талаффуз билан боғлангани учун ҳарфлар кириллча берилди.

сўзлаш аввало шахснинг маданий етуклигини белгилаб туради. Радио — эфирдан тарқалган гаплар ичида баъзан шундайларини эшитамиз: **Суроги тугаб қолди. Енги режа чизмаси битгунча вақит ўтади.** Бу гап қурилиш муҳандисининг нутқидан олинган. Бир жумладан учта орфоэпик хато “ўтиб” кетди: *суроги* (муддати), *енги* (янги дейиш ўрнига); *вақт* сўзида эса нутқ соҳиби урғуни тўғри қўймади, натижада *в* ва *т* орасида ортиқча унли, яъни жуда қисқа *и* айтилгандай бўлди. Демак, талаффуз меъёрлари дейилганда, маълум бир қоида-қонунларга амал қилиб сўзлаш ва ёзиш тушунилади.

1. *Ақл, қисм, исм, фикр, вақт, илм, аҳл, узр, халқ, нақд, нақл, насл, ҳукм* каби арабча сўзларнинг барчасида урғу биринчи унли устига тушади. Талаффузда икки ундош орасига бир унли қўшиш хато бўлади.

2. *Муҳим, мудир, муқим, муҳит, мумкин, мунис* каби арабча сўзларнинг иккинчи бўғини урғу олади. Шунинг учун ҳам талаффузда иккинчи бўғинда *у* талаффуз қилинади ҳам *и* ёзилади.

3. *Баҳор, жамол, наҳор, савоб, савол, аввал, шамол, қарор* каби сўзларнинг биринчи бўғинидаги *а* товуши *о* товушига яқин талаффуз қилинади, аммо *а* ёзилади.

4. *Обр(ь)з, тракт(ь)р, директ(ь)р* каби сўзларнинг урғусиз бўғинидаги кейинги унли товуш деярли талаффуз қилинмайди. Лекин ёзувда *а* ва *о* ҳарфлари ёзилади: *образ, трактор, директор* ва б.

5. *Доцент, идеология, азотоп* каби кўплаб рус-байналмилал сўзларнинг урғусиз бўғинидаги *о* товуши *а* тарзида талаффуз қилинади, ёзувда эса *доцент, идеология, азотоп* шакли ёзилади. Агар сўзнинг биринчи бўғинидаги унли урғу олса, аниқ талаффуз қилинади: *поезд, полк, тонна, повесть* ва б.

6. Урғу маъно айиришда хизмат қилади: *боғлар — боғлар, сўрма — сурма, қишлоқча — қишлоқча, атлас — атлас, механик — механик, физика — физик, этик — этик, олма — олма* каби сўзлар маъноси фақат урғуни тўғри қўйиш ёрдамида ажратилади: *таъриф — тариф, кўлдир — кулдир.*

Урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғини томон кўчади:
иш — ишла — ишладик.

Араб, форс-тожик ва Европа тилларидан ўтган *муаллим, мударрис, ассистент, музаффар* каби сўзлар туфайли ўзбек тили такрор ундошлар талаффузини ўзлаштирди. *Кооперация, аэроплан, мутолаа, матбаа* каби сўзлар орқали унлиларни чўзиб айтиш мезони адабий тилдан жой олди.

Талаффуз меъёрлари қатъийлашган бўлса ҳам, айрим ҳолларда нутқий хатолар учраб туради. Баъзилар нутқида *залал, зарир, колидор, дастахон, дувол, суннай, уч матта, ҳечтима, таллаш, билла, тўтта, майрам* каби ифодалар учрайди. Аслида *зарар, зарур, коридор, дастурхон, девор, сурнай, уч марта, ҳеч нима, танлаш, бирла, тўртта, байрам* ёзилади. Шунингдек, шева талаффузига ҳам йўл қўйилмайди: *ишти, нонди, дўвлат, шўкат, боравуза, алма, келсамиз, олмиш, келутти, шалини пали* кабилар шева-ларга хосдир, аслида ўзак ва қўшимчалар адабий тил қоидасига мувофиқ ёзилади. Талаффуз меъёрларига оид қуйидаги қоидаларни ҳам билиб олиш даркор:

1. Айириш, яъни тутуқ белгисидан олдинги унли чўзиқ талаффуз қилинади: *аъло, Раъно, таълим, таъриф, таъна, эълон, эътироф, эътиқод, эътироз, эътибор.*

2. *келаверинг, бораверинг, айтаверамиз* каби қўшма феъллар таркибидаги *бер* кўмакчи феъли *вер* шаклида талаффуз этилади ва шундай ёзилади: *ёзаверамиз.*

3. *ф* товуши кўп ҳолларда *п* тарзида айтилади, лекин уни аниқ талаффуз этиш ва ёзиш талаб қилинади: *пабрика* эмас, *фабрика*; *пакт* эмас, *факт*; *шапқат* эмас, *шафқат*. Бу ўринда ҳар икки товушнинг маъно айиришдаги ўзига хос хусусиятини ҳам назарда тутиш лозим: *соф — соп, тиф — тип, пакт — факт* ва б.

4. *-боз, -бон* ясовчилари *-воз, -вон* талаффуз қилинса ҳам, *-боз, -бон* айтилади ва ёзилади: *дорбоз, аризабоз, ишқибоз, боғбон, дарвозабон* каби.

5. *Х* ва *ҳ* товушлари иккита мустақил фонемадир: уларни жуда аниқ талаффуз қилишни ўрганиш лозим. Муҳими, ҳар икки товуш маъно айиради: *хуш — ҳуш, хил — ҳил, ҳол — хол, хийла — ҳийла, шох — шох, ҳам — ҳам, ухламоқ — ухламоқ* ва б.

6. Барча юкламалар урғусиз талаффуз қилинади: *сиз-ми, сиз-чи, мени-я, сиз-а, сиз-да*.

е) Ёзув ва унинг тарихи

Ҳар сўзки кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлгай эрди нобуд.

(*Мунис*)

Ёзув фикрнинг ташқи ифодасидир. Ёзув орқали кишилар ўз фикрларини бир-бирларига билдирадilar, авлодларга қолдирадilar. Ёзув орқали биз минглаб йиллар олдин ўтган воқеалар, шахслар, илм ва одатлар тўғрисида маълумотга эга бўламиз, маданият, фан, ижтимоий ҳаётда бўлган воқеалардан хабардор бўламиз. Ана шундай қийматга эга бўлган ёзув бирдан пайдо бўлмади. Ҳатто ҳозиргача ўз ёзувига эга бўлмаган халқлар бор.

Дастлабки ёзув расмлар орқали (бу хил ёзув *пиктография*: "pictus" — "чизилган", "graphie" — "ёзаман" демоқ) бўлган. Бунда ҳар бир расм (ёки нарса) бирор маъно ифодалаган (кўёш — кундузни, ой — тунни, тошбақа — бахтни каби).

Ёзувнинг кейинги даври — *идеографик* ёзувдир (грекча "idea" — "тушунча", "graphie" — "ёзаман"). Бу хил ёзувда бир ёки бир гуруҳ тушунча учун бир хил рамзий шакл олинади. Масалан, кўз — О, асир — О, дарахт — Ж, ой — С, тоғ — Л Л Л каби.

Пиктографик ва идеографик (унинг биринчи босқичлари *логографик* — "сўз + ёзаман") ёзув анча мураккаб бўлиб, минглаб шаклларни чизиш ва уларнинг мазмунини билишни талаб этган. Шунинг учун кишилар ёзувнинг янги босқичи — *фонографик* ёзувга — аввало айрим бўғинларни, кейинроқ айрим товушларни бирор белги билан ифодалаш усулига ўтадилар. Фонетик ёзувнинг келиб чиқиши қадимги *финикия ёзуви* билан боғланган.

Халқлар фонетик ёзувни тилларига мослаб, ўзига хос шаклларини яратиб олганлар: юнон, лотин, арман, грузин, славян, араб ёзувлари ва уларнинг айрим ўзгарган турлари каби.

Қадимги ёзувлар тош, суяк, ёғоч, қамиш каби қаттиқ жисмларга, сўнгра пергамент ва кейинчалик қоғозга ёзилган. Ёзув ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ёки юқоридан пастга қараб ўқилади.

Ўрта Осиё туркий халқлари, жумладан ўзбек халқи қадимдан юксак маданиятли халқ сифатида дунёга танилган. Араб истилосига қадар, Мовароуннаҳрда рун, туркий (уйғур), суғд, моний ва брахма, сурёний ёзувлари қўлланган.

Диний мазмундаги асарлар брахма, сурёний ёки моний ёзувида, расмий ҳужжатлар руний, туркий (уйғур) ёки суғд ёзувида ёзилган. Шу билан бирга бу ёзувларнинг қўлланиши маълум ҳудуд, давр ва халқ билан ҳам боғлиқ бўлган эди.

Қайд этилган ёзувларда битилган кўп ёзма ёдгорликлар ҳозиргача сақланиб келади. Руний ёзувда — Ўрхун — Энасой тош битиклари, туркий (уйғур) ёзувида (уни Маҳмуд Кошғарий ва Ибн Арабшоҳ "туркча ёзув" деб номлайди) — қадимги туркий ёдномалар (VII — X аср): "Олтин ёруғ", "Майтри симит", будда ва христиан динига оид ёдномалар, юридик ҳужжатлар; суғд ёзувида битилган ёзма ёдномалар эса 1906 йили инглиз олими Арнольд Стейн томонидан топилди. Моний ёзувида "Хуастуанифт" ёдгорлиги ёзилган. Уйғур ёзуви, араб ёзуви билан баробар, XV асргача қўлланади. "Кутадғу билиг"нинг Вена (Ҳирот) нусхаси (XI аср), "Ҳибатул ҳақойиқ" (XII аср)нинг А нусхаси "Ўғузнама"нинг қадимий нусхаси (XIII аср охири), Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" (1353 йил) асарининг қадимги нусхаси, "Латофатнома", "Даҳнома", "Маҳзанул асрор" (XIV — XV асрлар) каби асарларнинг айрим нусхалари ёки парчалари уйғур ёзувида битилган. Уйғур ёзуви суғд ёзуви асосида келиб чиққан араб ва руний ёзувларидан фарқли ўлароқ, унли товушлар айрим ҳарфлар билан кўрсатилган. Руний ёзуви ҳам қадимги оромий ёзуви асосида келиб чиққан, деган назария ҳозир асосий ўринни эгаллайди.

Суғдий ёзувларда асосан эронзабон матнлар ёзилган. Тожикистоннинг Заҳматобод тумани Хайробод қишлоғидан топилган суғдий ёзувдаги 74 ҳужжатдан биттасигина туркий тилда ёзилган (Б. Аҳмедов).

Сурёний ёзуви Месопотамияда пайдо бўлган, VII — VIII асрларда Марказий Осиёда насроний (христиан) мазҳаби билан кириб келди. Бу ёзув XV асргача қўлланди.

Хатти бобурийнинг ҳарф шакллари Муҳаммад Тоҳир ибн Қосимнинг 1645 йили ёзган "Ажойибот табақат" аса-рида келтирилади.

Араблар истилоси билан бирга кириб келган араб ёзу-ви (VIII аср) 1200 йилдан ортиқ давр ичида (1926 йилга-ча), баъзи ислоҳлар билан (1918 — 1920) қўлланиб келди. Бу ёзувда минглаб илмий, бадиий, диний асарлар яра-тилди, расмий ҳужжатлар тузилди. Биргина Фанлар ака-демиясининг Шарқшунослик институтида 46 минг жилд араб алифбосида ёзилган асарлар сақланади. Араб алиф-боси ва бу алифбода ёзилган асарлар Октябрь тўнтари-шидан кейин, айниқса, 30-йилларда қаттиқ таъқиб ос-тига олинди. Натижада кўп қимматбаҳо қўлёзмалар гўрга кўмилди, сувга оқизилди ёки маъмурий идоралар томо-нидан мусодара қилиниб, эгалари қаттиқ жазоларга маҳ-кум этилди.

Араб ёзувининг куфий, настаълиқ ва бошқа шаклла-ри (дивони, мағриб, талиқ) бўлиб, Урта Осиёда асосан настаълиқ шакли қўлланди (куфий ёзуви билан Қуръони Карим ёзилган).

Октябрь тўнтаришидан сўнг араб алифбоси маълум даражада ислоҳ қилинди. Чунки араб алифбосида унли товушларни кўрсатадиган алоҳида белгилар йўқ эди. Зеру, забар (ҳарфнинг ости ва устида қўлланадиган белгилар) фақат Қуръон ва шунга ўхшаш араб тилида ёзилган ди-ний асарлардагина қўлланади эди. 1921 йил 1 — 5 январда Тошкентда чақирилган тил-имло қурултойи, бошқа ма-салалар билан бирга, араб ҳарфларининг сўз боши, ўртаси ва охирида қўлланиш шакларини соддалаштирди, ўзбек тилига хос бўлмаган сод, зод, итқи, изғи ҳарфларини алифбодан чиқарди, *y*, *ý*, *и*, *а* товушлари учун алоҳида ҳарфлар белгиланди. 1922 йил апрель ойида бўлган мао-риф ва маданият ходимларининг иккинчи қурултойи ҳам биринчи қурултой қарорларини маъқуллади.

1926 йили Бокуда туркийшунослар анжумани бўлиб (Ўзбекистондан А. Қодирий, Чўлпон, Фитратлар қатнаш-ди), лотин алифбосига ўтиш тўғрисида қарор қабул

қилинди. Бунга араб алифбосининг туркий тиллар фонетик хусусиятини акс эттирмаслиги ва ўрганишнинг қийинлиги асос сифатида кўрсатилди.

1926 йил 10 июнда Ўзбекистон Советлар Ижроия Комитети лотин алифбосига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга асосан "Янги ўзбек алифбосини жорий қилиш қўмитаси" тузилиб, унга Й. Охунбобоев раис, А. Икромов, Ф. Хўжаев, Элбек, Мажидий, Фитрат ва бошқалар аъзо бўлди.

Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг 1928 йил март ойидаги III сессияси лотин алифбосини жорий қилишни кўриб чиқиб, бу алифбони давлат алифбоси деб қарор қабул қилди. Собиқ СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми ва СССР Халқ Комиссарлари Совети бу қарорни 1929 йил 7 август куни махсус қарори билан маъқуллади.

1929 йил май ойида ўтказилган имло қурултойида 9 унли шакли олинган бўлса-да, 1934 йил март ойида ўтказилган имло қурултойи 6 унли ҳарф шаклларини белгилади.

Ўзбекистонда лотин алифбосига ўтиш осонликча бўлмади. "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 1933 йил 24 март сонидида "Эски араб алифбосининг объектив суянчиқлари" сарлавҳаси остида икки расм берилиб, бирига "Соғлиқни сақлаш Комиссари ўртоқ Хол Тошмухаммедуф янги алифбеда бутунлай саводсиз", деб, иккинчисида: "Тошкент шаҳар шўросининг раиси ўртоқ Иброҳимуф "Қандай танқид қилсангиз, шундай қилингиз, лотинча саводим йўқ", деган баёнотни қилгон киши" деб ёзиб қўйилган. Шу газетанинг 1933 йил 26 март сонидида Й. Охунбобоев Шаҳрисабз, Бешкент, Жалақудуқ, Бешариқ каби туманларда ҳамон араб ёзувида иш юритилаётганини танқид қилади.

1940 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми лотин алифбосидан кириллица (рус) алифбосига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда иш юритиш ва вақтли матбуот янги алифбога ўтиши ва I, II, III синфларда янги алифбони ўқитиш 1940 йил 1 сентябрдан бошланиши ҳамда янги алифбога ўтишни 2 йил ичида — 1942 йил 1 январгача тугалланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай қилиб, деярли ҳамма республикалар ва вилоятлар (Ўзининг қадимги анъанавий алифбоси бўлган Грузия, Арманистон, Болтиқбўйи республикаларидан ташқари) янги алифбога ўтдилар.

1993 йил 2 сентябрда бўлиб ўтган Республика Олий Кенгаши "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида" қарор қабул қилди. 1995 йил Олий Кенгаш бу алифбога маълум ўзгаришлар киритди ва шу йил 24 августда "Ўзбек тилининг асосий имло қодаларини тасдиқлаш" ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига республика Президенти кўл қўйди. 1996 — 1997 ўқув йилидан мактабларнинг I синфлари янги алифбони ўргана бошладилар. Янги ўзбек алифбосига ўтиш 2005 йил 1 сентябрда тугалланиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг рус (кириллица) алифбосидан лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосига ўтишида дунё фани ва техникасига яқинлашиш, ўзбек тилининг нозик хусусиятларини тўлароқ ифодалаш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Адабиёт

1. *Абдураҳмонов Ф, Рустамов А.* Қадимги туркий тил. Т., "Ўқитувчи", 1982.
2. *Истрин В.А.* Возникновение и развитие письма. М., 1965.
3. *М. Кошғарий.* Девоцу лугатит = турк, I жилд. "Фан", 1960.
4. *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. М. — Л., 1951.
5. *Раҳмонов Н.* Битиклар оламида. "Фан", Т., 1990.
6. *Рустамов А.* Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида. "Адабий мерос" журнали, 1976 йил, 5-сон.
7. *Содиқов Қ.* Аждодларимиз битиги. "Фан", Т., 1990.
8. *Юсупов К.* Ўзбек адабий тилининг тараққиёти ва ёзув масаласи. "Ўзбекистон", Т., 1979.

ё) Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 2 сентябрда тасдиқланган лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбосида 29 ҳарф ва бир белги (тутуқ белгиси) бор. Бунда ҳозиргача қўлланиб келган ё,

ю, я ҳарфлари, қаттиқлик ва юмшоқлик белгилари ь, ь ҳамда ц ҳарфи алифбо сирасига кирмади.

Босма ҳарфлар	Ёзма ҳарфлар	Кирилл-ча ҳарфлар	Босма ҳарфлар	Ёзма ҳарфлар	Кирилл ча номи
Aa	<i>Aa</i>	А	Qq	<i>Qq</i>	Қ
Bb	<i>Bb</i>	Б	Rr	<i>Rr</i>	Р
Dd	<i>Dd</i>	Д	Ss	<i>Ss</i>	С
Ee	<i>Ee</i>	Э	Tt	<i>Tt</i>	Т
Ff	<i>Ff</i>	Ф	Uu	<i>Uu</i>	У
Gg	<i>Gg</i>	Г	Vv	<i>Vv</i>	В
Hh	<i>Hh</i>	Ҳ	Xx	<i>Xx</i>	Х
Ii	<i>Ii</i>	И	Yy	<i>Yy</i>	Й
Jj	<i>Jj</i>	Ж	Zz	<i>Zz</i>	З
Kk	<i>Kk</i>	К	O'o'	<i>O'o'</i>	Ў
Ll	<i>Ll</i>	Л	G'g'	<i>G'g'</i>	Ғ
Mm	<i>Mm</i>	М	Shsh	<i>Shsh</i>	Ш
Nn	<i>Nn</i>	Н	Chch	<i>Chch</i>	Ч
Oo	<i>Oo</i>	О	Ngng	<i>Ngng</i>	НГ
Pp	<i>Pp</i>	П	'	тутуқ белгиси	

ж) Имло

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И**

1995 йил 24 август

339-сон

Тошкент шаҳри

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО
ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Республика вазирликлари, идоралари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситалари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги барча турдаги ёзишмаларда, матбуотда, иш юритишда ушбу қоидаларни жорий қилиш юзасидан тегишли тadbирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси уч ой муддат ичида мактаблар учун қўлланма сифатида ўзбек тилининг имло луғатини, киши исмлари ва жой номлари луғатларини тайёрласинлар ва нашр этиш чораларини кўрсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва фан ҳамда ижтимоий масалалар ва маданият бўлимларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ

Унлилар имлоси

1. А а ҳарфи:

1) *aka, alanga, aloqa, og'a; sentabr, noyabr* каби сўзларда олд қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *bahor, zamon; savol, gavda, vasvasa* каби сўзларнинг олдинги бўғинида, *vaqt, vahm* каби сўзларда *a* айтилади ва ёзилади.

2. О о ҳарфи:

1) *ona, omon, quyosh, fido, baho, xola, lotin, mukofot, mahorat* каби сўзларда орқа қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *boks, poyezd, tonna, talon; agronom, mikrofon; direktor, termos* каби ўзлашма сўзлардаги орқа қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

3. I i ҳарфи:

1) *ish, iz, qil; xirmon, ilhom, ikki, ixtisos, shoyi, tulki; volida, piramida; bilan, biroq, sira, qishloq, chiroq* каби сўзларда олд қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *o'tin, o'rik, bo'lim* каби олдинги бўғинида *o'* унлиси келадиган сўзларнинг кейинги бўғинида *i* айтилади ва ёзилади.

4. U u ҳарфи:

1) *uy, kun, buzoq, buloq, Buxoro, butun, uchuq, usul, yulduz, mafkura; ko'zgu, uyqu, alyuminiy, yubiley* каби сўзларда орқа қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *qovun, sovun, tovush, yovuz, qirg'ovul, chirmoviq* каби сўзларнинг олдинги бўғинида *o* унлиси келса, кейинги ёпиқ бўғин бошидаги *v* ундошидан кейин *u* айтилади ва ёзилади.

5. О' о' ҳарфи *o't, o'q, o'zbek, o'simlik, do'ppi; bo'tako'z, semizo't, gulko'rpa, noo'rin* каби сўзларда орқа қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

6. Е е ҳарфи *ekin, esla, evara, ekran, eksport; kel, zehn; kecha, behi, telefon, teatr, poyezd, atelye, e'lon, ne'mat, she'r* каби сўзларда олд қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

7. Ёнма-ён келадиган унлилар:

1) унлилар орасига баъзан у ундоши қўшиб айтилса ҳам, ёзилмайди:

а) **ia**: *material, milliard, radiator; labial, shariat* каби;

б) **io**: *biologiya, million, radio* каби;

в) **ai**: *mozaika, ukrain, said, maishat* каби;

г) **oi**: *alkoloid, ellipsoid, doim, shoir, oila* каби;

д) **ea**: *teatr, okean, laureat* каби;

2) **ae, oe** унлилар сўз ичида келганда иккинчи унли у айтилса ҳам, аслига мувофиқ *e* ёзилади: *aerostat, poema* каби.

Бошқа ҳолларда ёнма-ён келган унлилар одатда айнан айтилади ва ёзилади: *manfaat, kauchuk, aorta, saodat, burjua, shuaro, inshoot, sanoat, vakuum, muammo, matbuot, tabiiy, rioya* ва бошқалар.

Ундошлар имлоси

8. **B b** ҳарфи:

1) *bobo, bahor, bir, majbur, zarb* каби сўзларда жарангли портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *kitob, yuzlab, kelib* каби сўзлар охирида *p* айтилса ҳам, *b* ёзилади;

3) *qibla, tobbla* каби сўзларда баъзан *v* айтилса ҳам, *b* ёзилади.

9. **P p** ҳарфи *raxta, pichoq, opa, teta, tur, yop* каби сўзларда жарангсиз портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

10. **V v** ҳарфи:

1) *ov, suv, kuyov; ovoz, savol; volida, vatan* каби сўзларда овоздор сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *avtobus, avtomat* каби ўзлашма сўзларда *v* баъзан *f* айтилса ҳам, *v* ёзилади.

11. **F f** ҳарфи:

1) *fan, fe'l, futbol, fizika, asfalt; juft; insof, isrof* каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *fasl, fayz, Fotima, fursat* каби сўзларда *f* товуши баъзан *p* айтилса ҳам, аслига мувофиқ *f* ёзилади.

12. **M m** ҳарфи *moʻ, tuborak, tomon, ilhom* сўзларида овоздор лаб-лаб бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади.

13. **D d** ҳарфи:

1) *dala, odat, bunyod, modda, jiddiy* каби сўзларда тил олди жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) *obod, savod, marvarid; zavod, pud, sud, badqovoq, badxo'r* каби сўзларда *t* айрилса ҳам, *d* ёзилади.

14. **T t** ҳарфи:

tong, tun, butun, o'tin, o't, kut каби сўзларда тил олди жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

15. **Z z** ҳарфи:

1) *zar, zamon; toza, o'zbek, yoz, g'oz* каби сўзларда ҳам тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади;

2) *iztirob, izquvar, bo'zchi, tuzsiz* каби сўзларда жарангсиз ундошдан олдин *s* айрилса ҳам, *z* ёзилади.

16. **S s** ҳарфи *sog', somon, oson, asos, olmos* каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

17. **Sh sh** ҳарфлар бирикмаси *shahar, shisha, shodlik; ishq, pishiq, bosh, tosh* каби сўзларда тил олди жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади. **Sh** ҳарфлари икки товушни ифодаласа, улар орасига тутуқ белгиси қўйилади: *Is'hoq, as'hob* каби.

18. **J j** ҳарфи:

1) *jon, jahon, jiyda, tijorat; rivoj, vaj* каби сўзларда тил олди жарангли, қоришиқ ундошни ифодалаш учун ёзилади.

2) *jurnal, projektor; gijda, ajdar, tiraj* каби ўзлашма сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

19. **Ch ch** ҳарфлар бирикмаси *choy, chevar, chiroyli, chaman; achchiq, uchun, bichiqchi, kuch, kech* каби сўзларда тил олди жарангсиз қоришиқ ундошни ифодалаш учун ёзилади.

20. **R r** ҳарфи *rahmat, rohat, orom, dor, diyor* каби сўзларда тил олди овоздор титроқ ундошни ифодалаш учун ёзилади.

21. **L l** ҳарфи *lola, loyiq, la'l, iloj, mahal* каби сўзларда сирғалувчи овоздор ён ундошни ифодалаш учун ёзилади.

22. **N n** ҳарфи:

1) *non, nomus; ona, tana, bilan, tomon* каби сўзларда тил олди овоздор бурун ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2) *shanba, yonbosh, jonbozlik; yonma-yon, ko'rinmaslik* каби сўзларда **n** товуши баъзан **m** айтилса ҳам, **n** ёзилади.

23. **G g** ҳарфи *gul, go'zal; ega, gugurt, teg, eg* каби сўзларда тил орқа жарангли портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

24. **K k** ҳарфи *ko'l, ko'ylak; uka, moki, tok, bilak* каби сўзларда тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

25. **Y y** ҳарфи *yo'l, yetti, yaxshi, yoz, yulduz, tuyu, dunyo, tayyor; soy, tuy* каби сўзларда тил ўрта сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

26. **Ng ng** ҳарфлар бирикмаси *yangi, ko'ngil, dengiz, singil, keling, bordingiz; tang, ming, teng* каби сўзларда тил орқа овоздор бурун товушини ифодалаш учун ёзилади.

27. **Q q** ҳарфи *qizil, qimiz, qirq, haqiqiy, aql* каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

28. **G' g'** ҳарфи *g'oz, bag'ir, tog'* каби сўзларда чуқур тил орқа жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

29. **X x** ҳарфи *xabar, xo'roz, xohish, xushnud, baxt, axborot, mix* каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

30. **H h** ҳарфи *hosil, hamma, bahor, isloh, nikoh* каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундошини ифодалаш учун ёзилади.

31. Ёнма-ён келадиган ундошларнинг имлоси:

1) *baland, Samarqand, poyezd; do'st, artist, g'isht* каби сўзларда **d, t** товуши баъзан айрилмас ҳам ёзилади;

2) *metall, kilogramm, kilovatt, kongress* каби ўзлашма сўзлар охирида бир ундош айрилмас ҳам, икки ҳарф ёзилади. Лекин бундай сўзга худди шу товуш билан бошланадиган қисм қўшилса, сўз охиридаги бир ҳарф ёзилмайди: *metall + lar = metallar, kilogramm + mi = kilogrammi* каби.

32. ' — тутуқ белгиси:

1) *a'lo, ba'zan, ma'yus, ta'zim; ra'yu, ta'b, e'lon, e'tibor, e'tiqod, me'mor, ne'mat, she'r, fe'l; Nu'mon, shu'la* каби ўзлашма сўзларда унлидан кейин шу унли товушнинг чўзиқроқ айтилишини ифодалаш учун қўйилади; *mojiza, motadil, motabar* каби сўзларда *o'* унлиси чўзиқроқ айтилса ҳам, тутуқ белгиси қўйилмайди;

2) *in'om, san'at, qat'iy, mas'ul* каби ўзлашма сўзларда унлидан олдин шу унли олдинги ундош товушдан ажратиб айтилишини ифодалаш учун қўйилади.

Асос ва қўшимчалар имлоси

33. Қўшимча қўшилиши билан сўз охиридаги унли ўзгаради:

1) *a* унлиси билан тугаган феълларга *-v, -q, -qi* қўшимчаси қўшилганда *a* унлиси *o* айтилади ва шундай ёзилади: *sayla' — saylov, sina — sinov, aya — ayovsiz; so'ra — so'roq, bo'ya — bo'yoq; o'yna — o'ynoqi, sayra — sayroqi* каби;

2) *i* унлиси билан тугаган кўпчилик феълларга *-v, -q* қўшимчаси қўшилганда бу унли *u* айтилади ва шундай ёзилади: *o'qi — o'quvchi, qazi — qazuvchi, sovi — sovuq* каби. Лекин *i* унлиси билан тугаган айрим феълларга *-q* қўшимчаси қўшилганда бу унли *i* айтилади ва шундай ёзилади: *og'ri — og'riq, qavi — qaviq* каби.

Эслатма:

1) ундош билан тугаган барча феълларга *-uv* қўшилади: *ol — oluv, yoz — yozuv* каби;

2) ундош билан тугаб, таркибида *u* унлиси бўлган феълга *-uq* қўшилади: *uz — uzuv, yut — yutuv* каби. Лекин *uyushiq, burushiq, uchuriq* (шунингдек, *bulduriq*) каби сўзларнинг учинчи бўғинида *i* айтилади ва шундай ёзилади.

34. *k, q* ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга, шунингдек, *bek, yo'q* каби айрим бир бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда *k* ундоши *g* ундошига, *q* ундоши *g'* ундошига айланади ва шундай ёзилади: *tilak — tilaging, yurak — yuragim, kubok — kubogi, bek — begi; tayog' — tayog'i, qoshiq — qoshig'i, yaxshiroq — yaxshirog'i, yo'q — yo'g'i* каби. Лекин кўп бўғинли ўзлашма сўзларга, бир бўғинли

кўпчилик сўзларга эгалик кўшимчаси кўшилганда **k, q** товуши аслича айтилади ва ёзилади: *ishtirok — ishtiroki, ocherk — ocherki, erk — erki, huquq — huquqim, ravnaq — ravnaqi, yuq — yuqi* каби.

35. Қуйидаги кўшимчалар кўшилиши билан сўзнинг таркибида товуш тушади ёки ортади:

1) *o'rin, qorin, butun, o'gil, bo'yin, ko'ngil* каби баъзи сўзларга эгалик кўшимчаси кўшилганда, *qayir, ayir* каби феълларга нисбат шаклини ясовчи **-il** кўшимчаси кўшилганда, *ikki, olti, yetti* сўзларига **-ov, -ala** кўшимчалари кўшилганда иккинчи бўғиндаги унли айтилмайди ва ёзилмайди: *o'rin — o'rnim, qorin — qorni, burun — burning, o'g'il — o'g'ling, ko'ngil — ko'ngli, yarim — yarmi; qayir — qayril, ulug' — ulg'ay, sariq — sarg'ay, ikki — ikkov, ikki — ikkala, yetti — yettov* каби;

2) *u, bu, shu, o'sha* олмошларига **-da, -dan, -day, -dagi, -da, -gacha** кўшимчалари кўшилганда **n** товуши кўшиб айтилади ва шундай ёзилади: *unda, bunday, shunda, o'shancha* каби; бу олмошларга эгалик кўшимчалари қуйидагича кўшилади: *buningiz, o'shanisi* каби;

3) **o, o', u, e** унлилари билан тугайдиган сўзларга эгалик кўшимчалари қуйидагича кўшилади:

а) кўпчилик сўзларга эгалик кўшимчалари **-m, -ng, -si; -miz, -ngiz, -si** (ёки **-lari**) шаклида товуш орттирмай кўшилади: *bobom, bobong, bobosi; bobomiz, bobongiz, bobosi* (ёки *bobolari*); *orzum, orzung, orzusi; orzumiz, orzungiz, orzusi* каби;

б) *parvo, obro', mavqe, mavzu, avzo* сўзларига I, II шахс эгалик кўшимчалари кўшилганда бир **u** товуши кўшиб айтилади ва шундай ёзилади: *parvoyim, parvoying; parvoyimiz, parvoyingiz; obro'im, obro'ying; obro'yingiz* каби; III шахс эгалик кўшимчаси *parvo, avzo, obro', mavqe* сўзларига **-yi** шаклида, *xudo, mavzu* сўзларига эса **-si** шаклида кўшилади: *avzoyi, mavzusi* каби (*dohiy* каби **u** ундоши билан тугаган сўзга ҳам III шахсда **-si** кўшилади: *dohiysi* каби);

4) *men, sen* олмошларига **-ni, -ning, -niki** кўшимчалари кўшилганда кўшимчадаги **n** айтилмайди ва ёзилмайди: *meni, mening, meniki; seni, sening, seniki* каби.

36. Қуйидаги кўшимчаларнинг биринчи товуши икки хил айтилса ҳам бир хил ёзилади:

1) **-bon, -boz** қўшимчалари баъзан **-von, -voz** айтилса ҳам, ҳамма вақт **-bon, -boz** ёзилади: *darvozabon, masxaraboz* каби. Лекин **-vachcha** қўшимчаси ҳамма вақт шундай ай-тилади ва ёзилади: *amakivachcha, xolavachcha* каби;

2) Ўрин келишиги ва чиқиш келишиги қўшимчаси-нинг, ўтган замон ясовчиси ва III шахс кўрсаткичи **-di** қўшимчасининг бошидаги ундош баъзан **t** айтилса ҳам, ҳамма вақт **d** ёзилади: *ishda, misdan, ketdi, kelmabdi* каби.

37. Қўйидаги қўшимчаларнинг бош товуши икки ёки уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

1) тақлид сўзлардан феъл ясовчи **-illa** (*chirilla, taqilla*) қўшимчаси сўз таркибида **v** ёки **u** товуши бўлганда **-ulla** айтилади ва шундай ёзилади: *shovulla, lovulla, gurulla* каби;

2) нисбат шаклини ясовчи **-dir** қўшимчаси жарангли ундош билан тугаган бир бўғинли сўзларга (**kel** сўзидан бошқа), шунингдек, **z** ундоши билан тугаган орттирма нисбат ясовчисидан кейин қўшилади: *quvdir, egdir, kuldur, yondir; o'tkazdir, tomizdir* каби. Қолган барча ҳолларда бу қўшимча **-tir** айтилади ва шундай ёзилади: *tiktir, kestir, uyaltir, chaqirtir* каби.

3) жўналиш келишиги қўшимчаси **-ga**, чегара билди-рувчи **-gacha**, равишдош шаклини ясовчи **-gach, -guncha, -gani, -gudek**, сифатдош шаклини ясовчи **-gan**, буйруқ майлининг иккинчи шахс кўрсаткичи **-gin**, шунингдек **-gina** қўшимчаси уч хил айтилади ва шундай ёзилади:

а) **k** ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши **k** айтилади ва шундай ёзи-лади: *tokka, yo'lakkacha, ko'nikkach, zerikkuncha, to'kkani, kechikkudek, bukkan, ekkin, kichikkina* каби;

б) **q** ундоши билан тугаган сўзларга қўшилганда бу қўшимчаларнинг бош товуши **q** айтилади ва шундай ёзи-лади: *chopiqqa, qishloqqacha, yoqqach, chiqquncha, chiniqqani, qo'rqqudek, achchiqqina* каби;

в) қолган барча ҳолларда, сўз қандай товуш билан тугаши ва бу қўшимчаларнинг бош товуши **k** ёки **q** айти-лишидан қатъи назар, **g** ёзилади: *bargga, pedagogga, bug'ga, sog'ga, og'gan, sig'guncha* каби.

Қўшиб ёзиш

38. *Xona, noma, poya, bor, xush, ham, baxsh, kam, umum, rang, sifat, talab* каби сўзлар ёрдамида ясалган от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: *qabulxona, tabriknoma, taklifnoma, bedarpoya, ommabop, xushxabar, hamsuhbat, orombaxsh, kamquvvat, bug'doyrang, umumxalq, sovuqmijoz, devsfat, suvtalab* каби.

39. **-(а) г** (инкор шакли **-mas**) қўшимчаси билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: *o'rinbosar, otboqar, cho'lquvar, ishyoqmas* каби.

40. Такрор тақлид сўзларга қўшимча қўшиш билан ясалган от ва феъллар қўшиб ёзилади: *pirpirak (pir+pir+ak), hayhayla (hay+hay+la), gijgijla (gij+gij+la)* каби.

41. Нарсани (предметни) бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли билан билдирувчи қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: *karnaygul, qo'ziqorin, otquloq, oybolta, devqomat, sheryurak, bodomqovoq* каби.

42. Нарсани унинг ранги, мазаси, ўзидаги бирор нарчаси ва шу каби белгилари асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: *olaqarg'a, qizilishton, achchiqtosh, mingoyoq* каби.

43. Нарсанинг бирор мақсад, иш учун мўлжалланганлигини билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: *qiymataxta, tokqauchi, oshrayhon, molqo'ra, nosqovoq, ko'zoynak* каби.

44. Нарсани жойга нисбат бериш асосида билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: *tog'olcha, cho'lyalpiz, suvilon, qashqargul* каби.

45. Маросим, афсона кабиларни билдирувчи қўшма отлар қўшиб ёзилади: *kiryuvdi, kelintushdi, qoryog'di, Urto'qmoq, Ochildasturxon* каби.

46. Қаратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган қўшма отлар қўшиб ёзилади: *mingboshi, so'zboshi, olmaqoqi* каби.

47. Иккинчи қисми турдош от билан ёки *obod* сўзи билан ифодаланган жой номлари қўшиб ёзилади: *Yangiyo'l, To'rtko'l, Mirzacho'l, Sirdaryo, Kosonsoy, Yangiobod, Xalqobod* каби. Лекин иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номлари ажратиб ёзилади: *O'rta Osiyo, Ko'hna Urganch, O'rta Chirchiq* каби.

48. Рус тилидан айнан ўзлаштирилган ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган кўшма сўзлар қўшилиб ёзилади: *radiostansiya, fotoapparat, elektrotexnika, teleko'rsatuv, yarimavtomat, bayramoldi, suvosti* каби.

49. Қисқартмаларнинг барча турлари ва уларга қўшилган кўшимчалар қўшиб ёзилади: *SamDU, ToshMUning* каби. Лекин ёнма-ён келган икки қисқартма ажратиб ёзилади: *O'zXDP MK (O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi markaziy kengashi)* каби.

50. Бир товуш икки ва ундан ортиқ товуш тарзида айтилса, бундай ҳолат ҳарфни такрор ёзиш билан кўрсатилади: *yo'o'q, nima, himm, uff* каби.

Чизиқча билан ёзиш

51. Жуфт сўз ва такрор сўз қисмлари чизиқча билан ёзилади: *el-yurt, mehr-shafqat, qovun-tarvuz, omon-eson, kecha-kunduz, yozin-qishin, asta-sekin, uch-to'rt, o'n-o'n beshta (10 — 15 ta), billinar-bilinmas, bordi-keldi, kuydi-pishdi, don-dun, oz-moz, mayda-chuyda, aldab-suldab, o'ylab-netib, kiyim-kechak, adi-badi, ikir-chikir, duk-duk, taq-tuq, qop-qop, ming-minglab, bitta-bitta (bitta-bittalab), baland-baland, chopa-chopa, ishlay-ishlay, yaqin-yaqinlargacha, hamma-hammasi, uy-uyiga, ich-ichidan* каби.

Эслатма:

1) жуфт сўздан кўшимча ёрдамида ясалган сўзлар ҳам чизиқча билан ёзилади: *baxt-saodatli, xayr-xo'shlashmoq* каби;

2) жуфт сўз қисмлари орасида **-и (-у)** боғловчиси келса, ундан олдин чизиқча қўйилади ва жуфт сўз қисмлари ажратиб ёзилади: *do'st-u dushman (dost-dushman), kecha-yu kunduz (kecha-kunduz)* каби;

3) етакчи ва кўмакчи феъл бир хил шаклда бўлса, чизиқча билан ёзилади: *yozdi-oldi, borasan-qo'yasan, uxlabman-qolibman* каби.

52. Белгини кучайтирувчи *qip-qizil, yam-yashil, dum-dumaloq, kippa-kunduzi, to'ppa-to'g'ri, bab-barobar* каби сўз шакллари чизиқча билан ёзилади (лекин *orroq* сўзи қўшиб ёзилади).

53. Сўзнинг **-ma**, **-ba** ёрдамида бирлашган қисмлари чизиқча билан ёзилади: *ko'chama-ko'cha*, *uyta-uy*, *rang-barang*, *dam-badam* каби. Лекин мустақил ишлатилмайдиган қисм қатнашса, бундай сўзлар қўшиб ёзилади: *ro'baro*, *darbadar* каби.

54. Рус тилидан айнан ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан олинган сўзлар аслига мувофиқ чизиқча билан ёзилади: *unter-ofitser*, *kilovatt-soat* каби.

55. **-chi**, **-a (-ya)**, **-ku**, **-u (-yu)**, **-da**, **-e**, **-ey (-yey)** юкламалари чизиқча билан ёзилади: *sen-chi*, *boraylik-chi*, *sen-a*, *kutaman-a*, *bola-ya*, *mingta-ya*, *keldi-ku*, *kelgan-u*, *yaxshi-yu*, *yaxshi-da*, *qo'y-e*, *yashang-e*, *o'g'lim-ey*, *keldi-yey* каби. Аммо **-им**, **-оқ (-уоқ)**, **-ов (-уов)**, **-гина (-кина -қина)** юкламалари ўзидан олдин келган сўзга қўшиб ёзилади: *keliboq*, *o'ziyoq*, *ko'rganov*, *ko'rdiyov*, *mengina*, *qo'shiqqina* каби.

56. Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилса **-nchi** қўшимчаси ўрнига чизиқча (—) қўйилади: *7-sinf*, *5-'A' sinfi*, *3-, 7-, 8-sinf o'quvchilari*, *60-yillar*, *1991-yilning 1 sentabri* каби. Тартиб сонни кўрсатувчи рим рақамларидан кейин чизиқча ёзилмайди: *XX asr*, *X sinf* каби.

Ажратиб ёзиш

57. Қўшимча феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади: *sarf qil*, *ta'sir et*, *tamom bo'l*, *so'tib ol*, *olib kel*, *olib chiq*, *miq etma* каби.

58. Кўмакчи феъл ва тўлиқсиз феъл мустақил феълдан ажратиб ёзилади: *aytib ber*, *olib ko'r*, *so'rab qo'y*, *ko'ra qol*, *bera boshla*, *uyqila yozdi*; *ketgan edi*, *kelgan ekan*, *ketgan emish* каби. Лекин мустақил феъл билан ёрдамчи феъл орасида товуш ўзгариши бўлса, бундай қисмлар қўшиб ёзилади: *aytaver (ayta ber)*, *boroladi (bora oladi)*, *bilarkan (bilar ekan)* каби.

59. Кўмакчилар ажратиб ёзилади: *shu bilan*, *soat sayin*, *borgan sari*, *bor qadar*, *kun bo'yi* каби. Лекин *bilan* кўмакчисининг **-la** шакли, *uchun* кўмакчисининг **-chun** шакли чизиқча билан ёзилади: *sen-la*, *sen-chun* каби.

60. *Hamma*, *har*, *hech*, *bir*, *qay*, *u*, *bu*, *shu*, *o'sha* сўзлари ўзидан кейинги ёки олдинги сўздан ажратиб ёзилади: *hamma vaqt*, *har kim*, *hech qaysi*, *qay kuni*, *u yerda*, *shu yoqda*,

o'sha yoqqa каби. Лекин *biroz, birato'la, birvarakayiga, birmuncha* сўзлари қўшиб ёзилади. Шунингдек, *qay* сўзи *yoq, yer* сўзлари билан ишлатилганда бир у товушни тушса, бу сўзлар қўшиб ёзилади: *qayoqqa, qayerda* каби.

61. Сифат олдида келиб, белгининг ортиқ ёки камлигини билдирадиган *to'q, jiqqa; tim, liq, lang, och* каби сўзлар ажратиб ёзилади: *to'q qizil, jiqqa ho'l, tim qora, liq to'la, lang ochiq, och sariq* каби.

62. Мураккаб сон қисмлари ажратиб ёзилади: *o'n bir, besh yuz, qirq ming olti yuz bir, bir ming yetti yuz sakson beshinchi* каби.

63. *Yildan yilga, tomdan tomga* каби биринчи қисми чиқиш келишигида, иккинчи қисми жўналиш келишигида бўлган бирикмалар ажратиб ёзилади.

64. Белгининг ортиқ даражасини билдирувчи *ko'pdan ko'p, tekindan tekin, yangidan yangi, ochiqdan ochiq, qizigandan qizidi* кабилар ажратиб ёзилади.

65. Изофали бирикмалар ажратиб ёзилади. Бунда изофа ундош билан тугаган сўзларга *i* шаклида, унли билан тугаган сўзларга *yi* шаклида қўшилади: *dardi bedavo, nuqtai nazar, tarjimai hol* каби. Лекин изофа ёзилмайдиган сўзлар, шунингдек, қисмларидан бири ёки ҳар иккиси ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўзлар қўшиб ёзилади: *gulbeor (guli beor), dardisar* каби.

Бош ҳарфлар имлоси

66. Кишининг исми, ота исми, фамилияси, тахаллуси, рамзий атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: *O'rinova Muhabbat Majidovna, Azamat Shuhrat o'g'li, Hamza Hakimzoda, Muhammadsharif So'fizoda, Mannon, Otaboy, Navoiy, Furqat, Salomjon, Alikov* каби.

67. Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: *Andijon, Yangiyol* (шаҳарлар), *Naymancha, Buloqboshi* (қишлоқлар), *Bodomzor, Chig'atoy* (маҳаллалар), *Zavraq* (дара), *Qoratog', Pomir* (тоғлар), *Oqtepa, Uchtepa* (тепалар), *Zarafshon, Sirdaryo* (дарёлар), *Yayilma* (каналлар); *Turkiya, Hindiston* (мамлакатлар) каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: *Shimoliy Kavkaz, Markaziy Qizilqum* каби.

68. Юлдуз ва сайёралар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: *Hulkar, Qavs, Mirrix* (юлдуз ва сайёралар номи), *Tinchlik dengizi* (ойдаги рельеф номи) каби. *Yer, quyosh, oy* турдош отлари сайёра номи бўлиб келгандагина бош ҳарф билан ёзилади: *Yer Quyosh atrofida, Oy Yer atrofida aylanadi*.

69. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: "*Tong*" (меҳмонхона), "*Saodat*" (фирма), "*Navro'z*" (хайрия жамғармаси), "*Kamalak*" (матбаа бирлашмаси), "*G'uncha*" (боғча), "*Botanika*" (санаторий), "*Paxtakor*" (стадион), "*Qutlug' qon*" (роман), "*Dilorom*" (опера), "*Tanovar*" (куй), "*Ozodlik*" (хайкал), "*Jasorat*" (ёдгорлик), "*Sino*" (совутгич) каби.

70. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: *Mustaqillik kuni, Xotira kuni, Ramazon hayiti, Navro'z bayrami* каби.

71. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: *O'zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Misr Arab Respublikasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy Sudining Raisi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Jahon Tinchlik Kengashi* каби.

Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: *Bosh vazirning o'rinbosari, Mudofaa vaziri, Yozuvchilar uyushmasi, O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasi* каби.

Вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: *Sog'liqni saqlash vazirligi, Fan va texnika davlat qo'mitasi, Fanlar akademiyasi, Tilshunoslik instituti* каби.

72. Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: "*O'zbekiston Qahramoni*" (унвон), "*Oltin Yulduz*" (медал). Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги би-

ринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: *"Sog'lom avlod uchun"* (орден), *"O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi"* (фахрий унвон), *"Matbaa a'lochisi"* (нишон) каби.

73. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади: *Yer tagidan Muqaddasga bir qarab oldim* (О. Ёқубов).

Эслатма:

1) кўчирма гапдан кейин келган муаллиф гапининг биринчи сўзи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан ёзилади: *"Bu men"*, — *qo'rqibgina javob berdi ko'laga* (О. Ёқубов);

2) хатбошига гапнинг саналувчи қисмлари чиқарилганда бундай қисмлар олдидан чиқиқ кўйилади ва улар кичик ҳарф билан ёзилади:

Ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi ishni ko'rishga tayyorlash vaqtida tegishli organ (mansabdor shaxs) quyidagi masalalarni:

— *mazkur ishni ko'rib-chiqish uning huquq doirasiga kirish-kirmasligini;*

— *ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi protokol va ishga oid boshqa materiallar to'g'ri tuzilgan-tuzilmaganligini hal qiladi;*

3) гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф кўйиб саналса, бундай қисмлар ҳам кичик ҳарф билан ёзилади:

Hozirgi o'zbek adabiy tilining lug'at boyligi asosan besh manba negizida tarkib topgan: 1) umurturkiy so'zlar, 2) o'zbekcha so'zlar, 3) tojik tilidan kirgan so'zlar, 4) arab tilidan kirgan so'zlar, 5) rus tilidan kirgan so'zlar ("Ўзбек тили" дарслигидан).

74. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: *AQSH (Amerika Qo'shma Shtatlari)*, *BMT (Birlashgan Millatlar Tashkiloti)*, *AES (atom elektr stansiyasi)* каби. Қисқартма таркибида бўғинга тенг қисм бўлса, унинг биринчи ҳарфигина бош ҳарф билан ёзилади: *ToshDTU (Toshkent davlat texnika universiteti)* каби.

Кўчириш қоидалари

75. Кўп бўғинли сўзнинг олдинги сатрга сигмай қолган қисми кейинги сатрга бўғинлаб кўчирилади: *to'q-son, si-fatli, sifat-li, pax-takor, paxta-kor* каби. Тутуқ белгиси ол-

динги бўғинда қолдирилади: *va ' -da, ma ' -rifat, mash ' -al, in ' -om* каби.

76. Сўзнинг бош ёки охири бўғини бир ҳарфдан иборат бўлса, улар қуйидагича кўчирилади:

1) сўз бошидаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи олдинги сатрда қолдирилмайди: *a-badiy эмас, aba-diy, e-shikdan эмас, eshik-dan* каби;

2) сўз охиридаги бир ҳарфдан иборат бўғин ёлғиз ўзи кейинги сатрга кўчирилмайди: *mudofa-a эмас, mudo-faa, matha-a эмас, mat-baa* каби.

77. Ўзлашма сўзларнинг бўғинлари чегарасида келган икки ёки ундан ортиқ ундош қуйидагича кўчирилади:

1) икки ундош келса, улар кейинги сатрга биргаликда кўчирилади: *dia-gramma, mono-grafiya* каби;

2) уч ундош келса, биринчи ундош олдинги сатрда қолдирилади, қолган ундош кейинги сатрга кўчирилади: *silin-drik* каби.

78. Бир товушни кўрсатувчи ҳарфлар бирикмаси (**sh, ch, ng**) биргаликда кўчирилади: *pe-shayvon, pe-shona, mai-shat, pi-choq, bi-chiq-chi, si-ngil, de-ngiz* каби.

79. Бош ҳарфлардан ёки бўғинга тенг қисм ва бош ҳарфдан иборат қисқартмалар, шунингдек, кўп хонали рақамлар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди: *AQSH, BMT, ToshMU, 16, 245, 1994, XIX* каби.

80. Ҳарфдан иборат шартли белги ўзи тегишли рақамдан ажратиб кўчирилмайди: *5- "A" sinf, V 'B' guruhi, 110 gr, 15 ga, 105 m, 25 sm, 90 mm* каби.

81. Атоқли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: *"Navro 'z-92"* (фестиваль), *"O 'qituvchi-91"* (кўрик-танлов), *'Andijon-9'*, *'Termiz-16'* (ғўза навлари), *'Boing-767'* (самолёт), *'Foton-774'* (телевизор) каби.

82. *A. J. Jabborov, A. D. Abduvaliyev* кабиларда исмининг ва ота исмининг биринчи ҳарфига тенг қисқартмалар фамилиядан ажратиб кўчирилмайди. Шунингдек, *v. b. (va boshqalar), sh. k. (shu kabilar)* сингари ҳарфий қисқартмалар ҳам олдинги сўздан ажратиб кўчирилмайди.

1. Жуманиёзов Р. Алифбо сабоқлари. "Ўқитувчи", Т., 1990.
2. "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (1995 йил 25 декабрь).
3. Ризаев С, Ризаева О. Янги алифбони ўрганамиз. "Кама-лак", Т., 1996.
4. Ма'қулова В, Адашев. Kitobim-oftobim. 'O'qituvchi', Т., 1996.
5. Rizayev S. Qaldirg'och, 'Kamalak', Т., 1997.
6. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. ЎзР ФА Тилшу-нослик институти томонидан тайёрланган. Т., 1998.

2. ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА ЛЕКСИКОГРАФИЯ

а) Ўзбек тили сўз бойлиги

Ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий бойлиги унинг сўз бойлигидан ҳам билинади. Ҳозирги замон ўзбек тили-да сўзларнинг миқдори тўғрисида турли фикрлар баён қилинади. Р. Абдурахмонов 80 минг сўз бор деса, Э. Фо-зиллов бу миқдорни 100 — 200 мингга етказди. "Ўзбекча-русча луғат"да 50 минг сўз, "Ўзбек тилининг изоҳли лу-ғати"да 60 минг сўз келтирилади. Агар шевалардаги сўзлар ҳисобга олинса, у сўзлардан зарурлари адабий тилга ки-ритилса (бундай сўзлар шевалар таҳлилига онд турли дис-сертацияларда ҳам берилган), ўзбек тилидаги сўзларнинг умумий сони 200000 дан кам бўлмайди. Агар тарихда яра-тилган ўнлаб луғатлар ва бошқа туркий тилларнинг лу-ғатларидан фойдаланилса, ўзбек тилининг изоҳли луға-тига қирадиган сўзларнинг сони янада ортади.

Аmmo ҳар бир тилнинг бойлиги сўзларнинг миқдори билангина белгиланмайди. Сўзларнинг кўп маъноли бўли-ши, янги сўз яшаш имкониятларининг кенглиги ҳам тил-нинг бойликларидан биридир.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили сўз бойлиги икки қатламдан ташкил топган: *ўз қатлам* ва *ўзлашма қатлам*.

Ўзбек тилининг *ўз қатлами* умумтуркий ва туб ўзбек сўзларидан ташкил топади. Умумтуркий сўзларга *муз, она, оғиз, соғ, сув, суюқ, темир, тил, тиш, тош, туз, саккиз,*

тўрт, узун, улуг, уя, эга, юк, кўл, қиш каби сўзлар кириб, бу сўзлар ҳар бир туркий тилнинг фонетик хусусиятига кўра, маълум даражада ўзгарган ҳолда талаффуз қилинади. Шу билан бирга ҳар бир туркий тилда ўзига хос сўзлар ҳам бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *қурилма* (конструкция), *ич кўйлак, қўлланма, майқатагон, пешлавҳа* каби сўзлар.

Турк тилида: ой номлари: *осак* — январь, *шубат* — февраль, *нисан* — апрель, *ҳазирин* — июнь, *теммуз* — июль, *ейлул* — сентябрь, *еким* — октябрь, *касим* — ноябрь, *аралик* — декабрь каби.

Шуни қайд этиш керакки, баъзи сўзлар бир қатор туркий тиллар учун умумий бўладикки, бу ҳол атама танлашдаги бир хилликка (унификацияга) кўйилган қадамдир. Масалан, *абажур, актер, анкета, газ, капитан, скелет, кило, эмблема, экран, стакан* туркий тилларда (турк, озарбайжон, бошқирд, қозоқ, қирғиз, ўзбек, татар, туркман, уйғур) бир хилда қўлланади.

Албатта, сўзларнинг талаффузи ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятларига кўра ўзига хосликка эга бўлади.

Бундан ташқари сўз бойлиги она тилининг ички имкониятлари асосида ва бошқа тиллардан сўз олиш ҳисобига бойийди.

1. Она тили имконияти: 1) эски сўзларга янги маъно бериш; 2) янги сўз яратиш ёки янги сўз ясаш; 3) бошқа тиллардан сўз олиш асосида бўлади:

1) эски сўзларга янги маъно бериш:

азиз — баланд (Кошғарий, 1, 88-б.) ҳозир — *ҳурматли, эътиборли*;

айтиш — саломлашиш (Кошғарий, 1, 136-б.) — *гапириш* ёки сўз ўйини;

аллақ — ювош, нозик (Кошғарий, 1, 126-б.) — *алдамчи, икки юзлама; арра* — *сийдик* ёки ундов сўз (Кошғарий, 1, 74-б.) — *арра (арралади); аруқлади* — *ухлади, дам олди* (Кошғарий, 1, 297-б.) — *ариқлади (озди)* в. б.

2) Янги сўз яратиш:

ўзлинг намоен қил (Ҳамза), *оёқлан!* (Уйғун,) *берккўча* (*туник*), *тавсифнома* (*характеристика*), *майқатагон* (*сухой закон*), *шоҳкўча* (*проспект*) каби.

Ўзбек тили сўз ясовчи аффиксларга бой бўлиб, янги сўзлар ясаш имконияти кенглир: *кўрғаз+ма*, *тезлат+гич* (*ускоритель*), *ёнил+ғи*, *ёқил+ғи* в.б.

Кўп янги сўзлар синтактик усул билан (ўзакларни бириктириш йўли билан) ясалади: *ошқозонности* (*бези*), *сувос-ти* (*геол*), *тил ўрта*, *тилолди* (*товушлари*) в.б.

3) бошқа тиллардан сўз олиш

Ҳозирги ўзбек тилида араб ва форс-тожик сўзлари, айниқса, октябрь тўнтаришидан кейин рус-байналмилал сўзлари катта қатламни ташкил этади. Масалан:

арабча: *адаб*, *адабий*, *авж*, *авзоъ*, *авлиё*, *авлод*, *аврат*, *адад*, *адиб*, *адл*, *адоват*, *ажаб*, *аждод*, *ажнабий* каби;

форс-тожикча: *андиша*, *андоза*, *андух*, *агар*, *арзанда*, *ароба*, *арғувон* (*дарахт*), *афсона*, *афсун* каби;

рус-байналмилал: *абзац* (нем.), *абитуриент* (нем.), *абонемент* (нем.), *аборт* (лот.), *авангард* (нем.), *авария* (итал.), *автомат* (юнон.) каби. Бошқа тилдан сўзлар ва иборалар *тўлиқ* ёки ярим *калькалаштириб* олинади. Масалан: *қайта ишлаш* (воспроизводство), *кўрғазма* (указание), *сўз боши* (предисловие), *сўнг сўз* (послесловие), *Кавказорти* (Закавказье), *агросаноат*, *самолётсозлик* в.б.

Морфологик (аффикслар ёрдами билан), синтактик ва лексик йўл билан сўз ясашда она тилидаги ёки ўзлашган сўзлар асос бўлиб хизмат қилади. Масалан: *боғбон*, *ишчи*, *жанжалкаш*, *қўл қўйди*, *иззат қилди*, *телефон қилди* каби.

Сўзнинг маъно турлари. Сўз бир ёки кўп маънода ишлатилиши мумкин. Бир хил маънода асосан атамалар қўлланади: *атом*, *нейтрон*, *протон* каби. Аммо ҳар соҳада бир атаманинг маъноси турлича бўлади. Масалан, *опера-ция* атамаси тиббиёт — бирор аъзони тиг ёрдами билан даволаш; ҳарбий ишда — ҳарбий ҳаракат, молияда — пул муомаласи; техникада — технологик жараённи билдиради.

Сўз маълум бир жумлаларда кўп ва кўчма маънога эга бўлиши мумкин: *Китоб* — *ақл чироғи* жумласида *китоб* — маълум бир соҳага оид фикрлар тўпламини ифодалайди.

Бир сўзнинг бир вақтда икки ва ундан ортиқ маъно ифодалаши хусусиятидан айрим шоирлар усталик билан фойдаланадилар. Алишер Навоий *ёмон котиб бир нуқта*

билан кўзни кўр қилади, деган эди (арабчада ў ҳарфининг устидаги нуқтаси қўйилмаса, кўз сўзи кўр бўлади.)

Сўзнинг кўчма маънода қўлланиши полисемия (юнон. *Polly* — кўп, *seta* — маъно, белги) дейилади. Масалан, кўз — инсон аъзоси, унинг кўчма маънолари — ишнинг кўзи, бирор нарсани кўзлаб иш қилиш. Шунингдек, *тез*, *китоб*, *қулоқ*, *бош*, *қўл* каби сўзлар ҳам кўп маъноли бўлади.

Омоним сўзлар полисемия сўзларидан фарқланади. Омоним сўзлар ҳам турли маъно ифодаласа-да, бу маънолар орасида яқинлик, боғланиш бўлмайди. Масалан: *тут* омоними — дарахт ва унинг меваси маъноларида қўлланади.

Омоним сўзларнинг ҳам, полисемия сўзларнинг ҳам турли маънолари жумлада, маълум бир контекстда билинади. Сўзларнинг кўп маънолигидан фойдаланиб, шоирлар махсус туюқ жанрини яратганлар. Масалан:

Ё раб, ул шаҳду шакар ё *лабдурур?*

Ё магар шаҳду шакар ё *лабдурур?*

Жонима пайваста новак отқали

Ғамза ўқин қошига ё *лабдурур*.

(Алишер Навоий)

Полисемия сўзлари билан омоним сўзлар орасидаги иккинчи фарқ полисемантик сўзлар бир туркуми доирасида бўлади. Омоним сўзлар сўз ясалиши ёки талаффуздаги ўхшашликка асосланади: *кира* — ҳақ, *кира* — равишдош: *ёқилади* — ёқиб юборилади: *ё қилади* — қилади ёки қилмайди ва *ёй* (камон) қилади. Омонимлар шева ва бошқа тиллардан сўз олиш орқали ҳосил бўлади (*сўри* ва *ток* — узум учун кўтарма ва *аср* — юз йил ва *пайт* каби).

Синонимлар турлича шаклга эга бўлиб, умумий бир хил маънони ифодалайдиган сўзлардир: *катта*, *буюк*, *улуғ*, *гигант* сўзлари умумий бир маънони ифодалайди. Синонимик сўзлар тушунчалар орасидаги нозик маъно фарқларини ифодалайди. Ҳар бир синонимик сўз маълум бир услубий мазмун ифодалаш учун қўлланади.

Масалан: *кесатиш* — бирор иш ёки сўз билан норозилигини билдириш, масхаралаш, *киноя* — мажозий йўл билан салбий муносабат билдириш, *истеҳзо* — личинг, кесатиш.

Синонимик сўзлар шевалар орасида ҳам фарқланади: Фарғона шевасида *арчмоқ* — бирор мева в.б. нарсанинг *пўстини олмақ, артмоқ* — эса маълум нарсани тозалаш демакдир. Бу икки феъл Тошкент шевасида бир феъл — *артмоқ* орқали ифодаланади.

Синонимлардан бадиий адабиётда усталик билан фойдаланадилар:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гоҳ *инграмакдур* одатим, гоҳ *синграмак*.

Эрур бас чу ҳусни малоҳат сенга,
Ясанмак, безанмоқ не ҳожати сенга.

(Алишер Навоий)

Алишер Навоий синонимларни турк (ўзбек) тилининг бойликларидан бири деб кўрсатган эди.

Синоним сўзлар она тилининг ички имкониятлари (*кўк* — ранг ва осмон; шевага оид сўзлар: *шоти* ва *нарвон*, *аччиқ-чучук* ва *шакароб*, *ёвуқ* ва *яқин* каби) ва бошқа тиллардан сўз олиш ҳисобига бўлади (*булоқ* ва *чашма*, *муаллиф* ва *автор*, *гонорар* ва *қалам ҳақи* каби).

Синоним сўзлар мазмунига кўра салбий (*афт*, *башара*, *турқ*) ва ижобий турларга бўлинади (*ой юзли*, *чиройли*, *гўзал*).

Антонимлар маъноси бир-бирига зид ёки фарқли сўзларнинг жуфт келишидир: *аччиқ-ширин*, *оч-тўқ*, *иссиқ-совуқ* каби. Антоним сўзларнинг маъноси бир-бирига зид ва фарқли бўлса-да, маълум бир умумий мазмунни ифодалайди: юқоридаги антонимларнинг кўчма мазмунларидан бири — ҳаётнинг турли давларини ифодалайди.

б) Луғатшунослик

Ҳар бир тилда минглаб сўзлар бўлиб, уларни тўплаб, ҳар қайси сўзни изоҳлаб, турли луғатлар тузилади.

Луғатлар, аввало, 2 турга бўлинади:

1. Энциклопедик (қомусий) луғатлар.
2. Филологик луғатлар.

Энциклопедик (қомусий) луғатларда ҳар бир сўзнинг мазмуни кенг изоҳланади. Бундай луғатлар умумий қому-

сий луғат бўлиши (55 жилдли "Большая Советская энциклопедия", 15 жилдли "Ўзбек Совет энциклопедияси" мисол бўлади) қомусий луғатлар бирор соҳага оид бўлиши мумкин. Масалан, "Литературная энциклопедия", "Техническая энциклопедия" ва фаннинг турли соҳаларига доир атама луғатлари каби.

Филологик луғатлар ҳам икки турли бўлиши мумкин: умумий ва махсус луғатлар.

Умумий филологик луғатларда сўзларнинг маъноси бир тил билан ёки икки ёхуд кўп тиллар билан таржима қилиб изоҳланади. Бунга "Ўзбек тилининг изоҳли луғати", икки тилли ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча ҳамда ўзбекча-инглизча, ўзбекча-тожикча луғатларни кўрсатиш мумкин.

Махсус филологик луғатларга: шевалар луғати, тарихий, этимологик, қиёсий (масалан, туркий ёки славян тиллари қиёси), фразеологик, синоним, орфоэпик, орфографик, жой номи, айрим ёзувчилар луғатлари кириши мумкин. Масалан: В. Радлов. Опыт словаря тюркских наречий, I — IV жилдлар, Петербург, 1893 — 1911. Л. Будагов. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, I — II жилдлар. Петербург, 1863 — 1871; Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969. Ўзбек адабий талаффузи луғати, "Фан", Тошкент, 1984 йил.

Баъзи луғатларда сўз таркиблари (морфемалари) изоҳланади. Бундай луғатларга А. Фуломов в.б. томонидан тузилган "Ўзбек тили морфем луғати"ни (Тошкент, "Ўқитувчи", 1977), Кошғарийнинг "Девони"га тузилган "Индекс" таркибидаги аффикслар бобини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, охирги товуши бир хил бўлган сўзлар (чаппа) луғатлар ҳам бор (*бола, лола, ола, тола* каби).

Луғатлар икки хил тузилади. Алифбо тартибидаги ва уя тартиби билан тузилган луғатлар. Маълум алифбодаги ҳарф сираси асосида тузилган луғатлар кўпчиликни ташкил этади. Уя тартиби билан тузилган луғатларда фақат асосий сўз ўзаги алифбо тартибида жойлаштирилади, ундан ясалган сўзлар кейин келтирилади, масалан, Назировларнинг ядро физикасига оид луғатида ("Қомус", Тошкент, 1988) *гамма* ўзаги келтирилиб, ундан ясалган 84 сўз бирин-кетин берилди (40 — 42-бетлар).

Баъзи луғатлар маълум мавзулар асосида (тематик) бўлиши мумкин. Масалан: Н.Т. Хотамов ва бошқалар. "Рус-

ско-узбекский тематический словарь" ("Ўқитувчи", 1975) *ер, осмон, табиат ҳодисалари, ўсимлик, ҳайвонот дунёси* каби соҳалар бўйича сўзлар гуруҳланиб изоҳланади.

Шуни қайд этиш керакки, ўзбек тили тарихида кўп луғатлар тузилган. Бу луғатлар фақат айрим сўзларнинг изоҳи бўлиб қолмай, бирор буюк адиб ёки давр тилининг грамматикаси, фонетикаси, лексикаси ёки маълум тилларнинг қиёси ҳамдир. Бундай луғатларда маълум бир мавзуга оид сўзлар (масалан: Замахшарий, Жалолиддин ат-Термизий, "Келурнома" луғатлари) ёки араб ҳарфлари сираси асосида (Кошғарий луғати, Абу Хайён луғати, Толи Имоний Хиравий луғати) ёхуд сўз туркумлари бўйича ("Санглоҳ" луғати каби) гуруҳланиб тузилади.

Адабиётлар:

1. *Абдураҳмонов Ф.* Тилимизнинг бойлиги ҳақида. "Мухбир" журнали, 1970 йил 6-сон.

2. *Бегматов Э.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. "Фан", 1985 йил.

3. *Фозилов Э.* Нутқ маданиятининг баъзи бир назарий масалалари. Тўплам, "Фан", 1973 йил.

4. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. "Фан", 1 жилд, 1966 йил.

в) Атамашунослик муаммолари

Умумий тушунча

Кимки зўр жазога маҳкум эрса,
Шунинг-чун чекса қайғу, ғам ҳар онда.
Темирчи бўл, дема қийнаб уни сен.
Кўмир қаздирмаю ишлатма конда.
Жазо берма, луғат туздиргил унга.
Бунингдек мушкул иш йўқ ҳеч жаҳонда.

*(Француз файласуфи ва танқидчиси, шоир
Скалигер. XIV аср. Чустий таржимаси)*

Атама (термин)¹ маълум фан ёки ҳунар соҳасига оид тушунчаларни қайд қилиш, сақлаш ва бу соҳада тўплан-

¹"Атама" сўзини фанга биринчи марта А. Фитрат киритади. "Биз тил қоидалари ҳам унинг атамалари (истихлоллари) тўғрисида ишлашнинг ҳали биринчи пайтида яшаймиз". (А. Фитрат. Наҳв. Самарқанд — Тошкент. 1927 йил, 1-бет).

ган билим, тажриба, техник маҳорат ва малакани бошқаларга бериш воситасидир. Шунинг учун ҳам илм, техника, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши атамаларнинг назарий ва амалий қимматини оширади, атама луғатларининг нашр этилиши илм, хунар учун, кенг ўқувчилар учун, ўқувчи ва талабалар учун катта аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг бир-бирини тушуниши учун, илмий, илмий-педагогик ва инженер мутахассисларни тайёрлашда, илмий-техник адабиёт ва дарсликларни яратишда, илмий-статистик ҳисоботда, халқ хўжалиги тармоқларини режалаштиришда сифатли ва кўпчилик маъқуллаган атама луғатларининг бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Техника юқори даражада тараққий қилган бир даврда адабий тил янада заковатли бир шакл (мураккаб фикр ва фикр алмашинувининг аниқ ва маълум шаклда ифодаланиши)га эга бўлиб, нутқнинг маълум бир соҳалар бўйича ихтисослашиши рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар билан тилшунослар ва оддий тил ихлосмандларининг манфаатлари ва қизиқишлари тўқнашади. Бу тўқнашиш, мунозара масаланинг тўғри ҳал бўлишига — мувофиқ ва манзур атамани танлаб олишга ёрдам беради ва ягона йўналишни вужудга келтиради.

Атама — ифодалаётган тушунчанинг аниқ номланиши демак. Тилшунос олим Г. Шухард атамашуносликдаги поаниқлик, чалкашлик туман ичида пароходни бошқариш билан баробар деган эди. Атама қўллашдаги аниқлик дарҳол рўй бермайди, йиллар давомида танлаш, тартибга солиш, ниҳоят бир хиллаштириш (унификация қилиш) ва бир хил қолипга солиш (стандартлаш) орқали рўй беради.

Атамаларнинг аниқлиги ва қатъийлашиши шу миллатнинг фани, маорифи, маданияти даражасини кўрсатади.

Атама луғатлари маълум соҳа бўйича маълумотлар берибгина қолмай, атамаларни тартибга солади, уларни умумлаштиради. Атамаларнинг ривожланиши, тартибга солиниши фаннинг ҳар хил соҳаларида турлича бўлиб, маълум фаннинг тараққиётига боғлиқ. Бу тараққиёт тўхтовсиз бўлгани учун янги атамаларнинг келиб чиқиши, тар-

тибга тушиши ҳам узлуксиз бўлади. Тартибга тушган, стандартлашган атамалар адабий тилга ҳам киради, ёзма нутқнинг турли (бадий, расмий ва б.) соҳаларида ҳам қўллана бошлайди. Шу билан бирга умумистеъмолда бўлган кўп сўзлар ҳам мутахассис тилида атамага айланиши мумкин. Атамалар умумадабий тилнинг бир тармоғи бўлиб, унинг ички қонуниятларига бўйсунди. Ноўрин, асоссиз танланган атама маълум давр ўтиши билан ифодаланган тушунча мазмунига мос келмаса, истеъмолдан чиқади, янги атама яратилади ёки унинг синоними ўрнини эгаллайди. Шунинг учун ҳам атама луғатлари маълум вақт ўтиши билан қайта нашр қилинади — тўлдирилади ёки асоссиз атамалар бошқа қулай ва аниқ атамалар билан алмашади.

Умуман, она тилида атамаларнинг пухта ишланиши, тартибга солиниши дарслик ва қўлланмалар тузиш учун ҳам, она тилида дарс олиб бориш учун ҳам зарур бўлган манбаъдир.

Атамаларнинг ишланмаганлиги ва тартибга солинмаганлиги нутқ услубига ҳам таъсир этади.

Атамашунослик ва атамаларни ўрганишда аввало атамани оддий сўзлар (атама бирор тушунча ёки предметнинг номи бўлиб, эмоционал маънога эга бўлмаган махсус сўздор) ва касб-хунар сўзлари (маълум жой ёки меҳнат жамоаси тили доираси билан чекланган сўзлар)ни фарқлай олиш зарур. Атамалар маълум бир фан ёки техника соҳасига тааллуқли бўлади. Атамаларни қўллаш чегарали бўлгани учун ҳам атама луғатларидаги сўзлар 5 — 20 мингдан ошмайди. Фанларнинг сони эса ҳозир 500 дан ортиқ бўлиб, янги атамалар тез-тез яратилиб туради. Атама ва атамашунослик (термин ва терминология) ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Ҳар бир янги нарса ва тушунча ўз номини (атамасини) талаб этади. Шунинг учун ҳам атамаларни аниқлаш, танлаш, янгисини топиш (ясаш), уларни бир хиллаштириш (унификация қилиш) ва стандарт бир шаклга (қолипга) келтириш, атама билан сўзни бириридан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Атамашунослик тилшуносликнинг нозик бир соҳаси бўлгани учун ҳам махсус тадқиқотлар олиб бориш керак.

Янги атама яратиш — бой шеваларимизни ўрганиш ва улардан мақбул атамани танлаб олиш, бошқа республика ва давлатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ва луғатларини ўрганиш ўзбек тилининг ҳозирги ва айниқса, 20—30-йиллардаги луғатлари ва тарихда яратилган ажойиб, бой луғатлари, адабий ҳамда илмий, техникавий, тиббий, бадий ва бошқа фанларга оид бой асарларини ўрганиш ва миллионлаб сўз-карточкалар тузиши билан бевосита боғлиқдир. Атама луғатларини тузиш учун бу соҳадаги назарий ва амалий масалалар устида пухта илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва энг муҳими, атама луғатларини тузиш учун махсус қўлланма бўлиши зарур. Бунда айниқса тилшунос мутахассислар, таржимонлар ва маълум фан намояндalари фикрининг бир ердан чиқиши, бир хил бўлиши алоҳида аҳамиятга эга.

Кейинги йиллар тилимизда рус-байналмилал атамаларининг сони ортиб кетиши натижасида, табиий фанларни ўзбек тилида ўқитиш амри маҳол бўлиб қолган эди. Кейинги йилларда янги ва янги атамаларнинг қўлланиши бу соҳадаги аҳволни бироз енгиллаштирди.

Аҳолининг илмий ва маданий тараққиёти билан атама луғатларга талаб тобора орта боради. Бундай луғатлар тузиш эса, атамаларни икки томондан ишлашга боғлиқ:

1) назарий томондан ўрганиш (атамаларнинг назарий асослари, вазифаси, шаклланиш в.б.);

2) амалий қимматини аниқлаш (атамаларни танлаш, тартибга солиш, бир хиллаштириш (унификация қилиш), ясашиш ва тузилиш тизимини аниқлаш).

Бу ишда тилшунослар ва таржимонлар, айниқса, расмий идора — Атамашунослик Кўмитаси йўл кўрсатиши, бу соҳадаги ҳаракат ва интилишларни бир йўналишга солиб туриши зарур. Бунда лексикографик ишларни лексикология муаммолари билан қўшиб олиб бориш, зарур қўлланмалар яратиш, атамаларни бир хиллаштириш (унификация қилиш), олий ўқув юртларида атамашуносликнинг назарий ва амалий муаммоларини ўқитиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бир ва икки ҳамда кўп тилли ҳамда изоҳли луғатларни тузиш тарихи узоқ даврларни ўз ичига олади. Бундай луғатларнинг яратилиши айниқса 20-йилларда анча авж олди, академик ва мактабларга мўлжалланган луғатлар кўплаб нашр этилди.

Атаманинг қўлланишини уч даврга бўлиш мумкин:

1) биринчи давр 1917 — 1937 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда кўпроқ арабий ва эски ўзбек тилида қўлланган атамалар ишлатилади: *прокурор — муддаи умумий, томонлар — тарафайн, суд — йорғу, гувоҳ — айғоқчи*;

2) иккинчи давр 1938 — 1990 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда кўплаб рус-байналмилал атамалар тилимизга кириб келди;

3) 1990 йилдан, республика мустақил бўлгач, кўп рус-байналмилал атамалар арабча, тожикча ва ўзбекча атамалар билан алмашди: *заседатель — маслаҳатчи, определение — ажрим, статья — модда, отвод — раддия, президиум — раёсат, кабинет — девон, маҳкама, розыск — қидирув, обыск — тинтув* в.б.

Албатта, ҳар қандай луғатнинг камчилиги бўлади: ҳамма сўзларни ҳам ичига ола бермайди, сўзнинг маънолари тўла очилмайди. Луғатларни қайта ишлаш ва нашр этиш борасида бу камчилик бартараф қилина боради.

Одатда, луғатлар икки ва кўп тилли, таржима ва қиёсний ҳамда изоҳли луғатлардан иборат бўлади ва бундай тартиб атама луғатларига ҳам оиддир. Шунинг учун ҳам атама луғатлар тарихи икки ва кўп тилли луғатлар тарихи билан боғланади. Биринчи икки тилли — рус-сарт (ўзбек) луғатларининг нашр этилиши XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланади.

Туркий тиллар бўйича изоҳли луғатлар қадимги даврдаёқ тузила бошлаган эди. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк" (XI аср), Маҳмуд ибн Умар аз Замахшарийнинг "Муқадиматул адаб" (XII аср боши), "Китоби мажмуи таржимон турки ва ажами ва мўғили" (XIII аср ўртаси), Абу Хайённинг "Китаб ал идрак ли лисан ал атрак" (XIV аср бошлари), Жалололдин ибн Муҳаннаннинг "Ҳилиат-ул-инсон ва ҳалибат ул-лисан" (XIII аср

охири — XIV аср боши), Жамолиддин ат Туркийнинг "Китабу булғат ал муштақ фил луғат ат турк ва л-қиф-чоқ" (XIV аср ўрталари), "Китаб ат туҳфату уз закияту филлуғати ат туркия" (XV аср) ва Алишер Навоий асарларини талқин қилишга бағишланган бир қатор луғатларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда атамашунослик муаммоларини ўрганиш, атама луғатларини тузиш ва тартибга солиш учун 1929 йилда Республика Маориф Комиссарлиги қошида атамашунослик комитети тузилди. Бу комитет мустақил идора сифатида 1937 йилгача иш олиб борди.

20-йилларда Ўзбекистонда фаннинг турли соҳалари билан шуғулланувчи олимлар етишиб чиқди, қатор янги олий ўқув юртлари, аввало, Фанлар академиясининг филиали, сўнгра Ўзбекистон Фанлар академияси (1944 йили) ташкил топди. Бу ҳол, табиийки, фаннинг тараққиётига катта йўл очди. Фан тараққиёти эса ижтимоий, сиёсий, маъмурий ва аниқ фанлар соҳасида юзлаб атамаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди, янги атамалар рус ва чет тилларидан бевосита қабул қилинди ёки уларнинг ўзбекча таржималари яратилди.

1984 йили Ўзбекистон Фанлар академияси раёсати қошида республика Муассасаларо атамашунослик (терминологик) комитети тузилди. Комитет атамашунослик соҳасида олиб борилаётган илмий ишларни мувофиқлаштириш (координация қилиш) ва ҳар чоракда "Бюллетень" нашр этиши зарур эди. "Бюллетень"да атамаларнинг бир қанча турлари (вариантлари) берилиб, ўқувчидан ўз фикрларини бериш сўралган эди. Махсус атамашунослик комиссиялари бир неча тур атамалардан мувофиғини танлаб олиши зарур эди.

1989 йил 26 декабрида Республика Атамашунослик комитети ташкил бўлиб, у Ўзбекистон Министрлар Совети (кейинроқ Вазирлар Кенгаши) қошига кўчирилди.

1929 йили бўлиб ўтган имло конференцияси атамаларга нисбатан пуристик (аслида рус, араб ва форс-тожик сўзларига қарши курашиш) муносабатларни қоралади, адабий тилни совет-байналмилал атамалар билан бойитиш катта манба деб эълон қилинди. Шу билан бирга сунъий сўз ясаш ва мавжуд рус-байналмилал сўзларни бузиб

талаффуз этиш ва ёзиш ман этилди (Тил ва имло конференцияси материаллари, Тошкент, 1932 й., 90 — 91-б.)

Ўтган давр ичида атамашунослик бўйича бир қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди, фаннинг турли соҳаларига оид 150 дан ортиқ атама луғатлари нашр этилди. Аммо атамашунослик соҳасида назария амалиётдан орқада қолмоқда, нашр қилинган атама луғатларида, матбуотда, илмий ишларда ҳам атамаларни қўллашда бирлик, изчиллик йўқ, бир тушунчани ифодалаган бир атама турлича вариантларда қўллана бошлади.

Атамалар соҳасида ҳар хилликнинг келиб чиқишига сабаб атамалар луғати тузишнинг тартиб-қоидалари ишланмагани ва бу муҳим ишни мувофиқлаштирувчи ягона марказнинг йўқлиги ёки бўлса ҳам, бу ташкилотнинг йўл-йўриқларини писанд қилмасликдан келиб чиқади. Масалан, баъзан бир тушунча турли луғатларда турлича атама билан номланади. Қ. Зокиров ва Д. Жамолхоновларнинг ботаникага оид луғатида¹ *вегетатив — кўнайиш, ветвь — шох, вишенник — овализор* десалар, худди шу атамаларни С. Саҳобиддинов *урчиш, новда, олчазор* деб атайди².

Яна: *тепа барглар, ўрин, экиладиган ўсимликлар* атамалари (Қ. Зокиров) — *учки барглар, жой, экин* (С. Саҳобиддинов) деб номланади; *ёндош чизилган айлана, чегаравий масала, критерий* атамалари (О.В. Мансуров ва б. Математика терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., 1974 й.) бошқа луғатда *ички — ташқи чизилган айлана, четга оид масала, аломат, мезон* (М. Собиров. Математика фанларидан русча-ўзбекча луғат. Т., 1983 й.) шаклида берилади ва б.

Ҳозирнинг ўзида атамалар турлича қўлланмоқда: *ноиб ва халқ вакили* ("Совет Ўзбекистони", 17.06.90 й), *муштарий ва газетхон* ("Совет Ўзбекистони", 2.09.91 й), *институт, олий билимгоҳ, олийгоҳ* ("Совет Ўзбекистони", 20.09.90 й.), *Тожикистон байтулҳикмаси* ("Саодат", 1990 й., 2-сон) ва *Фанлар академияси, дорулулум; рижат ва математика* ("Фан ва турмуш", 1990 й., 2-сон) ва б.

¹ Зокиров Қ., Жамолхонов Д. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. Т., "Ўқитувчи", 1973.

² Саҳобиддинов С. Қисқача русча-ўзбекча ботаника терминлари луғати. Т., "Ўқитувчи", 1954.

Албатта, бир хил тушунчани икки хил аташ бир неча йиллар давом этиб, атамаларнинг маъқул шакли танлаб олинади.

Атамалар лексиканинг тез ўзгарувчан соҳасидир, янги фан ва унинг тармоқларининг келиб чиқиши, янги оқим ва назариялар янги атамаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Йигирманчи, айниқса ўттизинчи йилларда атамалар танлаш ва уларни қўллаш фаоллашди, асосий манба араб тили бўлиб қолди. Биринчи ва асосли атама луғатлари ҳам 30-йиллардан нашр этила бошланди.

Атамалар танлаш ва умумлаштириш соҳасидаги амалий ишлар ҳам 30-йилларга тўғри келади. Атамаларни танлаш борасида 20—30-йилларда матбуотда катта кураш кетди. Агар 1917—1931 йилларда *водород*, *кислород* атамалари *муваллидулма*, *муваллидулхамуза*, *ҳомзи карбун* бўлса, 1931—1936 йилларда *сувчил*, *аччил*, *кўмирген*, *оксиген*, *карбонат ангидрид* тарзида, фақат 1941 йилдан бошлаб *водород*, *кислород*, *углерод* шаклида қўллана бошлади. *Математика* ҳам *риёзиёт*, *физика* — *ҳикмат*, *геометрия* — *ҳандаса*, *ботаника* — *наботот*, *диалектик материализм* — *муждодалавий моддиюнчилик* шаклида ишлатилган¹.

Кейинги йилларда фан ва техника соҳасида катта ўзгаришларнинг бўлиши — машинасозлик, оптика, космонавтика, иш юритиш, спорт, информатика, ядро физикаси, радиоэлектроника, ген муҳандислиги, бионика, космик тиббиёт, экология каби йўналишларнинг кириб келиши, ўзбек тили ижтимоий вазифасининг кенгайиши (матбуот, адабиёт, маориф, телекўрсатув, радио ва бошқа соҳалар бўйича) янги ва янги атамаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Атамаларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари

Атама — илмий, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатлар ва шунга ўхшаш соҳалардаги махсус тушунчаларни тил воситаси билан ифодалайди. Атама — бир

¹ О. Усмонов. Рус тилининг ўзбек тили тараққиётига самарали таъсири ҳақида. "Совет Ўзбекистони", 1952 йил 12 май.

маънолиги (моносемия) билан, синоним қаторларининг бўлмаслиги билан характерланади. Айрим атамалар олим, таржимон, ёзувчилар томонидан ясалса ҳам, оддий сўзлашув тилига оид сўзлар ҳам атамага айланади. Бу ҳол маълум бир давр ўтиши билан юзага келади: сўзнинг маъно доираси тораяди, хусусийлашади. Бунда сўз ўзининг экспрессивлик хусусиятини ҳам йўқотади, оддий сўзлашув воситаси бўлмай қолади. Масалан, *сўқоқ* сўзи аслида кийикнинг бир тури демак (Маҳмуд Кошғарий, 1 жилд, 457-бет). Ҳозир бу сўз топонимик атама (жой номи) сифатида қўлланади. Шунингдек, оғзаки нутққа оид айрим сўзлар маълум бир фан соҳасида атамага айланади: *қидирув*, *тинтув*, *сўроқ* сўзлари ҳуқуқшунослик фани атамаларидандир.

Атама илмий, техник, ишлаб чиқариш ва бошқалар ҳақида аниқ маълумот берувчи тил бойлигидир.

Шуни ҳисобга олиш керакки, маълум бир атама бир неча соҳаларда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: *қанот* — қушда, самолётда ва ҳарбий ишда (*чап ёки ўнг қанот қўшинлари*);

Маълум атаманинг турли соҳаларда ишлатилишига сабаб улар ифодалаган мазмундаги ва вазифадаги ўхшашликдир. Мантиқан боғлиқлик ва вазифадаги умумийлик бўлгани учун бир соҳадаги атама иккинчи бир соҳага кўчирилади.

Ҳар бир предмет, тушунча, воқеа, ҳодисанинг турли хусусиятлари, маъно қирралари бўлади. Атама ана шу хусусиятларнинг энг муҳим томонини ифодалайди. Масалан: *аренда* — *ижара*, *абонент* — *обуначи*, *виза* — *рухсатнома*. *Асбоб* атамаси ўрнига кўра инструмент, прибор, аппарат, машина бўлиши мумкин.

Баъзи ҳолларда атама ўзи ифодаланган тушунчага мос келмаслиги, унинг муҳим хусусиятини ифодаламаслиги ҳам мумкин. Масалан: *атом* — аслида, "*бўлинмас*" маъносини ифодалайди, ваҳоланки *атом*нинг майда заррачаларга бўлиниши кейин маълум бўлди.

Баъзан атама маълум шахс номи билан боғланади. Масалан: *Вавилов* — *Черенков эффекти*. *Мартинков пўлати*, *ҳамрасин* (бир хил минерал) каби.

Атамани танлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

1) она тилида мавжуд бўлган тартиб-қоидаларга (меъ-ёрга) мос келиш;

2) она тили талаффуз қонун-қоидаларига тўғри келиши ва оҳангдорлиги;

3) она тилининг умумий грамматик тизимидан жой олиши.

Атамаларнинг шаклланиши унинг турли шакллари (вариантлари)нинг бўлиши билан бошланади. Ҳар бир синоним ўзи ифодаланадиган тушунчанинг турли маъно ва функционал қирраларини ифодалайди. Маълум давр ўтиши билан бу синонимларнинг бири атама сифатида тан олинади.

Атаманинг шаклланишида синонимик қаторларнинг бўлиши турли илмий йўналиш ва мактабларнинг бўлишига ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги кунда айрим атамалар турли шаклга (вариантга) эга. Масалан: *университет* — *дорилфунун*; *агроном* — *зиرواتчи*, *агроном*; *гражданин* — *фуқаро*, *гражданин*; *демография* — *нуфуз*, *демография*; *депутат* — *халқ вакили*, *ноиб*, *депутат*; синоним — *маънодош*, *турдош*, синоним ва б. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, тилшунос олим С. Д. Лотте атамаларни қўллашда синонимик қаторларни ишлаш хато эканини кўрсатиб ўтган¹.

Атамаларнинг тузилиши ва ясалиши

Атамалар тузилиши жиҳатидан қуйидагича бўлади:

1. Содда атамалар.

Бу хил атамалар туб ёки ясама бўлиши мумкин: *нуқсон*, *фаол*, *таҳлил*, *тасниф*, *иштаҳа*, *шифокор*, *битирувчи* (выпускник), *кирим* (доход) ва б.

2. Қўшма атамалар. Қўшма атамалар бирдан ортиқ ўзакларнинг қўшилишидан тузилади: *ишбилармонлик* (деловитость), *иш юритиш* (делопроизводство), *талабнома* (заявка), *соғлиқни сақлаш* (здравоохранение) ва б.

Қўшма атамалар қисқарган шаклда ҳам бўлади: *Атамақўм* (комитет терминологии), *нефтьгазқурилиш* (нефтегазстрой), *Тошкент бошқурилиш* (Главташкентстрой).

¹Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии М., 1961.

Аббревиатура: БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) ва б.

3. **Бирикмали атамалар.** Бу ҳолатда икки ва ундан ортиқ сўзлар бир тушунчани ифодалайди: *ялли даромад* (валовой доход), *маиший хизмат* (бытовые услуги), *бета заррачалар* (бета частица), *етакчи мутахассис* (ведущий специалист), *қалам ҳақи* (гонорар), *ботаника боғи*, *товуш ҳосил қилувчи аъзолар* ва б.

Бирикмали атамалар одатда от ва от, сифат ва от, равиш ва феъл каби сўз туркумларининг бирикишидан тузилади.

Изоҳ йўли билан ясалган бирикмали атамалар ўзининг қисқалиги, таъсирчанлиги, бир маънолиги ва бир қолипга тушганлиги (стандартлиги) билан ажралиб туриши керак. Ортиқча чўзилиб кетган атамалар ҳам тезда истемолдан чиқади: *рецепт — дори ёзиб бериладиган алоқа хати* ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 19.01.90 й) ва б.

4. **Фразеологик атамалар:** *қизил чизиқ* (красная линия), *оқ шеър* (белый стих).

5. **Семантик усул.** Тилда қўлланган сўзга янги маъно берилиши билан оддий сўз маълум соҳадаги махсус бир тушунчани ифодалайди. Бу билан маъноси тораяди, атамага айланади (аммо мазкур сўз умум тилида, оммабоп, бадий ва бошқа услубларда ўзининг маъносида ишлатила беради), масалан: *тароқ* (асбоб); *тибб. қизилча — қарнахуа коревая; тибб. ўсма-опухоль, тибб. шиш — отек* ва б.

Семантик усул билан атама ясашда метафора, ўхшатиш, метаномия, синекдоха, метатеза, сеникопа, эпиптеза каби усуллар қўлланади: ўрик *мевагина* эмас, *дарахт* ҳам. Яна *тиш*, *бармоқ*, *қулоқ*, *оғиз*, *чўмич*, *ёстиқ* каби сўзларнинг маълум бир фан-техника соҳасида ишлатилиши билан бу сўзлар атамага айланади.

Бирикмали атамаларни тобора ихчамлаштиришга ҳаракат қилинади. Бу ҳол бора-бора аббревиатурага ҳам олиб келиши мумкин: *физика-техника институти — ФТИ*.

Атамалар она тили асоси (базаси)даги сўзлар ёрдамида ясалади ёки атама бошқа тиллардан айнан олинади ёки калькалаш йўли билан тузилади. Атамалар асосини от ва отлашган сўзлар ташкил этади.

Турли фан соҳасига оид минглаб атамаларни яратувчи олимлар, таржимонларни аниқлаш қийин, албатта. Аммо айрим атамаларни яратган баъзи олимларнинг исми бизга маълум: *ген, генотип, фенотип* атамаларини Дания биологи В. Иогансен (1857 — 1927), инглиз физик олими О. Лодж (1851 — 1940) *протон* атамасини, немис ботаниги Х. Моль (1805 — 1872) *протоплазма* атамасини, немис математиги И. Листинг (1808 — 1882) *топология* атамасини яратган¹. *Форд, дизель, вольт, герц, бостон* атамалари ҳам шахс ва жой номлари билан боғланади.

Атамаларнинг маълум қисми рус-байналмилал тилларидан олинади ёки маълум атамалар *калькалаштирилади* (айнан таржима қилинади). Масалан: *выпрямитель — туғрилагич, пылеуловитель — чангтутгич, долбек — ўйгич, подъемник — кўтаргич, белый стих — оқ шеър, введение — кириш* ва б.

Калькалашда тушунчанинг ўзи ифодаланади ва янги атама она тилининг фонетик ва грамматик қонунига бўйсундирилади.

Баъзи атамалар ярим калькалаштирилади: *ультратовуш, самолётсозлик* каби.

Шеваларда атамани ифодаловчи сўз бўлмасагина калькалаштириш йўлини қўллаш керак.

Р. Дониёров 75 — 80 фоиз атамалар *морфологик усул* билан ясалишини айтиб, 300 дан ортиқ сўз ясовчи қўшимчаларни кўрсатади²: *-дош: жийдадошлар, пистадошлар; -гич: чизгич, кўрсатгич; -ма: сузма, қовурма, терлама, иситма, қайнатма шўрва; -чилик: ипакчилик, пахтачилик* ва б.

Шунга кўра атама ясовчи аффикслар унумли ва унумсизга бўлинади.

Адабий тилда унумдор бўлмаган аффикс атамашуносликда кенг қўлланиши мумкин.

Атамаларни тузиш тартиб-қоидалари (принциплари)

Давлат тили ҳақидаги қонуннинг кўп моддаларининг амалга оширилиши (илмий ишлар, дарсликлар ва қўллан-

¹ "Техника молодежи" журнали, 1984 йил, 2-сон, 60-бет.

² Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. "Фан", Т., 1977. 90 — 97-бетлар.

малар, расмий ҳужжатлар, талабаларнинг миллий гуруҳларида ўтиладиган дарслар) биринчи навбатда атамаларнинг ўзбекча муодилини, яъни эквивалентини (муқобилини эмас!) топишга боғлиқдир.

Маълум бир вақтда маълум тушунчани аниқ ифодалаган атама, фан тараққиёти туфайли эскириб, ўша тушунчага мос келмай қолиши мумкин. Бунда атамани ўзгартириш зарур бўлади. Шунинг учун ҳам атамалар қайта кўрилиб, янги ва янги атама лугатлари тайёрланади.

Атамаларни танлаш ва қўллашда асосланиладиган қонун-қоидалар:

1) атамаларнинг бир маъноли бўлиши. Агар турлича тушунчаларни ифодаласа, масалан: *роман* — адабий жанр, сўзлашувда *ошиқ-маъшуқлик*, *лола* гулнинг бир тури, адабиётда *қизил*, *қизғиш*; *магазин* — *савдо дўкони*, ҳарбийда — *ўқ солинадиган қисм* тарзида қўллаш мумкин.

2) айна бир тушунчани ифодалаш учун икки хил атамани қўлласлик;

3) атама тушунчани аниқ ифодалаш (вазифа, шакл, ранги ва б.га қараб);

4) атама ихчам бўлиши, ортиқча кенг иборалар қўлланмаслиги лозим;

5) она тилида сўз туриб, чет тил атамаларини қўлласлик;

6) атама она тили тизимига мос бўлиши (ясадиш ва бирикма ташкил эта олиш хусусияти ва талаффузга мослиги ва б.)

1. Атама маълум бир фан аҳлига, ижтимоий-сиёсий атамалар эса оммага тушунарли бўлиши керак. Агар маълум бир атама, қайси тил асосида тузилган бўлмасин, тушунарли бўлса, бундай атамани алмаштиришнинг ҳожати йўқ. *Атом* атамаси аслида юнонча бўлиб, *бўлинмас* деган маънони англатади. Ваҳоланки, фаннинг тараққиёти туфайли атом ўз навбатида *нейтрон*, *протонлар* каби майда заррачаларга бўлинади. Аммо ҳозир ҳам атом атамаси қўлланиб, химияда кичик заррачага қўйилган ном сифатида қўлланади.

Шунинг учун ҳам фаннинг турли соҳаларига тааллуқли кўплаб атамалар ҳаммага тушунарли бўлгани учун ўз

ҳолида қўллангани маъкул¹. Масалан: *амбулатория, дезинфекция, лаборатория, бюджет, депонент, демография, телерадио, архаизм, аспирант, аудитория* (фақат дарсхона эмас), *магазин (дўкон — бу ларек), депутат, милиционер, океан, паспорт, цирк, суффикс, инфекс, префикс, адъективация, атом, нейтрон, кислород, физика* каби.

Ўз шаклида қолдириш лозим бўлган кўп атамалар асосан аниқ фанларга оиддир. Шунинг учун ҳам аввало *олийгоҳ, жумҳурият, фуқаро* деб таклиф этилган атамалар ҳозирнинг ўзидаёқ *институт, республика, гражданин* шаклида қўлланилмоқда.

Атамаларнинг русча-байналмилал шакллариининг сақланиши илм-фан ижтимоий йўналишининг ҳозирги замон илғор Фарб фани билан яқинлашишини таъминлайди, улар билан алоқани осонлаштиради.

Рус ва европа тилларидан олинган атамалар асосан фан соҳаларига оид бўлиб, фанинг асосини ташкил этади.

Бошқа қардош туркий тиллар ҳам шу йўлдан бориб, кўп атамаларни ўз ҳолида қолдирдилар. Масалан: *озарбайжон тилида орган, институт, досент, телефон, журнал, програм, редакция, поэма, актуал, район, милис, сех (цех), қўмита, паспорт, проблем, идеал, просесс, план, Алмания, Франса, Аврупа* ва б. («Ўдлар юрду» газетаси, 5-сон, 1990 й.)

Ҳозирги турк тилида: *циркуляр, култур, конгрес, форму, факулта, секретар, адрес* ва б.

Кўринадики, атамалар фақат ўз она тили талаффузига мослаштириб олинди, холос.

2. Рус-байналмилал атамалар ичида шундайлари ҳам борки, улар таржима қилиняпти ва ўзбек тилига сингиб боряпти.

Масалан: *агрохимия — деҳқончилик кимёси, альтернатив — муқобил, вакант — бўш ўрин, ведомство — муассаса, визит — таширф, витрина — кўргазма, вывеска — пешлавҳа, гарантия — кафолат, гонорар — қалам ҳақи, группа — гуруҳ, классифицировать — тасниф этиши, класс — синф, декада — ўнқунлик, диалог — мулоқот, догма — ақида,*

¹ Қаранг: Ўзбек тили атамашунослиги. 3—4-чиқарув. Т.. "Фан", 1990 йил.

доклад — маъруза, заказ — буюртма, идеология — мафкура, инвалид — ногирон, инструкция — йўриқнома, копия — нусха, норма — меъёр, ўлчов; базисная цена — асосий нарх, больница — шифохона, давохона; бытовые приборы — маиший асбоблар, валовой доход — ялпи даромад, ведущий специалист — етакчи мутахассис. ВУЗ — олий ўқув юрти, главная больница — бош касалхона, дебет — қирим, дебитор — қарздор, дефицит — танқислик, дефект — нуқсон, договор — шартнома, документ — ҳужжат, заявка — талабнома, кризис — танглик, студент — талаба, предприниматель — тадбиркор, соска — эмизик, регистратор — рўйхатчи, переписка — хатлашиш (Ф. Фулом), канцелярия — девонхона, торговый ряд — савдо растаси, запас — захира, штатная единица — штат воҳидлиги, рубрика — руки, устав — тузук, планета — сайёра, текст — матн, хирургия — жарроҳлик, неврология — асабшунослик, межведомостный — муассасалараро, конкурс — танлов, як-каҳокимлик — монокультура, фоиз — процент, Кавказорти — Закавказье, иссиқхона — теплица, муҳр — печать, уюшма — союз, ҳудуд — территория, лойиҳа — проект, ислоҳот — реформа, справочник — маълумотнома, стабиль — барқарор, скренка — қистирма (қистиргич), контакт — туташув, мороженое — музқаймоқ, аппарат — қурилма, акушер — доя, сухой закон — майқатағон, зачет — синов, зачетная книжка — синов дафтарчаси, диалект — шева, говор — лаҳжа, аттестация — кўрик, автор — муаллиф, соавтор — ҳаммуаллиф, Приаралье — Оролбўйи, кандидат — номзод каби.

Ҳозирги кунда келиб, рус-байналмилал атамалар фан соҳасида катта фоизни ташкил этади. Агар 1924 йили тилимизда ижтимоий-сиёсий рус-байналмилал атамалар 0,9 фоизни, 1927 йили — 1,6, 1930 йили — 11,11; 1934 йили — 15, 1959 йили — 18 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 20 фоизга бориб қолди. А. П. Малвалиевнинг кўрсатишича, химия фанида рус-байналмилал атамалар 1990 йилга келиб умумий атамалар сонининг 90 — 95 фоизини ташкил этган.

Бу ҳол илм-фанни ўқитишда, ўзбек тилида дарслик, қўлланма, мақола ёзишни қийинлаштирар эди. Шунинг учун олий мактабларнинг миллий гуруҳларида аниқ фан-

ларни рус тилида ўқитишга мажбур бўлар эдилар. Давлатимиз мустақил бўлгач, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, рус-байналмилал атамаларни алмаштириш зарурияти туғилди ва бу турдаги кўп атамалар ўзбекча атамалар билан алмаштирилди. Бу ҳолатда агар янги атаманинг тушунилишида қийинчилик сезилса, атаманинг ҳозиргача қўлланиб келган турини ёнма-ён қавсда кўрсатиш керак. Масалан, *абстракт — мавҳум (абстракт), автор — муаллиф (автор), агитатор — ташвиқотчи (агитатор), агроном — ҳосилот (агроном), гонорар — қалам ҳақи (гонорар)* каби.

Аммо рус-байналмилал атамаларнинг ўзбекча варианты атама тушунчасининг бутун талабларига жавоб бериши шарт. Шунинг учун ҳам *ўз эркли (автономия), ҳужжатлар омбори (архив), тайингар (баланс), ноҳия (район), қўналғи (аэропорт), куллиёт (факультет), илмгоҳ (институт)* каби ўзбекча деб кўрсатилган атамалар тилимизга сингмади.

Айрим атамаларни икки турда (ўзбекча ва рус-байналмилал шаклларда) берилишининг боиси кўп рус-байналмилал атамаларнинг маъноси кенгроқ бўлиб, маълум матнда қайси маъноси мос келса, шу тури ўзбекча атама сифатида берилади. Масалан, *аппарат* атамаси ифодалаган маъносига қараб, *идора, ходимлар* ёки *қисм* (машинанинг бирор қисми бўлиши мумкин); авангард атамаси *илғор* гина эмас, бу атама *қўшиннинг олдинги қисми (ҳировул), етакчи* каби маъноларни ҳам ифодалайди. *Архив* атамаси умуман, *ҳужжатхона* эмас, эскириб қолган ҳужжатлар сақланадиган жой ёки ташкилот, айрим шахс ёки ташкилотга тааллуқли барча ҳужжатлар ҳамдир. *Акт* атамаси *далолатнома-гина* эмас, айрим ҳаракат; иш-воқеа ёки расмий ҳужжат, театрда парда, ёхуд *тантанали мажлис* зали. *Фонд* — *жамгармагина* эмас, *у маблағ, захира* (запас), *қўр, қимматбаҳо қогозлар, моддий ёрдам берувчи идора*, маълум мақсадда йиғилган *пул* ҳамдир, *норма* — *меъёргина* эмас, *қоида, маром, тартиб, ўлчам* ҳамдир. Бу атамаларнинг ҳар бири мазмун ва услуб турига қараб ишлатилади:

Атамаларни икки шаклда бериш одатда луғатларда бўлиб, матнда ҳар бир ўринда такрорлаб ўтирилмайди. Атаманинг бошқа тури ёки синоними қўллана беради. Бу

ҳол тилга олинган атаманинг нозик маъно фарқларини очишга имкон туғдиради, жумла услубини бойитишга ёрдам беради, масалан: *доктор, врач, шифокор, табиб* каби. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, муҳр, штамп, расмий ва иш юритиш ҳужжатларида, илмий мақола, дарслик, қўлланма ва монографияларда, лавҳа, пешлавҳа (вывеска)ларда атаманинг биринчи туринигина кўрсатиш керак. *Вазир, вазирлик* (министр, министерство), *ёзувчилар уюшмаси* (союз писателей). *Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими. Тошкент бош қурилиши.*

Русча-байналмилал атамаларнинг ўзбекчасини танлашда атаманинг маъноси, ясалиш ва турланиш хусусиятини ҳам ҳисобга олиш керак.

Масалан, агар биз *аспирант* атамасини *илмжў* деб таржима қилсак, *аспирантурани* нима деб атаймиз? Агар *диагнози ташхис* десак, *диагностика, диагностировать, диагностический* атамаларини қандай таржима қиламиз?

Атамаларнинг ўзбекча турини (вариантини) танлашда қуйидаги манбаларга суянилади:

а) *сўзлашув* тилига оид атамалар: *қумтёпа — бархан, илғор — авангард, бошбошдоқлик — анархия, анархизм, бўш ўрин — вакант, вакансия, жангари — боевик, тирноқгул — календула, бўйимодарон — тысячилетник, мармарак — шалфей, сариқбош — пижма, боши берк кўча — тупик, кўрғазма — витрина, ўнқунлик — декада, буюртма — заявка, жўнатма — посылка, тинтув — обыск* в.б.

Ўзбек тилининг ўз ички сўзлашув имкониятлари асоида тузилган атамалар мавжуд сўзларнинг маъносини кенгайтириш, торайтириш ва табақалаш (дифференция) йўли билан рўй беради:

б) шевага оид сўзлар ҳам атама тузишда манба бўлади: *синчи — эксперт, улдириқ — икра, эман — дуб, қулмоқ — хмел, хўжағат — малина. Шевалардан кўпроқ зоология, ботаника, тиббиётга, қишлоқ хўжалигига оид сўзлар олинади.*

Шевага оид сўзлар адабий тилга ҳам кириб бормоқда:

Дўстлик меҳроблари *идраса*,
Фитна кузғунлари *потраса*.

(*Ойдин Ҳожиева*)

(*идраса — ирий бошласа, потраса — питирлаб учса*).

в) касб-ҳунарга оид: *ангоб* (сопол идишларга ҳашам берадиган таркиб), *сир* (глазурь), *ўрама* (сопол идишга солинган расмни ўраб олган ҳалқа), *маржон*, *гулсун*, *гунгура*, *гулдон*, *қалампир*, *тож*, *сада*, *меҳроб*, *туморча*, *тароқча*, *ошиқча*, *санама* ва б. идишга солинадиган гул ва турли расмлар номи;

г) ўзбек ва бошқа туркий тилларнинг мавжуд ва эски луғатлари ҳамда илмий ва бадий, тарихий асарларида қўлланган сўзлардан ҳам атамаларни тузишда фойдаланиш мумкин.

Қадимги ва эски турк тилида: *коруг* — айғоқчи, *ўрам* — кўча, *квартал*, *тунак* — спальная, *қушчи* — қуш тутувчи, *орду боши* — дворецкий, *бекларбеки* — генерал губернатор, *даруға* — қўрғон бошлиғи, *чағырчи* — винодел, *сувчи* — водоносец, *қун ва қорабош* — қул; *тарығчы*, *экинчи* — деҳқон, *йағаччы* — дурадгор, *этмакчи* — нонвой, *этчи* — қассоб ва б. (мисоллар Ҳ. Дадабоевнинг "Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркских письменных памятниках XI — XIV вв." Т., 1991) китобидан олинди.

д) Атамаларни тузишда манба бўлган тилларга араб ва форс (тожик) тиллари киради. Ҳозирги кунда жуда кўп атамалар аслида эскича (арабча ва форс-тожикча) шаклига қайтди: *тема* — мавзу, *территория* — ҳудуд, *доклад* — маъруза, *автор* — муаллиф каби.

Атамаларнинг арабча ёки тожикча турларини танлаб олишда жуда эҳтиёткорлик зарур. Ҳаммага тушунарли бўлган *альбом*, *фонтан*, *корректор*, *транспорт*, *офицер*¹ каби сўзларни таржима қилиш билан биз бу атамаларни сўзлашув ва фан тилига сингдира олмаймиз, барибир бу атамаларнинг арабча, русча-байналмилал шакллари қўллана беради, маъно ва талаффузга ёт бўлган атамалар ўзлашмайди. Ҳаттоки, ҳозирги турк тилида ҳам *университет* атамаси *Universite*, факультет — *fakulte*, газета — *gazete* шаклида қўланади ("Халқ сўзи", 11.02.1992 й.).

¹ Масалан, *офицер* атамасини ҳозир *зобит* атамаси билан таржима қилинипти. Ахир *зобит* арабча бўлиб, *зобит қилувчи* маъноси бор-ку!

Атамаларни бир хиллаштириш (унификация қилиш) ва бир қолипга солиш (стандартлаш) ҳақида

Атамаларни танлаш, уларни тўплаб атама луғатлари тузиш ва уларни маълум вақт ўтгач, янги талаблар билан қайта ишлаш ва нашр қилиш доимий жараёндир. Бу жараён атамаларни аввало бир тил доирасида, иложи бўлса, бир неча қардош ва қардош бўлмаган тиллар орасида умумлаштиришни талаб этади. Атаманинг умумлашмаси янги атамаларнинг маълум фан аҳллари орасида, ижтимоий фанга оид атамалар эса жамоат томонидан маъқулланиши билан бевосита боғлиқдир. Атамаларни умумлаштириш, қатъий бир қолипга солиш, маълум фан ва техник ҳамда ижтимоий фанларни бир тизимга солинишига ёрдам беради. Атамаларни умумлаштириш уларнинг фонетик, морфологик, синтактик, лексик-семантик ва мантик томонидан бир тизимга тушишидир. Умумлашган атама она тилининг (ёки тилларининг) ички қонуниятларига мос тушиши шарт. Умумлашган атама ўзи ифодалаган тушунчанинг моҳиятини, мазмуни, характерли белгисини ўзида ифодалаш лозим. Аммо маълум соҳа олимлари ва жамоатчилик томонидан атаманинг тан олинishi тезда амалга оша бермайди. Маълум бир тушунчани аниқ ва тўғри атама билан ифодалаш ва бу янги атаманинг жамоат томонидан қабул қилиниши учун маълум бир вақт керак бўлади, бу давр ичида янги атама ўзлашади, кишилар онгига сингади. Қайси атама тушунчани аниқ, ёрқин, тўлиқ ифодаласа, ўша атама тилга (фанга) сингади. Бўлмаса А. Қаҳҳор айтгандек, "Халқ чайнаб-чайнаб, тупуриб ташлайди".

Атамаларнинг шаклланиш босқичлари

1. Янги бир тушунча пайдо бўлиши (янги бир ижтимоий ҳодиса, муносабат, машина, унинг қисми) билан унга ном (атама) берилади. Аввало бу янги тушунчани ифодалаш учун турлича атамалар (вариантлар) келиб чиқади (*район — ноҳия, туман, ўрам* каби). Бир тушунчани ифодалаган турли атамалар (вариантлар) унинг турли томондан тавсифини беради. Турли вариантлик

табийй, қонуний бир жараён бўлиб, маълум бир даврни ўз ичига олади.

2. Маълум давр ичида айна бир тушунчани ифодалаган турли атамалар (масалан, *дотация* — *ёрдам пули*, *қарз*, *ёрдам*, *дотация*)дан бири танлаб олинади. Танлаб олинган атама (вариант) ўзи англатган тушунчанинг энг муҳим томонини, унинг моҳияти ва вазифасини, қийматини ифодалаши зарур.

3. Сўнгра фан аҳллари ва жамоатчилик томонидан қабул қилинган атама ўзлашади, тилга сингади, бир қолипга тушади (стандартлашади).

Бу мураккаб жараён анча вақтни олиб, мутахассислар, таржимонлар, жамоатчилик фикри, таклифи ҳисобга олиниши шарт. Бунда тилшунослар фикри алоҳида бўлиб, улар атамаларнинг ҳамма турини — фан-техника ва ижтимоий-сиёсий соҳаларга оид атамаларнинг тил қонуниятлари ва меъёрларига мос бўлиши жиҳатидан таҳлил қилишлари шарт (шунинг учун фан ва техникага оид атама луғатларини тузишда кўпинча тилшунос олимлар ҳам қатнашган бўладилар).

Одатда, янги атама турлари (вариантлари) матбуотда эълон қилиниб, муҳокама қилинади. Сўнгра маълум бир фан соҳасини бошқарган уюшма (комиссия, шўьба) берилган фикр, мулоҳазаларни муҳокама қилади ва бу атаманинг умумлашган шаклини тасдиқлайди ҳамда амалда қўллашга тавсия қилади. Тасдиқланган атама бир қолипга тушади (стандартлашади) ва илмда, маърузада, мақола, дарслик ва монографияларда қўллана бошлайди.

Фан соҳаси ходимлари атаманинг бир ва бир неча шаклини (вариантларини) таклиф қилишдан олдин атаманинг моҳиятини яхши тушуниб олиши, агар янги тушунчани ифодалаган янги (бошқа) атама бўлмаса, унинг турли тилларда қўлланишини билиши ҳамда бу вариантларни ҳам таклиф сифатида кўрсатиши шарт. Бунда муаллиф янги атаманинг моҳияти, мазмунини изоҳлаб ҳам бериши, тилдаги мавжуд аънаналарни ҳисобга олиши керак.

Атамаларни умумлаштириш (унификация қилиш) кейинроқ уларнинг бир қолипга тушишига (стандартлашишига) асос бўлади.

Ижтимоий ҳаётда халқлар орасидаги яқинлик, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётдаги бирдамлик ва умумийлик халқаро умумий атамаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Кўплаб атамаларнинг умумий бир ўзакдан (юнонча, лотинча в.б.) келиб чиқиши ҳам бу хил атамаларнинг умумлашишига асос бўлади. Шу йўл билан атамаларнинг халқаро банки (жамғармаси) туғилади. Бу ўринда қўшни туркий республика олимлари билан бирга ишлашнинг аҳамияти катта, чунки бир халқда бўлмаган ёки ноўрин қўлланган атамани бошқа халқдан олиш ва фанга жорий қилиш мумкин. Бирга ишлаш, ҳамкорлик қилиш миллатларнинг яқинлашиши ва дўстлашишига асос бўлади.

Адабиёт

1. *Дадабоев Х.* Обществено-политическая и социально-экономическая терминология в тюркских памятниках XI — XIV вв. Т., 1991.
2. *Дониёров Р.* Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. "Фан", 1977.
3. *Зокиров Қ.З., Жамолхонов Ҳ.А.* Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. "Фан", Т., 1966.
4. *Кўчимов Ш.Н.* Ўзбекистон Республикаси қонунариининг тили. НДА. Т., 1995.
5. *Кўчимов Ш.Н.* Ўзбек қонунариини тил ва услуб жиҳатдан такомиллаштириш. Тил ва адабиёт таълими, 1994.
6. *Лотте С.* Основы построения научно-технической терминологии. Москва, 1961.
7. *Мадвалиев А.* Некоторые вопросы упорядочения узбекской химической терминологии. Алмаата, 1985.
8. *Мусаев В.Д.* Синтаксико-семантическая особенность составных терминов в английском, русском и узбекском языках.
9. Развитие терминологии на языках союзных республик СССР. "Наука", Москва, 1987.
10. *Хаятин А. Т.* Термин, терминология, номенклатура. Самарқанд, 1972.
11. Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. "Фан", 1986.
12. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. "Фан", Т., 1986.
13. Ўзбек тили атамашунослиги. "Фан", Т., 1990.
14. *Ғози Юнус.* Русча-ўзбекча қисқача ҳуқуқий ва сиёсий лугат. Т., "хуқуқ", 1926.

3. ГРАММАТИКА

Грамматика сўз ва гапнинг тузилишини ўрганиб, икки қисмдан иборат бўлади:

1. Морфология
2. Синтаксис

а) Морфология

Морфология боби сўзнинг таркибини (ўзак, негиз, қўшимчалар) ва сўзнинг маъно турларини ўрганади.

Сўзнинг таркибий қисмлари

Сўзнинг таркиби ўзак, негиз ва қўшимчалардан иборат бўлади.

Ўзак. Сўзнинг асл маъносини ифодаловчи қўшимчасиз туб қисми сўзнинг ўзаги бўлади: *йўлбошчи* сўзининг асл ўзаги *йўл*дир. *Тўйтена* — қўшма сўз бўлиб, икки ўзак (*тўй* ва *тена*)дан таркиб топган.

Негиз. Сўз ўзакларига ясовчи қўшимчалар қўшилиб ҳосил бўладиган янги сўздор. Масалан: *боғ* ўзагига *бон* ясовчи қўшимчаси қўшилиб, *боғбон* негизи ҳосил бўлади ва *боғ* га нисбатан янги маъно — шахсни ифодалайди, яна: *иш* + *чи*, *ёз* + *ув* каби.

Ҳар қандай сўзда ўзак битта бўлади, негиз эса ясовчи аффиксларнинг сонига қараб орта боради: *ёзувчилар* сўзининг негизи *ёзувчи*, *ёзувчи* сўзининг негизи эса *ёзув* дир.

Қўшимчалар. Сўз ўзаклари ва негизларидаги янги сўз ясовчи ёки уларни турловчи қўшимчалар беш хил бўлади:

1) ясовчилар (*-чи*, *-ли*, *-дор* ва б.): *ишчи*, *сувчи*, *дўкандор*;

2) префикслар (*но-*, *бе-* каби тожик тилидан олинган қўшимчалар): *ноаниқ*, *бешарм*;

3) турловчилар (қўплик, эгалик, келишиқ қўшимчалари);

4) тусловчилар (замон, шахс, сон қўшимчалари);

5) ярим ясовчилар (феълнинг майл ва нисбат қўшимчалари).

Сўз тузилиши

Сўз тузилишига кўра уч хил бўлади.

1. Содда сўзлар. 2. Қўшма сўзлар. 3. Жуфт сўзлар.

1. *Содда сўзлар* туб ёки ясама бўлиши мумкин:

Ёлғиз ўзакдангина таркиб топган сўзлар туб сўзлар бўлади: *нон, қалам, дафтар*.

Ясама сўзлар бирор ясовчи аффикслар ёрдами билан ясалган янги сўзлардир. Ўзбек тилидаги ясовчи аффикслар ўз ва ўзлашма (бошқа тилдан олинган) турларга бўлиниб, улар ёрдамида янги сўзлар ясалади: *-чи (ишчи, қизиқчи), -дош (сифатдош, қўлдош), -кор (хизматкор), -хон (ки-тобхон), -дор (ҳосилдор), -ик (механик, кўрик), -хона (устахона)* ва б.

2. *Қўшма сўзлар* икки ёки ундан ортиқ ўзакларнинг бирикувидан ясалади: *белбоғ, гултожихўроз* ва б.

3. *Жуфт сўзлар* икки ўзак ёки сўзнинг қатор (жуфт бўлиб) келишидан ясалади: *қозон-товоқ (рўзгор), ота-она (қариндошлик), ошна-оғайни (яқинлик)* ва б.

Баъзи қўшма сўзлар қисқартма бўлади: *Атамақўм* (Атамашунослик кўмитаси), *Ўздавнашр* (Ўзбекистон давлат нашриёти), *МДХ* (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги), *ЎЗМУ* (Ўзбекистон Миллий Университети) *ЎзФА* (Ўзбекистон Фанлар академияси) ва б.

Сўз туркумлари

Сўзлар мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларига бўлинади.

Мустақил сўзлар алоҳида маъно англатувчи сўзлардир: *китоб, дафтар, мен, сен, ёзди, ўқиди, тез, секин* каби. ;

Ёрдамчи сўзлар ёлғиз бирор маъно англатмайдиган, мустақил сўзларга қўшилиб, уларга қўшимча маъно берувчи воситалардир: *ва, лекин, учун, сари, -ю, -ки*.

Мустақил сўз туркумларига от, сон, сифат, олмош, феъл, равиш ва унга яқин турган модал сўзлар кирadi.

От

Шахс, нарса, воқеа, ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар туркуми от дейилади.

Отларнинг маъно турлари — атоқли ва турдош (атаб қўйилган ва нарса, предметнинг умумлаштирувчи номлари; *Салим, китоб*), аниқ (конкрет) ва мавҳум отлар (моддий ва мавҳум тушунчали отлар: *дарё, муҳаббат*)га бўлинади.

Отнинг грамматик категориялари — *сон* (-лар аффикси орқали), *эгаллик* (предметнинг қайси шахсга қарашли эканини кўрсатувчи -им, -инг, -и; -имиз, -ингиз, -лари аффикслар орқали: *китобим, китобингиз* каби) ва *келишиклардан иборат*. Келишиклар 6 та бўлиб, бош (қўшимчасиз), қаратгич (-нинг), тушум (-ни), жўналиш (-га, -ка, -қа,), ўрин-пайт (-да), чиқиш (-дан) келишикларидан иборат бўлади.

Отнинг ясалиши қуйидагича бўлади:

1. Морфологик усул: -чи, -дош, -бон, -хўр, -к, -гич, -ма, -дон каби ясовчилар билан: *ишчи, қариндош, боғбон, чойхўр, элак, кулдиргич, қўлёзма* каби.

Синтактик усул билан кўшма ва жуфт отлар ясалади (*белбоғ, ота-она* каби).

Сифат

Сифат туркумидаги сўзлар предметнинг шакли, ранги, мазасини ифодалайди.

Сифатларнинг маъно турлари — аслий ва нисбий сифатлардан иборат бўлади. Аслий сифат предметнинг асл белгисини билдиради (қизил, яшил, ботир) каби.

Нисбий сифатлар ясама сифатлардир, аммо баъзан айрим бош келишик шаклидаги отлар ҳам сифат турларига киради: *олтин соат, фишт кўприк, тулки одам* каби.

Сифатларнинг ясалиши -ли, -ки//қи//и, -ги, ба-, бе-, -ма, -чан, -ий, -ик каби қўшимчалар орқали бўлади; *кучли, қалбаки, қишлоқи, ёзги, бамаъни, бенул, ясама, ишчан, тарихий, очиқ* каби.

Сифат даражалари — орттирма (қоп-қора, энг баланд), қиёсий (оғирроқ, муздек), озайтирма (қизғиш, қорамтир) даражаларидан иборат бўлиб, ҳар бир даража бирор усул (морфологик ва синтактик усул) билан ясалади.

Сон

Сон предметнинг миқдорини ёки сон жиҳатдан тартибини ифодалайди.

Соннинг маъно турлари — саноқ турлари: доналик сон (бешта, ўнта), тартиб сонлар (бешинчи, учинчи), жамловчи сон (учов, олтов, бешала), чама сон (бештача, учтача, мингларча), тақсим сон (учтадан, иккитадан), каср сон (бешдан бир).

Соннинг ҳар бири қўшимча орқали ясалади.

Олмош

Турли сўз туркумлари ўрнида қўлланувчи сўзлар олмош дейилади.

Олмошнинг маъно турлари — келишиқ (шахсга оид - мен, сен каби), кўрсатиш (*у, бу, ўша*), ўзлик (*ўз*), сўроқ (*ким, нима, қачон* каби), эгалиқ (*меники, уники* каби), белгилаш (*ҳамма, ҳар ким* каби), гумон (*аллаким, кимдир* каби), бўлишсизлик (*ҳеч ким, ҳеч нима* каби).

Эгалиқ олмошлари *-ники* қўшимчаси, белгилаш олмоши *ҳар* сўзи, гумон олмоши *алла-, -дир*, бўлишсизлик олмоши *ҳеч* билан ясалади. Масалан: бизники, ҳар ким, аллақачон, ҳеч нарса.

Феъл

Ҳаракат ёки бирор ҳолатни англатувчи сўз туркумлари феъл дейилади.

Феълларнинг грамматик хусусиятлари:

1. Бўлишлиқ, бўлишсизлик (*айтди — айтмади*)

2. Феъл даражалари (ёки нисбати)

1) *бош*: *ўқиди* (қўшимчасиз);

2) *қайтим* (ёки ўзлик): иш-ҳаракатнинг ўзига қайтиши: *паранди, сиқилди* (*-н// -л* қўшимчаси билан);

3) *мажхул*: иш-ҳаракатнинг бошқалар томонидан бажарилиши: *сотилди, қурилди* (*асосан -ил// -л* қўшимчаси билан);

4) *орттирма* (ёки қўзғатиш): иш-ҳаракатни бошқаларга бажартириш: *ўқитди, тўлат, тутқизди* (*-т, -қиз, -тир* қўшимчалари билан);

5) *биргалик*: иш-ҳаракатни бирга бажариш: *ёзишди* (-ш кўшимчаси билан).

3. **Феълнинг тусланиши.** Феъллар шахс ва замон билан тусланади:

1) шахс билан тусланиш ҳар уч шахсда кўринади: *ёз-дим, ёздинг, ёзди, ёздик, ёздингиз, ёздилар* каби;

2) замон билан тусланишда феъл уч замонни кўрсатиши мумкин: ўтган замон (*ёздим*), ҳозирги замон (*ёзяман*), келаси замон (*ёзмақчиман*). Ҳар бир замонни ифодалашда маълум кўшимчалар кўшилади.

4. **Феъл майллари.**

Феъл икки хил майлга эга:

1) *буйруқ* — истак майли буйруқ ёки истакни ифодалайди: *ўқий, ўқи, ўқисин, ўқийлик, ўқинг, ўқисинлар*.

Бу майлни ифодалашда ҳар бир шахс ўз кўшимчаларига эга бўлади.

2) *шарт майли* маълум ҳаракатни бажарадиган шартни кўрсатади ва ҳар бир шахс ўз кўшимчасига эга бўлади: *ўқисам, ўқисанг, ўқиса, ўқисак, ўқисангиз, ўқисалар*.

Шарт феълини ифодаловчи асосий кўшимча *-са* дир.

Кўмакчи феъллар. Ўзбек тилида ҳаракат, ҳолатнинг тарзини ва бошқа нозик маъноларни ифодалаш учун ўтгиздан ортиқ кўмакчи феъллар қўлланилади, улар кўшма феълларни ташкил этади: *ёзиб қўйди, ўқиб бўлди, тўплаб олди, кўриб тура турсин* каби.

Феълнинг ясалиши турли кўшимчалар орқали бўлади: *-ла, -сиз//киз, -а, -и, -са, -ар, в-б: гуллар, оқиз, туна, тинчи, кўкар* каби.

Сифатдош феълнинг бир тури бўлиб, предметнинг ҳаракат белгисини ифодалайди ва ҳар уч замонни, даражани кўрсата олади: *ёзган, ёзаётган, ёзидиган ва ёздирадиган* каби.

Сифатдошнинг замонлари ва даражалари ўз кўшимчаларига эга бўлади.

Сифатдош одатда отга боғланади.

Равишдош ҳам феълнинг бир тури бўлиб, ҳаракатнинг қандай рўй берганини ифодалайди. Равишдош махсус кўшимчалар орқали ясалади: *-иб, -а/й, -гали, -гач, -гунча: ёзиб, ёза, ўқий, ёзгач, ёзгунча*.

Равишдош ҳам феъл каби маълум замон ва даража кўрсата олади.

Равиш

Равиш маълум бир ҳаракат, ҳолатнинг қандай тарзда рўй беришини ифодалайди.

Равишнинг маънолари: ҳолат (*тез* гапирди, *яхши* кулдирдингиз), ўрин (*нариги* хонага ўтди), пайт (*кеча* рўй берди), мақсад (*қасддан* бажармади), сабаб (*куйганидан* гапирди), миқдор-даража (*кўп* ишлади).

Равишнинг ясалиши морфологик усул билан (*-ча*, *-лаб*, *-она в-б*) ва синтактик йўл — сўзлар қўшилиши усули билан (*у ерда*, *бир кун*, *тез орада*) бўлади.

Модал сўзлар

Модал сўзлар сўзловчининг ифодаланилаётган фикрга, воқеа, ҳодисага, аҳволга муносабатини ифодалайди.

Модал сўзларнинг маънолари-гумон (*эҳтимол*), ишонч (*ҳақиқатан*), афсус (*эссиз*, *аттанг*), манба (*менимча*), муносабат (*аксинча*) каби маъноларни ифодалайди.

Мустақил сўз туркумининг тузилиши ва имлоси

Мустақил сўз туркумлари содда (туб ва ясама), қўшма ва жуфт, бирикмали бўлиши мумкин. Қўшма ва жуфт сўзлар қўшилиб ёки ажратиб ёзилиши мумкин. Бирикмали сўз туркумлари ажратиб ёзилади, жуфт сўзлар эса чизикча билан ажратилади (бу ҳақда мазкур китобнинг «Имло» бобига қаранг).

Ёрдамчи сўзлар

Ёрдамчи сўз туркумлари алоҳида маъно англатувчи мустақил сўз туркумлари ёки умумий гап мазмунига қўшимча маъно берадилар.

Ёрдамчиларнинг турлари:

Юкламалар. Фикрга қўшимча (субъектив) маънолар — сўроқ, кучайтириш, таъкид, чегаралаш, гумон маъноларини ифодалайди: *-ми*, *-чи*, *-а (-я)*, *-ку*, *-да*, *-дир*, *фақат*, *ахир*, *наҳот*, *худди* каби. Масалан: *Сизми? Ёзса-чи? Келасиз-а? Келди-ку, ўқиди-да, боргандир, фақат ўқитди, ахир айтдим-ку* каби.

Юкламалар айрим унсурлар ёки мустақил сўзлар шаклида бўлади, *-дир* юкламаларидан ташқари, бошқа юкламалар чизиқча билан, мустақил сўзлар алоҳида ёзилади.

2. **Кўмакчилар.** Мустақил сўзларни бириктириб қўшимча грамматик маъно ифодаловчи сўз туркумлари кўмакчи дейилади.

Кўмакчилар икки турга бўлинадилар: соф кўмакчилар, вазифасига кўра кўмакчи вазифасида бўлган сўзлар.

1) *Соф кўмакчилар: билан, сари, каби, сингари, қадар* каби.

2) *Вазифасига кўра кўмакчилар* (функционал кўмакчилар): *устиди, ёнида, ташқари, тўғрисида, аввал, бери* каби.

Кўринадик, кўмакчилар алоҳида олинганда бирор маънони англатмайди (соф кўмакчилар) ёки мустақил сўзлар кўмакчи вазифасида келади (функционал кўмакчилар).

Кўмакчиларнинг ҳамма тури алоҳида (олдинги сўзга қўшилмай) ёзилади.

3. **Боғловчилар** гап бўлақларини ва содда гапларни боғлаш учун қўлланиладиган ёрдамчи сўзлардир.

Боғловчиларнинг турлари:

1) **Тенг боғловчилар.** Бу хил боғловчилар бириктирув (*ва, ҳам, ҳамда, билан*), зидлов (*аммо, лекин, бироқ*), айирув (*ё, ёки, гоҳ*), инкор (*на-на*) боғловчиларга бўлинади.

2) **Тобе боғловчилар:** *чунки, шунинг учун, токи, гўё, -ки, агар* каби ёрдамчилардан иборат бўлиб, бир бўлақни иккинчисига тобе қилади: *Пахта ўрик эмаски, ўзи гуллаб, ўзи мева берса.*

Тенг боғловчилар ҳеч қандай боғловчисиз (бириктирув ва айирув боғловчилари) ёки ундан олдин (зидловчи боғловчилар ёки такрорланган айирув ва инкор боғловчилари) вергул қўйилади. Тобе боғловчилардан олдин вергул ёки нуқта қўйилади, вергул *-ки* тобе боғловчидан сўнг қўйилади.

Ундовлар ва тақлидий сўзлар

Ундовлар мустақил ва ёрдамчи сўзлардан ажралиб турувчи алоҳида сўз гуруҳидир. Ундовлар кишининг ҳис-

ҳаяжонини ифодалайди, баъзилари чақириш, ҳайдаш учун қўлланилади: эҳ, оҳ, воҳ, ҳув, чух каби. Баъзи ундовлар табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг овозига тақлид қилиш йўли билан келиб чиқади: *ғарч-ғурч, так-тук, билқ-билқ ширр* каби.

Ундов ва тақлидий сўзлар ёлғиз қўлланса, мустақил ҳис-ҳаяжонни ифодалаши мумкин. Ундовлар кўпинча ундалмалар билан қўлланганда, ундовдан сўнг бирор тиниш белгиси қўйилмайди: *Ҳай бола, кўзингни катта оч!* (Яшин)

Тақлидий сўзлар ундалмалар билан қўлланмайди.

Ундов ва тақлидий сўзлар янги сўзлар ясаш учун асос бўлади: *топирлади, тақиллади, қулт-қулт ичди, уларнинг оҳу додларини ким эшитади...*

б) Синтаксис ҳақида умумий тушунча

Ўзбек тилида сўзлар бирикиб, сўз бирикмалари ва гапларни ташкил этади.

Сўз бирикмалари тобе (*яхши одам, тез келди*) ва тенг (*китоб ва дафтар олди*) бирикмалардан ташкил топади.

Гаплар мазмун ва оҳангига кўра: дарак (*дарс бошланди*), буйруқ (*дарсга етиб кел!*), сўроқ (*дарсга келдингми?*), ундов (*ғолибларга офарин!*) гаплар турига бўлинади.

Гап бўлаклари. Гаплар бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топган. Бош бўлақларга эга ва кесим (*китоб — билим манбаи*), иккинчи даражали бўлақларга аниқловчи (*бизнинг мактаб, чиройли гул*), тўлдирувчи (*китобни олди, хатга қаради*), ҳоллар (*кеча келди*) киради.

Бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташқари, гапда ажратилган бўлақлар (*исми Барлос — содда, диловар*), ундалмалар (*келинг, ўғлим*), кириш сўзлар ва сўз бирикмалари ҳамда гаплар (*афтидан, сизга бу гап маъқул келмади; бир томондан, сиз ҳақсиз; омон бўлгур, гапга қулоқ сол*) ҳам бўлади.

Қўшимча гаплар уч турга бўлинади:

1) Боғловчисиз қўшма гаплар (*Баҳор бўлди, гуллар очилди*).

2) Боғланган қўшма гаплар (*Ё сиз келинг, ё мен борай; ҳаво булут бўлди, аммо ёмғир ёғмади*).

3) Эргаш гапли кўшма гаплар (*Кўёш чиққач, ҳаво олиди. Мақсадим шуки, юртимизда тинчлик барқарор бўлсин*).

Кўчирма гаплар ҳам кўшма гапнинг бир тури бўлади «*Бу йил ҳосил мўл бўлади*», — деди бободехқон.

Одатда, кўчирма гап муаллиф гапи билан қўлланилади:

Ўзгаларнинг гапи айнан кўчирилса, *кўчирма гап*, бу хил гапни (жумлага, матнга) олиб кирган гап *муаллиф гапи* бўлади.

Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин, олдин, ундан сўнг келиши мумкин: «*Пахтадан яхши даромад олдик*», — деди деҳқон. Навоий деди: «*Билмаганини сўраб ўрганган олим*». Муқаддас китобларда: «*Тугилгандан қабрга киргунча илм ўрганмоқ зарур*», — дейилган.

Баъзан муаллиф гапи кўчирма гап орасида келади¹: «*Ўзингга эҳтиёт бўл, — деди оқсоқол, — қўшинингни ўғри тутма*».

в) Тиниш белгиларининг ишлатилиши

Нуқта

Нуқта қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Тинч оҳанг билан айтиладиган дарак, буйруқ ва ундов гапларнинг охирида: *Ойдин кеча. Бўтабой ака Бақақуруллоқдан чиқиб Қўшчинорга юқоридан — катта йўлдан кетди. Ҳаво соф ва салқин.* (А. Қ.) Валижондан салом (Ш. Рашидов)

Баъзан, лекин, бироқ, чунки, шунинг учун, гўё боғловчиларидан олдин ҳам нуқта қўйилади. Бунда кўрсатиб ўтилган боғловчилар билан бирикувчи гаплар мазмунан маълум даражада мустақил бўлади ва тугалланган оҳанг билан айтилади: *Қўлини тиғига узатди. Лекин чол бу қимматли буюмни қўлдан чиқаришни истамади.* (Ойбек)

2. Биринчи қисмда нуқта, кўп нуқта, ундов ёки сўроқ белгиси бўлган кўчирма гап ўртасида келган муаллиф гапидан сўнг:

¹ Ўзбек тилининг морфология ва синтаксиси тўғрисида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. «Фан». I ва II жилдлар. Т., 1996.

а) — *Йўқ, ҳар сўздан ҳурка берманг ундай,— деди Сайрамов.— Қаловини билсангиз, қор ёнар эмиш. «Ишнинг кўзини бил! — маслаҳат берди у. — Дала ҳам обод, чойхона ҳам...»* (Ойбек) *«Печать қўлдан кетса...— деди у. — Мана кетмон, Эрназарнинг звеносига бор деса, нима қиламан?»* (И. Раҳим)

3. Қисқартирилган исм, ота исми ва фамилияларнинг биринчи ҳарфи ёки қисмидан кейин: А.Қ. (Абдулла Қаҳҳор), А. Қд. (Абдулла Қодирий) каби.

Бу ҳолда қавсга олинган манбадан олдинги гап охиридаги тиниш белгилари ўз ўрнида сақланади. Қавсдан кейин бирор тиниш белгиси қўйилмайди.

4. Санаш ёки айрим фикрнинг қисмларини ифодалаган ёки ой, кун, йилларни бир-биридан ажратиш учун қўлланган рақам ёки ҳарфлардан кейин. Масалан: а) 1. 2. 3. б) 1996 й. 8.06.

Сўроқ белгиси

1. Сўроқ белгиси сўроқ гаплардан сўнг қўйилади: *Синовларга қандай тайёрланаётирсиз?*

2. Кўпинча сўроқ гаплар бирдан ортиқ бўлиб келади. Бу ҳолатда сўроқ белгисининг қўйилиши қуйидагича бўлади:

1) Сўроқ гапларнинг ҳар бирига аҳамият бериш лозим топилса ёки ҳар қайси сўроқ гап мазмуни ўзига мустақил бўлса, ҳар биридан сўнг сўроқ белгиси қўйилади: *Комила сўзида давом этди: «Ҳа, Жамол акам қандай? Тошкентдами?»* (Ойбек)

2) Агар сўроқ гаплар мазмунан умумий бир фикрни ифодаласа, сўроқ белгиси энг сўнгги сўроқ гапдан кейин қўйилади: *Тағин меҳмон бошлаб келдингми? Ким келяпти: Сарвими, Раҳбарми, ё акангнинг болаларини етаклаб келясанми?* (Ғ. Фулом)

Эслатма. Баъзи сўроқ гап шаклидаги жумлалардан сўнг келган содда гап сўроқ гапдан англашилган мазмунга умумий изоҳ беради. Бу турдаги сўроқ гаплар билан сўнгги содда гап орасида баъзан вергул, кўпинча тире қўйилади: а) *Бу минора нима учун қурилган, маълум эмас: қадим замоннинг ёдгорлигими*

ёки ёнғиндан хабар берадиган жой вазифасини ўтайдимиз — бу ҳам маълум эмас. (Казакевич)

1) Сўз ёки иборага муаллифнинг шахсий муносабатларини билдириш: *Овқатга тажовуз (?) қилингандан сўнг, меҳмонлар қўлларини дастурхонга (?) артдилар.*

Ундов белгиси

Ундов белгиси қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Кучли ҳис-ҳаяжон ифодаланган гаплардан сўнг: *«Профессор Назаров! Мана у қандай одам экан!»* (А. Мухтор) *«Унсин учун, бечора қиз учун, бу қандай фалокат, бу қандай мудҳиш мотам!»* (Ойбек)

2. Буюриш, тилак-орзу маъноларини ифодалаган гаплардан сўнг: *Фидо бўлсин сен учун, жон-танзим онам!* (Ҳ. Пўлат) *«Жамила, тур ўрнингдан, ялинма бу итларга, бўлмаса, лаънат дейман сендай вафодор хотинга!»* (Ҳамза)

3. Гап бошида келиб, кучли ҳис-ҳаяжон ифодалаган ҳа ва йўқ сўзлари ва ундалмалардан сўнг: *Сени унутолмас асло, эй, Ўрта Осиё, Ўрта Осиё!!!* (В. Инберг) *Йўқ, йўқ! Бу оғир ишни бўйнимга ололмайман! Ёшлар! Ватан муқаддас бир саждагоҳ.*

Кўп нуқта

Кўп нуқта қуйидаги ўринларда қўлланилади:

1. Фикрнинг тугалланмаганлиги, сўзловчининг яна нимадир айтмоқчи эканлигини кўрсатиш учун (фикрини давом эттирмаслиги одатда сўзловчининг ҳаяжонланиши, ўз фикрини тўлиқ ифодалашга ботина олмаслиги ёки гапнинг бирор сабаб билан бўлиниши туфайли рўй беради):

«Билмайман деган эдингиз. Яна шуни айттингизки...»
Шу пайт адъютант кириб, полковникка бир қоғоз узатди.
(А. Қаҳҳор) *«Агар севсанг...»* — *«Агар чиндан ҳам севсанг», деди Берсенев унинг сўзини бўлиб.* (Тургенев) *«У менинг касалимни боқди; кечалари ухламай чиқди... Сен, сен ҳам, малагим... На таъна, на гумон... Ана шуларнинг ҳаммаси мен учун, бир мен учунми-я...»* (Тургенев)

2. Баъзан кўп нуқта сўзловчининг ўйлаши, мулоҳаза қилишини кўрсатади: *«Очилсам... Вой мунча мазали бу сўз!»*

(Яшин) «*Уйдаги ишларнинг ҳаммасини ўзи қилса, ўзи тартибга солиб ўзи безаса...*» (А. Мухтор)

3. Бирор сўз ёки гапнинг туширилганини кўрсатиш учун: ...*Юдахин фамилияли бир рус киши ... рус бўлишига қарамай, ҳамма уста-мардикорлар билан... ўзбек тилида сўрашиб чиқди.*

Асли: «*Ёдимда, шийпон тагида гишт терилаётганда, Юдахин фамилияли бир рус киши дадамни сўраб келди ва рус бўлишига қарамай, ҳамма уста-мардикорлар билан «ҳорма, бор бўл» қилиб ўзбек тилида сўрашиб чиқди.* (Ҳ. Қодирий. Отам ҳақида, Тошкент, 1984 й.)

Кўп нуқта, ундов ва сўроқ белгиларининг бириккан ҳолда келиши

Мураккаб мазмун ифодаланган гапларда ундов белгиси билан сўроқ белгиси, ундов белгиси билан кўп нуқта ва сўроқ белгиси билан кўп нуқта кўпинча бириккан ҳолда келади.

Ундов ва сўроқ белгиси бириккан ҳолда (!?) — аслида сўроқ мазмунидаги гап бўлиб, сўроқ мазмунига қараганда ҳис-ҳаяжон кучли бўлган нотиқлик (риторик) гаплардан сўнг қўйилади:

Қани бу ерда инсоф, қани бу ерда адолат деган нарса!? (Ҳамза)

Сўроқ ва ундов белгиси бириккан ҳолда (?) — кучли ҳис-ҳаяжон, таажуб билан айтилган риторик сўроқ гаплардан сўнг қўйилади:

Жамики камбағал халқ қўлини қўлга бериб, яктан бўлиб турса, кимнинг ҳадди бор мардикор олишга?! (Ойбек) — Мен бўри бўлдимми?! (Яшин)

Ундов белгиси ва кўп нуқта бириккан ҳолда (!...) — мазмунан тугалланмаган ҳамда кучли ҳис-ҳаяжон ифодаланган ўринларда қўлланади: а) *Уятни биласизми!...* (А. Қаҳҳор) б) *«Йўқ!... Ҳеч қаерга бормайман!»* (Яшин)

Сўроқ белгиси ва кўп нуқта бириккан ҳолда (?...) — мазмунан тугалланмаган сўроқ гаплардан кейин ишлатилади: *Айб кимда?... Айб нимада?... Ёки ер ёмонми?... (Уйғун) «Бу аблаҳ ана шу номаълум одамга Қамбар билан Антон ҳақида гапирди», — «А? ...Қамбар билан Антон ҳақида?... (Яшин)*

Вергул

Вергул қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Уюшиқ бўлақлар орасида:

а) Боғловчисиз бириккан уюшиқ бўлақлар орасида:

*Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилон —
Ўзбекнинг чамани боғу бўстон.* (Ф. Фулом)

б) Такрорланувчи боғловчилар билан бириккан уюшиқ бўлақлар орасида: *Саодат гоҳ мен билан, гоҳ атлас билан машғул бўлиб, бояги уялиб туришини бир ёққа йиғиштириб қўйган эди.* (А. Қодирий)

в) Зидловчи боғловчилар ёрдами билан бириккан уюшиқ бўлақлар орасида: *Замиранинг баланд, аммо майин овози бор эди.* (П. Қодиров)

2. Ундалмаларни ажратиш учун:

а) *Дўстларим, шу асл баҳор ҳақида*

Бутун қалбимиздан янграсин қўшиқ. (Х. Олимжон)

б) *Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.* (Э. Жуманбулбул)

3. Кириш сўзларни ва тузилиш томондан мураккаб бўлмаган кириш гапларни ажратиш учун: а) *«Модомики, ҳаққингизда шу қабилда сўз юрар экан, албатта, беҳуда бўлмаса керак деб ўйлайман».* (Ойбек) *«Кўнглингизга келмасин-ку, извошга эшак қўшиб бўлмайди».* (А. Қаҳҳор)

4. Ҳа ва йўқ сўзларини гап бўлақларидан ажратиш учун:

— *Йўқ, бу фикрингизга қўшила олмайман, — деди дўстим.*

5. Ундов сўзларни ажратиш учун: *«Эй, ёш боламисиз! Нега йиғлайсиз?»* (А. Қаҳҳор)

Э с л а т м а. Ундов сўзларни юклама вазифасидаги *-эй, -э* кибилардан фарқлаш керак. Юкламалар ўзлари қўшилиб келаётган сўз билан умумий оҳангга эга бўлади ва шу сабабдан улар вергул билан ажратилмайди, балки ўзидан олдинги сўзга чиқиқча орқали қўшилиб ёзилади: а) *«Эй сандақа хайрихоҳ-э!»* (Тургенев) б) *«Вой лаънати-е!»* (Тургенев) в) *«Бирам жонсарақ эдинг-эй!»* (Яшин)

6. Гапнинг ажратилган бўлақларини айириб кўрсатиш учун: *«Биз, 22-группада ўқувчи қизлар, Хайринисо ҳам биз билан ёнма-ён туриб ўқишини иштаймиз».* (Зулфия). *Ниҳоят, орқасини ёстиқдан узиб, муҳим савдо иши билан шуғулланган каби, жиддий равишда гапириб кетди.* (Ойбек)

7. Боғловчисиз боғланган қўшма гапларда: *Сиз отам ўрнига оталик қилдингиз, сиздан ҳеч ёмонлик кўрмадим.* (М. Иброҳимов)

8. Зидловчи ёки айирув боғловчилар билан боғланган қўшма гапларда: *Йўлчи шу чоқ қанча оқчаси бўлса ҳам беришга тайёр эди, лекин ёнида бир тийин ҳам йўқ эди.* (Ойбек) *Ё сиз келинг, ё мен борай.*

9. Эргаш гапларни ажратиш учун: *Ўғрилар девордан тушмоқчи бўлиб, қоринларини пахсага қўйиб, бошларини эжканда, Кенжа ботир уларнинг каллаларини уза берди.* (Эртакдан)

10. Муаллиф гапини кўчирма гапдан ажратиш учун:

— *Остимизда олов ўтади, — деди чўпон ота, — буғ олов бўлиб ёнади.* (И. Раҳим)

Нуқтали вергул

Нуқтали вергул қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Ўз ичида вергул бўлган ёйиқ уюшиқ бўлақлар орасида:

*Меҳнат, ижод, одам шарафи;
Дил ёруғи, ҳаёт қувончи —
Ҳаммасининг асли, манбаи —
Сен, Ватаним — тинчлик таянчи.*
(С. Назаров)

Қўнанбой ёнида бир гала хушомадгўйлари; Ирғизбойлардан — Мойбосар, Жақиб, Изиқуттилардек қариндошлари, бу кунларда Қўнанбой тарафдори бўлиб юрган Жувонтайёқ, Қоработир, Тўнай, Тўрғай элларнинг оқсоқол-қорасоқоллари бор. (М. Авезов)

2. Ўз ичида вергули бўлган, мазмун маълум даражада мустақилликка эга бўлган содда гаплар орасида ҳамда ҳар хил турдаги гапларни ўз ичига олган қўшма гапларда:

Зуннунхўжа Сиддиқжоннинг тарафини олган бўлиб, кампирга қараб кавуш отди: Сиддиқжонга нимадир демоқчи бўлиб оғиз очган қизини бир тарсаки урди, сўнгра Сиддиқжондан ўпкалаб майин товуш билан гап бошлади. (А. Қаҳҳор) *Изчи қозоқ бир-икки қум хомасининг бу ёнидан у ёнига, у ёғидан бу ёғига ўтди. Аммо издан нишон йўқ эди; эски*

излар нари турсин, ҳатто қозоқ ўз изини ҳам тополмас эди; ҳар босилган қадам ўрни, сувга босилгандек, оёқ кўтарилган ҳамон кўмилар эди. (С. Айний)

Икки нуқта

Икки нуқта қуйидаги ўринларда қўлланилади:

1. Уюшиқ бўлақлардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан сўнг: *Холмурод дўстлари: Эргаш, Жўра ва Омонтой ҳам бирин-кетин отпускадан қайтишди.* (П. Турсун)

Эслатма: Баъзан умумлаштирувчи сўз яшириниши мумкин, аммо оҳанг ва мазмунга кўра уюшиқ бўлақлардан олдин икки нуқта қўйилаверади. Бу ҳол иш қоғозларида ва илмий асарларда кўпроқ учрайди. Масалан: *Мажлисга қатнашдилар: Собир Эркинов, Шокир Отақулов, Абдулла Саидов.*

2. Қуйидаги маъноларни ифодалаган боғловчисиз қўшма гапларда:

а) Бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг сабабини кўрсатса: *«Мен у йил деҳқончиликдан ҳеч нарса олмадим: кузги бугдойнинг бошоқлари шира олаётган вақтда ҳавода ола булут пайдо бўлиб, бошоқлар қуриб қовжираб кетди».* (С. Айний)

б) Бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини кўрсатса: *Хўжа Фиёсиддин Ҳиротдаги баъзи машҳур зотларни гўзал тақлид қилди: ўтирганлар ўринларидан қўзғалмай қолдилар.* (Ойбек)

в) Агар бирор гап бошқа бир гапнинг мазмунини тўлдирса ёки изоҳласа: а) *Қосим мироб айтарди: агар қўрқмасанг, энг одамхўр дарё ҳеч нима қилолмайди — сувнинг ўзи қирғоққа чиқариб қўяди.* (Ойбек)

2) *Кўчирма гапдан олдин келган муаллиф гапидан сўнг: Адам бирдан самоварчига буйруқ беради: — Мусавойга жой солиб бер, озодароқ ёстиқ қўй.* (Ойбек)

Тире

Тире қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. От, сон, олмош ва ҳаракат номи билан ифодаланиб ҳамда кесим билан боғламасиз бириккан эга билан ке-

сим орасида: *Азиз ватандошим, бу — сенинг имзонг* (Ф. Фулом) *Юрган — дарё, ўтирган — бўйра*. (Мақол) *«Ҳамма сизнинг тарафингизда, чунки мана буни бажарувчи — сиз*. (А. Мухтор) *Икки карра икки — тўрт*.

2. Уюшиқ бўлақлардан сўнг келган умумлаштирувчи сўздан олдин: *Сув, ер, электр — булар ҳаёт баҳорига янги гўзаллик ва янги нақш бағишловчи кучлар эди*. (Ойбек)

3. Ажратилган бўлақ билан изоҳланмиш бўлақ орасида: *Уларнинг ҳаммаси — хоҳ ёш, хоҳ қари — фирибгар, золим*. (Ойбек)

4. Кириш гаплар билан гап бўлақлари ўртасида: *Сибиряковлар — улар бутун бошлиқ армияни ташкил қиладилар — фандан оладилар ҳам, фанни бойиладилар ҳам*. (А. Суров)

5. Муаллиф гапи билан кўчирма гап орасида: *«Нега бунча кеч қолдинг, Манзура?» — деди Азиз меҳрибон товуш билан*. (А. Мухтор)

6. Диалог шаклидаги кўчирма гапларда:

— Болтабой акам қаёққа кетдилар?

— Станцияга.

— Қачон келадилар?

— Цементни тушириб бўлиб келадилар-да.

— Цементлик тўғон бўлар эканда?

— *Бўлмаса баҳорги тошқинда ҳамма ёғни сув олиб кетмайдими?* (А. Қаҳҳор)

— «Ҳурматли оғалар, сизлардан ижозат бўлса сўзлайин».

— «Сўзла!» — «Ёки юртнинг ҳаммасини тўплаймизми?»

— *«Ғанира бер, ҳаммамиз шундамиз»*. (Гоголь)

7. Кутилмаган воқеа-ҳодисаларни ифодалаган гаплардан олдин: *«Мен дарров идорага югурдим — йўқсиз»*. (Ойбек) *«Мен унга тикилиб ўтираман-да, роҳат қиламан — фақат шу»*. (Тургенев)

8. Зид маъноли гаплар орасида:

Жисмимиз йўқолур — ўчмас номимиз. (Ф. Фулом)

Қавс

1. Ифодаланаётган фикрга ёки унинг бирор бўлагига қўшимча изоҳ берувчи сўз ёки иборалар қавсга олинади: *Виктор (Лазиннинг укаси) ишчи-ёшлар мактабида, кички-*

на Лиза билан Каромат (буниси Саломат холанинг қизи) иккинчи сменада ўқишади. (А. Мухтор)

Эслатма: Қавсга олинган кириш сўз ва иборалардан олдинги тилиш белгилари (вергул, нуқтали вергул, икки нуқта, тире) қавсдан сўнгга кўчирилади:

Эркаларнинг бири — марказий газеталарнинг мухбири, иккинчиси — инженер (Мавлонбеков уни Феодор Макарович дер эди); қиз эса Москвада институтни битириб, ҳозир шу инженернинг қўлида тажриба кўриб юрган экан. (А. Қаҳҳор)

2. Кириш гаплар ёки ремаркалар қавсга олинади:

Қирғиз Ўроз белбоғига маҳкам чандиб тугилган биттагина сўлкавойни (ким билади, буни қачонлардан бери сақлаб келади) чиқарди. (Ойбек)

Роҳила (сохта кулиб). Буни қаранг, унаштиришни тўй деб юборса-я! (А. Қаҳҳор)

3. Мисол ёки кўчирманинг манбаини кўрсатади: *Оҳ, Ҳирот, Ҳирот!* (Ойбек). *«Туркона услуб» (Навоий) туркий тилларга хос услубдир. Отам «Мирзо» ва «Фулом» тахаллуслари билан талай шеърлар ёзган.* (Ғ. Фулом)

4. Изоҳ маъносидаги сўз ёки иборага оид тилиш белгилар қавснинг ичига олинади:

*Бу ерларда у, куйчи, хаёлчан юрди
(Болаликдан чанқоқди билимга, куйга!)
Фикрида не-не гўзал режалар қурди.*
(Ойбек)

Кўштирноқ

Кўштирноқ қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Кўчирма гапларни ажратиб кўрсатиш учун:

«Ўртоқ Аҳмедов, — деди Ўрмонжон, — эртага байрам олди мажлисимиз бўлади». (А. Қаҳҳор)

2. Айрим сўз ва сўз бирикмалари ҳам кўштирноққа олинishi мумкин. Кўштирноққа олинган бу хил сўзлар кўчма маънода ёки киноя маъносида қўлланиши, шартли ном ёки тахаллус бўлиши мумкин: а) *Металлурглар тўпни яна «душман» дарвозасига қараб ҳайдаб кетдилар.* (А. Мухтор) б) *Одамлар ноилож «хосиятли» гиёҳ томири-*

дан воз кечдилар. (П. Турсин) в) Телефонистка (суюниб): «Тўртинчи!» «Тўртинчи!», «Йигирма»га қулоқ сол!... (Яшин) «Қаҳрамон» жамоаси пахта режасини бажарди.

Эслатма 1. Агар кўштирноққа олиниши зарур бўлган сўз турловчи қўшимчага эга бўлса, бу қўшимчалар кўштирноқдан кейин қўйилади: ...эрининг «кирдикори»дан хабардор бўлгандай ўсмоқчилади Шакархон. (Ҳ. Нўъмон)

2. Агар кўчирма гап охирида ундов, сўроқ белгилари, кўп нуқта бўлса, кўштирноқ ичига олинади. Мисол: Унинг меҳрибончилигидан таъсирланиб титроқ товуш билан: «Қуллуқ, раис!» — деди. (Ҳ. Фулом) «Ёлғон, ёлғон!!— деди руҳим. — Қандай қилиб ёмон одамни яхши дейин мумкин?!» (Ҳ. Турсунов)

3. Кўчирма гап охирида нуқта бўлса:

Бундай гап ичида муаллиф гапи келса, кўчирма гапдан вергул ва муаллиф гапидан сўнг нуқта қўйилади ва кўчирма гапнинг иккинчи қисми бош ҳарф билан ёзилади. Мисол: «Шунча сарф-харажатни тиригида қилганда эди, — деди қўшим. — Афсуски, ўлди-кетди».

Нуқта тугалланган кўчирма гап охиридаги кўштирноқдан сўнг қўйилади. Мисол: Қўшни деди: «Яхши одам эди».

Адабиёт

1. Абдураҳмонов Ф. А. Пунктуация ўргатиш методикаси. «Ўқитувчи», Т., 1968.

2. Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси, «Ўқитувчи», Т., 1976.

3. Назаров К. Ўзбек тили пунктуацияси асослари. Т., 1971.

4. Рустамов Ҳ. Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси. Илмий методика кабинети. Т., 1960.

5. Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек тилида пунктуация, «Фан», Т., 1955.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ЎЗМА УСЛУБИ ҲАҚИДА

1-§. УСЛУБ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Услуб ҳақида умумий тушунча

Услуб (юнонча *stylos*)нинг асл маъноси қадимги римлар ва юнонларда ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткир таёқча демак. Қадимги римлар ва юнонлар услуб тушунчаси остида ўзгаларга ўз фикрини ишонтириш санъати, ҳиндлар эса — нутқни безаш деб тушунганлар.

Нутқни безаш, ўзгаларга ўз фикрини тил воситасида ифодалаш бўлади. Албатта, тилшуносликнинг турли соҳалари (фонетика, лексика, грамматика) бўлиб, ҳар бир соҳанинг ўз ички қоида-қонунлари бор. Сўзловчи (ёки ёзувчи) ўз фикрини ўзгаларга яхши тушунтириш ва ишонтириш учун тил қоидаларига асосланади, ана шу қоидалар ичидан энг мувофиқини танлаб олади ва вазиятга қараб, суҳбатдошнинг (ёки ўқувчининг) жамиятда тутган ўрни, ёши, касби-ҳунари, яқин-узоқлиги, қариндош-бегоналигига ва шароитга қараб тил воситаларини танлайди. Тил воситаларини танлаб олиш суҳбат ёки ёзма нутқ мазмунига қараб ҳам бўлади.

Услуб — бу тил қонун ва қоидаларини амалда маълум мақсадда қўллаш шаклидир. Сўзловчи ёки ёзувчи бирор нарса, воқеа, ҳодиса тўғрисида хабар бериб ёки олибгина қолмай, шу нарса, воқеа-ҳодисага ўз шахсий муносабатини (хайрихоҳлиги, норозилиги, бирор мақсадни кўзлаб эшитувчига, ўқувчига таъсир этишини) ҳам билдиради, бунинг учун у тилнинг турли имкониятлари ва экстралингвистик имкониятлари (контекст, умумий мазмун, мимика, аъзолар ҳаракати)дан фойдаланади.

Услуб кенг маънодаги тушунча бўлиб, тилшуносликдагина эмас, адабиётшунослик, санъатшунослик, жамиятшуносликда ҳам қўлланади («адабий жанрлар услуби», «иш услуби», «тарбия услуби», «кураш услуби» ва б.)

Адабиётшуносликда услуб — бу ёзувчи ёки шоирнинг бадиий асарда ўз ғоясини бадиий услубда ифодалаш йўли-

дир. Тилшуносликда эса, маълум бир субъектив мақсадни ифодалаш учун тилнинг турли соҳаларидан фойдаланиш демакдир. Услуб — тилшуносликнинг турли соҳаларини қамраб олган экан, у ўзига хос хусусиятга, ўзига хос тил воситаларига эга бўлган тилшуносликнинг алоҳида бир бўли-мидир. Услуб — тил материалларидан усталик билан фой-даланиб, маълум мақсадни ифодалаш санъати, ёзувчи ёки сўзловчининг маҳоратини кўрсатувчи бир воситадир.

Шунинг учун ҳам умуман ёзма адабий тилнинг қонун-қоидалари (нормалари) ҳар вақт ҳам услуб қонун-қоида-ларига (нормаларига) тўғри келавермайди. Услубшунос-ликнинг ўзига хос фонетик, лексик, грамматик жиҳат-дан адабий тил нормасидан (қоидадан) ташқари бўлган сўз, иборалари бўлади. Адабий тил нормасига (қоидаси-га) тўғри бўлмаган ибора, услубий жиҳатдан эса норма-тив (қоидага мос) ҳолат бўлиши мумкин: *Баҳор келиб гул-лар очилди, қип-қизил лолалар...* — бу жумланинг иккинчи қисми грамматик жиҳатдан тугалланмаган; аммо ибора-да ёзувчи оҳанг орқали, алоҳида гулга (қизил лолаларга) урғу бериб, диққатни жалб этаяпти. Шу билан бу ибора тугалланган гап бўлади.

Маълум сўз, сўз бирикмаси, гапнинг услубий қўлла-ниши, экспрессив, эмоционал бўёқ олиши гапда, кон-текстда бўлади ёки айрим грамматик кўрсаткичлар асо-сида рўёбга чиқади. Айрим сўзлар ўз маъноси билан му-аллифнинг ижобий ёки салбий муносабатини билдириши мумкин («ғижинди», «ачинди», «эзилди»). Шунингдек, фразеологик бирликлар, идиомалар, баъзи мақол ва ма-таллар услубий мазмунга эга бўлади.

«Услуб — филология фанининг тожи, тилшунослик, адабиётшунослик фанларининг юқори босқичи» (А.В. Сте-панов). «Агарда бирор нарсани аниқ ифодалай олмас экан-миз, бунда тилимиздан эмас, балки уқувсиз маҳорати-миздан гина қилишимиз керак» (М.В. Ломоносов). Буюк услубшунос, мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарига юзлаб шоирларнинг ижо-дини таърифлар экан, ҳар бир шоирнинг ўзига хос услу-би, бу соҳалаги ютуқ ва камчиликларини холисона таҳ-лил қилади, фикрни ифодалашдаги асосий масала услуб эканини таъкидлаб ўтади:

*Тахайюл аро барча бир навъ эмас,
Ҳадисни ики киши бирдек демас!
Киши нуқтани қилса мужмал баён,
Яқинким, анинг шархи топмас баён.*

(Алишер Навоий).

«Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўлур, — деб ўғлига ёзди Бобур, — Мундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқувчига».

А. Қаҳҳор: «Қироатхонга бир фикрни англатиш ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмайдиган, очиқ, равон ва содда тил керак». («Ёшлар билан суҳбат», Т., Ёш гвардия, 1968, 47-бет).

Сунъий расмий ёзма тил услубини ўзига касб қилиб олган «қалам аҳли» ҳақида А. Қаҳҳор шундай деб ёзди: «Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради».

Услубнинг турлари

Услуб одатда икки хил нутқда — оғзаки (сўзлашув) ва ёзма, китобий нутқда намоён бўлади.

Оғзаки (сўзлашув) нутқи

Оғзаки нутқ икки ва ундан ортиқ шахслар орасида бўлса *диалог*, агар ёлғиз шахснинг нутқи бўлса *монолог*, кўп шахслар ўртасида суҳбат бўлса *полилог* дейилади.

Оғзаки нутқда жумлалар тузилиши эркин бўлади, аммо бундан бу хил нутқ қоида (норма)дан чиқиб кетади деб бўлмайди, чунки шу йўл билан сўзловчи хабар беради ва хабарга ўз шахсий муносабатини билдиради. Бундай нутқда ифодаланган гап бўлаклари орқали турли ишора ва мимика, оҳанг ва б. ёрдамида сўзловчи ўзининг айтилаётган фикрига муносабатини изҳор қилади. Фонетик ҳодисалар, шева сўзлари (*зарил, тупроқ, кетворган, жа-а, тойчоғим*), дағал сўзлар (*тирранча, гўрсўхта*), кўчма маъноли сўзлар (*эшак, илон, латта*), чет ва ортиқча (*паразит*) сўзлар (*Ота зря сувга тушдингиз. С. Аҳмад; Ҳамма ишни*

хап хараша, чистаю чаққон қиламан. Ҳамза; *Хўш анақа, кейин*) маълум мақсад билан қўлланади, гап бўлақларининг ўрни айтиладиган мақсадга кўра белгиланади (кесимнинг эгадан олдин келиши ва б.), тўлиқсиз гаплар ва ёзма адабий тилга хос ҳамма категориялар ҳам услубий мақсадда қўлланади.

Бунда, албатта, оғзаки нутқ сўзловчининг саводли ёки чала саводлилигига, ифодаланаётган соҳадан хабардор ёки хабарсизлигига, шахсий хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Маданиятли, билимдон шахснинг оғзаки нутқи адабий тил меъёрларига яқин бўлса, чаласавод кишининг тўмтоқ нутқи адабий тил учун намуна бўла олмайди.

Шунга кўра оғзаки нутқ иккига — *адабий сўзлашув ва оддий сўзлашув* турларига бўлинади. Оддий сўзлашув тилида адабий тил меъёрларига тўғри келмаган фонетик ҳодисалар (*наълат — лаънат, дайро — дарё, ташамоқ — ташламоқ, чечмоқ — ечмоқ, кўйнак — кўйлак, опкетти — олиб кетди*), баъзи субъектив баҳо аффикслари ишлатилади, оғзаки нутққа хос сўзлар (*муллажиринг, қақажон, муллақуруқ, нўрим*), тўлиқсиз ва илова гаплар кўпроқ қўлланади.

Оғзаки (*сўзлашув*) нутқида айниқса сўзларнинг кўчма маънода қўлланиши (*полисемия*)дан кўпроқ фойдаланилади. Натижада ўзига хос оғзаки (*сўзлашув*) нутқ турлари — аския, ҳазил-мутойиба, пичинг, қочирим каби турлар шаклланади. Баъзи сўзлар кўтаринки руҳда бўлиб, нотиклик услубида ишлатилади (*сиймо, тааллуқли, само ва б.*)

Ёзма (китобий) услуб

Ёзма услуб мазмунан ижтимоий-сиёсий, илмий-адабий, маъмурий ва б. мақсадларни кўзлагани ва кўпчиликка қаратилгани учун унга талаб ҳам катта бўлади.

Ёзма услубда ёзилган монография, мақола, китоб, маъруза матни ва б. юқори савияда бўлиши, ҳозирги замон адабий меъёрларига риоя қилиши шарт. Дарслик, қўлланма, монография, бадий асар, мақола, тезис, конспект, расмий ҳужжатларнинг ҳар бири ўзига хос услуб хусусиятларига эга. Масалан: бадий услубни ташкил этув-

чи жанр турлари — роман, ҳикоя, фельетон, эссе, достон, эртак, шеърӣ асар турларининг умумий хусусиятлари бўлса ҳам, ҳар бирининг ўзига хос услубий белгилари бўлади.

Ёзма услубнинг турлари

Услуб — инсоннинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқдир. Ҳар қандай ёзма услубда муаллиф бирор мақсадни кўзлайди ва бунинг учун керакли тил воситаларидан фойдаланади. Шунга кўра услуб уч йўналишда таҳлил қилинади:

- 1) вазифаси ва мақсадига кўра;
- 2) маълум услуб турини яратувчи воситаларга кўра;
- 3) нутқ синонимияси.

Услубнинг вазифаси (функционал) ва мақсадига кўра турлари

Жамият тараққий этиши билан инсонларнинг касби ҳам, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳам ўзгара боради, турли тоифа, касб, амаллар шаклланади, инсон ҳам шунга кўра табақалашади. Бу табақаланиш тилда ҳам намоён бўлади, тил ана шу табақаланишга мослашади, маълум бир ижтимоий табақа тилдан ўз мақсади учун фойдаланади, шунга кўра услубнинг функционал турлари шаклланади. Бу функционал услуб шакллари, турлари қуйидагича бўлади:

- 1) бадий услуб; 2) оммабоп (публицистик) услуб; 3) расмий-иш юритиш услуби; 4) илмий услуб; 5) нотиқлик (ораторлик) услуби.

Бу ўринда ҳар бир нутқ услуби ўзининг ички турларига эга эканлигини ҳисобга олиш керак. Масалан: адабиётшуносликда бадий услуб лирик, лирик-романтик, шартли-символик, конкрет-аналитик, сатирик (ҳажвий) услуб каби кичик турчаларга бўлинади. Адабий жанрнинг ҳар қайси тури, назмий-насмий ва драматик асарларда ҳар бир ёзувчининг ўзига хос услуби бўлади.

Шунингдек, илмий услуб илмий-оммабоп турга (маълум илмий тушунчаларни оммабоп қилиб тушунтириш ёки ёзиш) ва илмий турларга бўлиниши ҳам мумкин. Ом-

мабоп (публицистик) услуб бўлса, ўз навбатида газета, журнал, радио, телекўрсатув услуби каби турларга бўлинади. Расмий-иш юритиш услуби расмий-китобий услуб ва хатлар услубини ўз ичига олади.

Шу билан бирга бир хил услубнинг ички турлари бошқа услубда ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан: сатирик (ҳажвий) услуб бадиий услубда ҳам, оммабоп услубда ҳам қўлланади.

Айрим илмий адабиётларда бетараф (холис, нейтрал) услуб ҳам алоҳида тур сифатида ажратилади. Бетараф услубда маълум воқеа-ҳодисалар тўғрисида холис (объектив) фикр билдирилади, унда экспрессив мазмун ифодаланмайди. Демак, бетараф услуб алоҳида услуб турини ташкил эта олмайди ва турли услубларнинг шаклланишига асос (база) бўлади.

Инсоннинг ижтимоий фаолияти қанча хилма-хил бўлса, функционал нутқ услуби ҳам шунчалик табақаланади, турлича бўлади. Ўзбек халқининг талантли олимлари минг йиллардан ортиқ йиллардан бери илм-фан билан шуғулланиб келдилар, улар дунё аҳлига манзур бўлган назарий ва амалий фикрларни баён қилдилар. Уларнинг ёзган асарлари орқали европа халқлари ҳам юксак фан меваларидан баҳраманд бўлдилар. Демак, илмий услуб ўзбек тилида аллақачонлар пайдо бўлган, шаклланган. Юксак бадиий асарлар (турк-рун ёдномалари, М. Кошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий ва б.) асарларида бадиий услубнинг турли нозик шакллари пайдо бўлди. Бу асарлар таркибида нотиклик услуби ҳам шаклланди. Туркий давлат маҳкамаларида, ҳуқуқий идораларда расмий- иш юритиш услуби қўлланди, тобора мукаммаллашди. Оммабоп (публицистик) услубнинг асослари Навоий давридани бошланиб, XIX аср иккинчи ярмидан бир қатор газета ва журналлар нашр этилиши билан бу услуб янада ривожланди.

Демак, ижтимоий ҳаёт, инсон фаолияти қанчалик мураккаблашса, янги-янги ижтимоий фаолият турлари келиб чиқса, ана шу янги ижтимоий фаолиятга мослашган сўз, сўз бирикмалари пайдо бўлади ёки мавжуд сўз ва сўз бирикмалари унга мослашади —янги бир нутқ услуби шакллана бошлайди.

Кўп услубий воситалар, одатда, бир неча услуб турларига хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун маълум бир услубга оид матн таркибида бошқа услуб воситаларининг бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда *аралаш услуб* тури шаклланган бўлади (масалан, фразеологик бирликлар оммабоп, бадиий ва нотиклик услубларида қўлланиши мумкин).

Аралаш услубнинг шаклланишида, бевосита тил материалларидан ташқари, экстралингвистик омилларнинг роли катта бўлади. Бадиий восита сифатида лексик, грамматик, фонетик, фразеологик категориялар хизмат қилиши мумкин. Бадиий воситалар ҳам замонлар ўтиши билан ўзгаради ёки мукаммаллашади. Масалан, эски ўзбек тилида бадиий восита бўлиб хизмат қилган *ашъор* атамаси ҳозир қўлланмайди ёки қўлланса ҳам кам ишлатилади. Шунга кўра бадиий воситалар фаол ва фаол бўлмаган гуруҳларга (архаизм, историзм, диалектизм, профессионализм, жаргонлар мисол бўлади) бўлинади. Фаол бўлмаган воситалар ҳам экспрессив-эмоционал тусга эга бўлади.

Бадиий услуб

Бадиий услуб — бадиий адабиётда, унинг турли жанрларида қўлланадиган ўзига хос тил ифодасидир. Сўзни бадиий асар ғоясига, мазмунига йўналишига мослаб ишлатиш бадиий услубни келтириб чиқаради. Бадиий услубда тилнинг бутун соҳалари ўзининг ранг-баранглиги билан намоён бўлади.

Бадиий услубда, тилнинг бадиий воситалари билан бирга, фразеологик бирликлар ҳам қўлланадики, бу тил бирлиги илмий услубда одатда ишлатилмайди. Бадиий воситалар тилнинг энг муҳим белгиси бўлиб, улар ўқувчига эстетик завқ беради, эмоционал таъсир кўрсатади.

Бадиий услубнинг ички турлари — ҳикоя, роман, повесть, дoston, фантастика, фельетон ва б. умумий хусусиятлари бўлиши билан бирга, хусусий белгиларга ҳам эгадир.

Бадиий услубда экспрессивлик, эмоционаллик, шахсий муносабат (хурмат, менсимаслик, хайрхоҳлик, ҳазил),

морфологик воситалар (субъектив баҳо формалари) ва бошқа йўллар орқали ифодаланади.

Бадий услубда эски ўзбек тилига хос аффикслар ва адабий тилга кирган баъзи шева сўзлари, қўшимчалар ва баъзи ундов сўзлар қўлланади: *гай (боргай)*, *-миш (келмиш)*, *-гил (ёзгил)*, *-бон (ўқибон)*, *-ғуси / -гуси (борғуси, келгуси)*, *-гали (кўргали)*; *-ажак (боражак)*, *-ётир (келаётир)*, *эвоҳ*, *вой-буй*, *тфу* ва б.

Бадий услубда гап бўлақларининг инверсияси маълум услубий мақсадни ифодалайди: *Керак эмас менга хон қабули! Бас! Улоқтиринг ҳаммасини!* (П. Қодиров).

Шеъринг асарларининг услубий мазмунини ундаги қофия, ритм, вазн таъминлайди.

Синтаксис бобида ундов гаплар услубий мазмунда ишлатилади. Субъектив баҳо шакллари расмий иш услубида қўлланмайди.

Бадий услубда қўлланадиган асосий бадий воситалар — ўхшатиш, синонимлар, эпитет, метафора, гипербола, аллегория ва бошқалардан иборат бўлиб, матнга бадийлик руҳини беради. Бадий воситаларнинг баъзилари (*ораз*, *чеҳра*, *жилва*, *диёр*, *кошона*) юксак бадий образларни яратади. Оддий оммабоп сўзлар (*бояқиш*, *тирранча*) асар қаҳрамонларини тасвирлаш учун қўлланади. Бу хил бадий воситалар расмий иш услубида ишлатилмайди.

Бадий услубда қўлланган бошқа услуб воситалари қўшимча маъно касб этади.

Бадий услубда шевага хос сўзлар, беибо (вулгар) сўз ва иборалар, ўринсиз ишлатиладиган чет тилига оид сўзлар, ортиқча (паразит) сўзлар ҳам асар қаҳрамонини тавсифлаш учун ишлатилади.

Тил воситаларини танлаш бадий услубда эркин бўлса, расмий илмий ва оммабоп услубда чекланган бўлади.

Бадий тил воситаларини қўллашда ёзувчи ва шоирлар бир-биридан фарқланади: Чўлпон фикрни мавҳум, романтик образлар орқали ифодаласа, Уйғун шеърларида турли хил такрор усули (анафора, эпифора ва б.) кўпроқ қўлланади. Ғ. Ғулом эса ўхшатиш, метафора, муболага усулларида фойдаланади. Умуман, ёзувчи ва шоирлар ўз асарларида турли услубий воситалардан фойда-

ланиб, нутқнинг бадийлигини таъминлайди, ўқувчига эстетик завқ беради.

Ёзувчи мавжуд тил воситаларига, образни ёрқин ифода далаш учун ўзгартириш ҳам киритади, янгича ифода шакллари келтириб чиқаради, сўз ва иборага янги маъно беради; шева, чет сўз ва иборалардан усталик билан фойдаланади, фразеологик ибораларни ишлатиб, мазмунга қараб, бу ибораларнинг шаклини ўзгартиради.

Куда инжил, топорил? — дедим. Фақирни бу балоғати лисонда кўргач, ҳа, довдирамас экан, занталоқ, дедим! (А. Қолирий) Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тепиш» қабилидаги бўлган бу ҳаракатларидан тутуни кўкка чиқиб... (А. Қолирий) — Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли! — Иқрорман. — Пусулмончилик қигансан-да! (А. Қолирий) — ...одамларнинг умри тирноқ орасидан кирковлаб ўтиш учунгина тикланмаган. (Чўлпон)... чигатой гурунгини пантуркист дейиш мода ҳолига кириб борадир. (Фитрат) Қози ила волостной правителликка... шундай зақунлар чиқордики. (Бехбудий)

Оммабоп (публицистик) услуб

Оммабоп услуб ўзининг ҳозиржавоблиги, таъсирчанлиги, кундалик ҳаётий воқеа, ҳодисалар ҳақида тезлик билан хабар бериши билан характерланади. Бу услубда фикр мантиқий изчиллик ва объективлик билан ифодланади.

Бу услубда ўқувчининг диққатини жалб этиш учун хабар ёки воқеа қизиқ ва муҳим бир ҳодисадан бошланади. Шунинг учун ҳам оммабоп услубда қисқа ва таъсирли иборалар кўпроқ қўлланади. Кўпроқ оммавий услуб, олатда, газета, журнал, радио, телекўрсатувларда, унинг оғзаки шакли — маъруза ва хабарларда, репортаж кабиларда ишлатилади. Оммабоп услубда бошқа услубларнинг (илмий, оммабоп, расмий-иш юритиш, бадий каби) бўлиши табиийдир. Аммо оммабоп услубда хабарлар қисқа ҳажмда бўлиши шартлилиги (ҳатто бадий асарлардан кичик парчалар келтирилади ёки кичик ҳажмли бадий асарлар бериледи) материалнинг тилига ҳам таъсир этади: жумлалар бир қолипдаги қисқа, лўнда иборалардан иборат бўлади.

Оммабоп услуб фикрни лўнда ифодалаши ва атама-ларнинг қўлланиши билан илмий услубга, бадний экс-прессив воситаларнинг қўлланиши билан бадний услубга яқин туради.

Оммавий услуб орқали янги сўз ва иборалар тилимиз-га кириб келади ёки ноўрин қўлланган сўз ва иборалар бўлса (*тепки арава, учма пойиз, илмгоҳ, ноҳия, тайёрагоҳ в.б.*), уларни, А. Қаҳҳор айтганидек, омма «чайнаб-чай-наб тупуриб ташлайди».

Маълумки, 1875 йилда биринчи бор оммавий газета — «Туркистон вилоятининг газетаси» нашр этила бошлади. Кейинроқ бошқа газеталар, журналлар ҳам чоп этилди. Биринчи бор кўплаб русча, рус тили орқали европача ижтимоий-сиёсий сўз ва иборалар ишлатила бошлади.

Оммабоп услубда жумлалар бир-бири билан манти-қан боғланиши, холис (*объектив*) бўлиши керак. Бу ус-луб учун характерли бўлган бир қолипдаги стандартлаш-ган сўз ва иборалар қўлланади, сўз ва атамалар омма ту-шуналган маънода ишлатилади. Воқеа ва ҳодисалар образлар орқали эмас, бевосита қабул қилинади.

Оммабоп услубни характерловчи восита ижтимоий-сиёсий атамалар бўлиб қолади: *сиёсий куч, сиёсий иқлим, иқтисодий тежамкорлик, баркамоллик, улғвдор, ижодкор ёшлар, асрдош, собитқадамлик сиёсати, партия* ва б. Умум-истеъмолдаги сўзларга янги маъно берилади (масалан, *овоз берилди, маслаҳат овози* каби).

Оммабоп услубни шакллантирувчи воситалар махсус ижтимоий-сиёсий лексика, бошқа тиллардан (асосан, рус ва рус тили орқали европа тилларидан) сўз олиш ёки калькалан, она тилидаги сўзларга бошқача маъно бериш (семантик усул) йўли билан рўй беради. Ижтимоий фао-лиятнинг ва услубнинг турли соҳаларига оид сўзлар (ата-малар) оммабоп тушунчаларни ифодалаб, мазкур услуб-ни шакллантирувчи воситага айланадилар: *армия, қамал, танк (ҳарбий), артерия, касаллик, гипноз* (тиббиёт), *сах-на, қўғирчоқ* (санъат), *пойга, рекорд, старт, эстафета* (спорт). Услубнинг бошқа турига оид сўзлар эмоционал маъноларини ўзгартириш йўли билан оммабоп услубни характерловчи белгига айланадилар. Оммабоп услубни характерловчи хусусият унда ўзига хос тўлиқсиз гаплар-нинг қўлланишидир.

Расмий иш юритиш услуги

Расмий иш юритиш услубига ҳисоб-статистик ташкилотларнинг, суд, адлия, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ва нотариал идоралар, прокуратура, вазирлик ва муассаса, ташкилотларнинг, жамоат ташкилотларининг ва айрим шахсларнинг расмий иш юритиш ҳужжатлари, ультиматум, қонун, қарор, фармон, кўргазма, қўлланма, муурожаатнома, ҳукм, ажрим, шартнома, тавсиянома, изоҳнома ва б. киради.

Расмий иш юритиш ҳужжатларининг кўпи аввалдан қўлланиб келган, баъзилари (баённома, маълумотнома каби) кейинги даврларда асосан XIX аср иккинчи ярмида қўллана бошлади. Маълум ҳужжат намуналари ҳаёт талаблари туфайли пайдо бўлди.

Расмий иш юритиш услубининг хусусиятларидан бири — унда бадиий тасвир воситаларининг бўлмаслиги, маълум бир қолипга тушган стандарт иборалар ва нутқий штамплар қўлланишидир («Мажлис қарор қилади», «Қарор қилинди», «Қатнашдилар», «Мен фалончи, фалон йили, фалон жойда туғилдим», «Буюраман», «Томонлар куйидагиларга келишдилар» ва б.).

Расмий услубда шахсий баҳо, шахсий муносабат ифодаланмайди. Ҳукумат қарорлари ва буйруқлари, шартнома, суд ҳукми, ажрими, айрим шахсларга берилган тавсия ва тавсифномалар, битимларда маълум бир ҳолат ёки шахснинг аҳволи ҳолисона маълум бир қолипдаги штампдаги жумла, ибора ва сўзлар орқали ифодаланади. Шунинг учун расмий услубда кириш сўзлар, экспрессив ва эмоционал маънога эга бўлган бадиий воситалар, шева ва жаргонлар қўлланмайди. Фикр мантиқий жиҳатдан изчил, ўзига хос атамаларни қўллаган ҳолда ифодаланади, жумлалар қисқа ва аниқ бўлади. Ҳужжатларнинг қисмлари белгиланган тартибда жой олади (масалан, ариза ёзишда кимга кимдан эканлиги кўрсатилиб, кейин ариза ёзилади ва охирида имзо чекиб, сана қўйилади).

Расмий ҳужжатлардан намуналар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан:

VII боб. 26-модда. *Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар.* Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди... Ҳеч ким қийноққа солиниши... ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тили ҳақида (янги таҳрирда)

2-модда. *Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди.*

Расмий усулда шахс олмошлари қўлланмайди. Аниқ шахслар вазифасига кўра ифодаланади (*гувоҳ, даъвогар, ижарага қўювчи, ижрочи каби*). Фейлнинг иш оти шакли, мажҳул нисбати ва буйруқ фейлнинг III шахси қўлланади (*чора кўриш, ижро қилиш, берилсин, тайинлансин*), сифатдош ёки равишдош бошқарган мураккаб таркибли ажратилган бўлақлар ва эргаш гаплар кўпроқ қўлланади.

Масалан: *Ўзбекистон халқи:*

Инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,
ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда...

Ўзининг мухтор вакиллари сиймосида *Ўзбекистон Республикасининг* мазкур Конституциясини қабул қилади.

Хатлар (шахсий ёки жамоага қарашли) ҳам расмий услубнинг бир туридир. Хатлар интим (*махфий, дилкаш*) бўлиши, бирор нарсани сўраши ёки хабар бериши мумкин, ёхуд жамоанинг мурожаати, ёхуд жамоага мурожаат бўлиши мумкин.

Илмий услуб

Илмий услуб фан ва техниканинг турли соҳаларига оид бўлиб, унда ҳар бир соҳанинг ўзига хос атамалари, формула, теорема ва аксиомалари, қонун-қоидалари холисона аниқ жумлаларда ифодаланади. Илмий матн маълум ҳодиса, қонуниятнинг изоҳи ва далилнинг исботидан иборат бўлади. Бунда муаллиф рамзий белгилардан, расм ва чизмалардан фойдаланиши мумкин.

Илмий услубда монография, илмий мақолалар ёзилади, илмий маърузалар ўқилади. Булар — соф илмий услуб бўлади.

Илмий услуб яна илмий-оммабоп ва ўқув-илмий услуб турларига бўлиниши мумкин. Илмий-оммабоп услуб турида фан ва техникага оид мураккаб тушунчалар оммага тушунарли тилда ёзилади. Омма тушунадиган атамалар, содда жумлалар қўлланади, бадний-тасвирий воситалардан ҳам фойдаланилади¹.

Одатда, машхур олимлар мураккаб илмий фикрларни содда, оммабоп шаклда беришга интиладилар. Эйнштейн: «Мен тушунчанинг ҳиссий идрокдан мантиқан мустақил эканлигини тан олмайман», деб ёзади.

Ҳақиқатан ҳам ўхшатиш ва метафора бадний услубга хизмат қилади (муз тили, вулқон ўчоғи, қора денгиз, қора ўтов, қўш бозори, сомон йўли ва б.) ва маълум эмоция уйғотади.

Ўқув-илмий услуб

Бунга дарслик, дастур, қўлланма, рисола, бюллетень, тезис, конспект — аннотация, тақриз, рефератлар кириб, ҳар бирининг ўзига хос изоҳлаш услуби ва ҳажми, айрим лексик ва синтактик хусусиятлари бўлади.

Илмий услубда фразеологик бирликлар ва атамалар қўлланмаса-да, баъзи турғун илмий иборалардан фан-техникага хос фразеологик бирликлар шаклланиши мумкин: *ижтимоий-иқтисодий формация, фонетик ҳодиса ва қону-*

¹ Қараг: *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. «Фан», Т., 1984.

ниятлар, эргаш гапли қўшма гаплар. Маълум бўладики, хулоса қилиб айтиш мумкинки, шундай қилиб, биринчидан, иккинчидан ва б.

Илмий услуб, илмий-оммабон ва ўқув-илмий қисмларга бўлиниши билан бирга, улардаги сўзлар ва атамалар аниқ бир маънода бўлади. Шу билан бирга соф илмий асарлар ҳам бўладики, уларнинг мазмунини мутахассис олимгина тушунади:

«Синтагматикада мўтадиллашув ҳодисасининг ўрганилиши тил системасидаги икки лисоний моҳиятнинг нутқ жараёнида бир хил тазоҳирланишини, бир хил тазоҳирланмаётган лисоний ҳодисанинг қайси зотнинг (инвариантнинг) вақили эканлигини очишда муҳим аҳамиятга эга». (Д. А. Нурмонованинг «Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўтадиллашуви» номли номзодлик диссертацияси автореферати, Т., 1998, 20-бет).

Аmmo буюк математик Эйнштейн фаолияти ҳақидаги эсдаликлардаги: «Ҳажв, ҳазил, аския — Эйнштейн қўлида илмий тушунтиришга хизмат қилади» деган мулоҳазани эсдан чиқармаслик керак (Р. Бекжонов. Альберт Эйнштейн. «Фан», 1966).

Нотиқлик услуби

Нотиқлик услуби — диний ва ҳаётий мавзудаги ваъзхонликда, суд, прокуратура ва адвокатура ишларида, турли ижтимоий-ҳаётий фаолиятда (қутловлар, дипломатик ёзишмаларда, қадаҳ кўтаришда ва хотира маросимларида) қўлланадиган кўтаринки руҳдаги ўзига хос гап тизимларидан иборат бўлади.

Айбланувчининг ўзини оқлашга қаратган сўзида нотиқлик услубига оид гаплар бўлади.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги маърузалар, тантанали мажлис ва йиғинларда айтиладиган (ёзиладиган) нутқлар ҳам кўтаринки руҳда бўлиши мумкин. Нотиқлик услубининг асосий мақсади — тингловчиларга таъсир этиш ва уларни кўзғатишдир.

Нотиқлик нутқи кўпинча бошқа нутқ услублари — бадий, илмий услублар таркибида ҳам қўлланади (расмий услубнинг баъзи шаклларида — ариза, шикоят, маълум-

мотномада ҳам ишлатилиши мумкин). Нотиқлик нутқининг кўрсатиб ўтилгандек соҳаларда ишлатилиши ёзма услубининг бу турини алоҳида гуруҳга ажратишни талаб этади.

Нутқининг таъсирчан ва эмоционаллигини таъминловчи ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик воситалари бўлади.

Нотиқлик нутқида одатда долзарб, тез орада ечилиши зарур масалалар қўйилади ёки амалий ишлар учун кўргазма бўлади (шиорларда). Йигин, намойишлар (митинглар), ташвиқ қилувчи жўшқин нутқлар тингловчиларни маълум бир ишларга сафарбар қилади.

Нотиқлик — сўзга чечанлик, асосан оғзаки нутққа, тил материалларидан қанчалик усталик билан фойдаланиб, тингловчиларга таъсир этиш санъати билан боғлиқ масаладир; нотиқлик услубини яратувчи ўзига хос тил воситалари бўлади.

Нотиқлик нутқининг асоси ўз фикр, мақсадига ишонтириш, маълум масала бўйича мунозарага чорлаш, маълум шахс ёки идора ишини мақташдан иборат бўлади. Бундай нутқлар, албатта, маълум муҳим, қизик, ишонarli далиллар билан асосланади. Шунинг учун жўшқин, жозибали нотиқлик нутқи кўтаринки руҳ (пафос) билан айтилади. Бунинг учун нотиқ кўтаринки руҳдаги дабдабали сўз, сўз бирикмалари ва гаплардан, оҳанг ва паузадан, экстра-лингвистик воситалардан (мимика, техника воситалари), тасдиқ ифодаловчи риторик (нотиқлик) сўроқ ва ундов гаплардан фойдаланади, сўз ва мантикий урғунни ўз ўрнида ишлатади.

Албатта, ҳар қандай нотиқлик услубида тузилган гап оригинал бўлиши, аниқ далилларга (фактларга) асосланиши, эшитувчи ёки ўқувчига ишонarli бўлиши керак. Бу ўринда кўтарилмоқчи бўлган масаладаги (воқеа, ҳодиса, фаолиятдаги) муҳим, ҳаммани қизиқтирадиган далиллар (фактлар)ни тўғри топиш, уларни ўз ўрнида ифодалаб бериш масаланинг ҳал бўлишига, эшитувчининг (ўқувчининг) онгига таъсир этишига сабаб бўлади. Нотиқлик нутқи асосий бир масалани ҳал қилишга қаратилади, шунинг учун нотиқлик услубида фикрлар орасида узвий боғланиш бўлиб, кейингиси олдинги фикрни ис-

ботлаб, мустақкамлаб туриши шарт. Далиллар холис изоҳланиши, нутқ эса жўшқин, таъсирли, ҳаяжонли бўлиши керак: сўз ва гаплар аниқ (тушунарли) ифодаланиши, кўтаринки оҳанг бўлиши, ўз ўрнида пауза берилиши шарт. Нотиқлик услубида ўринли синонимлар, муболаға, гипербола, градациялар, эпитет, метафора, мақол, фразеологик бирликлар ва идиомалардан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланиш, гапларнинг бир-бирига мутаносиблиги ва оҳангнинг ўз ўрнида қўйилиши ҳақиқий нотиқлик нутқининг шаклланишига асос бўлади.

Нотиқлик услубида тингловчилар билан яқин алоқа нотиқнинг асосий мақсадини осон амалга оширишига ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг машҳур давлат арбоблари Й. Охунбоев, У. Юсупов маъруза қилишдан олдин залда ўтирган тингловчилар билан ҳазил-мутойиба, аския қилишиб, сўнгра маърузага ўтар эдилар. Маъруза орасида қизиқ воқеа, ҳодисаларга тўхталиб, жамоанинг диққатини ўзларига жалб қилиб олардилар.

Нотиқ кўтарилаётган масалани ва унинг ечилишини чуқур билиши, тажрибали, дадил, ҳозиржавоб бўлиши керак. Бўлмаса «нотиқ» ўзини тингловчилар олдида кулгили аҳволга солиб қўяди.

Ўзбек тилида нотиқлик услуби қадимги ёзма ёдгорликлардан тортиб, бугунги ёзувчи ва шоирларнинг ижодида ўз ўрнини топган.

Масалан: ...ўз ўғлига ёмонлик соғинарми, бу тўғрида жавоб берсангизчи? (А. Қодирий). Давлатлари ёри берса, ҳукуматимиз учун қўрқинчли бузуқлар уясини топгандекман! (А. Қодирий). Бахтсизлик бундан-да ортиқ бўлармикан! (Фитрат). Ризо Тавфиқбекни танимайдиган қайси турк қавми бор? (Чўлпон). Буниси энди уят! ... бу менга тамоман тўхмат! (Фитрат) Оҳ, зolim ҳукумат ва миссионерлар бизга налар қилдилар! (Бехбудий).

Баъзи илмий адабиётларда алоҳида услуб тури сифатида *дилкаш-мушфиқ*, *ҳазил ва ҳажвий услуб* турларини ҳам ажратадилар. Дилкаш-мушфиқ (мулойим, меҳрибон), ҳазил ва ҳажвий услублар алоҳида гуруҳни ташкил этмайди. Улар мазмунига кўра бадиий ёки нотиқлик услуби таркибига киради.

Албатта, бу кичик гуруҳларни шакллантирувчи ўзига хос воситалар бўлади: дилкаш-мушфиқ услуб турида суйиш, меҳр, эркалаш, навозишни ифодаловчи лексик воситалар, грамматик белгилар ва ўзига хос оҳанг бўлади. Ҳазил услубида сўзларни кулгу қўзғатувчи маънода қўллаш, арзимаган нарсани муболаға билан айтиш, сўз ўйини (аския), метафора, ўхшатиш каби воситалар қўлланади. Ҳажвда эса мазах маъносидаги сўзлар ва қўшимчалар ишлатилади.

Нотиқлик услуби нутқ маданиятининг таркибий қисмларидан бўлса ҳам, бу икки тил услуби орасида айрим фарқлар ҳам бўлади. Нутқ маданияти кенг тушунча бўлиб, орфоэпик, лексик, грамматик қоидалар асосида сўзлаш ва имло қоидалари асосида саводли сўзлаш, ёзишни ўз ичига олади.

2-§ ЁЗМА НУТҚ УСЛУБИНИ ЯРАТУВЧИ ВОСИТАЛАР

Ҳар бир услуб тури бирор лисоний ёки экстралингвистик воситалар ёрдамида шаклланади.

Ёзма нутқ услублари тилнинг лексик (сўз маъносининг кўчиши, неологизм, полисемия, синонимлар, архаик ва тарихий сўзлар ва б.), морфологик ва синтактик воситалари (айрим морфемалар, гап турлари ва б), синонимия, фонетик ва экстралингвистик воситалари орқали ифодланади.

Албатта, ҳар қандай лексик ва грамматик категория ва фонетик ҳодисада ҳам асосий маънодан ташқари эмоционал (модал) маъно ҳам бўлиши мумкин. Модал маъно экстралингвистик воситалар асосида рўй бериши ҳам мумкин. Тилнинг бой имкониятлари орқали бўлишсиз шакл бўлишлиликини («*бормай қўймайман*»), шарт феъли истакни, буйруқ, илтимосни, кўплик бирликни («*дадамлар келдилар*») ва б. ифодалаши мумкин.

Баъзи сўзларнинг лексик маъносининг ўзидан услубий (модал) мазмун англашилиб туради: *жирканди, ғудуллади, финшиди, калла* ва б.

Албатта, сўзнинг эмоционал маъноси унинг асосий маъносидан келиб чиқади, шу асосий маънога асосланади.

Бу жиҳатдан услубий бетараф сўзлар (масалан: *қалам, сув, нон* ва б.) маълум ўринларда модал муносабатлар (услубий бўёқ олиши)ни ифодалаш мумкин. Масалан: *нонимизни еб юрибмиз, суви қочган нон, қалами ўткир* каби.

Албатта, услубий бетараф сўзларнинг услубий маъно олиши аввало мазмунга ва экстралингвистик омилларга боғлиқдир. Экстралингвистик омилларга ижтимоий-тарихий вазият, бошқа тилларнинг мантиқан таъсири каби ҳодисалар киради. Бошқа тилларнинг таъсири тил соҳасида бевосита бўлиши ёки бу таъсир она тилининг ички имкониятларини кенгайтириши ёхуд янги синонимик қаторларни келтириб чиқариши мумкин. Шу таъсир маълум бир давр, ижтимоий-сиёсий шароит билан боғланган. Баъзан чет тил таъсири билан юзага келган синонимлардан бири кам қўлланади ёки қўшимча услубий маъноларни ифодалаш учун ишлатила бошлайди. Масалан: *тушқунлик — таназзул, туташ — пайваста, тўсатдан — иттифоқо* каби.

Ҳар бир нутқ услуби ўзига хос воситалар (масалан, илмий услубда атама ва формулаларнинг, расмий услубда махсус қолип (штамп) ибораларнинг қўлланиши каби)га эга. Бадий услубнинг ички жанрлари — наср, назм, драма, ҳикоя, фантастика, фельетон каби турлари бўлиб, бу турларнинг ҳар бири ўзига хос услубий воситаларга эга бўлади. Баъзи бир услубий воситалар бир қанча услублар учун умумий бўлиши ҳам мумкин.

Бир услубга оид бўлган воситалар (масалан, атамалар, касб-ҳунарга оид сўзлар, шева ва эскирган сўзлар ва б.) бошқа бир услубда ҳам қўлланганда, қўшимча факкультатив маънога эга бўлади, янги бир услубий воситага айланади.

Бадий услубга хос бўлган воситалар (эпитет, истиора, муболаға, ўхшатиш, метафора ва б.) оммабоп услубда ҳам, нотиклик услубида ҳам қўлланиши мумкин. Шунингдек, айрим услубий воситалар (шева ва касб-ҳунарга оид сўзлар, жаргонлар) маълум маънода бадий услубда, атамалар илмий услубда қўлланади. Аммо бошқа услубга хос воситалар бадий услубда бадий воситалардан бирига айланади. Масалан: *тўлқин, пахта, кўз, сўз* каби атамалар оммавий ва бадий услубда бошқача маъ-

но касб этади: *юрак тўлқинлари, ўлимнинг юзига тик қараш, кўзидан танидим, сўзидан илинди* ва б.

Ҳар бир нутқ услубини шакллантирувчи воситалар замонлар ўтиши билан ўзгариши, янги маънолар касб этиши, янги воситалар пайдо бўлиши мумкин.

Масалан: оммавий услубда кейинги йилларда *ташвиқ ва тарғиб, ёқилғи ва ёнилғи, фразеологик бирлик* каби сўз ва сўз бирикмалари рус тилидаги айни сўзларни калька қилиш билан она тили асосида (базасида) пайдо бўлди.

Бошқа тиллар билан аралашуш услуб воситаларини бойитади ёки она тилида мавжуд бўлган воситаларни фаллаштиради. Тиллар аралашуши натижасида бошқа тилларга хос бўлган бирикмалар ҳам қабул қилиниши ва улар услубий маънода қўлланиши мумкин.

Услубий восита сифатида тилнинг ҳамма соҳалари — фонетикаси, лексикаси, грамматикаси, фразеологияси, шуниингдек, экстралингвистик воситалар кенг қўлланади.

Услубий воситалар ҳам ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби шаклланади, ривожланади, мукаммаллашади, ўзгаради, эскиради.

а) Лексик воситалар

Тилнинг турли лексик қатламлари маълум бир услуб турини яратишда хизмат қилади. Эмоционал ва экспрессив маъноли сўзлар, синонимлар, омонимлар, антонимлар, метафора, метонимия, сўзнинг кўчган маънолари, атамалар, касб-ҳунар лексикаси, шева, жаргонлар, маҳкама лексикаси ва бошқа тил категориялари услубий восита бўлиб хизмат қилади.

Лексик воситаларнинг айримлари шу даражада табақаланадики, натижада аёллар ва эркеклар нутқига оид айрим сўз ва иборалар шаклланади:

Масалан, аёллар тилида: *Вой ўлай! Ҳай, жувонмарг! Ўлсин! Гўрга! Ер ютсин, қуриб кетгур! ... Қайси гўрдан олдинг?* (А. Қодирий. «Меҳробдан чаён»).

Сўзнинг семантикаси

Ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, маълум услубни яратишда хизмати бўлади.

Бадиий ва нотиклик услуги учун кўпроқ ишлатиладиган сўзлар: *қадим, азият, узор, изтироб, ситам; доғули, мўлтонли, маккор; ҳажр, ҳижрон, фиروق* ва б.

Баъзи сўзлар ўз маъноси билан услубий маъно ифодалайди: *ҳеббим, кал, кўр, калла, хотин, бола (бачча маъносида), сатанг қизлар (Ойбек).*

Неологизм

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, фан ва техника янгиликлари туфайли янги сўз ва иборалар келиб чиқади. Бу янги сўз ва иборалар биринчи навбатда фанда, оммабоп адабиётда ва матбуотда қўлланади. Янги сўз ва иборалар, аввало, изоҳи билан ёки шу сўзга маънодош бошқа сўз билан тушунтириб берилади.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир неологизм қўшимча эмоционал маъно ифодалагандагина ёзма нутқ услубининг объекти бўлиши мумкин.

Неологик сўз ва ибораларнинг пайдо бўлишида олимлар, таржимонлар ва ёзувчиларнинг ролни катта бўлади. Масалан: *Ўзлинг намоян қил. (Ҳамза) Шу она ҳурмати, оёқлан!* (Уйғун)

Полисемия

Сўзнинг кўп (кўчма) маъноли бўлиши ҳам турли нутқ услубларини келтириб чиқаради, шу асосда сўз ўйини, қочирма ва аския келиб чиқади. Масалан, *тулки одам, сиз—тошюраксиз. Бу киши—Самадовнинг думи.*

Аския: *қўқонлик машҳур аскиячилар Расул қори (кўзлари кўрмас эди) ва Омилхон тоға (сочи йўқ—кал эди) курортга дам олгани кетяпти. Поезд Қовунчига келгач:*

— Қори ака, туринг, *Кўр отга* (курортга) келиб қолдик!

Қори шошиб ўрнидан туриб, вагон деразасига кўрадигандай тикилиб қараб:

— Омилхон, ҳали *Шўртепадамиз-ку!*

Омилхон тоға қорининг кўрлигига, қори эса унинг каллигига (*Шўртепа деган қишлоқ ҳам бор*) ишора қилади.

Полисемия сўзлари кўчма маънода илмий услубда ҳам қўлланиши мумкин: *оқим, мактаб (илмий оқим, Сирожидинов мактаби)* каби.

Синоним. Синонимлар нутқ услубини яратувчи асосий воситалардан биридир. Синонимлар орасидаги нозик маъно фарқлари ўзига хос экспрессив мазмунни келтириб чиқаради. Синонимлар турли услубларда қўлланади. Масалан: мутлақ сўзи расмий (китобий) услубда, *иккиқат, иштон* — оғзаки сўзлашувда, *рафиқа, лозим* — ёзма нутқ услубида.

Синонимлар бир жумладан такрорланса, у ифодаланган тушунчага диққат жалб этилади, маъно қабартирилади ёки тушунчанинг янги қирраси очилади: *орзулар, ҳаваслар, умидлар* билан қанот қоқиб турган кўнгиллари (М. Исмоилий)

Эрур бас чу ҳусни малоҳат сенга,
Ясанмоқ, безанмоқ не ҳожати сенга.

(Алишер Навоий)

Бошқа тилдан олинган сўз билан она тилидаги сўз синоним бўлиши мумкин: *Этли — этдор, гўшти — гўштор, бурунли — бурундор, беғул — пулсиз* каби.

Бундай синонимлар орасида нозик фарқлар бўлиб, бу хил сўз — иборалар бадиий ва нотиклик услубида қўлланади.

Маълум бир жумлада контекст ва мазмун талаби билан синонимнинг мақбул бўлган маъноси танлаб олинди.

Тарихийлик (историзм). Маълум даврда қўлланган сўз ва иборалар ўша даврни ёки асар қаҳрамонини тавсифловчи услуб воситаларидан бирига айланади: *қози, миршаб, мингбоши, тўра, қўлтиқтумор* каби.

Архаизм истеъмолдан чиққан сўзлар (архаизм) маълум даврларда бошқа сўзлар билан алмашади: *ашуқ (-тўпиқ), дубулга, ақы (-сахий, тоза), акур (-отхона)* (М. Кошгарий, Индекс, 30—31-бетлар).

Архаик сўзлар тарихий тушунчаларни ифодалаш учун, шеърятда ва нотиклик услубида қўлланади: *ажрини (мукофот, эваз) олган эди. ...нуфуси (аҳолиси) жуда ҳам*

қўп. ... юз қат истиғфор (тавба) қилиб унутади. ... тоғасининг гўмаштаси (ёрдамчиси) ҳам бўла олмаган. (А. Қодирий. Кичик асарлар)

Кимда дониш бўлса, олам мисли зиндондир анга.

Ҳар нафасда минг ғаму андуҳ меҳмондир анга.

(Ҳамза. Таплаган асарлар)

Бу ерда дониш — илм, андуҳ — қайғу, алам маъносида келади.

Метафора (истиора, мажоз). Маълум бир сўз ёки ибораларнинг ўхшашлиги асосида кўчма маънода қўлланиши таҳаллус ҳамда лақаблар (*Навоий, Бобур, Темирбой, Ўроқбой, Пулат, Чиноқ, Элбек, Улуғбек*)ни келтириб чиқаради. Бунда жой, табиат ҳодисалари, ҳайвонлар, ўсимлик, минераллар ва бошқалардаги сифат шахс ёки айрим тушунчаларга кўчирилади.

Киши исмлари салбий ва ижобий маънода бўлиши мумкин:

Ижобий маънода: *Арслон, Кумуш, Темур, Асал, Шакар, Улуғбек, Қаҳрамон* ва б.

Салбий хулқли инсонларга салбий лақаб (таҳаллус)лар берилиб, булар ҳатто исмга айланади: *Чулоқ, Кал, Қийшиқ, Чиноқ* исмлари. Бундай тасниф этиш жуда ҳам шартли бўлиб, «исми жисмига мос келмаслиги мумкин» (исми Асал бўлиб, тили қалампирдек аччиқ бўлгандек). Иккинчидан, бир тилда ижобий ҳисобланган исм иккинчи тилда салбий маънога эга бўлиши мумкин. Масалан: *поросёнок — чўчқа боласи* рус тилида ижобий, ўзбек тилида салбий маънога эга. Ўзбек тилида *ит* сўзи умуман салбий маънода қўлланади. Аммо *Фурқат* бу сўзни ўзига (шахсга) нисбатан ишлатган:

Адашган ит каби Фурқат қаён борғум билолмасман.

Исмларга берилган белги ва лақаблар сўзловчининг шу шахсга бўлган муносабатини ифодалаб, услубий маъно касб этади: *Эй арава, чеккага чиқ! Ҳой ит, нима дейсан? Арслоним, Баҳодирим, келдингми?*

Кўчма маънода (метафора), асосан, от, сифат, феъллар қўлланади. Ҳайвонларнинг ажралиб турган бирор хислати (айёрлик, йиртқичлик, куч, қўрқоқлик) шахс номига кўчирилади. Ёки айрим нисбий сифатлар асл сифатга ўтади (*темир хотин, ёғоч кўприк, олтин соат*),

жонсиз предмет ва ҳодисалар жонлантирилади (*бўрон бўқирди, шамол хуружга кирди, ўрмон шивирлади*).

Эпитет. Маълум шахс, предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг таърифи, тавсифи ҳам маълум услубни шакллантирувчи экспрессив восита ҳисобланади. Таъриф учун одатда сифатлар ишлатилади ва кўча эмоционал маъно ифодадалайди. Масалан: *эгри иш, кумуш қиш, зумрад баҳор*.

Асл сифатлар ва ўхшатишлар, одатда, бадий услубда ва расмий иш юритиш услубида ҳам қўлланади (*Манфаатдор томонлар, Олий Ҳазратлари каби*).

Касб-ҳунар ёки бирор ижтимоий гуруҳга оид сўзлар. Касб-ҳунар лексикаси ҳам контекстда айрим ўринларда маълум бир услубни яратувчи воситага айланади. Масалан: идишларга пардоз бериш учун: *рафча* (тож. тахта тоқча); *тароп* — идишни қуритиш учун қўлланиладиган *жой*; *гунда* — *қолип* — пиширилган лойдан ишланган қолип; *качкарт* — (тож.каж — эгри, кард — пичоқ) — эгри пичоқ; *дўппининг жияғи* каби.

Ижтимоий гуруҳга оид: *лой* — пул, *якан* — пул, дах — яхши (отарчилар тили), *харид* — ўғрилиқ объекти, *легавий* — милиция (ўғрилар тили).

Атамалар. Атамалар асосан илмий ва расмий иш услубида қўлланади. Бадий адабиётда бирор асар қаҳрамонини тавсифлаш учун ишлатилиши мумкин.

Атамаларнинг қўлланиши шу соҳадаги ўзига хос тушунчаларни англашга ёрдам беради. Оддий истеъмолдаги сўзлар экспрессив (модал) маъно ифодалаб, услубий воситага айланиши мумкин. Масалан: *оқловчи, қораловчи, тинтув* — ҳуқуқий атама сифатида илмий услубда қўлланади.

Ўхшатиш, муболаға, кичрайтириш.

Маълум нарса ва ҳодисаларнинг бирор хусусияти бошқа нарса ва ҳодисаларга кўчирилади: *тулки одам, шер-юррак* ва б.

Ўхшатиш тенг тушунчалар орасида бўлади. Мувозанатнинг бузилиши ҳолати ҳам учрайди: ... *Кўканчам, буқа каби семирибди — беи пуд кам.* (Ғ. Фулом).

Ўхшатиш бевосита сўз, қўшимча, ёрдамчи сўз, гап, шаклида бўлиши мумкин.

Муболаға — маълум ҳодиса, воқеа, предметни орттириб кўрсатиш бўлади: *Кўзларидан ёшлар сел бўлиб оқди.*

Кичрайтириш — бунинг акси бўлиб, улкан, буюк нарса, ҳодисалар кичрайтиб айтилади: *Бечора тирноққа зор. Мен мискин, нима ҳам қилардим. Каминага мурожаат қилганингиздан беҳад хурсандман.*

Метонимия. Тушунчалар орасидаги мазмун яқинлиги туфайли маъно кўчирилиб, маълум сўз бутун таркибидаги қисмни ифодалайди: *Пушкинни ўқиди. Навоийни мутолаа қилди. Бир пиёла чойга марҳамат!*

Айрим метонимия қисм билан боғлиқ бутунни ифодалайди: *Қалами ўткир танқидчи. Бу гандан бутун қишлоқларзага келди. Раис мажлисининг фикрини қувватлади.*

Синекдоха. Бир бутун нарса унинг қисми билан аталади ёки қисм номи билан бутун нарсани ифодалайди: *Кўр, калла (киши маъносида). Эшикка (Фарғона шевасида уй легани) кирайлик.* Синекдохада бир шахс, киши орқали кўпчилик тушунилиши мумкин: *Дехқон бўлсанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда.*

Антитеза. Маълум тушунча ва нарса, предметларнинг қарама-қаршилиги антоним сўзлар ёки бир-бирига зид мазмунли сўз бирикмалари орқали модал маънолар ифодаланади. Масалан: *Оқу қоранинг фарқига бориш керак. - Чиранма ғоз — ҳунаринг оз.*

Расмий ҳужжат ва маҳкамага оид сўзлар. Расмий нутқ услубини шакллантирувчи воситалар бир қолипдаги (стандарт) сўз ва иборалардан иборат бўлади: буйруқ, фармон, маълумотнома, тавсифномаларда қўлланган махсус сўз, иборалар: *эшитилди, маъқуллансин, буюраман, маълум қиламанки, тавсия этаман* в.б.

Одобсиз сўзлар (вульгаризм). Вульгаризм — одобсиз, дарағал сўзлар ва иборалар бўлиб, улар бадиий нутқ услубида айрим шахс, предмет ва ҳодисаларни тавсифлаш учун қўлланади: *газанда, иштон, лунги, чиноқ, кар* в.б.

Шевачилик (диалектизм). Ўзбек тилининг ҳар бир шеваси, лаҳжаси ўзига хос лексик, грамматик хусусиятларга эга. Ана шу шева хусусиятларидан услубий восита сифатида айрим ёзувчилар усталик билан фойдаланадилар.

Масалан: *...бокс юқорига чиқвотти. Жўра, дўппининг жа-а антиқасини топгансан-да... Ҳукумат ҳам зап матолар чиқаради-да! Катта кетвординг, оинам. Кўп жаврама, олчиқ (Отахонов, «Дунё кенг»). Ёшулли, санинг қизинг*

бунда гатирилмаган. Ова, ёшулли. Сан, манглайи қора бадкирдор... (Мирмуҳсин).

Такрор, жуфт ва чет сўзлар. Маълум сўзнинг такрорланиши ҳам эмоционал маънога эга бўлиб, фикрни маълум бир нуқтага тўплаш ва таъсирни кучайтириш учун қўлланади. Бу ўринда такрорланган сўзлар билан синонимларни фарқлаш керак: синонимлар умумий маъно билан боғлиқ бўлган айрим маъно нозикликларини (оттенкаларини) ифодаласа, такрорда эса аини бир маъноли сўз такрорланади. Бунда такрорланган сўз айнан бўлиши ёки шева ёхуд бошқа тилдан олинган сўз бўлади.

Масалан: *кўрувчи ва басир, саноч ва меш, дўнгалак ва доира, жичча ва озгина, бирлама ва ягона* каби.

Айни бир сўзнинг икки жумлада такрорланиши услубий хато бўлади: Масалан: *изоҳли ва таржима луғатлари тузилди, синоним луғатлар тузилди.*

Аммо мумтоз шоирлар бир сўзни икки марта такрорлаш билан ҳам экспрессив маънолар ифодалаганлар, такрорни нутқ услубининг бир воситасига айлантирганлар:

Сен, сен жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма.

(Сақкокий)

Эй сўз...

Айтиб совумас тарона сен-сен,

Олиб кўримас хазона сен-сен.

(Навоий)

Жуфт сўзлар. Жуфт сўзлар ҳам маълум бир услубни яратишда хизмат қилади. Масалан: *қозон-товоқ* дейилганда фақат қозон билан товоқ тушунилмасдан, бу нарсалар билан боғлиқ бўлган бошқа нарсалар ҳам тушунилади. Шунингдек, *чай-пой (ичди), бош-оёқ (сарпо), ичак-чавоқ (-ини чиқариб юборди).*

Бундан ташқари, бадий ва нотиклик услубини яратишда *аллегория* (киноя, қочириқ, кесатиш), *символ* (рамзий ифода), *ирония* (кесатиш), *сарказм* (захархандалик, истехзо, пичинг), *жонлантириш* (жонсиз нарса, ҳодисаларни жонли сифатда тасвирлаш) маълум мақсад билан чет сўзларни қўллаш каби услубий воситалар ҳам қўлланади:

Аллегория: *Сичқон сифмас инига, ғалвир боғлар думига.* (Матал)

Символ: *Қора тунлар бошига тушди (тун — ғам, ҳасрат).*

Ирония: *Ухху: сиз ҳам фазогир бўлиб кетибсиз-да.*

— Бизнинг қишлоқда шундай катта дўл ёғдики, ҳар бири калламдай;

— Э ..., дўл эмас, **ошқовоқ** ёғибди-да!

Сарказм: *Навоий. Хафа бўлма, Гулим, замон янглишлар билан тўла. Итнинг боши мис табақда, ариқлар бузилади, гулистонлар чўл бўлади.* (И. Султон, Уйғун. «Алишер Навоий»).

Жонлантириш: *Бўрон гунурди. Ой кулиб боқди.*

б) Морфологик воситалар

Ҳар бир морфологик категория — сўз туркумлари, аффикслар ўзининг асл грамматик, лексик маъносидан ташқари кўшимча модал (услубий) маъноларни ифодалаши ҳам мумкин.

Морфологик категориялар мазмуни билан маълум бир контекстда ва оҳанг ёрдами билан нутқ услубининг бирор турини (кўпинча, бадий, оммабоп, нотиклик) яратишда хизмат қилади. Отнинг субъектив баҳо билдирувчи аффикслари, кўплик, эгалик каби категориялари, феълнинг деярли ҳамма категориялари услубий мақсадда қўлланиши мумкин. Феъллар ва бошқа сўз туркумлари ўз маъноси билан ёки маълум бир контекстда кўчма маънода қўлланиши билан услубий маъно ифодалаши мумкин: *жилмаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, мийиғида кулмоқ, кулимсирамоқ, кулмоқ, қаҳ-қаҳа урмоқ* каби.

Баъзан бир маънони англатувчи ўзбекча ва тожикча аффикслар параллел (мувозий) қўлланади. Бунда ҳар иккала тилга оид сўз ўзига хос услубий маъно ифодалайди: *бепарво — парвосиз, бадбахт — бахтсиз, бадхаёл — ёмон хаёлли, бенул — пулсиз.*

Модал сўзлар, айрим боғловчилар (*ва, ҳамда, аммо, лекин, ёхуд, ёйинки*), кўмакчилар (*туфайли, сифатида, воситасида*), юкламалар, ундовлар (тасвирий ва образли сўзлар) маълум контекстда, экспрессив маъно ифодалаб, бирор нутқ услубини шакллантиради.

в) Синтактик воситалар

Маълумки, синтаксис — фикрнинг, маълум бир мақсаднинг тилда гап орқали ифодаланишини ўргатувчи грамматик қисмидир.

Синтактик қурилмалар (конструкциялар) орқали маълум бир мазмун намоён бўлади. Содда, мураккаб ва қўшма гаплар орқали, период (қўшма гапларнинг мураккаб шакли) ва уларни ташкил этган гап бўлаклари ҳамда уларнинг жойланиши (инверсия), шунингдек, диалог, монолог, полилоглар орқали бирор нарса, воқеа, ҳодисалар ҳақида хабар берибгина қолмай, шу хабарга сўзловчининг модал (услубий) муносабати ҳам ифодаланади.

Шу билан бирга, айрим синтактик қурилмаларда, субъектив модал муносабатлар (услуб) биринчи ўринда туради ёки асосий мақсад бўлиб қолади. Бу синтактик қурилмаларга фразеологик бирликлар, идиомалар, эвфемизмлар, бирор бадийий йўл орқали ифодаланган таг маъно, ундалма, кириш сўз ва гаплар киради.

Мазкур синтактик қурилмаларнинг мазмуни ва услубий хусусиятлари илмий адабиётда анча мукамал ёритилгани учун, уларнинг айримларигагина тўхталиб ўтамиз.

Ундалмалар, инфинитив гаплар, номинатив ва сўз-гаплар, эмоционал гаплар, тўлиқсиз гапнинг баъзи турлари, синтактик синонимия, кўчирма ва ўзлаштира гаплар бирор (одатда, илмий, бадийий, расмий) услубни яратувчи восита бўлиб хизмат қиладилар.

Ундалмалар ўз лексик маъносидан ташқари маълум бир услубий мазмунга ҳам эга бўлади. Айниқса, гап орасида ва охирида қўлланган ундалмаларда эмоционал маъно кучли бўлади:

О, жоним Фарғона, оқ олтиним, боғим! (Ойбек) *Бу одамларга жуда-жуда кўп нарсалар ярашади, отахон* (А. Қаҳҳор). *Ол, жиян, йўл юриб келгансан.* (Ойбек) *Сени унутмас асло, эй Урта Осиё, Урта Осиё!* (В. Инбер)

Эмоционалликни орттириш учун ундалмалар бир шаклда ёки турли шаклда такрорланиши мумкин:

Каримахон, жон қизим, шу ишга қўл урма!

* * *

Дунай, Дунай, Дунай дегани шу жан-да!

(О. Гончарь)

Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ҳам услубий воситалардан бири бўлиб, бадний нутқ услуби соҳасида қўлланади.

Масалан: — *Буви, буви, — дейман паст овозда, — Эшон оймингизнинг тўртта қизлари бор экан.* (Ойбек) *Юрьев батареяни бу ердан бошқа жойга кўчириш ҳақида буйруқ берди.* (И. Раҳим).

Қўшма гаплар ҳам маълум бир услубни шакллантирувчи воситадир. Одатда, илмий услубда, баъзан расмий иш услубида эргаш гапли қўшма гаплар ва боғланган қўшма гаплар қўлланади. Содда гаплар ва боғловчисиз қўшма гаплар оммавий услубга хос гаплардир. Расмий иш юритиш услубида кўпроқ мураккаб ва изоҳли қўшма гаплар ишлатилади.

Элипис. Услуб талаби билан бирор гап бўлагининг ифодаланмаслиги ҳам маълум бир модал муносабатларни (экспрессивликни) ифодалашда хизмат қилади.

Масалан: *От кишнашиб топшар, одам эслашиб.* (Мақол).

Мард йигит изини сотар. Номард йигит — ўзини. (Мақол).

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. (Мақол)

Параллелик (мувозийлик). Сўз, сўз бирикмаси ва гапларнинг мувозийлиги (параллел қўлланиши) ҳам экспрессив маънога эга бўлиб, бадний услубни ташкил этади.

Масалан: *Сен одил, сен қодир, сен нодир. Сен ўғлимсан, хотининг келиним* (Ҳамза). *Лабинг дўрдоқ, кўзларинг ғилай* (Ҳамза).

Инверсия. Гап таркибидаги айрим бўлақларнинг ўрин алмашиши (аниқловчининг аниқланмишдан олдин келиши, кесимнинг гап бошига кўчирилиши, ажратилган гап бўлақлари, ундалма ва кириш сўзларнинг ўринлаши-

ши ва эргаш гапнинг бош гапдан кейин қўлланиши ва б.) ҳам гапга қўшимча экспрессив (модал) маъно беради ва маълум бир нутқ услубини шакллантиради.

Масалан: *Келур сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши* (Завқий). *Қобил бобо, яланғоч, яланғоёқ, яктакчан, дағдағ титрайди.* (А. Қаҳҳор). *Эндигина қутула бошладик эмасми бундай офатлардан.* (Ғ. Саломов).— *Сиз, — деди Одил ота, — бу ишга қўл урманг.*

Инверсия, асосан шеърятда, оғзаки нутқда, кўчирма гап орасидаги муаллиф гапи таркибида қўлланади.

Абзац. Маълум бир мақсад ифодаланишида фикрлар гуруҳланади. Ҳар бир гуруҳ алоҳида матнни ташкил этади ва ёзувда янги йўлдан—абзацдан бошланади. Фикрнинг абзацларга бўлиниши ҳам нутқ услуби воситаларидан бирига айланади. Абзац одатда илмий, бадий, расмий нутқ услубларини шакллантиради. Ҳар бир абзац фикрни ажратиб кўрсатиш ва шу билан ўқувчига таъсир этишдир. Ҳар бир абзац бошқаси билан мазмунан боғланишидан ташқари, бирор грамматик восита билан (*ва, лекин, аммо* боғловчиси) ёки лексик воситалар, мазмунан муҳим ҳисобланган гап бўлагининг такрорланиши, кириш сўзлар, айрим равишлар билан ҳам боғланади.

Диалог, монолог, полилог. Бир (монолог), икки (диалог)-ва ундан ортиқ (полилог) шахсларнинг суҳбати ҳам бадий усул воситаси бўлиши мумкин.

Монолог:

Кекса ишчи қўлини кўтариб ғовурни босди:

— *Буни мен ҳам билмайман, аммо болалигимда бир афсона эшитган эдим: Сулаймон пайғамбар ҳамма жониворларнинг тилини тушунадиган, ҳамма жониворларнинг подшоҳи бўлган эмиш. Читтак унга «кавшинг эгри» деган эканми, уни ғазаб қилган эмиш: менга бир ҳасса топиб кел, ҳасса тўғри ҳам бўлмасин, эгри ҳам бўлмасин, деган эмиш. Шундан бери читтак шундақа ҳасса излаб, шохдан-шоҳга сакрар эмиш. Унинг бир шохга қўниб «чик» деб бошқасига сакраши «мен излаган новда бу эмас» дегани эмиш.* (А. Қаҳҳор)

Диалог:

Туробжон, тугунчани орқасига бекитиб, тегишди:

— *Акажон, дегин!*

— *Акажон! Жо-он ака! ...*

— Нима берасан!

— Умримнинг ярмини бераман! ... (А. Қаҳҳор)

Полилог:

Хафиза. *Деҳқон ака, бўлди! Кетамиз!*

Деҳқонбой. *Мана энди Мирзачўлга бориб тоғни талқон қиламиз!*

Омон. *Чўлда тоғ бўладими! Дарсликда тоғ бўлмайди дейилган.*

Деҳқонбой. *Биз дарсликни ҳам ўзгартирамиз. (А. Қаҳҳор)*

Период. Маълум бир фикрни нисбатан тўлиқ ифода-лаш учун мураккаб таркибли гаплар йиғиндисидан фойдаланилади. Бу хил гаплар йиғиндисидан период дейилиб, у содда (кичик ҳажмда) ёки мураккаб (катта ҳажмда) бўлиши мумкин. Бу хил гап шакллари илмий ёки нотиклик услубида қўлланади.

Градация. Градация (бир босқич ёки ҳолатдан иккинчи босқич ёки ҳолатга ўтиш) орқали маълум гапда ифодаланган мазмун кучайтирилади ёки пасайтирилади.

Масалан:

Эй сўз, не ажаб гуҳарсан,

Гуҳар неки, бахри мавживар.

(Навоий)

Дерки: «Кўзинга ҳали кал жўжаман,

Махтуми аъзамлик ўзим хўжаман,

Ҳам яна Эрхубби бўлодур тағо,

Аммамизнинг эрларидур Нурато.

(Муқимий)

Яна: Шум боланинг дандон пичоқнинг синишидан бошлаб, бойнинг кенжатоё ўғли Бўрибойваччанинг ўлимигача бўлган ваҳимали ёлғонини эсланг. (Ғ. Фулом. Тап-ланган асарлар, III том, Т., 1959, 146—148-бетлар).

Фразеологик ва соматик иборалар. Фразеологик иборалар (бирикмалар, гаплар) бадиий ва бошқа нутқ услубини яратувчи асосий воситалардан биридир. Фразеологик ибораларнинг ҳамма тури субстантив (эга ҳукмида), предикатив (кесим ҳукмида), ҳолли, аниқловчили, ара-

лаш турлари бирор кўшимча экспрессив мазмун ифода-
лаб, бадий, оммавий ва нотиклик услубларини шакл-
лантиради. Масалан: *Иши бошидан ошиб ётибди. Кир*
кўйлакка жуи жияк. Кўзидан олов чақнаб кетди ва б.

Ёзувчи ёзма ёки оғзаки услуб тури маълум бўлган фра-
зелогиқ ибораларни қўллашдан ташқари, янги фразеоло-
гиқ ибораларни ҳам яратади. Масалан: *Дард деса, парт кет-*
ма, суварак! (М. Исмоилий). *Ернинг юрагига қулоқ солишга*
тўғри келади. (Шухрат). *...қўлига паттасини тутқазиб, ка-*
вушини тўғрилаб қўймайсизми? (О. Ёкубов). *Ана шунда юрак-*
лари суви сиқилаётган анордек эзилиб кетарди. (Шухрат).

Фразеологиқ иборалар полисемик (тиши ўтмайди: *1. қаттиқ нарсани чайнолмайди. 2. енга олмайди*); синони-
мик (*бахри очилди — кўнгли чоғ бўлди*), антонимик (*кўзига*
иссиқ кўринди — кўзига совуқ кўринди), омонимик (*сўз бер-*
ди — 1. мажлисда сўз берилди. 2. ваъда қилди) характерда
бўлади.

А. Қаҳҳор машҳур асари «Кўшчинор чироқлари» аса-
рини фразеологиқ иборадан бошлайди: — **Қазисан, қар-**
тасан, ахир аслиннга тортасан!— *деди кампир омборни*
қулфлаётиб.— *Энди жир битди-да! Сидиқжон ... заҳархан-*
да қилиб:— *Ўзи тўймаганининг сарқити қорин оғритади,*
онажон, сиздан ортдию, бизга жир битдим!— *деди.*

Соматик иборалар фразеологиянинг бир қисмини таш-
кил этади. Соматизмга киши тана аъзоларининг исмлари
иштирок этган бирикма ва гаплар киради: *бош оғриқ* (ор-
тиқча ташвиш), *кўзини олиб қочди* (уялди) каби.

Идиома, эффемизм. Идиома таркибидаги гап бўлакла-
рининг ўрнини алмаштириб бўлмайдиган, амалга оши-
ши мумкин бўлмаган мазмунидаги гаплардан таркиб топ-
ган фразеологиқ бирликлардир: *кўзингга қара; боши ос-*
монга етди; юраги ёрилди; бир бор экан, бир йўқ экан, бўри
баковул экан, тулки ясовул.

Идиомалар ҳам киноя, муболаға, ҳазил, дабдаба маз-
мунларини ифодалайди ва фольклорда бир хил шаклда
(штампда) қўлланиб келади: *андоқ урдики, тиззасигача*
ерга кириб кетди ... муроду мақсадига етибди.

Расмий усулда қўлланиувчи қолипли (штампли) жум-
лаларни ҳам идиомага киритиш мумкин: *кўриладиган ма-*
салалар; имзони тасдиқлайман ва б.

Эвфемизм деб айтилиши ноқулай бўлган бепарда сўз ва гапларни бошқа адабийроқ тарзда сўзлаш (ва ёзишга) айтилади: *туғди ўрнига кўзи ёриди, ўғри ўрнига қўли эгри, ўлди ўрнига оламдан ўтди* каби.

Шу билан бирга, ҳикматли сўз ва ибора, мақол, масал, маталлардан келиб чиқадиган мақсад, хулосалар ҳам услубий мазмунни келтириб чиқаради. Масалан: Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида «*Ошиққан қиз эрга ёлчмас*» мақолига «*Бош эсон бўлса, бўрк топилар*» масалининг жавоб бўлиши маълум бир услубий мазмунни келтириб чиқаради.

Таг маъно. Маълум мақол, матал, масал, ҳикматли сўз ва ҳангома — латифа, аския романтик насрий ва шеърний асар, памфлет ва б. орқали бирор аниқ воқеа, ҳодисалар ҳақида хабар қилинса ҳам, бу хабарлар остида бошқача мақсад, фикр изҳор қилинади.

Мақол: *Кўшнинг тинч — сен тинч* (юрт тинчлиги).

Матал: *Жинқарча (синчалак) кечаси осмонга қараб ётар эканки, осмон қуласа ушлаб қоламан* деб (ўзига ортиқча баҳо бериш).

Ҳикматли сўз:

*Кўпинча сўз айтиб бўлдим пушаймон,
Айтмаган сўзимдан доимо шодон.*

(Рудакий)

Ҳангома: *Хотин:— Сизга теккунча, алвастига тегсам бўлмасмиди!*

Эр:— Афсус, яқин қариндошлар орасида никоҳ бекор қилинган...

Кўчма мазмуи. А. Фитрат «Ҳинд истилочиларига» асари орқали Совет давридаги Туркистоннинг (Ўзбекистоннинг) оғир аҳволига ишора қилди.

А. Орипов «Учинчи одам» асарида ўз ичидан чиқиб, бошқаларни сотган одамларни кўзда тутди.

*Яланғоч, сарғайган, кимсасиз ўрмон,
Бошингда чарх урар кузги довуллар.*

(А. Орипов)

Ҳажв:

*Бошларида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё,
Қўлларида субҳаю бўйнида зуннор авлиё.*

(Муқимий)

*Манқаси оққан палид, ифлоским макруҳ табъ,
Ош еса беш панжа доим дар даҳан.*

(Асрорқул)

*...Унда баззоз бор экан,
У баззознинг хотини
Бўз иштонга зор экан.*

(Фольклор)

Ички нутқ. Муаллиф ёки асар қаҳрамони ўз фикрини, ички нутқини ифодалаб, ўз-ўзи билан суҳбатлашгандай, фикр юритгандай бўлади:

Айб кимда? Айб нимада? Ёки ер ёмонми?... Ёки уруғ ёмонми? Ё бўлмаса об-ҳаводами? Ё ерга солинган ўғит ёмонми?... (Уйғун)

*Қўлимда сўнгни тош қолди,
Кўнгилда сўнгни интилмак.
Кўзимда сўнгни ёш қолди,
Кучимда сўнгни толнинмоқ.*

(Чўлпон)

г) Фонетик воситалар

Нутқдаги фонетик воситалар ҳам маълум ўринларда услуб яратувчи воситага айланади.

Фонетик воситаларга — интонация (гап ва сўзнинг товланган оҳанги), тембри, ургу, пауза, аллитерация, ассонанс, товуш кучи ва такрорланиши, темпи, нарса ва жонивор товушларига тақлид овозлари киради.

Фонетик воситалар кўпроқ бадий (поэтик) нутқда ритм, қофия, радиф, бандлар учун, шунингдек, оғзаки нутқда қўлланади.

Масалан: *нозанин, олим, авлиё* каби сўзларни киноя билан айтиш.

Лутфий, Навоий, Бобур каби шоирларнинг нозик ва латиф ғазалларини ўқиб, дам оламиз, руҳан енгиллашамиз. Ҳатто мазмунини тушунмаган кишилар ҳам Қуръон оятларини эшитиб, изтиробга тушади, руҳан поклангандек бўлади. Бунинг сири нимада? Бу ўринда оят ва ғазаллардаги сўзларнинг маънодошлиги ва товушларнинг маълум қатъий фонетик қонуниятлар асосида жойлашиши, сингармониясидир.

Фонетик воситалар билан услубий мазмунни ифодалаш «фоноуслубшунослик» («товуш услубшунослиги») ёки «фоностилистика» ҳам дейилади.

Фонетик услубий воситалар оғзаки нутқда тўлароқ ифодаланади, ёзма нутқда эса унинг баъзи хусусиятларигина берилиши мумкин.

Фонетик услубий воситалар қуйидагилардан иборат:

Унли ва ундош товушлар талаффузи. Унли ва ундош товушларни турлича талаффуз этишда маълум бир услубий маъно — норозилик, ишончсизлик, шодлик, бақириш, ҳаяжон, иккиланиш ифодаланади.

Бээ..., бекор гап! Нимага алдадингиз? Нимага-а-а?! (Ў. Ҳошимов). — *Ме-еи!* — жавоб қилдим овозим ярим ёрти чиқиб. — *Опа-а, сизга ха-а-ат!* — *Топдимуввв!* — *деб бақириб юборди.* (С. Айний) *Отабек мастларча кулди: — Ммменга зарурати бўлмаса, ккимга бор?!* (А. Қодирий).

Турли услубий мазмун ифодалаган товушлар ёзувда такрорий ҳарфлар билан, шеърда алоҳида сатрларда, насрий асарларда абзацни қўллаш орқали, турли тиниш белгилари (кўп нуқта, қўш тиниш белгилари, урғу белгисини қўйиш, бўгинларни ажратиш кўрсатиш ва б.) орқали берилади.

Оҳанг. Оҳангнинг тембри, ритми, тони, товланиши, чўзилиши ҳам турли услубий маъноларни ифодалашда восита бўлади.

Сўз бирикмалари орасидаги тўхталиш (пауза)нинг бўлиши ва бўлмаслиги мазмунга таъсир этади:

Жаноб, Ванкани қўйиб юбор (Жанобга мурожаат)

Жаноб Ванкани қўйиб юбор (Ванка — Жаноб)

Онасиз бола ўйнамас (2 маъно)

Оҳангнинг мелодикаси (товланиши) гапнинг турларини ажратади:

Салим айбдор. Салим айбдор? Салим айбдор! Салим айбдор...

Тиниш белгилари ҳар қайси гапнинг оҳанги ва мазмуни турлича эканини кўрсатади.

Ундалмаларнинг турли мазмуни (чақириш, севги, ўпқалаш ва б.) ҳам уларнинг мелодикаси ва гаптаги ўрнига қараб белгиланади:

Урғу. Урғунинг ўрин алмашиши маънога таъсир этади: *Онасиз* ва *онасиз*. *Отинг* ва *отинг*. *Ўқитувчиман* ва *ўқитувчиман* каби. Гапта мантиқий урғу тушган бўлак асосий мақсадни ифодалайди. Мантиқий урғу тушган бўлак одатда кесимдан олдин келади: *Тирикчилигимиз шу боғ орқасида бир нав ўтиб турибди.* (Ойбек).

Мантиқий урғу орқали бадиий, нотиклик ва расмий нутқ усуллари шакллантирилади.

Сўзнинг турли оҳанг ва мелодия билан талаффуз этилиши, қаҳр-ғазаб, жирканч, киноя, эркалаш, севинч, шубҳа, завқ, ваҳима ифодалаш мумкин. Албатта, бу маъноларни тиниш белгилари ёки ҳарфларни такрорлаш билангина ифодалаш қийин, шунинг учун бундай мазмунли матнларда «аччиқланмоқ, нафратланмоқ, кўрқмоқ, завқланмоқ» каби феъллар қўлланади:

Мадамин (*жинниланиб*). А-б-л-аҳ!!! (Яшин)

— Ҳали, ҳожимилар? — деди киноя билан.

Салима *қўрқиб*: — Ўғримиди?! — деди.

Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. *Илтимос*, метро эшикларига суйанманг.

— Ҳақиқий гавҳар! — деди *завқланиб*.

Гапта оҳанг такти (ритмик поғона)дан услуб яратишда восита сифатида фойдаланилади:

Эй Фарғона,

Мушкул кунлар боласини

тишида тишлаб,

Ювиб,

тараб,

севиб,

ўпиб,

кучиб,

опичлаб

Эй бахтларга, балоғатга стказган она!

(Ҳ. Олимжон)

Тўхталиш айтилмаган сўз ёки гап, фикр, армон, алам ифодалайди:

*Болаликда ширин бўлса қанд,
Қариганда ширин бўлар жон...*

(Э. Воҳидов)

*Ҳамон ёдимдадир у ғамли кўзлар,
Шу оқшом айтилган аламли сўзлар:
«Ота...», «бойлик...» «тақдир...», «никоҳ...»,
«Қари чол...» ва «хайр, хуш қол!..»*

(Э. Воҳидов)

д) Синонимия

Содда гап ва қўшма гапларнинг турлари шаклан турли, аммо мазмунан бир-бирига тенг бўлса, синтактик синонимияни ташкил этади ва бир-бири билан алмашилиши мумкин бўлади. Синтактик синонимия бир мазмунни ифодалаш учун қўлланган турли конструкциялар алмашилиши демакдир. Бу алмашилиш орқали турли услубий маънолар ифодаланади.

Масалан: 1. *Унинг бирдан кириб келиши биз учун кутилмаган ҳодиса бўлди — У бирдан кириб қолди — бу биз учун кутилмаган ҳодиса эди.* 2. *У бирдан кириб келди ва биз ҳайрон бўлиб қолдик. — У бирдан кириб келгач, биз ҳайрон бўлиб қолдик.*

Синтактик синонимияда синоним бўлган конструкцияларда умумий мазмун сақланади, фақат мазмун отенкаларида маълум фарқлар бўлади. Ана шу каби мазмундаги нозик маъно фарқлари услубий мазмун касб этади.

Одатда, қуйидаги грамматик категориялар синоним бўлиб келиши мумкин:

1. Келишиқ қўшимчалари ва қўмақчилари:

Мажлисда камчиликларни гаплашиб олдик. — Мажлисда камчиликлар тўғрисида гаплашиб олдик. Сизга (Сиз учун) атаган қўшиқлари бор (Уйғун).

2. Эгалиқ қўшимчалари синонимияси:

Менинг китобим — китоб меники.

3. Сифат ясовчилар синонимияси: *но-, бе-, ва -сиз* қўшимчаси:

Ноқулай — қулайсиз, бепул — пулсиз.

4. Олмошлар синонимияси: гумон ва кўрсатиш олмошлари: *Бир (шундай) ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди.* (Х. Олимжон)

5. Феълнинг замони ва шахси синонимияси: *Қани, болалар, ёзамиз (ёзинглар маъносида). Деҳқон бўлсанг (кўпчиликка қаратилган), куз ҳайда. Биз Салимни чақирамиз (чақирдик ўрнида).*

Кўшма гаплар синонимияси:

1. *Тантибойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди, бироқ ўзини билмасликка солди.* (Ойбек). *Тантибойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди-ю, ўзини билмасликка солди.* 2. *Ё мен борай, ё сиз келинг — гоҳ мен борай, гоҳ сиз келинг.* 3. *Шундай давр эдики, овқатим ҳам, уйқум ҳам китоб.* (С. Айний) — *Овқатим ҳам, уйқум ҳам китоб бўлган давр эди.* 4. *Қўшининг тинч — сен тинч* (Мақол) — *Қўшининг тинч бўлса, сен тинч.*

е) Экстралингвистик воситалар

Экстралингвистик воситаларга тилга хос сўз, ибора, гап, оҳангдан ташқари бўлган воситалар киради. Булар гапнинг умумий мазмуни (контекст), шароит, ижтимоий муҳит, сўзловчининг ижтимоий аҳволи ва бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин. Шу вазиятга қараб сўзловчи ўз фикрини мимика орқали, қўл ва бошқа аъзоларни ҳаракатга келтириш орқали ифодалайди, вазиятга қараб зарур бўлган услубий воситани танлайди ва ёзади.

Шунинг учун ҳам экстралингвистик воситалар оғзаки нутққа, ички фикрлашга (мантиққа) оид масаладир.

3-§ ЁЗМА НУТҚ УСЛУБИНИНГ МЕЪЁРЛАРИ

Ёзма нутқ меъёрлари (мезони, ўлчови, нормаси)¹ тилда қабул қилинган фонетик, лексик, грамматик қонуниятлар асосида белгиланади.

¹ *Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. АДД, Т., 1991. Бегматов Э. Адабий норма ва нутқ маданияти. Т., 1983.*

Тил — бу қисмлари бир-бири билан узвий боғланган тизимдир. Нутқ — қабул қилинган тил меъёрларининг амалга ошиши, реаллашишидир.

Тил меъёрининг асосий белгилари — барқарорлик (маълум давр учун турғунлик) ва динамиклик (ўсиш ва ривожда бўлиш)дан иборат. Демак, тўғри ва қондали нутқ учун, аввало, тил меъёрлари ишлаб чиқилиши ва кўпчилик томонидан қабул қилиниши шарт. Буниинг учун тил қонунлари мукамал ишланган бўлиши керак.

Тил меъёрининг шаклланишида айрим сўз усталари, ёзувчилар, мухбирлар ва таржимонларнинг хизмати катта бўлади. Улар ўз ёзма услубларини яратадилар, уни бойтадилар.

Тилшунос олимлар эса бундай асарларнинг тил ва услубини ўрганиб, маълум тил меъёрларини ишлаб чиқадилар ёки янги бир услуб пайдо бўлганини қайд қиладилар, грамматика, изоҳли ва таржима луғатлари, орфографик, орфоэпик ҳамда синоним ва бошқа луғатларни тузадилар. Шунда талаффуз ва ёзувдаги бирлик, шакл ва ибораларнинг барқарор тизими сақланади.

Тилнинг тавсия қилинган меъёрларида диалектал сўзлар, жаргонлар, кўпол сўз ва иборалар қўлланмайди. Адабий тил нормаси шаклланиб, ўзининг типиклиги (намуналиги), кўпчиликка маъқул бўлганлиги, қатъий тартибга тушганлиги, турли услубга эга бўлганлиги, барқарорлиги ва динамиклиги (ўзгарувчанлиги) билан ажралиб туради.

Бу ўринда барқарорлик ва динамиклик орасида қарама-қаршилик маълум давр ўтиши билан эски меъёрлар (масалан, эски ўзбек тили меъёрлари) инкор қилиниши ва ҳозирги замон тили меъёрларига мос бўлмаслиги тўғрисида гапириш ўринсиз бўлади. Аслида, анъанавий ёзма услуб меъёрлари мукамаллаштирилади, ҳозирги замон тили учун номақбул бўлган баъзи ҳолатлар тушиб қолади, янги қонуниятлар билан тўлдирилади.

Бадий тил таркибида айрим диалектал сўзлар, жаргонлар, сўзлашув тилига оид айрим сўз ва ибораларнинг қўлланиши (айрим асар қаҳрамони ва воқеа, ҳодисаларни тавсифлаш учун) ҳам мумкин.

Адабий тил меъёри асрлар бўйи шаклланган тил қоида ва қонуниятларининг умумлашмаси, асосидир. Илмий, адабий, оммавий асарлар ўз навбатида маълум тил меъёрларини тарғиб қилади, қўллаш намунасини кўрсатади. Адабий тил меъёрининг шаклланишида газета тилининг ҳам роли катта. Тилдаги турли вариантлик (фарқли томонлар), аввало, газета тилида кўрилади, чунки газета замон билан ҳамнафас, ҳозиржавоб бир қуролдир.

Турли вариантлик ва янгилик, аввало, матбуотдан ёки бирор асардан маълум бўлади. Бундай ҳолда бир тушунчани ифодалаган икки вариант бўлиши, маълум давр ўтиши билан бу вариантларнинг бири қолиши мумкин.

Бадний асарда муаллиф тили маълум тил меъёри асосида тузилади. Аммо асар қаҳрамони тилида бу меъёрдан узоқлашиш ҳолатлари ҳам учрайди: асар қаҳрамонининг яшаш жойи, касби, жамиятда тутган ўрни, маданиятига қараб, унинг тилида диалектал, касбга оид сўзлар бўлиши, жаргонлар ва адабий меъёридан узоқ бўлган тил хусусиятлари қўлланиши мумкин. Турли услубий меъёрларни аралаштириб қўллаш маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлса, бу бадний услуб учун қонуний ҳисобланади. Оғзаки нутқда айрим сўзларнинг ноўрин ишлатилиши, гап бўлаклари тартибининг ўзгариши, шевачиликка йўл қўйилиши мумкин. Бу ўзгаришларнинг қанчалик қонуний ёки ноқонуний эканини белгилаш учун оғзаки нутқ меъёрини ҳам ишлаб чиқиш талаб этилади.

Албатта, кейинги даврдаги фан ва техника, ижтимоий ҳаётда бўлган кескин ўзгаришлар, тилларнинг таъсири тил меъёрларини қайта қуриб чиқишни тақозо қилди. Аммо бу ўзгаришлар эскини «инкор этиш» йўли билан эмас, уни янада ривожлантириш ва мукаммаллаштириш йўли билан боради.

Адабий тил ва услуб меъёрлари асосан ишлаб чиқилган бўлса ҳам, ёзма адабиётда, айниқса, радио ва телекўрсатувларда услубий меъёрлар, тил қоида-қонунларининг бузилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Услубий меъёрни яратувчи воситалар уч турга бўлинди: *асосий*, *ёрдамчи* (факультатив) ва *шахсий* (оказионал) воситалар. Асосий услубий воситаларга мазмуни ва маъноси билан бирор услуб турини яратувчи воситалар

(масалан: бадийи услубда бадийи тил воситалари) кирса, ёрдамчи (факультатив) воситаларга маълум контекстдагина бирор услубни яратувчи воситалар — сўз ва иборанинг иккиламчи ихтисослашуви (масалан, расмий услубга оид сўзларнинг бадийи услубда қўлланиши), шахсий (оказионал) услубий воситаларга эса, ёзувчининг маълум матн ва бирор сўз ёки сўз бирикмасини ўзига хос услубий восита сифатида қўллаши киради.

Демак, услубий меъёрларни белгилашда услубий воситаларнинг кўрсатиб ўтилган қонун-қоидаларини инобатга олиш зарур. Бунда ёзма услубнинг хусусий қўлланиш ҳолатлари ҳам инобатга олинади. Белгиланган меъёрлар фикрни аниқ, ихчам, равон ва таъсирчан ифодалаш учун зарурий тавсияларни беради. Одатда, бу тавсиялар — меъёрлар ёзма ва сўзлашув услуби учун (ҳар бир услубга алоҳида) белгиланади. Меъёрни белгилашда сўзлашув тилидаги типик (кўп қўлланадиган, намунали) ҳолатни ҳам ҳисобга олиш мумкин, аммо, мавжуд грамматик, лексик, фонетик қоидалардан четга чиқмаслик керак.

Шу билан бирга, ижтимоий табақалар (жамиятда ҳар бир тоифанинг, ижтимоий-социал гуруҳнинг, касибнинг, оддий ишчи ёки деҳқон, ҳарбий ва оддий фуқаро, ўқитувчи ва олим, касиб ва жамоат арбоби, дин арбоблари, талабалар каби) оғзаки ва ёзма нутқида ўзига хос услуб бўлади.

4-§ ЎЗБЕК ТИЛИ ЁЗМА НУТҚ УСЛУБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбек адабий тили ёзма услубининг шаклланишини 5 даврга бўлиш мумкин:

- 1) Қадимги туркий тил услуби (VII—X асрлар).
- 2) Эски туркий тил услуби (XI—XIII асрлар).
- 3) Эски ўзбек тили услуби (XIV—XVIII асрлар).
- 4) Янги ўзбек тили услуби (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг 20-йиллари).
- 5) Ҳозирги замон адабий тили услуби.

Алишер Навоийга қадар бўлган ёзма ёлгорликлар (Ўрхун—Энасой битиклари), XV—XVI аср ёзма ёлгорликлари: «Девону луғатит-турк», «Қутадғу билиг»,

Аҳмад Яссавий «Ҳикматлари», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Қиссаи Рабғузӣй», «Муҳаббатнома», «Ўғузнома», «Ҳисрав ва Ширин», «Қиссаи Юсуф», Лутфӣй, Саккокий, Атоий ва бошқа ёзувчи ва шоирларнинг асарларининг тили ва услуби сўзлашув тилига яқин, уларнинг асарларини бемалол тушунса бўлади. Албатта, ўз даври талабларига кўра, кўп сўз, ибора ва ифодалар архаиклашиб, уларнинг маъносини маълум луғатлар орқали тушунишга тўғри келади.

Алишер Навоийнинг тили ва услуби эса форсий-тожикча, арабча сўз ва иборалар билан бойитилганки, бу ҳол ҳозирги замон ўқувчисини кўп ўринда Навоий асарларини луғатсиз тушунишини қийинлаштиради. Навоий тилидаги бу хусусият ўз даврининг ижтимоий, сиёсий талабларига кўра бўлган. Навоий асарларини ўз даври аҳолиси (Ҳирот аҳли икки тилли бўлган) яхши тушунган. Шунингдек, кўп сўзлар даврлар ўтиши билан архаиклашганини ҳисобга олиш керак.

Замон, ижтимоий-сиёсий вазият ёзувчи, шоир ва олимнинг ёзма нутқи услубига ҳам таъсир кўрсатади.

Алишер Навоийдан кейин унинг яратган ёзма нутқ услуби туркий тилда ижод қилувчи кўп шоир ва ёзувчиларга намуна бўлди, шу услуб асосида ижод қилдилар. Аммо, бу ҳолат (жонли сўзлашув тили билан ёзма нутқ орасидаги узилиш) узоқ давом этмади. Муҳаммад Солиҳ, Абулғозӣй Баҳодирхон, Турди, Гулҳаний асарларида эски анъанавий услубдан узоқлашиш ва халқ сўзлашув тилига яқинлашишга интилиш устун турди.

Эски ёзма нутқ услубидан халққа тушунарли услубга ўтиш Амирий, Фурқат, Муқимий асарларида ҳам кўрина бошлади. Албатта, бу шоирларнинг насрий асарлари анъанавий услубни маълум даражада давом эттирса ҳам, назмий асарларида бу услуб ўзгара бошлайди — сўзлашув тили услубига яқинлашади. Бу яқинлашиш айниқса С. Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Авлоний, Сўфизода асарларида, XIX аср охири ва XX аср бошида нашр қилинган газета ва журналлар тилида ёрқин кўринади. Шунинг учун ҳам бу адибларнинг, газета ва журналларнинг услуби ҳозирги замон услубининг шаклланишига асос бўлди.

Ҳозирги замон услубининг деярли ҳамма турлари қадимдан мавжуд бўлган. Илмий оммабоп (айниқса, XIX аср иккинчи ярмидан), расмий иш услуби, нотиклик, бадиий услублар қўлланиб келинган. Ҳатто нотиклик услуби махсус дарс сифатида ўқитилган.

Ёзма нутқ услубларининг шаклланиши ва ривожланиши учун тилнинг ижтимоий вазифаси — қўлланиш доираси кенгайиши шарт. Айтиқса, XX асрнинг 20-йилларидан ўзбек тилининг қўлланиш доираси кенгайди — бу ҳол баъзи услуб турларининг янада такомиллашишига сабаб бўлди, услубнинг янги турлари келиб чиқди. Масалан: газеталарнинг бош мақолалари, баъзи бир адабий жанрлар (памфлет, эссе, фельетон ва б.) келиб чиқиши каби.

Ёзма услубнинг шаклланишида оғзаки нутқнинг, шоир, ёзувчи, олим, публицист, мухбир, айтиқса таржимонларнинг роли катта. Улар мавжуд услубларни мукамаллаштирадидлар, янгиларини яратадилар.

Оғзаки тилга хос бўлган кўп хусусиятлар адабий ёзма услубдан жой олди, мумтоз ёзма адабий услубга хос кўп шакллар (фелънинг *-ур, -дир* шакллари) ва сўзлар (*эмгакчи — меҳнаткаш, беклар беги — губернатор, доруға — қўрғон бошлиғи* ва б.) истемолдан чиқди ёки тарихий асарларда ҳамда асар қахрамонини тавсифлаш учун қўллана бошлади. Республика мустақил бўлгач, янги сўзлар қўллана бошланди ёки айримлари тикланди: *муаллиф, матн, қалам ҳақи* каби.

Ҳозирги ёзма услубнинг шаклланишида А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Авлоний, Беҳбудий, Ҳамза, 30-йиллардан Ойбек, А. Қаҳҳор, Яшин, Ҳ. Олимжон, Амин Умарий, кейинги даврларда Саид Аҳмад, Шухрат, Шукрулло, А. Орипов, Э. Воҳидов ва бошқа ижодкорларнинг хизмати катта бўлди.

Адабиёт

1. *Бегматов Э, Маматов А.* Адабий норма назарияси. «Наврўз», I қисм, 1997, II қисм, 1998, III қисм, 2000.

2. *Бегматов Э.* ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. «Фан», Т., 1983.

3. *Дониёров Х., Йўлдошев Б.* Адабий тил ва бадиий стиль. «Фан», Т., 1988.

4. *Йўлдошев Б.* Бадиий стилистика, Самарқанд, 1982.
5. *Йўлдошев Б.* Ўзбек сўзлашув нутқи, «Фан» Т., 1982.
6. *Маматов А. Э.* Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари, Т., 1991.
7. *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. «Фан», Т., 1984.
8. *Раҳматуллаев Ш.* Некоторые вопросы узбекской фразеологии, «Фан», Т., 1966.
9. *Содиқова М.* Феъл стилистикаси, «Фан», Т., 1975.
10. *Яхшиева Г.* «Ўзбек тилида фонографик, услубий воситалар», «Фан», Т., 1996.
11. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги, Тўплам, «Фан», Т., 1983.
12. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. 427-чиқиши, Тўплам, Т., 1972.
13. Нутқ маданиятига оид масалалар, Тўплам, «Фан», Т., 1973.
14. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари, Тўплам, Самарқанд, 1987.
15. *Кунгуров Х. Р., Каримов С. А.* Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти (библиографик кўрсаткич), Самарқанд, 1984.
16. *Кунгуров Р.* ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубиёт асослари. «Ўқитувчи», 1992.

VI б о б

МУНШАОТ

Ўзбек тилида иш юритиш ҳужжатлари ҳақида

Инсон жамиятда яшайди. Унинг жамият аъзолари билан, шу жамиятда ташкилот ва идоралар билан муносабатини амалга оширувчи ва тартибга солувчи иши жамият томонидан қабул қилинган, маълум тартиб ва қоидалар асосида тузилган ёзма иш қоғозлари асосида бўлиб, бу ёзма қоғозлар расмий ҳужжатлар ёки расмий иш қоғозлар деб номланади. Бу расмий иш қоғозлари инсонлар ва маълум тузилмалар (идора, муассаса, жамият ва б.) орасидаги муносабатларни белгилайди ва тартибга солади. Инсонларнинг ўзаро муносабати (масалан, тилхат) ва жамиятга муносабати ана шу расмий иш қоғозлари орқали ҳал бўлади. Иш қоғозлари расмий тус олиб, ҳуж-

жатлар тусини олганда, жамиятда ташкил бўлган муассасаларда (идора, бошқарма, вазирлик, ҳокимият, нотариал ва фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари, суд, прокуратура, турли комиссияларда) кўрилади ва ҳал қилинади.

Расмий иш қоғозлари эркин тузилмай, ҳар бир расмий иш қоғозини тузиш тартиблари махсус ҳужжатшунослик ва архив ишлари илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган шакл ва тартиблар асосида, ҳар бир ҳужжатнинг Давлат стандарти (ГОСТ) — ягона Давлат қолипи ишлаб чиқилади ва тавсия этилади. Шу тариқа ҳар бир ҳужжатнинг ягона шакли вужудга келади, идоралар томонидан кўрилади ва қабул қилинади. Бундай расмий иш қоғозларининг сони 60 га яқин бўлиб, идора ва муассасаларнинг асосий иш мазмунини ташкил этади.

Бир қолипга тушган ҳужжатлар тузиш қадимдан амалда бўлгани маълум. Қадимги туркий тиллар мутахассиси С.Е. Малов ўзининг «Памятники Древнетюркской письменности» асарида (Москва — Ленинград, 1951) қадимги туркий (уйғур) ёзувида X — XIII асрларда битилган ўнлаб расмий ҳужжатларнинг (шикоят, олди-сотди, ижарага қўйиш, тилхат каби) намуналарини келтиради ва бу ҳақда ёзилган адабиётлар рўйхатини келтиради (ўша асар, 200 —218-бетлар). X асрдан бошлаб туркий (қадимги туркий) тилида ёзилган турли ҳужжат намуналари (ёрликлар, «патталар», давлатлараро дипломатик ҳужжатлар, қозихона ва девонхоналарда сақланган турли-туман расмий иш қоғозлари) бизгача етиб келган.

Шуниси муҳимки, бу ҳужжатлар муайян турғун сўз, бирикмалар ва барқарор лисоний қолиплар асосида тузилади («Тўхтамиш сўзим Яғайлага», «Темур Қутлуғ сўзум»)¹.

¹Радлов В.В. Ярлык Темур Кутлуга и Тахтамиша, ЗВО РАО, т. III, вып. 1—2, 1888. Яна қаранг: Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви, Т., 1989.

²Григорьев А.И. Конкретные формуляры чингизидских жалованных грамот XIII—XV в.в. Тюркологический сборник, М., 1978. Троицкая А.Л. Ганчи, ганчибаши в Кокандском ханстве (XIX в.), Тюркологическое исследование, М. — Л., 1963.

Дунёнинг ҳар бир мамлакатида қадимдан расмий иш қоғозлари қўлланилиб келади¹.

Расмий иш қоғозларининг қиммати шундаки, у ўз даври жамият аъзолари орасидаги, жамият билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабатлар, давлатлар орасидаги турли муносабатлар, давлатнинг тузилиши, ички қонун ва қоидалари ҳақида маълумот беради. Бу эса жамият тарихини, ижтимоий аҳволи ҳамда муносабатлар тарихини ўрганишга ёрдам беради ва шу мақсадда тарихий монографиялар, мақолалар, диссертациялар ёзилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгунга қадар расмий ҳужжатлар рус тилида белгиланган қолипда ёзилиб келди ёки айрим ҳужжатлар рус тили қолипи асосида ўзбек тилида таржима қилиб берилди².

Ягона Туркистон Республикаси ажратилиб, алоҳида республикалар ташкил бўлган йиллардаёқ Ўзбекистон Жумҳурияти 1924 йил 31 декабрда 48-рақамли «Ишларни ўзбек тилида юргизиш» тўғрисида муҳим бир қарор қабул қилди. Қарорда бутун бошқарув идораларида ҳамма расмий иш қоғозларини фақат ўзбек тилида юргизиш, ўзбекча расмий ҳужжатлар тузиш, йўриқномаларни тайёрлаш топширилди. Аммо 30-йилларда бошланган оғир вазият, ноҳақлик, қонунбузарлик вазиятида, айниқса, собиқ ВКП (б) МК ва СССР МС нинг 1938 йили қабул қилган («Об обязательном изучении русского языка») қароридан кейин, миллий тилларни, хусусан, ўзбек тилини чеклаш ва менсимаслик сиёсати юргизилгач, мазкур қарор ўз кучини йўқотди. Ниҳоят, 1989 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси «Ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисида» қонун қабул қилди. Бу қонунга кўра, 8 йил мобайнида бутун расмий ҳужжатлар ўзбек тилида ёзилиши керак эди. Аммо республикадаги миллий муносабатларни турғунлантириш, барқарорликни кўзлаб, Ўзбекистон Олий Кенгаши 1995 йил 21 декабрда мазкур Қонуннинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида қонун қабул қилди. «Давлат тили ҳақида»ги қонун-

¹ Н. Аминов ва бошқа муаллифлар гуруҳи. Иш юритиш. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Т., 2000, 5-12-б. Қаранг: Граматович К. Образцы деловых бумаг. Уздавнашр, 1930 г.

нинг янги таҳририда расмий иш қоғозларини ўзбек ва рус ҳамда бошқа тилларда тузиш ва қабул қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбек тилида ягона расмий иш қоғозлари тузишнинг суёт амалга оширилишининг сабабларидан бири — бундай ҳужжатларни тузиш йўллари, шакли, тили ва услубини ўрганувчи ва белгиловчи бирор илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилмагани ҳам сабаб бўлмоқда. Республика учун ўзбек тилида ягона расмий иш қоғозларининг (ҳужжатларнинг) шакли билан ҳозиргача айрим олимларгина шуғулланиб, ўз тавсияларини бермоқдалар.

Ўзбек тилида ягона расмий ҳужжатларнинг муассаса, идора, бошқарма ва бошқа турли бошқарув идораларида иш ташкил қилишда, айрим шахс ва жамиятнинг талаби, таклифини амалга оширишда ҳамда унинг ижро этишдаги аҳамияти ва ўрнини ҳисобга олиб, мазкур ҳужжатларни тузиш ҳамда ижро этиш услуби устида иш олиб бориш, Давлат ягона нусхаларини ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масаласидир.

Ҳужжатларнинг мақсадга кўра турлари

Ҳужжатлар ички (муассаса, идоранинг ички масалаларини ёки айрим хизматчиларнинг масаласини ҳал қилишга қаратилган) ёки ташқи (ташқи идоралар билан ҳал қилинадиган) ҳужжатлардан иборат бўлади. Ҳужжатларнинг мақсадга кўра турлари, тузилиши ва шакллари қуйидагича бўлади:

Ҳар бир расмий иш қоғози (ҳужжат) маълум бир мақсадни кўзда тутлади. Шунга кўра ҳужжатлар 3 турли бўлади¹:

- 1) хусусий ёки шахсий ҳужжатлар;
- 2) шахс ёки жамоага қарашли ҳужжатлар;
- 3) жамоага қарашли ҳужжатлар.

¹ Бу ерда ҳужжатларнинг кимга қарашлилиги ва ким томонидан тузилишига кўра тасниф этилди. Ҳужжатларнинг мазмунига кўра тасниф ҳам бўлиши мумкин.

1) шахсий ҳужжатлар: таржимаи ҳол, тавсифнома (характеристика), тавсиянома (рекомендация), тилхат (заявление), гувоҳнома (удостоверение), таклифнома (пригласительный билет), меҳнат дафтарчаси (трудовая книжка), муносабат белгиси (резолюция), шахсий варақа (личное дело, анкета), сўроқ баённомаси, ишончнома (доверенность), таклифнома, ҳукм, айбнома, фармон, буйруқ.

2) айрим шахс ёки шахсларга оид ҳужжатлар: ариза, сафар гувоҳномаси (командировочное удостоверение), тушунтириш хати (объяснительная записка), шикоят аризаси, фармон, буйруқ, билдириш (рапорт), кафолатнома, хизмат хатлари, эълон, шикоят аризаси (кассационная жалоба).

3) айрим шахс, шахслар ёки идора, ташкилотларга оид ҳужжатлар: ажрим (ҳакам идораси орқали), ҳисобот, далолатнома (акт), маълумотнома (справка), даъвонома, илтимоснома, тушунтириш хати, ахборот, ашёвий далиллар дафтари (тетрадь вещественных доказательств), молиявий-статистик ҳужжатлар.

4) Жамоага ёки жамоаларга тааллуқли ҳужжатлар: қонун, йўриқнома (руководство), низом (положение), устав (тузукот), таътил жадвали (график отпусков), штат (ходимлар) жадвали (штатное расписание), битим (соглашение)¹, аҳднома, шартнома (договор).

Ҳужжатларга² қўйилган талаблар:

1) Ҳужжатлар белгиланган ягона шаклда бўлиши шарт. Ҳужжатларнинг шакли айрим қўлланмаларда кўрсатилган шаклларда тузилади.

2) Ҳужжат кўрсатилган муддат давомида ўз кучида бўлади (масалан, ишончномада) ёки иш шу хилдаги янги

¹ Битим айрим шахс билан ташкилот, корхона ўртасида бўлиши ҳам мумкин.

² Расмий иш қоғозлари (ариза, шикоят, баённома ва б.) идора ҳамда муассасаларда ўрганилади, улар бўйича иш олиб борилади ва қарор қабул қилинади. Улар шу идорада ёки унинг архивида сақланади. Шунинг учун ҳам расмий иш қоғозлари ҳужжат ҳисобланади. Биз ҳам ана шу атамдан фойдаланамиз.

ҳужжат қабул қилинмагунча амалда бўлади (масалан, қарор, қонун, буйруқ ва б.)

3) Ҳужжатларда айрим сўзларни ўчириш ёки тузатиш мумкин эмас. Агар шундай ҳолат рўй берган бўлса, ўша идоранинг ўзи ўз муҳри ва имзоси билан мазкур тузатишни тўғри деб тасдиқлаб бериши шарт.

4) Ҳужжатларда айрим қисқартма ва шартли ишоралар бўлса, улар ягона Давлат қолиплаш (стандартлаш) идораси томонидан белгиланган ва тасдиқланган бўлиши лозим.

Ҳужжатларнинг тузилиши

Ҳужжатлар белгиланган ягона давлат нусхаси, андозаси, қолипи (штампи, стандарти) асосида тузилади. Ҳар бир ҳужжатнинг ўзига хос нусхаси, қолипи, шакли бўлади.

Собиқ ягона давлат нусха идораси (ГОСТ) томонидан ҳужжатлар учун зарурий қисмлар 31 хил қилиб белгиланган.

Белгиланган қисмлардан энг зарурлари:

- а) ҳужжат эгаси (муассаса раҳбари ёки айрим шахс);
- б) ҳужжат турининг номи (тавсиянома, далолатнома ва б.);
- в) ҳужжатларнинг номи (ариза, далолатнома, агар буйруқ бўлса, унинг қисқа мазмуни ва б.);
- г) ҳужжат юбориладиган идора, шахс (адресат);
- д) матн (ҳужжатнинг мазмуни);
- е) ҳужжатни тасдиқловчи имзо, муҳр, сана.

Ҳужжатлардан айрим намуналар:

БУЙРУҚ

Зарурий қисмлар:

- а) Республика герби;
- б) Республика номи;
- в) бошқарувчи идора (вазирлик, қўмита, Академия ва б.) номи;
- г) ҳужжат номи;
- д) сана, жой номи, ҳужжат рақами;

- е) буйруқнинг асосий мазмуни;
- ё) буйруқ учун асос;
- ж) «Буюраман»;
- з) раҳбар ёки ўринбосар имзоси.

Буйруқнинг охириги бандида мазкур буйруқни бажариш кимга топширилиши ёки олдинроқ айна буйруқ қабул қилинган бўлса, унга муносабат билдирилади («ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин»).

Буйруқнинг иккинчи нусхасига зарур бўлимлар ва буйруқда номи зикр этилган шахслар ўз розилиklarини билдириб, имзо қўядилар ва бу ҳужжат котибиётда (девонхонада) сақланади.

Буйруқлар турли соҳаларга (бирор идора, бошқарма, бўлимни текшириш, ишга қабул қилиш, бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътили бериш, хизмат сафарига жўнатиш ва б.) оид бўлиб, ҳар бирининг ўз ички тузилиш хусусиятлари бўлади.

На м у н а :

ГЕРБ

Ўзбекистон Республикаси Сув ва қишлоқ
хўжалиги вазирлиги
Тошкент қишлоқ хўжалигини электрлаш ва
механизациялаш институти

БУЙРУҚ

1998 йил 20 март

Тошкент ш. 62-сон

Давлат тили комиссиясини қайта тузиш ҳақида
(Буйруққа асос)

БУЮРАМАН

Матн:

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш...
га топширилсин.

Институт ректори: (имзо)

Ф.А. АКНАЗАРОВ

ҚАРОР

Зарурий қисмлар:

- а) Республика герби;
- б) Республика номи;
- в) ҳужжат номи («Қарор»);
- г) сана, ҳужжат рақами, жой номи;
- д) қарорнинг асосий мазмуни;
- е) қарорга асос;
- ё) «Қарор қилади»;
- ж) қарор матни;
- з) қарорни қабул қилган бошлиқ.

Намуна:

ГЕРБ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Управление Кабинета Министров Республики
Узбекистан**

ҚАРОР

1996 йил 10 сентябр № 311

*Тошкент ш.
г. Ташкент*

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»-
ги Қонунини амалга ошириш Давлат дастурига ўзгарти-
риш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
(Қарорга асос)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Матн:

- 1.
- 2.

3.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш...
га юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

НИЗОМ

Зарурий қисмлар:

- а) «Тасдиқлайман», идора раҳбарининг имзоси, исми, фамилияси, сана (саҳифанинг бурчагида);
- б) Низомнинг асосий мазмуни;
- в) «Низом»;
- г) Низом қабул қилинишига асос;
- д) Матн.

Намуна:

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Миллий
Университети ректори
академик Т. ДОЛИМОВ

(имзо, сана)

**Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги
«Давлат тили тўғрисида»ги Қонушнинг бажарилишини
назорат қилиш ва янги ўзбек алифбосини
жорий этиш комиссияси тўғрисида**

НИЗОМ

(Низомга асос)

Низом матни

РЕЖА

Зарурий қисмлар:

- а) «Тасдиқлайман». Идора раҳбарининг имзоси, сана (саҳифанинг ўнг бурчагида);

б) Режанинг қайси соҳага ва қандай муддатга тааллуқлилиги;

в) Режа шакли: рақам, ишнинг мазмуни, бажарувчи, муддати. Бажарилиши тўғрисида белги;

г) Режани тузувчининг вазифаси, исми, фамилияси, сана.

Намун а:

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(идоранинг номи, раҳбарнинг исми, фамилияси, имзо, сана)

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги
Академияси ҳуқуқшунослик атамалари
комиссиясининг 1998 — 2000 йилларга
мўлжалланган тадбирлар

РЕЖАСИ

Матн

№	Тадбирлар	Бажарувчи	Муддати	Бажарилиши
1	Атамашуносликнинг назарий ва амалий масалалари ҳақида	Комиссия аъзолари	Доимо	

Комиссия раиси: (имзо)

М. ФАЙЗИЕВ

Сана

БАЁННОМА

Зарурий қисмлар:

а) Идора номи;

б) Қарор қабул қилувчи ташкилотнинг (комиссия, кафедра, бўлим, мажлис) номи;

- в) қарор рақами;
- г) сана, жой номи;
- д) «Қатнашдилар» (қатнашувчилар рўйхати);
- е) «Кун тартиби»;
- ё) кўриладиган масалалар ва маърузачилар (1—, 2—, 3— масалалар бўйича);
- ж) 1—(2—, 3—...) масала бўйича ахборот берувчи.
- з) «...масала бўйича музокарага чиқдилар»;
- и) «Қарор қилинди» (1—, 2—, 3—...);
- к) Мажлис раиси, котиби (имзо, исми ва фамилияси).

На м у н а :

**Ўзбекистон Фанлар академияси
Тилшунослик институти
ҳозирги ўзбек тили бўлимининг**

1—БАЁННОМАСИ

Қатнашдилар: *(қатнашганлар рўйхати)*

Кун тартиби:

1. «Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғати» тузилишининг бориши ҳақида (Маърузачи: Э. Бегматов)

2. Номзодлик диссертацияси муҳокамаси (А. Каримов, бўлим аъзолари)

1-масала бўйича ахборот берди: Э. Бегматов (унинг сўзи)

Музокарага чиқдилар: (исми, фамилияси, унинг сўзи, таклифи)

Қарор қилинди:

1) «Изоҳли луғат»нинг аввал сўзлигини тайёрлаш маъқуллансин;

2) «Сўзлик»ни тайёрлашга институтнинг бутун бўлимлари жалб этилсин.

(2-масалани кўриш ҳам шу тартибда)

Мажлис раиси:

(имзо)

Э. БЕГМАТОВ

Котиба:

(имзо)

И. ИМОМОВА

ГУВОҲНОМА

Зарурий қисмлар:

а) ҳужжатнинг муқовасида: Республика герби ва идора номи (баъзи ҳужжатларда ёлғиз «Гувоҳнома» деб ёзилади);

б) ички қисми, 1-бет: Республика герби, чеккасига муҳр қўйилган фотосурат. Ҳужжатнинг қайси муддатгача берилиши;

в) ички қисм, 2-бет: идора номи;

г) ҳужжат рақами;

д) «Гувоҳнома»;

е) кимга берилган (исми, фамилияси, лавозими);

ё) раҳбарнинг имзоси, исми, фамилияси;

ж) ҳужжат берилган сана.

На м у н а :

Ҳужжат муқоваси

а) Ўзбекистон Республикаси герби;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

в) Гувоҳнома;

Ички қисм. 1-бетда:

а) Ўзбекистон Республикаси герби;

б) ҳужжатнинг шартли белгиси;

в) муҳрланган фото;

г) «2002 йил 30 декабргача ҳақиқий ҳисобланали».

Ички қисм. 2-бет:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

б) шартли белги;

в) «Хизмат гувоҳномаси»;

г) «Акбаров Салим, профессор лавозимида хизмат қилади»;

д) Бошлиқ (имзо);

е) берилган вақти: 1998 йил 18 ноябр;

ё) муддати.

ҚОНУН

Зарурий қисмлар:

- а) қонуннинг номи;
 - б) қарор қабул қилувчи ташкилот;
 - в) «Тасдиқлансин». Раҳбарнинг имзоси, лавозими, исми, фамилияси;
 - г) қарор қабул қилинган жой, сана, рақам;
 - д) матн: бўлимлар, боблар, моддалар.
- Қарорнинг сўнггида:
- а) Мазкур Қонунни амалга киритиш тартиби ҳақида қонун қабул қилган кенгашнинг хулосаси;
 - б) матн;
 - в) раҳбарнинг лавозими, имзоси, исми, фамилияси;
 - г) қонун қабул қилинган жой, сана, рақам.

Намуна:

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА

(янги таҳрирда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1995 йил 21 декабр

(Қонун матни)

«Ўзбекистон Республикасининг
давлат тили ҳақида»ги Қонунининг янги таҳририни
амалга киритиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қила-
ди:

(Матн. Қонуннинг ижро этилиши устидан назоратни
таъминловчи ташкилот номи)

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
(1995 йил 21 декабр)

АРИЗА

Зарурий қисмлар;

- а) қаерга ва кимга;
- б) кимдан, турар жойи, лавозими;
- г) ариза;
- г) ариза матни;
- д) илова (агар қўшимча маълумот бўлса);
- е) сана;
- ё) имзо;
- ж) исми, фамилияси.

На м у н а :

Тошкент Давлат
Шарқшунослик институтининг ректори
ЎЗР ФА ҳақиқий аъзоси
проф. Н. ИБРОҲИМОВга

Тошкент шаҳар Бегуний кўчаси,
6-уй, 25-хонада яшовчи
С. Р. Холмуҳаммедовдан

АРИЗА

Мени Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг тур-
киёт кафедрасига лаборант қилиб олишингизни сўрайман.

1999 йил 18 март

(имзо)

С. Р. Холмуҳаммедов

ИШОНЧНОМА

Зарурий қисмлар:

- а) ҳужжатнинг номи (ишончнома);
- б) ишонч билдирувчининг адреси, тўлиқ номи;
- в) ишонч билдирилган шахснинг тўлиқ номи;
- г) ишончноманинг матни;
- д) мурожаат қилинган ташкилотнинг номи;
- е) ишонч билдирувчининг имзоси, исми, фамилияси;
- ё) сана;
- ж) ишонч билдирувчи шахснинг имзосини тасдиқловчининг имзоси, исми, фамилияси;
- з) муҳр ва сана¹;
- и) ишончноманинг амал қилиш муддати.

Намуна:

ИШОНЧНОМА

Мен, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Бобур кўчаси 15-уйда яшовчи Одилов Карим бўлим ходими Мустафоев Салимга Тошкент Давлат Шарқшунослик институти кассасидан 1999 йил декабр ойи учун маошимни олишга ишонч билдираман.

Ишончнома 2000 йил 15 январгача амал қилади.

1999 йил 25 ноябрь (имзо)

К. ОДИЛОВ

Карим Одиловнинг имзосини тасдиқлайман

Кадрлар бўлимининг

бошлиги (имзо)

С. ШАРИФОВ

(муҳр)

1999 йил 26 ноябр

¹ Агар Ишончнома бирор моддий буюм олишга қаратилса, Ишончнома берувчи ташкилотнинг муҳри (штампи), ташкилот номи, ишончнома берилаётган шахс имзосининг намунаси ва паспорт рақами ҳам берилади.

Ҳужжатларнинг шакли

Ҳужжатларнинг шакли икки хил бўлади:

- 1) қолипли ёки намунали;
- 2) ижодий.

1. Қолипли ёки намунали ҳужжатлар расмий тасдиқланган тайёр шакллар (формалар)да берилган сўроқ ёки бандларга жавоблар бериш орқали тузилади. Бундай ҳужжатларга — буйруқ, фармойиш, меҳнат дафтарчаси, шахсий варақа (анкета), касаллик варақаси (бюллетень), гувоҳнома, ҳисоб-китоб ва молиявий ҳужжатлар, штат (ходимлар) жадвали, сўроқ баённомаси, битим, шартнома, конверт, хизмат хатлари, сафар гувоҳномаси, маълумотнома ва б. киради. Бу хил ҳужжатлар Тасдиқланган ягона нусхаларда тузилиб, кўрсатилган сўроқ ва бандларга жавоб ёзилади. Бир хил ҳужжатлар ифодаланган мақсадга кўра турлича шаклда, қолипда бўлиши мумкин (масалан, буйруқлар, ишончномалар ва б.)

2. Ижодий ҳужжатлар бўйича тасдиқланган бирор тайёр форма (шакл, ҳужжат намунаси), қолипи берилмайди, шахс бундай ҳужжатни ўзи тузади. Бундай ҳужжатларга таржимаи ҳол, ариза, тавсифнома, тавсиянома, тилхат, тушунтириш хати, йўриқнома ва б. киради.

Бу хил ҳужжатларнинг матни эркин бўлади. Шунга қарамай бу хил ижодий ёзма ишлар ҳужжат тусини олиши учун белгиланган қолипли (трафарет, маълум андозали) сўз, сўз бирикмалари ва гаплар қўлланиши ва белгиланган аниқ бир тартиб билан тузилиши шарт («Ҳужжатларнинг тили ва услуби» бобига қаранг). Шуниси муҳимки, ҳужжатлар қанчалик қолипли (намунали) бўлса, уларнинг тузилиши шунчалик тезлашади ва кўзланган мақсад шунчалик тўлиқ амалга ошади. Шунинг учун ҳам ҳужжатшуносликда қолипли (намунали) ҳужжат шакллари тузишга кўпроқ ҳаракат қилинади.

Ҳужжатларнинг тили ва услуби

Ҳужжатларнинг турлари ва уларда маълум бир қолипли сўз ва ибораларни қўллаш, мақсад ва фикрни маълум

бир қатъий тартибда бериш қонун-қоидалари қадимдан маълум.

Бизгача етиб келган туркий тилда ёзилган тошбитикларга, тери, ёғоч, сопол ва пергаментларга ёзилган ҳужжатлар (VI—VII асрдан бошлаб) ана шу талаблар асосида ёзилган.

Ҳужжатларнинг қайси тилда тузилиши халқнинг ижтимоий таркибига, ижтимоий-сиёсий аҳволига қараб белгиланади.

X—XIII асрга оид битикларда асосий халқ оммаси туркий бўлгани учун ҳужжатлар туркий тилда ёзилган¹. Албатта, Мовароуннаҳрда араблар ҳукмронлиги даврида (VIII—IX асрлар бошланиши) айрим ҳужжатлар араб тилида ҳам битилган. IX—X асрларда (сомонийлар ҳукмронлиги даврида) ҳужжатлар форсий тилда ҳам тузилган. Қорахонийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлигидаги X — XII асрларда ҳокимият туркий қабилаларда бўлгани учун, ҳужжатлар асосан турк тилида тузилган. Мўғуллар ҳукмронлигида (XIII—XIV аср бошларида) айрим расмий ҳужжатлар (ёриқлар) мўғул тилида ҳам тузилган. Амир Темур давлати (XIV — XVI аср бошлари) ва Шайбонийхонлар ҳукмронлиги даврида (XVI—XVIII аср ўрталари) ҳужжатлар асосан туркий (ўзбек) тилида ва қисман форсий тилда ёзилди. Ўзбек хонликлари даврида (XVIII аср охири XIX аср иккинчи ярми) Кўқон ва Хоразм хонликларида ҳужжатлар ўзбек тилида, Бухоро хонлигида форс (тожик) тилида ва қисман ўзбек тилида тузилди. Рус истилоси даврида ҳужжатлар асосан ўзбекча ва тожикча бўлса ҳам, ҳукмрон идораларда рус тилида тузила бошланди. Совет даврига келиб, ҳужжатлар рус тилида тузилди, фақат Ўзбекистон мустақил бўлгач, ҳужжатлар ўзбек ва бошқа тилларда тузила бошланди ва бу ҳақда махсус қонун ҳам қабул қилинди².

¹ Қаранг: Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности, Москва—Ленинград, 1951, стр. 200—217. Мазкур ҳужжатлар тил ва услуб жиҳатдан мукамал бўлиб, ҳужжатлар талабига ривож қилиниб тузилганки, бундай услуб ва тил асрлар давомидагина шаклланади. Демак, X асрга қадар ҳам, милoddan олдин ҳам бундай ҳужжатлар тузилган бўлиши керакки, фақат ҳозирча бу хил ҳужжатлар топилган эмас.

² Ўзбекистон Республикасининг қонунин. Давлат тили ҳақида (янги таҳрирда), 1995 йил 21 декабрь.

Хужжатлар турлича бўлиб, ҳар бирида ўзига хос қолип-ли (трафарет) сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар қўлланади. Шу билан бирга ҳамма хужжатлар учун умумий бўлган тил хусусияти ва услуби (белгиланган қолип-ли, бир андозали) ҳам бўлади.

Хужжатларнинг лексик хусусияти. Мустақиллик туфай-ли хужжатларда қўлланадиган «эскириб қолган», «ара-бий-форсий (тожикча)» атамалар тикланди: *мунишаот ёки иш юришиш, далолатнома (акт), йўриқнома (инструкция), қўлланма (руководство), маълумотнома (справка), билдир-ги (рапорт), таржимаи ҳол (автобиография), тавсифнома (характеристика), тавсиянома (рекомендация), баённома (протокол)* ва бошқалар.

2. Хужжатларда маълум бир трафарет, қолип-ли, бир шаклда қўлланадиган сўзлар бўлади: *буюраман* (буйруқ-да), *кун тартиби, қатнашдилар, эшитилди, сўзга чиқди, қарор қилинди* (баённомада), *тасдиқлайман, маъқуллан-син* (маълум хужжатларга муносабат белгиси) ва б.

3. Хужжат матнларида тантанавор, бачкана, дағал, шева сўзлари ҳамда бадиий тасвирий сўзлар (кўчма маъ-ноли истиора, мажозий, ўхшатиш ва бошқалар) қўллан-майди.

Хужжатларнинг морфологик хусусияти.

Одатда, кичрайтириш-эркалатиш аффикслари, субъек-тив баҳо шакллари қўлланмайди.

Иш оти шакллари (унинг *иш* аффикси: *бажарилиши*) кўпроқ қўлланади.

Буйруқ феълининг аниқлик нисбати камроқ, мажҳул нисбат шакли кўпроқ ишлатилади («*Кўпайтирилсин*», «*Амалга оширилсин*»).

Феълнинг I шахс камроқ, III шахс, ҳозирги — келаси ва ўтган замон шаклларининг қўлланиши кўпроқ учрай-ди («*Сўрайди*», «*Эшитилди*», «*Илтимос қиламиз*»).

Одатда, сонлар рақам билан, ишончнома, тилхат каби хужжатларда сон билан бирга унинг ёзма ифодаси ҳам кўрсатилади.

Хужжатларнинг синтактик хусусияти. «Хужжат ҳозир-ги адабий тил нормалари асосида, ҳолис, ихчам жумла-лар билан тузилиши шарт» (Қонун, 7-модда).

Ҳужжатларда ягона қолипли сўз бирикмалари қўлланади: «*Мен, Абдуллаев Салим* (таржимаи ҳол, ишончнома, тилхат), «*Муҳтарам Салимов Одилбек*» (Таклифнома), «*Биз, қуйида қўл қўйиб, далолатнома тузувчилар*» (Далолатнома) ва бошқалар.

Ҳужжатларда сўроқ ва ундов гаплар, мураккаб қўшма гаплар қўлланмайди. Одатда, маълум воқеа ва ҳодисаларни, мақсадни холис ва ихчам ифодаловчи дарак гаплар ишлатилади.

Ҳар бир янги фикр абзацдан ёзилади ёки рақамлар билан кўрсатилади.

Ҳужжат сарлавҳаларига нуқта ва бошқа тиниш белгилари қўйилмайди.

Адабиёт:

1. *Аминов А.* ва бошқалар. Иш юритиш, амалий қўлланма. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Т., 2000.

2. *Маҳмудов Н, Мадвалиев А, Аминов А.* Ўзбек тилида иш юритиш (Муншаот). Ўзбек совет энциклопедияси. 1990.

3. Иш қоғозлари қандай ёзилади. Тузувчилар: *Имомова Т. З, Тухватулина Л. А.* «Ўзбекистон», Т., 1992.

4. *Муҳиддинова Х. С, Абдуллаева Н. А.* Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. Республика таълим маркази, Тошкент, 1997.

5. *Ризаев С.* Иш қоғозларининг айрим намуналари, Т., «Меҳнат», 1990.

Иккинчи бўлим

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Г б о б

АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

1. Мумтоз ўзбек адабиёти

Сўз санъати инсоният яратган мўъжизалардан бири. энг қадимий ва доим боқий маънавий бойликдир. Бадиий адабиётда инсониятнинг босиб ўтган узоқ, мураккаб йўли, тарихи, ўзини қуршаб турган муҳитни, коинотни, жонли ва жонсиз оламни, табиат ва жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларни англаш, тушуниш, идрок қилиш ва уларга ўз муносабатларини билдириш жараёни ва даражаси акс этади. Бадиий адабиёт инсон қалби, ақл-заковати, тафаккури ва идроки, кечинмалари, туйғулари, орзу-армонларининг кундалиги, йилномасидир. У инсоннинг маънавий камолот сари юришининг ўзига хос тарихидир.

Ҳар бир халқнинг сўз санъати чуқур миллийdir. Чунки бадиий адабиётда у мансуб бўлган халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, жуғрофий манзараси — ҳавоси, иқлими, табиати, айниқса, шу халқнинг меҳнати, кураши, одамларнинг ўзаро муносабати, урф-одати, кийиниш маданияти, жамиятни бошқариш усул ва йўллари акс этади. Сўз санъатида, айниқса, миллатнинг ҳаётни, воқеликни, ҳодисаларни, оламни ва ундаги ўзгаришларни тушуниши, идрок этиши ва уларни бадиий тушунтириш тарзи, ўзига хос бадиий тафаккури йўсини, тимсоллар олами намоён бўлади. Ҳар бир миллий адабиёт умуминсоний масалаларни, жумбоқларни ўзига хос бадиий тафаккур, ўзига хос бадиий шакл, ифода воситалари орқали тушунтиради. Умуминсоний ғоялар, фикрлар ва туйғулар ҳар бир адабиётнинг, у катта халқнинг адабиёти бўладими, кичик халқнинг адабиёти бўладими, бундан қатъи назар, унинг қон томири, жону тани бўлади, аммо улар ифода этиш, акс эттириш, бадиий тушунтириш усулла-

ри, воситалари, йўллари, шакллари жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади, яъни ўзига хос ва бетакрордир. Аммо бадиий шакллар ва воситалар, худди шунингдек жанрлар доим бойиб, имконияти кенгайиб, ранг-баранглашиб боради. Ибтидоий жамиятдаги инсон билан, ҳозирги, XXI асрдаги инсоннинг ҳаёт, олам ва одамни тушунтиришида ер билан осмонча фарқ бўлганидек, уларнинг бадиий тафаккурида ҳам шундай катта тафовут бор. Бироқ ҳеч қайси адабиёт ва унинг ёзувчиси ўз қобиғида, яъни ўз миллий адабиёти доирасида ўралашиб қолмайди. У, албатта, бошқа адабиёт, бошқа ёзувчилар тажрибасидан, эришган ютуқларидан (ҳам ғоявий, ҳам бадиий, ҳам шакл бобида) ўрганadi. Борди-ю ўрганмаса, бундай адабиёт, бундай ёзувчи камол топмайди, бадиий тафаккур имконияти кенгаймайди. Бир жанрнинг иккинчи адабиётда куртак шаклида бўлса-да, янги жанр уруғи бўлади. Агар муҳит, шарт-шароит, миллий анъана имконияти мавжуд бўлмаса, у томир отиб, «кўкляб» кетмайди. Миллий имкониятлар — миллий асос ўша жанрнинг янги қирраларини кашф этиб, ўзиники қилиб олади — миллийлаштиради. Сўнгра баъзи бир халқда адабиётнинг бирор жанри тараққий этиб, унинг маънавий ва руҳий эҳтиёжини қондирса, иккинчи халқда бошқа жанр тараққий қилиши мумкин. Масалан, қадимги Юнонистонда драматургия жанри кенг ривожланган. Роман жанри антик даврда туғилган бўлса-да, XIX асрда тараққий этди. Ўзбек адабиётида қадимдан шеъринг етакчи жанр бўлиб келган, дostonлар (масалан, «Хамса») Шарқнинг ўзига хос шеъринг романидир. Насрий романинг етук намунаси ўзбек адабиёти тарихида XX асрнинг 20-йилларида пайдо бўлди ва миллий ўзбек романи сифатида жаҳонда тан олинди. Аммо жанрлар моҳиятан байналмилал жанр бўлиб, уларнинг туб белгиси, ички қонун-қондаси мустаҳкам боқийдир. Ўзбек адабиёти тарихий шеъринг тўртликлардан шеър, маснавий, қасида, ғазал, нома, дoston, хамсагача (мухаммас, рубоий ва яна ўнлаб шеър турлари бор) ва охири драматургия ва реалистик роман жанригача бўлган узоқ катта тарихий йўлни босиб ўтди.

2. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти мураккаб жараёнларни ўз бошидан кечирди. Шу вақтгача мумтоз адабиётимиздан кейинги давр совет адабиёти деб юритилиб, бу давр 1917 йил октябридан бошланган ва республикамизнинг миллий мустақилликка эришган пайтигача бўлган тарихни ўз ичига олади.

Гап бу воқеа аввал Октябрь инқилоби, ҳозирда эса Октябрь тўнтариши деб юритилишидагина эмас. Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг туғилиши Туркистоннинг Россия томонидан зўравонлик билан босиб олган даврига бориб тақалади. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, халқ онгида, унинг сиёсий ва бадний тафаккурида юз бера бошлаган ўзгаришлар — демократик кайфиятлар, маърифатпарварлик ғоялари Муқимий, Фурқат, Аваз каби ўша давр адабиётининг йирик вакиллари ижодида ёрқин кўринади. 1905 йилга келиб Россиядаги инқилоб, Туркия, Озарбайжон, Татаристонда бошланган жадидчилик ҳаракати таъсирида Туркистонда ҳам жадидчилик пайдо бўлди. Мактаб — маорифни ислоҳ қилишдан бошланган бу ҳаракат бора-бора ўз олдига ижтимоий тузумни ўзгартириш, миллий мустақилликка эришишни бош мақсад қилиб қўйди. Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Ҳамзалар янги мактаблар очиб, улар учун дарсликлар, қўлланмалар яратиб, газета ва журналлар нашр этиб, жадидчилик ғоясини кенг тарғиб этдилар. Айни чоқда улар шеърлар, ҳикоялар ва драмалар, публицистик асарлар ёзиб, шу янги илғор ғояларни тарғиб этдилар. Бу ҳаракат ўзбек адабиёти ва санъатида драматургия жанри, театрчиликнинг, насрчиликнинг туғилишига олиб келди. Жадидчилик ҳаракати на чоризмга, на мутаассиб маҳаллий амалдорлар, тақводор дин пешволарига маъқул келади: улар халқнинг онги ўсиши, қалб кўзининг очилиши — ҳақиқатни таниб қолишдан чўчишди, шу туфайли жадидларни қувғин қилишди, сазойи этишди, мактабларини ёлиб қўйишди, газета ва журналларининг чиқишига иқтисодий ва маъмурий томондан тўсқинлик қилишди. Лекин

тарихнинг ғилдирагини орқага юргизиш мумкин эмас эди, бу ҳаракат ўз сафига тобора жамиятнинг ҳамма табақасини торта бошлади. Улар сафига Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон каби йирик санъаткорлар келиб кўшилди. Бу ёзувчилар Октябрь инқилобидан кўп нарса умид қилдилар. Октябрь инқилоби жадидлар орзу қилган эркинлик, тенглик, миллий мустақиллик, маърифат беради, бахт-саодат йўлига олиб чиқади, деб ўйладилар ва уни мадҳ этишга уриндилар. 1917 йилдан кейин жадид ёзувчиларининг ўз иқрорига кўра (А. Авлоний, Мунаввар Қори ва бошқалар), янги тузум — советлар томонига ўтдилар. Асарларида ҳам халқни шу тузумни ҳимоя қилишга даъват этдилар. Лекин кўп ўтмай, юртда фуқаро уруши, босмачилик ҳаракати, аслида халқ кўзғолони бошлангач, янги тузум, большевиклар партияси олиб бораётган сиёсат халқнинг орзу-армонидан, жадидларнинг мақсад-идеалларидан узоқ эканлиги маълум бўлиб қолгач, Чўлпон, Фитрат, А. Қодирийлар яна миллий мустақиллик, эркинлик, тенглик, адолат ғояларини фаол тарғиб этишга ўтдилар. Кўзғолончилар енгилгач, Чўлпон энди «Сомон парча», «Хазон» каби таслимчилик руҳидаги шеърларни ижод қилди. Большевизм, совет диктатураси ижодий зиёлиларга қарши таъқиб-таъйиқни, курашни бошлаб юборди. Ҳатто А. Қодирий бир бор қамалиб чиқди. Чўлпон ва Фитратни матбуотда, мажлисларда қаттиқ танқид қилиб, миллатчиликда айблай бошладилар. 1930 йилда Боту қамалди, кўп ўтмай машъум қатағон-қирғин йиллари бошланиб кетди. 1938 йилга келиб А. Қодирий, Чўлпон, Фитратлар отиб ташланди, Усмон Носир, Элбек каби ўнлаб зиёлилар ҳибсга олиниб сургун қилинди ва улар ўша йироқларда ҳалок бўлдилар.

Мана шундай шароитда, шу муҳитда (1929 йилда Ҳамза ҳам ўлдирилган эди) адабиётга кириб келган Ойбек, Ғ. Фулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир каби ёш ёзувчилар кўрқиб, чўчиб ижод қила бошладилар, большевизм, совет ҳукумати, ленинизм уларни ўз чизигидан юришга мажбур этди. Албатта, ҳақиқий талант ижодкордан ҳаёт ҳақиқатини ифодалашни ҳам тақозо қилади. Мазкур ёзувчилар воқеликда ва инсонлар онги, қалбида, пси-

хологиясида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларни тўғри, ҳаққоний акс эттирувчи асарлар ҳам яратдилар. А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», Фитратнинг кучли, жиддий илмий асарлари, «Абулфайзхон» фожиаси, Чўлпоннинг шеърлари, «Ёрқиной», «Замона хотини» драмалари, «Кеча ва кундуз» романи 1917 йилдан кейинги ўзбек адабиётининг маҳсулоти эди, булардан кейин Ойбекнинг ажойиб шеърлари, Ғ. Фуломнинг «Шум бола», «Ёдгор» қиссалари, Ҳ. Олимжоннинг муҳаббат ва инсон эрки масаласини кўтариб чиққан «Зайнаб ва Омон» достони, А. Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги ҳикоялари бу давр адабиётининг ижобий ҳодисалари эди. Гарчанд узоқ йиллар кеча ва бугун, яъни кеча, 1917 йил Октябрь инқилобидан аввалги ҳаёт ёмон ва бугун — совет даври яхши, деган принципда ижод қилинган бўлсада, шу кеча тасвири орқали ҳар бир имо-ишоралар йўли билан бугунни танқид қилувчи, халқни огоҳликка чорловчи асарлар ҳам ёзилди. Жумладан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидан чор империясини фош этувчи саҳифаларнинг остида иккита фикр қатлами — большевизмнинг, қизил аскарларнинг зулми, ноҳақ хатти-ҳаракати тўғрисида ҳукм ётади. Чўлпон жадид билан Мирёкуб суҳбатида жадидчилик йўли социалистлар йўлидан бутунлай фарқ қилиши, жадидлар одамларнинг ерга эга бўлиши, завод, фабрикалар қуриб, бой бўлишини истайди, дилда, тилда, ишда туркий халқларнинг бирлашишини ўйлайди, орзу қилади, дейди. Чўлпон мустамлакачилик сиртмоғидан қутулиб, мустақилликка чиқишга ишоралар қилади.

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти ўз йўлида кўп нарсаларни ҳам бой берди, ҳам қўлга киритди. Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек адабиётининг бош пафоси моҳияти талончилик урушини қоралаш, эркинлик, тинчлик, дўстлик ва айниқса қаҳрамонлик, ватанпарварлик ғояларини тарғиб этишдан иборат эди. Бу даврга келиб собиқ СССР таркибига кирган ҳамма республикаларга ягона ватан туйғуси ва бу Ватан Россиядир, деган тушунча зўр бериб сингдирилган эди, ўз юртини куйлаш, улуғлаш миллатчилик деб қораланиши одат тусига кирган эди (бу ай-

ниқса урушдан кейинги йиллар — 50 йилларда янада кучайди). Шунинг учун Ҳ. Олимжоннинг «Россия» шеъридаги ғоя деярли барча ижодкорлар асарларида ҳам тарғиб этилар эди. Бориб-бориб бу ғоя ягона оила туйғуси, деган тушунчага рус халқи оға ва бошқа халқлар ука, деган фикрга айланиб кетди, бунинг заминида бошқа миллатлар иккинчи даражали, рус халқига тобедир, деган ният ётар эди. Шу туйғули йирик эпик асарларда рус кишиси образи фақат ақл-фаросат ўргатувчи, йўл кўрсатувчи, етакловчи тарзида, ҳеч хато қилмайдиган образ тарзида, асосан ижобий қаҳрамон сифатида кўрсатилади.

Иккинчи жаҳон уруши даври совет тузуми ва совет халқларининг кучли ва заиф томонларини намоён қилди, аммо совет халқларининг немис фашизми устидан ғалаба қилиши бир томондан совет кишиларининг буюк жасорати, ватанпарварлигини кўрсатса, иккинчи томондан бу ғалаба совет тузумининг, коммунизм ғояси зўравонлик моҳиятининг янада бир неча ўн йил яшириб келиниши учун хизмат қилди. Чунки инсоният фашизмни қоралаган, тинчликни истаган эди. Шу уруш йиллари ўзбек адабиётида инсонпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик, умуминсонийлик — байналмилаллик ва тинчлик ғояларини тарғиб этишда ибратли тажрибалар орттирилди. Ғ. Ғулумнинг инсонлар ирқи, миллати, ранги, насл-насабидан қатъи назар ҳаммаси тенгдир, деган ғояни тарғиб этувчи «Мен яҳудий», «Сен етим эмассан» каби шеърлари, Ҳ. Олимжоннинг эрк, озодликни тарғиб этувчи «Муқанна» асари, Ойбекнинг буюк инсонпарвар образини гавдалантирган «Навой» романи, М. Шайхзоданинг қаҳрамонлик руҳидаги «Жалолиддин Мангуберди», Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навой» драмалари, Зулфиянинг «Уни Фарҳод дер эдилар» достони каби ўнлаб асарлар шу давр адабиётининг инсон ва жамият, тарих ва замонни ўрганишдаги маълум ютуқларидандир.

50-йиллар адабиётининг бир етакчи фазилати бор эди, бу яратувчи инсон, меҳнат кишисининг образини чиқишга интилишдир. Буни урушда вайронага айланган мамлакат ҳолати, иқтисодий аҳвол, одамларнинг тинчликка ташналиги тақозо қилар эди. Тўғри, иккинчи жаҳон уру-

шида совет мамлакатининг ғолиб чиқиши адабиётда мал-ҳиябозлик, қасидачилик, дабдабазлик, сохта кўтариш-киликни авж олдирди, йирик эпик асарларда воқеликдаги кескин зиддиятларни, курашишни четлаб ўтиш, хаспўшлашга зеб берилди. Ленин, Сталин, коммунистик партияни кўкка кўтариш, оддий инсонни, унинг руҳий дунёсини, мураккаб кечинмасини назар-писанд қилмасликка уринилди. Колхоз ҳаёти, деҳқонлар, ишчилар меҳнати романтик бўёқларда шоидёна руҳда тасвирланди, инсон характерининг шаклланиши, уни ўрганиш эмас, балки меҳнатнинг ўзини, техникаси, саноат ва қишлоқ хўжалик муаммоларини ечиш асар марказига қўйилди. Деҳқонлар, ишчилар, хотин-қизлар ва зиёлилар йўлини намуна қилиб кўрсатиш баҳонасида («Олтин водийдан шабадалар», «Кўшчинор чироқлари», «Опа-сингиллар», «Ўқитувчи») совет тузумининг афзаллиги ғояси тарғиб этилди. Адабиёт асосан партиянинг маддоҳига айланиб қолди. Ижод эркинлиги қоғозда, оғиздагина айтилди, амалда ижодкорларнинг партиянинг чизган чизигидан бир энлик чиқишига йўл берилмади. Бунда социалистик реализм методи ниқоб вазифасини ўтади. Ҳатто 50-йиллар бошида бир қатор ёзувчилар (М. Шайхзода, Миртемир, С. Аҳмад, Шухрат, Шукрулло, М. Исмоилий ва бошқалар) ҳибсга олиниб, сургун қилинди. 1956 йилдан (тўғрироғи Сталин вафотидан кейин) музлар бироз эрий бошлади, эркинлик эпкинлари эса бошлади. Мазкур ёзувчилар озодликка чиқдилар. 30-йилларда қатағон қилинган, отиб ташланган ёзувчилар оқланди. Аввал А. Қодирийнинг номи тикланди, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари баъзи қисқартиришлар билан босилиб чиқди. 80-йилларга келиб, Боту, Элбек, У. Носир, Чўлпон, Фитрат каби ёзувчилар тўғрисида фикр юритиш, асарларидан намуналар бериш имконияти туғилди. Мазкур ёзувчиларнинг адабиётимиз тарихи ва тақдиридаги ўрни ва аҳамияти ҳалол баҳолангач, аср бошидаги адабиётимизнинг ҳолатини ҳаққоний кўрсатиш имконияти туғилди.

Аммо 50 — 70-йиллар адабиётини фақат қора бўёқда кўрсатиш адолатдан эмас. Катта талант эгаси ҳаёт ҳақиқатини ифодаловчи асар ёзмаслиги мумкин эмас.

Бундай ижодкорлар рост гапни айтиш йўллари қидиради ва топади ҳам. Ф. Фуломнинг «Вақт», «Ўзбек халқининг гурури» каби шеърлари, Миртемирнинг «Сурат» поэмаси, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиаси, А. Қаҳҳорнинг «Даҳшат», «Тўйда аза», «Тобутдан товуш», «Ўтмишдан эртақлар» асарлари, Зулфиянинг ҳижрон ва садоқат мавзудаги шеърлари адабиётимиздаги бадий силжишдан далолат беради. Мазкур ёзувчилар сафига Ш. Рашидов («Кашмир қўшиғи»), Саид Аҳмад («Келинлар қўзғолони»), А. Мухтор («Чинор»), О. Ёқубов («Улуғбек хазинаси», «Диёнат»), П. Қодиров («Юлдузли тунлар»), улар кетидан Э. Воҳидов (шеърлари, «Олтин девор», «Рухлар исёни» достони), А. Орипов («Йиллар армони», «Жаннатга йўл»), Р. Парфи, О. Матчон шеърлари, Ў. Ҳошимов («Икки эшик ораси»), Ш. Холмирзаев («Бодом қишда гуллади» ҳикоялар тўплами, «Қора камар» пьесаси), Х. Тўхтабоев («Сариқ девни миниб...»), Ш. Бошбеков («Темир хотин») асарлари ва улардан кейин адабиётга қадам қўйган У. Азим, Ж. Камол, Х. Даврон шеърларида янги руҳ, янги оҳанг, янги ифода йўллари кўринди. Адабиётнинг ҳамма жанрларида ибратли ғоявий-бадий изланишлар содир бўлди. Айниқса, ҳозирги замон ўзбек шеърини умуминсоний йўналиши, фалсафий теранлиги, қамровининг кенглиги ва психологик чуқурлиги билан республикамиздан узоқ-узоқларга етиб борди. Тарихий романларимиз ва комедияларимиз ҳам жаҳоннинг кўплаб китобхонлари ва томошабинларига маъқул бўлди. Чунки тарихий мавзудаги асарлар ва комедияларда, сатирада, юморда ёзувчиларимиз ўзларини бир қадар эркин ҳис қилдилар ва ҳақиқатни дадилроқ айта олдилар. Сўнгра ёзувчилар, айниқса, адабиётимизнинг ёш авлоди рамзий образлар, ҳар хил ривоят, афсона, мифлардан фойдаланиб, жиддий, муҳим ҳақиқатни, қалтис гапларни айтишга интилди. 1986 йилга келиб мамлакатда қайта қуриш деган жараённинг бошланиши муносабати билан ёзувчилар катта ижодий эркинликка эга бўла бошлади. Айниқса, республикамиз миллий мустақилликка эришгач, ижодкорлар учун янги имконият, янги давр бошланди.

3. Мустақиллик даври адабиёти

Адабиётимизда миллий тафаккур тобора жонланмоқда: бу жамият ва инсонга ўтмишда ўтган улуғ даҳоларимиз фалсафасидан келиб чиқиб ёндашишда, яъни фозил жамият ва фозил, баркамол инсон, одил йўлбошчи идеалидан келиб чиқиб ёндашиш, инсоннинг руҳий такомилли хусусида исломий ақидалар — Куръон ва ҳадисларга суяниб фикр юритиш, Яссавий ва Нақшбанд фалсафасидан озиқланишда кўринмоқда. Албатта, бу руҳ, бу тенденция ҳозирча асарларнинг бутун жисмига, ҳужайрасига, қаҳрамонлар қонига, қалбига сингганича йўқ.

Адабиёт ва сиёсат, адабиёт ва мафкура ҳар доим адабий ҳаётнинг кун тартибидеда турган. Танқидчилигимиз етмиш уч йиллик адабиётни коммунистик партия йўл-йўриғи, совет тузуми мафкурасини тарғиб этган адабиётдир, дея баҳолади. Айни пайтда адабиёт, сиёсат мафкурадан холи бўлиши керак, деди. Кейинги фикр унча тўғри эмас... Албатта, адабиёт ва санъатнинг ўзига хос тараққиёт қонунига мос келмайди. Бироқ жамият адабиёт ва санъатнинг ривожига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Агар жамият — тузум, адолатли ишларни олиб бораётган бўлса, халқ, инсон манфаатини ўйласа, ҳақиқат томонда турса, адабиёт ва санъат уни ҳимоя қилади, аксинча бўлса, оппозицияга ўтади ва унга қарши курашади. Чўлпоннинг ёки Фитратнинг қайси асари сиёсатдан холи эди? Ахир улар миллий мустақиллик учун, адолат учун, халқ манфаати учун курашганлиги туфайли миллатчиликда айбланди ва қатл этилди. Улар асарларида ҳақиқат туйғуси бадий юксак шаклда ифодаланди. Аммо қатағон йиллари, турғунлик даврида яратилиб, коммунистик партиянинг сохта сиёсатини тарғиб этган, ёлгон сўзлаган асарларни реализмдан, ҳаққонийликдан чекинган асарлар, деймиз, бу тўғри. Сиёсатчилар ва публицистика жанрининг вазифасини ўз бўйнига олишга интилиш бир лаҳзалик, ўткинчи шеърларнинг ёзилишига олиб келди. Бугунги кунга келиб қатор жанговар шоирларнинг жимиб қолиш сабабларидан бири ҳам шу ерда — сиёсат, мафкура ва адабиёт деган муаммонинг бир

томонлама тушунилишида, бадий мезонни назар-писанд қилмасликда эди. Адабиёт ва санъатда сиёсат бўлади, мафкура бўлади, аммо адабиёт ва санъат сиёсат, мафкура қуроли эмас. Инсонни ўрганиш ва унинг бугуни, эртаси тўғрисида қайғуриши нуқтаи назаридан сиёсат мафкура билан жипс боғланади.

Ҳозирги шеърятда, умуман адабиётимизда ўзбек халқининг ўтмишда жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссаси — математика, медицина, фалсафа, исломшунослик, ҳарбий санъат, адабиёт ва шу каби кўп соҳаларнинг ривожланишидаги фаол иштирокидан қонуний ғурурланиш ва ўзлигини танишга астойдил интилишини акс эттириш ҳаракати кучлидир. Тарихимизни янгича ўқиш ва уқиш, янгича, яъни ҳаққоний идрок этиш бобида жиддий изланишлар қилинмоқда. Э. Воҳидов, А. Орипов шеърлари, Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган дала-лар», Набижон Боқийнинг «Қатлнома» каби қатор асарларида теран маънавий-руҳий изланишлар бор. Айни чоқда бизда кейинги йилларда тарихий воқеа, тарихий ҳужжатлар ва тарихий шахсларга ёндашишга (80—90-йиллар орасида) гоҳ ўннга, гоҳ сўлга оғишлар содир бўлиб келди. Жумладан Шароф Рашилов ҳаёт вақтида баъзи насрий асарларда у баланд пардаларда мақталди, у оламдан ўтгач эса унга нисбатан адолатсизларча ёндашилган пайтда ёзилган бир қатор романларда унга нисбатан қора бўёқ ишлатилди. Бу — адабиётдаги онгли иккиюзламачилик эди. Етмиш уч йил давомида одил бўлганми, золим бўлганми, бундан қатъи назар, деярли барча шоҳлар ва хонлар қора бўёқда тасвирланиб келинди (Улуғбек ва Бобурларни чет элдаги улуғ зотлар улуғлагандан кейингина биз уларга яхши кўз билан қарай бошладик).

Октябрь инқилоби, босмачилик ҳаракати, колхоз тузуми, хотин-қизлар озодлиги, ўзга халқлар, айниқса, рус кишиси образини яратиш масалаларида ҳам фақат адолатли нуқтада туриб фикр юритмоқ керак: Октябрь инқилоби халқларни нотўғри йўлга бошлабгина қолдими?! 20-йиллар даврида ўзбек адабиётида юз берган уйғониш илди-дизлари шу инқилоб билан боғлиқ эмасми?! Нега Чўлпонлар хотин-қизларнинг озодлиги, жамиятдаги мав-

қен тўғрисида (шеърлари, «Замона хотини» пьесаси) ёзди?! Босмачилик даврида босмачиларнинг ҳаммаси ҳам Мадаминбеклар каби фақат озодлик, миллий мустақиллик учун курашдимми?! Халқ орасида ўша қизил аскарлар, большевиклар каби халқни талаган «босмачи»лар йўқмиди?! Кўринадики, тарихимиз... ниҳоятда мураккаб, фақат ҳақиқат ва яна ҳақиқатни ёзиш орқалигина халқнинг ҳаёт, кураш тарихини ҳаққоний ёритиш мумкин. Ҳозирги ҳаётимиздаги янгиланиш жараёнлари: унинг қийинчиликлари, умидбахш куртаклар, ўткир зиддиятлар, халқимизнинг руҳий тетиклашиб бориши адабиётда теран таҳлил этилаётгани йўқ.

Мунгли шеърлар, босиб ўтган йўлнинг фақат мудҳишликларини кўрсатувчи асарлар, қуруқ мақтов-мадҳиябозлик руҳидаги тўқималар ҳам ёзилмоқда. Адабиёт ва санъатга нур берадиган нарса бу орзу-армондир, идеалдир. Шу идеал — буюк мақсад инсонни яратишга, яшашга, олдинга чорлайди, қийинчиликларни енгиб ўтишга кўмаклашади, бирлаштиради.

И б о б

МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

АҲМАД ЯССАВИЙ

Аҳмад Яссавий ўзбек классик адабиёти тарихида ва ижтимоий фикр ривожидида ўзининг катта мавқеига эга бўлган буюк шоир, «Яссавия» тариқатининг асосчиси-дир. У туркий тасаввуф тарихида сўфийлик йўл-йўриқларини ва Қуръон, ҳадислар маъно-мазмунини ва ғоясини халқ орасида кенг ёйишга буюк ҳиссасини қўшди. Унинг «Девони Ҳазрати Хожа Яссавий» асари халқ орасида «Девони ҳикмат» номи билан ниҳоятда кенг тарқалган. Асарнинг асл қўлёзмаси бизгача етиб келмаган, лекин турли даврлар, асрлар давомида кўчирилган нусхаларининг мазмуни, мундарижаси, руҳи ва йўналиши унинг асл нусхасига ҳамоҳанглигига шубҳа уйғотмайди. Қатор тарихий ҳужжатлар, айниқса, учта муҳим далил Аҳмад

Яссавийнинг ўз замонида ҳам, ундан кейинги асрларда ҳам катта ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлганлигини тасдиқлайди. Бири 1379 йилда Амир Темур Яссидан ўтаётиб, Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиши ва қабр устига мақбара қуришга фармон беришидир. Иккинчи ҳужжат Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» ва «Насоимул-муҳаббат» асарларида Аҳмад Яссавийга берилган юксак баҳодир. «Хожа Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг шайхул-машойихидур, — дейди Навоий, — Мақомати олий ва машхур, каромати матаволий ва номаҳсур эрмиш». Яссавийнинг ҳаёти тўғрисидаги нодир маълумотлар эса Сафийнинг 1504 йилда ёзилган «Рашаҳоти айнул-ҳаёт» — «Ҳаёт булоғидан қатралар» асарида берилган. XX аср ўзбек адабиётшунослигида Яссавий ҳақида берилган маълумотлар (жумладан А. Саъдий, Фитрат, Иззат Султон, Н. Комилов ва бошқалар) мазкур асарларга асосланган. Яссавийнинг доим халққа руҳий маладкор бўлиб келганлигини яна шу нарса тасдиқлайдики, Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олиб, исломга ва маҳаллий халқлар эркига қарши кураш олиб борган пайтларида халқ қайта-қайта Яссавийга мурожаат этган. Ўша пайтлар Яссавийнинг «Девони ҳикмати», Сўфи Оллоёрнинг «Саботул-ожизин», Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарлари, Машраб ва Ҳувайдо китоблари йигирма марталаб тошбосмада нашр этилган.

Яссавийнинг ўзи ҳам асарларининг қадр-қиммати ва умрбоқийлигини сезган бўлса керакки, бундай деб ёзган эди:

Фариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас,
Агар ер остига кирса чиримас.

Аҳмад Яссавий ҳаётига доир баъзи муҳим маълумотлар ва унинг руҳий олами манзаралари унинг «Ҳикматлар»ида мавжуддир. У «Туққан ерим ул муборак Туркистондир», дейди. У Сайрамда Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган. Унинг вафоти санаси аниқ, яъни 1166 йилдир. Туғилган йили номаълум. Ривоятларга қараганда, Аҳмад Яссавий 125 йил умр кўрган экан. «Унинг қачон

туғилиши маълум эмас. — деб ёзган эди Фитрат, — бироқ вафотининг ҳижрий 562 да бўлғонини ҳамда «Дево-ни ҳикмат»даги шу:

Тўрт юз йилдан кейин чиқиб уммат бўлғой,
Неча йиллар юруб халққа хизмат қилғой,—

байтини назарда тутиб, ҳар ҳолда унинг ҳижрий тўртинчи асрнинг иккинчи ярмида туғулғониға ҳукм қилиш мумкин-дир. Яссавийнинг отаси Шайх Иброҳим исмли эшон бўлиб, унинг ёшлигида оламдан ўтган (онаси ундан ҳам аввалроқ вафот этган — С.М.). Ятим қолган Яссавий у замоннинг машҳур шайхларидан олган. Арслонбоб ўлгандан кейин бизнинг Яссавий пир излаб Бухороға келган, юқорида ёзғонимиз Юсуф Ҳамадонийға учраб, шунга мурид бўлган. Юсуф Ҳамадоний ўлгандан сўнг Бухорода унинг учинчи халифаси бўлиб шайхлик қилган. Бир оздан сўнг Бухоро шайхлигини Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси бўлган Абдулхолиқ Ғиждувонийға топшириб, ўзи Яссига қайтқон. Онда дала халқидан кўп мурид йиғиб, хонақоҳ очиб, шайхлик қилган».

Яссавий олтмиш уч ёшга етганда, ер остига хонақоҳ қуриб, қолган умрини шу ерда ўтказди. Бу ишининг кўпроқ рамзий маъноси бор эди. Чунки у ҳеч қачон ўз муридларидан, халқдан, дунё ташвишлари, жумбоқларидан ўзини олиб қочмаган. У ёруғ дунёдаги адолатсизликлар, ҳақсизликлар, бузуқликлар, ифлосликлар, яъни — ёмонликни рад этиб, борлиғи билан Аллоҳ билан бирга бўлишни, унга етишишни орзу қилди. «Ёруғ дунё ҳаром қилиб, Ҳақни суйдим» ва «Жони дилим, ақли—ҳушим Аллоҳ деди», дейди. Бугина эмас. Яссавий пайғамбаримизни чексиз севар эди ва барча «Ҳикматлар»ида шу Аллоҳ ва пайғамбаримизни улуғлади. Яссавий «Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлган Муҳаммад» ёки «Ал-каззобу ло уммати» деди, билинг Муҳаммад» каби ғазалларида пайғамбаримизнинг юксак фазилатларини очган бўлса, Або Бакр, Ҳазрати Умар, Усмон ва Али каби чориёрларга бағишлаган ғазалларида бу зотларни таърифлайди. Пайғамбаримиз олтмиш учда ёруғ дунёни тарк этган экан. Яссавий ҳам шу ёшга етгач, ўз умрининг ниҳоясига еткандай

ҳис қилади: «Ўлмас бурун жон бермакни дардин торти-
тим», «Олтмиш учда умрим охир, тамом, Мустафога
мотам тутиб кирдим mano». Албатта, Яссавийнинг пайгам-
баримизга чексиз ҳурмат-эътиқодини намойиш қилиб,
ер остига кириб, у ерда «хорлиғ тортиб, кўп машаққат»
кўриши муридларининг, халқнинг унга бўлган ҳурмат,
ишонч-эътиқодини янада оширган. Яссавийнинг Аллоҳ-
га чексиз муҳаббати ва унга етишиш учун астойдил ин-
тилиши, ҳақсеварлиги, адолатпарварлиги, поклик ва
ғўзалликка ташналик, руҳий эркинлик ва баркамоллик-
ка интилиши сўфийликнинг бош фазилатидир. Яссавий
«Ҳикмат»ларида эрксевар, инсонни илоҳийлаштирган
Мансур Ҳалложнинг қайта-қайта тилга олиниши бежиз
эмас. Мансур Ҳаллож (858—922) комил инсон сифатла-
рини Аллоҳ сифатларига тенглаштириб, «Анал ҳақ» («Мен
Ҳақман») дегани учун мутаассиб руҳонийлар уни кофир-
ликда айблаб, дорга осган эдилар. Яссавий шу Мансурга
сиғинади ва «Мансур янглиғ бошим бериб ишқ дори-
да...», дейди. Бир ғазалини тўлалигича Мансур Ҳалложга
бағишлайди ва бундай дейди:

Билмадилар муллолар «Анал—ҳақ»ни маъносин,
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.
Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,
Мансурдек авлиёни кўйдилар дорга осиб.
...Афсонадур шариат, фарзонадур ҳақиқат,
Дурдонадур тариқат ошиқларга муносиб.

Яссавий инсонни Аллоҳ сифатлари мезони билан
ўлчайди. шу туфайли унинг фазилатлари ва айниқса
қусурларини жуда теран таҳлил этади. Бунда Куръон ва
ҳадислар асосий тош-тарозу бўлиб хизмат қилади. «Девон-
ни ҳикмат»нинг мавзу, мазмуни ва фикр-ғоясининг ранг-
баранглиги, чуқурлиги ва юксаклигининг боиси ҳам шунда.
Аллоҳни таниш ва суюшга чорлаш, шариат, ўлимнинг
ҳақлиги, тариқат ва ҳақиқат йўлини босиб ўтишга даъ-
ват, бу дунёнинг ўткинчилиги, бойликка ружу қўймас-
лик ва ўз-ўзи билан, нафси билан қаттиқ курашиш, ғариб-
лар, етимларни хўрламаслик, зулм ва золимлар, мутаас-
сиб эшонлар, тавба-тазарру ва бошқа қатор масалалар

тўғрисида фикр юритади. Иззат Султон Яссавий адабий меросининг асоси тўғрисида сўзлар экан, бундай дейди: «Буюк мутафаккирнинг биринчи мақсади — одамларни Аллоҳни танишга, унинг яқини бўлишга даъват этишдир. Иккинчи мақсад — одамни Аллоҳнинг энг азиз ижоди сифатида эъозлаш ва учинчи мақсади — дунёдаги гуноҳни, айниқса, адолатсизликни қоралаш, бу адолатсизликнинг қурбони бўлган инсонни ҳимоя этиш ва адолатга даъват этишдир. Тўртинчи мақсади — бу дунёнинг доғларини инсонга юқтирмаслик учун, унинг гуноҳларидан инсоннинг тозалигини сақлаш йўли ёки воситаси сифатида бу дунёдан нари туришга, яъни таркидунёчиликка даъват этишдир. Яссавий ижодининг ҳамма бошқа ғоялари шу тўрт мавзу, мақсад доирасидан узоққа кетмайди. Бу мақсадларнинг ҳар бири ўз замонаси учун катта прогрессив аҳамиятга эга. Ҳатто таркидунёчилик ҳам адолатсизликка ва бу дунёдаги гайриинсоний ишларга нафратнинг ифодаси сифатида, инсондаги софликни сақлашга интилиш сифатида маълум даражада прогрессив аҳамиятга эга эди». Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш лозимки, таркидунёчилик ғоясини салбий маънода тушуниш керак эмас. Узлат, хилватга берилиш сўфийликнинг муҳим белгиларидандир. Н. Комилов «Тасаввуф» номли асарида Имом Ғаззолийнинг узлатнинг фойдали ва зарarli томонларини жуда теран очиб берганлигини кўрсатиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг шу «икки томонни бирлаштириб, ҳам хилват сари руҳий эҳтиёжни қондириш, ҳам жамоат ичида яшаб, элга фойда келтириш йўлидан борганларини» алоҳида таъкидлайди. Олимнинг узлат, хилватни (бир сўз билан айтганда таркидунёчиликни) ҳозирги вақтда баъзи тадқиқотчилар бутунлай инкор этишга уринаётганлигини танқид қилиб ўтишини маъқуллаш лозим. «Шуни таъкидламоқчимизки,— дейди Н.Комилов, — Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари «зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан» шиорини кўтариб чиққан бўлсалар-да, аммо хилватни бутунлай инкор этган эмаслар. Умуман, хилватни инкор этиб, сўфий бўлиш мумкин эмас. Чунки тасаввуф ботин билан, ғайб олами

билан ошноликдир, бу эса табиий равишда алоҳида ҳаёт тарзи, омманикига ўхшамаган руҳий-маънавий равиш ва амалларни талаб қилади. Хилватнинг ҳақиқати ғайри Илоҳ нарсалар ва ишлардан фориг бўлиб, дилни Худо муҳаббатига боғлашдан иборат. Нақшбандия буни чилла ўтирмасдан, суҳбат билан қўлга киритишни тарғиб этади. Ҳамма фарқ ана шунда, яъни «хилват дар анжуман» қоидасини ҳақиқатга етишнинг ўзига хос усули, тариқат тарзи деб билмоқ керак».

АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441— 1501)

Алишер Навоий — улуғ ўзбек шоири, мутафаккири, ўзбек адабиёти ва ўзбек маданиятининг яловбардори, ўзбек адабий тилининг асосчиси. Навоий асарларининг умуминсоний ғояси — инсонпарварлиги, халқпарварлиги, адолатпарварлиги, дўстлик, тинчлик, меҳр-садоқат, пок севги ва вафо, маърифатлилик каби гўзал туйғуларни юксак бадиий шаклда ифодалаши орқали ўзбек адабиёти шуҳратини дунё миқёсига олиб чиқди ва ўзи ҳам Низомий, Фирдавсий, Хомер, Шекспир, Данте, Гёте, Пушкинлар қаторидан ўрин олди. Алишер Навоий ўзбек адабиётида ғазалчиликни юксак босқичга кўтарди, бетакрор гўзал «Ҳамса»си билан хамсачилигимизга асос солди, насрий асарлари билан ўзбек насрчилигини катта йўлга олиб чиқди. Адабиёт, айниқса, шоир ва ёзувчилар ҳақидаги аруз илми, тил ва дин, тарих тўғрисидаги илмий асарлари орқали теран олим эканлигини намойиш қилди. Шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин дўсти ва саройнинг энг обрўли кишиси — улуғ амири сифатида халқ тақдири, адабиёт, санъат, маърифат, ободончилик ва умуман мамлакатнинг тақдири, тараққиёти тўғрисида жон куйдиришнинг ажойиб намунасини кўрсатди. У ўз давридаёқ меҳрибон ва талабчан устоз сифатида буюк ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган эди, кейин ўзбек адабиётининг ярим асрлик тарихида ҳам ижодкорларнинг раҳнамоси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда — ҳижрий йил ҳисобида 844 йил рамазон ойининг ўн еттинчисида Ҳиротда дунёга келди. Алишернинг отаси Фиёсиддин Муҳаммад (у Фиёсиддин Кичкина лақаби билан машҳур эди) темиррийлар саройининг эътиборли-обрўли кишиси бўлиб, Сабзавор ҳокими эди, онаси Қобулнинг амирзодаларидан Шайх Абу Саид Сангининг қизи эди. Кўринадики, Алишер ўзига тўқ, ўқимишли, маърифатли ва обрўли оилада дунёга келди (тоғалари Мир Саид Қобулий, Муҳаммад Али Ғарибийлар ҳам эътиборли шоир, санъаткор бўлганлар).

Алишернинг саводи жуда эрта чиққан, у болалигидаёқ Ғаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ёд олган. Йигитлик чоғида эса 50 минг мисрадан кўпроқ шеърни ёд билар эди. Алишер Навоий ўзигача яшаб ижод этган форс, туркий ва араб шоирлари, олимлари асарларини теран ўрганди (Фирлавсий, Низомий, Яссавий, Лutfий ва ҳ.к.). Форс, араб тилларини яхши билган ва «зуллисонайн» (икки тиллик, яъни ҳам туркий, ҳам форсий тилда ижод этувчи) номини олган Алишер Навоийнинг ўз она тилига муҳаббати чексиз эди ва кейин бутун ижоди давомида туркий тилнинг қудрати ва чексиз имкониятга эга эканлигини ёрқин намоёиш қилди.

Алишер ўн икки ёшидаёқ отаси вафот этди, у анча вақт иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирди. Машҳадда (1456), кейин Самарқандда мусофирликда ўқиди (1466—1469), у ерларда кўп улуғ алломалар билан ҳамсуҳбат бўлди. Ёшлигидан қалин дўст бўлган Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач (1469), Алишер Навоийни Самарқанддан чақиртириб олади ва аввал уни муҳрдор этиб тайинлайди, кейинроқ вазирлардангина эмас, ҳатто амирдан ҳам юқори турувчи улуғ амир (амири кабир) даражасига кўтаради. Навоий улуғ амир лавозимида халқ ва давлат тақдири учун қайғуради, илм, фан-маданият ривожига, шаҳар-қишлоқларни ободонлаштиришга, юртда тинчлик-осойишталикни сақлашга ўз ҳиссасини қўшади. Навоий «Вақфия» асарида «Илгимдин келганча зулм тингин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин кўйдим. Ва илгимдин келмаганини ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро демоқчи) арзига етказдим», дега-

нида жуда ҳақ эди. Навоий давлат маблағини хайрли ишларга сарф этилиши учун жой куйдирибгина қолмасдан, ўзининг шахсий маблағи ҳисобига юздан ортиқ иншоотлар қурдирди («Ихлосия», «Низомия», «Хусравия» мадрасалари, «Халосия» номли хонақоҳ, «Дорулхуффо» (қорилар уйи) гумбази ва ҳ.к.). Бобурнинг таъкидлашича, адабиёт, санъат ва фан аҳли тақдири тўғрисида ҳеч ким Навоийдек қайғурмаган ва кўмак бермаган экан. Бунда, сўзсиз, Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўстлиги, бир-бирига суяниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳусайн Бойқаро адолатли ва халқпарвар подшоҳ сифатида Алишер Навоийнинг ҳурмати-га сазовор бўлган эди. У адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, ўзи ҳам Амирий тахаллуси билан мазмун, ғоя ва бадий даражаси юқори газаллар ёзар эди. Улар бир-бирларининг шеърларига ўхшатма — татаббулар, назиралар, муҳаммаслар боғлар ва бир-бирларининг асарларини юқори баҳолар эдилар. Ҳусайн Бойқаро ўз рисо-ласида Навоийни туркий тилнинг буюк қудратини на-мойиш қилганлиги учун «сўз мулкининг соҳибқирони», «турк тилининг ўлан жасадига масих анфоси билан руҳ киритди, масих нафаси билан жон ато этди», дейди. Навоий «Хамса»ни ёзиб тугатганда Ҳусайн Бойқаро унга ўзининг энг олий ҳурматини билдиради — ўзининг оқ отига шоирни миндириб, ўзи пиёда отнинг жоловидан етаклаб шаҳар ўртасидан олиб ўтади.

Алишер Навоий доим ижод завқ-шавқи билан ёнар, улкан ниятларини рўёбга чиқариш учун тинмай ишлар, аммо вақти етмас эди. У бадий ижод деб амирликдан воз кечди, бироқ бари бир шоҳнинг энг ишонган киши-си, унинг номидан мамлакатни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган олий мансабдор шахс бўлиб қолди. Навоий сўнгги нафасигача шоҳга буюк иззат-ҳурмат билан қаради: Ҳусайн Бойқаро сафардан қайтаётганда унга пешвоз чиқиш учун Навоий бир тош йўл босади, шоҳ яқинлашганда Алишер Навоийнинг боши айланиб, беҳузур, беҳаловат бўлади, у шоҳнинг кўлини ўпиш учун отдан тушади, лекин юришга мадори етмайди, одамлар суянчи ва етовида Ҳусайн Бойқарога яқинлашиб, бошини унинг

кучоғига кўяди. Касал ўз қилмишини қилади, миясига қон куйилади. Ҳаракат ва сўзлашдан қолган улуғ шоир уч кундан сўнг, 1501 йилнинг 3 январида ҳаётдан кўз юмади. Алишер Навоийнинг жасади Ҳиротга қўйилади.

Алишер Навоийнинг ижоди жуда эрта бошланган. У етти — саккиз ёшидан шеър ёза бошлаган ва 14—15 ёшида эса элга танилган эди. Олим Иззат Султонов Навоийнинг «Фурқатингда заъфарон узра тўкарман лолалар» ва «Лабинг кўргач, илигим тишларим ҳар дам тахайюрдим» мисралари билан бошланувчи, шунингдек «Анга» радифли ғазалларини Навоий 14—15 ёшида ёзганини ва уларнинг бадиий юксак эканлигини таъкидлайди. Хондамирнинг ёзишича, устоз Лутфий саккиз ёшдаги Алишернинг:

Оразинг ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

матлаи билан бошланувчи ғазалини эшитиб, лол қолганини ва ўзининг туркий ва форсийда битган икки минг байтдан ташкил топган девонини шу ғазал билан алмаштиришга рози эканини айтади. Навоий 24 ёшидаёқ девон тузган ва уни «Бадосеъл бидоя» («Бошланғич ижодлар») деб номлаган. Иккинчи девони «Наводирун — ниҳоя» («Энг нодир шеърлар») эса 1480 йилда тузилган. Алишер Навоий ғоят сермахсул ижодкор бўлган. Ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа бўлиб очилган ва Навоий шуҳратининг жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига сабаб бўлган «Хамса» асарини бор-йўғи икки йилда — 1483—1485 йилларда ёзиб битказади, ваҳоланки битта «Садди Искандарий» достони 7215 байтдан иборат (бутун «Хамса» 51230 мисра)дир. Навоий ижодининг яна бир қаноти унинг «Хазойинул маоний» («Маънолар хазинаси») шеърый асари бўлиб (1492—1498), у халқ орасида «Чор девон» деб ҳам шуҳрат топган. Навоийнинг барча туркий шеърларини ўз ичига олган мазкур тўрт девонга 3132 шеър киритилган («Хазойинул маоний»дан кейин Навоий уч йилча умр кўрди ва табиийки, яна бир қанча шеърлар битди). Чиндан ҳам тўрт девондан иборат бўлмиш бу асарнинг би-

ринчиси «Фаройибус-сиғар» («Болалик ажойиботлари»), иккинчиси «Наводируш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари»), учинчиси «Бадоеъул-васат» («Ўрта ёш бадеалари») ва, ниҳоят тўртинчиси «Фавойидул-кибор» (Кексалик фойдалари) деб номланади. Гарчи Навоийнинг ўзи «Хазойинул маоний»га ёзган «Дебоча» сида ёшлик вақтларимдаги шеърларимни «Фаройибус-сиғар»га киритдим деб («Туфлият овониким етти, саккиз ёштан йигирма ёшқача чемаси бўлғайким умр фусулининг навбахори ва ҳаёт гулшанининг шукуфа ва гулзоридур, анинг мадҳида «Фаройибус-сиғар» билан сарф қилдим») таъкидласа ҳам, навоийшуносларнинг текшириши ва иқдорларига кўра (олим Ҳ. Сулаймонов) булар шартли равишда умрнинг тўрт фаслига мослаб бўлингандир, масалан, болалик фаслига мансуб бўлмиш биринчи девонда қарилик йиллари руҳиятини ифодаловчи ёки кексалик даврига нисбатан берилган «Фавойидул-кибор»да ёшлик кайфиятини ифодаловчи шеърлар ҳам ўрин олгандир.

Алишер Навоий форс тилини жуда мукамал билган ва ҳатто «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил ҳақида муҳокама», 1499) китобида форсий ва туркий тилларини бир-бирига илмий қиёслаб, уларнинг ўзларига хос фазилатлари, имкониятлари ва қудратини ёрқин кўрсатиб беради. Ватанпарвар Навоий туркий тилнинг кучи, назокати ва катта имкониятини намойиш қилиш, унинг ривожига катта йўл очиш мақсадида асарларини асосан туркий тилда ёзди. Айни чоқда форс тилида ҳам кучли асарлар ёза олиши, Саъдий, Ҳусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомий каби форсигўй улуғ алломалар билан беллаша олажagini амалда исботлаш мақсадида Фоний тахаллуси билан ҳам шеърлар ёзади ва «Девони Фоний» — «Фоний девони»ни тузади (1496), Устози Жомий Навоийнинг туркий ва форсий ижодига жуда юксак баҳо бергани ҳам бежиз эмас эди. Навоий Жомийнинг «Нафахотул-унс» асарини ўзбек тилига эркин таржима қилди, тўғрироғи, унга суяниб туриб, фалсафий йўналишдаги асарини яратди ва унга «Насоимул-муҳаббат» деб ном берди. Бевосита устозининг шаъни-шавкатини улуғловчи «Хамсатул-мутахаййирн» («Беш ҳайрат») асари-

ни ҳам ёзди (1492). Навоий ўз устоз ва дўстларини улуғловчи «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби насрий асарларини ижод этди. Алишер Навоий ўзбек насрчилиги ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», «Мажолисун-нафоис», «Муншаот» асарлари ҳам ўзбек адабиёти тарихида янги ҳодиса, янгича йўналишдир. Унинг шеър вазни ҳақидаги «Мезонул-авзон» (1492), муаммолар ҳақидаги «Рисолаи муаммо» (1492), тарих ва улуғ авлиёлар, даҳолар тўғрисидаги «Тарихи мулки Ажам» (1485), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (1498—1499) каби асарлари Навоийнинг қомусий билим, юксак талант эгаси эканлиги ва ўта заҳматкашлигини яна бир бор тасдиқлайди. Навоийнинг ҳатто ўз вафотидан бир кун аввал ҳам бир ғазал битганлиги унинг ўз қаламини бир дақиқа ҳам қўймаганлигидан далолат беради (Навоийшунос А. Ҳайитметов «Айламас» радифли ғазали шоирнинг энг сўнги асари эканлигини далиллайди).

Алишер Навоий шеърининг мазмунининг чуқурлиги, қамровининг кенглиги, олға сурган фикр-ғоя, тилак-армонларинини юксаклиги ва ўткирлиги, жанрларининг хилма-хиллиги, шаклининг мукамаллиги ва гўзаллиги, образларининг бойлиги ва ҳаётийлиги билан қимматли ва эътиборлидир. «Ҳазойинул маоний»да олтига лирик жанрга доир шеърлар бўлиб, кўпчилигини ғазал ташкил этади: 2600 ғазал, 135 рубоий («Назмун-жавоҳир»да 266 рубоий, шунингдек насрий асарларида юздан ортиқ рубоийлар бор), 210 қитъа бор. Баъзи жанрларда, жумладан таркибанд, соқийнома каби жанрларда биттадан шеър ёзган. Ўзбек шеърининг Навоийгача ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ғазал жанрини бу улуғ шоирдек юксак даражага кўтармаган, худди шунингдек рубоий ва қитъа жанрларини ҳам Навоийдек фаол ва зарур жанрлар даражасига кўтара олмаган. Навоий бу жанрларга шунчаки қаламини синаш ва маҳоратини намойиш қилиш учун эмас, балки қалбидаги фикр, орзу-армонлар, туйғу, кайфиятларни ифодалаш имконияти нуқтаи назаридан мурожаат этади, уларнинг янги қирраларини намоён этади. Масалан, ғазалда кўпроқ ишқий туйғуларни ифодаласа, рубоийда

фалсафий қарашларини, қитъада ижтимоий-сиёсий, ахлоқий кечинма ва фикрларини акс эттиради.

Навоийнинг ишқ зиммасига юклаган маъноси жуда чуқур ва катта: у инсоннинг инсонга бўлган ишқинигина куйлаб қолмасдан (буни Навоий мажозий ишқ дейди), айни чоқда ҳаққа — худога бўлган ишқни ҳам меҳр-эйтиқод билан ифодалади (буни ҳақиқий ишқ деди). Мажозий ишқ ҳақиқий ишқ сари ташланган илк қадамдир. Руҳий пок, комил инсонгина худога етишиши мумкин. Бир ғазалида Навоий «Мажоздин менга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ», дейди. Бу сўфиёна фикрни бир қитъасида яна куйидаги тарзда айтади:

Эй Навоий, кўр мажозий ишқ ила машъуфсан,
Ўтқил андин, доғи ишқи ҳақиқий сори бот.

Навоий ўзи чин мусулмон бўлгани ва асарларида «Қуръон» ва ҳадислар ғояларидан мўл-кўл фойдалангани ҳамда «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Насойимул-муҳаббат» асарларини ёзгани ҳолда динни ниқоб қилиб, элни алдаган, фирромлик билан бойлик йиққан ва нопок ишлар қилган риёкор шайхларни, сохта руҳонийларни қаттиқ танқид қиладики, бу нарса ҳам улуғ шоирнинг ғоят адолатли бўлганлигидан яна бир далолатдир («Шайх» радифли ғазали). Навоий «Лисон-ут-тайр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларида сўфиёна ғояларни кенг тарғиб этган. С. Олимов «Ишқ, ошиқ ва маъшук» китобида (1992) «Лисонут-тайр»ни «соф тасаввуфий асар»дир, «фанога етиш йўллари шарҳланган ўзига хос бир бадиий рисола»дир, дейди. Ҳудхуд, Тўти, Булбул, Кумри, Товус, Олақарға, Қарға, Калхат каби қушлар одил подшоҳни орзу қиладилар ва Ҳудхуд шундай подшоҳ борлигини, Симуर्फ деб аталишини айтади. Қушлар қуръа ташлаб, Ҳудхудни ўзларига раҳбар қилиб белгилаб, унинг раҳнамолигида етти водийни босиб ўтадилар (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавхид, Ҳайрат, Фахру фано водийлари). Қушлар ўзлигини унутишиб, ўзлигидан кечиб, садоқат ва ихлос билан мақсад сари интилиб, «иқбол даргоҳи»га етадилар — фоний бўладилар. Қушлар кейин билишсаки, уларнинг ўзлари Симуर्फ, яъни «си» ўттиз,

«мурғ» — қуш экан. Инсон бу ерда кўрсатилган етти водийни босиб ўтиб, ҳамма қусурлардан фориг бўлганидагина комил инсон даражасига кўтарилиши мумкин. Навоийнинг бош мақсади ҳам шу комил инсонни кўриш ва ҳаққа етишишдир.

Алишер Навоийнинг юксак таланти «Хамса» асарида янада равшанроқ, тўлароқ намоён бўлади: «Хамса» ёзиш Шарқ халқлари адабиётида анъанага айланган бўлиб, қирққа яқин ижодкор бу соҳада ўз қаламини синаб кўрган. Шулардан тўрт даҳонинг асари етук, ўзига хос, бетакрор асар сифатида тан олинган. Булар Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар «Хамса»сидир. Навоий «Хамса»си энг аввало туркий тилда бўлиши билан қимматлидир. Юқоридаги зотларнинг «Хамса»лари форсийда эди. Навоийнинг ўзи:

Форсий ўлди чу аларға адо,
Туркий ила қилсам ани ибтидо.
Форсий эл топти чу хурсандлик.
Турк доғи топса барур мандлик, — деди.

Навоий «Хамса»сига кирган дostonлар «Ҳайратул аброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий»дир. Гарчанд бу асарлар бир-биридан мазмуни, йўналиши, оҳанги, шакли жиҳатидан фарқ қилиб турсалар-да, масалан, «Ҳайратул аброр» фалсафий-дидактик пардада, «Фарҳод ва Ширин» қаҳрамонлик, «Лайли ва Мажнун» фожиавий пардада, «Сабъаи сайёр» саргузашт сюжетлар асосида ахлоқий-рамзий ва «Садди Искандарий» ижтимоий-сиёсий пардада ёзилган бўлса-да, бироқ ички моҳияти, пафоси, олға сурилган фикр-ғоя, орзу-армон, ижодкор идеали нуқтаи назардан ўзаро жипс боғлиқдир, яхлитдир. Гўё «Ҳайратул аброр»да фозил жамият ва баркамол инсон, адолатли ва золим шоҳлар, инсонни инсон сифатида кўрсатадиган яхши фазилатлар ва унга зид ёмон сифатлар севги, муҳаббат, садоқат, дўстлик ва зулмкорлик, пасткашлик, хиёнаткорлик, нопоклик, бир сўз билан айтганда, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва ху-

нуклик тўғрисидаги қарашлари, қолган дostonларда аниқ инсон тақдири орқали кўрсатилгандек. Зотан аслида шундай ҳам. «Ҳайратул аброр»да жамиятнинг барча ижтимоий табақаларига баҳо беради, уларнинг сифатларини таърифлайди, кейинги дostonларида одамларни шу мезон билан тарозида тортади. Айтайлик, унда «Вафо» тўғрисида ажойиб фикрлар айтади, «Фарҳод ва Ширин»да эса қахрамонлик ва вафодорликка мадҳия яратади, «Лайли ва Мажнун»да ишқ ўтида ёнган икки ёшни кўрсатади; ўн еттинчи мақолада Баҳром тўғрисида гап очади, «Сабъаи сайёр»да Баҳром тақдири асаригаги ҳикояларни, саргузаштларни келтириб чиқаради, уларни ўзаро бир-бири билан боғлайди; «Ҳайратул аброр»да Искандарнинг етти иқлим мамлакатини ўз қўлига киритгани ва бўш қўл билан бу дунёдан кетгани тўғрисида сўзлайди, «Садди Искандарий»да бу чизиқ асарнинг марказий масаласини, ўқ томирини ташкил этади.

Дostonдаги Ширин — Фарҳодларнинг бир-бирига юборган мактублари уларнинг муҳаббат ва садоқат туйғулари тўла қалбларининг тиниқ кўзгусидир. Ширин «Тикон кирса кафинга кинасидан чиқарсам эрди киприк игнасини», «Кўруб хору ўрнунгда, ниҳоний сочим бирла супурсам эрди они», дейдики, бу қизнинг ўз ошигига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатининг шарқона ифодасидир. Агар «Фарҳод ва Ширин» билан «Лайли ва Мажнун»ни бир-бирига муқояса қилинса, «Лайли ва Мажнун»нинг бошдан-оёқ муҳаббатга бағишланганлигига ишоч ҳосил қилиш мумкин. Шоир муҳаббат эрки, инсон эрки масаласини жуда чуқур ва теран бадий талқин этиб, бу ошиқ-маъшукларнинг жисмонан бир-бирларига етиша олмасликларининг сабаби (улар руҳан бирлашган эди) ижтимоий тенгсизликда — «бой бойга боқар, сув сойга оқар» мақолидаги ҳақиқатда эканлигини кўрсатади.

Навий ўз орзу-армонини Искандарнинг шоҳлик лавозимини қабул қилиш жараёнидаги ҳолатини тасвирлаш орқали очиқ айтади. Искандар отасидан кейин шоҳлик тожини кийиши керак эди. У кўнмайди. Халқ илтимос қилади. Шунда Искандар шоҳ қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб беради, бу хусусдаги ўз қарашларини бирма-

бир санайди: «Ҳар ишда замон аҳлининг талабларига жавоб берадиган одам бўлса», «ақл-заковати қуёшдек мунаввар, «адолат бобида наврӯз фаслидек, сиёсатда эса жаҳонни куйдирадиган яшиндек бўлса», «машаққатли кезларда душманга чора қилувчи, оғир кунларда кўмак берадиган адолатпеша бир зот бўлса, дейди. Давом этиб «Борди-ю девонбегиси фуқарога ситам қилса, унинг қўлини кесиб ташласин, мусофирлар қатнови тўхтатилсин», «ўғриларни тутиб, уларнинг нопок қўлини қирқсин», «зулм-бедодлик одатлари тамоман йўққа чиқарилсин». «Ҳатто зулм деган иборанинг ўзи эл орасида бўлмасин!» дейди (достонни насрга айлантирувчи Иноят Махсум).

Искандар халқ талаби бўйича тож кияди ва ўзини «инсоф ва адолат таянчи» деб ҳис қилади. У золимларни жазолайди, адолатсиз ҳукмдорларни йўқ қилади, аввал ноҳақ чиқарилган қонунларни бекор этади, бозордаги нарх-навои тартибга солади, тарозининг тошларини темирдан ясашиб, муҳрлатади, узунлик ўлчовларини ҳам темирдан қилдиради, йўлларга қоровуллар қўяди, хуллас, «адолат замон бунёд этади». Искандар амалдорлар, аскарларнинг бировдан ҳатто бир қарич ип ёки бирор тангасини зўрлаб олишига йўл қўймайди. Шоҳ раиятни ўзидек кўриши лозим:

Халойиққа кўрма, қилиб бсаво,
Ўзинга раво кўрмагани раво!

Яна шу ўринда «Шоҳ — халқнинг ризқ-рўзига кафилдир, бинобарин, барчасини баробар кўрмай, уларнинг бирига ортиқ, бирига кам бермоқ ёмондир», дейди.

Навоий Искандарнинг ўлимини ҳам адолат, ҳақиқат билан мол-дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткинчилиги, поклик, ҳаққа эътиқод масаласи билан жипс боғлайди. Искандар бутун оламини, қуруғу ҳўлни забт этади, аммо унга «нима берган бўлса, ҳаммасини қайтариб олди-да, ўзини ҳам ҳалок қилди». Искандар ўлими олдидан онасига мактуб ёзиб, шундай илтимос қилади: «Ва лекин мени тобутга ётқизган пайтингизда ёқут тешигидан ипни чиқазиб қўйилгани каби, албатта, бир кўлимни тобутдан

чиқазиб қўйинг. Токи халойиқ бу қўлга ҳайрат кўзи билан эмас, балки ибрат кўзи билан боқиб, «Бу панжалар саф тортиб, ер юзини ўз қўлига олган эди, мана энди бу қўллар дунёдан шол кишининг қўлидай қуруқ, чинорнинг япроқсиз бутоғидай бўм-бўш кетаётир!» десинлар. Бу ҳол одамлар учун бир ибрат мактаби бўлиб, дунёни эгаллаш машғулотида қўлларини тортсинлар».

Навоий доим адолатсиз урушларни қоралаган, тинчликни бахт-саодат, баркамоллик гарови деб билган. Дostonда «Уруш —бу довул! Довулгина эмас, ғам-андухнинг селидир. Ундан бутун дунё халқларига кулфат ва алам етади», «Уруш кунлари ошнолар бегоналашади», «Уруш балоси халқ бошига қирғинлик, ватангадолик каби кулфатларни солади», дейди.

Навоий раиятдан ўз ватанини севишни, унинг гуллаб-яшнаши учун тинмай ҳалол меҳнат қилишни талаб этди. Халқ шоҳдан, ҳукмдордан адолат, ҳақиқат, меҳрибонлик талаб қилар экан, ўзи ҳам унга чексиз садоқат кўрсатиши керак, унинг эзгу ишлари учун жонини тикиши керак. Ҳукмдор билан халқ тил топмаган ерда душманнинг кераги йўқ ёки душман учун дарвозани кенг очиб қўйилишидек гап. Навоий ватанни фақат имони бор одамгина севади, деган ақидани олға суради: «Фурбатда ғариб бўлиб юриш иккинчи дўзах ҳисобланади, ватанни севиш эса имон нишонасидир».

Навоий «Маҳбул-қулуб» асарида жамиятни бошқаришда, ватанни гуллаб-яшнатишда юртнинг ҳамма тоифаси иштирок этишини, ҳаммасининг ўз ўрни борлигини ёзади: ҳар бир касбни ва шу касбдаги кишиларнинг ватан, ҳукмдор олдидаги бурчини чиройли қилиб таърифлайди. Ҳатто овчилардан тортиб шилқим гадоларгача ҳамма тоифани таҳлил этади. Ҳаммасига фақат ватан, халқ учун қиладиган ҳалол меҳнати, келтирадиган фойдаси нуқтаи назаридан баҳо беради. Шунинг учун ҳам Навоий ҳаммадан, ҳатто шоҳдан ҳам деҳқоннинг улуғ туришини уқтиради. Бутун тирик мавжудот шу деҳқон яратган неъматлар туфайли тирикдир, шунинг учун уларнинг ҳаммаси «шу деҳқоннинг фарзандию унинг ўзи Одам ато-

дир». «Оламнинг ободлиги деҳқонлардан, меҳнат аҳли шодлиги улардан!»

Алишер Навоий ижоди чексиз уммон, у ҳақда қанча гапирсанг кам, барча фазилатини очиш мумкин эмас. Навоий ўз замонида ҳам буюк устоз санъаткор сифатида тан олинган, унга Бобур томонидан берилган юксак баҳо бунинг ёрқин исботидир. Мана, беш юз эллик йилдан ошдики, Алишер Навоий ўзбек ёзувчилари учун буюк мактаб бўлиб, уни туркман шоирлари ҳам, қозоқ, қирғиз, қорақаллоқ сўз санъаткорлари ҳам ўз устозларидан бири деб тан олишган. Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг ривожига Навоий ва Жомийнинг ажойиб гўзал дўстлиги жуда катта аҳамиятга молик бўлди. 1917 йил октябрь инқилобидан кейин мумтоз адабиётга эътибор сусайган эди, қизил империя халқларни ўзларининг қадриятларидан маҳрум бўлиши учун кўлидан келганича тўсқинлик қилди: Навоий каби шоирларни сарой шоири деб ёмонлади, араб имлосини лотин, кўп ўтмай кирилл алифбоси билан ўзгартириб, халқни минг йиллик меросидан маҳрум қилди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Навоий ижодини ўрганиш ва асарларидан намуналар нашр этиш иши сал жонланди, 70—80-йилларда унинг кўп жилдли асарлари босилиб чиқди (ўзбек ва рус тилларида), ҳозир йигирма жилдлик «асарлари» нашр этилмоқда. Навоий ижоди кенг кўламда ўрганила бошланди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари адабиётимизда Навоий образи яратила бошланди: Ойбекнинг «Навоий» романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси, бу асосда яратилган «Алишер Навоий» фильми улуғ шоир образини яратишдаги дастлабки қадамлардир. Бу асарлар ёзилган пайтда Ҳусайн Бойқаро каби шоҳларга муносабат, динга ва тасаввуфга муносабат салбий эди, шу туфайли мазкур асарларда бу масалалар ўша замон руҳида талқин қилинган эди. Ҳозирги вақтда ижодкорлар олдида Алишер Навоийнинг образини янгича, ҳозирги замон нуқтаи назаридан, яъни ҳаққоний тарзда ёритиш вазифаси турибди.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

(1483—1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI аср ўзбек адабиёти-нинг йирик вакилидир. У инсоният тарихида муқаррар ўз ўрнига эга буюк давлат арбоби ва талантли ёзувчи сифатида эътироф этилган ажойиб сиймодир. У тарихда Ҳиндистонда бобурийлар давлатининг (тарихда нотўғри равишда «Буюк мўғул империяси» деб шуҳрат топган) асосчиси ва «Бобурнома» номли тарихий-жуғрофий мемуар асарнинг муаллифи тарзида тилга олинади. Бу ерда биргина Жавоҳарлал Нерунинг қуйидаги ажойиб фикрини келтириб ўтиш kifоя. У «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида бундай ёзади: «Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди». «Бобур энг донишманд ва дилбар шахслардан бири эди. Унда мазҳабий таассубдан, қолоқлик ва қисқа фикрликдан асар ҳам йўқ эди. У вайрон қилиш, хароб қилиш йўлидан бормади. Бобур санъат ва адабиётни қўллаб-қувватлаган кишилардандир».

Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда туғилди. Отаси Умар Шайх Мирзо Темурнинг невараси бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳукмдори эди. Онаси Қутлуғ Нигорхоним эса Тошкент ҳукмдори Юнусхоннинг қизидир. Бобурнинг ёшлиги Андижонда, Ахсида ўтди, саводи эрта чиқди, шеърятга, ҳарбий санъатга ғоят қизиқди, у моҳир мерган эди. У ғоят довюрак, кўрқмас бўлгани учун Бобур, яъни йўлбарс деб лақаб олган эди ва охири бу Заҳириддиннинг тахаллуси бўлиб қолди.

1494 йилда отаси томдан йиқилиб вафот этади, ёш йигитча Бобур шоҳ деб эълон қилинади. Бобур давлат ишлари билан астойдил қизиқади. Ёш бўлишига қарамай Самарқандни ўз қарамоғига олиш учун ҳужум қилади, аммо тажрибасизлиги туфайли ниятига ета олмайди. 1500 йилда иккинчи бор юриш қилиб, қўлга киритади. Лекин Шайбонийхон ҳужум қилиб, шаҳарни тўрт ойча қамал қилиб туради, аҳоли иқтисодий қийналади, шу туфайли

Бобур Шайбонийхон билан битим тузиб, шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Андижон ҳам қўлдан кетади, уни қайтариб ололмагач, ўзига содиқ одамлар билан 1504 йили Қобулга юриш қилади ва жангсиз эгаллайди. Қобулни ўғли Комронга топширгунча — 1526 йилгача идора қилади, юртда кўп хайрли ишлар қилади: карвонсаройлар, масжид-мадрасалар қурдиради, ариқ-каналлар қаздиради, боғ-роғлар барпо эттиради, янги ерлар очтиради, фан ва адабиёт, санъатнинг ривожига фаол кўмак беради. Ҳатто «Бобурнома»да айтилишича, у ерга шакар-қамиш келтириб эктирган.

Бобур айна пайтда ҳарбий юришларини ҳам тўхтатмади: 1506 йилда Самарқандга юриш қилиб, уни забт этди, 1512 йилда Бухорога юриш қилиб, Убайдулла хондан енгилди. 1522 йилда Қандаҳорни қўлга киритди. Ҳиндистондаги ҳокимларнинг иттифоқсизлигидан ва ўзаро жанжалдан фойдаланиб, 1525 йилда Панжоб вилоятини босиб олди. Моҳир саркарда Бобур ўн икки минглик армияси билан Деҳли султони Иброҳим Лудининг юз минглик армияси устидан ғалаба қилди (1526 йил), бир йилдан сўнг Ҳинд ҳукмдорларидан Рожа Санграмни ҳам енгилди, Пойтахтни Аграга кўчирди. Бобур Ҳиндистон халқларининг тинч-тотув яшашлари учун зарур шароит яратди, юртнинг иқтисодий, маданий ривожланишини таъминлади. У 1530 йилда Аграда вафот этди, унинг васиятига кўра 1533 йилда хоки Қобулга келтирилиб, ўзи севган боққа кўмилди. Бобурнинг фарзандлари, айниқса, невараси шоҳ Акбар бобурийлар шуҳратига яна шуҳрат қўшди. «Бобурнома»да қайд этилишича ва айна пайтда авлодлари, замондошлари, тарихчилар, сиёсатчиларнинг таъкидлашларича, Бобур Ҳиндистон юрти учун жуда кўп улур ишлар қилди ва одил, маърифатли, илғор ғояли шоҳ сифатида тарихда абадий қолди.

Бобур ҳам шоҳ, ҳам ёзувчи эди. Бу икки соҳадаги фаолият бир-бири билан жипс боғланган. У ўз мақсад идеалига интилишда шоҳлик амалидан ҳам, бадиий ижоддан ҳам фойдаланди. Лекин унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан бадиий ижодининг мазмуни ўртасига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Бобурнинг дунёқа-

рашига (сиёсий, фалсафий, этик-эстетик идроки — шу-урига) уни қуршаб турган муҳит, реал воқелик, ижтимоий ҳаёт, ҳақсизликлар таъсир қилмай қолмас эди, натижада шоҳлик фаолиятига — мавқеига зид фикр-ғояларни ҳам ўз асарларида ўртага ташлар эди. Унинг устига Бобур бадиий ижодда рост сўзлаш, ҳақгўй бўлишга интилни ва буни ижодий қоида деб билди. «Бобурнома»да шундай дейди: «Бу битилганлардан ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттуркум, битибтурмен. Бу мастур бўлгонлардин мақсуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилинибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеини таҳрир этилгай». Бобур Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олишнинг сабабларини санаб кўрсатиб бўлгач, «Бу билганлардин мақсад ўзини ортирмақ эмас, рости бу эдиким мастур бўлди», дейди. У «Бобурнома»ни назарда тутиб шундай дейди:

Бу олам аро ажаб одамлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу «Воқоё»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

Бир маснавийсида «Рост қилгайсан эътиқодингни», бир рубоийсида «Шеъримда агар ҳазил, агар жид кечурунг, яхши борида агар ёмон бўлса нетонг» деган мисралар учрайди. Ёки «Бобурнома»да шоир Мир Сарбарахнинг ижоди тўғрисида сўзлаб, «Мир Ҳамза қиссасининг муқобаласида умри зое қилиб, узун-узоқ ёлгон қисса боғлабтур, бу амр муҳолифи табт ва ақлду», дейди. Мана бу эътирофлардан кўриниб турибдики, Бобур ўз фикр-кечинмаларини, ҳис-туйғуларини ва кўрган-кечирганларини, кайфиятларини, ўй-мушоҳадаларини рост, самимий баён қилишга интилни. Унинг бу фазилати «Бобурнома»дагина эмас, балки шеъриятида ҳам тўла намоён бўлган.

Биз учун Бобурнинг бадиий ва илмий мероси беистисно буюк аҳамиятга эга. У улуғ Навоийдан кейинги давр ўзбек адабиётининг энг йирик ва етук намоёнчасидир. Унинг устига Бобур Навоийнинг аъъанасини самарали

давом эттирди, халқларварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик, пок муҳаббатни улуғлаш, риёкор руҳонийларни ва ёмонликни қоралаш каби тенденциялар Бобур ижодида ҳам давом этди. Айниқса, ўзбек тилида асар ёзиш ва бу тилда ижод қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, фан, адабиёт, санъат, маданият кишиларига ҳомийлик қилиш Бобурнинг ҳам фазилатларидан эди. Шу билан бирга унинг ўзи ҳам, фарзандлари ҳам икки тилда — туркий ва форсийда ижод қилиш анъанасини давом эттирди. Бобур девон тузиш ва насрий асар ёзишдан ташқари, илмий ишлар ҳам қилди, таржима билан ҳам шуғулланди (Хўжа Аҳрорнинг «Волидия»сини ўзбекчага ағдарди). Бобур ўз шеърлари, насрий асарларини содда тилда ёзди. У Навоийни улуғлаганда, унинг ўзбек тилида ижод қилганига ҳам аҳамият берди: «Алишербек назирини йўқ киши эди. Туркий тил билан шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас», дейди. У арузшуносликда ҳам Навоий бошлаган йўлни давом эттирди. Навоийнинг машҳур «Мезонул-авзон» китобига ўхшаш «Мухтасар» китобини яратди ва ҳатто Навоийнинг баъзи қарашларига эътирозлар ҳам билдирди. Унда аруз қондаларидан тортиб ўзбек шеърятининг мавжуд кўринишлари, ўзига хосликларигача ёритди (арузнинг 21 баҳри ва ундаги 537 вазнга таъриф берди). Навоий таъсири «Бобурнома»да ҳам кўринади. Навоий «Мажолисун нафос»да шоирлар ижоди, маҳорати, жамиятда тутган ўрни ва шахсиятини дўнда қилиб таърифлаган эди. «Бобурнома»да ҳам Бобур кўплаб шоирлар, рассомлар, мусиқашунослар, ҳаттотлар тўғрисида жуда муҳим, қизиқарли фикр-мулоҳазаларни айтади. Бобурнинг мусиқа, ҳарбий иш бўйича ёзган рисоалари ҳам унинг нақадар қомусий билимга эга эканлигидан далолат беради. Иқтисодий билимларни, «айниқса солиқ солиш тартиби»ни шеърини баён қилувчи «Мубаййин» рисоласи иқтисод-ҳуқуқшуносликка ҳам қўшилган ҳиссадир. Бобур тарихда туркий тил алифбосини яратишга бел боғлаган шахс сифатида ҳам маълум. Унинг «Хатти Бобурий» номи билан аталувчи алифбоси соддалиги, қулайлиги (диакритик белгилардан холилиги) билан аҳамиятга моликдир. Араб алифбоси-

нинг халқ учун қийин эканлигига қарши чиқиб, уни лотин ҳарфи билан ўзгартиришни ўртага қўйган буюк озарбайжон мутафаккири, шоир, драматург Мирза Фатали Охундов (XIX аср) Бобурни ва бобурийларни ҳурмат қилар эди. Бу борада Бобурдан илҳомланган бўлиши мумкин.

Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг ривожланишига ўз шеърини ва айниқса «Бобурнома»си орқали катта ҳисса қўшди. «Бобурномаси» билангина эмас, балки айти чоқда ғазаллари, рубойлари, туюқлари орқали ҳам новатор ижодкор сифатида майдонга чиқди.

Бобур 15—16 ёшидан шеър ёза бошлаган, «Топмадим» радифли шеъри 1500—1501 йилларда ёзилган. У юздан орғиқ ғазал, икки юзгача рубой, ўнлаб туюқ, бир неча маснавийлар ижод этди. Ўн бир ёшидан Андижон тахтига ўтирган Бобур Марказий Осиёда бирлашган давлат тузаман деб кўп ҳаракат қилади, бу уринишлари муваффақиятсиз чиққач, юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу жараёнда бошидан кўп аччиқ-чучук кунларни кечиради. Шунинг учун ҳам унинг шеъринида тахт учун курашиш жараёнида қалбида туғилган фикр-ўйлар, ҳис-туйғулар, кечинмалар ва айниқса соғинч-ҳижрон туйғулари марказий ўринни эгаллайди. Улар заминида инсонийликни, ҳаётни, ишқ-муҳаббатни, садоқат ва дўстликни ардоқлайди:

Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Ёки:

Диёру ёрдин Бобур жафо, жавр кўп кўрди,
Хуш мулким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

Яна:

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўли мени хонумондин,
Ғаҳ бошимга тож, ғаҳ балойи таъна.
Неларки бошимга келмади даврондин.

Одамлардан, даврдан куйиб-ёниб ёзилган мисралар Бобур шеърларида кўп учрайди. Булардаги туйғулар Бобур шахсий тақдири билан жипс боғланганлиги шундай кўри-ниб турибди. Бобурнинг ғазаллари, рубоийлари ва ҳатто «Бобурнома»сида «Оёғим етганча Бобурдек кетар эдим, нетай ...», «Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгайман, Олам ичра аёғим етгайман», «Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёғига, бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етганча кетгайман», «Чун бошимни оёғингга қўярга ярамас, бошимни олиб оёқ етганча кетай», «Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда, Бошини олиб бир сориға кетса киши», «Ишқингни доғи бартараф этмак мушкул, бошни олибон ҳар сари кетмак мушкул» каби мисраларда унинг ҳаёт йўли, характери, руҳияти билан боғлиқ ҳолати, кайфияти ифодаланмоқда. Ана шу бир сўзлилиги, чўрткесарлиги ва катта ғурур эгаси эканлиги уни юртни ташлаб, Қобул, Ҳиндистон сари кетишга мажбур этганлиги аниқ. Бобур «Ота тахтида фориг ўлтурдум, балки Отам кўрмагани мен кўрдум», «Олти ой ичра олти тахт олдим, етти иқлима балки кўз солдим» мисраларида бевосита ўз ҳаётини баён қилмоқда. Аини чоқда Бобур ўз ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ фикр-туйғу, кечинмаларга замонаси, замондошлариникини ҳам қўшиб юборади. Шу туфайли унинг ёридан қилган ҳасрати замондан ҳасрат, ёр висоли тўғрисидаги орзуси ватани ҳақидаги орзу-армони даражасига кўтарилиб кетди. У аини вақтда ёмонликни, зулмни, золимликни қораловчи шеърлар ҳам битди:

Дер эдим, эй вафоси йўқ золим,
Зулмдан етти ўлгали ҳолим.

Зулмдин ўзга ишни билмайсан,
Мени мискинга раҳм қилмайсан.

Ғар мен ўлтургулукмен ўлтургил,
Йўқ эса сўргулук эсам, сўргил.

«Бобурнома» Бобур номини, ўзбек халқи шухратини жаҳонга ёйган асарлардан биридир. У 1586 йилдаёқ форс тилига, кейин голланд (1705), инглиз тилига (1826), немис тилига (1818), француз тилига (1871) таржима бўлди.

Инглиз, рус ва француз тилига қайта-қайта таржималар бўлди. Асарда Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихига, флорасига, маданияти ва адабиётига, урф-ода тига доир бебаҳо маълумотлар жамланган. Бобур ўз даврининг неча юзлаб турли шахсларининг жамиятда тутган ўрни, уларнинг маънавий дунёси, эътиқоди, хунари, қиёфаси тўғрисида рост, аниқ маълумотларни беради. Унинг адабиёт ва маданият аҳли тўғрисидаги мулоҳазалари (Навоний, Жомий, Беҳзод, Биноий ва бошқалар) муаллифнинг ўз даврининг етук, илғор адабий танқидчиси эканидан далолат беради. «Бобурнома» ўша давр ўзбек тили ва фольклорини ўрганишда ҳам тенгсиз манба бўлиб хизмат қилади.

«Бобурнома» Ойбек, Уйғун ва Иззат Султон, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Муҳаммад Алиларнинг тарихий асарларининг ҳаётий, ишонарли чиқишида ҳам бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ
ФУРҚАТ
(1859— 1909)

Фурқат XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг етук вакилларида биридир. У йирик маърифатпарвар шоир ва ўзбек демократик адабиётининг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган илғор фикрли ижодкордир. Унинг тақдирида ва ижодида XIX аср иккинчи ярмида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, яъни Туркистоннинг Россия томонидан зўравонлик билан босиб олинishi туфайли юз берган салбий ва ижобий ҳолатлар ўз аксини топган. У Муқимий каби мустамлакачиликнинг ёмон оқибатларини кўрди, бундан изтироб чекди ва айни чоқда Россия давлат тизими, фани, техникаси ва маданиятидаги илғор жиҳатларини маъқуллади, тарғиб этди. Фурқатнинг рус, у орқали Оврупо маданиятига яқинлашиши унинг ижо-

дида кучли маърифатпарварлик йўналишини келтириб чиқарди, шу билан бирга унинг ижодида публицистик жанрнинг яхши намуналари пайдо бўлишига олиб келди.

Фурқат асарлари автобиографизм, яъни унинг таржимаи ҳолига, ҳаётига оид ҳолатларнинг кучлилиги билан ажралиб туради, бу унинг лирикасида ҳам, русларнинг илм-техникасини таърифловчи шеърларида ҳам, чет эллардан дўстларига ёзган шеърӣ мактубларида ҳам, публицистик мақолаларида ҳам яққол кўринади. Фурқатнинг «Хўқанлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзғони» деган номда «Туркистон вилояти газети»да эълон қилинган насрий асарида эса бевосита унинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар берилган (профессор А. Абдуғофуров «Зокиржон Фурқат» номли монографиясида бу асарни Бобурнинг «Бобурнома»сига ўхшашлигини таъкидлаб, «Фурқатнома» деб атайди).

Фурқатнинг ўзи ҳам шеърларининг ўзи ҳақида тўла маълумот беражagini назарда тутиб, бундай деган эди:

Эй муҳаббат аҳли, рамзи ишқ фаҳм айлай десанг,
Ёзилган хуни жигардини, Фурқат, ашъоримга бок!

Фурқат 1859 йилда Қўқонда дунёга келди. Унинг отаси Мулло Холмуҳаммад маърифатли одам бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланган, онаси ҳам оқила ва адабиётни яхши тушунувчи аёл бўлган. Зокиржон зеҳни ўткир бола эди. У олти ёшида Мулла Муҳаммад Олимдан таълим олади, тезда саводини чиқаради, саккиз ёшида Атторнинг «Мантиқут тайр» асарини ўқиб чиқади, Навоий, Фузулийларни ўрганади. «Куръон»ни ифодали ўқишни ва ҳаттотликни ўрганади. Ун бир ёшида ўзи таълим олган Ашур Муҳаммад Қори мактабида халфалик қилади. Мударрис Подшоҳўжа эшондан араб тилидан сабоқ олади ва 14 ёшида мадрасага ўқишга киради. Аммо Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинishi ва Қўқон хонлигининг тугатилиши, айна пайтда Фарғона вилоятининг тузилиши каби воқеалар муносабати билан Қўқонда ҳам нотинч вазият юзага келади. Зокиржон ҳам ўқишни ташлаб тирикчилик билан шуғулланишга мажбур бўлади. У Янги Марғилонда (Фарғона шундай деб юритилган) тоғаси билан савдо

ишида ишлайди, кейинча 2—3 йил ўзи мустақил дўкондорлик қилади. Айни пайтда фуқароларнинг аризаларини ёзиб бериб, мирзалик ҳам қилади.

Отасининг даъвати билан 1880 йилда Қўқонга қайтиб келади, оила қуради. Бироқ оиласи бузилиб, яна Янги Марғилонга кетади (1886—1887). Бу ерда дўкон очади, яна иши юришмагач, Муродхон деган савдогарнинг ҳисобкитоб ишлари билан шуғулланади. «Фурқатнома» асарида илгари «Русия халқидан бирор одамни кўрсам, қочиб йироқдан ўтуб кетар эдим» деб ёзган Зокиржон энди рус тили, рус маданиятига қизиқа бошлайди. 1889 йилда Тошкентга келади, астойдил рус илми, фани, маданияти билан қизиқади. Бу ерда Н.П. Остроумов, В.П. Наливкин каби маориф, матбуот, илм соҳиблари билан танишади, дўстлашади ва ҳамкорлик қилади. Тошкентга кетгунча «Фурқат», баъзан «Фархат» тахаллуси билан машҳур бўлган ва йигирма ёшларидаёқ девон тузган бу шоир Тошкентдаги ўзбек ва рус зиёлиларининг эътиборини ўзига тортади. Ҳожи Аъзам кўмагида тўққиз ойча Кўкалдош мадрасасида, кейин Шайхонтоҳурда яшовчи Маҳмудхўжа исмли маърифатли одамнинг уйида истиқомат қилади. У Тошкентда «Туркистон вилояти газети»ни иштиёқ билан ўқийди, ҳатто унинг муҳаррири Н.П.Остроумов ва у ерда хизмат қилаётган маърифатпарвар Сатторхон Абдулғафуров билан дўстлашади, 1890-1891 йилларда ўша газетада хизмат қилади. Гимназия, виставка, концерт ва театрларга боради ва у ерларда олган таассуротлари асосида ўнлаб шеърлар, дoston ва мақолалар ёзади. Тошкент муҳити Фурқатда дунёни, ўзга халқлар ҳаётини чуқурроқ ўрганиш истагини уйғотади. Фурқат 1891 йил 14 майда Истамбул, Юнонистон, Макка-Мадина, Бомбей, Кашмир, Тибет, Қашқарга сафар қилади. 1893 йил сентябрида Ёркентга келади. Ёркентда муқим туриб қолиш сабаблари, биринчиси, рўзгорининг бузилиши («Хотун» ҳажвиясида «Жавридин охир азимат йўлини туткай киши, бу касофат бирла маҳруми диёр айлар хотун», дейди), иккинчиси ўзининг чет элдан юборган хатларида ёзганидек тоға-амакиларидан хафа бўлиб қолиши («Вале бордур гина андак амак бирла тоғалардин»), ўз юртидаги

иқтисодий-сиёсий вазиятнинг оғирлиги, жаҳолат, адолатсизлик, қашшоқлик каби ҳолатлар ҳам уни жаҳонгашта ва мусофир бўлишга мажбур қилгандир. Фурқат Истамбулдан 1891 йилда Тошкентдаги дўстларига юборган мактубида («Сабоға хитоб») давр-даврон, замон-фалакдан жабр-жафо, бевафолик кўрганини айтади:

Ичим қон ўлди даврон ғуссасидан,
Бу даврон ичра ҳижрон ғуссасидан.
...Билурсизким жаҳоннинг йўқ бақоси,
Жаҳон аҳлини ҳам меҳру вафоси.
Фалак ғаддордир, кажрав замона,
Киши кўрмас муруватдин нишона.
Заммони ҳар нафас табдили бошқа,
Юз онча умрнинг таъжили бошқа.

Ёрқент аҳолисининг Фурқатга кўрсатган меҳр-оқибати уни ўша ерда турғун бўлишга даъват этади. Ўзи ҳам «Бул шаҳарнинг обу ҳавоси ва мардумлари яхшилигидан кетмакни ихтиёр қилмадим» деб ёзади. Ёрқентдан дўсти Тошболтуга юборган шеърий мактубида:

Менга мунда муқим ўлмоқ худо тақдири ўлмишдур,
Эмасдур бандалик дам урмагим «чину чоро»лардин,

деб тақдир ҳукмига қарши чорасиз эканлигини тан олади. Фурқат ватанидан узоқда яшаши, мусофирлик оғир кулфат эканлигини теран ҳис қилар эди ва ўша мактубида «олиб ёнлиға сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни», деб афсус-надомат чекади, ўксинади. «Сабоғи хитоб»ида «Фамидин кеча тонг йиғлар, тонг отқоч доғи кун ботгунча йиғлар», дейди очиқдан-очиқ.

Фурқат Ёрқентда янги оила куради. Нозимжон, Ҳакимжон деган фарзандлар кўради. У ерда шеърлар, сиёсий, публицистик мақолалар ёзади, ўзининг иқрорича, саёхатномалар ижод қилади, табиблик ва тижорат билан шуғулланади. Афсуски, Фурқатнинг Ёрқентда ижод қилган кўпгина асарлари бизгача етиб келмаган. Фурқат тиним билмади, турмуш, муҳит, замон, тақдир уни у шаҳардан бу шаҳарга, у юртдан бу юртга кўчиб юришга мажбур

этди. Ўттизга кирмай туриб қон томири касаллигига учрайди, Хўжандда, Тошкентда бир оз даволанди, эҳтимол Ёркентда ҳам касалига даво истаб табибликни ўрганган бўлиши мумкин. Фурқат жуда ёш, 50 ёшида, 1909 йилда Ёркентда вафот этди.

Фурқат 9 ёшидан бошлаб шеърлар бита бошлади. 20-22 ёшларида ўз девонини тузди (аммо у топилганича йўқ), 24 ёшида Қўқонда тартиб берилган қўлёзма девонга катта шоирлар қатори унинг ҳам тўққизта ғазали киритилган эди. Унинг илк асарларидан бўлмиш «Ўлтирғуси» ғазалига Муқимий тахмис боғлайди. Бу ҳолатлар Фурқатнинг ўзига хос шоир сифатида жуда эрта тан олинганлигини тасдиқлайди.

Фурқат етук ғазаллар, сермазмун мухаммас, мусаддаслар, кучли манзумалар ва дostonлар ижод этди, насрий асарлар — «Фурқатнома», ўткир публицистик мақолалар, фелъетон, памфлетлар яратди, фольклоршунослар, этнографлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган «Тўй тавсифи», «Гап тавсифи», «Аза тавсифи» каби рисоалар ҳамда шеърят назариясига доир «Илми ашъорнинг қоидаи авзони» каби асарларини ёзди.

У Қўқонда, Янги Марғилонда, Хўжанд, Тошкентда ва чет элларда яшаган, сафарда бўлган пайтларида адолатсизлик, зулм, зўравонлик ва камбағалларнинг хор-зорликда яшашини кўриб, ғамгин, фожиавий руҳдаги асарлар ёзади. Унинг қалб кўзи кун сайин очилиб, дунёнинг тескари тузилганлигига ишона боради. «Бўлуб борур жаҳон кўзимга тор оҳиста-оҳиста», дейди ғазалида. Бир ўринда ўзининг ноилож ҳаётидан нолиб афсус чекади ва қаҳр-ғазаб билан дейди:

«Хўпларга зўру зар» — эл ичра бу масал бор,
Мен хастанги, фиғонким, илкимда зўру зар йўқ!

Ёки «Тортадур» ғазалида ҳам мана шу сариғ олтин касрининг оддий инсонга келтирадиган кулфатини алоҳида таъкидлайди:

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғман,
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.
Сориғ олтуи касрати кўнгулни айлайдур қаро,
Чунки сафро бўлса ғолиб ўзга савдо тортадур.

Яна:

Йўқ эътибори — зари йўқ, — агарчи бўлса малак,
Эл ичра дев-зари бўлса, — муътабар кўрдум.
Жаҳонни кулфатида булбул ўрнига, афсус,
Либоси бахмалу кимхоб ҳанги хар кўрдум.

Фурқат ватани Кўқонни тарк этгач, доим уни соғиниб, унга талпиниб яшади. «Сайдинг қўябер сайёд» мусаддаси эрксизликка исён, озодлик, инсон эрки учун курашга чорловчи чин инсонпарварлик руҳидаги асардир. Унда уч образ — овчи, тутқун ва шоир гавдаланади. Сайёд — овчи — зўравонлик, зулм, адолатсизлик рамзи, тутқун — оху билан шоир тақдири муштарак. Фурқат оҳунинг тузоққа илиниши воқеаси орқали тутқун инсоннинг тақдири ҳақидагина ҳикоя қилмайди, кўпроқ ўзининг қисмати тўғрисида сўзлайди:

Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек.

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек.
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Кўринадики, Оху худди Фурқатдек доим йўлда бечора, ёрини топа олмай, бахти қаро, иқболи тубан, ҳижрон азобидан юраги яра, жигар-бағри илма-тешик. Кейинги бандларда шоир овчидан Оҳуни озод қилишни ялиниб сўрайди, ундан раҳм-шафқат тилайди. Йўқ, у фақат ялиниш билан чегараланиб қолмайди, адолатсизликка қарши исён кўтаради:

Тоғда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса,
Охир бу нечук бедод, олам анга тор ўлса,
Чиқмай деса жойидин — узлатда фигур ўлса,
Гар чиқса баногоҳи — доминга дучор ўлса,

Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Фурқат бу мусаддасини Тошкентда вақтида (1889—1891 йиллар) ёзган. Унинг мазмуни ва руҳи, ундаги оҳанг ва кайфият шу даврдаги, сиёсат туфайли эрк, озодлик, адолат излаб чет элга бош олиб кетаётган Фурқат ҳолатига жуда-жуда ҳамоҳанг эди.

Фурқатнинг чет элда ёзган «Адашганман» радифли муҳаммаси «Сайдинг қўябер сайёд»га жуда яқин. Унда ўз ватанидан жудо бўлган инсоннинг қалб тугёни, дард-алами, ўкинчи, зори, армони бор бўйича тўла ифодаланган.

Замона аҳли тахаллус бу сабабдин Фурқатий дерлар,
Неча йилдурки ошуби замонимдин адашганман.

Фурқатнинг чет элдан ўз юртига — дўстларига ёзган мактублари шахсий қимматга эга бўлибгина қолмасдан, улар энг аввало шоирнинг таржимаи ҳолини (чет эллардаги саёҳати ва Ёркентдаги турмушини) ўрганишда катта аҳамиятга эга. Буларда ҳам Фурқат ўз юртига ва халқига муҳаббат ва соғинч туйғуларини ифодалайди. Муқимийга ёзган мактубида (1889) «Соғлиқ йўқдур танимда ҳар кун беморман», дейди. Шу туфайли у Тошкентга келаётиб, Хўжандда бир неча ойлаб туриб даволанмоқчи бўлади, аммо фақат Тошкентга келгач дардига бироз даво топади. Сўнгра хатда Янгиқўрғон қишлоғида тура олмаслигини айтиб, «Сўзлашурга бир дуруст одам йўқ, ҳам ғарибдур, мундайн ерда тура олмасман, юраги торман», дейди. Гап бир қишлоқ ҳақида кетаётган бўлса-да, барибир бу ерда Фурқатнинг димиққан муҳитдан чиқишга ва сафар, саёҳатга мойиллиги ҳам сезилиб турибди. «Сағбоғи хитоб» мактубида унинг қалбидаги «Ҳижрон гуссаси» акс этади, айни чоқда шоирнинг фалакнинг адолатсизлиги ва замона ташвишлари тўғрисидаги одил фикри ҳам ифодаланган. Фурқатнинг шеърий мактублари унинг қатор мусаддас, муҳаммас ва ғазаллари каби реалистикдир.

Ҳаётга яқинлиги, маърифий қимматга моликлиги жиҳатидан Фурқатнинг «Гимназия», «Илм хосияти», «Тошканд шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», «Виставка хусусида» (учта шеър), «Нағма ва нағмалар анинг асбоби ва ул нағма таъсири хусусида», «Акт мажлиси хусусида»

каби манзумалари ажралиб туради. Фурқат ўзининг бо-
сиб ўтган йўли, кўрган-кечирганлари, замондошлари
ҳақидаги «Фурқатнома» мемуар шаклдаги насрий асари,
«Ёқуббек марҳумнинг қўлига тушган Қашқар вилоятининг
аҳволоти хусусида» (1897), «Қашқар вилоятидаги
сартия халқларининг зиндагонлик ҳаволотлари хусуси-
да» (1897), «Хорижия шаҳардин ёзган бир эшоннинг сўзи»
(1905) каби қатор публицистик мақолалари «Туркистон
вилояти газети»да босилган. «Фурқатнома»да Фурқатнинг
таржимаи ҳолига оид нодир маълумотлар, жумладан илк
шеъри, устозлари, замондошлари, фозил кишилар тўгри-
сидаги мулоҳазалари, ўзбекларнинг урф-олатлари, мао-
риф-маданияти, руслар ҳақидаги қарашлари ўрин олган.
Театрни у шундай таърифлайди: «Неча марта театр ном
Русия халқининг тамошоҳонасиға бориб, андаги ўюн —
тақлид тартибларини кўрдум. Аларнинг кўрсатган тамо-
шаси бизнинг масҳарабозидек махз кулгу учун эмас экан,
балки ибрат учун экандур. Бу тариқадаким, ўтган замон-
даги одамларни аҳволлари ва тирикчиликларини ва ул
мардум ораларида бўлгон муомалаларни тақлид қилиб
кўрсатар экан ва баъзи кулгулук ўйинлар бўлса, борган-
лар андин ҳам ибрат, ҳам хурсандлик истифода қилур
эканлар. Ул тамошоҳона катта бир олий иморат ўлуб, анда
эркак ва хотунлар келиб ҳаммалари курсида яхши одоб
тутиб ўлтурур эканлар».

Фурқат публицистик асарларида дунёдаги сиёсий аҳ-
волни, ҳинд, афғон уруши моҳиятини, инглизларнинг
Шарқдаги сиёсатини, Қашқардаги халқларнинг аҳволи-
ни чуқур билишини ва одил баҳолашини намоён этган.
Буларда у инсонпарвар, адолатпарвар инсон ва зулм,
тенгсизлик, қирғин келтирувчи уруш душмани тарзида
кўринади. Энди Фурқат лирик шоиргина, маърифатпар-
вар ижодкоргина эмас, айни чоқда ўз замонасининг ил-
ғор зиёлиси тарзида ҳам ўз талантининг янги қиррасини
кўрсатади.

Фурқат ўзбек шеъриятининг ҳаётийлиги, ҳаққоний-
лигининг ошишига, дostonчилик, шеърий мактуб, ме-
муар жанри, публицистиканинг ривожига, айниқса, ўзбек
адабиётида маърифатпарварлик йўналишининг камол то-

пиши ва демократик адабиётнинг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган йирик ва ўзига хос ижодкордир.

МАҲМУДХҲЖА БЕҲБУДИЙ

(1875— 1919)

Маҳмудхўжа Беҳбудий ХХ аср аввалида ўзбек халқи ижтимоий тафаккурида янги саҳифа очган, янги йўналишни бошлаб берган зиёлидир. Ўз даврида ҳам, кейин ҳам у «Туркистон жадидларининг отаси», ўзбек адабиёти тарихида ҳозирги замон драматургиясини бошлаб берган кашшоф ёзувчи, ношир ва журналист, йирик сиёсий арбоб сифатида тан олинган.

Маҳмудхўжа 1875 йили Самарқанд музофотида қарашли Бахшитепа қишлоғида имом оиласида туғилди. Ҳожи Муин ибн Шукрулло Маҳмудхўжанинг насл-насаби Аҳмад Яссавийга бориб туташишини эслатади. Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа ибн Солиҳхўжа ибн Ниёзхўжа Беҳбудийнинг ота-боболари илми арабия ва диниядан яхши хабардор кишилар бўлиб, қорилик, имомлик ва хатиблик қилганлар. Тоғалари Муҳаммад Сиддиқ ва Мулло Одил ўз даврининг ўқимишли илғор зиёлиларидан бўлиб, Маҳмудхўжа тақдирида катта ўрин тутдилар. Ўткир зеҳнли Маҳмудхўжа катта тоғаси, Чашмаоб бўлисининг қозиси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида 6 ёшида саводини чиқарди, кейин кичик тоғаси муфти Мулла Одилдан араб тили, диний илмлар ва математикани ўрганди. Маҳмудхўжанинг қуввайи ҳофизаси ниҳоятда кучли, зеҳни ўткир эди. У Қуръонни тўла ёд олиб, қорилик ҳам қилди. Ҳожи Муин «ўзи ғоят ҳалим, олоблик, оз сўзлик ва ўйин-кулгуни севмайтурғон бўлгон», деб ёзади Маҳмудхўжа тўғрисида.

Маҳмудхўжа 20 ёшга тўлганда отаси вафот этди. У тоғаси Муҳаммад Сиддиққа мирзоликка ишга кирди. Қозихонадаги икки йиллик хизмат унинг учун катта мактаб бўлди. Муфтиликка доир илм, қонун-қоидаларни ўрганди. Тоғаси қозиликдан кетгач, Кабуд бўлисининг қозиси қўлида мирзолик қилди. Маҳмудхўжа фикҳни, шарият ил-

мини шу қадар чуқур ва пухта ўрганадими, бир оғиздан ўз даврининг энг кучли, пешқадам муфтиси, деб тан олинади. Кабуд бўлиси қозихонасида бир неча ой ишлагач, муфтиликка кўтарилади. Бу ерда узоқ йиллар давомида (1916 йилгача) ишлаб, ҳақиқат, адолатни ҳимоя қилади. Беҳбудийнинг қизи Парвин Беҳбудийнинг адабиётшунос С. Қосимовга айтишича, у қайси лавозимда ишламасин, умрининг охиригача муфтиликни ташламаган (Жомбойда муфти бўлган).

Бу давр ўзбек зиёлиларининг умумий бир фазилати бор: улар динга, ислом маданиятига, худди улуғ Алишер Навоий каби, ихлос ва муҳаббат қўйган эдилар. Масалан, Навоий мутаассиб шайхлар, умуман сохта дин пешволарини қаттиқ танқид қилди, айти чокда Қуръон ва ҳадислар руҳи ижодининг мағиз-мағзига сингиб кетган бу улуғ зот пайғамбарлар тўғрисида китоблар ёзди. Беҳбудий, Авлоний, Фитрат ҳам, ислом тарихи хусусида рисоалар ёзганлари ҳолда, дин ниқобидаги мутаассиб дин пешволарига қарши турдилар. Беҳбудий, айтиқса, Макка, Қоҳира, Истамбулга (1900), кейинчалик Петербург, Москва, Қозон, Оренбург, Боқчасарой каби шаҳарларга сафар қилгач (1903 — 1904), дунёқараши, сиёсий туйғуси янада ўсди. Бу юртлардаги ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётдаги, техника соҳасидаги тараққиёт омилини илмда, маориф ва маданиятда, деб билди. Иккинчи бор саёҳатга чиққанда (1914) Туркиядаги техника бобидаги янгиликларни ҳавас билан таърифлайди, Туркистон халқининг ҳаётидаги қолоқликни афсус ва изтироб билан танқид қилади.

«Саёҳат хотиралари»да (1914) Измирдаги электр чироқлари, элеватор, темирйўл, турк тайёрасининг кўкда парвози, «ҳадис калимоти шарифни чироғ нурлари ила ёзиб танвур қилиш»ларини ёзади. Ҳажга кетаётган паранжили ўзбек аёлларини кўриб, «Бу (қуйруқ)ларга нима керак. Қирқилсин бу думлар, токи азият ва меҳнатлари оз эсун», дейди.

Беҳбудий чет элларда бўлганда айтиқса мактаб-маориф, таълим-тарбия ишлари, газета-журналлар ва нашриёт масалалари билан асдойдил шуғулланади, қизиқади. У

1901 — 1905 йилларда «Туркистон вилоятининг газети»-да, кейинчалик «Тараққиёт», «Тужжор», «Хуршид» каби вақтли нашрларда публицистик мақолалари билан қатнашади. Айниқса, Исмоилбек Фаспиралининг унга таъсири катта бўлди. Исмоилбек Фаспирали фақат мактаб ва маърифат орқалигина халқни бахтли-саодатли қилиш мумкин, деган шиорни ўртага ташлаб, янги усулдаги (40 кунда хат-саводли қиладиган) мактабни ташкил этади. Унинг бу ҳаракати жадидчилик деб шуҳрат топди («жадид» сўзи арабча «янги», жадидчилик эса, янгилик тарафдори, демакдир), Туркистонга кириб келди. Беҳбудий Туркистонда жадидчилик ғояларини дастлабкилардан бўлиб тарғиб этди. У Исмоилбек Фаспирали билан биринчи марта Самарқандда учрашган ва уни уйда меҳмон қилган эди. Кейин 1914 йили Ҳажга бораётганда Истамбулда у билан узоқ суҳбатлашади. Исмоилбек бу пайтда Петрограддан шамоллаб келган, ўпкаси касалланган ва ўзи ориқлаб кетган экан. Улар мактаб, маориф ҳақида, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Фарғонадаги аҳвол тўғрисида сўзлашадилар. Исмоилбек Беҳбудийни Боғчасаройга таклиф этади. «Оллоҳнинг лутфи ила, — деб эслайди Беҳбудий, — устод ҳазратларининг танҳо етти соат суҳбатларидан шу қадар файз топиб, мамнун бўлдимки, айтган ила адо эта олмайман. Ва ул суҳбатнинг лаззати асло мандан кетмайдур».

Беҳбудий маслакдошларидан Абдуқодир Шакурый учун ўз уйида мактаб очиб беради, барча моддий харажатларни ҳам ўз зиммасига олади, жуғрофия, тарих, дин тарихи, ҳисобдан дарс ўтади. Болаларни текинга ўқитиб, дарслик ва қўлланмалар ёзиб, нашр қилади ҳамда уларни болаларга текин тарқатади, Туркистоннинг, Бухоро ва Хиванинг харитасини тузади...

Беҳбудий 1908 йили «Китобат ул-атфол» («Болалар учун ёзув китоби») қўлланмасини яратиб, нашр этади. Бунда иш юритиш қоидалари, ҳар хил расмий ва хусусий хатлар ёзиш йўл-усуллари, тиниш белгилар хусусида фикр юритилади, намуналар берилади. Республикамиз миллий мустақилликка эришгачгина бизда шундай иш юритишга доир қўлланма пайдо бўлди. Беҳбудий эса, ўша вақт-

лардаёқ бу муҳим масала моҳиятини тушуниб етган эди. Беҳбудий ўн саккиз моддада «хат ёзмоқ шартлари»ни тушунтиради: мақсад — ниятни аниқ, қисқа, лўнда, сермаъно, тушунарли сўз ва иборалар билан, одоб ва ҳурмат руҳида ёзмоқ кераклигини таъкидлайди. Беҳбудий «ҳар тил ва лугат сўзини ўзи қоида ва имлоси ила ёзмоқ лозим», «туркийча ёзилур экан ва бир иборанинг туркийси бўлиб туриб, они ўрнига русий ва ё ажнабий исмини ёзмоқни аҳли дониш манъ қиладурлар», дейдики, бу талаб ҳозир ҳам ўз қимматини тўла сақлаб қолган. Беҳбудий рисолада ойларнинг арабча, форсча, русча ва туркий номларини бериб, ўқувчиларга енгиллик туғдиради. Расмий ва шахсий ёзишмаларнинг форсий ва туркий тилдаги аниқ, қисқа ва мазмунли намуналарини тақдим этади. Улуғ устод доим халққа фойда берадиган зарур китоблар, қўлланмалар яратиш ва нашр қилиш фикри билан яшади. «Туркистон тарихи» (1914) мақоласида ҳар хил олди-қочди, хурофий, афсонавий китоблардан кўра, «мўътабар тарихий, ахлоқий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмоқ» кераклигини таъкидлайди, бу фикр бугунги кунимизга ҳам алоқадордир. «Тарих кўб аҳамиятли ва фойдали бир нарсадир, — дейди Беҳбудий, — Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг тарикати, қайси йўл ила тараққий этганин ўқуб, ибрат олмак ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқиб мундан ҳам истифода этмак мумкиндур... Ҳоло, биз туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун ғофил ва беҳабардурмиз».

Беҳбудий ислом ақидаларини катта ҳурмат қилгани ҳолда, дунёвий фанларсиз миллатнинг тараққий этиши ва камол топиши мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидларди. «Эҳтиёжи миллат» мақоласида (1913) очиқданочиқ дедики, «Бошқа миллатларга қаралса, кўра олурга мунтазам мактаблари бор ва ул мактабларда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёга турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илм-фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур». Бу ғоят тўғри ва доно фикрлардир.

Беҳбудий замона талаби бўйича зиёли тўрт тилни билиши шартлигини ҳам айтади: «... бугун бизларга тўрт тилни таҳлил ва тақрир этувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий («Омилигимиз ёинки муродимиз», 1913).

Беҳбудий иттифоқчиларнинг жадид мактабларига туҳмат, иттифоқ қилишлари ва ҳатто имзосиз хатлар ёзиб дўқ уришлари, кўрқитишларидан ҳайратга тушади: «...Биз маълум авлоди мусулмонга, — дейди у, — иймон, ислом, қироят, тажвид, амалиёт, ҳисоб, жуғрофия, тарих ва бошқа керакли нарсаларни таълим берсак, бидъат, залолат бўлурмиш. Субҳон Оллоҳ, бу қандай куфр ва бу қандай кўргулик. Биз бу бежо таъноларни ўз зиммамизга олиб, ушбу мактабни очдик. Ва бир нечасини иншоолло очармиз. Кўча ва далаларга ғойибона сўзлаб юргунча ва исмсиз мактублар ёзиб чарчагунча келиб мактабнинг ҳар бир ишини эртадан то кечгача кўруб баҳс ва мунозара қилишлар нафъи умумдур» («Самарқанд мактаби ҳақинда», 1908).

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йили нашр этган «Самарқанд» газетаси (44 сони чиқиб тўхтаган) ва «Ойина» журнали (1913) Туркистонда ижтимоий фикрнинг тараққиётида жуда катта аҳамиятга молик бўлди. Газета тепасига ёзиб кўйилган «Ислом миллатининг саодат ва ислоҳоти, мусулмонларнинг замона фанларидан фойдаланмоқлари учун туркий ва форсий тилда ёзилган мақола ва хабарлар қабул қилинади», деган жумлалардан Беҳбудийнинг қанчалик илғор фикрли ва халқпарвар зиёли эканлиги англашилиб туради. «Ойина» журналининг биринчи сонида Беҳбудийнинг ўзи: «Ойина» шундай бир нарсаки, одам унга ўзини кўриш, юзининг қандайлигини билиш учун қарайди. Юзи эса турли физик ва психик омиллар таъсирида қизил, сариқ, қора ёки оқ бўлиши мумкин. Киши ойнага ногаҳоний пайқаб қолиши мумкин бўлган дардларини даволаш учун қарайди», — дейди.

Беҳбудий ўзи араб, форс тилларини яхши билган, рус тилини тушунган, гаплаша олган. «Ойина»ни тўрт тилда — туркий, форсий, араб ва рус тилларида чиқармоқчи бўлган. «Икки эмас, тўрт тил лозим» (1913) мақоласида «Арабий тил дин учун не даражада лозим

бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур. Арабий билмасанг дин, русча билмасанг, дунё қўлдан кетар», дейди.

С. Айний Беҳбудий табиати ва шахси тўғрисида фикр юритиб, шундай деб ёзганди: «Беҳбудий ҳазратлари кўринишда гоят маҳобатли ва салобатли эди. Аҳволига воқиф бўлмаган кимса, мутакаббур деб гумон қилур эди. Лекин ҳақиқатда мулоим суҳбатлик, такаллуфсиз бир одам эди. Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузулиши учун иқтисодиға риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди».

Файзулло Хўжаев эса, «сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадидларидан унга тенг кела оладиган киши бўлмаса керак», дейди.

Беҳбудий 1912 йил 23 — 27 июнь кунлари Бухоро уездидаги Қоракўл туз конида бўлади. У ердаги сув танқислиги ва халқнинг ночор аҳволини (тиф, ришта ва яна турли хил касалликлар тарқалганини) кўриб, «Оҳ, бечора Бухоро», деб юборади («Бухоро хонлигинда саёҳат»).

Беҳбудийнинг қатъияти, сўзининг ўткирлиги ва обрўйининг баландлиги, адабиётшунос С. Қосимовнинг ҳикоя қилишича, 1914 йил 3 январда Самарқандда Улуғбек мадрасасида, жума намозида бўлган иғвогарлик воқеасига муносабатида яна бир бор намоён бўлади. Жума намози охирида муаззин мутаассиб руҳонийлар буйруғи бўйича беш-олти минг мусулмонга қараб, кимда-ким фарзандларини жадид ва рус мактабларига берса, ўзи кофир, хотини талоқ, деб эълон қилади. Беҳбудий бошчилигидаги тараққийпарвар кучлар иғвогарларни ўз сўзларидан қайтишга мажбур этадилар.

Беҳбудийнинг бу мақоласидаги иккинчи кучли фикр Туркистон халқларини, уларнинг каттаю кичигини бирлаштишга чақиришидир. У озодлик, мухторият ўз-ўзидан келмаслиги, балки кураш орқалигина қўлга киритилиши мумкинлигини уқдиради: «Такрор арз қиламизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламак керак. Вале, бизға на ҳуррият қолур, на-да мухторият берилур».

Бундан ортиқ инқилобий фикр, чақирик, даъват бўладими? Беҳбудий 1917 йил февраль инқилобини хурсандлик билан кутиб олди ва 1917 йил апрель ойида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Ижроия қўмитаси қурултойида сўзга чиқиб, инқилоб келтирган озодликни қўлдан бой бермаслик учун Шўролар атрофига жипслашишга чақиради. Аммо Беҳбудий октябрь тўнтаришини ёқламади, зўравонлик деб билди ва унинг 1917 йил ноябрда Муслмонларнинг Умумтуркистон 4-фавқулодда қурултойида Туркистон мухторияти ҳукуматига аъзо қилиб сайланиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

«Қозоқ қардошларимизга очик хат»ида (1918 йил 26 январь) мухторият олиш учун қозоқ, ўзбек, қирғиз, туркман халқларини жипс бирлашиб, курашишга даъват этади: «Сиз билингки, ҳақ олинур, берилмас. Инчунун, мухторият-да олинур, берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олур. Албатта, бошқа тарафдан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса бермаслар. Биз бўшлик қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар... Ёлғиз мухторият учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз лозимдур».

Беҳбудий шу даврда Туркистон халқларининг уюшмасликларини ички бир туйғу билан сезиб турарди. Ўша очик хатла «Туркистон халқининг бўлинмоғига ўзимиз сабаб бўлмасак эди», деб шубҳасини ҳам яширмайди.

Беҳбудий ўзининг публицистик ва бадиий ижоди билан ҳам ўзбек адабиёти ва Туркистондаги ижтимоий тафаккур ривожига катта ҳисса қўшди. У икки юздан кўпроқ публицистик асарлар ёзди. Буларнинг мавзуи, уларда кўтарилган масалалар ғоят ранг-баранг, муҳим ва долзарбдир: давлат тузилиши, Туркистондаги жамият тақдири, халқнинг иқтисодий аҳволи, Русия ва Туркистон халқлари муносабати, Туркистондаги миллатларнинг бирдамлиги, маориф-маданият, адабиёт ва санъат, матбуот ва нашриёт, ўзбек тилини давлат тили даражасига кўтариш ва ривожлантириш, ахлоқ ва урф-одатлар, соғлиқни сақлаш, тарихни ўрганиш, археология, география, астро-

номия ва математика, гигиена, савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги... Булар ҳақида ёзиш учун қомусий билимга эга бўлиш керак эди, Беҳбудий эса ҳамма илмлардан чуқур хабардор инсон эди.

Беҳбудийнинг барча саъй-ҳаракати бир мақсад сари — халқини бахтли қилиш ва маданий-маърифий савиясини кўтариш эди. Шу мақсадда у драматургияга қўл урди. «Театр надур» мақоласида (1914) «театр ибратхонадур», «тараққий қилмоқнинг энг биринчи сабаб ва боисларидан бири театрулардир», деб уқтирди.

Беҳбудий — илк ўзбек театр назариячиси ва биринчи амалиётчиси. «Театр хонаси, — дейди у ўша мақолада, — саҳналаринда қўйилатурғон асарлар фожиа, яъни қайғулик, мазахи, яъни кулги, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб халойиққа кўрсатилур. Шунингдек, у актёрлар билан муҳаррир (драматург)ни нақадар чуқур ўйлатгувчи зариф ва назокатлилиги лозим бўлса, мушаххис (ҳодисани кўрсатувчи)ларни ҳам муқаллид ва ҳар нарсани ўзидек қилиб кўрсатувчи нуқтадон бўлиши лозим бўлиб, у алоҳида бир санъатдурки, Оврүпо эли мунга ҳам алоҳида мактаб ижод қилғондурлар».

Унинг «Падаркуш» асари, ўзи айтганидек, қайғулик пардада ёзилган.

«Падаркуш» 1912 йили «Турон» газетасида эълон қилинди. Аммо Туркистон хўжайинлари — чор мустамлакачилари асарнинг китоб ҳолида босилишига ҳам, саҳнада қўйилишига ҳам рухсат этишмади. Асар 1913 йили Самарқандда Б. Газаров ва К. Саянов босмахонасида алоҳида китоб ҳолида босилди. Унда араб имлосида асар муаллифи ва асар номини бергач, остида русча номи ҳам айтилган. Русча изоҳлар орасида қуйидаги жумлалар ҳам бор: «Посвящается юбилейной ныне памяти Бородинского сражения и избавления России от нашествия французов». «Разрешено цензурою Тифлисским Комитетом по делам печати к постановке на сценах Кавказского края 23-го июля 1913 года за №19940». Беҳбудий асарни нашр этиш ва саҳналаштириш йўлини қидириб, унинг устига юқоридаги жумлани ёзишга ва Тифлисидаги цензурага муурожаат қилишга мажбур бўлган эди. Миён Бузрук Со-

лиҳов «Ўзбек театр тарихи учун материаллар» асарида (1935) таъкидлаганидек, «Падаркуш»нинг саҳналаштирилиши масаласи ўзи катта бир тарих. Муаллиф «Ойна» журналининг 1913 йил 51-сонида келтирилган қуйидаги хабарни беради:

«Ўйнайтурғон одам йўқ. Азбаски, Туркистонда бекор одам йўқки, халқ учун ишласа ва бекор киши йўқки, театру саҳнасинда чиқиб «масхарабозлик» қилса (чунки Туркистонда театруни масхарабозликдан айирмайдилар). Қачонки мушаххислик (артистлик) заҳматини зиммасига олувчи 10 киши топилса ўйналар».

Охири асарни ўзбек, татар ёшлари саҳналаштирди, ҳатто аёл ролини эркак одам Абдулла Бадриддин ўйнади. Асар шу қадар шуҳрат топадики, театрга одам сифмайди, чипта нархи чайқовда 3—4 баробар қимматга сотилади. Кейин асарни саҳналаштирган жамоа Қўқонга бориб томоша кўрсатади, сўнгра Тошкентда саҳналаштирилади ва шу тарзда асар бутун юртда қўйила бошлайди ҳамда «Падаркуш» бизда театр санъатини бошлаб берган илк асар бўлиб қолади.

Асар ғоят ихчам, иштирок этувчилар ҳам ўн киши атрофида. Аммо унда ўша давр Туркистон халқи учун энг долзарб масала — маърифатли бўлиш, ёшларни ўқитиш масаласи кўтарилган эди. Биз юқорида Бехбудийнинг публицистик мақоласидан парча келтириб, ёшларни замона илми, рус тилини ўрганиб, Русия ҳукумати ишларида иштирок этиб, Туркистон халқи манфаатини ҳимоя қилишга даъват этганини таъкидлагандик. Пьесада Зиёли Бой билан баҳслашар экан, шундай дейди:

«Олимий замони бўлмоқ учун болаларни аввало мусулмон хат ва саводини чиқаруб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билдурғондан сўнгра ҳукуратимизни низомли мактабларинга бермоқ керакдир: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилғонларидан сўнг, Петербург, Москов дорилфунунларига юбориб, докторлик, замончилик, инженерлик, судиялик, илми саноат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир. Россия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдир ва дав-

лат мансабларига кирмоқ лозим. Токи, маишат эҳтиёжи замонамиз тўғрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса ва подшоҳлик мансабларига кириб мусулмонларга наф еткурулса ва ҳам давлати Россияга шерик бўлунса...»

Кўринадикки, пьеса Беҳбудийнинг юрагидаги дардни, орзу-армонни, идеални ўтказиш учун ёзилган. Зеро, пьесадаги Зиёли кўп жиҳатдан Беҳбудийнинг ўзига ўхшаб кетади. Зиёли фақат замонанинг илгор илм-хунарини мукаммал эгаллаш орқалигина жаҳолатдан, турғунликдан, бахтсизликдан қутулиш ва миллий мустақилликка эришиш мумкин, деб билади, ҳамма нарсани тараққий қилган Оврупо мезони билан ўлчайди. Бой унинг куйиниб гапиришига — ташвиқотига парво қилмай, ҳомуза тортиб ухлаб қолганда аламидан йиғлайди. Драматург Зиёлини кийим-кечаги, юриш-туришидан, яъни суратидан сийратигача янги замон кишиси қилиб кўрсатади. Ҳатто унинг тилини зиёлиларга хос тарзда беради («Жаноб бой, сизни кайфсиз кўраман, мумкинми сабабини билсам», «Аҳ-ҳа, қизиқ ва интересний ҳодиса эмиш»), ҳатто унинг ва бошқа персонажлар тилида йигирмага яқин рус ва оврупо тилларига доир сўз-атамалар ишлатилади (марш, турма, фойтун, банк, член, гимназия, доктор, инженер, закончилик, судиялик, форма, пиво, дюжина, извошчилик...). Драматургнинг нутқида ҳам, «стакан, пристуф, пивохона, полирус, квас, кроват, полицейский» каби чет сўзлар қўлланилган.

Пьесадаги Зиёли ва унга ҳамфикр бўлган Домулло образлари драматургнинг эзгу ниятини ифодалашга хизмат қилади. Домулла шариат, Қуръони Карим воситасида илм-маорифни тарғиб этади.

Беҳбудий пьесада оддий масалани, айтайлик, қорин тўйдириш, бой-бадавлат бўлиш муаммосини кўтармайди. Бой Домуллага қараб: «Ўқиганни бири сиз, емоқға нонингиз йўқ, бу ҳолингиз ила менга насиҳат қилурсиз»: «Менинг хаёлимға дунёнинг сабаби, иззати-бойлик.... Биз кўрамизки, одамлар бойни мулладан зиёда иззат қиладурлар», дейди. Мулла ҳам, Зиёли ҳам бой бўлишдан каттароқ, муқаддасроқ ниятни — она-ватанни ва халқи тақ-

лирини ўйлайдилар, илмсизлик, жаҳолат ва вақтинчалик бойлик кишини охири «хор ва зор» қилади, дейдилар. Юртнинг, «барча савдо»нинг ажнабийлар қўлига ўтиб кетажagini ўйлаб куюнадилар. Драматург Зиёли ва Домулло орқали ўз ниятини очиқ тарғиб қилиш билан бирга Бойнинг ўғли Тошмурод тақдирида улар айтган гапларнинг — ҳақиқатнинг нақадар тўғрилигини амалда намойиш этади. Домулло «Иншооллоҳ, мўйлаб чиқариб алифни таёқ демайтурғон ўғлингиз ҳолини кўрармиз ва ҳам ўқитмаганингиз учун гуноҳқор бўлурсиз» — дейди. Асарнинг иккинчи ва учинчи пардаларида Тошмуроднинг ўз ўртоқлари билан кайф-сафо, ахлоқсиз ишлар қилиб, ақчаси етмай, отасини ўлдириб, пулини ўғирлашлари ва қамоққа тушиши кўрсатилади. Шу пайт Зиёли яна сахнада пайдо бўлади ва «илм ва тарбиясиз болаларнинг оқибати шудир. Агарда отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас... Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмликлар. Бизларни хонавайрон, бачагирён ва бева-тан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдир; бева-танлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хор-лик ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликни меваси ва на-тижасидир. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади», — дейди.

Асарда Беҳбудий чоризм истибдодига ишоралар қилади ва жаҳолат, ахлоқсизлик, қотиллик иллатининг илди-зини Русияга олиб бориб тақайди. Бу фикр драматург-нинг кўп мақолаларида очиқ-ойдин айтилган ҳам эди. Масалан, «Эҳтиёжи миллат» мақоласида диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган одамлар бўлмаса, «маи-ший эҳтиёжимиз хароб бўлиб, кундан-кун бегона мил-латларнинг забуни ва маҳкуми бўлурмиз», деганди.

Драматург Тошмурод, Нор, Тангриқул, Давлат, Ар-тун ва Лиза тақдирида Туркистонга кириб келган ах-лоқсизлик — чиркин турмуш тарзини кўрсатиб, халқни огоҳ бўлишга, уйғонишга, кўзини очишга ва инқироз-нинг олдини олишга даъват этади. Асар ёзилган пайтда Туркистондаги илғор одамлар қалбида шу туйғу, шу ар-мон ниш урар эди ва шу туфайли асар тезда шуҳрат

топди. Халқи, ватани учун фидойиларча яшаган ва меҳнат қилган Беҳбудий 1919 йилда душманлар томонидан қатл этилди. С. Айний «Беҳбудий руҳини қттиҳоф» марсиясида «Сенинг маслагингни Туркистон тополурму, тополмасму», деб бекорга айтмаган. Чунки Беҳбудий маслаги янги замон кишилари маслагига ҳамоҳанг эди. Асар ўзбек адабиёти ва санъатида театрчиликнинг кенг қулоч отишига туртки берди. Дидактик йўналишдаги бу фожиа шакл-шамойили жиҳатидан, айниқса, жаҳон драматургияси даражасидан қаралганда анча содда бўлсада, бу борада ўзбек маданиятида қўриқ очиб берганига кўра қимматлидир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср ўзбек адабиётига тамал тошини қўйган ҳақиқий зиёли, новатор ижодкор, адолатпарвар ва чин миллатпарвар инсон эди.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889— 1929)

Мустақиллик даврида тарихимизни, адабий меросимизни, айниқса, қирғин-қатағон қилинган ёзувчилар ижодини ўрганишга кенг йўл очилди, бу борада ҳозир кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ҳамза шеърятининг ўзи биланоқ адабиётимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олиши мумкин. Ҳамза ўзбек театрининг яратилиши ва ривожига катта ҳисса қўшди. Дарсликларидан бутунлай янги принципни қўллади: улар диний ва дунёвий илм асосида ёзилди.

Бир мақоласида «Ким ҳақиқатпараст, ким миллатни суювчи, ким ўз халқини бир кўзда кўрувчи, ким жамоат хизматига жони-молини фидо этувчи айтилсун, бу майдону ҳақиқатга кирсун», деб ёзди. Бир мухаммасида «Гар ҳақиқат йўлига бир раҳнамо топса кўнгул», дейди ва «Миллий ашулалар...» мажмуасида шу ниятини журъат билан тарғиб этади. Унда шоир халқни уйғонишга, бирлашиш ва ҳақиқат учун курашга чақиради: «Бирлансун энди бошимиз, маслакда қари ёшимиз», «Ҳақ йўлида жон берсак, бўлсак миллат қурбони»...

Адиб бошқа бир асарида ҳаммага «бир кўз билан қарайлик», деган иборани ишлатади, халқни бою камбағалга ажратмайди. Ортиқча тўй-ҳашамлар, қиморбозлик, кўкнорихўрлик, маҳаллийчилик, бир-бирини кўролмаслик, дангасалик, айниқса, илмсизликни шафқатсиз танқид қилади: «Тонумаслар ўзларин беҳушлар», деб афсусланади: «Ўзингизга бир боқсангиз эди кўзингиз йиришуб», дея хитоб этади.

Форс ва араб тилларини пухта билган Ҳамза динга сидқидилдан ишонган. Отасига йўллаган бир мактубида «Бир бедона кафш сотиб олган эдим, рамазон келиб қолди: яна сотиб юбордим. Ифторлик ва саҳарликка харжладим», дейди.

Аммо 1917 йилги Октябр тўнтаришидан кейин мамлакатда большевиклар томонидан динга, мадрасалар, диндорларга қарши бошланган шафқатсиз оммавий кураш жуда ёмон оқибатларга олиб келди. Янги тузумдан нажот кутган Ҳамзага ўхшаган ижодкорлар атеистик мавзуларда асарлар ёзишга ўтди. Сўнгра динга нисбатан бошланган адолатсиз кураш дин раҳнамоларининг норозилигига сабаб бўлди. Бундай ҳол Ҳамзага ўхшаганларни чалғитди. У: «Мулла, эшонлар қутурди, дин, шариятнинг исмидан «ғозийлик» деган ёлғонга адашган эрлар сотилди» ва «Дўзахни писанд этмади куфринда Ниёзий», деб ёзди. Ҳамза аслида жаҳолатга қарши курашмоқчи бўлади. Шўролар даврида бирорта асарида ижобий маънода тасвирланган дин кишиси йўқ.

Баъзилар Ҳамзанинг мардикорлик воқеаси муносабати билан ёзган «Яшасун чун ватан ўғли» ва «Сидқи дил бирла дуо» шеърларида чоризмни мақтаган, ўз халқини мардикорликка даъват этган, деб уларга салбий баҳо берадилар. Эҳтимолки, бу шеърлар маҳаллий маъмурлар талаб-буйруғи билан ёзилган. Лекин Ҳамза «Подшоҳимизга садоқат кўрсатинг, аҳли ватан, то қурбон ўлсун жонимиз», деб даъват этган бўлса-да, шеърнинг руҳига ўз юртини, ўз халқини қадрлаш туйғуси сингдирилган.

Ҳамза аслида мардикорликнинг қандай оғир кулфатлар келтирганини яхши билади. «Соғиниб», «Салом айтинг» каби шеърларида мардикорларнинг фожиали аҳво-

лини кўрсатиб беради. Лекин у шеърларига жуда муҳим бир ғояни сингдиради: жаҳолатда қолиб кетган ва ўз бахт-саодати учун курашмаган одамнинг жазоси шу, бу кунларинг сенларга сабоқ бўлсин, демоқчи. Қаранг: «Жазо шул қаю миллат, ки ҳикмат, илму фан билмас», «Эсак дониш эли ўлмас биз мунча расволар», «Бу кунлар ибрат ўлсун, эй...».

Адиб бошқа бир ўринда очикдан-очик бундай деб ёзган эди: «Мана, букун ҳақиқат, ҳуррият воситаси билан эски хоин ва золим, мустабид ҳукумати 50 йилдан бери бўйин, қўл ва оёғимизга сезимсиз солуб келган умрлик оғур занжирларин кўзга кўрсатиб ечди, халос қилди. Букун ҳақиқат, мусовот воситаси била, бир тараф, золим амалдорлар, иккинчи тарафдан, раҳмсиз, шафқатсиз талончилар темир тирноғи остида пўстлари бутун сидирилуб, юраклари эзилуб... турган мазлум, ноҳақ фақиру бечора, етим, ғарибларнинг бургутлар панжаи маргидан баҳо қилди... Букун Остроумов, Илминский кабиларнинг тарбиясида яшаган ва анинг маслакига хизмат этувчи, ватандаги ўз орамиздан чиққан дин хоинларини ҳаётларин ҳақиқат майдонига отур. Ноҳақларни шарманда... қилур».

«Истибод қурбонлари»да рус началниги оғир меҳнатдан ўлиб қолган ўзбек йигитини толиб: «Кўтаринг бу собаканинг ўлигини», дейди. Ҳеч қайси ёзувчи ўша вақтда чоризм башарасини Ҳамза каби дадил фош этган эмас. 1917 йил 21 октябрда ёзган «Уён Ватан» шеърида «Бу кун миллатга ўлсун ҳарна ҳимматимиз», «Битди истибод, етсун ҳуррият», «Битсун назорат, қуллик, асорат» деб ҳайқирди. «Туркистон Мухториятина» шеърида эса «Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати, кўтарилди асорат, хўрлик иллари», деб қувонади.

Бу гаплар бежиз айтилмаган эди. Ҳамза ўз юртида, Россияда ва ундан ташқарида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалардан яхши хабардор эди. Жадидлар отаси деб шуҳрат таратган Исмоил Фаспиралини ўз устози деб билган шоир у вафот этганда шеър ва мақола ёзиб, «ботди хуршиди жаҳон», дейди. Туркистоннинг илғор зиёлиси, машҳур жадид Мунавварқорини эса, «муҳтарам

устози олий», «маънавий ота», деб ҳисоблайди. Унинг «Сариқ гул» (1916) тўпламидан «Яшасун чин ватан ўғли», деган шеър ҳам ўрин олган. Ундаги «Яша, Чайкин, Яшасун чун ватан ўғли Хўжаев» деган мисра бўлиб, ҳар тўртликдан сўнг (9 тўртлик) такрорланиб келади. Убайдулла Хўжаев ва Вадим Чайкин ўша даврнинг илғор зиёлилари, сиёсатчилари эди. «Садои Туркистон» газетасига бош муҳаррирлик қилган Убайдулла Хўжаев машҳур адвокат бўлиб, Қўқон Мухторияти ташкил топганда мудофаа нозири ўрнини эгаллаган эди. Вадим Чайкин «Голос Туркестана» газетасининг бош муҳаррири бўлган. Туркистондаги эсерлар партиясининг бошлиғи сифатида Беҳбудий, Закий Валидийлар олдинга сурган Туркистонга федерация мақомини бериш ғоясини фаол қўллаб-қувватлаган арбобдир. Ҳамза бу икки шахсни Туркистон халқининг оғир, ночор аҳволдан оқ подшоҳни хабардор этувчи ва оғирини енгил қилишни сўровчилар, деб билади.

Ҳамза Аҳмад Закий Валидий Тўғон билан дўст бўлган, у билан бирга халқ орасида тарғибий-ташвиқий ишларни олиб борган. Валидий ҳам уни ҳурмат қилган ва Туркистондаги энг машҳур, фаол сиёсий арбоблардан бири, деб ҳисоблаган. Маълумки, Закий Валидий зўр олимпигидан ташқари Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси сифатида тан олинган, «Туркистон Миллий Бирлиги» қўмитасининг раиси бўлган, жуда кўп сиёсий дастурлар, йўл-йўриқлар (масалан, жадидлар дастурининг) муаллифи бўлган ва ҳатто Ленинга катта мактуб ёзиб, барча ваҳшийликлар, адолатсизликлар, шовинистик сиёсат ва майда миллатлар ҳақ-ҳуқуқининг поймол қилинишида, эҳтимол, «йўл қўйилган хатолар бошида сиз ўзингиз тургандирсиз» дейишга журъат этган сиёсатчидир.

Тошкентда ўтадиган «Туркистон Миллий Бирлиги» конгрессига қатнашувчилар тўғрисида сўзлаб, Валидий шундай дейди: «Лекин Туркистоннинг таниқли сиёсий арбоблари Алихон Букайхон, Турор Рискулов, Аҳмад Бойтурсун, Муҳаммаджон Тинишбоев, ўзбеклардан Мунавварқори, Бухородан Ҳакимзода, Мирза Абдулқо-

дир Муҳиддин, туркманлардан адвокат Қақажон Бердиев ва бошқалар узоқ вақт болшевиклар махсус хизматларининг таъқибни остида бўлганликлари сабабли бу конгрессга кела олмайдилар» (таъкид бизники — С. М.) Закий Валидийнинг мана бу фикри Ҳамзанинг қалбидан мухторият ғояси чуқур ўрин олганини ва «Мухторият ёки автономия» драмаси, кейинча «Туркистон Мухториятина» шеърининг дунёга келиши бежиз эмаслигидан далолат беради.

«Мен ва Бехбудий, тошкентлик ёш муҳаррир Толибжон, ёш ўзбек шоири Чўлпон, нўғайқўрғонлик татарлардан Тоҳир, Самарқанддан Ҳакимзода билан бир қанча шаҳарларга бориб йиғилишлар ўтказдик, турли-туман жойларда бўлиб, Туркистон Марказий Шўросига одамларни жалб қилдик. Натижада Мухтория фикрининг асл душмани саналган кадет партиясининг Тошкентдаги бошқармаси ўз таъсирини йўқота бошлади. Июнь ойи бошидан бошланган кураш натижасида Мухторият ғоясининг таъсири ҳамма ерда кучая борди». Валидийнинг бу гаплари Ҳамзанинг сиёсий кураш жабҳасида фаол ишлаганидан яна бир далилдир.

Маълумки, 1917 йил бошларида Туркистон Миллий Шўроси тузилади ва унинг ғояси Ҳамзани ҳам мафтун этади. У «Таржимаи ҳол»ида 1917 йил бошида Шўрои исломнинг озуқа шубҳасига кириб, иттиҳод таъмин жамиятини ташкил этишда қатнашганини ёзади. Шу пайтларда «Ҳой, ишчилар», «Биз ишчимиз», «Ишчилар, уйғон», 1918 йили «Туркистон Мухториятина» шеъри билан кетма-кет «Уйғон», «Яша, Шўро» каби шеърларини ёзган. Бу шеърларнинг мағзини миллий ишчилар синфини яратиш ва миллий шўрони ривожлантириш ғояси ташкил этади. Фикримизнинг исботи учун яна Закий Валидийнинг Мустафо Чўқаевга ёзган катта мактубидан бир парча келтирамиз: «1917 йилнинг июнида Самарқандда Ҳамза Ҳакимзоданинг, Маҳмудхўжа Бехбудий билан менинг миллий ишчилар касаба уюшмаларини ташкил қилиш йўлидаги фаолиятимизнинг асосини ташкил қилган тadbир шу бўлди. Озарбойжон миллий социалист партиялари, мусоват партияси 1918 — 1919-йилларда бундай мил-

лий касаба уюшмаларини жуда яхши уюштиришди. Биз социализмни ҳар бир миллатнинг ўзига хосликларини кўзда тутиб, ҳар бир миллатда майдонга келган уюшмаларнинг Русия доирасида уюшиб бирлашган демократик федерация тариқасида кўз олдимизга келтирар эдик. Диктатура тартибига қаттиқ қарши чиқдик... 1919 йилда Туркистонда социализм ғояси кенг тарқалди. Социалист бўлмаган бирорта партия тузиш имкони берилмади, тўхтаиб қўйилди».

Ҳамза ўз «Таржимаи ҳоли»да «1917 йилнинг 28 майида Қаландархонада 400 га яқин рабочийларини тўплаб, зўр намойиш қилиб, рабочий меҳнаткашлар жамияти ташкил қилдик», дейди. Агар шоирнинг «Ҳақингни ол, ишчилар» («Ҳой ишчилар»), «Замона келди, кўтарайлик оёқ остдан бошимиз» («Биз ишчимиз»), «Ишчилар уйғон, уйғон. Сенга ишлашга етишди замон» («Ишчилар, уйғон») мисраларига эътибор берсангиз, уларда ўша Закий Валидий таъкидлаган ғоя руҳи борлигини англаш мумкин.

Шоир советлар даврида кўп шеър ёзмади, йигирма саккизтача шеърдан ўн тўрттаси хотин-қизларни илм-маърифатга ва эрқка чорловчи асардир. Бир неча шеърларида халқни уйқудан уйғотиш ва озодлик қарор топганини қутлаш ётади. Бу ерда Анвар Пошонинг адъютанти Муҳитдинбекнинг Закий Валидий тўғрисидаги мақоласидаги (1928) «Закий Валидий рус инқилобига катта умид боғлади. Туркий халқларга инқилоб бир нажот ва бахт келтиради, деб ишонди. Лекин умидлари рўёбга чиқмади. Закий Валидий Анвар Пошо билан алоқа боғлаб, болшевикларнинг ҳийла-найранглари яхши тушунгандан кейин бир қанча вақт бекиниб юриб, иш кўришга аҳд қилди ва шундай қияди ҳам...», деган фикрини келтириш ўринли. Ҳамза ҳам, Чўлпонлар ҳам дастлаб худди шундай адашдилар. Тўғри, Ҳамза совет ҳукуматининг ўз одамига айланишга ва уни қўллаб-қувватлашга интилди. 1926 йили унинг дўсти Сўфизодага «Ўзбекистон халқ шоири» ва Ҳамзага «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари берилган бўлса-да, Сўфизода 1937 йили ўлдирилди. Ҳамза эса доим тазйиқ остида юрди, бирор ерда

муқим ишлаш имкониятига эга бўлмади. «Таржимаи ҳоли»-да айтилишича, ганимларининг унга «очиқ ҳужумга тикланганларини билиб», Бухоро ва Хоразмга кетиб қутулади. Ҳамзанинг русларни фош этувчи асарлари, миллий мухториятни орзу қилган шеърлари, Закий Валидий, Мунаввар Қори, Чўлпон, Беҳбудий каби замонасининг илғор зиёлилари — адолат ва ҳақиқат учун курашувчилар билан дўстлиги шўро тузумининг махсус қўриқчиларига аён эди. Шунинг учун уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қийнадилар. У дўстлари ва юқори ташкилотларга ёзган ўнлаб мактубларида «ёрдам сўрасак бизга тескари қарайдилар», «ёзувчи бўлмай ва дунёга келмай ҳам ўлай», «ҳозирда кўриб турган кунларимни итлар кўрмайдур», дейди. Бир қайдида «Оч туришга чора йўқ, ўғирликка ўқув йўқ. Мардикорликка куч, усталikka ҳунар йўқ. Деҳқончиликка ангал-дангал. Ўлишга текин ажал йўқ. Қочай десанг, на йўл бор, на тинч жой. Муни устига сан ҳам бўларсан-да шуларга ўхшаган бедин, ноинсоф бир болшовой», дейилган. Ҳамза 1928 йил 25 сентябрда бир дўстига йўллаган мактубида ҳаётининг хавф остида қолганлигини айтиб,» пичоғимнинг гулдастаси синмасун эди. Ул игвогарларнинг тегишлик чораларини кўрмасликлари яна бир зарба бермай қолмас», деб ёзади. Кўп ўтмай, 1929 йил 18 мартда эса Ҳамза ваҳшийларча ўлдирилади. Бу ишда сиёсий кучлар ҳам иштирок этганига шубҳа йўқ.

ФИТРАТ

Фитрат ҳозирги замон ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакилидир. У қомусий билимга эга олим, адабиёт назариячиси, ўткир тилшунос, ўзига хос драматург ва шоир, жанговар сиёсий публицист, ношир, журналист ва талантли давлат арбоби эди.

Фитрат ўз таржимаи ҳолида ёзишича, 1884 йилда Бухорода туғилди (С. Айний уни 1886 йилда туғилган дейди). Отаси Абдурахимбой савдо иши билан шуғулланарди. Шунинг учун чет элларга (Қашқар, Туркия, Эрон) борар, дунё аҳволдан бохабар эди. Онасининг исми Биби-

жон эди. Фитрат бошланғич тарбияни диний мактабда олди, кейин «Мирараб» мадрасасида тахсил кўрди. Форс, араб тилларини мукаммал билган Фитрат ўз давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳам қизиқиб қаради. Ўзининг айтишича, аввал жадидлар ҳаракатига қаршилиқ қилди, кейин унинг моҳиятини англаб етгач, бу ҳаракатга қўшилди. Ҳатто ашаддий тарғиботчиларидан бирига айланди. Шу жадидлар маслаҳати ва ёрдами билан Истамбулга (Туркияга) ўқишга борди ва 1909 — 1913 йилларда шу ерда истиқомат қилди. Туркиядаги ҳаёти Фитратнинг дунёқараши, сиёсий онгини кескин ўзгартириб юборди. У Туркистон ҳаётига Туркиядаги ўзгаришлар (бу пайтлар «Ёш турклар инқилоби» воқеаси бўлган эди) ва илғор мамлакатлар даражасидан чиқиб қарай бошлади: диний хурофотни кескин танқид қилди, ҳатто динни, мактаб-маорифни ва Туркистондаги идора усулини ҳам ислоҳ этиш ғояси билан нафас олди.

Фитратнинг 1909 йилда Истамбулда «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилган мунозараси» китоби босилиб чиқди (Фитрат асарини 1908 йилда ёзганини айтади). Асарнинг Бухорода босилишига амир рухсат бермагач, Истамбулда нашр эттирган эди. Асар форсча ёзилган, уни Ҳожи Муин ўзбекчага айлантиради ва «Туркистон вилоятининг газетаси»да бостиради (1911). 1913 йилда алоҳида китоб ҳолида чиқади, унга Беҳбудий кириш сўзи ҳам ёзган эди. «Ҳибс қилиш, ўлдирish, сангсор қилиш кундаги одатлардан эди, — дейди Фитрат — у замонларда китоб ёзишнинг ўзи «кофир»лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асарни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир куй расмий идораларни танқид қилдим. Бу китоб Бухорода тарқалар эди. Унинг ноширлари бўлгон Бухоро жадидларини таҳликага туширмаслик учун амирга қаратиб бир сўзбоши ёзди ва шунинг билан, гўё, танқиднинг унга эмас, маъмурларига оид бўлғонини кўрсатдим. Бу замондаги Бухоронинг ижоби эди. Шунинг билан мени Бухоро амирининг тарафдори, дейиш ҳам мумкин эмас. Мениннг Бухоро амирига қарши ҳар вақт курашганим ва

курашган ташкилотларга раҳбарлик қилганимни билмаган йўқ».

Фитрат адабиётнинг ҳамма жанрларида қалам тебрата бошлади. У 1910 йилда Истамбулда «Сайха» («Чорлов») деган шеърлар тўпламини бостирди. У ҳам форс тилида эди. «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» ҳам форсча ёзилиб, 1912 йилда Истамбулда нашр этилди. Фитрат Туркиядан қайтгач, Бухоро, Самарқанддаги қизгин адабий жараён, маданий, маориф ишларига ва сиёсий ишларга аралашиб кетди. Самарқандда 1917 йилдан чиқа бошлаган «Хуррият» газетасига (27—87-сонларига) муҳаррирлик қилди. Газетада миллий мустақиллик ғоясини тарғиб этди. Большевиклар ҳаракатини ёқлаш керакми ёки йўқми, унга қарши туриш керакми, деган масала кун тартибида турган пайтда Фитрат большевикларни ёқлаб, «Хуррият» газетасида бош мақола эълон қилди. «Мақолада, — дейди Фитрат, — курашнинг қайси томонига кўшилиш керак?» деган саволни қўйиб, ўзим сўл томонга кўшилишни ёқладим. Бу курашнинг «ўнг» томонидан бизга хайр йўқлигини даъво қилдим. Менинг бу даъватим каромат эмас, тажриба натижаси эди, чунки Бухоро амири билан бўлган жанжалимизда муваққат ҳукуматнинг тўппа-тўғри амир томонидан турганини, бизнинг эса, рабочийлар томонидан, ишчи-деҳқон-солдат депутатлари Совети томонидан ҳимоя қилинганимизни ўз кўзим билан кўрган эдим ва коммунистлар фирқасининг миллат масаласини бутун дунёдаги сиёсий фирқаларга кўра тўғри ҳал қилганини яхши билар эдим. Менинг муҳаррирлигим остида чиққан мазкур «Хуррият» газетаси Самарқанд жадидларининг ношири афкори эди, сўнг замонларда бир бойнинг пули билан чиқар эди. Мен шунга қарамасдан газетамни большевикларга хайрихоҳ бир нуқтада сақлашга тиришдим, большевиклар мақолаларига ўрин бердим. Самарқанддаги ишчилар ташкилоти билан «Шўрои ислом» орасидаги курашда ишчилар ташкилотининг ношири афкори каби ҳаракат қилдим».

Кўқон Мухторияти тузилганда (1917 йил ноябрь) Фитрат Самарқандда эди. Шу ердан унга аъзо қилиб сайланади. «Кўқонга бормадим. Мухториятнинг ҳеч бир ишига

иштирок қилмадим» дейди Фитрат. Аммо ўзининг «Хуррият» газетасида бу воқеани юракдан қувватлаб мақола эълон қилади: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди, шарафимиз емурулди. Номусимиз гасб қилинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик. Сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруғга бўйин сундук. Бугун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдук, имонларимизга ўраб сақладук. Бу — Туркистон мухторияти.

Маҳкама эшикларидан йиғлаб кетганда, ёруқсиз турмаларда ётганида, йиртқич жандарманинг тепкуси билан йиқилғонда, юртларимиз ёндурулғонда, диндошларимиз осулғонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузилди. Кўзимиз ёғдусиз қолди. Бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда тушқун руҳимизни кўтармак учун, шул қоп-қора дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти» («Хуррият», 1917, 5 декабрь).

Фитрат Бухорога бориб Колесов воқеасига (Туркистон халқ Комиссарлар Кенгашининг раиси Ф.И. Колесов отряди билан ёш бухороликларнинг биргаликда амирликни ағдариб ташлаш учун қилган қуролли кўзғолони) аралашади. Кўзғолончилар томонидан Бухоро амирига топширилган ультиматум Фитрат томонидан ёзилган эди (1918). Бу пайт Фитрат Бухоро компартиясининг аъзоси эди, 1919 йилда эса Марказий Комитет ва кейинча Сиёсий Бюро аъзоси бўлган. Колесов мағлубиятидан кейин у Тошкентга келади ва Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонасида таржимонлик қилади (1919 — 1920), Бухоро большевикларининг «Тонг» журнаliga муҳаррирлик қилади (у Тошкентда нашр этилар эди, 1920). 1918 йил охирида «Чиғатой гурунги» ташкил этилади. Фитрат унинг раҳбарларидан ва фаол аъзоларидан бири эди. Бу ҳаракатнинг вужудга келишига зарур сабаблар бор эди: мактабларда усмонли тил ва усмонли адабиёт она тили ўрнида ўқитила бошланади, ўзбек тилининг мавқеи тушиб кетади. Фитратнинг таъкидлашича, «Чиғатой гурунги» ўзбек

миллатчилиги: ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва шунга берилган жадидларга қарши курашди... «Чигатоё гурунги» ўз замонида пантуркизм, панисломизм ҳаракатларига қарши курашмоқда эди. Фитрат 1921 йилда Бухоро ҳукуматида Халқ маорифи нозири, кейин Хорижия нозири, халқ хўжалиги Кенгашининг раиси, жумҳурият Марказий ижроия кўмитасининг ўринбосари, халқ нозирлари Шўросининг муовини, ҳукумат режа ва харж-сарф ташкилий ҳайъатининг раиси каби масъулиятли вазифаларда ишлаб, Бухоронинг равнақи учун кўлидан келган ёрдамини аямади. Айни пайтда Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати раҳбарларининг миллатнинг тараққиёти учун олиб борилаётган кенг кўламдаги яхши ишлари Москвага ёқмади. Москва Бухоро ҳукумати таркиби бой, савдогарлардан иборат бўлиб қолган, деган айбни кўйиб, ҳукумат аъзолigidан беш кишини, жумладан Фитратни ҳам чақирди (1923 йил июндаги Пленумда). Фитрат Москвага кетишга мажбур бўлади. У ерда Шарқ тиллари институтида илмий ходим бўлиб ишлади (1923 — 1924). Шу йиллари унга профессорлик унвони берилди.

Фитрат Москвадан қайтиб келгач, Бухоро, Самарқанд, Тошкент университетларида дарс берди. Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институтида, Тил ва адабиёт институтида, Ўзбекистон Фанлар комитетида ишлади. Бу йиллари қатор бадний асарлар билан бирга жуда кўп илмий асарлар яратди. Аммо Фитратнинг миллатпарварлиги большевиклар ва шўро ҳукумати раҳбарларига ёқмас эди. Уни Чўлпон, А. Қодирий, У. Носирлар билан бирга миллатчиликда айблаш тобора кучайди. Фитрат Бухорода ишлаганда у ерда Ёш бухоролик инқилобчилар фирқаси ва Бухоро коммунистлар фирқаси бор эди, у коммунистлар фирқаси томонида турди, кейин ҳам, Тошкентда бўлган вақтида ҳам шу йўналишда ишлади. Фитратнинг ўзи «Мен ўзбек миллатчиси бўлган замонларда (миллатпарвари демокчи — С.М.) ҳар вақт Шўро ҳукуматига ва коммунистлар фирқасига хайрихоҳ бўлиб турдим», дейди. Афсуски, коммунистик идеал учун, ҳақиқат, адолат, маориф, фан, маданият ва миллат тақдири учун туну кун меҳнат

қилган бундай улуғ зотни шу партия, шу шўролар ҳукумати қамоққа олди, у 1938 йил 4 октябрда А. Қодирий, Чўлпонлар билан бирга ваҳшийларча отиб ташланди.

Фитрат кўп қиррали ижодкордир. Бу — унинг лирикаси, драматургияси, публицистик ва илмий мақолаларидир. Аммо шуни айтиш керакки, Фитрат ҳамма жанрларда ҳам битга, ягона қалби билан намоён бўлади: у бадий ижодда ҳам, илмда ҳам, ижтимоий фаолиятида — давлат ва жамоат арбоби сифатидаги хатти-ҳаракатида ҳам бир мақсад, бир орзу-армон билан нафас олди. Бу — халқни жаҳолат, турғунлик, рафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, бахт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда, миллий мустақилликка эришишга чорлашдир. У ўзбекнинг ўзлигини таниши, ота-боболари каби улуғвор кашфиётлар қилишга, бирлашган, кучли, қудратли давлат тузишга ва дунёнинг илғор маданиятли мамлакатларига етиб олишга чақирди. Бутун ижоди халқнинг қалб кўзини очишга ва меҳнат, ўқиш, яратиш, курашга — инқилобга даъватдан иборатдир.

Фитратнинг илк тўплами «Сайха»нинг фазилати, Файзулло Хўжаев таъкидлаганидек, «Бухоро мустақиллиги ғояси ёрқин миллий шаклда биринчи бор ифодалаб берилиши эди». Шу тўпайли бу тўпламнинг Бухорода босилишига амир Олимхон қаршилиқ қилади. Шунга қарамай «Сайха»ни 1910 йилда Туркияда (Истамбулда) ўз ҳисобидан нашр эттиради. Тўпламдаги шеърлар форс тилида, ундан 15 тачаси ўша вақтларда (1914 йил) «Садон Туркистон» газетасида ўзбекча изоҳи билан босилади. Тўплам Ватанга муҳаббат, халқ ғам-ғуссасига ачиниш ва зулмдан қутулишга ундаш туйғуси билан йўғрилган.

Ҳам моҳи мангу осойиши, иззу шарафи ман,
Ҳам каъбаи ман, қиблаи ман, чамани ман.

(У — менинг осмондаги осойишта ойим, иззатим, шарафим.

У — менинг саждагоҳим, жону танимдир).

Фитратнинг «Учқун» деган тўплами чиққанлиги тўғрисидаги хабар ҳам матбуотда босилган (1923), аммо у топилмаган. Республика матбуотида, «Ўзбек ёш шоирлари»

тўпламида (1922) қатор шеърлари босилган. Гарчанд Фитрат форс, араб тилларини яхши билса-да, ўз шеърларида иложи борича уларни ишлатмасликка ва содда ўзбек тилида ёзишга интилди. Унинг устига Фитрат ўз бадий ижоди ва илмий мақолалари орқали бармоқ вазнининг қулайлиги ва кенг имкониятларини тарғиб қилади. «Бир оз кул», «Ишқимнинг тарихи», «Яна ёндим», «Ўқитувчилар юртига», «Қора» каби шеърлари соддалиги ва ички туйғу ва кечинмаларни ҳаққоний ифодалаб бериши билан жозибалидир. «Ўқитувчилар юртига» шеърда элни маърифат, ҳақиқат йўлига йўналтириш, жаҳолатга қарши курашишга даъват этади:

Орқадешлар жангли ўйин йиққали,
Эл кўзини олғон қоронғу пардаларни йиққали,
Биз эрурмиз маърифат арслонларни, илм эрлари,
Тўплайлик, туринг, элга тўғри йўллар очғали.
Эллари махвдан қутқарон илм эрур,
Бизларни ҳам бу кундан ўзи қутқарур.
Биз эрурмиз элнинг инсонлик қонин қайнатувчи,
Турк арслонин ўринсиз уйқудан уйғатучи.

Фитратнинг энг машҳур шеърларидан бири «Миррих юлдузи»га деб номланади. Бу шеър унинг бошига кўп кулфатлар солади, уни миллатчи деб айблашда яна бир қўшимча дастак бўлиб хизмат қилди. Шеърда Фитрат юлдуз баҳонасида Оллоҳга мурожаат этиб, большевикларнинг, босқинчи рус аскарларининг ваҳшийликларини фош этади ва юртдошларини уларга қарши қайрайди:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.
Ўртоқ қонини қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксус, йўқсулнинг қонин —
Гурунглашиб — чоғир каби ичганлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдиргани бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб.
Ўз қозонин қайнатувчи ҳоқонлар?
Борми сенда қорин, курсоқ йўлида,
Элин, юртин, борин-йўғин сотганлар?

Мана шу мисраларнинг ўзиёқ Фитрат шеърларининг миллий уйғониш ва инқилобий руҳда эканлигидан далолат беради.

Фитратнинг «Сайёҳ ҳинди» («Ҳинд сайёҳининг қисаси») насрий асари 1912 йилда босилди. Бу асарнинг аҳамияти унинг шеърини ва драматургиясидан қолишмайди. Асарда жаҳон халқлари, илғор мамлакатлар фуқароси кўзи билан Бухоро, умуман Туркистоннинг давлат тузумига, тартиб қондасига, халқнинг турмуш тарзига, иқтисодига, сиёсатига, мафкураси, маданиятига, маорифига назар ташлаб, улардаги ибратли жиҳатларни қўллаб-қувватлаб, иллатларини беаёв фош этган. Фитрат асарда Бухоро ҳаётини беш қўлда билиши, унинг ривожига ҳов бўлган барча иллатларни бартараф этиш чораларини кўрсатиб бера олишини намойиш қилади. Асардаги сайёҳ номидаги шахс («Мен») Фитратнинг ўзидир, у бирор шахс билан — мезбон билан суҳбат қилиш, мунозара этиш жараёнида ўзининг эзгу фикр, тилак-армонларини айтади. Асарни Бухорони, умуман Туркистонни тараққиёт йўлига олиб чиқиш дастури дейиш мумкин. «Уламо» бобида Бухоронинг илм маркази бўлганлигини таъкидлагани ҳолда энди ортда — жаҳолат ботқоғида ботиб қолганлигини айтиб, шу бухороликларга бошқалар ҳам «Жаҳолат ва ғафлат ботқоғига ботдилар», «бугунги ҳақиқий илмдан мутлақо хабарсизлар», дейди. «Умаро» бобида эса амалдорлар «хукмронлик отига миниб, бечораю бадбахт халқнинг мол, жон, арз, номус ва шарафини шафқатсизларча поймол этадилар», дейди. Фитрат иллатларни жуда асосли, шафқатсиз таҳлил қилади: ҳовузлардаги ифлос сувлардан ичиш — касалликларни ичишдир, сохта мазорларга эмас, фақат Оллоҳга сиғиниш лозим дейди. Мутаассиб руҳонийларнинг ҳадисларда йўқ гапларни ташвиқ қилишларини танқид қилиб, ўзининг Қуръон, ҳадисларни, Имом Исмоил Бухорийни чуқур билишини намойиш қилади: Бухорода нечта мадраса борлиги, уларнинг номлари ва «оламга тўрт юз олимни ҳадя этгани»гача, ҳозир эса чўкиб қолганини гапирди.

«Эй бечора миллат. Буларнинг барчаси мажбуран шаърийлаштирилган ҳуқуқлар бўлиб, сен ана шу зўравонлар —

қонингни сўрувчи, хонумонингни кўкка совурувчи, ша-
раф ва номуснинг бунёдига ўт кўювчи кишилар тараф-
дорисанки, ҳали ҳам буни тушунмайсан! — дейди. Яна
бир жойда «Ҳаммага маълумки, ҳар бир миллатнинг та-
раққиёти учун илм асосий сабабдир. Сизнинг илмингиз
йўқ», дейди.

Фитрат тижорат ва бой бўлишни тарғиб этади, аммо
бойликка сажда қилиш, имон-эътиқодни, инсофни йўқо-
тишни қоралайди. Шариат пешволари тижоратни, бой-
ликни қоралайди, дейишади. Фитрат пайғамбаримиз «кам-
бағаллик кофирликка яқиндир» деган эди дейди ва фа-
қат нафсни тийиш кераклигини уқтиради («Тижорат
масаласи башариятнинг ҳаёт-мамот масаласидир» дейди
Фитрат). Асарда халқни бирлашишга, завод-фабрикалар
қуришга, тижоратни ривожлантиришга чақиради.

Фитрат яхшигина иқтисодчи ва доно сиёсатчи эди.
«Шарқ сиёсати» (1920) китобида «Мусулмон дунёси
оёқлари остида йиқилғон, тебраниб, талпиниб турадир»
деяр экан, Туркистоннинг инглизлар қўлига тушмаслик
ва тараққий қилиши учун Россия билан яқинлашиши ке-
раклигини айтади: «Мусулмон дунёсини Оврупо жаҳон-
гирларидан қутқармоқ керак. Лекин мусулмон дунёси би-
лимсиз, онгсиз, ҳунарсиз қолғон: бирлиги йўқ, иш йўлла-
рини билмайдир, уруш яроғи йўқдур, шунинг учун
Овруподаги кучларнинг бириси билан қўшулардан бош-
қа чора йўқ», шунинг учун «Русия Шўролар ҳукумати
билан келишмак, бирлашмак керак» дейди.

Бу кўчирмани келтиришимизнинг боиси яна шунда-
ки, 1920 йилда «Чин севиш» ва ундан уч йил кейин 1923
йилда «Ҳинд ихтилолчилари» фожиасини ёзади. Бунда
инглиз босқинчиларидан Ҳиндистонни озод қилишга ки-
ришган ёшларнинг кураши, жасоратини кўрсатади. Бу ғоя
«Чин севиш» пьесасида ҳам олға сурилади. «Чин севиш»
Фитратнинг сиёсий-фалсафий йўналишдаги кучли аса-
ридир. Фитрат тасаввуф, нақшбандлик, яссавийчилик
тўғрисида теран рисола, мақолалар ёзган. «Чин севиш»да
буларнинг таъсири сезилади. Асарда инглиз босқинчила-
рига нисбатан, капитализмнинг ахлоқ бобидаги қусурла-
рига, Оврупонинг мусулмон дунёсига бўлган душманлик

сиёсатига нисбатан нафратини ифодалайди. Фитрат Овруподан давлат тузуми, фан-техника соҳасидаги барча ютуқларни ўрганиш, ўзлаштириш тарафдори. Аммо у ерда меҳр-шафқатлилиқни бир чеккага суриб бутун чоралар билан фойда кетидан қувишни, пулга, олтинга сажда қилишни қаттиқ танқид қилади. Асар қаҳрамони Каримбахш «Оврупода билим бор, лекин инсоф йўқ. Оврупонинг билими қоплоннинг тиши, тирноғи каби бир нарсасидир. Кучсизларни йиртиб емак тўғрисида кўп иш кўрмишдир», дейди. Асардаги Ватани озодлиги учун жонини тиккан йигит Нуриддиннинг Зулайхога бўлган ишқи сўфиёна ишқ —чин севишдир. Мажнунлар ишқи сингаридир. У севгилисига жисмонан етишишдан кўра юқори-роқ тилақни — руҳий бирлашишни орзу қилади. «Оврупода руҳ йўқдир. Улар руҳоний лаззатдан бир нарса англаёлмайдилар. Чин севиш ва ҳақиқий ишқнинг туб ери Шарқдир. Мажнун, Фарҳодлар каби ишқ пайғамбарлари Шарқда етишдилар. Бутун Овруподаги ишқ отини олган ҳоллар ҳайвонлиқ ҳаваслардан бошқа нарса эмасдир», дейди. Албатта, Фитрат бу ерда Овруподаги бешарм, яланғоч, ибосиз севгини, айш-ишрат ва бойиш манбаига айланган сохта муҳаббатни, ҳайвоний ҳирсни назарда тутмоқда.

20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида Фитратни миллатчилиқда айблаш ҳаракати авж олган пайтда пьесаларидан ҳам дастак сифатида фойдаланганлар. Айниқса Ҳ. Олимжоннинг Фитрат тўғрисидаги каттагина мақола-сида «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Темур соғанаси» (бундан бир парча қолган холос) пьесаларидаги барча фикр-ғояни шўроларга қарши айтилган, деб даъво қилган. Аслида ҳам Ҳиндистон ва инглизлар масаласи ўша даврнинг кун тартибида турган масала эди. Фитрат шу ҳолатдан фойдаланиб туриб, босқинчиларга, айниқса, босмачилиқ ҳаракати, яъни халқ озодлиги кураши авж олган пайтда, ўша даврдаги қирғин, адолатсизлиқни назарда тутиб, халқни миллий мустақиллиқ, озодлик курашига чақиради. Фитрат пьесаларида шу рамзийлик, имо-ишора усули кенг қўлланилган. «Ҳинд ихтилолчилари»да Рахибахш ва унинг севгилиси Дилнавоз, қаландар Лола-

хардиёл каби фидойиларнинг ватанпарварлигини кўрсатиб беради. Асардаги жуда кўп гаплар сўзсиз «қизил империя»га ҳам қарши қаратилган эди: «Инглизни Ҳиндистондан қувмоқ эзгу ишларнинг биринчисидир», «Курьонни ҳайвон тепкисидан қутқаришдек буюк», «...чўчқани масжиддан ҳайдаш каби эзгу» иш лозим, «улар таловидан қутулмоқ учун бирлашмоқ» керак, «Бу кун ўлкада кўйдан ортиқ одам кесиладир», «Масжидда номоз учун йиғилганлар — сиёсий йиғин ясоғон бўлиб, тўпғо боғланар эди, эр билан хотин ўзаро кўпроқ гапирганда ҳукуматга қарши бўлиб, дорға осилар. Бу кун устидагина шу ўлкага қараганда, йиқилгон шаҳарлар, ёндирилган қишлоқлар, талангон уйлар, кесилгон бошлар, осилгон гавдалар, тўкилгон қонлардан бошқа бир нарса кўрмаймиз...»

Пьеса юртдошлари учун бир сабоқ, дастур, чорлаш, ундов эди. Асарнинг «Йиртқичлардан элимизни қутқарамиз», деб тугатилиши ҳам бежиз эмасдир.

Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси 1924 йилда Москвада нашр этилади. Трагедия гарчанд XVIII асрда яшаган аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилса-да, аслида босмачилик даври руҳиятига ҳамоҳанг эди. Драматург тож-тахт ва шоҳ, тож-тахт ва адолат, тож-тахт ва халқ тақдири, мамлакат тақдири масалаларини кўяди. Зулм, адолатсизлик, зўравонлик мамлакат ва халқни хароб қилишини кўрсатиб беради: золим шоҳ, золим амалдорнинг тақдири фожиали якунланиши ва фақат адолатли ҳукмдоргина халқ, юртга тинчлик, бахт-саодат бериши мумкин, деган ғоя олға сурилади. Шу жиҳати билан асар 20-йиллардаги юртдаги қирғин, зўравонлик ва уни келтириб чиқарган тузум билан жипс боғлангандир. Абулфайзхон фақат қон, зулм эвазига тахтга чиқади ва шу йўл билан ҳукмронлик қилади. У акасини, ота ўрнидаги Фарҳод оталиқни, дўстларини ўлдириб, тахтни эгаллайди, бу қилмиши туфайли бемалол ухлай олмайди, доим кўрқув, таҳликада яшайди. Бу ҳақда шундай дейди:

«Ортуқ ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Буларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқни ташласа, нима бўлур? Йўқ... Йўқ... Буларнинг ўзи йўлга кел-

майдир. Ўлдираман, ўлдираман. Дунёда битта душманим қолмағонча, қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшолик қон билан суғорилатурғон бир ёғочдир».

Сарой аҳли Ҳақимбий бошчилигида Абулфайзхонга қарши туради. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухорони олиш учун йўлга чиқади. Суянчиғи йўқ Абулфайзхон унга қарши курашмоқчи бўлади. Ҳақимбийлар кучи, қуроли йўқ, ноиттифоқ хоннинг бу йўлини қувватламайди. Нодиршоҳ билан музокара олиб бориб, тинч йўл билан таслим бўлиш фойдали эканлигини айтишади ва шунга қарор қилишади. Нодиршоҳ ғоят уста ҳукмдор бўлганлиги учун Бухорони олишга эмас, балки у ерга меҳмон бўлиб келаётганлиги ва Абулфайзхонни ўз ўрнида қолдиражагини айтади, совғалар келтиради. Лекин Ҳақимбийлар бу ҳийлани билишиб, Абулфайзхонни ўлдиради, фарзандларини ҳибсга олади. Унинг ўрнига Абулфайзхоннинг 15 яшар ўғли Абдулмўминни хон қиладилар. Раҳимбий унга заҳар бериб ўлдириб, ўзи тахтни эгаллайди, у ҳам қирғин бошлайди.

Фитрат ижодида диний мавзуда ёзилган қатор рисола, мақола, ҳикоя ва пьесалар бор. «Қиёмат» (1924), «Меърож», «Зайнабнинг иймони», «Оқ мазор», «Қийшиқ эшон», «Зайд ва Зайнаб» каби фантастик ҳикоялар (1928—1932), «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924) ва «Рўзалар» (1930) пьесалари шулар жумласидандир. Адабиётшунос Б. Қосимов «Шайтоннинг тангрига исёни» асари тўғрисида тўхталиб, «Айрим тадқиқотчилар унда атеистик оҳанглар кўрадилар. Бу, бизнингча, тўғри эмас. Унинг ҳаёти ҳам, фаолияти ҳам бундай дейишга имкон бермайди. У динга эмас, аксинча динсизликка, имонсизликка, эътиқодсизликка қарши. Айни пайтда мутаассибликнинг ҳам душмани», дейди. Бу олим ҳатто мазкур асарда ёзувчининг Октябрь инқилобига муносабати акс этган фикрни ҳам ўртага ташлайди. Бу олимнинг «Айни пайтда мутаассибликнинг ҳам душмани» деган гапида жон бор. Фитрат исломга эътиқод қўйган, унинг тарихини чуқур билган шахс эди. Мадрасада ислом тарихидан дарс ҳам берган ва «Мухтасар ислом тарихи» (форсчадан ўзбекчага қилинган таржимаси 1915 йилда нашр этилган) рисо-

ласи бунинг исботидир. Рисолада на ислом ва на пайғамбаримиз шаънига бирор оғиз танқидий гап йўқ, аксинча пайғамбаримиз сифатларини махсус таърифлаб, ибрат қилиб кўрсатади:

«Ҳазратнинг ахлоқ ва одоблари бисёр мақбул ва комил бўлгон, ҳеч вақт ёлгон гапирмаганлар, ҳеч кимга хиёнат қилмаганлар, ноинсофлик, мурувватсизлик ва беҳаёликдан йироқ эдилар», у «энг олий хулқ ва раҳимли сифатларга эга бўлгонлар. Раҳим ва шафқат, карам ва саховат, мадад ва илм бобларида оламга машҳур бўлгонлар, беҳуда ғазабга келмас эдилар. Дин ишларидан бошқа масалаларда жузъий камчиликларни кечирар эдилар. Инсоф доирасидан бир қадам ҳам ташқарига чиқмас эдилар, ҳар каснинг билими ва имкониятига қараб иш буюрардилар. Ҳеч касдан ҳеч нарсада тамагир бўлмагонлар ва садақа ҳам олмагонлар», дейди.

Фитрат «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» асарида Бухорода икки юзга яқин мадраса борлиги, унинг уч тоифага бўлиниши ва барча мадрасаларнинг номини бирма-бир сўзлайди. У бу мадрасалар энди «разолат уйига» айланиб қолганини, бу ердаги уламолар «мазлум халқларнинг қонини ичиб келаётганини» қаҳр ва алам билан ёзади. «Рўзалар» пьесасида сохта эшон ва қозиларни одамларни соғми-касалми, бундан қатъи назар, мажбуран рўза туттиришлари, ўзлари эса яширинча овқатланиб, кўкнори еб юришларини фош этади. «Оқ мозор» ҳикоясида ҳам дин ниқобидаги юлғич, товламачи ҳожини кўрсатади. Етти бор ҳаж қилган бу одам эшаги ўлгач, уни кўмиб, авлиёнинг мозори деб гап тарқатади. Ҳазабланган халқ уни қозига олиб боради. Қози ғазаб билан уни сўроқ қилади. Шунда ҳожи ўттиз сўм пора бериб, «буни эшагим «Қози бобомга бер», деган» дейди. Қози «Раҳматликнинг бошқа васиятлари йўқми?» дейди ва ҳожини ҳимоя қилади. Кўринадик, бу ҳикояда ҳам дин эмас, балки уни сотиб еювчиларни қоралайди. «Қийшиқ эшон» ҳикоясида ҳам «зарбани дин билан қуролланган хоинлар»га қаратади.

«Шайтоннинг тангрига исёни» асари юзаки қараганда замона билан жипс боғланмагандай ва ундаги шайтон образи ислом адабиётида, айниқса, Қуръон, ҳадислар,

халқ ижодидаги талқинга ҳамоҳангдек туюлади. Чуқурроқ эътибор берилса, замона билан яқиндан боғлангани ва шайтон образини, анъанавий йўлдан бормай, янги талқин қилганини сезиш мумкин. Фитрат «Шайтоннинг тангрига исёни»да ўша оғир вазиятдан келиб чиқиб, доим салбий маъно кўтариб юрган Шайтон образига ижобий мазмун юклайди. Шайтон одамга қараб туриб, «Сен эслик бўл, туша қолма тузоққа», дейди. Худога қараб:

Узоқ бўлсин, мен юраман бу кун шод,
Тутқунликдан, қулликдан-да озод.
Раҳбарим фан, пайғамбарим билимдир.
Топинғумдир ёлғизгина ўзига,
Ёлғиз ўзим қутилдим деб юрмайман,
Бошқалардан хабар олмай юрмайман

(Одамни кўрсатиб)

Буни дахи қутқарғумдир қўлингдан,
Чиқарғумдир сенинг янглиш йўлингдан.

Ўзини эркин ҳис қилган Шайтоннинг озодликка, илм-фанга чорлаши, ҳаётга очиқ кўз билан қараб, ўз кучига суяниб иш тутишга ундаши, албатта, Фитратнинг билвосита, киноя, қочирим йўли билан айтган фикрларидир, дардидир.

Фитрат ижодининг яна бир асосий йўналиши унинг илмий асарларидир. У ҳам таланти адабиётшунос, ҳам кучли тилшунос эди. «Ўзбек тили грамматикаси» («Сарф», «Нахв», 1924 — 1930 йилларда олти марта нашр этилди), «Тожиқ тили грамматикаси» (1930) ва «Тилимиз» каби тил ҳақидаги ўнлаб мақолалари унинг зўр тилшунос бўлганлигини кўрсатади. Адабиёт соҳасидаги фаолиятига назар ташласак, унинг ўзбек ва форс адабиётларини, адабиёт назариясининг чуқур билимдони эканига ишонамиз. «Эски ўзбек адабиёти намуналари», «XVI асрлаги сўнгги ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Чиғатой адабиёти» ва Яссавий, Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Машраб, Турди, Фурқат, Муқимий, Нодири, Умар Ҳайём, Фирдавсий, Бедил ҳақидаги ва назарияга доир, «Адабиёт

қоидалари», «Аруз ҳақида», санъатнинг келиб чиқиши ва шеърият, ўзбек мусиқаси тўғрисидаги асарлари унинг илмий куч-қудратининг зўрлигини тасдиқлайди. Машраб тўғрисидаги мақоласида «қаландар» деб кимларнинг ишини, уларнинг мақсади, яшаш тарзи, кийим-кечаги, соҳсоқоли, хуллас, театр режиссёри, рассоми учун қаландарнинг қиёфасини яратишда тайёр намунани кўрсатиб, таърифлаб беради. Ёки «Тилимиз» мақоласида ўзбек тилининг ашаддий тарғиботчиси ва ҳимоячиси сифатида кўринади. Битта «бил» ўзагидан 98 та сўз яшаш мумкинлигини ва туркий тилнинг сўз бойлиги форс, араб тилларига нисбатан кўпроқ эканлигини таъкидлаб бундай дейди: «Араб, форс, рус, немис, француз тилларидан қай бирининг сарф (морфология демоқчи) китобларини олиб қарасак, кўрамизки, бир сўзни ясамоқ учун бир қанча ёзилгон, ундан сўнг шу қоидадан ташқари қолгон (мустасно) сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган. Турк сўзларида эса бундай сўз топилмайди... Тилимизнинг авжи тўғрисида ҳам бойлиги, тугаллиги билиндими? Энди сўзни туркчанинг бахтсизлигига кўчираман. Турк тили шунча бойлиги, шунча тугаллиги билан бахтсизликдан қутула олмашидир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз тилидир», деб араблар, форслар ҳукмронлиги даврида бу тилнинг қисилганлигини айтиб, шўролар даврида ҳам эркин ривожланмаётганига очиқ ишора қилади. Ёки Фитрат яшаган даврда Машрабнинг тарихий шахс эканлигига шубҳа билан қаралар эди. Фитрат аниқ далиллар асосида унинг афсонавий шахс эмас, балки яшаб ижод қилиб ўтган улкан ўзбек шоири эканлигини исботлаб беради. Фитрат адабий ҳодисалар иллизини аниқ топади. Сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар даврида форс адабиётининг «кўтарилган қисми қасидачилик эди», дер экан, бу қасидаларни ҳукмрон доира, «ўз фойдаларига ташвиқот учун ишлатиш» туфайли оммавий тус олганига эътиборни тортади. Фитрат мусиқани яхши тушунган, ўзи ҳам чалган зот эди. У ўзбек классик мусиқасини шу қадар яхши билганки, қайси куй қай пайтда — ҳолатда чалинишинигина эмас (мақомлар ёки тароналар), айна чоқда қайси асбоб қайси асбоб билан бирга чалинганда куй

аниқ, гўзал чиқишини ҳам айтади: «Бир гижжак товуши икки танбур товушини еб кўяди», дейди ва схемасини беради: уч танбур, бир рубоб, бир дутор, бир гижжак, бир болотон, бир кўшнаёй, бир чанг, бир доира бир ансамблни ташкил этади ва ҳ.к. Фитрат «Ҳалима» операсига суяниб туриб ажойиб миллий опера яратиш мумкин экан, деган ғояни тарғиб этади. «Шарқ чолғуларидаги «мунг» Европа музикасинда йўқдир. Шунинг учун Шарқ музикасида руҳга таъсир Европа музикасинда руҳга таъсиридан буюқдир», дейди у.

Кўринадики, Фитрат адабиёт ва санъатнинг барча турини нозик тушунган ва улар тўғрисида шу соҳанинг етук мутахассиси сифатида фикр юритган.

Фитрат адабий ижоди, илмий асарлари ва ижтимоий фаолияти билан ўзбек адабиёти, санъати, фани ва маданиятига катта ҳисса қўшган улуғ зотдир.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894— 1938)

Абдулла Қодирий XX аср ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири, икки минг йиллик ўзбек адабиёти тарихида реалистик роман жанрини бошлаб берган кашфиётчи ёзувчи ва ўзбек халқининг бахт-саодати учун жонини фидо қилган улуғ инсондир. У Марказий Осиё халқлари адабиётида романчилик бобида устоз санъаткор сифатида яқдиллик билан тан олинган ва ҳозирги замон ўзбек адабиёти шуҳратини жаҳон миқёсига олиб чиққан адиблардан биридир.

Абдулла Қодирий 1894 йил апрелида Тошкентнинг Бешёғоч даҳаси Эшонгузар маҳалласида туғилган. Отаси Қодир ота аввал дўкондорлик — тижорат ишлари билан машғул бўлган, кейинча бу соҳада иши юришмай қолгач (сингач) деҳқончилик билан шуғулланган. Абдулла туғилганда Қодир ота етмиш ёшдан ошган эди, у яна йигирма йилча умр кўриб, 1924 йилда вафот этди. Абдулланинг онаси Ҳосият биби ҳам бола тарбиясидан бўшаган пайтларида (Абдулланинг Раҳимберди исмли акаси, Қудра-

тилла исмли укаси бор эди) эрига деҳқончилик ишларида кўмак берар эди (у 1943 йилда вафот этган).

«Бошида бой оиласида туғилдимми ёки камбағал оиладами, албатта, билмадим, — деб ёзади Абдулла Қодирий ўз «Таржимаи ҳоли»да — аммо ёшим 7-8 га етгач, қорним ошга тўймоғонидан, устим тузукроқ кийим кўрмоғонидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғнинг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келиб, боғ мевалари офатга учраб қолса, биз ҳам очликка дуч келиб, қиши билан жаврашиб чиқар эканмиз».

Абдулла аввал эски мактабда ўқиди. У ёшлигидан китоб ўқишни севар, чиройли ёзар ва зехни ўткир эди. Саводи чиққан пайтларданоқ «Юсуф ва Зулайхо», «Ҳурилиқо», «Лайли ва Мажнун», «Чор дарвеш», «Рустам достон» каби китобларни ўқишга киришган ва қўлидан тушмас эди. Икки-уч йил эски мактабда ўқигач, оиладаги қашшоқлик туфайли уни бир бойга хизматчи қилиб берадилар. Абдулланинг хўжайини савдогар бўлиб, русча ёзувчизувга эҳтиёж сезади. Шу туфайли у Абдуллани рус-тузем мактабига ўқишга юборади. Икки йил ҳам ўқиб, ҳам бойга хизмат қилиб қийналади. Уйига қайтиб келади, энди ўша мактабга ўз уйдан қатнайди. Дурадгор акаси-дан ҳунар ўрганади. 1912 йилда енгил саноат билан савдо қилувчи Расулмуҳаммад исмли бир бойга, йилига 50 сўм иш ҳақи олиб приказчи бўлиб ишга киради. Шу бойнинг ташқарисидаги меҳмонхонада яшаб ишлайди. Абдулланинг рус тилини билиши, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги ва китобни кўп ўқиши қўл келади. Расулмуҳаммад унинг эртасига катта умид билан қарайди ва икки қизидан бирини унга беришга қарор қилади. У инсофли, камбағалпарвар ва ҳаётни, замонни яхши тушунадиган одам эди. Абдулла хўжайинининг катта қизи Раҳбарнисога уйланади. 1915 йилда хўжайинининг иши юришмай қолади. Абдулла ҳам приказчиликдан бўшаб, уйига қайтади ва дурадгорлик қилади. Қишда — дурадгорларга иш камчил фаслда мадрасада ўқийди. 1917 йил февралда Николай тахтдан тушганда халқ милициясига кўнгилли бўлиб хизматга киради.

Бир ойдан кейин Тошкентнинг эски шаҳарида очилган Озуқа кўмитасига мирза бўлиб ишга киради.

Абдулланинг зулм, истибод ва қашшоқликка қарши нафрати кучли бўлса-да, бирор сиёсий партияга боғланмаган эди. Бу пайтлар «Турон жамияти», «Турк адам марказияти», «Мухторият», «Уламо жамияти», «Шурои ислом» каби турли-туман жамиятлар тузилди. Абдулла «Турон»га аъзо бўлди. Озуқа комитетига ишга киргач, уни «Турон»дан чиқаришади. Ўзининг айтишича, у сиёсий партияларнинг «чин» маъносига тушуна олмас эди. 1917 йил Октябрь воқеасидан кейин ишчи-меҳнаткашларнинг раҳбарларидан Исмоил Обидов ва кейинроқ Марказий Ижроқўм раиси муовини Султонхўжа Қосимхўжаев билан танишади. Исмоил Обидовга мирза бўлиб, «уламо ва бойларга қарши хитобнома ва ишчиларни ташкилотга чақириб тарғиботномалар ёзади». 1918 йилда Озуқа комитетининг раиси Султонхўжа Қосимхўжаевга ўзбекча саркотиб бўлиб ишга киради. Шу комитетнинг 1919 йилдан чиқа бошлаган «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррирлик қила бошлайди. 1920 йилда Касабалар шўросига саркотиб бўлди, кейин «РосТА» газетасида мухбир, «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Инқилоб», «Коммунист йўлдоши» тўпламларида ходим, саркотиб бўлиб ишлади. Абдулла Қодирий «Муштум» журналининг ташкилотчиларидан эди (1923) ва унда 1924 йилгача — то Москвага ўқишга кетгунча фаол ишлаб, журнал шуҳратининг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшди. Москвада уч-тўрт йил ўқимоқчи эди, бироқ Абдулла Қодирийдек заковатли, ҳалол, қатъиятли, жасур ва бир сўзли кадр республика учун сув ва ҳаводек зарур эди. 1925 йилда, ёзги таътилдан кейин, ўз юртида қолиб, «Муштум»да хизматга киришди (Москвада Валерий Брюсов номидаги журналистлар институтида ўқиди), Абдулла Қодирий бу йиллари ҳам ҳикоянавис, ҳам фельетончи, ҳам журналист, ҳам таржимон — хуллас, кўп қиррали ижодкор сифатида шуҳрат қозонди. Унинг уйига Алексей Толстой ташриф буюрди (1933), Москвада Максим Горький билан суҳбатла бўлди (1934), Қозонда Татаристон ёзувчилари қурултойида қатнашиб (1936), татар овулларида икки ҳафтача меҳмон бўлди (Қо-

зонга Ф. Фулом, Зиё Саид, Шокир Сулаймон ва бошқалар билан бирга борган эди).

Абдулла Қодирийнинг шафқатсиз фельетонлари, жасурана ёзган сатирик ва танқидий мақолалари, буларда қолоқлик, жаҳолат, зўравонлик, юлғичлик, адолатсизлик, тўрачилик, нопокликнинг шафқатсизларча фош этилиши унинг душманларини тинч қўймади. Ёзувчининг ўткир тиғи ҳукумат, коммунистик партия ва большевикларни ҳам талвасага солди. Айниқса Абдулла Қодирийнинг романлари ва сатирик ҳикоялари орқали топган катта шон-шухрати ҳасадгўйларга уйқу бермади. Матбуотда, мажлисларда уни бекордан-бекорга, тирноқ ичидан кир ахтариб, бетўхтов танқид қилиш авж олди, энг катта айбни «Ўтган кунлар» романидан топишга уринишди. Масалан, С. Хусайн «Ўтган кунлар» тўғрисидаги мақола-сида Абдулла Қодирий пролетар инқилобига нисбатан узоқроқ кишидир. Чунки ҳақиқатан А. Қодирий «майда буржуазия ёзувчисидир», деган нотўғри қоидага суяниб, романни таҳлил этиб, гўё жиддий камчиликларини топади. Афсуски, бундай танқидлар остида ижодий-эстетик ниятдан бошқа каттароқ мақсад — сиёсий мақсад ётар эди. 1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар ваҳшийларча отиб ташланди — ўзбек адабиётининг гуллари хазон бўлди. Абдулла Қодирий гарчанд коммунист бўлмаса-да, унинг ўз сўзи билан айтганда, «аммо ўзим ғоя ва иш эътибори билан чин коммунист эдим», «Мен Маркс ва Лениннинг ҳароратли шогирди-ман», «ҳақиқат ўтининг учқунларимиз» деб, шу тузум, шу замон учун сидқидилдан хизмат қилса-да, шу тузум, шу марксча-ленинча ғоя ва шу коммунистик партиянинг ўзи уни шафқатсизларча жазолади.

Абдулла Қодирийнинг беш фарзанди — Назифа, Ҳабибулло, Адиба, Маъсуд, Аниса қолди.

Абдулла Қодирий ўз замонасининг энг илғор зиёлиларидан бири эди: араб, форс, турк тилларини пухта билар, рус тилида яхши ёзар ва гаплашар эди, умуман Шарқ, Оврупо адабиётларидан яхши хабардор бўлган. У довюрак, бир сўзли, қайтмас, вазмин, камгап, босиқ, тортинчоқ, мулоҳазакор, ўткир кўзли, деҳқонсифат одам

бўлган. Ўғли Х. Қодирий «Дадам ўрта бўй, кенг елка, қорачадан келган киши эди. Унинг юзи тўгаракка мойил, узун тим қора сочлари силлиқ таралган, кенг пешона, қора ясси қош, қисикроқ зулукдек қора жозибали кўзлари ҳамиша узоқни кўргандек, ўйлагандек, бурун қанотлари бир оз керилган, қисқа мўйловли, лаблари юпқақалин оралиғида, пастки жағи сезилар-сезилмас кенг ўсиқ, ияги чуқурроқ эди. Сўл юзи билан иягининг ўнг томонида уч тийинлик чақадек билинар-билинмас ямоқ (пендинка ярасининг изи) бор, юз, пешона ва бурун устларида сийрак бўлса-да сепкил доғлари кўринар, ўнг қулоғида эса «зирак тақиш учун» бўлса керак, чақалоқликда тешилган тешик ўрни бор эди... Дадам кўпинча қора ёки мош ранг бахмал дўпписини, қиш кезларида эса узун беқасам ёки чит тўнни, савсар телпак, махси-калишини устидан қўймас эди. У ёлғиз чоқларида ҳамиша ўйчан, гўё бир ташвиши бордай, қайғу чеккандай, хаёл сургандай кўринар эди», деб ёзади. «У сандалда ўтириб ижод қилар, ўша вақтда энг оғизга тушган «Эпоха» деган папиродан чекар эди. Асарини бошида обдан пишириб, бир йўла араб алифбосида ёзар эди, камдан кам ҳолларда тузатиш қилар эди. Жуда эрта туриб ёзишга ўтирар ва чарчаганда ўтин ёрар, кетмон чопар эди. Чойхонада, ҳар хил тоифа, ҳар хил касбдаги одамлар орасида, ҳатто кўкнорихоналарда, жинни, девоналар орасида ҳам бўлиб, улар руҳиятини ўрганишга интилар эди. Пиёда юришни афзал кўрар ва қариндош-уруғлар, таниш-билишлар ҳаёти, сийрати ва суратини, қилиқларини, ўзбекнинг миллий турмуш тарзини, хусусиятларини синчковлик билан кузатар ва эслаб қолар эди. Буларнинг ҳаммаси унинг асарларида ишлатилар эди».

Абдулла Қодирий ижоди 1914 йиллардан бошланган. Х. Қодирий «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 1 апрель сонидан босилган «Янги масжид ва мактаб» хабарини А. Қодирийнинг биринчи мақоласи деб айтади: Кейин «Бахтсиз куёв» драмаси (1915 йилда китоб ҳолида босилган), «Жувонбоз» (1915), «Улоқда» (1916), «Жинлар базми» ҳикоялари эълон қилинди. Булар маърифатпарварлик йўналишидаги, тўғрироғи, жадидчилик руҳи-

даги асарлардир. Абдулла Қодирий адабиётга жаҳолат, қолоқлик, турғунликни ва умуман инсоннинг баркамоллигига халақит берувчи иллатларни танқид қилувчи ва кўп ўтмай ўткир ҳажв билан фош этувчи ёзувчи сифатида кириб келди. «Бахтсиз куёв» фожиасида Солиҳ деган йигит кўрпасига қараб оёқ узатмасдан катта қарз эвазига тантанали тўй қилади, қарзини узолмай эр-хотин ўзларини пичоқлаб ўлдирадilar. Асар 1915 — 1920 йилларда сахнадан тушмаган. «Жувонбоз»да ҳам илм-ҳунар ўрганмаган йигитнинг маиший бузуқликка берилиши ва охиrhoқибатда Сибирга сургун қилинишини кўрсатади: «Улоқ»да ёзувчи улоқ манзарасини чизар экан, унда ҳалок бўлган инсон тақдирига ачинади. «Жинлар базми»да ёзувчи холис тасвир усулини қўллаб, ўзи холис туришга — чин ёзувчилик йўлидан боришга уринади.

Абдулла Қодирий 20-йилларда ўткир, даҳшатли фельетонлари ва заҳарханда мақолалари билан «Фельетонлар қироли» деб шуҳрат қозонган. «Муштум» журнали 1924 йил 4-сонидagi Абдулла Қодирийнинг ўртоқлик ҳазили йўналишидаги кулгили суратига журнал «фельетонлар қироли Жулқунбой (Абдулла Қодирий) кулдириб йиғлатади, йиғлатиб кулдиради» деган изоҳни беради. Абдулла Қодирий фельетонлари ва ҳажвий, танқидий мақолаларида эллиқдан ортиқ таҳаллус ишлатади (Жулқунбой, Жубой, Думбулбой, Жиян, Калвак махзум, Тошпўлат Тажанг, Овсар, Шапалоқ, Маҳзум, Шоший, Мошхўрдачи ва ҳ.к.).

«Калвак махзум хотира дафтаридан»(1923—1927), «Тошпўлат тажанг нима дейди?»(1924—1927), «Ширвон хола нима дейди?» (1926) каби ҳажвий ҳикоялари Абдулла Қодирий ижодидагина эмас, айни чоқда умуман ўзбек адабиётида янги ҳажвий ҳикоя, янги сўз, янги адабий ҳодиса эди. Булар шу жиҳатдан эътиборга лойиқ: биринчидан, Абдулла Қодирий кулгини характерга кўчиради, бунини у «сажиявий кулги» дейди. Иккинчидан, ёзувчи ўзи холи туриб, воқеани қаҳрамоннинг ўзига ҳикоя қилдиради ва бунга боғлиқ белги шуки, ёзувчи пичинг воситасида қаҳрамонни, воқелиқдаги иллатларни фош этади. Мана, ёзувчининг ўзи нима дейди: «Кулги майдонида

кейинги янгилик сажия музыкасидир. Яъни кулгиликнинг учинчи пояси сажиявий кулгида. Биз бунинг мисолларини маним «Тошпўлат тажанг», «Калвак махзум», «Овсар» ва «Ўтган кунлар» романидаги Ўзбек ойим ҳам бошқаларда кўрамиз... Маним кулгиликдаги қаҳрамонларимни олсак, мунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз. Фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина эшитасиз. Калвак махзумда: кўпдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаган холис бир маҳалла имоми, Тошпўлат ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғрилик ва фоҳишият денгизида сузиб, тажанглаган холис бир чапани кўрилув».

Абдулла Қодирий қаҳрамонлари ўзининг ёши, эътиқоди, касб-кори, илм даражаси, фаҳм-фаросати, қизиқишига қараб сўзлайди—фикрлайди, шу фикрлаши ишига, қилмиш-қидирмишига мос, мувофиқдир. Ёзувчи ҳикоя, романларида воқеани сўзлаб бериш йўлидан юрмайди, балки кўрсатиш, тасвирлаш, гавдалантириш йўлидан боради, персонажлар фақат ўзига, ўша вақтдаги, ўша вазиятдаги ҳолатига қараб сўзлайди ва айни чоқда воқеани силжитади.

Абдулла Қодирийнинг улкан таланти «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарларида айниқса ёрқин намоён бўлди. «Ўтган кунлар»нинг дастлабки боблари «Инқилоб» журналининг 1923 йил 9—10 сонларида босилган ва «Ёзувчидан» деган сўзбоши остига 1920 йил деган сана кўйилган. Демак, роман 1918—1919 йилларда ёзила бошлаган ва уч бўлимдан иборат бўлган бу асарнинг I бўлими 1924 йилда (I бўлим тузатилиб, 1927 йилда қайта босилади), II бўлим 1925 йилда, III бўлим 1926 йилда алоҳида-алоҳида китоб ҳолида чиқади. Кейин 1927 йилда яхлит шаклда нашр этилади. 1926 йил кузидан «Меҳробдан чаён»ни ёзишга киришади ва 1928 йил 15 февралда ёзиб битиради. 1929 йил март ойида китоб ҳолида босилиб чиқади.

1928 йилда Абдулла Қодирий татар олими Абдулла Шуносийнинг «Физика курси» дарслигини ўзбекчага таржима қилди. 1933—1934 йилларда «Русча-ўзбекча тўла сўзли луғат»нинг «П» ҳарфини тузди, луғат 1934 йилда нашр

қилинади. 1932—1934 йилларда «Обид кетмон» қиссасини ёзди, у 1935 йили босмадан чиқди. А. Қодирий тарихий мавзуда асар ёзишнинг моҳир устаси эди. Уни ҳозирги замон мавзусида асар ёзишга даъват этишгач, у қиссага қўл урди. Гарчанд қисса кўнгилдагидек чиқмаса-да, А. Қодирийнинг деҳқон меҳнатини меҳр билан улуғлагани ёрқин сезилиб туради. А. Қодирий Н.В.Гоголнинг «Уйла-ниш» драматик асарини (1935), Чеховнинг «Буқаламун» ҳикоясини (1936) таржима қилди.

«Ўтган кунлар» романи А. Қодирий насрининг чўққисидир. Мазкур роман сўзнинг чин, тўла маъносига ҳақиқий миллий романдир. И.С.Тургенев «Миллийликдан ташқарида санъат бўлиши мумкин эмас», деб ҳақ гапни айтган эди. «Миллийлик психологияси» китобининг муаллифи Д.Н. Овсянко-Куликовский ажойиб фикрни ёзган эди: «Ақл жиҳатидан ўртадан ҳам паст даражада турувчи шахслар миллий белгилардан маҳрумдурлар» («Психология национальности, 1922, с. 6.>). Туғма талант эгаси бўлмиш А. Қодирийнинг ақл-заковати, илмий тафаккури ва бадий диди ниҳоятда юксак эди. Унинг ўзида ўзбек халқининг характери, табиати, психологияси, руҳияти, образли фикрлаш тарзи, тил ва тафаккур олами мужассамлашгандир. Белинский «Ҳар қандай халқнинг ҳаёти унинг ўзигагина хос бўлган шаклда намоён бўлади, агар ҳаққоний кўрсатилса, демак у асар халқчилдир», деган эди.

Халқ ҳаётининг шу ўзига хос шакли эса мазкур халқ истиқомат қилаётган жамият ҳолатига, турмуш тарзига, табиати, шарт-шароитига, ижтимоий онг даражасига, халқ ижоди ва адабий анъаналарига боғлиқ. Шу каби энг муҳим омиллар халқнинг ўзига хос характерини, миллий психик тузилишини ва бадий тафаккур тарзини шакллантиради. А. Қодирий ўз романларида ўзбек халқининг яқин ўтмиш тарихидаги шу ўзига хосликни ниҳоятда теран илғаб олади ва ўзбек халқининг адолатли тузум, адолатли ҳукмдор тўғрисидаги (Беруний, Форобий, Навоий каби даҳолар тарғиб этган бу ғояларни), инсонийлик, одамийлик, поклик, севги эрки ва оила тўғрисидаги, тинч-тотув яшаш ва иттифоқлик тўғрисидаги, зулм ва пастликни, ёмонликни

қораловчи қарашларини, нуқтан назарини акс эттирди. Аслида бу масалалар моҳиятига кўра умуминсоний қимматга эга, умуминсоний дард-ташвишлар, фикр-ғоялар, муаммоларни ҳар бир халқ ўзича кўради, идрок этади ва ўзига хос тарзда бадиий тушунтиради. Дарвоқе, адабиёт, санъатдаги миллийлик бадиий шаклдагина эмас, балки энг аввало асар мавзуи, материали, сюжети, конфликтларида ва қаҳрамонлар тақдирида намоён бўлади. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг мавзу-материали, ундаги воқеалар, қаҳрамонлар саргузаштлари, ўзаро алоқалари ва курашлари, улар ҳаракат қилган жойлар, шарт-шароитлар, муҳит — ҳамма-ҳаммаси ўзбек халқи ҳаётига оиддир. Романлардаги фольклор ва адабий образлар, рамзлар, кийим-кечаклар, асбоб-ускуналар, дов-дарахтлар, паррандалар, ўсимликлар, куй-кўшиқлар, ранглар, инсон қилиқлари ва имо-ишоралари —буларнинг ҳаммаси ўзбек халқи характерини, психик оламини, маънавиятини акс эттиришга хизмат қилган. Аввало шуни айтиш керакки, романдаги инсон эрки учун кураш ғояси адолатли тузум ва одил ҳукмдор, тинч-тотув, иттифоқда яшаш орзу-армони билан жипс боғланиб кетган. Отабекнинг муҳаббат саргузаштлари, Кумуш—Отабекларнинг висол онлари ва ҳижрон кунлари, фожиали ҳолатларини халқнинг ҳаёти, тақдири, тарихи, ўша даврдаги ижтимоий аҳволдан мутлақо ажратиб бўлмайди. Отабек Шамайдан келгач, гапхонада Россиянинг давлат тизими, у ердаги халқларнинг турмуш тарзи (гап ейиш ҳам миллий турмуш тарзи бўлиб, у ерда ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам муҳокама қилинади) ва ўрганиш учун зарур бўлган мақбул томонларини мақтайди. Отабек «Менимча, ўриснинг биздан юқоридалиги унинг иттифоқидан бўлса керак, аммо бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низойимиз сабаб бўлмоқда», дейди. Отабекдаги бу фазилат, кайфият эл орасига ёйилган эди, ҳатто Марғилонда Отабек билан Қутидорни Ҳомидлар ҳибсга олишганда унинг шу сифати ва илғор фикрли отаси Юсуфбек ҳожи фаолияти далил қилиб келтирилган эди. Отабек ўша гапхонада золим ва ёмон бошлиқларни йўқотиб, иш бошига «яхши ва холис одамларни ўтқазिश нажотимизнинг йўлидир», деган эди.

Аслида бундай илғор фикр кўпроқ, унинг отаси Юсуфбек ҳожига мансубдир. Юсуфбек ҳожи Тошкент беги Азизбекни инсоф-адолатга чақиради. Отабекка ёзган мактубида унинг «қонли қиличини фуқаро устида юргизиб турган қонхўр» дейди. Юсуфбек халқни, адолатни ҳимоя қилади ва ҳатто Азизбекни ҳокимликдан олиб ташлаш учун бошланган ҳаракатга бошчилик қилади. Шу иши туфайли Худоёрхон Отабек ва Қутидорни дордан озод қилади ва зарбоф тўнлар кийдиради. А. Қодирий Юсуфбек ҳожи образига ҳукмдор қандай бўлиши керак ва юртга, инсонга, фуқарога қандай раҳбарлик қилиш керак деган муаммо хусусидаги фикр-ғояларини, орзу-армонларини сингдиради. Юсуфбек ҳожи юртни одил бошқариш, камбағаллар тўғрисида қайғуриш, золимларни йўқотиш, миллий адоват ва ўзаро тахт учун курашга чек қўйиш тарафдоридир. Қушбеги, амалдорлар, қипчоқларга қарши қирғин бошламоқчи бўлганда Юсуфбек ҳожи кескин қарши туради: «наинки, тўртта муттаҳамни деб бутун бир халққа ҳужум қилиш керак бўлса, мени ўлди деб ҳисоблаб, бундай «шум иш»ни қилишларингиз мумкин» деб мажлисни ташлаб чиқиб кетади. Хон ўн беш ёшдан етмиш ёшгача бўлган қипчоқларни қирғин қилишга фармон беради. Ҳасанали сўзи билан айтганда, «худди қиёмат бўлди».

Дарвоқе, Отабек отасининг ҳалиги қарши туришидан беҳабар, қирғинни кўриб уйига келгач, биринчи бор отасига салом бермайди: «Отабек терсайганча келиб ўтирди, отасига салом ҳам бермади», дейди ёзувчи. Ўзбек миллий характеридаги бу нуқтага эътиборни тортган ёзувчи шу деталь ёрдамида Юсуфбек—Отабекларнинг ҳалиги сиёсий воқеага бўлган муносабатларидаги яқдилликни кўрсатмоқчи бўлади. Юсуфбек ҳожи ҳақиқатни ҳимоя қилиш йўлидаги кураши бефойда кетганини айтиб, «Ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимиздан мамлакат учун қандай фойда бор?», дейди. Отабек отасининг ҳақ эканлигини тушунади.

А. Қодирий Юсуфбек ҳожи характериға, образига ўзининг эзгу тилақларини сингдиради. Қаранг, унинг тили орқали нима дейди:

«Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати йўлида бир-бирини еб, ичган манфаатпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди».

Ёзувчи Юсуфбек ҳожининг сиёсий дастурини ҳам беради:

«... Аввало манфаати шахсиятидан кечиб, фақат эл бахти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслағи йўлида кузатган маълум бир нишонаси бўлмоғи зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонага қараб интилишда оёқ остига олишган чўп-хасларни супура бориш лозим. Мана шундагина тўкилган қонлар ўринли ва берилган бошлар чин қурбон ҳисобланадилар. Йўқса, сизнинг бош олишингиз ҳам ановилар қирғинларидан фарқли бўлолмас (қипчоқларни қирганларни назарда тутмоқда—С.М.). Шу ёшга етиб бу халқ орасида ҳалиги жамоани учтўрт нафардан ортиқ учратолмадим, афсус».

А. Қодирий Юсуфбек ҳожини Кумуш тили орқали «нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймо», деб таърифлайди.

Романдаги муҳаббат олами, ундаги ширин висол онлари, қаттиқ ҳижрон-айрилиқ пайтлари, фожиали яқунларига доир чизиқлар, тарихлар, саргузаштларнинг ҳаммаси миллийдир. Ҳатто ёзувчи роман бошида «халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз» деб уқтиради. Кумушнинг Отабекка юборган бир мактуби бундай бошланади: «Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан—сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом. Мендан ҳалду-ҳисобсиз гуноҳ, сиздан кечириш». Отабек ва Кумуш севгиси ҳам худди шу Лайли ва Мажнунлар, Тоҳир ва Зухролар севгилари каби фожиалидир. Фожиа илдизи, асоси эса ижтимоий тузумда, умри тугаган урф-одатлардадир.

Отабек Кумушни бир кўришдаёқ мафтун бўлади, севгилисининг Қутидор қизи эканлигини англайди, Зиё шо-

ҳичини совчиликка юбориб, қиз ота-онасининг розилигини олади. Отабек отасининг рухсатисиз бирор иш қилмас эди, аммо муҳаббат ўти уни эркинлик сари етаклайди ва ота-онасининг иштирокисиз Марғилонда уйланади. На Кутидор, на Офтоб ойим Кумушдан бўлажак куёвни ёқтирасанми-йўқми, деб сўрашмайди. Чунки Тўйбека сўзи билан айтганда, «одат шул, Кумуш ота-она ёқтирган кишига рози бўлиш учун мажбур» дир. Кумуш куёвнинг ўша бир бор кўриб, кўнгли тушиб қолган йигит Отабек эканлигини мутлақо билмайди. Шунинг учун тўй тайёргарлиги бошлангандан то Отабекни чимилдиқда кўргунча ғам-ҳасратда яшайди. Аммо исён у ёқда турсин, ҳатто йўқ тегмайман деб айтолмайди ҳам. Чимилдиқда Кумуш «мажбурият остида ёвқараш билан секингина душманга қарали... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қалам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:

—Сиз ўшами?

—Мен ўша,—деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихтиёр термулишиб қолдилар».

А. Қодирий Кумуш, Отабекдаги ибo, шарм-ҳаёни, ғурур-сурурни ўзбек халқининг характеридаги муҳим фазилатлардан деб беради. Кумуш кундоши Зайнабга сира қаттиқ гапирмайди, аммо Отабекнинг битта ўзиники бўлиши унинг ягона орзуси эди. Зайнаб Кумушга заҳар берганда Отабек қаҳр-ғазабининг ниҳояси бўлмайди ва «Кет ифлос, кет. Талоқсан, талоқ!», дейди. Бу орзиқиб кутилган «Талоқ» сўзини эшитган Кумушнинг кўзи ярқ этиб очилиб, яна юмилди». Адабий танқилчилигимиз эътибор берган яна бир деталь: «Юсуфбек ҳожи жон бераётган Кумуш ҳузурига кирганда Кумуш ҳам ҳурмат юзасидан, ҳам қайнота олдида ётганидан ҳижолат тортиб—бесаранжом унга назар ташлади ва таниб...қўзғалмоқчи бўлди». Яна бир муҳим нуқта. «Кумуш сўнги куч-малорини, имкониятини йиғиб, «Ойи...Дада...—сўнгра—бегим» деб ингради. Эрининг юзини юзига қўйди, уялгансимон кўзини юмди...» Қаранг, жон бераётиб ҳам шарм-ҳаёни унутмайди, чунки бу фазилатлар унинг қон-қонига синг-

ган эди. Ёки Отабекнинг одоби, гурурининг қандай берилганлигига эътиборни қаратайлик. Ҳомиднинг ифвоси туфайли Қутидор Отабекни уйига қўймай ҳайдаб юборади. Отабек Ҳомидларнинг Кумушни ўғирламоқчилигини билиб, бу ишни Кумуш ва ўзи учун ор-номус деб билади ва тунда учта ёвузни чавақлаб ўлдиради. Аммо бу ишни ҳеч кимга билдирмай, Тошкентга қайтади. Қайтиш олдидан Қутидорга хат қолдириб, бор гапни айтиб, яна «улуғ гуноҳим учун афв сўраб, ҳайдалган ўғлингиз», деб кечирим сўрайди. Отабекнинг Қутидор олдига кирмаслигининг яна бир сабаби бор эди. Отабекнинг Тошкентдан иккинчи хотинга уйланишига Қутидор ҳам фаол бош қўшади. Чунки қизи Тошкентга бормаганидан кейин Юсуфбек хожи ва Ўзбек ойим келин кўришлари керак, шунинг учун Отабек уйланса майли, Марғилонга ҳам келиб туради деб ўйлаган эди. Отабек эса қайнотаси шу йўл билан ундан Кумушни ажратиб қолмоқчи деб гумон қилади. Худди шу ерда яна бир ўзбек урф-одати Отабек—Кумуш муҳаббатининг фожиали яқунланишига олиб келади. Яъни ўтмишда(ҳатто ҳозир ҳам учрайди) бир шаҳар бошқа шаҳардан, бир қишлоқ иккинчи қишлоқдан қиз олиш-қиз бериши ҳолисаси кам учрайди. Ўзбек ойим ҳам марғилонлик Кумушга шу одат туфайли норози бўлган эди. Ўзбек ойим Кумуш Тошкентга келмас экан, шу ердан уйланасан, деб туриб олади. Отабек ҳам шу одат—асос учун зўрға рози бўлади, аммо Марғилонга боргач, яна уйланиш фикридан қайтади. Қутидор кўнишга даъват этади, қизи Кумушни ҳам кўндиради. Кумушнинг Отабекка бўлган оташин севгиси Тошкентга боришга мажбур этади ва кундошлик оловида ҳалок бўлади.

Миллийлик ва миллий психология рангларга бўлган муносабатда ҳам кўринади. А. Қодирий ёрқин рангларни — оқ, ҳаво ранг, пушти, қизил рангларни севади, унинг Кумуш ва Отабеклари ҳам бу рангларни хуш кўради. Кумуш тўйда оқ шойи рўмол, оқ шойи кўйлак, оқ кумуш заррин сирилган пўстин кияди. Аммо бу оқ ранглар унинг зимистон кўнглининг акс-садоси эмас эди, аксинча, бу қизиқ мажлис унинг учун базм ўрнини эмас, аза жойини тутгандек эди.

Отабек ҳам, Кумуш ҳам қора рангни, сариқ рангни бахтсизлик, зулм, қабоҳат рамзи деб биладилар. А.Қодирий қора бўёқни ўша адолатсизлик тузумини ифодалаш учун ишлатади. Романдаги «Ёзувчидан» деган ўринда А. Қодирий «мавзуни мозийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан белгиладим», деб ёзади. Роман мазмуни ва руҳи, оҳангида шу қора ранг ҳокимлик қилишидан ташқари, бир қатор бобларни «Қора тунлар», «Қоронғу тунлар» деб сарлавҳалайди ҳам. Отабек—Кумуш севгисига, оилавий муносабатларига, бахтига раҳна солган Ҳомидни «қора тиканак» деб таърифлайди. Кумуш ўн бешта кўйлагининг орасидан қора атлас кўйлагини танлаб кияди. Отабекка бу кўйлак ёқар эди деб, соғиниб кийган эди. Бироқ бу кўйлак мудҳиш хабар элчисига айланади: Ҳомид Отабек номидан талоқ хати киритиб юборади ва ёзувчи ибораси билан айтганда, энди Кумуш ҳаётида «қора тунлар» бошланади, «бу ҳовлини чин маъноси билан қоронғулик босди». Ёзувчи шу машъум хатни олиб келган пучуқ хотинни—Жаннатни «алвасти» деб айтади. Уйини, туриш-турмушини қора бўёқ билан тасвирлаб, ифлос маразлигини таъкидлайди. Кумушнинг ҳижронли кунлари билан «ер юзи ўзининг қишқи сариқ кийимини кийган эди», деган тасвир ўртасида боғланиш бор. Ёки Отабек бўзахонада ҳижрон оловида ёниб ўтирар экан (қайнотаси эшикни юзига ёпиб, ҳайдагандан кейин), чолғучидан ажралиш куйини чалишни илтимос этади. У бундай куйни билмаслигини айтиб, «Наво»ни дуторда ижро этади, куй фожиали руҳда эди, дуторнинг ўзи «қуруққина йиғламас эди, балки бутун коинотни «зир» эттириб ва хаста юракларни «дир» силкитиб йиғлар эди». Отабек ҳам «дунёсини унутиб йиғлар ва ҳасрат аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиғлар эди».

Туш ва унинг таъбирини айтиш ўзбеклар орасида кенг тарқалган одат. «Ўтган кунлар»да тушдан бўлажак воқеалар хабарчиси сифатида фойдаланади. Отабекнинг тушида бир сигир гулларни пайҳон қилибди. Отабек қўлида ханжар билан сигир томон югурибди, бир қараса сигир «сариқ сочли алвасти» бўлиб қолибди, Отабек «дармон-

сизланган ва ханжари қўлидан тушган эмиш... Дунёни қоронғулик босган эмиш». Шу кунни Зайнаб Кумушни заҳарлаб ўлдиради. Кумушнинг ўзи ҳам бу фожиали тақдирини бир ой бурун ҳис этган эди. Онасига ёзган мактубида «Келаси ойдан жуда юрагим уюшади... Кечалари кўкка қараб келаси ой шу кунларда ёруғ дунёда борманми, йўқманми дейман... Келаси ойдан кўрқаман... Кўриша олмасак мендан рози бўлинг, дадам ва бошқа ёру дўстлар ҳам», деган эди. Ёзувчи ўз қаҳрамонларидаги бу телепатик туйғуларни берганда ўзбек халқи табиати, психологик хусусиятларидан ва мифологик тасаввурларидан келиб чиқади. Отабек халқ дostonларидаги ва Навоий «Хамса»сидаги қаҳрамонлар каби фавқулодда ақл, куч-қудрат ва ирода-қудратга эга. У Ҳомид, Мутал ва Содиққа қарши бир ўзи курашга отланганда «ё ҳаёт, ё мамот» деган хамлетона қоидадан келиб чиққан эди. Ўлса ҳам севгилисининг шон-шарафи, иффатини, ўз ғурурини ҳимоя қилмоқчи бўлади. Ёзувчи унинг дилидаги фикрни «гўё дунё гўзали билан видолашар эди», деб изоҳлайди. Отабек ғолиб чиқади. Ҳақиқат учун олиб борган кураши Уста Олим сўзлари билан айтганда, уни «ақллар ишонмас қаҳрамонлик» кўрсатишга сабаб бўлади. Романда ўзбек халқи характери, урф-одати, психик олами, фикрлаш тарзи билан боғлиқ нуқталар шу қадар кўпки, улар асар мазмуни, сюжети, қаҳрамонлар тақдирига сингиб кетган, буларнинг барчасини кўрсатиш романни бир неча бор қайта ҳикоя қилиш демақдир. Битта Отабек—Кумуш тўйи муносабати билан А. Қодирий ўзбек тўйига доир муҳим тартиб-одатни намойиш қилади: хотинлар мажлиси, қизлар мажлиси, Кумушдан ваколат олиш—никоҳ ўқитиш маросими, Кумушга маҳр бериш, унинг қўлига узук тақиш, келин-куёв кийимлари, музика асбoblари ва ҳ.к. А. Қодирий ўзбекларнинг ичкари ва ташқарилик уй қуриш одатлари, уни кун юриш томонга қаратиб қуришларини ҳам алоҳида таъкидлайди. Ёзувчи асар воқеаси Кўқон хонлигига кўчганда хон ўрдаси тавсифидан воз кечади ва буни шундай изоҳлайди: «Романнинг ўн учинчи фаслида Марғилон ўрдасининг таърифи ёзилганликдан ва бу ўрданинг ҳам ташқариги айланаси ўша ўрда каби бир тусда,

бир услуб ва бир кенгликда бўлганлигидан бу ўринда яна қоғоз қоралаш ортиқчадир» дейди.

Биз юқорироқда Кумушдан бир оғиз розилигини сўрамай ва унга бўлажак куёвни кўрсатмасдан тўй қилинганлигини, бахтли тасодиф туфайли Кумушнинг ўз орзусидаги ва ёқтирган йигити Отабекка тушганлигини айтган эдик. А. Қодирий ўзбек халқи урф-одатидаги мустаҳкам қонлага амал қилганидан шундай тасвирлаган эди. Танқидчи С. Ҳусайн «Ўтган кунлар» романи ҳақидаги мақоласида шу хусусда фикр юритиб, ёзувчини мантиқсизликда айблайди. Гап шундаки, Отабек билан Кумуш ўртасидаги англашилмовчиликлардан кейин алоқалари узилиб кетгач, Кумушга турли жойлардан совчилар келади, шунда ота-онаси ундан розилигини сўрайди. С. Ҳусайн шунга асосланиб туриб, «Кумуш қиз экан, ота-онаси ундан сўрамай, розилигини олмай эрга беради, эрдан чиққандан сўнг (Отабекдан сохта ажралгандан кейин) иккинчи эрга беришда ота-онаси Кумушнинг розилигини оламиз, деб овора бўлишади. Бу мантиқсизлик А. Қодирийнинг эсига келмайди, чунки шу мантиқсизликни ишлатмаса, романи боғлайдиган ип чўзилиб кетади» деб ёзади. А. Қодирий танқидчига жавобида «Ҳолбуки, бу «мантиқсизлик» турмуш ҳақиқатига қараб ихтиро қилингандир. Зеро, эски турмуш айтади: «Кумри қиз экан, ота-онасининг танлашлари билан эрга чиқсин, бу одоб, иффат тақозоси. Вақтики, эри ўлди ёки эрдан чиқди, эндиликда ота-онасининг унинг эр қилишида ихтиёрлари йўқ, фақат улар маслаҳатчиларгина (бу одат йигитлар устида ҳам шундай. «Ўтган кунлар»нинг I бўлим, I-фаслига мурожаат). Қизлари эндиликда ўз кўзлари билан кўради, уй-жойларини, касби-корини текширади—унга рухсат. Бинобарин, «Ўтган кунлар»даги мантиқсизлик ҳам шу мақомдадир».

А. Қодирий халқ орасидаги маълум ва машҳур одатга қаттиқ амал қилгани учун романи боғлайдиган ип, С. Ҳусайн айтгандек «чувалаб кетмади», аксинча янада таранглашди: Кумуш кимга турмушга чиқаётганини билмай то Отабекни кўргунча ўт ичида ёнади, ўша одат таёғи билан мажбуран чимилдиққа киради. Отабек билан Кумуш сохта ажралгандан кейин олти ой муддат ўтади, шундан

кейин Кумушга «совчилар турна қатор» бўлиб кела бошлайди. Ҳатто ифвогар ва ифлос Ҳомиддан ҳам келади: Қутидор билан Офтоб ойим уни ёқтирмагани учун, Кумуш кўнглидан келиб чиқиб «Қизимиз бундан сўнг эр қилмасликка қаттиқ исрор этадир», деб жавоб беришади. Кумуш аслида умуман эр қилмасликка қарор берган эди ва «Мен энди эр қилиб бўлдим», деган эди. Бироқ Қутидор тузукроқ ердан совчи келса, зўрлаб бўлса ҳам бермоқни ният қилиб кўяди. Шунда шаҳарнинг олдинги аъёнларидан Салим шарбатдор ўз ўғлига сўратиб совчи юборади. Қутидор Кумушни кўндиришга уринади. Кумуш сўзида қаттиқ туради ва «Бундан сўнг бу ишни хоҳламайман», дейди («эр» сўзини тилга олишга иффати йўл қўймайди). Шунда Қутидор яна бир катта далилни ишга солади: Ҳомид Отабек номидан Кумушга талоқ хати ёзган эди. Кумуш мактубга жавоб ёзган эди. Ҳомидлар яна Отабек номидан иккинчи талоқ хати уюштириб юборган эди. Қутидор бу талоқ хатини Кумушга кўрсатмай юрган эди. Кумуш Салим шарбатдор ўғлига ҳам рад жавобини бергач, Қутидор қизининг тамоман бўйнини эгиш ва ўз йўлига юргизиш мақсадида шу хатни беради. Кумуш «юрак жароҳатини қайтадан тирнаб ташлаган» иккинчи талоқ хатини ўқигандан кейин яна кескин равишда севган эрдан «бу янглиғ вафосизлик кўрдим», «бундан кўра дунёда тоқ ўтган яхшироқ», деб жавоб беради. Қутидор барибир ўз ниятидан қайтмайди, Салим шарбатдорга ваъда бериб юборади. Ваъдасининг устидан чиқиш учун Офтоб ойимга охирги буйруқни беради: «Кўндирсанг кўндир, бўлмаса мендан умидингни уз» дейди. Кумуш энди севимли онасининг тақдирини ўйлайди, ўзини «бахтсиз», ташландиқ қиз, «ўйинчоқ қиз» деган қарорга келади ва тўйини бир йилдан кейин қилиш шартини қўйиб розилик беради(ички туйғуси Отабекдан умидини уздирмайди. Бу шарт қўйиш ўзбек халқ дostonларида кўп учрайди).

Кўриниб турибдики, А. Қодирий типик образлар яратиш устидагина қайғурмай, айни чоқда ўз қаҳрамонлари, персонажлари яшаётган, ҳаракат қилаётган, курашаётган муҳит, шарт-шароитнинг типик бўлиши учун катта меҳнат қилади. Унинг қаҳрамонлари психологияси-

ни, характерини шу шароит, муҳит, халқнинг кўп асрлик руҳий, маънавий тажрибаси, урф-одати яратади ва улар онгидаги янгиликлар, ўзгаришлар билан тўқнашувга киради. Зотан, А. Қодирий бадий асарнинг ҳаққонийлиги, ҳаётийлигининг бош асоси унда кўтарилган масалаларнинг халқнинг тақдири, ҳаёти ва характери, психологияси, руҳияти билан нечоғлик жипс боғлиқ эканлигида кўради. Шунинг учун ҳам С. Ҳусайнга берган жавобида ёзувчиларимиз ва танқидчиларимиз учун халқ орасига кириш, унинг урф-одатига гарчи машаққат бўлса ҳам вуқуф ҳосил қилиш лозимдир», дейди. Халқ ҳаётидан, урф-одатидан, маданиятидан, характеридан вуқуф бўлмаслик—хабарсизлик сохталикка, ёлғончиликка, уйдирмаликка олиб келади. А. Қодирий «Равот қашқирлари» мақоласида шу номдаги фильм намойиши муносабати билан ҳаққонийлик ва миллийлик хусусида ғоят муҳим жиддий фикрни ўртага ташлайди. А. Қодирий ёзадики, «Шу кунгача ўзбек ҳаётидан ёки умуман Ўрта Осиё халқлари турмушидан олиб ўйналган фильмларнинг ҳаётизмизга ёндашиб кетган лавҳалари кўринишлари бус-бутун деб бўлмаса-да ва лекин қисман ҳаёлий сохтанома бўлади. Бу ҳол ёлғиз кинолардагина эмас, европаликларнинг, ҳатто Ўрта Осиёда чиқадиган кундалик газета, журналларида ва адабиётларида бизга бағишлаб ёзилган парчаларида, лавҳаларида ҳам шу ҳаёлот ёки ривоят орқали ёзилган «ваҳималарга» кўп учраймиз. Халқ «ўзига иснод қилинган» бу тўқима-уйдирмалардан «ёқа ушлайди». А. Қодирий шу сохталикдан қутулиш — «афсона кўчасига кирмаслик»нинг ягона йўли — халқ турмушини чуқур билишдир, деб ҳисоблайди, «мумкин қадар сценарий ёзувчиларни ўзбеклардан етиштириш ва ҳозирча бўлса ҳам европалик сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб қўйиш, артист ва артисткаларни ўзбеклардан тарбиялашдир», дейди. А. Қодирий бу ерда бошқа миллат ёзувчисини заррача камситаётгани йўқ. «Ўзбек турмушининг майда-чуйдасигача ўзбек боласи биледи», деганда ёзувчи фақат ҳаққонийлик, ростгўйлик, асарнинг ишонтириш қудратини мезон қилиб олмоқда. А. Қодирийнинг бу сўзларида мутлақо миллий маҳдудлик йўқ. Қон-қонигача одамий-

лик, инсонпарварлик, байналмилаллик туйғуси сингган А. Қодирий Ўзбекистон Республикасининг тузилганига бир йил тўлиши муносабати билан ёзган мақоласида бирликни — иттиҳодни нотўғри тушунган ва ўзбек, тожик, қozoқ халқлари ўртасига нифоқ солишга уринганларни танқид қилиб шундай дейди: «Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдик. Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани. Зеро, «ўзини билмаган ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғлидир. Биз миллатларни озод ўстиргоч, доираси ғоят тор бўлгон, иттиҳоди ислом ва ё туркгина эмас, балки бутун дунё меҳнаткаш ва деҳқонларни иттиҳоди энг авжида бутун дунё инсонлари иттиҳодини вужудга келтирамир».

А. Қодирий ўз асарларида ана шу эзгу ниятни тарғиб қилди. Гарчанд унинг асарларининг воқеаси ва қаҳрамонлари Туркистондан олинган бўлса-да, умуминсоний, гуманистик ғояларни олға сурди. Фозил давлат тузуми ва шахс эрки масаласи Шарқ алломаларининг қалбини қанчалик банд қилган бўлса, жаҳоннинг барча сўз санъаткорларининг ҳам диққат марказида турди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларининг узоқ-узоқларга парвоз қилишининг боиси шундаки, Солиҳ Махдум ўзбек тупроғида туғилган ҳасис, аммо унинг ҳасислигининг намоен бўлиши — халқ орасида «зарбулмасал бўлиши» миллий турмуш тарзи билан жипс боғлиқ бўлса-да, аммо моҳияти жиҳатидан умуминсонийдир, муштаракдир (ҳамма кийимига ямоқ тушган, бир чопонни саккиз йилда ҳам ташламайди, бир ойда бир кир ювдиради, уйда асосан суюқ овқат қилдиради, шолғом, лавлаги ишлатади, ҳатто куёв қиламан деб юрган Анвар бош мирзаликка тайинланганда уни қутлагани келувчилар учун юмшоқ нон олишга ҳам оғринади, хон Раънони хотинликка сўраганда Анвардан воз кечиб, унга розилик беради). Тошпўлат тажанг образида ҳам шундай муштараклик бор. «Муштум» журналида «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳикояси билан Тошпўлат тажангнинг расми ҳам берилади. «Фарғона» газетасида босилган бир мақолада бу расм «Мулла Насриддин» журналидаги расмнинг ўзи, демак, «Муштум» ўғирлик қилган деб ёзилади. Шу муносабат билан

А. Қодирий жавоб бериб, бундай дейди: «Кавказ билан Туркистон типларда ва урф-одатда бир-бирига жуда яқиндир. Буни яхши билиш керак. Шунинг учун Туркистонда туғилган ўзингизнинг тоғангиз «Тошпўлат тажанг»дан тоғниб, уни кавказлик дейишингиз қаландарона бир сўздир. Ишонмасангиз «тажанг» тоғангизнинг сўзларига, қилиқларига, маданият дунёсига бўлган «писанди»га бир қаранг (23—25-сонлар. Жулқунбой мақоласи). Бу тип ёлғиз Туркистоннинг ўзидагина эмас, Туркистоннинг ҳар бурчагида ҳам бор ва шунинг учун бир «чапанингиз» ҳақидаги соф бир карикатурани ўз молимиз деймиз, сизнинг «ўғри ушлаш» нуқтангизга қўшилишимиз ҳам «бу тип Кавказ туркларида ҳам бор экан» дейишдадир».

А. Қодирий «Меҳробдан чаён»да ҳам худди «Ўтган кунлар»даги каби ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолади ва ҳар бир нарсага халқ кўзи билан қарайди, унинг қалби билан тинглайди ва шу халқнинг миллий характери тўғрисидаги мавжуд тасаввурига суянади. Романнинг кириш қисмида ёзувчининг ўзи номарғуб ва марғуб қаҳрамонларни тасвирлашдан мақсадини айтади ва камбағалларнинг «хонлик тузилишига, қора куч — уламо алайхига чиқиши, меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, оиласи, турмуши ва бир-бирига алоқаси самимияти»ни беражагини таъкидлайди. Ёзувчи ўша ҳаётни «тарихнинг ҳазми кўтарганча» бериб, сохталикдан қочганини айтиб, эътиборни қуйидаги миллий ҳаёт нуқталарига қаратади: «Шу икки синф курашини тасвир қилиш воситасида хон ҳарами, хотинлари, қирқ қизлар, тарихий ва этнографик лавҳалар, ўзбек ҳаёти, қизиқчилиги, танқидчилиги, ўзбек хотин-қизлари орасидаги истеъдодли шоирлар, аскиячилик ва бошқа яна кўп нуқталар қамраб олинди. Ёзувчи романда бутун миллий ҳаёт тасвирини одил ҳукмдор фалсафасини, инсонпарварлик, эркпарварлик фалсафасини ифодалаш учун хизмат эттиради, ёвузлик, риёкорлик, адолатсизликни, пасткашликни фош этишга йўналтиради. Анвар қайнотасининг илтимосига кўра мулла Абдурахмонни ўрдага ишга олдирган эди, фиску фужурни авж олдиргани учун кейинча уни саройдан узоқлаштиради. Мулла Абдурахмон

Анвардан ўч олиш учун саройда ҳукм суриб келган разил одатдан фойдаланади, яъни Раънони хонга мақтаб, хотинликка тавсия этади. Икки ёш тақдиридаги алғовдалғовлик шундан бошланади.

Романда ўзбек дostonчилиги анъанаси руҳида Анвар — Раъно ҳаёти уларнинг болалигидан бошлаб тасвирланади, бу Тоҳир — Зуҳролар саргузашти ва тақдири хонлик тузумининг чиркин манзарасини тўлалигича очиб ташлайди. Шарқ адабиётида, шу «Тоҳир — Зуҳро» каби халқ дostonларида, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonларида, шунингдек Низомий ва Жомийларнинг шу типдаги дostonларида ошиқ-маъшуқлар висолига гов бўлган ҳажр-ҳижрон инсон севгисини синовдан ўтказувчи, тобловчи ва шахсни камолотга етакловчи куч сифатида тасвирланган. А. Қодирий «Ўтган кунлар»да ҳам, «Меҳробдан чаён»да ҳам масалага шу тахлитда ёндашади. Ёзувчи «Меҳробдан чаён»да ўз қахрамони тилидан «Ишқ давоми овом ўйлагунча васл эмас — ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтин сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир», дейди. Анвар ҳам, Раъно ҳам ўткир зехнли, илмли, шоиртабиат, одил, юксак дидли ёшлардир. Ёш, етим йигитчанинг бош мирзоликка кўтарилиши ҳам бежиз эмас. Раъно «шеърый бир ҳусн» эгаси, «фазл ва заковатда ҳам ўтган хон замонлари асрининг нодир учрайтурғон ягона фозила қизларидир». Хон уни Анвардан тортиб олаётганда эртақлардаги қизлардек жасорат кўрсатади. Ёзувчининг ўзи «Раънонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маъюс қолган Анварни йўлга солиши ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқи таҳсин ва Раъно ёш қизларимизга ибратдир», дейди. Анвар ҳам ҳақиқат учун фидойиларча курашувчи инсон даражасига кўтарилади. Анвар дўсти Султоналини ўлимдан қутқариш учун ўз бошини жаллод кундасига қўяр экан, бу жасоратни ёзувчи ўрда аҳли «мужассам бир виждон, тоғюрак бир йигит ва ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улуғ жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди», деб таърифлайди.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларини мана шундай кўтаринки, шоирона услубда, қуюқ, ёрқин бўёқларда — романтик пардада тасвирлайди. Исми жисмига мос Раънога рамзийлик маъносини ҳам юклайди. Раъно сўзи ва қиз тақдири ўша тузумни гўзаллик душмани тарзида талқин қилишга кўмак беради. Хон томонидан Анвар севгилисининг тортиб олинаётганлиги воқеасини ёзувчи «Шу дамда фалокат бир неча кун ичида Раъно гулини сўлитаёзди», деб талқин қилади. Бу ерда асл маъносидан кўра рамзий маъносига кўпроқ урғу берилмоқда.

А. Қодирий романларидаги миллий руҳ ташқи томондан жуда оддийгина бўлиб кўринган нуқталарда, масалан, ҳатто қаҳрамонларнинг бир-бирига мурожаатларида ҳам яққол кўриниб туради. Инглиз, француз, немис халқларида одамлар бир-бирига мурожаат этганда қўлланадиган махсус сўзлар бор (мисс, мистер каби). Рус тилида бундай анъана йўқ (гражданка — гражданин, мужчина — женщина, деб чақирилади). Ўзбеклар орасида жинси, ёши, мавқеига қараб мурожаат этадиган сўзлар жуда кўп, А. Қодирий ўз романларида бундай сўзлардан кўп ва ўринли фойдаланади. «Ўтган кунлар»да бегим, бек ака, жиян, опа, сингил, амаки, ака, бекачим, мулла ака, уста ака, фуқаро каби сўзлар учрайди. «Меҳробдан чаён»даги «Шу тўғрида жанобингиз Мирзо Анвардан тўйга уринишимиз учун бир калима жавоб олиб берсангиз, «Тақсиримда ожиза борлигини пушти паноҳ эшитган эканлар», «Бундан сўнг кўқонлик Миён Фазл Ваҳҳоб ҳазратга эрга чиқди», «Йўқ, тақсир — деди деҳқон, — тақсирим шу қоғозни питиб бердилар» каби жумлалардаги сўзларда қанча иззат-ҳурмат бор.

Мазкур кузатишлардан маълум бўлиб турибдики, А. Қодирий асарларидан ўзбекнинг ҳиди келиб туради, ўзбек руҳи жўш уради, ўзбек куйи жаранглайди. Туркистон табиатининг барча ранглари жилоланади. Ўзбек тилининг бутун жозибаси ловуллаб туради. Ўзбек бадиий тафаккур тарзи ярақлаб кўринади, унинг адолатпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, дўстлик туйғулари мавжланади, одоб, шарму ҳаёси, меҳр-оқибати, гурур ва сурури, мардлиги, ватанпарварлиги акс этади. Бу фазилатлар

А. Қодирийнинг халқ ҳаёти ва руҳига жуда яқинлиги, унинг тарихи ва тақдирига астойдил куюнганлиги, унинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий камолотига, ўз-ўзини англашига дил-дилидан қайғурганини ҳамда ўзбек халқи турмушининг қайта қурилиши, фориғланиши, саодатлашига халақит берувчи ёмонликларга чексиз нафратидан туғилгандир.

ЧЎЛПОН (1897— 1938)

Чўлпон XX аср ўзбек шеърятининг энг йирик вакили. У ўткир шеърятчи, юксак таржималари, кучли драмалари, мумтоз романи ва куюнчаклик билан ёзилган публицистик мақолалари ҳамда жанговар ижтимоий фаолияти билан ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти ва ўзбек миллий тафаккури ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшди. Адабиётга маърифатпарвар сифатида кириб келган Чўлпон озодлик, тенглик, адолат, мустақилликнинг кўрқмас куйчиси ва зулм, ёвузлик, босқинчилик, талончиликнинг ашаддий душмани сифатида шуҳрат қозонди, ҳатто, «чўлпончилик» деган йўналишнинг сардорига айланди (совет мафкурачилари «чўлпончилик» иборасини аслида салбий, яъни «миллатчилик» маъносида қўллаган, ҳақиқатда эса у миллатпарварлик, адолатпарварлик тушунчасини ифодалаган).

Чўлпон шоирнинг тахаллуси бўлиб исми-фамилияси Абдулҳамид Сулаймоновдир. У 1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида дунёга келди. Шоирнинг синглиси Фоиқа ая, «Абдулҳамиднинг йили сак эди, демак, 1898 йилда туғилган», дейди. «Садои Туркистон»нинг 1914 йил 18 апрель сонисида Абдулҳамид имзоси билан «Туркистонлик қардошларимизга» ва 24 сентябрь сонисида «Маорифпарвар» бобомиз муҳтарам Исмоил Гаспиринский ҳазратлари ҳақида таъзияномамиз» деган шеърлари босилади. Биринчи шеър остига Абдулҳамидни 15 ёшда, иккинчи шеър остига 16 ёшда, деб қўйилган. В. Ян томонидан «Катта совет қомуси» учун ёзилган ма-

қолада (улар дўст бўлишган, мақоладаги далилларни бевосита Чўлпондан сўраб ишлатган) ва НКВД ҳужжатларида 1897 йилда туғилган дейилган.

Чўлпоннинг отаси Сулаймон Мулла Муҳаммад Юнус ўғли ўз даврининг илғор, ўқимишли зиёлиси бўлган. У аввал деҳқончилик билан шуғулланган бўлса-да, кейинча савдо-тижорат ишлари билан машғул бўлган, Сулаймон баззоз деб ном чиқарган. Гарчанд у руҳоний бўлса-да, жаҳолатга қарши турган, вақтли матбуотни мунтазам ўқиб борган, шеърлар битган, ғазалларига «Расво» тахаллусини қўйган. Абдулҳамидни ҳам мулла қилмоқчи бўлади, эски мактабда, сўнгра мадрасада ўқитади. Бўлғуси шоир рус-тузем мактабида таълим олиб, рус тилини ўрганади. Абдулҳамиднинг онаси Ойша аянинг саводи бўлмаса-да, ўткир зеҳли, халқ ижодини яхши билган шуурли аёл бўлган. Чўлпон ўша вақтда Тошкентда, Самарқандда, Қозонда, Бокуда ва Туркияда чиқиб турган газета, журналларни ўқиб борган. Исмоил Гаспиринский, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, айниқса, Фитрат асарларини, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганади, улардан руҳланади. «Улуғ ҳинди» мақоласида ёзишча, Чўлпон, Навоий, Лutfий, Ҳусайн Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийдан тортиб Боту, Файратий, Олтой, Ойбек, А. Қодирий, Авлоний, Тавалло, Сиддиқий, Ҳамзагача ҳар хил даражадаги ва йўналишдаги ижодкорларни, шунингдек Тўқай, Ҳ. Жовид, Алиф Сайфи, Ризо Тавфиқ, Яҳё Камол, Тагор каби ҳинд, озарбайжон, турк, татар ёзувчиларини ўқийди-ўрганади. Булардан Ризо Тавфиқ, Яҳё Камол, айниқса, Тагор дилига яқин туюлади.

Чўлпоннинг сиёсий онги, ижтимоий қарашлари ва миллий бадий тафаккурининг ўсишида унинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки муҳим аҳамиятга молик бўлди. Барча вақтли матбуотларда ўз мақолалари, фельетонлари, шеърлари билан иштирок эта бошлайди. Аҳмад Закий Валидий Чўлпоннинг 1917 — 1918 йилларда Бошқирдистонда ҳукумат раисининг котиби бўлиб ишлаганини айтади. 1919 йилда Фарғонада чиқадиган «Янги Шарқ» газетасида ишлайди. 1921 — 1922 йиллар-

да «Ахбори Бухоро» газетасида муҳаррирлик қилади. 1923 йилда Андижонда «Дархон» газетасида масъул муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлайди. 1924 йилда Москвада ўзбек маориф уйида ўзбек театр студияси ташкил этилади. Унда А. Ҳидоятлов, Л. Назруллаев, Уйғур, Е. Бобононов, М. Муҳамедов, С. Эшонтўраева каби ёшлар таълим олишган. Чўлпон шу студияда раҳбар, адабий эмакдош сифатида ишлаган, «Ревизор», «Маликаи Турандот» асарларини таржима қилиб берди ва ўзбек артистлари уларни саҳналаштирди. Студия талабалари 1927 йилда ўқишни тамомлаб Тошкентга қайтишди. Москвада катта ижодий муҳитда сиёсий онги ва эстетик диди ўсиб, камол топиб келган Чўлпон большевиклар учун янада хавфлироқ туюла бошлади. 20-йиллар бошларида Чўлпонга қарши бошланган кураш энди авжига чиқди, матбуотда кетма-кет уни миллатчидан олиб миллатчига солишди. Олим Шарафиддинов «Чўлпон йўқсул халқнинг шоири эмас. У — миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоиридир», деди. 1927 йил 4—5 октябрда Ўзбекистон маданияти ходимлари II қурултойи бўлади, унда Чўлпонни ҳатто Акмал Икромов ҳам танқид қилади, қурултойдан у ҳайдаб чиқарилади. Чўлпон шу қурултой раёсатига мактуб ёзиб, «ўз хатоларимга ўзим тушундим. У ёзган нарсаларим ва сўзлаган сўзларим камбағал ва йўқсуллар душманларининг фойдасига хизмат қилганини билдим», деб йўқ айбини бўйнига олади ва театр соҳасида ишлар қилиб «айбини ювишга» ваъда беради. 1928 йилда «Замона хотини», яъни «Муштумзўр» пьесасини шу ваъдасини устидан чиқиш учун ёзган эди.

Чўлпонга бўлган хуруж, тазйиқ кучайса кучаядики, лекин сусаймайди. У Файзулло Ҳўжаев маслаҳати бўйича 1932 йилда Москвага кетади ва у ерда СССР Халқ Комиссарлари Кенгашида таржимон бўлиб ишлайди. Чўлпон 1923 йилда Солиҳа деган қизга уйланган эди, шоир ўзидан фарзанд бўлмаслигини аниқлаганидан сўнг унга жавоб беради ва 1932 йилда Москвада Екатерина Ивановна деган аёлга уйланади. Солиҳа бошқага турмушга чиқиб, тўққиз фарзанд кўради.

Чўлпон шеър ёзадими, пьеса ёзадими ёки романми — нима ёзса, матбуот уни дўппослайверади. Ҳатто унинг маҳорат билан таржима қилган «Ҳамлет» ёки «Она» романларини ҳам қадрламайдилар. 1937 йил 7 — 8 апрелда Ўзбекистон ёзувчилар Уюшмасининг мажлиси бўлади. Чўлпон сўзга чиқиб имкони борича меҳнат қилиб, янги асарлар ёзгани, кўплаб таржималар қилгани, бироқ улар адолатсизларча танқид қилинганини айтиб, «мен миллатчи эмасман», дейди. Бу вақтда Чўлпон Ҳамза театрида адабий эмакдош эди. «Муштум»да ҳам адабий ходим эди. Чўлпон совет тузумини, компартияни, Ленинни мақтаб «Соз» тўпламини чиқарди, «Жўр» тўпламини нашрга топширди, «Кеча ва кундуз» романида ўтмишни фош этди, «Борис Годунов», «Она» каби асарларни таржима қилди, «Замона хотини» пьесасида аёллар озодлиги масаласини ҳимоя этди. Лекин уринишлари уни фожиадан сақлаб қололмади. 1937 йилда уни ҳибсга олишди, 1938 йил 4 октябрда отиб ташлашди.

Чўлпонда ижод туйғуси эрта уйғонди. Ҳали талабалик йилларидаёқ унинг шеър, мақола, фельетон ва ҳикоялари матбуотда кўрина бошлайди. 1914 йилда унинг «Бизнинг халқ» шеъри, «Қурбони жаҳолат» ҳикояси, «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикояси («Садои Туркистон») ва «Мадрасаларимиз аҳволи» («Садои Фарғона»), «Мақтаб» («Садои Туркистон») каби мақола, хабарлари босилди. Буларда маърифатпарвар ёзувчи сифатида кўринади. Чўлпон бадиий адабиётнинг вазифаси халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, жамиятнинг ривожига ва инсон баркамоллигига халақит берувчи иллатлардан халос бўлиш — руҳий, маънавий форигланишдан иборат деб билди. У «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 15-сонида босилган «Адабиёт надур?» мақоласида «Бас, масала бу тариқ экондур, ҳаётимизнинг бетўхтов ҳаракат қилиб турмоғи учун сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, кундалик маишатимиз йўлида руҳимиз ва вужудимизни заҳматкаш фалакнинг қора кирлари, аччиқ қурумларидан ювиб турмоқ учун адабиёт шу қадар зарурдир», дейди. «Қор қўйнида» ҳикоясида қари чолга учинчи хотин қилиб берилган ўн етти яшар Шарофатнинг қора куни — қора тақдирини кўрса-

тади. Тўй бўлиб ўтган кўчани «қоп-қоронғи жимжит бир гўристон», «бу кеча худди эшон бобонинг кўнглидек бўлиб қолган», деб таърифлайди. Мамат қоровул бу фожиали ҳолни «Дунё ўзи шу қадар тескари дунё экан... лоланинг устига қор ёғди», дейди. Чўлпон ижодига фожиали мавзу шу ҳикоясидан кириб келди ва охир-оқибатда ижодининг ўқ томирига айланди. Фожиали вазият, фожиали муҳит ва шароит, фожиали қаҳрамонни тасвирлаш унинг шеърлятию, ҳикоя, пьеса ва романининг марказий масаласига айланди. «Қурбони жаҳолат»ни ёзганда Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси юртда жуда машҳур эди. «Падаркуш» фарзанднинг ўғирлик йўлига кириши ва оқибатда ўз отасининг қотилига айланишининг сабаби жаҳолат ва илм-сизликка боғланган эди, бир ўринда қурбони жаҳолат бўлди, дейилади. Чўлпон ҳикоясида ҳам ўғирлик қилган йигит, унинг касофатига айбсиз йигитнинг ўзини ўлдириши ҳақида ҳикоя қилинади. Шу жаҳолат қурбони Эшмурод «Биз одам бўлмаймиз... Битамиз... Инқироз бўламиз... Оҳ жаҳолат. Жаҳолат, битдук, битдук. Ўлдук... тирилмайман....», деб фикрлайди. Чўлпон кейин ҳам «Ойдин кечалар» (1922), «Новвой қиз» (1927) каби ҳикояларни ёзди. Булар бадий жиҳатдан пишиқ. Аммо илк катта ҳикояси «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоясида қоқоқлик, жаҳолат танқид қилиниб, илм орқали бахт-саодатга эришиш мумкинлигини кўрсатувчи бу ҳикоя эса бадий жиҳатдан сушт. Унда публицистик тафаккур устун, ёзувчи ғояси қаҳрамон тақдирига, образ маъзига сингдирилмаган. Албатта, бу ҳикоя Чўлпон ижодининг илк даври, илк босқичига мансуб.

Дарвоқе, Чўлпон ижодий йўлини бир неча босқичга бўлиш мумкин. Ҳаётдаги воқеалар таъсирида унинг дунёқараши, нуқтаи назарида ўзгаришлар юз бериб турди. Биринчи босқичи ўша маърифатпарварлик, жадидчилик руҳидаги асарларини ўз ичига олса, иккинчи босқичи Октябрь тўнтариши кунларида ёзган шеърларидир. Чўлпон Октябрь инқилоби халққа орзу қилинган озодликни, тенгликни, мустақилликни беради, деб умид қилди ва ишонди. Унинг «Қизил байроқ» (1917), «Шарқ нури», (1918), «Қизил байналмилал» (1920) каби шеърлари шу руҳга

йўғрилган. Кўп ўтмай ўйлаган орзулари сароб бўлиб чиққанлигини англади. Юртда мустамлакачиликка қарши озодлик ҳаракати авж олди. Чўлпон бу курашдан гоёт руҳланди, зулм, босқинчилик, тенгсизликни фош этиб, чин озодликка чақирди. «Пўртана», «Ёруғ юлдузга», «Тортишув тонги», «Халқ», «Мен қочмадим», «Бузилган ўлкага» (булар 1920-1921 йилларда ёзилган шеърлар бўлиб, шу йўналишдадир). Тўртинчи босқичдаги шеърлари 1921-1923 йил ўрталарига тўғри келади. Бу даврда босмачилик ҳаракати мағлубиятга учрай боради. Шундан сўнг Чўлпон «Амолимнинг ўлими», «Ёнғин», «Кураш», «Виждон эрки», «Кўзғалиш», «Кўнгил», «Бас энди» каби шеърларини яратади. 1923 йилга келиб Туркистонда «босмачилик» ҳаракати тор-мор этилади, шу туфайли Чўлпон руҳий таслим йўналишидаги шеърларини ёзади. «Сомон парча», «Хазон» (1923) шеърлари мана шу бешинчи босқичга доир. Шоир ижодининг олтинчи босқичи эса, унинг совет позициясига ўтиши, «қизиллашиши» давридир. «Созим», «Мен шоирман», «Ўн олти», «Октябрь», «Яна олдим созимни», «Янги мен» каби шеърлар ана шу руҳдаги асарлардир.

Ҳақиқий ижодкор яратган образларда қалбининг таржимаи ҳолини ҳамда у мансуб бўлган халқнинг ҳаёт йўлини ўқиш мумкин. Агар Чўлпон образларига назар ташланса, Октябрь инқилобига болаларча самимий ишонишдан туғилган романтик шеърларидан тортиб, то умидларининг сароб бўлиб чиққан пайтларидаги мунгли, фожиавий руҳдаги шеърларигача, халқни ёвдан ўч олишга, эзгу ният учун жонини қурбон қилишга чорловчи ва ниҳоят руҳий тушқунликка тушган муҳит, замон — тузум ҳукмига таслим бўлган онларидаги кайфияти — ҳолатигача билиш, сезиш мумкин. Чунки Чўлпон ўзини халқнинг бир зарраси, унинг дилининг ифодачиси ва унинг халоскори деб ҳис этар эди. У ниҳоятда таъсирчан, эҳтиросли, қайноқ, ёниқ шоир эди. Унинг ўз ибораси билан айтганда, «туйғуси сел шоир» эди, инсоннинг «руҳига кириш»га муваффақ бўларди. Чўлпоннинг ҳаммелона руҳдаги — «Улуғ, қаттиқ ағдарувчи бир кураш. Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш: йўқ яраш», деган

мисралари эътиборга лойиқ. Чўлпон ўз виждонини «илоҳий виждон», севгисини шунчаки муҳаббат эмас, балки «илоҳий муҳаббат», дейди, юртини, халқини шунчаки яхши кўрмайди, балки «фақат Мажнун бўлиб севади» ва «бошимни у учун дорга қўяман», дейди, душманининг қудратини ҳам яхши билади ва шунинг учун «улуғ ёв» дейди. Чўлпон воқеликдан, ҳаётдан қандай қаттиқ таъсирланган, қандай ҳолатга ва кайфиятга тушган бўлса, айтайлик ё қаттиқ қаҳрланса, ё чексиз изтиробга тушса, ё руҳи инқилоб қилса, шу ҳолатини, шу кайфиятини борлиғича шеърга кўчиришга эришади. «Мен шоирми?» шеърида «Шундай гўзалликни, аттанг, агар мен рассом бўлсам эди, чизиб берардим», «ҳар бир тушунчамни ёза олмагач, рассомдек хаёлга чиза олмагач», «шоирлик менда бир соями дейман», дейди. Аслида Чўлпон инсоннинг руҳий ҳолатини равшан чизиб берувчи, ҳар бир тушунчанинг ҳам суратини ола билувчи буюк рассомдир. Шеърларининг ўқувчини сеҳрлаб, мафтун қилиб қўйишининг боиси шу ерда. Унинг аксарий шеърлари ё ўзининг — «Мен»нинг бевосита дардини изҳор этади ёки кўпроқ иккинчи шахсга қаратилиб, ҳам унинг, ҳам сўзловчининг руҳияти, кайфиятини ифодалайди. Шунинг учун очиқ, самимий, рост ва гоҳ сўроқ, гоҳ мурожаат, гоҳ ундов, гоҳ суҳбат оҳангини олиб туради. Такрор ва синонимлар, ҳар хил таъкидларнинг кўплиги ҳам шу туйғуни, ниятини мукамал бермоғидан, «Қиз қўшиғи» шеърида банднинг бешинчи мисрасида «Қора кунлар тушди менинг бошимга» деган жумланинг фақат биринчи сўзи алмаштирилиб, ҳар сафар такрорланиб келади (ёмон, оғир, қийин, қонли, ўтли, ёрсиз кунлар тушди менинг бошимга) ва қиз ҳолатини бор бўйича гавдалантиради. «Қизил байроқ»да, «Энди қора яқин келмас нурлар сачратган оққа», деган мисра бор. Чўлпон зулми, адолатсизликни, тенгсизликни, бахтсизликни қора рангда ва эзгулик, поклик, бахтиёрлик, адолатни оқ рангда идрок этади. Бу шеърни ёзган пайтида Октябр инқилоби халқни қора кундан — ўтмишдан, бахтсизликдан халос этди, деб тушунган эди. Кўп ўтмай бу шодлиги шунчаки бир сароб, хаёл бўлиб чиққанини сезади

ва энди ўзбек халқининг қайтадан бахтсиз бўлиб қолганини ифодаловчи «кўланка», «булут», «парда», қисқаси «қора» образи янгича маънода фаоллашади, бу образлар то «Кеча ва кундуз» романи ёзилгунча шу маънода кўлланади. Бу роман ёзилган пайтда Чўлпон руҳий енгилган, совет тузумига таслим бўлиб, яна ўтмишни қоронғу, яъни кеча тусида идрок этишга мажбур бўлган эди. Чўлпон романи «Кеча ва кундуз» деб, «Кеча» қисмида ўтмишнинг қоронғу манзарасини чизган бўлса (ёзувчилик таланти билан чоризмнинг мустамлакачилик башарасини ҳаққоний очган ва ўзбек халқи орасида миллий уйғониш юз бераётганини кўрсатган бўлса), ёзилмаган ёки ёзилган бўлса-да топилмаган «Кундуз» қисмида, эҳтимол, халқнинг Октябрь инқилобидан кейинги ҳаётини бахтиёр кўринишда бермоқчи ва шу йўл билан ўзини таъқиб-сиртмоқдан сақлаб қолмоқчи бўлгандир. Чўлпон «Кеча» романида ўша тузумни «сиқик муҳит», «кишанли жамият», «қоронғи муҳит» дейди, бир қаҳрамони «кеча-кундуз ишлаб қорнинг тўймаса, бу қандай замон бўлди?» дейди. Чўлпон «Қизил байроқ» шеъридаги Октябрь инқилоби халқнинг қора кунини ёруғ қилди, деган фикрдан тезда қайтади: юртда авж олган талончилик, қирғин, бузғунчилик, адолатсизлик, тенгсизликни кўргандан кейин икки ўт ичида қолади, ўрта-нади, ёнади, йиғлайди. Энди «ўшал эски, жароҳатли қалбини сатрларнинг наштари-ла тилади», «йиғловчи чолғувлари-ла» ўша фожиали муҳитни таҳлил қилади:

Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган,
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?

(«Ёнғин»)

Ёки:

Кўз ёшимда ювсам
Юртнинг бағрини,
Тилим билан сўрсам
Оққан қонини...
Қонли кунлар тушди менинг бошимга.

(«Қиз қўшиғи»)

Чўлпонни ўша 20-йиллари йиғлоқи шоир, деб тилини қисишган, ижодини бўғишган. Ёнаётган юртини кўриб туриб, халқ бошига тушган катта фожианинг гувоҳи бўла туриб, фожиавий шеърлар ёзмасдан иложи йўқ эди.

Чўлпон Тагор тўғрисидаги мақоласида унинг бошига тушган кулфатни — аввал биродарининг хотини, кейин ўзининг хотини, икки қизи, икки ўғли ва отаси ўлганини айтиб туриб, бундай дейди: «Тагорга ўлимнинг зарбаси ҳам жуда қаттиқ бўлган. Шунинг учун унинг асарларида ўлим тўғрисида кўп учратиларди». Мана, Чўлпон ўз кўз ёшларининг сабабини — ижодининг фожиавий пардада бўлганлигининг сабабини қандай равшан очиб беради. Чўлпон халқни бир жигаридек ҳис этган ва унинг фожиаларини ўз бошига тушган фожа деб билган. Чўлпон «Менинг ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут?» «Йўқсанга мангуликми қора тун?» деяр экан, ўз танқидчиларига жавоб бергандай бўлади, яъни уни йиғлатган юрдадаги аҳвол эканлигини таъкидлайди. Шоир зулмга бутун халқ қаршидир, яъни «халқ истаги: озод бўлсин, бу ўлка, кетсин унинг бошидаги кўланка» дейди. Чўлпон халқни озодликка, мустақилликка чақирувчи жарчига айланади: янги тузумни бир кишан ва халқимизни қул тарзида идрок этади.

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгансан.

(«Кўнғил»)

Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона», «Бузилган ўлкага» шеърлари шу қадар халқ орасига кенг ёйилдики, унга шу қадар катта руҳий мадад бердики, совет тузумининг ҳимоячилари бу асарга қарши қанчадан-қанча шеърлар, мақолалар ёғдиришди (Файратийнинг «Тузалган ўлка» каби). Бироқ шеър озодлик мадҳиясига айланиб кетди. Боймирза Ҳайит бундай ёзади:

«Миллий кўмита (Олмонияда тузилган Миллий Туркистон Миллий кўмитаси — С.М.) Чўлпоннинг «Гўзал

Фарғона» шеъри ва унинг куйи асосида бироз ўзгартиш билан миллий Туркистон миллий маршининг пайдо бўлишига ташаббусчи бўлди. Бу «Гўзал Туркистон» бугунги кунда чет мамлакатларда яшаган муҳожирларимиздан бугунга қадар ажралмаган севиқли бир миллий куй бўлиб хизмат этмакдадир...»

Чўлпоннинг образлари орасида «бўри», «қарға», «бойқуш», «шайтон» каби рамзлар тез-тез учраб туради. Қаранг: «Бўрилардан омон кутмак тентакларнинг ишидир», «Кўнглим каби йиқиқ уйлар, қишлоқлар бойқушларга бузуқ кўксин очганми?». Бу образлар остида шоир рус халқини эмас, балки рус босқинчиларини, большевикларни, чоризм сиёсатини давом эттирувчиларни фош этмоқчи. Чўлпон рус халқи, рус адабиёти ва маданиятини ғоят севар, қадрлар эди: рус тилини зўр билган, рус ёзувчиларининг шоҳ асарларини ўзбекчага ағдарган, рус аёлига уйланган. «Кеча ва кундуз» романида рус аёлининг ижобий образини яратган ва ҳ.к.

«Аслида большевизм Чор Русиясининг Туркистон сиёсатини мураккаб равишдаги давомидир, — деб ёзади Боймирза Ҳайит. — Биз бу ерда нима учун бундай фикрда бўлмоқдамиз, дейилган саволга жавоб бериш ўрнига мужоҳид ва шаҳид шоиримиз Чўлпон шеърларидан бир байтини хотирласак, масала аниқ бўлса керак, деб ўйлаймиз: Чўлпон шундай ёзган эди:

На исён, на тўлқин, на тўфон, на ўт.
Кўзимда оғир бир таслим нури бор.
Эй ўтли кечмишим, юзингни беркит,
Сенда шайтонларнинг ҳақсиз зўри бор.

Миллатимиз Чўлпон орқали билдирилган туйғуни кўп вақтдан бери англаган эди. Миллатимиз шайтонларнинг зўрлигидан қутулмоқ йўлига кирди. Туркистон Русияни истило этмади, аксинча Русия Туркистонни ишғол этди. Бунинг билан икки халқ орасида тарихий рақобатлар бошланди. Рус миллати империалист эмасдир. Аммо унинг империалистик табиатини ташиган вакиллари бутун дунёдаги империализмнинг устозларидир. Русиянинг шундай бир тўдаси Русиянинг ҳам ҳокимидир. Туркистон Руси-

янинг Салтиков-Щедрин айтганидек «абადий ейдиган, лекин тўймаган» («вечно жирющих, но не сытых») табиатидан қутулмоқни истайди. Туркистон ҳеч бир вақт рус халқининг душмани бўлмагандир».

Чўлпон худди шу позицияда турди. Чўлпон ҳам рус халқининг душмани бўлмаган, аксинча унинг маданиятини, эркинлик руҳини ўзбеклар орасида тарғиб этган. Аммо босмачилик даврида золим большевик руслар элни шафқатсиз қирди, талади. Туркистон Халқ Комиссарлар Кенгашининг раиси Қ. Отабоев 1922 йил 18 июлда Туркистон коммунистларининг тўртинчи пленумида қилган докладида Қўқонга дашноқлардан тузилган отряд юборилганини айтади. Улар савдогарлардан тортиб шаҳарнинг оддий косибларигача ҳаммасининг бор-будини тортиб олади, ўзларини отиб ўлдиради, мачит-мадрасаларни, Қуръони Каримни ёндириб юборадилар, ҳатто намоз ўқиётганларни ўққа тутадилар, хотин-халажларни зўрлайдилар, қози-уламоларни ҳибсга оладилар, деҳқонларнинг овқатидан тортиб уруғликларигача ҳаммасини тортиб оладилар. Шу туфайли «бутун омма совет тартибига қарши қўзғолон кўтарди», дейди Отабоев. Чўлпоннинг большевизмга, рус босқинчиликларига қарши исёни қонуний ва адолатли эди:

Кўлимда сўнги тош қолди,
Ёвимга отмоқ истайман.
Кўзимда сўнги ёш қолди,
Амалга етмоқ истайман.

Бу қахрамон, жасур шоирнинг рост сўзлари эди. Ҳаёт, воқелик шу қадар қайноқ, алғов-далғовли эдики, бу ҳолат Чўлпон шеърларида «денгиз», «тўлқин», «пўртана», «қиёмат» каби образларни туғдирди. «Қанот» образида эса эркисизлик ва озодлик учун интилиш туйғусини беради: «Менда қанот бор, лекин боғланган», «Чарчаган қанотим куч сизди» дейди. Шоирнинг «чечак», «кўклам», «бахор», «гул» образларида ҳам унинг олий орзу-армони — озодлик, мустақиллик туйғуси ётади. Маҳмудхўжа Бехбудий хотирасига ёзган шеърида «Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг мотам гули эканини билмайсан, шодлик гули

кўпдан бери сўлганин», дейди «Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди», деб орзу қилади. Шоирнинг «тилак юлдузи», «нажот юлдузи», «чиқадиган қуёш» иборалари остида ҳам унинг умиди ётади.

Чўлпоннинг қалби, орзу-армони шеъриятигагина эмас, балки бутун ижодига синггиб кетган эди. Ҳатто «Ҳамлет» ёки «Она» романи таржимасида ҳам Чўлпоннинг эрк, адолат, одамийлик ва ҳақиқатга бўлган чексиз ташналиги мавж уради. Зероки, бундай асарлар худди шундай руҳ билан Чўлпонни мафтун этган эди.

Чўлпон ўнлаб драмалар ёзди, кўплари ўз вақтида сахналаштирилди. Афсуски, уларнинг талайгинаси босилмаган эди, қўлёзмалари ҳам йўқ бўлиб кетган. «Бой», «Ҳалил фаранг», «Чўпон севгиси», «Чўрининг исёни», «Узун қулоқ бобо» каби сахна асарларини ёзган. «Ўртоқ Қаршибоев» пьесаси қўйилганда матбуотда қизгин мунозаралар бўлган. «Ёрқиной» пьесаси нашр этилган, 1992 йилда Чўлпоннинг «Замона хотини» (ўз вақтида «Муштумзўр» сарлавҳасида сахналаштирилган) асари топилиб нашр этилди. Чўлпон В. Яннинг «Хужум» пьесасини ўзбек тилига таржима қилиш ва қайта ишлаш, тўлдириш орқали ҳам ўзбек театри шуҳратини Москвада ёйилишига ўз улушини қўшди (1930 йилда Москвада ўзбекистонлик артистлар уни намойиш қилди ва ижобий баҳоладди). В. Ян ўз «Кундалиги»да «Хужум»ни биз Чўлпон билан бирга ёзганмиз», деб таъкидлаган. Асар тили ғоят жозибали, халқ кўшиқларига бой, ҳазил, мутойиба, аскиялар сингдирилган унга. 1921 йилда сахна юзини кўрган «Ёрқиной»ни танқидчилик найза билан кутиб олган ва ҳатто «бугундан бошлаб пролетариат сахнасидан кўтариб ташлансин», деб ҳукм қилинган эди матбуотда. Аслида эртак асосида ёзилган бу асарда зулм, адолатсизлик, эркисизлик, қонхўрлик қаттиқ танқид қилиниб, унга қарши фаол курашган одамлар улуғланган, адолатли, фозил тузум, адолатпарвар шоҳ, чин севги-садоқат идеали олға сурилган эди. Ёрқиной ва Пўлатлар адолат учун курашчилар тимсоли сифатида берилади. «Замона хотини» (1928) пьесасида аёллар эрки ва уларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироки масаласи кўтарилган бўлса-да, асар моҳиятида адолатли

тузум, ҳақиқатпарвар ва инсонпарвар жамият орзуси ётади. Бош қаҳрамони Раҳима хола тили орқали Чўлпон «Билингни, ҳукумат чироғи: сизнинг қўлингизда ўғирликка ишласа, менинг қўлимда тўғриликка ишлайди», деб ёзди. Қаҳрамонлардан бири «Қандай қилайлик шуларнинг қўлида қул эканмиз», бошқаси «илоҳим, ер ютсин бошқаси». Ҳаммани қон қақшатиб кетди. Бу ҳукумат ўзининг амалдорини ҳам ҳеч аямайди. Қанча катталарни ўзи отиб юборди» дейди. Кўриниб турибдики, Чўлпон ўша тузум, ўша тартибга жуда танқидий ёндашади, ўзи қаттиқ тазйиқда бўлса ҳам ҳақиқатни айтишдан қайтмайди.

Чўлпоннинг жамият, тузум қандай бўлиши керак, халқ қандай яшаши кераклиги ва зулм, зўравонлик, тенгсизлик, мустақиллик хусусидаги қарашлари унинг «Кеча ва кундуз» романида янада кенг, атрофлича ўртага ташланди. Биринчи жаҳон уруши пайтидаги Туркистон халқининг аҳволини, турмуш тарзини, чоризм мустамлакачилигининг мудҳиш оқибатларини, чор амалдорларининг маънавий бузуқлигини ва халқнинг зулмга, зўравонликка қарши исёни, маърифат, нурга интилишини акс эттирган бу роман Чўлпон талантининг яна бир ёрқин қиррасини намойиш қилади. Романда жадид Шарафиддин Хўжаев Мирёқубга чор амалдорларини назарда тутиб: «Биз буларни ёмон кўрамиз. Булар — бизнинг душманлар», «Бизнинг мамлакатимизга рус ҳукумати бир «мустамлака» деб қарайди, яъни мамлакатларнинг ўгайи сингари... Шу учун бу ерга яхши амалдорларни юбормайди», дейди. Чоризм вакили Нойиб тўра ҳам чоризмнинг инқироз сари юз тутганини ҳис қилади. У «буюк империя даҳшатли тўлқинлар ичида зулматга, белгисизликка, йўқликка қараб кетаётир», дейди. Мирёқуб империянинг нима эканлигини сўраганда, Тўра подшоҳнинг девордаги суратини, сўнгра ўзини ва елкасидаги погонини кўрсатади. Чўлпон романда шу империянинг ҳалокат сари йўл тутганига китобхонни ишонтиради: биринчи жаҳон урушида Россиянинг толиқиши, мустамлака ўлкаларда маҳаллий халқнинг чор зулмига қарши исёнлар кўтаришини кўрсатади. Тўра юзлаб одамларни қириб ташлайди, қамоққа олади, сургун қилади, қишлоқларни ер билан яқсон этади, оддий халқни

одам ўрнида кўрмай, бой-амалдорларга ён босиши, миллат манфаатини ўйламайдиган лаёқатсиз, қўғирчоқ одамларни (Акбарали каби) раҳбар қилиб тайинлаши, ахлоқий тубанлиги (Тўра ҳам бузуқ, хотини эса хизматкор Зуннун, кейин Мирёкуб билан ишрат қилади) ва ҳ.к. Ҳатто кундошлар можароси билан тасодифан заҳарланиб ҳаётдан кўз юмган Акбарали мингбоши ўлимини (унинг учинчи хотини Султонхон Зебини заҳарлаш учун тайёрлаган сувни тунда Зеби билмасдан эри Акбарали мингбошига ичириб қўяди) ҳам Зебини суд қилаётганда прокурор «Россия давлатига ва подшога садоқат билан танилган одамни» қасддан ўлдирган деб сиёсий тус берали ва Зебини ўлимга ҳукм қилинишини талаб қилади.

Романда Чўлпон ўлканинг мустақилликка эришиши гоёсини («Кичкина миллатлар мустақил бир ҳукумат қуриб» яшаётганини айтади), туркий халқларнинг бирлашишида «тилда, фикрда, ишда бирлик» керак дейди ва иқтисодий бирдамликка эришиш учун шахсий ташаббусга, ишбилармонликка кенг йўл очиб бериш, эркин савдони ривожлантириш лозимлиги тўғрисида фикр юритади. Бу фикр-армонларни жадид Шарафуддин Хўжаев образи орқали, Мирёкуб тақдири орқали олға суради. Илгари Акбарали мингбошининг суянчиғи, айтиш мумкин, ақли, тили-забони бўлган, ниҳоятда эпчил, ишбилармон, аммо ахлоқий бузуқ Мирёкуб жадид Шарафуддин Хўжаев билан суҳбатлашгач, жадилликни англайди. «кўзим очилди», дейди ва бундан кейинги ҳаётини жадидлар каби миллат манфаатига бағишлашини айтади. Ёзувчи Мирёкубни унинг виждони орқали тергов қилади. Мирёкуб барча қилмиш-қидирмишларининг сабабларини айтади. Шу тергов ва кундалик дафтари орқали Мирёкубнинг, Марямнинг руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатиб беради. Бундай ўринлар драмага ўхшаб кетади. Дарвоқе, романда кўрсатиш, ҳаракат, саҳнавийлик кучли. Ҳамма воқеа ва қаҳрамонларнинг ҳолати, хатти-ҳаракати, кураши бевосита кўз олдингизда намоён бўлади. Роман мустақил, аммо бир-бирини тақозо этиб турган саҳналардан ташкил топгандай. Бу саҳналар ўткир драматизм билан суғорилган. Роман заминда фожиавий-

лик ётади. Асар бошиданок, табиат ҳам, Зебилар ҳам эркинликка талпинишади. Ёзувчи Зебини тутқун — қафасдаги қушга ўхшатади. У бир оз озодликка чиққан қушдай қишлоқда озод нафас олади ва худди шу ерда тузоққа илинади — Акбарали мингбошига тўртинчи хотин бўлиб, кундошлар жанжалининг ўпқонига тушади. Бойнинг учала хотинининг тақдири ҳам фожиали, ўша тузум уларни ахлоқий майиб қилган. Зебининг суд қилиниши жараёни романнинг энг юксак нуқтасидир. Мустамлакачилар Зебини сиёсий жиноятчига чиқариб, Сибирга сургун қиладди. Зеби ўзининг айбисиз эканлигига қаттиқ ишонади, бу содда қиз суд қўйиб юборганда уйга қандай кетишини ўйлаб ўтиради. Хукми эшитгач, лол, карахт бўлиб қолади ва уларга бўлган бутун ишончини йўқотади. Отаси Раззоқ сўфи аёлларга паст назар билан қарар ва бойлар, амалдорлар, айниқса, пири эшонларнинг соясига салом берар эди. Зеби тақдирини эшитиб, эшонга ёрдам сўраб боради, у ашула айтиб, хурсанд ҳолда кутиб олади, далда бериш ўрнига уни сургун қилмаганликлари учун афсусланади. Шунда Раззоқ сўфининг кўзи очилади, унга қарши қўл кўтаради. Эшон уни дарра билан савалатиб, музлаган ҳовузга ташлатади. Кейинча сўфи барибир эшонни ўлдириб кетади. Зеби ҳажрида онаси ҳам жинни бўлиб қолади. Зебининг илк муҳаббати ҳам ғунчалигидаёқ ер билан яқсон бўлади. Ёзувчи фожиалар ўтмиш — «кеча» туфайлидир, демоқчи бўлади.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидан кейин ўзбек адабиётида яратилган етук романлардан бўлиб қолди. Чўлпон шеърятти, прозаси, драматургияси ва бемаҳаббат таржималари доим маҳорат мактаби бўлиб қолади.

ОЙБЕК

(1905— 1968)

Ойбек XX аср ўзбек адабиётининг йирик сўз санъаткорларидан бири. У ўзбек насрини янги тараққиёт босқичига олиб чиқиб, ўзбек адабиёти шухратининг жаҳон

бўйлаб ёйилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У айни пайтда бетакрор лирик шоир ҳамдир. Унинг йигирма жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»нинг икки жилди лирик шеърлар ва икки жилди дostonлардан иборатдир. Ойбек теран олим ҳам эди, мазкур куллийтнинг бир жилдини олимнинг Алишер Навоий ижодига бағишланган тадқиқоти ташкил этади. Ойбек моҳир таржимон сифатида ҳам тан олинган. У ҳар томонлама камол топган фозил, юксак маданиятли шахс, ҳақиқий зиёли эди.

Ойбек 1905 йил 16 январда Тошкентнинг эски шаҳарида тўқувчи оиласида туғилди. Ўз таржимаи ҳолида «Узоқ ёшликнинг ёрқин таассуротларидан бири ҳали-ҳали эсимда, — деб ёзади, ёп-ёруғ ойдin кечада уйимизнинг ясси томида онам билан турардим; тўлишган оппоқ ой осмон бўйлаб сузарди; у менга жуда ҳам гўзал кўринарди. Мен унга қўлларимни чўзиб интилар ва «Ойи, ойи, олиб беринг», — деб хархаша қилардим. Ўша дамларда мени қамраб олган ҳаяжонни ҳануз ҳис этаман». Эҳтимол, ана шу туйғу кейинча Ойбек таҳаллусини танлашига сабаб бўлгандир ва ижодида бир умр ойни, қуёшни, нурни меҳр-муҳаббат билан куйлаб ўтгандир. Мусо унинг асл исми бўлиб, Тошмуҳаммад отасининг исмидир. Мусо мусулмон мактабида дастлабки таълимини олди, шу ерда Алишер Навоий, Бедил, Ҳофиз, Сўфи Оллоёр каби шеърятнинг ёруғ юлдузларини таниди. Шу ерда Қуръони Карим, ҳадислардан хабардор бўлди, ғазалнинг нима эканини билди. Одат бўйича, мусулмон мактабларида диний илмларга эътибор берилиб, аниқ фанларга у қадар диққат қилинмас эди, 1917 йил октябрь воқеасидан кейин Мусо совет мактабининг иккинчи синфига кириб ўқишга мажбур бўлади. Бу вақтда у ўн тўрт ёшда эди. Ўткир зеҳни, тиришқоқ ва илмга чанқоқ Мусо синфдан-синфга муддатидан илғари ўтиб, мактабни тенгдошлари қатори тамомлади. Ўша мактабга биринчи қадам қўйганида глобусни илк бор кўриб ҳайрон қолган эди ва кейинча «Глобус» ҳикоясини ҳам ёзганди (1934). Мусо 1925 йилда педагогика техникумини битириб, Ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод бўлимига ўқишга кирди. 1927 йилда Санкт-Петербургдаги халқ хўжалиги институтида ҳам таҳ-

сил олди, қайтиб 1930 йилда Ўрта Осиё Давлат университетини тугатди. 1932 — 1935 йилларда иқтисод кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. Шу вақтга келганда Ойбекнинг олдида икки йўлдан қайси бирини танлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди — илм йўлидан кетсинми ёки бутунлай ўзини бадиий ижодга бағишласинми. Ахир бу пайтда «Туйғулар» (1926), «Кўнгил найлари» (1929), «Машъала» (1934) тўпламлари, «Дилбар — давр қизи» (1932), «Ўч» (1932), «Темирчи Жўра» (1934), «Бахтигул ва Соғиндиқ» (1933), «Ўрознинг бахти» (1938) каби достонлари босилиб чиққан, адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар томонидан тан олинган шоир бўлиб қолган эди (Ойбек мактабда вақтида шеър машқ қила бошлаган, «Ишчиларга» шеъри матбуотда босилган илк асари, «Мукаммал асарлар тўплами»га 1932 йилдан босилган асарлар киритилган). Ойбек бадиий ижод йўлини танлади. Илмий тадқиқотларни ҳам давом эттира бошлади. У Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходимлик ва нашриётларда муҳаррирлик, таржимонлик қилди. Ойбек Туркистоннинг машҳур жадидларидан, тараққийпарвар бойларидан бўлмиш Саидносирнинг фарзанди Зарифахонга уйланган эди (бу аёл кейинчалик машҳур кимёгар-профессор бўлиб етишади). Ойбекнинг илк тўпламлари «Туйғулар» ва «Кўнгил найлари»да мунгли руҳ кучли эди. Чунки у «босмачилик» — халқимизнинг зўравон большевизмга қарши олиб борган курашини, шу даврдаги халқнинг фожиали аҳволини ўз кўзи билан кўрган эди, устоз санъаткорлар — Чўлпон ва Фитратларнинг ижоди таъсирида Ойбек ҳам ўзининг норозилик кайфиятини ифодаловчи шеърлар ёзган.

Икки-уч йил кейин ёзган «Кеча туйғуси» шеърида Ойбек «Ҳар кун ҳар чоқ қайғулар кўнглимда, қандай қилиб руҳим қувнаб ўйнасин», деб ёзади. Мана шу икки нуқта, яъни Ойбекнинг мунгли шеърлари ва Саидносирнинг қизига уйланиши воқеаси қизил империя кўриқчилари учун Ойбекни қувғин қилишга сабаб бўлди. У анча муддат ишсиз қолди. Ачинарли томони шундаки, адабий танқидчилик ва адабиётшунослик фани Ойбекнинг илк ижодидаги шу реалистик кайфиятни ҳаёт ҳа-

қиқатидан, воқеликдан чекиниш, ҳаётни бузиб кўрса-тишга уриниш деб талқин қилди, бу нуқтаи назар то шу мустақиллик кунларигача ёзилган талқиқотларда такрорланиб келинди. Ойбек гоят иродали, чидамли, кечиримли шахс эди, бир дақиқа ҳам бадиий ва илмий изланишларни тўхтатмади: жаҳон адабиётидан зўр таржималар қилди. Алишер Навоий тўғрисида теран тадқиқотлар олиб бориб, олимлар орасида обрў-эътиборга сазовор бўлди, гўзал шеър, дoston ва «Кутлуғ қон» каби ажойиб романлар яратди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилганда Ойбек Фафур Фулом билан биргаликда Академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди. Ҳамид Олимжон мухбир аъзо бўлди. 1943 — 1951 йилларда шу Академияда ижтимоий фанлар бўлимини бошқарди. «Шарқ юлдузи» (1945 — 1949), «Ўзбек тили ва адабиёти» (1957 — 1968) журналларининг бош муҳаррири бўлиб ишлаб, адабиёт ва фанимиз ривожига катта ҳиссасини қўшди. СССР ва Ўзбекистон Олий Кенгашларига депутат этиб сайланди. Ўша даврнинг энг юксак орден ва медаллари билан тақдирланди, «Навоий» романи учун СССР Давлат мукофоти (1946), «Болалик» қиссаси учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1963) берилди ва адабиётимиз ривожига қўшган катта хизматлари эвазига «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак фахрий унвон билан тақдирланди. Ойбекка 50-йилларда ҳам жаҳолат ва сиёсат ҳужум қилиб, юрагига заҳарли найза санчиб кўрдилар. Душманлар унинг сўзлаш қобилиятини йўқотишга муяссар бўлдилар-у, ammo қуёшли қаламини синдира олмадилар. Халқ муҳаббатини қозонган ва унинг қалб кўридан муттасил равишда баҳра олиб турган Ойбек янги-янги романлар, қиссалар, дostonлар, шеърлар яратиб, Ҳақиқатни, Қуёшни этак билан тўсиб бўлмаслигини амалда исботлади. Шу маънода Ойбекнинг порлоқ ижоди ҳам, саботли йўли ҳам бир сабоқдир ва шундай бўлиши ҳам керак...

Ойбек тарихий қаҳрамон ва тарихий колорит тарихий романнинг бош белгиси эканлигини теран тушунарди. У тарихий романнавис энг аввало «тарихий даврнинг тўғри картинасини чизиши», «турмушнинг тарихий хусусияти»,

«характерли аломатини», «тарихий муҳитни» ҳаққоний, аниқ ишонарли чизиши керак ва шу йўл билан «тарихий манзарани тавмин этиши», «тарихий турмушни эслатиши», «тарихий сезгини» юқтириши мумкин деб билди. Ойбек «Навоий» романини ёзишга киришмасдан аввал, ўзи таъкидлаганидек, «Навоийнинг барча асарларини, Навоий яшаган даврнинг тарихи, даврнинг социал қиёфаси, у давр жамиятининг характери, урф-одати, хулқ-атворини пухта ўрганди ва бунга шунинг учун ҳам ишониниш керакки, агар «Навоий» романи 446 бетдан иборат бўлса, Навоий ҳақидаги тадқиқотлари 390 бетни ташкил қилади. Ойбек миллий колоритни яратувчи омиллар тўғрисида фикр юритар экан, эътиборни икки муҳим нуқтага қаратади. Бири шуки, миллий колоритни берувчи миллий тарихий деталлар (у тарихий ҳужжат бўладими, урф-одат ёки миллий кийим-кечак, шароит, муҳит белгиси бўладими, барибир) шунчаки «тарихий фон, манзара, кўрғазмали декоратив воситалар» бўлиб қолмасдан, «асарнинг ғоявий бадиий ўқиға» боғланиши унинг «драматик қисмининг, бадиий тўқимасининг узвий элементи»га айланиши лозим. «Тарихий воқеалар, тарихий шахслар романнинг асосий сюжетини ишғол» қилсин, «сюжетнинг тугунчак моментларини ташкил этсин, «ҳар бир эпизод, ҳар бир картина ва деталь сюжетнинг таркибий қисмига кириши лозим, у ҳар вақт тарихий ҳаракатга боғлансин, бўйсунсин». Акс ҳолда булар «ташқи жимжимадорлик»дан бошқа нарса бўлмай қолади. Ёзувчи «обстановка, уй ичи тавсифини шахснинг ҳолатига мувофиқ равишда ва тарихий ўтмиш даврни эслаттирарли сезгилар билан» бериши керак. Асардаги барча персонажлар «ўзларига муносиб тил ила сўзлаб, ўзларининг кимликларини равшан англата» олсинлар, тарихий романда «аввало даврнинг тили акс эттирилсин», тарихий тўғрилик нуқтаи назаридан ёзувчи «ўз даврининг услубини бериши» лозим, бунинг учун ҳар бир шахс «ўз мавқеи»га мос тарзда фикрласин, «ҳар бир табақа вакили ўз тили, ўз услуби билан сўзласин». Ойбек тарихий, миллий колоритни яратаман деб меъёрни бузиш ҳам, яъни миллий колорит деталларини керагидан ортиқча ишлатиш ҳам ёзувчи

ниятининг «равшанлигини хиралаштириб қўяди», деб огоҳлантириб қўяди.

Миллий тарихий колоритни яратувчи иккинчи, тўғрироғи, бош омил роман учун тасвир асоси қилиб олинган даврнинг бутун моҳиятини, манзарасини, руҳиятини, белгисини ўзида мужассамлаштирган қаҳрамонларни, характерларни, сюжетни, конфликтни бера билишдир. «Навоий романини қандай ёздим» мақоласида Ойбек романда «асосан у даврдаги социал ҳаётни, кучли интригаларни, мураккаб сиёсий воқеаларни акс эттиришга тиришдим», деб ёзади. Булардан аниқ билиниб турибдики, Ойбекнинг «Навоий» романидаги тарихий колоритни, миллий жозибани таъминловчи бош нуқталар романнинг мавзу-масалаларида, ғояларида ва буларни ўзида ташувчи характерлари, сюжетлари, конфликтларида ва ўша даврга мос миллий деталларда ётади. Ойбек Навоий тимсолида миллатнинг сиёсий, маънавий ва ахлоқий такомилени, ўз-ўзини англаш ва қадрлаш жараёнини акс эттиради. Навоийнинг инсонга бутун тирик мавжудотнинг тожи деб қараши ва баркамол инсон тўғрисидаги орзуармонини, адолатли шоҳ ва фозил, саодатли жамият хусусидаги ўй-тилаklarини унинг характерини ҳаракатлантирувчи куч сифатида талқин қилди. Зероки, Навоий ва унинг маслақдошларининг шу гуманистик интилишлари ўша давр миллий тарихининг энг ўткир зиддиятларини ҳаққоний кўрсатишга ёрдам беради. Ота-болалар, ака-укалар ўртасида тож-тахт учун кураш, саройдаги ўткир интригалар, иғволар, ҳийла-найранглар, ўз мухолифига заҳар беришлар, туҳмат қилишдан тоймаслик, қизларни тортиқ қилиш эвазига мартабалар олишлар, саройдаги кайфу сафолар, оқ манзаралари, сафардан қайтган шоҳни тантанали кутиб олиш маросимлари, шеърхонлик мажлислари, ҳар хил шарқона жазолар — зиндонлар, дорлар, жарималар, терисига сомон тиқишлар — булар миллий ҳаёт манзараларидир. Ойбек машҳур сайёҳ Клавихонинг Темур саройидаги «олтин дарахт» тўғрисидаги хотирасидан ёки Бобурнинг Ҳирот тўғрисидаги таърифларидан миллий колоритни тиниқ чизишда усталик билан фойдаланади. Адиб ўз «Қайдлар»ида «Ўрта аср ша-

ҳарларига хос унсурлардан бири гадой — бу йўқ менда», деб ёзиб қўяди ва кейин асарда гадойларни ҳам кўрсатади. Романнинг илк нусхаси биринчи бобининг дастлабки икки бўлими воқеа бўлаётган жойнинг миллий манзараси аниқ ва етарли бўлмаганлиги учун Ойбек уни бошқатдан ёзади. Беҳзодга бағишланган илмий мақола-мушоҳидасида «рассом қалами», «Беҳзод кисти» деган бўлса, романда ўша замон атамасини топиб «қалами мўй» деб беради. Ойбек ўша давр тушунчаларини ифодаловчи сўз ва атамаларни топади, уларни ҳам персонажлар нутқида ҳам ўзининг тасвирида — ҳикоячи тилида ишлатади. Масалан, Навоий амирликка кўтарилганда унга кийдирилган махсус тўн ва бош кийимнинг ўз номи бор бўлиб, Ойбек буни илмий мақоласида қайд қилади, романда, «жуббай тилладўзи ва кулоҳ наврўзи»ни Навоийга тақдим этишди», деб ёзади. Подшоҳ никоҳида бўлмаган сарой аёлларининг номи «ғунчачи», подшоҳ аёлига яқин аёлни «надима», дейилар экан, ёзувчи шу ном билан атайди. Ойбек ўша давр солиқларини тадқиқ этади ва романда шунга оид сўзларни ишлатади. Жанг билан боғлиқ атамаларни тўғри топган: жангда олдинги қисми «Ҳировул», қўшиннинг ўрта қисмини «Фулда», ўнг томонини «Жиронғир», сўл томонини «Биронғор» ва қўшин орқасида юриб бозор ташкил қилувчини «Урду бозор» дейилар экан. Жангда ноғора, карнай, сурнай доим иштирок этади. Ойбек мусиқий асбоблардан ғижжак, най, сурнай, уд, танбур, чанг, дафни ўша даврнинг асосий чолғу асбоблари тарзида кўрсатади. Ёзувчи мадрасаларнинг улуғвор кўринишини, гувала, тош аралаш пастак биноларни ёки юқори табақанинг зарбоф тўнлари, қўнғир мовут чакмонлари, хитойи шойидан тикилган қўйлақлари, гулдор этик ва маҳсиларини тасвирлайди — буларнинг ҳаммаси ўша замонни гавдалантиришга қўмақлашади. Айниқса, персонажлар тили уларнинг кимлигини — ижтимоий маъқеи, илмий-маданий даражаси, ёши, касби-кори, руҳий дунёсини ойнадек кўрсатиб туради.

Аммо шуни айтиш керакки, «Навоий» романида тарихий ҳақиқатни, давр руҳини, колоритини беришда роман ёзилган даврдаги сиёсий вазият, марксча-ленинча

таълим ниқобига беркинган ғайри илмий-сиёсий йўл-йўриқлар тақозоси билан, айна чоқда адабиётшунослик илмининг даражаси билан боғлиқ ҳолда юз берган қусурлар ҳам бор. Бири шуки, Ойбек илмий мақолаларида ҳам, романда ҳам Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини совуқроқ бўлган деб кўрсатишга, шоҳга нисбатан қора бўёқни меъёрдан ошириб ишлатишга ҳаракат қилган. Ойбек бир мақоласида ёзади: «Султон Ҳусайн билан Навоий орасидаги муносабатни деярли ҳамма муаллифлар идеаллаштириб келдилар... ҳақиқатда эса подшоҳ билан вазир орасидаги муносабатларда шундай моментлар бордирким, улар баъзан ҳалиги дўстлик боғичларини узишга қадар олиб борганлиги маълум... Султон Ҳусайн каби «айш-ишрат»га ботган подшоҳ шоирни бутун маъноси билан қадрлай олмасди... Ҳатто, Султон Ҳусайннинг дўстлиги зоҳирий, демак, самимий эмас эди, деган фикрга ҳам кела оламиз», маълумки, Султон Ҳусайн жуда узоқ ҳукмронлик қилди, мамлакатда нисбатан тинчликни барқарор қилди, фан-маданиятни ривожлантирди. Кўп хайрли ишлар қилди. Булар Навоий бошчилигидаги илғор кучлар иштирокида амалга ошди. Ўзбек тилининг (туркий тилининг) давлат тили даражасига кўтарилишида Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Реакцион кучлар — жаҳолат билан илғор кучлар ўртасида муросасиз кураш бир дақиқа ҳам тўхтамади, аммо илғор кучлар эл манфаати, миллат учун кўп яхши ишлар қилди.

ФАФУР ФУЛОМ

(1903— 1966)

Фафур Фулом XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёнчаси. У ўзбек шеърляти, бадий публицистикаси, фельетончилиги, ҳажвий ҳикоячилиги, юмористик қиссачилиги ва таржимачилиги ривожига катта ҳисса қўшган йирик сўз санъаткоридир. Фафур Фулом шеърлятда ўз мактабини яратганлардан бири. Фафур Фулом 1943 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. У «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлган

эди. Халқ унинг руҳини эъзозлаб нашриёт, университет, метро бекати, мактаб ва кўчаларга номини берди. Ўн жилдлик «Асарлар» (1972 — 1977) ва ўн икки жилдлик тўла асарлар тўплами (1984 — 1989) босилиб чиқди. Шоир асарлари бир неча ўнлаб ўзга тилларга таржима этилди, «Шум бола» қиссаси асосида фильмлар яратилди.

* * *

Фафур Фулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Қўрғонтеги маҳалласида деҳқон оиласида дунёга келди. Отаси Фулом Мирза Ориф ўғли ва онаси Тошбиби Юсуф қизи ўқимишли, зеҳнли, форс тилини билган, адабиётни севган меҳнаткаш одамлар эди. Отаси яна татар, озарбайжон, рус тилларини ҳам биларди. Туйғун ва ўткир зеҳнли Фафурнинг саводи жуда эрта чиқди, тўққиз ёшидан Навоий, Ҳофиз, Саъдий, Фузулий асарларини севиб мутолаа қила бошлади. Афсуски, отаси (1912) ва онасидан (1918) эрта жудо бўлди. Рўзғор тебратиш ва сингилларини боқиш ташвиши унинг олий мактабларда таълим олишига имкон бермади, фақат саккиз ойлик муаллимлар тайёрлаш курсини битирди (1918). Унинг энг кучли, шафқатсиз, талабчан ўқитувчиси ҳаёт ва вақтли матбуот бўлди. Мустақил ўқиш орқали замонасининг илғор, етук зиёлиси даражасига кўтарилди. Жуда ёшлигидан масъул ишларда ишлай бошлади: бир вақтнинг ўзида икки мактабга мудирлик қилди, шаҳар маорифи ходимлари комсомол кўмитасига котиб ва маориф уюшмаси раиси ўринбосари бўлиб ишлади (1924-1928). Етим болаларни интернатга йиғиб, улар ҳаётини яқиндан кузатган Фафур Фулом илк шеърларини шу етимларга бағишлади ва бу мавзудан бир умр узоқлашмади. Шу йиллари, ундан кейинги пайтларда «Камбағал деҳқон», «Шарқ ҳақиқати», «Муштум», «Ер юзи», «Қизил Ўзбекистон» каби газета-журналларда адабий ходим, бўлим мудир, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлаб, тез ва ҳар томонлама ўсди, етилди. «Халқ аҳволи — руҳиясини, талаб»ни теран англади, «газета мен ўқиган олий мактабларнинг бири ва биринчиси бўлди», дейди шоирнинг ўзи. Фафур Фулом 1943 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон

Фанлар академиясининг Адабиёт (Тил ва адабиёт) институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаб, адабиётшунослик илмид ҳам ибратли ишлар қилди.

* * *

Ғафур Ғуломда адабиётга бўлган иштиёқ ва муҳаббат эрта уйғонди. Улар оиласини кичик адабий муҳит деса бўларди. «Отам адабиёт билан жуда қизиқар экан, — дейди Ғафур Ғулом. — Уйимизга ўзбек шоирлари ва ҳаттотларидан Хислат, Шомурод котиб ва бошқалар келиб юрганини эс-эс биламан. Фарғона водийсидан келадиган шоирлар: Муқимий, Тошхўжа Асирий, Фурқат, Муҳйи ва бошқаларнинг бизникига кўп келганини айтадилар. Отам «Мирза» ва «Ғулом» тахаллуслари билан талай шеърлар ёзган. Лекин булар бир ерга тўпланиб, ё бўлмасам босилиб чиққан эмас. Сўнгги йилларда амаким (отамнинг кичик укаси) Мирза Абдулла Мирза Ориф ўғли «Мирза» тахаллусини ўзиники қилиб олиб, шеърлар ёзар эди. Унинг «Баёзи Мирза» деган китоби 1913 (1331 ҳижрий) йилда Тошкентда «Ғуломия» босмахонасида босилган.

Онам ҳам ўзбекча, тожикча адабиётни ўқиб, англаб оладиган зеҳли хотинлардан эди. Ўзи шеър ҳаваскори бўлганидан халқ оғзаки термалари вазнида унча-мунча шеърлар айтиб юрганини эслайман».

Буларнинг уйига Қозон, Оренбург, Боку, Боқчасаройда чиқадиган газета ва журналлар келиб турарди («Мулла Насриддин», «Ялт-юлт»). Отаси Абдулла Тўқай, Фотиҳ Амирхон, Ризоуддин бинни Фахриддин, Саид Азим Шервоний, Аббос Сихҳат, Алиакбар Собир Тоҳирзода каби ёзувчилар асарларини уйига сотиб олганди. Отаси ёрдамида форс-тожик, озарбайжон, татар ва рус тилларига қизиқди, кейинчалик араб тилини ҳам тушунишга эришди. Оила кутубхонасида Собир Тоҳирзоданинг «Хўп-хўпнома»сининг биринчи нашри бор эди. «Менинг бошланғич ижодимда юмор ва сатирага майлими кўпроқ эди. Демак, шу йилларда менинг ижодимга Собир Тоҳирзоданинг қисман таъсири бўлиши мумкин», — дейди Ғафур Ғулом. Унинг шоирлик истеъдодининг камол топишида Шарқ шеърий мактаби — Навоий, Бобур, Маш-

раб, Муқимий, Ҳофиз, Шайх Саъдий, Рудакий, Фирдавсий, Умар Ҳайём, Бедил кабиларнинг ижодлари катта таъсир кўрсатди. Кейинчалик Саъдийнинг «Гулистон» асарини, Рудакий, Фирдавсий, Бедил шеърларини, Навоийнинг Фоний тахаллуси билан ёзган форсий ғазалларини ўзбекчага таржима қилди. Рудакий ижодидаги кўтаринкилик, фалсафийлик Фафур Фулом руҳига яқин эди. Рудакийнинг «Кўзингнинг соққасидек айланиб турувчи жаҳон ҳамиша айланади, ҳамма вақт гардон эди» байтидаги образ яратиш йўли билан Фафур Фуломнинг «Кўзим қорачиғида кезмоқда бутун олам» мисрасидаги образлик ўртасида яқинлик бор. Фирдавсий ижоди эса ўзининг улкан мазмуни, улуғвор образлари билан Фафур Фуломни ўзига жалб этди. «Ўзбекистон» шеърида «Тарихинг ёзмоққа кичиклик қилур шоир Фирдавсийнинг катта достони», — деса, иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари хусусида сўзлаб «Минг «Шоҳнома» достонини қонлар билан битгулик», — деб ёзади. Тўрт минг йиллик узоқ тарихни (50 подшоҳлик тарихи) қамраб олган, юзлаб образни тасвирлаган ва 60 минг байтдан иборат бўлган ҳамда 30 йил давомида ёзилган «Шоҳнома» достонини муқоясага тортиши жуда ўринли эди. Фафур Фулом мумтоз адабиётимизнинг муҳим тасвир усулларида бўлмиш бу талмеҳга — достонлар, қаҳрамонлар, афсонавий образлардан фойдаланиб образ яратиш усулига кўп мурожаат этади. Бир шеърида «Рустамдек бу элнинг ўз паҳлавони», «Ўтдан Сиёвушдай кўркмай ҳатлаган» одамлари бор, деб яна «Шоҳнома»га мурожаат қилади. Фафур Фуломда ўзи олға сураётган гоъни қувватлаш нуқтаи назаридан мумтоз асарларидан иқтибос — кўчирма олиш хусусияти бор. Масалан, «Етар май, рубойи ва анекдот» шеърида Умар Ҳайёмнинг май ҳақидаги рубойисини «ёрдамга чақиради».

Фафур Фулом ғазал жанрининг моҳир устаси Ҳофизнинг теран, исёнкор, ижтимоий кучли, ҳис-ҳаяжонга тўла лирикасига мафтун бўлади. «Анор» шеърида «Кошкийди халқим учун Ҳофиз ғазалларидек тинч-омонлик ва замонининг лирикасин ёзолсам», деб орзу қилади. Унинг Ҳофиз, Бедил, Навоий ва бошқа Шарқ мумтозларидан

ўрганган энг муҳим хислатларидан бири шеърнинг ҳар мисра ва байтига катта мазмун, маъно юклашидир. Шоирнинг «тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона», «Йиғламоқ қайғуни юмшатар, балли, Кўз ёши мотамга берар тасалли», «Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун, Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз», «Ҳар лаҳза замонлар умридек узун, Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал» каби юзлаб мисралари чуқур мустақил маънога эгаллиги ва айни чоғда ўша шеърларнинг жисмига қон томирдай узвий боғланиб кетиши билан қимматлидир. У ҳар бир мисрага мустақил ҳаёт бахш этиш санъатини эгаллашда, фалсафий ва фикрий теранликка эришишда, ҳайратомуз ва ҳаётий образлар яратишда Бедилдан кўп ўрганди. «Сарҳисоб» шеърида «Навоий байтидек тўлқинли ёшлик, Бедилнинг шеъридай фалсафий умр» дейди. У ёзади: «Мирзо Абдулқодир Бедилнинг кўп байтлари ўз фалсафий мазмуни билан жуда катта бир бадий асар бўларли маънони қамраб олади».

Бедилнинг «Шўх юзлари терлаганда ярақлаб, гўё юзлаб юлдуз чиқар чарақлаб», «Соқийларнинг шодлик эди сузгани», «Дил тутуни чилвир соядек буралди», «Ноз ўти яшиндек ярақлаб кетди» каби мисраларидаги ғоят кучли муболаға — ифроклар, айниқса, мавҳум тушунчаларни ҳаётда мавжуд нарсалар орқали кўз билан кўрадиган, қўл билан ушлайдиган даражада аниқ, чиройли тасвирлаб бериш санъатини ҳам Ғафур Ғулом эгаллаганди. Унинг «Шодлик» кўшини босди саодат кўчасини», «Қалбимнинг чўққисига умид байроғин тикиб» каби мисралари бунга мисолдир. У Бобур лирикасидаги ҳаётийлик, соддалик, латифликни, Машрабдаги исёнкор, оташин, жўшқин шеърларни ёқтирар эди. У Муқимий, Фурқат ҳақида мақолалар ёзди, улардан баҳраманд бўлди. Навоий тўғрисида тадқиқотлар ёзишдан ташқари, «Фарҳод ва Ширин» достонининг ҳозирги замон тилидаги насрий баёнини яратди. Навоий асарларидаги қомусий мазмун, мавзу кенглиги, инсон қалб дунёсининг теран ифодаланиши, улкан ижтимоий-сиёсий масалалар, уларнинг бадий талқини кўплаб ўзбек шоирлари қатори Ғафур Ғулом учун ҳам зўр мактаб бўлди.

Фафур Фулом Навоийнинг «Тун ила тонг» радифли газалига мухаммас боғлаб, шу номдаги асарини яратди. Шоир Ҳирот сафаридан қайтгач (1964), шу мухаммаси, кейин «Хоки Мусалло», «Тахти сафар» мақолаларини ёзди. Унинг ижодида тонг образи марказий ўринда туради, уни ҳар доим тун образи билан биргаликда талқин қилади («Кимсаной тўғрисида беш қўшиқ» асарида «Йиғламагин Кимсаной, тез орада тонг отар» мисраси, «Сен етим эмассан» да «Тонг яқин, тонг яқин, оппоқ тонг яқин», «Гилям» шеърида «Оқшомни ким яхши кўради, дўстлар, тонг отар чоққача кўзим толиқур» мисраларини эслайлик). Шунинг учун Навоийнинг шу руҳдаги газали унга илҳом беради. Навоий газалида инсон кайф-сафо билан қанчалик банд бўлмасин — гафлатда ётмасин, у тонгга етиш учун интилиши, курашиши керак, деган ғоя ҳам мавжуд:

Бировки, тонгу тунун бода бирла ўткаргай,
Яқинки бўлмагай онинг малолу тун ила тонг.

Фафур Фулом ўз асарларида одам ўз тақдири, бахтини ўз меҳнати ва кураши орқали яратади, деган фикрни ўтказди («Меҳнатсиз умрнинг тонги отмагай»). Бу мухаммасида ҳам у «Жаҳон ишини этак силкимак-ла биткорган», «Қоронғи кеча юриб субҳидам томон борган» одамгина ўз мақсадига етади, дейди.

Фольклор эса, Фафур Фулом ҳаётида жуда катта аҳамиятга молик бўлган буюк мактаб эди. У халқ ижодининг ғоявий-эстетик анъаналаридан жуда кенг кўламда ва чуқур ижодий ўрганган сўз устасидир. У халқ ҳаёти ва орзу-тилакларини, халқнинг руҳий олами, психологияси, характери, маънавияти, эстетик диди ва бадий тафаккури, бой тилини фольклордан уқиб олди. Насриддин Афанди фазилатларининг кўпгинаси унинг шахсиятига сингиб ҳам кетган, ҳатто «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» шеърида «Фафур деган бир Насриддин китоби» ҳам дейди. 1939 йил март ойида Ўзбекистон шўро ёзувчиларининг II съездида Фафур Фулом халқ ижоди тўғрисида катта маъруза қилади ва у «Фольклордан ўрганайлик» сарлавҳаси билан босилиб чиқади.

Фафур Фуломда халқ ижоди таъсирининг ниҳоятда хилма-хил кўринишларини топиш мумкин: унда фольклор асарларини қайта ишлаш («Афанди ўлмайдиган бўлди»), фольклорга ўхшатма — стилизация усули («Ҳасан Кайфий»), фольклор мотиви, образлар хусусияти, баён усули («Тирилган мурда»), характер моҳияти ва типиклаштириш принциплари («Шум бола, Мамажон образлари), сюжет схемаси, фабуласи («Шум бола»даги саргузашт сюжет тури), композицияси («Ёдгор»даги қолипаш усули), жанри (латифа, дostonчилик, қизиқчилик) сатира ва юмордан ижодий ўрганишнинг ажойиб намуналари бор. Ўнлаб фельетонларини Насриддин Афанди латифалари сюжети, шакли асосига қуради ва шу йўл билан уларни ҳатто сатирик ҳикоя даражасига кўтариб юборади («Хотинга олиб берилмаган кавш», «Оёқ олишишга қарайди», «Шудгорда қуйруқ...»). Халқ ижоди Фафур Фулом насри ва шеъриятида ҳазил мутойиба, қаҳрамонлик, ҳаётбахшлик, донишмандлик руҳини кучайтирган.

Адиб биринчи жаҳон уруши кулфатини, чоризмнинг шафқатсиз зулмини «Шум бола»да ҳам кўрсатади. Асар бошида ўша пайтда Тошкентда саноғига етиб бўлмайдиган жиннилар пайдо бўлганини тасвирлайди. Бундай тасвир кейин чизиладиган турфа ҳаётнинг элчиси, дебочаси эди. Кейин Шум бола саргузашти баҳонасида ўша фожиавий ҳаётдаги инсон ҳолатини, унинг ахлоқий-маънавий дунёсини, одамийлиги ва меҳр-шафқатини, ҳайвоний қиёфасини ҳаққоний кўрсатади.

«Шум бола» автобиографик асар эмас. Повестда реал, тарихий аниқ фактлар, воқеалар, тарихий шахсларга нисбатан бадиий тўқима, фантазиянинг салмоғи ортиқ, «Шум бола» на Л. Толстойнинг «Болалик», «Ўсмирлик», на М. Горькийнинг «Болалик», «Одамлар орасида» асарларига ўхшайди. Чунки бадиий-автобиографик асарда воқеанинг йўналиши, сюжет чизиғи, конфликт, персонажлар сони ва асар сюжетида ўйнайдиган роли шу асарга асос бўлган шахснинг ҳаёт йўли қандай бўлса, шундай, қанча мураккаб, бой ва қизғин бўлса, автобиографик асар ҳам шунча қизиқарли бўлади.

«Шум бола»даги қаҳрамонларга хос «эркин», «ташқи» автобиографик белгилар уларни ўз орқасидан эргаштириб кетмайди: воқеа мантиқи характерлар мантиқига кўра туғилади ва ривожланади, қаҳрамонларнинг ҳаракатлари, асар сюжети, конфликти ҳаёт ҳақиқатига мос. «Шум бола»да бадиий-автобиографик асарларга хос фазилатлар ҳам талайгина. Шум бола, унинг ўртоқлари тарихий шахслар, улар туғилган макон — кўча, маҳалла аниқ. Шум болага Ғафур Ғулом характерининг кўпгина хислатлари сингиб кетган. Асарда ҳаётнинг ранг-баранг, мураккаб томонлари, тарих ҳаракати, халқ тақдири кўрсатилган. Бироқ булар қаҳрамоннинг дунёқараши, тушунчаси, кечинмаси нуқтаи назаридан ёритилган. «Шум болада ҳам воқелик шум болалар тақдири, нуқтаи назари орқали тасвирланади. Шум болалар ҳаёт ҳодисаларини ўз ёши, онги, дунёқараши, ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб тушунади, баҳолайди. Китобхон эса, ҳаётнинг улар кўзгусидаги инъикосига қараб туриб, ўзича хулосалар чиқаради, ёзувчи ниятини туяди...

«Шум бола»да Султон ўғри, ўлик ювиш воқеасида қатнашган домулла, Шум бола томонидан сўйиб қўйилган эшакнинг эгаси, Шум бола хизматида бўлган эшон ва унинг хотинлари, Сарибой оиласи каби персонажлар йўл-йўлакай пайдо бўлиб, воқеалар тизмасидан тушиб қолади. Бу хислати билан «Шум бола» бадиий-автобиографик асарларга яқин туради. Бироқ автобиографик асарлардаги йўл-йўлакай асарга кирувчи эпизодлар ва образлар характери бир-биридан фарқ қилади. «Шум бола»га янги-янги воқеалар ва қаҳрамонларнинг кириб келиши, бир томондан, характерлар мантиқига боғлиқ. Характер мантиқи эса кетма-кет кулгили вазиятларни келтириб чиқаради.

«Шум бола» — юмористик асар. Ёзувчи асар бошидаёқ юмористик руҳ яратади, туйғу, кечинмалар таҳлилига берилмайди. Бутун диққатини характерлар мантиқи билан туғилган комик вазиятни, комик воқеа ва деталларни тасвирлашга қаратади. Бора-бора юмор сатирага ўтади. Асарда сатирик руҳ кучли, бу ёзувчининг шартлилик принципига кенг мурожаат этишининг натижаси ҳамдир. Шу

шартлилик усули мантиқан асосланган ва у ҳаёт ҳақиқати-ни очиш, характер яратиш учун хизмат қилган.

Ғафур Ғуломнинг инсонийликни улуғловчи асарларидан яна бири «Ёдгор» повестидир. Ёзувчи ўша пайтдаёқ муҳаббат эрки масаласини кўтариб чиқиб, қолоқ психология, жаҳолат инсон бошига оғир кулфатлар олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Эртакнамо йўсинда ёзилган бу асар замирида ғамгин ҳикоя, фожиали тақдир бор. Ғафур Ғулом жаҳон адабиётида ҳозирги вақтларда кенг қўлланилган тасвир усулини ўша вақтдаёқ ишга солганди: содир бўлган бирор воқеага одамларнинг муносабатини кўрсатиш, уларни синов чиғириғидан ўтказиш орқали уларнинг кимлигини, руҳий оламини, маънавиётини очиб бериш усули бу.

Ғафур Ғулом «Нетай», «Ёдгор», «Шум бола», «Кимсаноӣ тўғрисида беш қўшиқ» асарларида ҳам бу мавзуга қўл урган эди. Шунинг учун иккинчи жаҳон уруши бошида минглаб ота-онасиз болалар Ўзбекистонга келтирилганда Ғафур Ғулом тезда «Сен етим эмассан»дек юксак шеърини яратди.

Улуғ шоирнинг «Кузатиш», «Соғиниш» ва улар билан мазмун-руҳий жиҳатдан туташ бўлмиш «Ғолиблар байрами» шеърисида ўзининг оталик туйғулари, қалбидаги таҳлика ва изтиробларни жуда табиий, таъсирли ифодалайди. Биринчи шеърда шоир «Тарих талаб қилган улуғ қирон йил» деб уруш даҳшатини чуқур ҳис қилади, аммо душманнинг албатта тор-мор бўлишига ишонади («Ўлур Гитлер фашизм, ўлур даҳшат — тун»). «Соғиниш»да ҳам ғалабага ишонч туйғуси ифодаланади («Иблиснинг ғарази бўлган бу уруш, албатта, етади унинг бошига»), аини чоқда унда бутун эътиборини жангнинг беомонлиги туфайли қалбида туғилган оталик хавотирларини беришга қаратади. Ғафур Ғулом шеърларининг мазмуни ва руҳида, шоирнинг бадиий тафаккурида ўзбекларга хос миллий жозоба равшан намоён бўлиб туради. «Соғиниш» шеърисида ҳам шу соғинч туйғусини ва ота қалбидаги таҳликани, руҳий изтиробларни миллий турмуш тафсилотлари ва миллий тушунчалар, тасаввурлар орқали беради: «Кутаман узоқдан кўринса бир от», «Кечқурун ош сузсак, бир насиба

кам» каби фикр-туйғулар ўзбек халқи хусусияти, руҳиятига хосдир. «Ғолиблар байрами» шеъри 1945 йил 8 май, яъни ғалаба куни битилган, шунинг учун унда шодиёна руҳ ҳоким. Бироқ бу ғалаба катта қурбонлар эвазига қўлга киритилди. Шоирнинг «Кузатиш», «Соғиниш» шеърларида тасвирланган фарзанди жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Ғалаба куни шоир бошқа оталар каби хурсанд, айни чоғда юрагида айрилиқ дарди, яраси бор. Бу ҳолатни мумтоз адабиётимиздаги анъанавий образ — «лола» ёрдамида шоир жуда чиройли тасвирлаб беради:

Кўнгиллар агарчи лоладек хандон,
Мусибат тамғаси қалб устига доғ.

Шодиёнадан қалб лоладек очилиб, хандон кулиб турибди, аммо қалбда лоланинг ўртасидаги қора доғдай дард ётибди.

Ғафур Ғулом урушдан кейин «Вақт», «Йигитларга», «Сиёҳдон», «Алишер», «Ёз», «Шараф қўлёмаси», «Пол Робсонга», «Фарғона учун», «Сен саломат бўлсанг бас», «Анор», «Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим», «Кулол ва заргар» «Алишер Навоий қабри устида», «Тун билан тонг» каби бир неча ўнлаб етук шеърлар яратдики, булар айрим танқидчиларнинг Ғафур Ғулом урушдан кейин етук шеърларни кам ёзди, деган даъволарининг асоссиз эканлигини кўрсатади. Буларда Ғафур Ғулом теран файласуф шоир сифатида намоён бўлади. Биргина «Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим» шеърини олайлик. Шу шеър Москвада газета ва тўпламларда босилгач, оғизга тушди, шоир ҳатто чет эллардан мактублар олди. Шеърда шоир ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очиқкўнгиллиги, сахийлигини жуда жозибали акс эттириб берган.

Ғафур Ғулом бетакрор шеърини ва «Шум бола» асари мисолида ўзига хос мактаб яратди, кўплаб қаламкашларни орқасидан эргаширди, устоз санъаткор, деб тан олинди. Ойбек 1935 йилдаёқ Ғафур Ғулом тўғрисида сўзлаб: «Ғафурнинг шеър ва дostonлари аксар вақт жанговар ҳам курашчан руҳни ифода этади, буюк инқилобий даврнинг фикр ва туйғулари, мотивлари, жўшқинлигини куйлай-

ди. Фикр, сезгиларни, воқеаларни аниқ, яққол, қиррали, қабариқ ва янги образларга беришга интилади», деб ёзган эди. А. Фадеев ҳам «Ўзбек халқининг ғурури» (1945) мақоласида «Шоир ва академик Фафур Фулом совет поэзиясининг энг ўзига хос ва мислсиз ҳодисаларидан биридир... Унинг шеърлари ҳамиша фикр ва теран туйғулар билан суғорилган», деб юксак баҳо берган эди. Л. Бать эса, «Шум бола» тўғрисида сўзлаб, «Моҳият жиҳатидан чуқур миллий руҳдаги бу асар Марк Твеннинг «Том Сойернинг саргузаштлари», Диккенснинг баъзи романларига яқиндир», деган эди.

Фафур Фулом чиндан ҳам XX аср ўзбек шеърляти ва насрининг йирик, бетакрор вакилидир. У ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган сўз санъаткоридир.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР (1907— 1968)

Абдулла Қаҳҳор ҳозирги замон ўзбек насрининг пешқадам ёзувчиларидан бири. У ўзбек реалистик ҳикоячилигини дунё миқёсига олиб чиққан нодир талант эгасидир. Ёзувчи Леонид Ленч А. Қаҳҳорнинг «Тўйда аза» ҳикояси хусусида тўхталиб, «одамнинг ўлими ҳақида кулгили қилиб ёзиш жуда қийин иш. Бу фақат Чеховнинг қўлидан келарди. Фақат французлар бунинг уддасидан чиқарди. Ҳозир буни бизда эплайдиган ёзувчи камдан-кам. Буни қарангки, Абдулла Қаҳҳор шундай қийин ишни бемалол бажарибди», дейди. А. Қаҳҳор ҳаққоний, ҳаётий, кенг қамровли, содда, психологик таҳлили чуқур ва миллий характерни аниқ, жозибали қилиб тасвирлаб берувчи, ниҳоятда ихчам ва гўзал ҳикоялари билан ўзбек ҳикоячилигида етакчи ўринни эгаллади ва устоз даражасига кўтарилди.

Абдулла Қаҳҳор 1907 йилда Кўқонда Кўмирбозор маҳалласида туғилди. Отаси темирчи бўлган, шунинг учун бир жойда муқим яшашмаган — тирикчилик деб қишлоқма-қишлоқ кўчиб юришган. Абдулла эндигина бирор

қишлоқдаги муҳитга ўрганиб, ўтроқ топай деганда тирикчилик ўтмай ёки бой, амалдорлар сиғирмасдан бошқа қишлоққа кўчишга мажбур бўлишган. Чунки отаси ғурурли, тўғри сўз, бир сўзли одам эди. Бунинг устига Абдулла беш ёшга кирганда онаси вафот этади. Онасининг ўлимидан сўнг у индамас, одамови бўлиб қолган эди. Дастлаб маҳалласидаги отинойда ўқиди, аммо кўпроқ китобга ишқибоз, ўткир зеҳли отасидан илм ўрганadi («Баҳори дониш», «Бобо Равшан» каби китобларни ўқиб беради). Октябрь тўнтаришидан кейин жадид мактабида ўқийди. Абдулла Авлоний, Тавалло асарлари билан танишади. «Истиқбол», «Коммуна мактаби», «Намуна» билим юртида таълим олади. «Адиб» деган адабий деворий газета чиқариб, унда ўз машқлари билан қатнашади, мукофотлар олади. Шу билим юртида Чўлпон, Рафиқ Мўмин, Ҳамзаларни кўради, тинглайди. У ерни битирмай шаҳар комсомол кўмитасига ишга киради (1924). Шу йили ой тугилади, унга бағишлаб шеър ёзади, у «Норин шилпиқ» имзоси билан «Муштум»да босилади. У 1925 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасига ишга чақирилади. Бу йиллари ёзган фельетон, ҳикоя, мақолалари ўзи ёзганидек «деярли ҳаммаси диний урф-одатларга, дин аҳлига, динга қарши қаратилган асарлар эди». Уларга «Норин шилпиқ», «Мавлон куфур», «Гулўёр», «Эркабой» имзоларини кўяр эди. Шунини эслатиб ўтиш керакки, Октябрь тўнтаришидан кейин мамлакатда диний жаҳолатга қарши кураш ҳаракати бориб-бориб умуман динга ва динга эътиқод кўйган одамларга қарши курашга айланиб кетди, шу туфайли 1917 йилгача диний шеърлар ёзган Ҳамзадан тортиб дийдорли барча ёзувчилар дин ва дин ҳомийларини қораловчи асарлар ёзишди. Фақат қайта қуриш даврида, айниқса, республикамиз мустақилликка эришган пайтдан бошлаб диний эътиқодга, умуман динларга кенг йўл очилди.

Абдулла Қаҳҳор Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг ишчилар факультетида ўқиди, у ерда «бўйи барабар китоб ёзган Толстой», «русларнинг буюк шоири Пушкин» номини эшитди. Кейинча Чехов, Гоголь, Тургенев, Достоевскийларни таниди, айниқса, Чеховдан ҳикоячилик,

проза «сири»ни ўрганди: қаҳрамонларни жонли одамдек гавдалантириш, фикр-ғоя, мақсад-идеални персонажлар тақдири, воқеага сингдириш маҳоратини, содда ва ихчам ёзишни ўрганди. Ўқишни битиргач, Кўқонга келиб қишлоқ ўқитувчиларини қайта тайёрлаш курсида дарс берди, кейин «Янги Фарғона» газетасида котиблик қилди ва «Чиғириқ» ҳажвий бўлимини бошқарди. «Ниш» тахаллуси билан танқидий мақолалар эълон қилиб борди. Сўнгра Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг педагогика факультетини битирди, Тил ва адабиёт илмий текшириш институтида аспирантурада ўқиди. Бу йиллари республикада миллий мустақиллик учун курашга отланган зиёлиларни (жумладан А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларни) миллатчиликда айблаш ҳаракати авж олган эди. А. Қаҳҳор каби ёшлар ҳам «миллатчи», «синфий душман», «халқ душмани» деган тухматларга ишонишиб, уларга қарши олиб борилаётган курашни ёқлашар, ҳатто кўмак беришар эди. А. Қаҳҳорнинг ўзи ёзган эди: «Тақдир мени шу душман синф вакиллари бўлган эски ва «янги» зиёлилар, ўзини миллат ҳомийси, миллатчи, деб атаган бир гуруҳ ватан хоинлари билан учраштирди. Булар билан учрашиш мен учун, бир жиҳатдан, оғир кўргулик бўлса, иккинчи жиҳатдан катта мактаб бўлди... Мен адабиётнинг кураш қуроли бўлишига ҳеч қачон бунчалик зарурат ҳис қилмаган эдим. Чўлпоннинг кўп шеърлари ёшларнинг бағрига отилган заҳарли ўқ бўлганини ҳам ўшанда англаганман. Мана шунинг натижаси бўлиб «Сароб» романи майдонга келди».

«Сароб» романи маҳорат жиҳатидан юксак санъат асарининг намунаси бўлса-да ва жуда қизиқиш билан ўқилса-да, халқимизнинг совет ҳукумати йилларида босиб ўтган йўлига, айниқса, босмачилик, миллатчилик деган гапларга янгича қараш юз берган ҳозирги мустақиллик даврида бу романда ёзувчи тутган йўл, у олға сурган фикр-ғоя нотўғри бўлиб чиқди. Асарда бирор персонаж йўқки, у миллатчи деган гуруҳга ёки уларга қарши турган тоифага алоқадор бўлмасин. Барибир роман ўша давр ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда, ўша вақтдаги ижтимоий фикрни ва ҳукумат сиёсатини акс эттиришда кўмак бе-

ради. Ахир, «Сароб» ўша пайтда жумхурият энг яхши асарлар учун эълон қилган конкурсда ғолиб чиққан. Адабий танқидчиларнинг баъзилари уни танқид қилган бўлса-да, лекин кўпчилиги, кенг жамоатчилик уни яхши кутиб олди. А. Қаҳҳорнинг «Бемор», «Анор», «Ўғри», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор», «Жонфигон» ва Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврда ёзган «Қобил бобо», «Даҳшат» каби ажойиб ҳикоялари, «Кўшчинор чироқлари» романи, «Синчалак» ва «Ўтмишдан эртақлар» каби қиссалари майдонга келди. «Ўтмишдан эртақлар» Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. «Янги ер» («Шоҳи сўзана») комедиясига Иттифоқ Давлат мукофоти берилди. У Москва, Санкт-Петербург, Хитойда, умуман 73 та театрда қўйилди. Кейин «Тобутдан товуш», «Оғриқ тишлар», «Аяжонларим» комедияларини ёзди. Булардан «Тобутдан товуш» жамиятимиздаги порахўрлик иллатини шафқатсиз йўсинда фош этгани учун ҳукумат томонидан тазйиққа олинди, йигирма йилча саҳнадан олиб ташланди.

А. Қаҳҳор ҳикоя ва қиссаларини ҳаққоний, ҳаётий ва ишонарли қилган муҳим бир омил бор: у ғоят кузатувчан, сезгир, сермулоҳаза ижодкор. Деярли барча асарларининг асосида ҳаётда ўзи бевосита кўрган-кузатган, яхши билган воқеалар, одамлар туради. Ёзувчи учун булар хом масаллиқ бўлиб хизмат қилган. Уларни ўз тилаги, орзу-армони, идеалидан келиб чиқиб, обдан қайта ишлайди, бутун қалбини, туйғусини уларга сингдиради. Ёзувчининг ўзи бундай дейди:

«Агар ёзувчининг мақсади турмушда кўрган нарсаларининг ўзинигина ёзишдан иборат бўлганида, дунёда бундан осон иш бўлмасди. Ҳаётдан тўғридан-тўғри кўчириб ёзиш китобдан китобга кўчириб ёзишдай яхши натижа бермай, айна пайтда фақатгина нусхагина бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналликни кутиб бўлмайди. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини кўнгил призмасидан ўтказиш, уни ҳис қилиш, унга ўйлаб юрган гапларининг сингдириш, тилак ва идеалларнинг қўшиб ифодалаш билан юзага келади. Бадий ҳақиқатни туғдирадиган маҳалла комиссиясининг «бунга ишонинглар»

деган мазмундаги справкасига ҳожат қолмайдиган факт ва уйдирмаларини топиш мушкуллиги ҳам худди ана шундадир».

А. Қаҳҳор реализмига ҳаётбахш қудрат берган манба қаерда? Унинг бадииятини мафтункор қилган куч-сеҳр нимада? Булар ёзувчининг шахсиятига, фуқаролик сиймосига бориб тақалади. У ростгўй, ҳақиқатгўй ёзувчи эди. Ундаги ҳақиқатгўйлик, жасорат ва фаол курашчанлик фазилати унинг қаҳрамонларининг ҳам қон-қонига сингиб кетди, уларнинг бош фазилатига айланди. Бу борада А. Қаҳҳорнинг ўзи бундай дейди:

«Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли зеҳнига боғлиқдир, санъат асарида яхшини яхши деб одамларга ибрат қилиш, ёмонни ёмон деб одамларни ундан жиркантириш учун шижоат керак бўлса, шижоат ҳалолликни талаб қилади. Шунингдек, шижоатсиз ҳалолликнинг ўзи ўлик сармоядир. Улуғ Навоий ҳақ-ҳаққониятга келганда, вазирлик либосини ечиб ташлаб, «қора халқ» кучоғига интилган. Фурқат ёлғончилик уяси бўлмиш бойларнинг юзига «туф» деб шеър ёзган. Чехов ва Короленко ҳаққониятсизликка қарши норозилик юзасидан академик унвонидан воз кечган эди-ку. Короленко ўзи маҳбус бўлгани ҳолда, чор ҳукуматининг бутун бир халққа зулм ўтказгани тўғрисида баланд товуш билан қичқирган, М. Шолохов ноҳақ халқ душмани номи тақилган кишиларни ҳимоя қилган эди-ку. Буларнинг ҳаммаси мазкур ёзувчиларнинг гражданлик шижоати талант кучидан кам бўлганини кўрсатмайдими?».

А. Қаҳҳор уч нарсани: ҳалоллик, шижоат-жасорат ва талантни бадиий ижоднинг устуни деб билади. Шунинг учун меҳригиёси йўқ асарларни, ловуллаб ёнмай бир умр тутаб ўтган ёзувчиларни мутлақо тан олмаган, улар юзига тўппа-тўғри «Бошқа иш қилинг» деб айтган.

А. Қаҳҳорнинг ўзида шу уч фазилат тўла мужассамлашган эди. Унинг асарларида ўзбек халқининг ўтмишдаги оғир турмуши, совет давридаги ҳаёти акс этган. У

ўтмиш ҳақидаги «Ўғри», «Томошабоғ», «Бемор», «Анор» каби ҳикояларини ҳам-ғуссага тўла» асарлар, дейди. Чиндан ҳам у трагедия, яъни фожиавийликни теран бадиий таҳлил қилган ёзувчидир. Мазкур ҳикоялардаги Туробжон, Қобил бобо, Сотиболди ёки «Даҳшат» ҳикоясидаги Унсин образлари ёзувчининг ўша меҳнаткаш инсонга ёв тузум устидан чиқарган ҳукмидир. Ёзувчининг «Ўтмишдан эртақлар» повестининг пардасини, руҳини ҳам фожиавийлик белгилайди. Зулм, адолатсизликни ва инсон бардошини ҳаққоний акс эттиради, «Синчалак»да ҳам, «Янги ер», «Тобутдан товуш»да ҳам инсоннинг қадр-қимматини унинг жамиятга ва халқ манфаатига келтираётган фойдаси ёки зиёни нуқтаи назаридан баҳолайди, ўлчайди.

А. Қаҳҳор ҳаётни, воқеликни турли ва қоронғу томонлари, яъни бутун зиддиятлари билан кўрсатиш йўлидан боради. Одамлар яхшиликдан ўрнак олсин, ёмонликдан жиркансин ва унга қарши курашсин, демоқчи бўлади. «Синчалак» асарида Саида тили орқали сизнинг вазифа... одамлар кўникиб қолган ёки ноиложликдан кўз юмган ҳамма иллатларга халқнинг диққатини тортиш, бу иллатларнинг сабабини, натижасини эл кўзига кўрсатиш, одамларда фикр уйғотиш, уларни бу иллатларга қарши курашга йўллаш»дир, дейди. «Синчалак»да, сатирик комедияларида, мақола, фельетонларида порахўрлик, тўралик, маҳаллийчилик, текинхўрлик, кўзбўямачилик, бузуқлик, жаҳолат, ароқхўрликни кескин танқид қилади, аёллар, ўқувчилар меҳнатини енгиллаштириш, захарли химикатларни йўқотиш хусусида жон куйдиради. Афсуски, ёзувчининг бу нидосига ўша 60-йилларда қулоқ солинмади, аксинча, унинг «тилини кесиби» қўйишга уринишди.

«Ҳаётимизнинг айрим пайтларида, — деган эди ёзувчининг ўзи, — иллатлар ҳақида минг мулоҳаза билан айтилган баъзи бир камчиликлар ҳам «типик эмас», «сиёсий хато», «душман тегирмонига сув қуйиш», «туҳмат» ва ҳоказо ҳисобланар эди. Бу ҳол ўтмиш сарқитларининг яшашига, ҳатто урчишига қулай шароит туғдириб берган эди».

А. Қаҳҳор қаҳрамонлари унинг ўзи каби курашчан, журъатли, интилувчан. Сатирик образлари, салбий қаҳрамонлари ҳам ўз ғоя, мақсади учун жон олиб-жон беради. Ёзувчи икки қутбни ҳаёт-мамонт учун муросасиз курашувчилар қилиб кўрсатади. Бу нарса асар конфликтининг кескин бўлишига, ундаги драматизмнинг таранглашишига, характерларининг ёрқин чиқишига олиб келди. Ижобий қаҳрамонлари кураш ва меҳнат билан ўз бахтини топади ва шу жараёнда маънавий ўсади. «Синчалак»даги Саида Қаландаровлар яратган турғунлик муҳитини, шароитни ўзгартириш учун қанча тер тўкмади. «Синчалак»да ёзувчи «Тақдирини ўз қўлига олган одамларнинг келажаги, албатта, ёрқин бўлади, ҳали бу неъматга эришмаганларнинг кураш йўлини ёритади», дейди. Саида худди шундай маёқлардан.

А. Қаҳҳор асарларининг куч-қудрати, жозибаси уларда ўткир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий масалаларнинг журъат билан кўтариб чиқилишида эмас, балки шу жиддий фикр-ғояларнинг «китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар», заргарнинг сабри, ҳафсаласи-ю, наққошнинг хунари билан оро берилган образлар» орқали ифодаланишидадир. Унинг асарларидаги персонажлар тирик, жонли одамлардек кўриниб туради, бир-бирига асло ўхшамайди — ҳаммасининг ўзига хос овози, сўзлаш тарзи, қилиғи, туриш-турмуши, характери бор, ички дунёси ҳам мана-ман деб кўриниб туради. Ёзувчининг ўзи воқеага аралашмасдан холис тасвирлайди: сўз, бўёқ, тасвири ниҳоятда ихчам, қисқа, содда, меъёрида. А. Қаҳҳорнинг ўзи «Кўп сўз ёлғоннинг юзини пардалаш учун керак. Ҳақиқат шундай жононки, пардоз унинг ҳуснини бузади», дейди. Ёзувчининг 1967 — 1971 йилларда нашр этилган кичик шаклдаги олти жилдли «Асарлар»ига разм солайлик: энг катта ҳикояси «Асрор бобо» саккиз варақ, «Бемор», «Санъаткор» бир варақ, «Ўғри» икки варақ, «Даҳшат» тўрт ярим варақ. Лекин булардаги мазмун чуқурлиги ва характерларнинг ёрқинлиги ўқувчини лол қолдиради. «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» иккаласи биргаликда бир юз етмиш бет. Йирик прозаси ва пьесалари ҳам шундай ихчам. Бу мисоллар ёзувчининг минг

ўлчаб бир кесганини, ҳар бир сўз, ҳар бир деталь зиммасига катта юк ортилганини тасдиқлайди. А. Қаҳҳор прозасининг драма жанрига яқинлиги ҳам бежиз эмас: воқеа-ҳаракат кучли, конфликт ўткир, характерлар ёрқин, эҳтиросли, яхлит композицион бўлак — сахनावийлик бор, диалоглар аини чоқда ҳаракатни тезлаштирувчи, конфликтни кескинлаштирувчи куч ҳам. Ёзувчи ва персонажлар нутқида халқ, фольклорнинг буюк қудрати намоён бўлган. Унинг асарларида катта бадиий юк ташийдиган рамзий образларни эслайлик: «Синчалак»нинг охирида асар сарлавҳасига изоҳ беради. Қаландаров Саидани синчалакка ўхшатган эди. Бу ўхшатишнинг нотўғри эканлигини икковининг ўзаро кураши, фаолияти ва бунинг натижасини тасвирлаш орқали исботлайди. Қаландаров охири «Кичкина, нимжон бўлсанг ҳам, осмонни кўтаргули қувватинг, ғайратинг бор экан» деган хулосага келади, тан бериб айтади. «Даҳшат» ҳикоясидаги барча образ ва деталлар «тирик» гўристон бўлган, бу даргоҳнинг (яъни Олимбек додхоҳнинг уйи) даҳшати олдида ўликлар гўристонининг даҳшати унга даҳшат бўлиб кўринмас» деган фикр-ҳақиқатни ўтказиш учун хизмат этади. «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш» деган сарлавҳалар ҳам икки асарнинг бутун руҳини, йўналишини акс эттиради. Асар қўлёзмаси муҳокамасида баъзи танқидчилар асарда ёруғлик, нур кам, яъни ҳаётнинг яхши томонлари жуда кам кўрсатилган, унда зулмат, даҳшат кўп ўринни эгаллайди, деган мулоҳазани айтганда, А. Қаҳҳор бор ҳақиқатни тасвирлаши ва шунинг учун унга бошқача ном эмас, балки эртақ, яъни «Ўтмишдан эртақлар» деб ном қўйганини таъкидлади. Сўнгра асарнинг Л. Толстой, М. Горькийларнинг «Болалик» асарларига ўхшамаслигини, улар типдаги асарни кейин ёзажанини ҳам уқтиради. Чиндан ҳам асарда ёш Абдуланинг ҳаёт йўлини кўрсатиш бош ўринда турмайди, аксинча, ўткир, даҳшатли ҳикоялардан ташкил топган бу қисса ўша замоннинг руҳини ифодаловчи кўплаб тақдирлар тўғрисида ҳикоя қилади. А. Қаҳҳор «Ҳаёт ҳодисаларидан бадиий тўқимага» (1965) мақоласида «Анор» ҳикоясидаги Туробжон образи учун Бабар деган йигит-

нинг фожиали ҳаёти туртки бўлганини айтиб, ёзган эдики, «Бабар қиссасининг давоми фожиали, бу ҳақда яна бирон нарса ёзиш ниятим бор». Сўнгра Бабарнинг хотинини қутурган ит қолиб олганини, даволаш учун Тешиктошга олиб боргани, бозорда уни ўғри деб калтаклаб қамаб қўйишгани ва эсларидан чиқиб совуқда эрта-лабгача қолиб кетгани, отқоровул бошидан ошириб ўқ отганда ҳам миқ этмай тургани ва уйига қайтаётиб совуқда музлаб ўлиб қолганини ҳикоя қилади. Худди шу воқеани «Ўтмишдан эртақлар»нинг «Тешиктош» бобида янада даҳшатлироқ қилиб тасвирлайди. Ундаги «Хур қиз» бобида ҳам шундай фожиали тақдир (Саври) ҳақида ҳикоя қилади. Ёзувчи ҳамма асарларидаги каби бунда ҳам қаҳрамонлар психологиясини шундай далиллайдики, шундай ёрқин, чуқур таҳлил қиладики, улар тирик одамлардек гавдаланади, кишини ишонтиради.

Ёзувчининг сўзни заргарона ишлатишини тасдиқловчи ва характернинг руҳиятини тиниқ очувчи айрим нуқталарга разм солайлик. «Синчалак»да Эшонни мана бундай тасвирлайди: «Унинг бўйни тошбақанинг бўйнини эслатар, юзи сўриб ташланган ҳусайн узумга ўхшар, лекин бир томонга силлиқ қилиб таралган сочи оёғидаги амиркон туфлисидан ҳам қорароқ ва кўпроқ ялтирар эди». Шу тасвир орқали китобхон муносабатини Эшонга нисбатан белгилаб қўяди.

Саиданинг аччиқ кесатиғини кўрайлик. Қаландаров унга «колхоздан кет» дейди. У кетмаслигини айтади. Шунда Қаландаров:

«Колхоз ёқиб қолган бўлса, эр-пер топиб бера қолай, — деди. Саида унинг афтига қаради.

— Мен сизни фақат яхши пахтакор деб билар эдим, бошқа касбингиз ҳам бор экан.

Қаландаровнинг дами ичига тушиб кетди.

«Даҳшат» ҳикоясининг биринчи жумласиданоқ табиат ҳолатини шундай тасвирлайдики, бу тасвир кейинроқ юз берадиган даҳшатнинг элчиси — даракчисидек туюлади: «Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди, шувуллайди, томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош

уриб уф тортади». Ёзувчи ҳикоянинг фожиавий пардасини шу жумладаёқ белгилаб олади.

А. Қаҳҳор образли тафаккурнинг нодир намунасини яратибгина қолмади, аини чоқда бадиий асар тили устида қандай ишлаш борасида ҳам муҳим фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлади.

«Гап шундаки, — дейди ёзувчи, — ҳозирги вақтда, тилимизнинг бойлигини, унинг қочириқларини ўрганишга эринган, сўз санъатига ҳунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантриб кун кўриб юрган бир туркум қалам аҳли фаолияти», чала мулла баъзи олимларнинг «илмий хулосалари натижасида ажиб бир тил бунёдга келган. Бу тилда ҳеч ким гапирмайди, зотан гапириш мумкин ҳам эмас, фақат ёзиб ўқиб бериш мумкин. Бу тилда ёзилган нарсани бир қиёсда ўқимасдан ҳам илож йўқ. Бу тилнинг ҳеч қаерга ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунига кўра «якши овқат едим», деб бўлмайди, албатта «сифатли овқатландим» деб ёзиш шарт. «Папирос чекадиган одам гугуртни олиб юриши керак», деб ёзиш тўғри эмас, «Папирос чекиш одатига эга бўлган киши ўзини тегишли гугурт билан таъминлаб юриши керак», деб ёзилса тўғри бўлади. Бу тилда латифа айтиб бўлмайди, ёзиб бўлмайди. Бу тилда ҳазилга, мақолга, масалга, ажойиб халқ ибораларига ўрин йўқ. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади, ҳар қанақа лекторни гурбатнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради».

Бу сўзлар ҳозир ҳам ўзининг тўла аҳамиятини сақлаб қолган.

А. Қаҳҳор майда гапни кўтариб, қашшоқ шакл ва тилда асар ёзиб кеккайиб юрган ёзувчиларни «маҳалла классиклари», «Тўйтепадан нарига ўтолмайдиган» асар муаллифлари деб атарди. У А. Қодирий тўғрисида сўзлаб, «Абдулла Қодирий одамлар айтмоқчи «бир-икки рисола ёзган» анчайин бир ёзувчи эмас, балки янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан

адибдир», дейди. Бу сўзларни Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига ҳам тўла нисбат бериш мумкин. Унинг бадиий олами сўз санъатининг ҳар қандай юксак мезони, гази ва тоши билан ўлчаганда ҳам бардош беради, кўтаради, арзийди.

ЭРКИН ВОҲИДОВ
(1936 йилда туғилган)

Эркин Воҳидов ҳозирги замон ўзбек шеърятининг йирик вакилидир. Айни чоқда, «Олтин девор» каби комедияси, Гётенинг «Фауст»и каби ажойиб таржималари билан ҳам ўзбек адабиёти ва санъати, ўзбек маданияти ривожига салмоқли улушини қўшиб келаётган кўп қиррали ижодкордир.

Эркин Воҳидов 1936 йилда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ўқитувчи оиласида дунёга келган. Отаси тарих ўқитувчиси, билимдон, дилкаш, қувноқ, сўзга чечан одам эди, онаси ҳам саводли, ўткир зеҳнли аёл бўлган. Отаси фронтда бош миясидан жароҳатланади ва ўпка шамоллаш касалига дучор бўлади. Бу дард 1945 йилда уни олиб кетади, кўп ўтмай онаси ҳам оламдан ўтади. Тўққиз ёшидаёқ ота-онасиз қолган Эркин Воҳидов адлия ходими бўлмиш тоғасининг қарамоғига ўтади. Эркинжон оиланинг ягона фарзанди — ёдгори эди, унгача туғилган қиз гўдаклигида ва укаси икки яшарлигида вафот этишган эди. Тоғаси адабиётни дилдан севгувчи, қўлидан Навоий, Бедил, Фузулий асарларини қўймайдиган одам эди. Уларникида шоир Чустий, шоир, таржимон, олим Алихон Соғуний, ака-ука хонанда Шожалиловлар тез-тез йиғилишиб, Шарқнинг буюк шоирлари ижоди хусусида баҳслар қилишар эди. Эркин Воҳидовда Навоий, Фузулий ижодига, газалчиликка буюк муҳаббат шу оилада туғилган эди. Кейинчалик у ажойиб камтар ва дилкаш инсонлар — Файратий тўгараги, Миртемир семинаридан ҳам катта баҳраманд бўлди, бу устозларни доимо хурмат билан ёдга олади. Эркин Воҳидовда шеърятга ҳавас-иштиёқ жуда эрта туғилди: еттинчи синфда ўқиётган вақтидаёқ «Муштум»да биринчи шеъри босилди ва 1961 йил-

да, йигирма беш ёшида «Тонг нафаси» деган илк тўплами нашр этилди. Шу вақтдан бошлаб Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзодалар эътиборига тушди ва номи эл орасида тобора кенг ёйила бошлади. Кейин ўзбек ва рус тилларида ўнлаб китоблар бостирди. «Ёшлик девони» (1969), «Муҳаббат», «Тирик сайёралар» (1980), «Руҳлар исёни» (1979), икки жилдли Сайланма (1986), «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» (1992) каби шеърӣ китоблари, дostonлари ва «Олтин девор» (1969), «Истамбул фожиаси» (1985) каби драматик асарлари ва «Изтироб» (1992) каби публицистик китоблари китобхонларнинг муҳаббатига сазовор бўлди. У «Ёш гвардия» нашриётида бош муҳаррир, «Ёшлик» журналида бош муҳаррир ва Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида директор лавозимларида хизмат қилиб, маданиятимиз ривожига ўз улушини қўшди. У халқ ноиб сифатида ҳам жумҳуриятимизда адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатди. Унинг китоблари Ёшлар мукофотини, Ҳ. Олимжон номли мукофотни, Ҳамза номли давлат мукофотини олди, шоирга «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонлари берилди.

Эркин Воҳидов шеърӣяти бугунги ўзбек адабиётида ноёб ҳодисадир. Унинг шеърӣяти халқ қалбига чуқур кириб борди. Бунга сабаб шоирнинг ижодга, шеърӣятга катта муҳаббат ва чуқур эътиқод билан ёндашиб, уни инсоннинг бахт-саодати учун кураш воситасига айлантиришидир. «Ҳамма даврларда ҳам ёзувчилар халқнинг кўрар кўзи, виждони, қалб садоси бўлганлар. Бизнинг бу чигал замонда ҳам одамлар ўз юракларидаги минглаб саволларга ёзувчидан жавоб қидирадилар, уларга умид боғлайдилар», — дейди Эркин Воҳидовнинг ўзи. Шоир ўзбек халқининг кишилик жамияти бешигини тебратишдаги буюк ҳиссасини, ўрнини яхши билади, ундан ғурурланади. Унда она-Ватан, меҳрибон халқига муҳаббати чексиз, улар учун жонини садақа деб билади ва унинг баркамоллик йўлига ғов бўлган кучларга қарши шафқатсиз туради, демак, унда кураш, исёнкорлик ғояси — руҳи ҳам кучли. Унда отабоболар ишига, руҳига, орзу-армонига садоқат туйғуси

мўл-кўлдир. Фалсафийлик, донолик, ҳазил-мутойибага мойиллик, нозик кесатиш ва қочириқлар, киноя, рамзийлик, мусиқийлик, самимийлик, соддалик, жўшқинлик, тиниқлик унинг шеъриятига хос фазилатдир. Унинг шеърияти ростгўй-ҳаққоний ва айни пайтда кўтаринки, ҳаётбахш шеърятдир. У «олов бўлиб» халқ қалбини иситишни бош орзу-армони деб билади. Шеърятда «бутун одамнинг шавқ-дарди мужассам» бўлишига интилади. «Рубобим тори иккидур» ғазалида қувноқликни ҳам, маҳзунликни ҳам — зиддиятли, мураккаб олам ва одамни ҳаққоний кўрсатишга бел боғлади. У «Ҳеч қачон одам дилин виждон юки, имон юки тарк этмасин» деб куюнади, «оталарнинг эътиқоди, эзгу ҳислари, исёнкор руҳи» билан яшаш, курашишга чорлайди. «Эркин Воҳидов шеъриятида, — дейди Абдулла Орипов, — абадий мавзулар хазиначисига аниқ замон ва макон калити орқали кириб борилади. Халқимиз кейинги даврлар мобайнида босиб ўтган ва ўтаётган гоҳ машаққатли, гоҳ армонли, гоҳ тугёнли, гоҳ ифтихорли йўлларининг манзара ва оҳанглари садолари Эркин Воҳидов шеъриятида тўла мужассамдир».

Эркин Воҳидов бу даражага кўтарилиш учун ижоднинг узоқ машаққатли йўлларини босиб ўтди: шеърят сирини ўрганишдан ташқари воқеликка, ҳаётга ва инсонга қарашда мустақил назарга ҳам эга бўлиш ва буларни ўзига хос тарзда ифодалаш йўллари, усулларини топиш керак эди. Эркин Воҳидовлар адабиётга кириб келган 60-йиллар бошларида адабиётда кўтаринки руҳ ҳоким эди. Айни пайтда ёш қаламкашларгина эмас, балки энг аввало Миртемир, Мақсуд Шайхзода каби катта авлод вакиллари ҳам ҳаётнинг номукамаллигидан, инсон эркини бўғувчи кўринмас занжирлар борлигидан қайғуриш ва нолишга ўта бошладилар. «Биз бугунги кун назари билан эллигинчи йиллар адабиётига «сохта кўтаринкилик», «тантанаворлик» адабиёти деб қарамаслигимиз керак, — дейди Эркин Воҳидов — Ўша адабиётлар ҳам миллионларнинг қалб эҳтиёжи туфайли яратилган. Эллигинчи йиллар ўртасида жамиятда янги руҳ, янгича қарашлар бошланди. Адабиёт ва санъатда ҳам янгиланиш белгилари

ри пайдо бўлди, ижод заминий ҳисларга, ҳақиқатга, инсон қалбининг мураккабликларига яқинлаша бошлади.

Шу янги руҳ, янгича қараш Эркин Воҳидов шеърларида ҳам кўрина бошлади. «Юрак ва ақл» шеърисида юрак буюрган ишни қилмоқлигини, ақл жиловидан ташқарига эркин чиқишни орзу қилди. «Юрак мени алдамас» деб ишонди. «Фузулий ҳайкали қошида» шеърисида юрагига қулоқ солиб, Фузулий шеърисидаги дардни тинглай бошлайди. Ундаги «Фузулий нолаи дил сўзини тутмишлар», «Кўз ёшларнинг ҳолин ва билсин мардуми ғофил» мисраларни келтириб, «Менинг шоирлигим ёлғондир, аммо Фузулий шеърисида ошиқлигим рост» дейди, яъни унингдек инсонга ҳамлард ва ростгўй бўлишни орзу қилади. Шоирдаги бу ниятни сезиб олган «сезгир» ташкилотлар — адабиёт шу тузумни фақат мақташи керак, деган побонлар Эркин Воҳидовга таъна ва тазйиқлар қилди. Бу шеърдан икки йил кейин — 1964 йилда «Вокзалда» шеърини ёзади. Бунда «инсоннинг нечоғли туйғуга бойлигига» эътиборни тортиб, ана шу туйғуларни — ҳаяжон, шодлик, умид, армон ва кўз ёшларни тасвирлайди. «Кардиограмма» (1971) шеърисида ҳақиқатгўй шоир сифатида шаклланаётганлигини намоён қилади:

Юрагимга қарши бир сўз айтдимми?
Ёки кимларгадир тавозе этиб
Оқни-қора дедим — имон беҳабар?
Ёки ноҳақликни кўриб, эшитиб,
Кўзимни кўр қилдим, қулоғимни қар?

У «Ўзбекистон» фахриясини, «Илтижо» ва «Ўзбегим» каби машҳур шеърларини ҳам худди шу йиллари (1968 — 1971) ёзди. Шоирнинг Фузулий ҳақидаги ақл ва юрак мунозараси ёки кардиограмма, вокзал ҳақидаги шеърларида асосий ниятини жуда яширин мисраларнинг қатқатига синдириб беради. Умуман бу йиллари шоирлар имо-ишора, рамзий йўллар орқали ҳақиқатни айтишга уринардилар. Эркин Воҳидовнинг ўзи кейинча «Шеъримиз ишоралар шеърини бўлиб қолганди. Мана энди ҳамма гапни айтиш мумкин пайтда лол бўлиб қолдик. Биз бир умр ниқобни кўтаришга уриниб яшадик», дейди.

«Ўзбекистон» ёки «Ўзбегим» шундай уринишлардан бири эди. Шоир юртини ва халқни инсоният жамияти тарихидаги ўрнини тасвирлаш орқали, унга ўзлигини англаймоқчи, ғурур туйғусини уйғотмоқчи ва яна улуғвор ишларга сафарбар этмоқчи бўлди. Шоир «Ўзбегим» қасида-си тўғрисида «Бундай шеър халққа ўз қадрини англаш учун керак», дейди. Яна бир ўринда «Халқни мақтаган шоир улуғ эмас, унинг ўзлигини ўзига кўрсатиб беролган, аёвсиз гапни айтолган шоир улуғ» дейди. Ҳатто қасиданинг ўзида ҳам «Ўзбегим билмоққа даврим берди имкон, ўзбегим» деган мисра ҳам бор. Шоир қасидада улуғ ота-боболардан тортиб то ўзбекнинг кимлигини кўрсатишга дадил бўлувчи одамийлигигача — ҳаммасини келтирар экан, эътиборини унинг бойлиги, борлиги, эрки, ҳуқуқининг оёқости қилингани, юлиб олиб кетилганлигини таъкидлашга қаратади. Ўч, алам, армон, қаҳр-ғазаб, нафрат туйғуси ловуллаб туради:

Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон ўзбегим.
Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эгмадинг,
Сен — Муқанна, сарбадор — сен,
Эркесвар қон, ўзбегим.

Қасида эл орасида шу қадар машҳур бўлдики, совет империяси ҳимоячиларини чўчитиб юборди. Қасиданинг кўшиқ қилиб айтилишига, ҳатто шеърнинг бирор йиғинларда ижро этилишига очиқдан-очиқ тўсиқлар қўйилди. Қасиданинг бу қадар шуҳрат топиши халқ қалбида ўзлигини таниш иштиёқи уйғонганлигини тасдиқловчи далил ҳамдир.

«Ўзбегим» Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони»дан ўрин олган эди. «Ёшлик девони» ўша давр ўзбек шеърлятида бир воқеа бўлган: шеърятнинг янги авлоди нигоҳини арузга, ғазалчиликка бурди ва охир-оқибатда аруз ҳозирги замон адабиётимизда ўз мавқеини тиклаб олди. «Ўлмас аруз вазнига қараш ҳали ҳукмрон бир шароит-

да, — деб ёзганди Абдулла Орипов, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий сингари мўътабар сиймолардан кейин мумтоз ғазалиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилади деб каромат қилишаётганда ёш авлод орасидан биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди».

Бу Эркин Воҳидов ижодида тасодифий ҳодиса эмас эди. У ёшлиқдан мумтоз адабиётга меҳр қўйган, унинг фалсафийлиги, теранлиги, ҳиссий жўшқинлиги, кўтаринки руҳи, сербўёқлиги, мантиқий изчиллик, ички мусиқийлик ва юксак санъатидан тинмай ўрганар эди. «Классик адабиётнинг ўзи менинг таянч нуқтам экан. Чунки мен ёшлиқдан классик адабиёт руҳида тарбияланганман», дейди шоирнинг ўзи. Эркин Воҳидовнинг «Хаёл», «Сенга бахтдан тахт тиларман», «Дўст билан обод уйинг», «Севги шундай навбахорки» каби ўнлаб ғазалларига куй басталаниб, халқнинг севимли қўшиқларига айланиб кетди.

Ана шу «Ёшлиқ девони», ундан кейинги шеърляти, айниқса, «Тирик сайёралар» туркуми, «Донишқишлоқ латифалари», «Руҳлар исёни» достони, «Истамбул фожиаси» драматик достони, «Олтин девор» комедияси Эркин Воҳидовнинг зўр истеъдод, туғма талант эгаси эканлигини тасдиқловчи асарлар эди. У ёзганди: «Истеъдод — бу мумкин бўлмаганни мумкин қилиш, ҳукмрон эстетик принципларни синдириш, шеърлят мана бундоқ бўлади деб янгича нуқтаи назарга одамларни ишонтириш демакдир. Одатда, улуғ истеъдодлар ижоди бир қанча вақтгача жамиятнинг дидини белгиловчи мезон бўлиб қолади».

Бу ажойиб сўзларни Эркин Воҳидовнинг ўзига ҳам нисбат бериш мумкин. Эркин Воҳидов шеърляти ва комедияси қудратини, умуман унинг ижодининг жозибасини белгилайдиган бир бош нуқта бор. Бу улардаги чуқур миллий руҳ, миллий тафаккурдир. Миллийлик ижодкор асарларининг мазмуни, материали, фикрлаш тарзи, қаҳрамонлари характерида, образларида, ифода воситаларида, жанрида ётади. Унинг ўзи «Лекин мен ҳеч қачон ғарбий қирғоқлардан адабий шакл ва оҳанглар ахтарган эмасман, ўзимни икки оёғим билан шарқий қирғоқда турган одам деб ҳисоблайман... Ҳар бир халқнинг миллий

хусусиятлари санъатида, адабиётида ёрқин намоён бўлади. Миллатлар бир-биридан тили, урф-одати билангина эмас, фикрлаш хусусияти билан ҳам ажралиб туради... Шунинг учун ҳам муайян оҳанглар, муайян халқларга марғуб ва манзур» деб ёзади.

Фарғона водийсида Эркин Воҳидовнинг «Донишқишлоқ дафтарлари» туркумидаги афандинома одамлар тўғрисидаги латифалари кенг тарқалган. Эркин Воҳидов шу латифалар асосида Матмуса тўғрисида ўнлаб ҳангомалар яратди. Ташқи томондан шунчаки беозор кулгили воқеа бўлиб туюлган бу латифаларда одамлар ва воқелигимиздаги жиддий иллатлар фош қилинади. «Матмусанинг чархпалаги» ҳангомасида Матмуса чархпалакни тескарисига ўтқазиб қўяди, одамлар нима қилишини билмай, гоҳ чархпалакни гал билан тескарисига айлантирсак, гоҳ дарёни тескари оқизсак деб маслаҳат беришади ёки «Матмусанинг тандири»да у шундай тандир қурадики, оғзидан бошини чиқаролмай қолади. Эркин Воҳидовнинг ўзи ҳангомалари хусусида сўзлаб шундай ёзади: «Донишқишлоқ латифалари»ни ўқиб ҳамма кулади. Ваҳоланки, мен уларни алам билан ёзганман. Ақл-идрокка зид, тескари ишларимиз эл бошига кулфат ва укубатлар келтириб ётгани сир эмас-ку. Косаси тескари қурилган чархпалаклар камми? Бир пардани тутганча қолаберган, бир хил оҳангни қўймай чала берган матмусалар озми? Ўзимиз яратган қолипларни кийиб олиб, йўлни кўролмай, осмонга қараганча кетаётган ҳолларимиз йўқми? Булар кулгили ишлармас, ачинарли, офатли ҳодисалар».

Эркин Воҳидов воқеавий сюжет асосига қурилган кўплаб ҳазил шеърларини ҳам ёзган. Буларга инсон руҳиятини, унинг характерини, психологиясини жуда нозик ва ёрқин чизади («Соф ҳавонинг фойдаси» каби).

Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони»гача бўлган шеърлари бошқа пардада, бошқача усулда ёзилган бўлса, «Ёшлик девони» аруздаги ғазаллар, қасидалар, фахриялардан иборат. «Донишқишлоқ латифалари» эса ҳазил-мутойиба, воқеавий сюжет асосида яратилган. «Тирик сайёралар» туркуми умуминсоний мавзулардаги фалсафий-публицистик йўсинда ижод қилгандир. 80—90-йиллардаги шеърларида

воқеликнинг, ҳаётнинг зиддиятли жиҳатлари, дунёнинг мураккаб, фожиавий томонлари, инсон қалбидаги изтиробли тўлқинлар, тугёнлар, руҳий исёнлар ғоят чуқур ва теран таҳлил этила бошланди. Энди 60-70 йиллардаги романтика, кўтаринкилик ўрнини таҳлилийлик эгаллайди. Эркин Воҳидовнинг ўзи атайин шундай изланишлар, тажрибалар қилаётганини тан олади. «Лекин буни ижодий эстетик маслакдан чекиниш деб бўлмас, — дейди у. — Бу китоб ҳали юрак туйғуларига, унинг ҳолатларига ифода услубини излаш йўлидаги бир уриниш...» дейди. «Тирик сайёралар»ни назарда тутиб. — Сўнг ҳадеб бир хил оҳангда, бир хил мақомда ёзавериб, одамларнинг меъдасига тегмадингми, деган савол юки. Шоир қанча кучли, ўзига хос бўлмасин, бир оҳангда, бир услубда ёзаверса, ўз-ўзини такрорлаб қўйиши мумкин».

«Тирик сайёралар» шеърида инсонни, унинг руҳий оламини ўрганиш мушкуллигига эътиборни қаратади. «Унинг ўзи сирли бир дунё», «Аmmo не бор ўз юрагида билмай ўтиб кетадир инсон», «Бонг уринг», «Ёлғизлик истаги», «Темиртан даҳолар», «Арслон ўргатувчи», «Кумурсқалар жанги», «Ёмоннинг сўзи» — булар инсоннинг сийрати ва суратини чизишга бағишланган. Одамларни янги уруш хавфининг олдини олишга, турғунлик ва ёмонликка қарши курашга, қалб кўзини очишга чақиради:

Одамлар
 уйқудан
 уйғонинг,
 Шошилинг,
 қидиринг
 тез нажот.
 Жон куйсин,
 қалб ёнсин,
 сиз ёнинг,
 То ёниб
 кетмасин
 бу ҳаёт.

Эркин Воҳидовнинг «Нидо», «Руҳлар исёни» поэмаларида ҳам шу руҳ ҳокимдир. Шоир «Нидо»да «дунёда энг қутлуғ эътиқод учун» фидойиларча жанг қилиб қур-

бон бўлган отаси баҳонасида (отаси аслида оғир ярадор бўлиб келиб вафот этган эди, бу ерда шоир умумлаштириб олмоқда) тарихнинг сабоқли нуқталари, халқнинг жасорати, фарзанднинг ота ҳажридаги изтироблари ва унинг «мардлик мактаби»дан олган таълими, улар руҳига садоқатини ифодалайди. Ота ва уруш ҳақидаги ўй ҳозирги қалтис замон — «ташвишли дунё, сермашаққат олам» ҳақидаги баҳсга айланади, фарзанд шу оламнинг «ўз елкасида қолганини» чуқур ҳис этади ва «она тупроқни бу дунёнинг жаннатига» айлантиришга қасамёд қилади. Шоир Она ер «киприкдаги ёш каби титраб турибди», уни авайлайлик, дейди.

«Руҳлар исёни» поэмаси ёзувчининг, шоирнинг граждандлик бурчи, замон, халқ, кишилик тарихи ва келажак олдидаги масъулияти ҳақидаги, инсониятнинг юксак орзу-армонлари учун ўзини фидо қилган улуғ сиймолар тўғрисидаги асардир. Поэмада инқилобий шоир Назрул Ислом тақдири мисолида аввало руҳ масаласининг ҳаётий ва фалсафий илдизларини очади. Халқ ва унинг бахти, порлоқ келажаги учун курашиб ўтган улуғ одамларнинг руҳини олий руҳ, дейди. Худди шу руҳни эътиқод, имон, виждон деб талқин қилади ва шунинг учун бу руҳ одамларни эзгу ниятлар, гўзал ишлар сари етаклайди, ёмонликнинг олдини олиб, яхшиликка йўл очади, адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилади. «Тутқунликда» бобида Назрул Ислом кўз олдидан аввал яшаган шоирларнинг оғир қисмати ўтади: Рудакий, Фирдавсий, Навоийлар адолат учун курашиб, уни тополмай ва зулмни енголмай фарёд чекиб ўтдилар. Уларнинг «нидоси Назрул фарёдига ўхшайди». Насимий, Пушкин, Лермонтовлар жаллод тузумни «ўққа тутдилар», лекин у машъум тузум бирининг терисини шилди, иккинчисини дорга осди, қолганларининг қалбини ўққа тутди. Назрул Ислом озодлик учун курашди, барча орзу-армони шеърларига, халқнинг қалбига кўчди — «Олий руҳлар» сафига кўшилди. Эркин Воҳидов руҳ ҳақидаги афсоналар, нақллардан абадият, фидойилик, жаҳолат, шоирлар ва пайғамбарлар тўғрисидаги ривоятлардан фойдаланади ва эзгу ниятини ифодалашга хизмат эттиради. Эркин Воҳидов «Замон унинг ёниб тур-

ган юрагини сўради», дейди ва талант қимматини ижодкорни ўз халқи эзгу орзу-армонлари учун хизмат эттириш нуқтаи назаридан баҳолайди:

Ҳар нечаким зўр истеъдод,
Тошқин илҳом,
У нега,
Халқинг ётса

чекиб фарёд.

Ярамасанг кунига.

Шоир эрсанг,

Шоир бўлиб

Нега келдинг ҳаётга,

Элинг ётса

дардга тўлиб,

Келолмасанг нажотга.

«Абадият ҳақидаги ривоят»да абадийлик бефойда узоқ умрда эмас, балки халқ, жамият учун фойда келтирган қисқа умрдадир, дейилади. «Фидойилик тўғрисида ривоят»да «ҳақ учун бош тутган мардлар, фидойилар» боқийдир, «Жаҳолат тўғрисида ривоят»да шоирнинг вазифаси» қалблар кўзини очмоқ»дир, дейди шоир.

Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор», «Истамбул фожеаси» асарларининг асл моҳияти ҳам инсоннинг қалб кўзини таҳлил этишдан иборатдир. «Олтин девор» ёзилгандан буён саҳнадан тушмайди. «Олтин девор»ни жозибали комедия даражасига кўтарган омиллар унинг сюжети, конфликти, ҳолат-вазиятлари ва характерларининг соф кулги хаширидан ясалишидадир, айтиш чоқда муаллифнинг кулги ҳосил қилувчи хилма-хил воситаларни қўллаб, уларни бош ниятни рўёбга чиқаришга хизмат эттиришидир. Унда комик жанрнинг саналган усуллари-дан бўлмиш сир сақлашнинг бир неча кўринишлари бор: мақсадни билдирмаслик, воқеа қизиқ ерга келганда уни тўхтатиб қўйиш, персонажнинг ўзини танитмаслик — бошқаларнинг ролида ўйнаши (Зухронинг Дилором бўлиб кўриниши ёки милиция лейтенанти Анварнинг Қиличбек исмида қора илон Саидмаликни фош қилиш учун унга гумашта бўлиб хизматга кириши), персонажларнинг

имтиҳондан, синовдан ўтказиш усули. Муаллиф олтин кучлими, эски урф-одат кучлими ёки чин муҳаббат, инсонийлик кучлими, деган жумбоққа диққатни тортади. Зотан, конфликт калавасининг учи ҳам тўйдан бошланади: қоровул Мўмин ўғли Нодирга ямоқчи қўшниси Абдусаломнинг қизи Дилоромни олиб бермоқчи бўлади. Абдусалом «ўзим камбағал бўлсам ҳам ҳимматим баланд», деб Мўмин олдига катта шарт қўяди (шарт қўйиш ҳам комедия жанри хусусиятларидан). Тўйни кимникида ўтказиш хусусида ҳам тортишиб, охири ўртадаги деворни бузиб, бир ерда ўтказишга қарор қилишади. Шунда девор остидан кўзачада олтин топиб оладилар. Кўп тортишади, насл-насабини ўртага қўйишиб, олтинни тенг бўлишади. Энди муаллиф шу олтинни ўз персонажларининг руҳий олами, онги, инсоний қиёфасини намойиш қилувчи кўзгуга айлантиради. Энг аввало бу олтин Нодир — Дилором муҳаббати ўртасида қўйилган «тирик девор»ни келтириб чиқаради: олтинларни заргар Саидмаликка пуллаб, кеккайиб кетган Абдусалом Дилоромни Нодирга бериш ниятидан қайтади ва Қиличбекни куёв қилмоқчи бўлади. Мўмин эса тилла масаласига бутунлай бошқача қарайди (Қиличбек «ҳақиқий имтиҳон энди бошланди», деганда шу тилла келтирган машмаша — ташвишни» назарда тутаяди). Мўмин содда, ҳалол, имонли одам, у фронт кўрган. Олтинни олишга олиб қўйиб, нима қиларини билмайди, бутун ҳузур-ҳаловати йўқолади, кечалари алаҳсиб чиқади, жиннига ўхшаб қолади. Дарвоқе, Мўминнинг юриш-туриши, ҳолатидаги шу кескин ўзгаришлардан, айниқса, олтинни ўғирлатиб қўйганидан кейинги оғир аҳволдан (саидмаликлар олтинни ўғирлаб, ўрнига тош солиб қўйдилар) оила аъзолари ҳам, қўни-қўшнилари ҳам уни жиннига чиқаришади. Саидмалик бундан фойдаланиб, уни жиннихонага бериб юборади. Врач «кўзингизни очинг», «тилингизни кўрсатинг», деса «кўзангизни очинг», «тилангизни кўрсатинг» деб англайди. Бу ҳам кулдириш йўллари. Драматург Мўмин ҳолати ва драматик тақдири орқали олтиннинг «сарик шайтон», «сарик иблис» эканлигини кўрсатади. Абдусаломнинг ҳам пешонаси деворга теккач, кўзи очилади. Мўминдан кечирим

сўрайди. Асарда таҳлил қилиш усули (Мўмин ўзини милиция ходими ўрнига қўйиб, унинг номидан ўзига ўзи буйруқ беради), вазият, ҳолатни такрорлаш йўлидан (Мўмин ва Абдусаломларнинг ўз насл-насаби ҳақидаги гаплари), икки томоннинг бир-бирини алдаши, пойлаши усули бор. Мазкур асарда персонажларнинг психологик дунёси, ички коллизиялари теран очилган. Шу маънода уни лирик комедия дейиш мумкин. Асардаги севги чизиғи ҳам бунга асос бўлади. Айни чоқда Саидмалик ва қисман Абдусалом образларини чизишда драматург сатирик бўёқлардан ҳам фойдаланади. Саидмалик кишини нафратлантирувчи образга айланган. Хуллас, асар жуда томошабоп, мафтункордир.

«Истамбул фожиаси» чуқур психологик асар. Унда имон, эътиқод, виждон, бурч, инсонийлик масаласи таҳлил этилади. Кутилмаган воқеа — Жалолнинг иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган укаси Искандарни Истамбулда учратиб қолиши шу ака-ука ва аканинг хотини қалбини, руҳий оламини очишга хизмат эттирилади. Учовининг алоқаси ҳам жуда чигал, мураккаб: Искандарни урушда ҳалок бўлган деб унга ёдгорликлар қўйилади, аслида у яраланиб, асирга тушиб ўзга юртларда хор-зор бўлиб, ватан куйида ўртаниб юради, шу Искандар туфайли Жалол амал пиллапоялардан юқорига кўтарилади, энди укасининг тириклигини кўриб, боши берк кўчага кириб қолади, хотини эса Искандарнинг тириклиги элга маълум бўлиб қолса, у туфайли оила топган бахтдан ажралиб қолишади деб қайғуради — булар асарни драматик изга солади, унинг устига Искандар Саодатни севар эди ва ҳозир ҳам севади, Жалол уни тортиб олган эди ва Саодат эса Жалол позициясини ҳимоя қилади, бу яна вазиятни таранглаштиради. Драматург Искандарнинг бошидан шунча оғир синовлар ўтса-да, эътиқоди мустаҳкам, виждони пок, чин инсонлигича қолганини намойиш қилишга диққат қилади. Акаси ва суюқлиси билан учрашув унинг шу инсоний туйғуларини очишга хизмат қилади. Жалол ва Саодатга келганда, муаллиф шу ўта қалтис учрашув жараёнида

улар онги, қалбида буюк бурилиш юз бериши, виждон амрига бўйсуниб, ўтмишдаги хато, жиноят, фирромлик, манфаатпарастлик, шахсиятпарастлик иллатларидан фориг бўлишларини акс эттиради. Гарчанд Жалоллар фожиасининг бош сабабчиси машғум уруш деб кўрсатилса-да, аслида Жалол характерида ҳам адолатсизлик илдизлари бор эди, уруш ва турғунлик йиллари бунга қанот берди. Шундай қилиб, драматург ҳам инсон характери, ҳам замонни бир бутунликда таҳлил этиб, инсондаги замонни ва замондаги инсонни ҳаққоний кўрсатади.

80-йилларда, айниқса 1985 йилдан кейин жамиятимизда юз бера бошлаган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, республикамизнинг миллий мустақилликка эришиши Эркин Воҳидов илҳомига илҳом, журъатига журъат қўшди. Шоир энди истиқлолни мадҳ этиш билан овора бўлмади, аксинча, жамиятимизни ва одамларимизнинг баркамол бўлишига халақит берувчи иллатларни аямай фош этишга бел боғлади. «Девонаи ҳақгўй» туркумига кирган «Дарддошлик», «Қуролсизланиш», «Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин», «Эски ҳаммом, эски тос», «Уятчанлик», «Ажаб эрмас», «Денгиз ташлаб кетган кемалар» каби шеърлари, «Изтироб» деган каттагина публицистик китоби, «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» деган шеърый тўплами халқ, ватан тақдири билан куйиб-ёнган фидойи шоирнинг қалбифодасидир. Эркин Воҳидов «Бизга ўз ватани, халқига садоқатли, ўзга жаннатни эмас, балки ўз юртида жаннат бўлишини истаган, шу эзгу мақсад учун курашга ҳозир фидойилар керак», дейди. У юрак-юрагидан халқнинг уйғониши, ўзлигини таниши ва бирлашишини, ҳақиқат учун жонини тикиб курашиш кераклигини тарғиб қилади: «Фикрда инқилоб қилиш зарур», «Халқ эртанги куни яхшироқ бўлишини истаса, бирлашмоғи, уюшмоғи ва ҳақиқат учун курашмоғи керак», «энди бундай кўнувчанлик билан яшаш халқ ва ҳақ олдида катта гуноҳ» дейди. Шоирнинг кейинги ижоди мана шу инқилобий руҳ билан жозибалидир.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

(1941 йилда туғилган)

Абдулла Орипов ҳозирги замон ўзбек шеърятининг йирик вакилларида бири. 60-йилларда адабиётга кириб келган Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ўзбек шеърятини янги тўлқинни бошлаб бердилар. Абдулла Орипов ҳаётга, воқеликка ва инсонга, замонага янгича кўз, янгича нуқтаи назардан қаради ва шу туфайли илк шеърдан ҳақиқат изловчи ижодкор сифатида кўрина бошлади. У ҳаётдаги гўзалликдан беҳад қувониб, хунукликдан қаттиқ изтиробга тушди, яхшиликни эҳтирос билан шарафлади, ёмонликни қаҳр-ғазаб билан танқид қилди. Бу муаммоларга Ватанни ва Инсонни севиш, ардоқлаш, баркамол қилиш нуқтаи назаридан ёндашди. Ватанини онаси каби улуғлади ва баркамол инсонни кўриш бир умрлик орзу-армониға айланди.

Абдулла Ориповнинг таржимаи ҳоли оддий, ўз тенгқурлариникидан фарқ қилмайди. Аммо у халқ таржимаи ҳолини ўзиникидай идрок қила олди, ўзини мураккаб ва ранг-баранг шу оламнинг, замоннинг бир фарзанди деб ҳис қила билди. Шунинг учун унинг руҳий таржимаи ҳоли ғоят бой, ранго-рангдир. Абдулла Орипов 1941 йилда Қашқадарё вилоятидаги Некўз қишлоғида дунёга келди. Бу қишлоқ қир ёнбағрида катта кенгликда жойлашган, баҳаво жой. Тунда кўкка қарасангиз юлдузлар қўлингиз стадигандай жуда яқинда ярқираб туради. Абдулла Орипов шеърларидаги кенглик, тиниқлик илдизлари шу ерда бўлса керак. Абдулланинг доно, очикқўнгил отаси узоқ йиллар қишлоққа раҳбарлик қилган жуда обрўли одам. Абдулла Орипов ўрта мактабни битиргач, Тошкентга келди ва дорилфунунни битирди. «Ёш гвардия» нашриётида, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррирлик қилди. «Шарқ юлдузи» журналида ишлади, «Гулхан» журнаliga бош муҳаррирлик қилди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига котиблик қилди. Ҳозир республика ёзувчилари ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ташкилотга раҳбарлик қилади. Абдулланинг биринчи шеъри

бўлмиш «Учқун» матбуотда 1957 йили босилган, илк тўплами «Юлдузча» деб номланган, у 1965 йилда нашр этилган. Шундан кейин унинг деярли ҳар йили битта шеърий китоби нашр этилди («Онажоним», «Юртим шамоли», «Ўзбекистон», «Юзма юз», «Йиллар армони», «Ишонч кўприклари», «Ҳаж дафтари»...). Дантенинг Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган «Илоҳий комедия»си маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган. Абдулла Орипов халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонган, унинг қалбидан мустаҳкам ўрин олган етук сўз санъаткори даражасига кўтарилган ижодкордир. Шу тўфайли у қатор мукофотлар совриндоридир (жумладан Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти), «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонларга сазовор бўлган. У мустақил Ўзбекистон Республикаси мадҳиясининг — гимнининг муаллифидир.

Адабиёт майдонига қадам қўйган одам ижодкор масъулиятини, халқ, жамият ва тарих олдидаги бурчини, вазифасини қандай тушунади, қайси йўлдан боради, қандай орзу-армонлари бор, имон-эътиқоди мустаҳкамми — ҳамма нарса шунга боғлиқ. Ижодкор талантининг камол топиши, бор имкониятини намоиш қилишнинг илдизи шу ерда. Абдулла Орипов шеъриятга илк қўйган қадамидан йўлини, идеалини тўғри белгилади. У дастлабки шеърларидан бошлаб ўз эстетик принципларини — ижод дастурини тўғри белгилади. «Учқун» (1957) шеърида:

Шалолодек бўлса шеърларим,
Ёғду сочса мисли аланга.
Сидқидил-ла қобил ўғилдек
Хизмат қилса элга, Ватанга.

У ўша пайтда «осмонларнинг ҳилоли» ё ёруғ юлдузи бўлишни орзу қилди. Ҳали 1962 йилда ёзган «Куз қўшиқлари» шеъридаёқ табиат ва инсон бирлиги, умр ва абдийлик, инсон умрининг қисқалиги хусусида кексалардек фикр юрита бошлади. Бу туйғуси ўзига эриш туюлади ва «Гарчанд йигит ёшим яшнаб турса ҳам, кексалик

қисматин ўйлайман шу дам», дейди ўша шеърида. Абдулла Орипов шу шеъридан 30 йил кейин бундай деб ёзди: «Дорилфунундаги бир учрашувда шундай бир савол тушган эдики, «Нима учун қарияларга ўхшаб шеър ёзасиз?» Мен энди нима қилай, шунақанги шеър ёзгим келганидан ўзимни айблайман. Ўзи руҳиятим шунақароқ, ҳайронман». Аслида бу унинг илк ижодидан туғила бошлаган теранлик, фалсафий идрок белгиси — фазилати эдиким, кейинча унинг ижодининг етакчи хусусиятига айланиб кетди.

Абдулла Орипов ижодининг бош мавзуси, асосий мумаммоси, бош хати деб Ватанини, халқини, инсонни ва ҳақиқатни куйлаш деб билди. «Ўйлардимки...» (1963) шеърида «Катта йўлга чиққанман» дейди ва дунёнинг улкан дардлари турганда майда икир-чикир туйғулар ва арзимас гаплар билан овора бўлишни қаттиқ қоралайди. «Адабиётда гражданлик мавзуси, ижтимоий тема ҳамма вақт асосий ўринда бўлиб келган. Бусиз халқ юраги, замон дилига кириб бўлмайди. Шу маънода Ватан мавзуси энг ижтимоий мавзулардан биридир», дейди шоир. Абдулла Орипов «Эҳтиёж фарзанди» номи билан нашр этилган мақолалар тўпламида (1988) шеър ва шоирлик сир-асрорини янада чуқур ва равшан очади. Унингча, шеър кучли ҳайратланиш, юксак завқ ёки қаттиқ қаҳр-ғазабдан, руҳий ташналиқдан, чексиз эҳтиёждан туғилади. Шеър тақдирини ўта самимийлик, юксак даражадаги соддалик, ҳаққонийлик, «тасвирда ҳаётийлик, психологик теранлик ва ишонарлилик», шоир услубининг бетакрорлиги ҳал қилади. Мумтоз адабиётни — Шарқ шеъриятини юракдан севадиган Абдулла Орипов «Классиклар ижодига хос бағрикенглик, руҳий бепоёнлик, жаҳоний дардкашлик ҳали кўп авлодларга маҳорат мактаби бўлажак», «Навоий ғазалларида (умуман Шарқ классик шеъриятида) ногаҳоний образлар, муқоясалар, фикр ўйинлари шунчалик кўпки, битта мисранинг ўзидаёқ уларнинг ҳаммасини топиш мумкин», дейди. Абдулла Орипов айниқса ижодкорнинг миллий тафаккурга эга бўлиши масаласини жуда жиддий кўяди. Жаҳон шеърияти шакли ва тасвирий во-

ситаларидан, образ яратиш йўлларида ўрганиш зарурлигини уқтиргани ҳолда «шарқона руҳий теранлик»ка эришиш кераклигини айтади. Абдулла Ориповнинг шоир ва шеър ҳақидаги мулоҳазалари шунчаки панд-насихат бўлмасдан, аввало унинг ўз ижодида рўёбга чиққан фазилатлардир, унинг ўзига хос услубий белгиларидир. Шоир шу тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташламоқда.

Албатта, Абдулла Орипов дарров ўзи юқорида айтганидек етук шоир бўлиб қолмади. У устозлар мактабидан ўқиб, баҳраманд бўлди (Навоий, Бобур, Фафур Фулом ва бошқалар), дастлаб уларга тақлид ҳам қилди, кейин ҳаёт ва инсон ҳақида мустақил фикрлайдиган ва уларни ўз нуқтаи назаридан «ўз сўзлари, бадиий воситалари орқали тушунтиришга ўтди, ўз овозини топди. Абдулла Орипов ижодида Фафур Фулом оҳанги, оламини тушунтириш тарзи жуда равшан сезилди, ҳатто устознинг образларини сезиб-сезмай қўллаб юборган чоғлари ҳам бўлди: Фафур Фулом «Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек Диана маъбудин ёқмоқ шарт эмас» деб ёзган бўлса, Абдулла «Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун юрт бузиш шарт эмас деган гап-ку рост» деб мисолга тортди. Фафур Фулом «Қишнинг гулдуросини кутиб ағрайма, карнай овозига ишқибоз кардек» деган бўлса, Абдулла «Бамисоли карнайга ишқи тушган қар, боқиб бу савдога ҳайрон ўсдик биз», деб ёзди. Фафур Фулом «Ҳаётимиз ҳали минг «Шоҳнома» бўлади» деса, Абдулла «Сенинг шавкатингни ёзаверса гар, «Шоҳнома» янглиғ бир дoston бўлгуси», дейди. Бу — ҳар қандай ижодкорнинг ўқувчилик даврида учрайдиган табиий ҳолдир. Абдулла Ориповнинг илк шеърларида ва ҳатто 80-йиллардаги айрим шеърларида воқеликни марксча-ленинча дунёқарашдан, коммунистик партия ва социалистик реализм ақидалари нуқтаи назаридан баҳолаш билан боғлиқ иллатлар бор эди. Бу — совет даври адабиёти учун қонуний тусга айланган ҳодиса бўлиб, ундан ҳоли ижодкор жуда кам топилар эди. Абдулла Орипов 1960 йилда ўтмиш ва ҳозирги замонни муқояса қилиб туриб, «Ва ул жаллод замон битган абадий («Пушкин»)

дейди. Ёки «Она сайёра» (1969) шеърида «Унинг қучоғи-да ғамдан йўқ нишон, у ерда тентимас иблис хаёли» дейди, «Юртим шамоли» шеърида «Фақат қайғулардан сен ўзинг ҳоли» дейди юртига. Ёки Америка туркумидаги шеърларида у ердаги ибратли, нурли томонларни қидириб ўтирмайди. «Ленин» шеърида мангулик тўғрисида фикр юритар экан, «дунёда собит нарса йўқ асло?», деб ҳайратга-таажжубга тушиб қолади», деб хулоса қилади. Абдулла коммунизмга ҳам самимий ишонган эди ва комил инсон ва адолатли тузум фақат шунда туғилса керак, деб умид қилган эди: «Фақат коммунизм — ул эзгу ният, инсонга софлигин берар қайтариб», «Унда мен ахтарган энг порлоқ инсон, унда мен истаган синмас ҳақиқат», дейди. Етмиш беш йиллик совет даври далолат берадики, жаллод замон ҳам, адолатсизлик ҳам, чексиз қайғу ҳасрат — ҳамма-ҳаммаси унда тўлиб-тошиб кетган эди. Коммунизмдан ҳам қайтилди. Абдулланинг бундай шеърлари кўп эмас эди. Борлари ҳам ўша муҳит, ўша давр одати бўйича ёзилиб келинган эди. Унинг ўзи кейинча «50-йилларда кўпчилик нима мавзуда, қайси шахс ҳақида шеър ёзган бўлса, мен ҳам ўша атрофида нималарнидир ёзаверганман», дейди. Ҳатто «Авлодларга мактуб» (1966) шеърида ижоддаги ёлғончиликка ишора қилиб, «Дўстлар жасоратин гоҳи-гоҳида бироз кўпиртириб ёзар эдик биз», деган эди. Аслида Абдулла Ориповнинг бу даврлардаги ва кейинги ижодида аччиқ ҳақиқатни айтиш бош фазилат эди. Шу туфайли у ғам-ғусса тўғрисида, номукамал инсон ва ғурбатли ҳаёт ҳақида кўп ва хўп ёзар эди, шу туфайли уни ғамгин шоир дейилар эди. Қайсидир танқидчилар уни ғамгин шоир эмаслигини таъкидлар ва исботлашга уринар эди (М. Қўшжонов Абдулла Ориповни баъзи бировлар мунгли шоир дегандек бўлардилар. Бизнинг назаримизда, Абдулла мунгли шоир эмас, балки унли шоир», дейди).

Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам бу таъна-танбеҳларни эшитиб, жим турмади. «Шоир» (1966) шеърида «қалбимга оламдан оқар оҳанглар», дейди, яъни шеърида қандай оҳанг, руҳ, кайфият, қандай дард бўлса, улар шу ташқи

оламнинг инъикосидир, инсон қалбининг акс-садосидир,
демоқчи:

Парво қилма, дўстим, эзилма сира,
Ғамгин кўшиқларни куйласа шоир.
Мисралари гарчанд маънос ва хира,
Лекин барчаси ҳам қалбига доир.

Абдулла Орипов ўз ижодидаги фожиавий руҳ илдизларини ҳам очиб беради. «Муҳаббат» (1965) шеърисида ўртоқлари шоирни ўртага олиб, унинг ғам-ғуссага тушишидан таажжубини айтишади», айтгин ахир, нима сенга етишмас, нима? деб сўрашади. Унинг уқтиришича, инсон шод, бахтиёр бўлса, ҳаётда фақат шодиёналикни кўради, дарди бўлса, ташқи дунёдаги ўз қалбига туташ ғам-аламни кўради. «Боқувчи кўзида ғам бўлмаса агар айтчи, ким порлоқ юлдузни ғамли деб айта олади?» («Пушкин»), ҳатто «Валий наздида ҳам бенурдир жаҳон магар ўз қалбида бўлмаса зиё» («Зиё»). Гап шундаки, Абдулла халқ дардини, юртининг ғам-ғуссасини, инсоният юрагидаги оғриқни ўзиники деб ҳис қилди. Унинг кўз ўнгида «Ғамлардан тўқилган шу кўҳна олам» туради, у «одамзоднинг дил ярасини санаб етолмайди охиригача» («Уйқу»), шу туфайли инсон учун минг оташда куйар эдим мен» дейди («Ўйларим»). «Муножот»ни эслаб» каби ўнлаб шеърлар ёзиб, инсон фожиаси, халқимиз тарихидаги фожиавий нуқталарни теран таҳлил қилади. У ўз асарларида ғам-алам дард-изтироб, мунг ва армоннинг кўплигини яхши билади. Паҳлавон Маҳмуд тили билан «Ҳаёт...», бунчалик фарёд айлама», дейди. Шоир одам ва олам фожеасини кўрсатиш орқали кишини руҳий тушкунликка солмоқчи эмас, йўқ, аксинча уни огоҳ қилмоқчи, қалб кўзини очмоқчи, уйғотмоқчи ва зулм, ёмонликка, адолатсизликка қарши курашга чақирмоқчи, сафарбар этмоқчи. «Балки ер юзида қолмас эди ғам, бундан ҳам ёруғроқ бўларди, дунё» деб комил инсон, инсонпарвар жамиятни орзу қилади. «Бўлармикан бу дунёда бир мурод ҳосил, тугалликка етишарми бирор кун жаҳон» ва «Сен қайдасан, покдомон зот, фидойи Инсон» деб ҳайқирин-

ши ҳам шундан. Йўқ, Абдулла фақат фожеани тасвирлаш билан банд бўлмади ва яхшилик, эзгулик, гўзалликни, ёруғликни излади, уларни меҳр-муҳаббат билан куйлади. «Гўзаллик» (1966) шеърида «Шундай гўзалларни яратмасанг гар қолиб кетармидик доимо ғамда» дейди ва бошқа бир шеърида «Кечаги ғамини ўйласа обдан, букчайиб қоларди бугун одамзод», дейди. «Арманистон» шеърида шундай ёзади:

Бахтни куйламакка анча моҳирман,
Ғамни куйламакка тилларим тугун.

Абдулла Орипов ижодига хос бош фазилат бор. Бу руҳий эркинлик, исёнкорликдир. Ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай янгилик, ҳар қандай талант, буюклик илдизи ҳурфикрликдир. «Дунёга сиғмаган буюклар ночор», деб бежиз ёзмаган Абдулланинг ўзи ҳам. Китобхонлар Абдулланинг ўша ҳурфикрли ва исёнкор руҳли шоир сифатида шеъриятга кириб келаётганлиги учун унинг илк асарларидан бошлаб севиб қолган эди. Турғунлик ҳукм сурган ва ҳар қандай йилт этган ҳурфикр қатағон қилинган ўша пайтларда Абдулланинг ҳаққоний шеърлари қувғин қилинар эди. «Дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билган тилла балиқча»ни — худбин, калтафаҳм ва жоҳил инсонни кўрсатувчи «Тилла балиқча» шеъри ёки «Минораи калон тепасидаги лайлак» шеърлари туфайли қандай маломатларга қолмади шоир. Лайлак ҳақидаги шеърида шоир ўзбекнинг ўзлигини билдирувчи кўллаб фазилатлар, миллий белгилар, миллий жозибалар суриб чиқарилиб, қандайдир белгисиз ҳолга келиб қолганлигига кинояомуз ишора қилади. «Ажаб қушнинг оёқлари ғўзага ўхшар, қанотлари эса унинг пахтадек оппоқ» бўлган лайлаккина қолганини тасвирлаб туриб, пахта яккахонлигига ҳам имо-ишора қилади. Ўзбек халқининг ер ости, ер усти бойликларини узоқ-узоқларга ташиб кетилаётганлигидан юраги алам билан ачишганини Абдулла Орипов «Совға» шеърида усталик билан ифодалаган эди ва шу туфайли бу шеъри учун ҳам у аччиқ таъналар эшитган эди. «Юзма-юз» шеърида

«Наҳотки дунёда ҳақсизлик мангу?» дейишгача борган шоир яна дейдики:

Халқим, мозий ўтди, тола кўрмадинг,
Пиширдинг, ўзингга бенасиб таом.
Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг,
Юлдузни кашф этиб ном олдинг: авом.

Шоир бу ерда ҳақиқий ҳолни борлигича ҳаққоний айтмоқда. Некрасов тўғрисида ёзар экан, яна қалбидаги армонни ифодалайди: «Озод бўлармикан нотавон Ватан?».

Унинг «Илғор ишчи ва чаққон мухбир қиссаси» деярли йигирма уч йилдан кейин матбуот юзини кўрди. Қўлмақўл тарқалган бу шеър ҳам босилмасдан туриб бўғизланган эди. «Биринчи муҳаббат» деган кашфиёт шеърини тазйиқ қилинишига қарамай халқ оғзидан туширмади, ҳатто кўшиқ қилиб айтиб юрди. Шундай шеърларидан бири бўлмиш «Муножот» ҳам кўшиққа айланиб кетди. Абдулланинг шеърлари ростгўй, қуйма, мусиқий, уларда инсоннинг руҳий ҳолати, кечинмаси, қалб тебранишлари изчил, манзарали тарзда тасвирланди. Шунинг учун улар осонгина чиройли кўшиққа айланади. У «Генетика» шеърида «ҳаққа ҳақиқатга ташна ўтдик биз» дейди. «Бир танишим ҳақида баллада» асарида шу «қомати дол эди бир оз» танишини таърифлаб туриб, «номи эса унинг Ҳақиқат эди», дейди. Абдулла Орипов ҳадеб шеърларини ҳибсга олинаврилганидан қалбидаги дард-аламни айтишнинг ҳар хил йўлларини қидирди, топди. Кўплаб ҳазил шеърлар, ҳангомалар ёзди, киноя, кесатиқлар, имо-ишоралардан фойдаланди, афсонавий сюжетлар воситасида дostonлар тўқиб, фикр-ғояларни олға сурди. Рамзийлик йўли кейинча умуман ҳозирги ўзбек шеърятининг муҳим усулларидан бирига айланиб кетди.

«Жаннатга йўл» драматик достонида Абдулла Орипов афсонавий сюжет асосида яхши одам ҳақидаги орзусини, ижодкор халқ манфаати учун, адолат учун, яхшилик учун ёмонликка, ёвузликка, адолатсизликка қарши фаол курашиши керак деган ғояни олға суради. Асарда шоир (Йигит) образи бор. У «Инсонларнинг руҳларига жа-

вобгардир», у ҳалол, пок яшабди, ўзгаларга ёрдам берибди-ю, аммо ёмонликка қарши курашмабди. Шу туфайли у дунёга борганда Жаннатга кириш учун умр бўйи йиққан савобига икки пайса етмай қолади, шунинг учун уни Жаннатга қўйишмайди. У ерда ота-онасига дуч келади, улар ўз савобларидан бермоқчи бўладилар. Йигит олмайди. «Инсон учун асли кураш экан-ку жоиз, ҳа, дўзахи эканман мен, ўзимдан кўрдим», деб тақдирига тан беради. Бир дўстига ҳам икки пайса савоб етмас экан, улар бир-бирларига ўз савобларидан бермоқчи бўладилар. Икки дўстнинг садоқатини кузатиб турган парвардигор икки дўстнинг ҳам Жаннатга киришига йўл беради. Абдулла Орипов «Жаннатга йўл»да ҳам ҳасадгўй образини чизган эди. «Ҳаким ва ажал»да даҳо ва ҳасадгўй масаласига маҳсус тўхталди. Ибн Сино ҳаёти асос қилиб олинган бу дostonда ҳасадгўйни — Мирзони қаҳр-ғазаб билан фош этади:

Айт-чи энди, қай биримиз йиқилган, йиққан?
Қани мени енгиб кўр-чи, ажал мен ўзим.
Мен — иблисман, одамларнинг ўзидан чиққан,
Сен закосан, йўқдир сени кўрарга кўзим.

Дарвоқе, Абдулла Орипов шеърояти кўп овозли, кўп оҳангли. Шоирни ҳар хил ҳолатда, ҳар хил кайфиятда кўриш мумкин. Ўзбекистондек дунёда ягона юрти ва ўзбек халқидек мушфиқ, меҳрибон, меҳнаткаш, қўли очиқ, пок, сахий, танти суянчиғи борлигидан ғурури-сурури оламга сиғмаган пайтини, олам сирларининг, жумбоқларининг кўплигидан, одам сийрати ва суратининг мураккаблигидан лол қолганини, ҳаётнинг, умрнинг бевафо ва бебақолигидан чуқур изтиробга тушган ва ниҳоясиз ўйга чўмган онларини, одамлар ёмонлиги, ифлослиги, носамимийлигидан қаҳр-ғазаби кўкка сиғмаган чоғини, ҳатто дунёдан ва дўстларидан қўл силташгача борган онини (бунинг ўткинчи ҳолат эканини ўзи сезади ҳам) ва олий туйғу муҳаббатнинг оромбахш қийноқларида ўзини фариштадек сезганини кузатиш мумкин. Шоир инсонларнинг юриш-туришларидаги, муносабатларидаги,

қалби ва онгидаги, кайфиятидаги турли-туман ҳолатларни, рангларни, чизиқларни теран илғаб олади, уларни аниқлаб исм беради, номлайди. «Онамга хат» шеърисида «Юрагимда исмсиз дардлар» деган сатр бор, бошқа бир шеърисида «Яшайсан номи йўқ бир дардга тўлиб» ва «Сиздан нима кетди» шеърисида «Қандай номсиз меҳр, исмсиз нафрат?» дейди. Бу шунчаки шоирона лутф эмас (Тўғри, турғунлик даврида ўша дардни била туриб, очиқ айта олмас эди). Унинг ўнлаб шеърларига эътибор берилса, бирор ҳаётий ва инсоний белгини кашф этиб, унга ном бериб кишини лол қолдирганига амин бўлиш мумкин. Ахир бирлашмаслик, уюшмаслик, маҳаллийчилик, иллатимизни сезиб, унга «оломон» деб ном беради («Қачон халқ бўласан, эй, сен — оломон?»). Ҳиссиз, меҳрсиз, тошюрак, манқурт одамларни «Темир одам» деган Абдулла Орипов эмасмиди? Жумҳуриятимизда она тилига нисбатан бемеҳрлик, камситиш авж олаётганини кўрган шоир 1965 йилда ёзган бир шеърисида бу ҳолни тўтилик деб таърифлайди ва она тилидан ажралиб қолса бир «тўти бўлиб қолажани» алам билан гапирди. Нима учун Ўзбекистонни севасан, деган саволга кутилмаган ва энг тўғри жавобни беради: ажойиб халқи борлиги учун чексиз севади ва бойлиги, гўзаллиги учун суйганларни инсон қаторига қўшмайди. Шоирнинг «Дорбоз», «Биринчи муҳаббатим», «Маломат тошлари», «Генетика» каби шеърлари худди шу тахлитдадир. Унинг «Ўзбекистон», «Онажон», «Онамга хат» шеърлари — Ўзбекистон ва она, аёлни юксак маҳорат билан улуғлаган бу асарлар ўзбек шеърятининг дурдоналаридан бўлиб қолди.

Абдулла Ориповнинг кейинги ўн йилликлари, тўғрироғи, мамлакатда қайта қуриш шабадалари эса бошлаган ва айниқса республикамиз мустақилликка эришдан кейинги даврдаги ижодида эркинлик руҳи янада баралла жаранглади. У ҳақиқатни дадил, тортинмай айта бошлади, илгариги йиллардаги ҳадиксираш, қимтиниш йўқ эди. У энди жуда кўп воқеалар, кулфатлар, ўзгаришларнинг гувоҳидек — катта руҳий тажрибасига суяниб сўзлади. Шунинг учун шеърларида («Мингга киргандайсан ўзинг ҳам

гўё» дейди) сабоқли гаплар, яссавийнома насиҳатлар, машрабнома юксак, кутилмаган образлар, чуқур ўй-мушоҳадалар, қуйма, мақолнома иборалар вазни ошди. Аввалги севиб куйланган Ватан, Она, Аёл, баркамол инсон, поклик, самимийлик, муҳаббат, яхшилик мавзуларини яна давом эттирди. Ёмонликка қарши кескин, дадил кураша бошлади. Унинг устига Абдулла Орипов «Жаннатга йўл» драматик достони ва яна ўнлаб шеърларида намоён бўлганидек, ислом ақидаларига, ислом маданиятига, Қуръони карим, пайғамбаримиз ҳадисларидан яқиндан хабардордир. Юртимизда диний эътиқодларга эркинлик берилгандан кейин ислом маданиятини, айниқса, Қуръони каримни, ҳадисларни ўқиш-ўрганиш учун кенг йўл очилди. Шу жумладан ижодкорлар ҳам исломнинг инсонни баркамол қилишга ва ҳақ йўлига йўналтиришга, жамиятни инсонпарвар қилишга хизмат этадиган барча йўл-йўриқларини ўрганиш, истеъфода қилишга киришдилар. Абдулла Орипов ҳатто ҳажга бориб келди. «Ҳаж дафтари» (1992) шеърлар тўпламини нашр эттирди. «Маккаи мукаррамага борганимнинг дастлабки кунда Каъбатуллоҳда — Оллоҳ уйи ёнида тунни бедор ўтказиб, тиловат билан бир қаторда байтлар ёза бошладим, — дейди Абдулла Ориповнинг ўзи. — Мен бу ҳолатга аввалдан бирмунча тайёр бўлганим сабаблими, сатрларим ўз-ўзидан қуйилиб келавердилар. Шеърий ҳадисларимнинг барчаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом суҳанлари билан бевосита боғлиқ эди». Йўқ, Абдулла Орипов пайғамбаримиз ҳадисларини шунчаки шеърга солиш билан овора бўлгани йўқ, аксинча, уларга суяниб туриб ва уларни дастак этиб туриб, ўзининг аввалдан қизиқиб келган муаммолари — баркамол инсон ва пок жамият ҳақидаги қарашларини ифодалади. «Шайтон» деган шеърисида иймон бутунлигини ҳимоя қилади: «Заҳмат етказолмас Шайтон ва лекин, кимнинг бутун бўлса иймони», «Қиёмат» шеърисида «дунёда инсоф, диёнат қолмаган ва кунинг нопок одамларга қолганда қиёмат бўлади», дейди.

Абдулла Орипов адабиётимиз равнақиға катта улушини қўшаётган шоирдир. Ўзбек адабиётининг узоқ, мурак-

каб ва сермазмун тарихи шундан далолат бериб турибдики, у одамлар орасида изчил равишда яхшилик уруғини сепаиб, ёмонликка қарши курашиб келди. Унинг марказида инсон, уни бахтиёр этиш истаги, чин инсонпарварлик ғояси турди, ватанга садоқат, фозил шаҳар, фозил мамлакат, одил ҳукмдор ва баркамол инсон орзу-армони турди. У доим зулм, золимларни, тенгсизликни, адолатсизликни, рижкорликни, мунофиқликни, ноҳақликни, жаҳолатни қоралаб, унга қарши курашиб келди. Меҳнатсеварлик, поклик, сахийлик, илмсеварлик, ҳалоллик, дўстлик, тинчлик, вафо-садоқат, меҳр-оқибат, сабр-тоқат ғояларини олға сурди. Мазкур ғояларни ўтказишда Қуръон ва ҳадислар ҳамда тасаввуф жуда катта ёрдам берди. Яссавийлик, айниқса нақшбандийлик тариқати, Хақ васлига етиш йўлларини кўрсатиш орқали инсонни ҳалол, пок яшашга, ўз меҳнати, ўз қўли кучи билан кун кечиришга, мол-дунёга ҳирс қўймасликка, ўз ватани ва инсонни севишга, тинч-тотув яшашга, сабр-тоқатли бўлишга даъват этди.

Ўзбек мумтоз адабиётининг ғоявий анъаналари, шеъриятда орттирган, йиққан тажрибалари, бадиият мактаби XX аср ўзбек адабиётининг дунёга келишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат этди. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти ўз бошидан бир-бирдан мушкул кунларни кечирди: ҳақиқат, адолат, озодлик ва миллий мустақиллик ғоялари учун курашган, шеъриятимизнинг халқ ҳаётига янада яқинлаштирган драматургия ва роман жанрларини яратган Беҳбудий, Ҳамза, Авлоний, Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон каби ўнлаб ижодкорлар ноҳақлик қурбони бўлдилар. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти етмиш йилча коммунистик партия мафқураси, социалистик реализм қонун-қоидалари исканжасида бўғилиб келди. Шунга қарамай, у ўнлаб ўзига хос, бетакрор қалам соҳибларини берди ва улар халқимизга руҳий мададкор бўлдилар. Республикамиз миллий мустақилликка эришгач, ёзувчиларимиз эркин ижод этиш бахтига эришдилар. Энди адабиётимиз халқимизнинг ўзлигини танишига кўмаклашмоқда, ўз ўтмиши, ўз ватанига бўлган чексиз муҳаббатни эҳтирос

билан куйламоқда, бахтиёр ҳаёт, баркамол инсон ва фозил мамлакат, одил жамият қуриш орзу-армонларини ишонч ва умид билан ифодаламоқда.

ТОҲИР МАЛИК
(1946 йилда туғилган)

Тоҳир Малик ҳозирги замон ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири. У ўзининг қатор асарлари билан ўзбек фантастик адабиёти тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳар бир асари адабиётда воқеа сифатида кутиб олинди. «Заҳарли ғубор», «Сомон йўли элчилари», «Чорраҳадаги одамлар», «Фалак» ва бошқа фантастик асарлари ўзбек китобхонларининг сеvimли китобларига айланган. Тоҳир Малик ўз асарларида саргузашт унсурларидан бадииятнинг ажралмас қисми сифатида фойдаланади. Саргузашт унсурлари кўпроқ инсон руҳиятининг турли-туман товланишларини, қирраларини тасвирлаш учун хизмат қилади. У ўзининг дастлабки ҳикоялариданоқ инсон оламининг мураккаблиklarини синчковлик билан ўрганишга интилади.

Тоҳир Малик Тошкент Давлат Университети журналистика факультетининг кечки бўлимида таҳсил олар экан, кундузлари ўзининг бўлажак қаҳрамонлари билан қурилишда оддий қурувчи бўлиб ишлади, кейинчалик мактабда ўқитувчилик қилди. Ёзувчи газета-журнал таҳририятларида муҳбирлик қиладими, муҳаррир бўлиб ишлайдими, қаерда бўлмасин, кишиларнинг руҳий олами билан хатти-ҳаракати ўртасидаги мантиқий боғлиқликни топишга ҳаракат қилди. Китобхонлар унинг ҳар бир асарини интиқлик билан кута бошладилар.

Герберт Уэллс, Жюль Верн, Алексей Толстой, Александр Беляев каби фантастик ёзувчиларнинг асарлари кишиларнинг маънавиятини шакллантиришда, жамиятнинг тараққиётини тезлатишда муҳим аҳамиятга моликлигидан ташқари илмий фикрларнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатгани маълум.

Одатда, фантастика жанридаги асарларда адиб илмнинг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда унинг кейинги тараққиёти натижаларини тасаввур кучи билан кўрсатишга ҳаракат қилади. Лекин бундай асарларда ҳам образлар тасвирида уларнинг ҳаётий ва таъсирчан тасвирланиши муҳим аҳамият касб этади.

Тоҳир Маликнинг «Фалак» фантастик қиссасида профессор Жаҳонгир Алиев яратган элаллома ускунаси — ўликларнинг хотирасини тиклай оладиган электрон машина ёрдамида замондошларимизнинг бундан беш асарлар олдин ўтган аجدодлар маънавиятига қилган сафари акс эттирилади. Мирзо Улуғбек, Абдулваҳоб, Қамарилдин, муфти, Жамшид сингари мураккаб тақдирли шахсларнинг руҳий дунёси, Шамсибек ва Маҳфуза каби покиза инсонларнинг ҳаёти акс эттирилган. Аслида, улар ўлик бўлса-да, маънавий оламининг беғуборлиги туфайли кўпчилик тирикларга қараганда ҳам китобхонлар қалбида жой олади. Шахсий манфаат ва худбинлик қонқонига сингиб кетган кимсалар билан эл-юрт манфаати учун куйиб-пишган олижаноб инсонлар ўртасидаги зиддият жонли лавҳаларда ўз ифодасини топган. Асардаги фантастик унсурлар ўқувчини дадил фаразлар сари етаклайди.

Адибнинг «Чархпалак», «Алвидо, болалик», «Сўнгги ўқ» асарлари адабиётимизда муайян ўринни эгаллади. «Сўнгги ўқ» қиссаси асосида суратга олинган етти қисмли видеофильм кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Асарда тасвирланган яқин кечмишимиздаги мураккаб ва мушкул воқеалар, оғир манзаралар тасвири китобхон қалбини ларзага солмай қўймайди. Туҳмат ва ноҳақлик қурбонларининг аянчли қисмати «Ов» қиссаси ва «Эркин» ҳикоясида ҳам мантиқан давом этади. «Халқ душмани» дея туҳмат қилинган отасининг ҳақлигини ўн етти яшар Эркин яхши англайди. Қамоқхонанинг темир эшиклари ортида у мураккаб ўйлар исканжасида кечалари тўлғаниб чиқади. Ва ниҳоят «чарм курткали одам»нинг бир оҳангдаги бетиним саволларига, ашаддий қийноқларига унинг асаблари дош беролмай қолади... «Ақл-хушини йўқотган Эр-

кин билагини шартта-шартта тишлаб ташлади. Томиридан отилган илиқ қон юзига тегиб, кўнгли беҳузур бўлди. Кўз олдидаги дарёда қон мавж урди. Мавжлар устида қамоқхона, қамоқхона ичида Эркин чайқалди. Чайқала-чайқала ҳушидан кетди».

Эркин жонидан кечиб бўлса-да, отасининг хотирасини пок сақлади, руҳини эъозлади.

«Шайтанат» қиссасидаги тақдири бири-бирига ўхшамаган, қиёфаси-ю феълу атвори, дунёқарашлари бири-биридан тубдан фарқ қилувчи «Шайтанат» оламининг вакиллари гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона ўзаро кураш олиб борадилар.

Ҳатто аламзадалик туфайли бешафқатлик кўчасига кирган Асадбек вақт-вақти билан энг оддий инсон, аиниқса, хасталикка чалинганида эса ожиз банда сифатида намоён бўлади. Ёзувчи ҳар бир образнинг энг нозик қирраларини топа билди. Шу боисдан ҳам 4 китобдан иборат «Шайтанат» қиссаси яқин ўтмишдаги воқелигимиз сифатида китобхонга кучли таъсир этади, қанча-қанча кишиларни турмушнинг «ўнқир-чўнқирлари»дан сақлашда сергаклантиради.

Қисса Тоҳир Малик истеъдодининг серқирра йўналишларини ифода этувчи чинакам бадиий асар сифатида адабиётимиздан муносиб ўрин эгаллади.

Тоҳир Малик хайрли ишга қўл урган. У ўтмиш ҳаётимизнинг қат-қатларини варақлаб, ҳақиқат илдизларини топишга интилаётган ёзувчи. «Халқ ўзининг асл фарзандларини юракдан юлиб ташлашларига йўқ қўймайди. Қодирийни, Чўлпонни, Фитратни... душман деб ишонтиришга ҳаракат қилдилар. Халқ ишонмади бу туҳматга. Бу фарзандларига бўлган меҳр, ишонч авлоддан авлодга ўтди... Уларга ачиниш эмас, улар билан ФАХРЛАНИШИМИЗ зарур. Фақат ночор одамларгагина ачинадилар. Бечора, яъни чораси йўқ, чорасиз дейдилар. Улар бечора эмас, улар БУЮК эдилар. Биз уларнинг қамалганлари, отилганлари учунгина эъзоз этмаймиз. Қамалганлар, отилганлар кўп. Биз Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Ғози Юнус... ларни буюк истеъдод эгалари

бўлганлари учун бошимизга кўтарамиз. Ана шу буюк истеъдодларни халққа, айниқса, ёшларга билдириш, тунтириш бизнинг бурчимиз», — деб ёзади адиб «Кундаликдан саҳифалар»ида.

Чиндан ҳам, Тоҳир Малик замондошлар қалбига йўл топиб, уларнинг теран оламини забт этаётган ижодкордир.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
----------------	---

Биринчи бўлим

ЎЗБЕК ТИЛИ

I боб. Тил — ижтимоий ҳодиса	6
1-§. Дунё тиллари	7
2-§. Ўзбекистондаги миллий тиллар	10
Адабиёт	12
II боб. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида	12
Адабиёт	25
III боб. Ҳозирги ўзбек адабий тили — Ўзбекистон Республикасининг давлат тили	26
Адабиёт	41
IV боб. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Сўзлашув нутқи ва шевалари	41
1-§. Ўзбек адабий тили	41
2-§. Шева нутқи	44
3-§. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг бўлимлари	46
I. Фонетика	47
а) Нутқ аъзолари ва фонемалар	47
б) Фонетик қонуният ва ҳодисалар	48
в) Бўгин	51
г) Ургу	52
д) Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари	53
е) Ёзув ва унинг тарихи	56
ё) Латин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси	60
ж) Имло	62

Адабиёт	77
2. Лексикология ва лексикография	77
а) Ўзбек тили сўз бойлиги	77
б) Луғатшунослик	81
в) Атамашунослик муаммолари	83
Адабиёт	103
3. Грамматика	104
а) Морфология	104
б) Синтаксис ҳақида умумий тушунча	111
в) Тиниш белгиларининг қўлланиши	112
Адабиёт	121
V боб. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзма услуби ҳақида	122
1-§. Услуб ва унинг турлари	122
2-§. Ёзма нутқ услубини яратувчи воситалар	138
а) Лексик воситалар	140
б) Морфологик воситалар	147
в) Синтактик воситалар	148
г) Фонетик воситалар	154
д) Синонимия	157
е) Экстралингвистик воситалар	158
3-§. Ёзма нутқ услубининг меъёрлари	158
4-§. Ўзбек тили ёзма нутқ услубининг шаклланиши	161
Адабиёт	163
VI боб. Муншаот	164
Ўзбек тилида иш юритиш ҳужжатлари ҳақида	164
Ҳужжатларнинг мақсадга қўра турлари	167
Ҳужжатларга қўйилган талаблар	168
Ҳужжатларнинг тузилиши	169
Ҳужжатларнинг шакли	179
Ҳужжатларнинг тили ва услуби	179
Адабиёт	182

Иккинчи бўлим

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ	183
I боб. Адабиёт — маънавият кўзгуси	183
1. Мумтоз ўзбек адабиёти	183
2. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти	185
3. Мустақиллик даври адабиёти	191
II боб. Маърифат ва маънавият тарғиботчилари	193
Аҳмад Яссавий	193

Алишер Навоий	198
Заҳириддин Муҳаммад Бобур	210
Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат	216
Маҳмудхўжа Бехбудий	224
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	235
Фитрат	241
Абдулла Қодирий	256
Чўлпон	278
Ойбек	292
Ғафур Ғулум	299
Абдулла Қаҳҳор	309
Эркин Воҳидов	319
Абдулла Орипов	332
Тоҳир Малик	344

Ғани Абдурахмонов, Салоҳиддин Мамажонов

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Муҳаррир Г. Каримова
Бадий муҳаррир Ҳ. Меҳмонов
Техник муҳаррир У. Ким
Мусахҳиҳ С. Абдувалиева
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Теришга берилди 30.11.2001. Босишга рухсат этилди 14.11.2002.
Бичими 84x108/32 «Таймс» гарнитурда офсет босма усулида босилди.
Шартли бос.т. 18,48. Нашр т. 18,20. 2000 нусхада чоп этилди.
Буюртма № 102. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 196-2001.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 1-босмаҳонасида
босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.

- А 15 **Абдурахмонов Ф., Мамажонов С.**
Ўзбек тили ва адабиёти: Олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган нофилологик гуруҳ талабалари учун дарслик.— Т.: Ўзбекистон, 2002, 352 б.
I. Автордош

ISBN 5-640-03005-4

Дарсликда ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши, янги ўзбек алифбоси, имлоси, тиниш белгиларини тўғри қўллаш қоидалари, ўзбек адабий тили талаффуз меъёрлари, шунингдек адабий тилнинг услуб турлари, расмий ҳужжатларни тузиш қоидалари ва намуналар берилган.

Дарсликнинг адабиётга оид бўлими биринчи қисмида мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиёти, миллий мустақиллик даври адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, йўналишлари ва ғоялари ҳақида маълумот берилган. Иккинчи қисмида эса мазкур даврларда яшаган ва ижод этган ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижоди таҳлил қилинган.

81. 2Уэ-923+83.3(5Ў)я 73

131-2002
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

А $\frac{4602000000 - 129}{M 351 (04) 2001}$ - 2002